К.Б. УРАЗОВ, М.Э. ПЎЛАТОВ

САМАРҚАНД
ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИНИНГ
90-ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА
БАҒИШЛАНАДИ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институтининг
90-йиллик юбилейига
бағишланади

К. Б. УРАЗОВ, М. Э. ПЎЛАТОВ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан талабалар учун дарслик сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ – 2021

УЎК: 336.74 (575.1)
КБК 65.052я7
У 62

К. Б. Уразов, М. Э. Пўлатов. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021. 560 бет.

ISBN 978-9943-7670–6–5

Дарсликда бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари, корхоналарда активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар, харажатлар, молиявий натижалар кўрсаткичлари ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш тартиблари ёритилган. Шунингдек, унда бошқарув ҳисобини ташкил этиш, бош бюджет ва алоҳида олинган кўрсаткичлар бюджетларини тузиш, сотиш баҳоларини шакллантириш усуллари ҳамда сегментар ҳисоботни тузиш тартиблари очиб берилган.

Олий ўқув юртларида 5230100-«Иқтисодиёт», 5230200-«Менежмент», 5230300-«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш», 5230400-«Маркетинг» таълим йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган.

УЎК: 336.74 (575.1)
КБК 28.0

Нашр учун масъул: и.ф.д., профессор – М.Қ.Пардаев

Тақризчилар:
А.И. Аликулов – иқтисод фанлари доктори, доцент (Сам ВТИ);
С.Н. Ташназаров – иқтисод фанлари доктори, доцент (СамИСИ).

ISBN 978-9943-7670–6–5

© «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021.

КИРИШ

Мамлакатимизда 2017-2021 йилларда иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларини модернизациялаш, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясига[1] мувофиқ Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2909-сон қарори билан олий таълим тизимини янада ривожлантириш давлат дастури қабул қилинди. Мазкур давлат дастурининг бош мақсади бўлиб республикамизда замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Ушбу устувор мақсад бевосита 5230100-«Иқтисодиёт», 5230200-»Менежмент», 5230300-«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш», 5230400-«Маркетинг» таълим йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлашга ҳам даҳлдордир. Ушбу таълим йўналишлари бўйича тайёрланаётган кадрлар мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг маъно-моҳиятини англаши, улар турли мулк шаклидаги ва ташкилий-ҳуқуқий мақомдаги хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи буйича чуқур назарий билимларга ва амалий кўникмаларга эга бўлиши зарур. Айнан шу максадга эришиш учун юқорида номлари қайд этилган таълим йўналишлари бўйича таҳсил олаётган бакалаврлар учун «Бухгалтерия ҳисоби» фанини ўрганиш кўзда тутилган.

«Бухгалтерия ҳисоби» фаннинг асосий мақсади бўлиб талабаларга корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг назарий ва ташкил этиш асослари, уларнинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари, харажатлари, солиқ тўловлари, якуний молиявий натижаларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришнинг халқаро ва миллий тартиб-қоидаларига доир назарий билимларни бериш ҳамда уларда амалий кўникмаларни ҳосил қилиш ҳисобланади.

«Бухгалтерия ҳисоби» фанининг ўқув дастури ўз ичига 13 та мавзуни олади. Дарсликда фаннинг ўқув дастурида кўзда тутилган барча мавзулар қамраб олинган.

Дарслик ўз ичига учта бўлим ва 23 та бобни олган. Унинг «Бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари» номли 1- бўлими тўртта

[1] «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси».Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 4947-сон фармони билан тасдиқланган

AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 64293

бобдан иборат. Ушбу бобларда ҳўжалик ҳисоби тушунчаси, унинг турлари моҳияти ва фарқли жиҳатлари, бухгалтерия ҳисобининг моҳияти, унинг таркибий қисмлари, улар ўртасидаги тафовутлар, бухгалтерия ҳисобининг предметини ташкил қилувчи объектлар, чунончи, хўжалик жараёнлари, хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари таснифи ва таснифи, бухгалтерия ҳисобининг методи ва уни ташкил қилувчи усуллар моҳияти очиб берилган. Шунингдек,, ушбу бўлимда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий асослари ёритилган.

Дарсликнинг «Молиявий ҳисоб» деб номланган иккинчи бўлими 13 та бобдан иборат. Ушбу бобларда корхоналарда пул маблағлари ва ҳисоб–китоблар, асосий воситалар ва номоддий активлар, инвестициялар, материаллар, меҳнат ва иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар, харажатлар, маҳсулот, товар (иш, хизмат)лар ва уларни сотиш, хусусий капитал, солиқ тўловлари ва молиявий натижалар ҳисобини юритиш, шунингдек, молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш тартиблари очиб берилган.

Дарсликнинг «Бошқарув ҳисоби» учинчи бўлими 6 та бобдан иборат бўлиб, уларда бошқарув ҳисобининг предмети ва усуллари, уни ташкил қилиш асослари ёритилган. Ушбу бўлимда алоҳида эътибор харажатларни бошқарув мақсадларида туркумлаш, уларни жавобгарлик марказлари бўйича назорат қилиш, маҳсулот таннархини турли усулларда калькуляция қилиш, улар ҳисобини директ-костинг ва стандарт-кост тизимлари асосида юритиш хусусиятларига қаратилган. Шунингдек,, мазкур бўлимда корхоналар фаолияти асосий кўрсаткичларини бюджетлаштириш, баҳоларни шакллантириш, улар бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш, сегментар ҳисоботни тузиш тартиблари ёритилган.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» ПҚ-2909-сон қарорида кўрсатиб ўтилган янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва уларни олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш вазифаларидан келиб чиқиб, замонавий инновацион педагогик технологиялар асосида тайёрланган. Чунончи, унга кирган ҳар бир маъруза охирида таянч атамаларнинг қисқача таърифи ва тавсифи, назорат саволлари, тест-савол-жавоблари, хўжалик ситуациялари келтирилган. Ушбу саволлар ва тестларга тўғри жавобларни топиш, хўжалик ситуацияларида келтирилган холатлардан тўғрисини танлаш,

табиий равишда, талабаларга фан бўйича ўз билимларини янада мустаҳкамлашга имкон беради.

Дарслик Олий ўқув юртларида 5230100-«Иқтисодиёт», 5230200-«Менежмент», 5230300-«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш», 5230400-«Маркетинг» таълим йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган. Шунингдек, ундан иқтисодиётга оид бошқа таълим йўналишларида ўқиётган талабалар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Муаллифлар китоб учун билдирилган фикр-мулоҳазалар учун олдиндан ўз миннатдорчилигини билдириб қоладилар.

1-бўлим.
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

I боб. Бухгалтерия ҳисобига кириш

II боб. Бухгалтерия ҳисобининг предмети ва объектлари

III боб. Бухгалтерия ҳисобининг методи, усуллари ва тамойиллари

IY боб. Корхоналар ҳисоб сиёсати

I БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИГА КИРИШ

1.1. Хўжалик ҳисоби тушунчаси, функциялари ва унга қўйилган талаблар

«Хўжалик ҳисоби» атамаси негизида, кўриниб турибдики, «хўжалик» ва «ҳисоб» сўзлари ётади.

«Хўжалик» деганда маълум мақсадларга йўналтирилган, ўзининг базиси ва устқурмасига эга бўлган субъектлар тушунилади. Хўжалик сифатида қараладиган субъектлар бўлиб бир бутун мамлакатнинг ўзи, унинг турли таркибий бўлинмалари, чунончи вазирликлар, идоралар, кўмиталар, агентликлар, бирлашмалар, шунингдек, барча корхона, ташкилот ва муассасалар ҳисобланади.

«Ҳисоб» – бу иқтисодиётнинг турли бўғинларида юз берган ва бераётган ҳодиса ва жараёнлар, уларнинг натижалари, хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари ва маблағларни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш ва узатиш тизими.

Хўжалик ҳисобининг бошқарувда тутган ўрни ва аҳамияти у томонидан бажариладиган ахборот бериш ва назорат қилиш функцияларида ёрқин намоён бўлади.

Ҳисобнинг асосий маҳсули бўлиб ахборот, ҳисоб юритишнинг асосий мақсади бўлиб, бу ахборотларни аниқ, тўлиқ ва ўз вақтида йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш ва фойдаланувчиларга етказиб бериш ҳисобланади. Айнан хўжалик ҳисоби берадиган ахборотлар иқтисодиётнинг барча бўғинларини стратегик ва тактик бошқариш воситаси, ўтказиладиган иқтисодий таҳлил ва аудитнинг асосий манбаи, назорат қилиш қуроли ҳисобланади.

Фойдаланувчиларга бериладиган ахборотлар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- **реаллик** – бериладиган ахборотларни аниқлиги ва гувоҳлик берувчи ҳужжатлар билан тасдиқланганлиги;
- **ўз вақтидалилик** – ахборотларни фойдаланувчиларга керакли вақтда етказиш;
- **батафсиллик** – ахборотларни фойдаланувчиларга уларнинг талабларини қониқтирадиган мазмунда бериш;
- **нейтраллик** – ахборотларни фойдаланувчиларга бир-бирини ҳуқуқларига путур етказмасдан бериш.

Назорат – бу юз берган, бераётган ва берадиган ҳодиса ва жараёнларни қонунийлиги, ҳаққонийлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш. Хўжалик ҳисоби томонидан олиб бориладиган назорат асосан учта турга бўлинади:

- Дастлабки назорат;
- Жорий назорат;
- Кейинги назорат.

Дастлабки назорат – хўжаликда юз берган ва бераётган ҳодиса ва операцияларни қонунийлиги, улар бўйича тайёрланган бошланғич ҳужжатларни тўғрилигини уларни имзолаш чоғида текшириш.

Жорий назорат – юз берган жараён ва операцияларни улар бўйича тузилган ҳисоботларни қабул қилиш чоғида текшириш.

Кейинги назорат – хўжаликда юз берган жараён ва операцияларни, маблағлар ҳолатини инвентаризация қилиш, тафтиш ўтказиш, таққослама далолатномаларни тузиш йўллари билан текшириш.

1.2. Хўжалик ҳисобининг турлари ва тавсифи

Ахборот бериш ва назорат қилиш воситаси ҳисобланган хўжалик ҳисобини турли белгилари бўйича таснифлаш, турларга ажратиш ва тавсифлаш мумкин.

Мақсади ва юклатилган вазифаларига кўра макон ва замонда юритиладиган хўжалик ҳисоби асосан қуйидаги учта турга бўлинади:

* оператив (оператив-техник) ҳисоб;
* статистик ҳисоб (статистика);
* бухгалтерия ҳисоби.

Оператив (оператив-техник) ҳисоб деганда хўжалик юритувчи субъектларда оператив назорат қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида юритиладиган тезкор ҳисоб тушунилади. Ушбу ҳисоб турининг характерли жиҳатларига уни асосан қисқа муддатларда (дақиқалар, соатлар, кунлар, ҳафталар, декадалар кесимида) юритилиши, шаклланадиган ва тақдим этиладиган ахборотларнинг тўлиқ ҳужжатли асосга эга бўлишининг шарт эмаслиги, уларни қоғозли ва қоғозсиз, оғзаки ёки телефон алоқаси орқали фойдаланувчиларга етказилиши, тақдим этилган маълумотларнинг тахминийлиги кабилар киради.

Статистика ҳисоби деганда жамиятда юз берган ва бераётган ёппа ҳодиса ва жараёнларни соний акс эттирадиган ва сифат жиҳатдан тавсифлайдиган ҳисоб тизими тушунилади. Статистика ҳисобининг асосий маҳсули бўлиб статистик ҳисоботлар ҳисобланади. Статистик

ҳисоботлар қатъий бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади ва улар бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари билан қатъий уйғун бўлиши шарт. Статистик ҳисоботлар реаллиги учун хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва бош бухгалтерлари қонун олдида жавобгар ҳисобланадилар. Статистик ҳисоб маълумотларни туман, вилоят ва яхлит мамлакат доирасида жамлайди. Статистик ҳисоб давлат томонидан стратегик бошқарувни олиб боришда асосий ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби – бу иқтисодиётнинг қуйи бўғинини ташкил этувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти, фаолият натижалари, уларнинг маблағлари (мулки, активлари), маблағларни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги ахборотларни асосан пул ўлчов бирлигида қатъий ҳужжатли асосда йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш ҳамда уларни ички ва ташқи фойдаланувчилар ҳукмига тегишли шакл ва мазмунда тақдим этиш тизимидир. Ушбу ҳисоб турининг характерли жиҳатларига уни асосан ҳисобот даврлари кесимида (ой, чорак, ярим йил, тўққиз ой, йил) юритилиши, шаклланадиган ва тақдим этиладиган ахборотларнинг тўлиқ ҳужжатли асосга эга бўлиши, уларни молиявий ҳисоботнинг тегишли тасдиқланган шакллари кўринишида фойдаланувчиларга етказилиши, тақдим этилган маълумотларнинг реаллигига қонун олдида жавобгарликнинг мавжудлиги кабилар киради.

Хўжалик ҳисобининг алоҳида турлари бир-бирини инкор этмайди, аксинча улар бир-бирини тўлдиради. Иқтисодиётнинг қуйи ва юқори бўғинларида юз берган ва бераётган жараёнлар тўғрисида ахборот бериш ва уларни назорат қилиш воситалари ҳисобланган оператив (оператив-техник) ҳисоб, бухгалтерия ҳисоби ва статистика ҳисоби бажаридаган функциялари ва вазифалари бўйича бир-бири билан муштаракдир. Айнан мақсад ва юклатилган вазифалар муштараклиги сабабли хўжалик ҳисоби турлари биргаликда яхлит халқ хўжалиги ҳисоби тизимини ташкил этади.

Шу билан бирга хўжалик ҳисоби турлари бир-биридан турли жиҳатлари бўйича фарқланади. Чунончи, *кимга мўлжалланганлиги ва ахборот фойдаланувчилари гуруҳларига кўра* хўжалик ҳисобининг юқорида санаб ўтилган турлари ички, ташқи ва ички-ташқи ҳисобга ажратилади.

Ички ҳисоб деганда фақат хўжаликнинг ўзида унинг ички мақсадларида юритиладиган ҳисоб тушунилади. Корхоналарда ички ҳисобга асосан оператив (оператив-техник) ҳисоб киради.

Ташқи ҳисоб деганда хўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ташқи ахборот фойдаланувчиларга тақдим этувчи ҳисоб тизими тушунилади. Корхоналарда ташқи ҳисобга асосан статистика ҳисоби киради

Ички-ташқи ҳисоб деганда хўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ҳам ички, ҳам ташқи ахборот фойдаланувчиларга тақдим этувчи ҳисоб тизими тушунилади. Корхоналарда ички-ташқи ҳисобга асосан бухгалтерия ҳисоби киради.

Хўжалик ҳисобининг ички, ташқи ва ички-ташқи ҳисобга ажратилиши улар ахборотларидан фойдаланувчиларнинг аниқ гуруҳларини шаклланишига олиб келди. Бундай фойдаланувчилар сирасига қуйидагилар киради:

**ички фойдаланувчилар* – корхона раҳбарияти, бўлим бошлиқлари, ички аудиторлар, касаба уюшма қўмитаси, ходимлар;

**ташқи фойдаланувчилар* – инвесторлар, кредиторлар, юқори ташкилот, давлат солиқ идоралари, ижтимоий суғурта органлари, статистика органлари, банклар, прокуратура ва суд органлари, аудиторлик ташкилотлари

Давлат томонидан тартибга солинишига (регламентлаштирилишига) кўра хўжалик ҳисоби турлари регламентлаштириладиган ва регламентлаштирилмайдиган ҳисоб турларига бўлинади.

Регламентлаштириладиган ҳисоб деганда шакли ва мазмуни, юритиш техникаси ва тартиби қонунлар ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган ҳисоб тушунилади. Регламентлаштириладиган ҳисобга Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва статистика ҳисоби киради. Ушбу ҳисоб турлари шакл ва мазмун жиҳатдан барча хўжалик юритувчи субъектлар учун бир хилдир.

Регламентлаштирилмайдиган ҳисоб деганда шакл ва мазмуни, юритиш тартиби ва техникаси давлат томонидан қатъий белгилаб қўйилмаган ҳисоб тушунилади. Бундай ҳисоб турига оператив (оператив-техник) ҳисоб киради. Ушбу ҳисоб турида қўлланиладиган регистрлар, уларнинг шакллари, юритиш тартиби ҳар бир хўжалик томонидан ўз хоҳишига қараб белгиланади.

Хўжалик ҳисоби турлари *уларни юритувчи бўлинмаларига қараб* ҳам фарқланади. Масалан, оператив (оператив-техник) ҳисоб корхоналарда кадрлар бўлими, таъминот бўлими, ишлаб чиқариш бўлинмалари (цехлар), маркетинг ва бошқа бўлинмалар томонидан юритилади. Статистика ҳисоби корхоналарда кадрлар бўлими, режа-иқтисод ва бухгалтерия томонидан юритилади. Бухгалтерия ҳисоби корхоналарда

асосан бухгалтерия бўлими (йирик корхоналарда), шунингдек, меҳнат шартномаси асосида ишга олинган бухгалтер, тузилган шартнома асосида аудиторлик ёки бухгалтерлик фирмаси, раҳбарнинг ўзи (микрофирма ва кичик корхоналарда) томонидан юритилиши мумкин.

1.2. Бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги тафовутлар

Хўжалик юритувчи субъектлар бошқарув тизимида, уларнинг бизнес фаолиятини узлуксиз ривожланишида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Бухгалтерия ҳисобининг бош мақсади бўлиб иқтисодиётнинг қуйи бўғини ташкил қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти, фаолият натижалари, мулки[2], мулкни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги ахборотларни қайд этиш, ҳужжатлаштириш, гуруҳлаш, жамлаш ҳамда бу ахборотларни тегишли бошқарув қарорларини қабул қилувчи фойдаланувчиларга етказиш ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби хизматларини кўрсатувчи ходимларнинг асосий вазифалари бўлиб юз берган хўжалик жараёнлари ва операцияларини ҳужжатлаштириш, уларни қайд этиш, тегишли счётларда гуруҳлаш ва жамлаш, ҳисоб маълумотларини ҳисоботлар кўринишида умумлаштириш, тузилган ҳисоботларни белгиланган тартибларда турли бошқарув органларига етказиш, шунингдек, корхона фаолиятини дастлабки, жорий ва кейинги назоратларини олиб бориш, эришилган натижаларни таҳлил қилиш ҳамда келгуси даврлар учун молиявий режаларни тузиш ҳисобланади.

Халқаро таълимотда бухгалтерия ҳисоби унда шаклланадиган ахборотларнинг шакл ва мазмуни, уларни ким учун мўлжалланганлига қараб, иккита қисмга ажратилади:

(1) бухгалтерия молиявий ҳисоби;

(2) бухгалтерия бошқарув ҳисоби.

Яхлит бухгалтерия ҳисоби ушбу қисмларининг айнан шундай номланиши негизида қуйидагилар ётади.

Биринчидан, бухгалтерия ҳисобининг ушбу ҳар иккала қисми корхонанинг махсус бўлинмаси бўлган бухгалтерия томонидан юритилиши сабабли уларда «бухгалтерия» сўзи ишлатилади.

Иккинчидан, бухгалтерия молиявий ҳисоби ва бухгалтерия бошқарув ҳисоби, уларнинг номланишидан кўриниб турибдики, мос

[2] Мулк тушунчаси бошқачасига маблағ ёки актив ҳам деб аталади

равишда, молиявий характердаги ҳамда бошқарув характеридаги ахборотларни ўзида мужассамлаштиради.

Молиявий характердаги ахборотлар деганда, одатда, ягона пул бирлигида ўлчанадиган, қайд этиладиган ва фойдаланувчиларга тегишли шакл ва мазмунда тақдим этиладиган ахборотлар тушунилади. Бухгалтерия молиявий ҳисоби айнан хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти, фаолият натижалари, мулки, мулкни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги молиявий характердаги ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш ҳамда уларни фойдаланувчилар ҳукмига тегишли шакл ва мазмунда тақдим этиш тизими ҳисобланади.

Бухгалтерия молиявий ҳисобида шакллантириладиган молиявий характердаги ахборотлар ҳам ички, ҳам ташқи фойдаланувчилар учун зарур ҳисобланади. Мисол учун, ички фойдаланувчиларга корхоналар фаолияти, фаолият натижалари, мулки ва мулкни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги ягона пул бирлигида ифодаланган ахборотлар ушбу кўрсаткичлар бўйича белгиланган режа (ёки бюджет)ларни бажарилишини узлуксиз назорат ҳамда таҳлил қилиб бориш учун керак. Ташқи фойдаланувчилар учун ягона пул бирлигида молиявий характердаги ахборотлар корхоналар фаолияти самарадорлигини, мулкий ва молиявий ҳолатини, улар мустақиллиги ва тўлов қобилиятини баҳолаш ҳамда бу кўрсаткичларни яхшилаш бўйича тегишли қарорларни қабул қилиш учун зарурдир.

Бухгалтерия бошқарув ҳисобида асосан бошқарув характеридаги ва унинг учун ўта зарур бўлган ахборотлар шакллантирилади. Бухгалтерия ҳисобининг ушбу қисмида бухгалтерия молиявий ҳисобидан фарқли ўлароқ нафақат пул бирлигидаги, балки натурал ва меҳнат ўлчов бирликларида (масалан, тонна, кг, кв.метр, пагонометр, тонна-км, соат, киши-соат ва шу кабилар) ҳам ифодаланган ахборотлар шакллантирилади. Чунончи, бухгалтерия бошқарув ҳисобида ҳар бир сегмент, объект, субъект бўйича олинган даромадлар, харажатлар, якуний молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларнинг тафсилоти, ишлаб чиқилган ва сотилган маҳсулотларнинг сони, сифати, харидоргирлиги, таннархи, сотиш баҳоси, меҳнат унумдорлиги ва бошқалар ўз аксини топади. Бинобарин, бундай ахборотлар фақат ички аҳамиятга молик бўлади ва корхона раҳбарияти учун ҳар бир фаолият самарадорлигини оширишнинг ички резервларни излаб топишда, уларга оид тезкор бошқарув қарорларини қабул қилишда ишлатилади.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисмлари ҳисобланган бухгалтерия молиявий ҳисоби ва бухгалтерия бошқарув ҳисобига қуйидагича таърифларни бериш мумкин.

Бухгалтерия молиявий ҳисоби – бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти, фаолият натижалари, мулки ва мулкни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги молиявий характердаги ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш ҳамда уларни ички ва ташқи фойдаланувчилар ҳукмига тегишли шакл ва мазмунда тақдим этиш тизимидир.

Бухгалтерия бошқарув ҳисоби – бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти, фаолият натижалари, мулки ва мулкни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги турли ўлчов бирликларидаги батафсил ахборотларни ички бошқарув сегментлари, яъни объектлар, субъектлар ва жавобгарлик марказлари кесимида йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш ҳамда уларни ички бошқарув органлари ҳукмига тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш учун мақбул шакл ва мазмунда тақдим этиш тизимидир.

Бухгалтерия молиявий ҳисоби ва бухгалтерия бошқарув ҳисобини бир-биридан фарқловчи тавсифлари қуйидагиларда ёрқин намоён бўлади (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Бухгалтерия молиявий ҳисоби ва бухгалтерия бошқарув ҳисобининг фарқли жиҳатлари

Фарқловчи жиҳатлар	Бухгалтерия молиявий ҳисоби	Бухгалтерия бошқарув ҳисоби
Ахборот фойдаланувчилари	Ички ва ташқи фойдаланувчилар	Фақат ички фойдаланувчилар
Ахборотларининг характери	Молиявий характердаги ахборотлар	Молиявий ва номолиявий характердаги ахборотлар
Ахборотларни тақдим этиш шакли	Қатъий белгиланган шаклларда	Фойдаланувчилар талабларига мос шаклларда
Ахборотларининг аниқлик даражаси	Аниқ ва объектив	Тўлиқича аниқ эмас
Ахборотларининг эълон қилиниши (ошкоралиги)	Очиқ эълон қилинади	Очиқ эълон қилинмайди (сир сақланади)
Ахборотларни қайд этишнинг асосий усуллари	Ҳужжатлаштириш, счётлар ва бошқалар	Барча мақбул усуллар

Ахборотларни тақдим этиш даврийлиги	Ой, чорак, йил	Сония, дақиқа, соат, кун, ҳафта, декада, ой
Юритилишни мажбурийлиги	Мажбурий	Ихтиёрий (мажбурий эмас)
Юритиш тартиб-кондаларини қонун ҳужжатлари билан белгиланганлиги	Қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари билан белгиланган	Қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари билан белгиланмаган
Юритилиш даражаси	Яхлит корхона даражасида	Корхона жавобгарлик марказлари даражаларида
Воқеа ва ҳодисалар қамрови	Ўтган давр воқеалари ва ҳодисаларини акс эттиради	Ўтган давр ва келгуси давр воқеа ва ҳодисаларини акс эттиришга йўналтирилган

1.3. Бухгалтерия ҳисоби субъектлари таснифи ва тавсифи

Бухгалтерия ҳисоби субъектлари ҳисобланадиган юридик шахсларни турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин. Бундай белгиларнинг асосийлари сирасига корхоналарнинг мулкий шакли ва юридик мақоми, таъсисчиларининг таркиби, ходимларининг сони, ишлаётган солиқ режими, тармоқ ва соҳаларга тегишлилиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мулкий шакли ва юридик мақомига кўра корхоналар акциядорлик жамиятлари (АЖ), масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ), хусусий корхоналар (фирмалар), хорижий корхоналар, қўшма корхоналар, давлат унитар корхоналари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, бюджет ташкилотлари кабиларга бўлинади. Ушбу мақомдаги корхона, ташкилот ва муассасалар тузиш ҳамда улар фаолиятини юритиш республикамизда бу турдаги хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари[3], шунингдек, уларнинг таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Ходимларининг сонига кўра корхоналар микрофирмалар, кичик корхоналар ҳамда ўрта ва йирик корхоналарга бўлинади. Республикамизда микрофирмалар ва кичик корхоналар мақоми махсус қонун ҳужжатлари билан белгиланган.

---

[3] Ўзбекистон Республикасининг 26.04.1996 й. 223-I-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (Янги таҳрири); Ўзбекистон Республикасининг 06.12.2001 й. 310-II-сон «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни; Ўзбекистон Республикасининг 11.12.2003 й. 558-II-сон «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуни; Давлат корхоналари тўғрисида Низом (ЎзР ВМ 16.10.2006 й. 215-сон қарори билан тасдиқланган); Ўзбекистон Республикасининг 26.04.2012 й. ЎРҚ-327-сон «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни; Ўзбекистон Республикасининг 06.12.2001 й. 308-II-сон «Хўжалик шериктлари тўғрисида»ги Қонуни

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 275-сон қарори билан тасдиқланган «Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотларнинг ИФУТ асосида такомиллаштирилган таснифлагичи» ҳамда 2017 йил 6 апредлаги «Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотлар таснифлагичига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 184-сон қарорига мувофиқ Республикамизнинг қонун ҳужжатларига кўра турли тармоқ ва соҳалар бўйича ходимларининг сони 5 кишидан 20 кишигача бўлган субъектлар микрофирмалар, 21 кишидан 200 кишигача бўлганлар субъектлар эса кичик корхоналар ҳисобланади. «Асака автомобиль заводи», «Сирдарё ИЭС», «Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонаси» кабилар йирик корхоналар сирасига киради.

Таъсисчиларининг таркибига кўра корхоналар маҳаллий ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бўлиш мумкин. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар устав капиталининг миқдори энг камида 600 миллион сўм миқдорида бўлиши, унинг камида 30 % хорижий таъсисчилар маблағларидан ташкил топиши керак.

Танлаган солиқ режимига кўра бухгалтерия ҳисоби субъектлари умумбелгиланган ва ихчамлаштирилган солиқ режимларида ишловчи корхоналарга бўлинади. Республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ йиллик соф тушум миқдори 1 миллиардгача бўлган микрофирма ва кичик корхоналар ихчамлаштирилган солиқ тўловлари режимида ишлари мумкин. Йиллик соф тушум миқдори 1 миллиарддан ортиқ бўлган микрофирма ва кичик корхоналар, шунингдек, ўрта ва йирик корхоналар умумбелгиланган солиқларни тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Тармоқ ва соҳаларга тегишлигига кўра корхоналар у ёки бу тармоқ (соҳа) субъектларига ажратилади, масалан ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиш ташкилотлари, транспорт корхоналари, қишлоқ жўжалик корхоналари, савдо корхоналари, суғурта ташкилотлари, банклар, биржалар ва бошқалар.

Фаолият доирасига кўра бухгалтерия ҳисоби субъектлари бир тармоқли ва кўп тармоқли корхоналарга бўлинади. Мисол учун ишлаб чиқариш корхонаси фақат ишлаб чиқариш билан шуғулланса, у ҳолда бу корхона бир тармоқли корхонага киради. Агарда ушбу корхона бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришдан ташқари хизмат кўрсатиш, савдо ва бошқа фаолиятларни ҳам олиб борса, у ҳолда мазкур корхона кўп

тармоқли корхона бўлиб ҳисобланади. Кўп тармоқли корхоналарга улар ялпи соф тушумида қайси фаолият тури улуши катта бўлишига қараб тармоқ коди берилади.

Ихтисослашганлигига кўра алоҳида олинган тармоқ ва соҳаларга кирувчи корхоналар, ўз навбатида, махсус ва универсал корхоналарга бўлиб ҳисобланади. Масалан, қурилиш ташкилотларининг метро қурилиши, уй қурилиши, йўл қурилиши, кўприк қурилиши ва бошқа шу каби махсус ихтисослашган турлари мавжуд. Айрим қурилиш компаниялари (трестлари) кўп тармоқли, яъни универсал ташкилотлар бўлиб ҳисобланади.

Номланишига кўра ҳам бухгалтерия ҳисоби субъектлари турличадир. Чунончи, қурилишда уларнинг энг кенг тарқалган номи бўлиб ҳаракатланувчи механизациялашган колонна (ХМК–ПМК) ҳисобланади. Автотранспорт соҳасида «Автобуспарки», «Таксомоторпарки», «Автобаза», «Автокорхона» номдаги корхоналар кўпроқ учрайди. Савдо соҳасида корхоналар «Улгуржи савдо корхонаси», «Чакана савдо корхонаси», «Умумий овқатланиш корхонаси» каби номлар билан аталади.

Юқоридаги таснифий белгиларидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар банк муассасаларида ўзининг ҳисоб рақамига, мустақил балансга, муҳри ва штампига, солиқ тўловчининг идентификацион рақамига, статистика органи томонидан берилган фаолият тури кодига (ИФТТ – ОКЭД) эга бўлган корхоналар бўлиб ҳисобланади.

Мавзуга оид асосий таянч атамалар

«Хўжалик» деганда маълум мақсадларга йўналтирилган, ўзининг базиси ва устқурмасига эга бўлган субъектлар тушунилади. Хўжалик сифатида қараладиган субъектлар бўлиб бир бутун мамлакатнинг ўзи, унинг турли таркибий бўлинмалари, чунончи вазирликлар, идоралар, қўмиталар, агентликлар, бирлашмалар, шунингдек, барча корхона, ташкилот ва муассасалар ҳисобланади.

«Ҳисоб» – бу иқтисодиётнинг турли бўғинларида юз берган ва бераётган ҳодиса ва жараёнлар, уларнинг натижалари, хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари ва маблағларни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш ва узатиш тизими.

Оператив (оператив-техник) ҳисоб деганда хўжалик юритувчи субъектларда оператив назорат қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида юритиладиган тезкор ҳисоб тушунилади.

Статистика ҳисоби деганда жамиятда юз берган ва бераётган ёппа ҳодиса ва жараёнларни соний акс эттирадиган ва сифат жиҳатдан тавсифлайдиган ҳисоб тизими тушунилади.

Бухгалтерия ҳисоби – бу иқтисодиётнинг қуйи бўғинини ташкил этувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти, фаолият натижалари, уларнинг маблағлари (мулки, активлари), маблағларни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги ахборотларни асосан пул ўлчов бирлигида қатъий ҳужжатли асосда йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш ҳамда уларни ички ва ташқи фойдаланувчилар ҳукмига тегишли шакл ва мазмунда тақдим этиш тизимидир.

Бухгалтерия молиявий ҳисоби – бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти, фаолият натижалари, мулки ва мулкни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги молиявий характердаги ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш ҳамда уларни ички ва ташқи фойдаланувчилар ҳукмига тегишли шакл ва мазмунда тақдим этиш тизимидир.

Бухгалтерия бошқарув ҳисоби – бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти, фаолият натижалари, мулки ва мулкни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги турли ўлчов бирликларидаги батафсил ахборотларни ички бошқарув сегментлари, яъни объектлар, субъектлар ва жавобгарлик марказлари кесимида йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш ҳамда уларни ички бошқарув органлари ҳукмига тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш учун мақбул шакл ва мазмунда тақдим этиш тизимидир.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Хўжалик ҳисоби ва унинг турлари асосий маҳсули нимадан иборат?
2. Бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисобига бўлиниши негизида қандай сабаблар ётади?

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 64293

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Бухгалтерия ҳисоби қандай турларга бўлинади?

а) Оператив ва аналитик б) Молиявий ва бошқарув

в) Молиявий ва статистик г) Бошқарув ва техник

2. Бухгалтерия ҳисоби бошқарувнинг қайси бўғинида юритилади?

а) Бошқарувнинг энг юқори бўғинида

б) Бошқарувнинг энг қуйи бўғинида

в) Бошқарувнинг ҳоҳлаган бўғинида

г) Бошқарувнинг ўрта бўғинида

3. Ходимларнинишга келиши ва кетиши тўғрисида маълумотлар

а) Оператив –техник ҳисобда акс этади

б) Статистика ҳисобида акс этади

в) Бошқарув ҳисобида акс этади

г) Молиявий ҳисобда акс этади

4. Бухгалтерия ҳисоби ахборотларни қандай даврлар бўйича тақдим этади?

а) ҳар куни, ҳар ҳафта, ҳар ой

б) ой, чорак, йил

в) ҳар дақиқа, ҳар куни

г) фақат йил

5. Республикамизда қайси ҳисоб турлари давлат томонидан регламентлаштирилган?

а) Оператив –техник ҳисоб

б) Статистика ҳисоби ва бошқарув ҳисоби

в) Бошқарув ҳисоби

г) Статистика ҳисоби ва бухгалтерия молиявий ҳисоби

6. Республикамизда қайси ҳисобни юритиш мажбурий ҳисобланади?

а) Оператив –техник ҳисобни

б) Статистика ҳисобини

в) Бошқарув ҳисобини

г) Бухгалтерия молиявий ҳисоби ва статистика ҳисобини

7. Қуйидагиларнинг қайси бири бухгалтерия ҳисоби субъекти ҳисобланмайди?

а) Акциядорлик жамияти

б) Хусусий корхона

в) Якка тартибдаги тадбиркор

г) Масъулияти чекланган жамият

II БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ

2.1. Бухгалтерия ҳисоби предмети ва объектлари тўғрисида тушунча

Бухгалтерия ҳисоби махсус фан ҳамда бухгалтерлик касби эгаларининг амалий фаолияти сифатида ўзининг предметига эга.

Бухгалтерия ҳисобининг **предмети** деганда унда акс эттириладиган объектлар мажмуаси тушунилади. Бундай объектлар бўлиб корхоналар хўжалик фаолияти, хўжалик фаолияти натижалари, улар активлари ва активларни ташкил топиш манбалари ҳисобланади.

Хўжалик фаолияти деганда корхона томонидан фойда олиш мақсадида олиб борилаётган ҳамда мазмунан алоҳида номлардаги фаолият турларини ташкил қилувчи хўжалик жараёнлари ва операциялари (муомалалари) мажмуаси тушунилади.

Хўжалик жараёни деганда корхонада юз берган ва бераётган маълум хўжалик муомалалари йиғиндиси тушунилади.

Хўжалик операцияси (муомаласи) деганда корхонада юз берган ва бераётган аниқ ҳаракатлар, ишлар тушунилади.

Республикамизнинг қонунлари, чунончи Солиқ Кодексига мувофиқ корхоналарнинг хўжалик фаолияти икки турга, яъни асосий ва асосий бўлмаган фаолият турларига бўлинади.

Асосий фаолият – бу корхонанинг бош мақсадини ифодаловчи ҳамда унинг уставида кўрсатилган фаолият тури (ёки турлари).

Асосий фаолият турига қараб хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодиётни тегишли тармоғига киритилади. Мисол учун, автомобилларни ишлаб чиқарувчи корхона саноат тармоғига, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги тармоғига, товарлар билан савдо-сотиқ қилувчи субъектлар савдо соҳасига, туристларга хизмат кўрсатувчи туристик ташкилотлар ва мехмонхоналар туризм соҳасига, қурилиш ва қурилиш монтаж ишларини бажарувчи корхоналар қурилиш соҳасига, пассажир ва юк ташиш билан шуғулланувчи ташкилотлар транспорт соҳасига киритилади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг асосий фаолияти турлари чекланмайди. Улар бир вақтнинг ўзида турли асосий фаолиятни олиб боришлари мумкин. Бундай ҳолларда корхоналарни иқтисодиётнинг қандай тармоғига киритилиши уларнинг жами соф тушумида энг катта улушни ташкил қилувчи асосий фаолият турига қараб

белгиланади. Мисол учун, корхонанинг ҳисобот йилида олган жами соф тушумида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш 40 %ни, савдо 35 %ни, транспорт хизматлари суммаси 25 %ни ташкил қилган бўлса, ушбу корхона ишлаб чиқариш тармоғига киритилади ва унга мос равишдаги саноат фаолияти коди берилади. Келгуси йилда ушбу корхонанинг соф тушумида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш 25 %ни, савдо 35 %ни, транспорт хизматлари суммаси 40 %ни ташкил қиладиган бўлса, бу ҳолда унинг олдинги фаолият коди ўзгартирилади ва, мос равишда, транспорт соҳасига оид фаолият коди берилади.

Ҳар қандай корхонанинг асосий фаолияти ўз ичига ***таъминот, ишлаб чиқариш*** ва ***сотиш жараёнларини*** олади.

Таъминот жараёни – бу корхонани фаолият кўрсатиши учун меҳнат предметлари ва воситалари, ишчи кучи, пул маблағлари ва бошқа маблағлар билан таъминлашдир. Ушбу жараён иқтисодиётнинг турли тармоқларида улар хусусиятларига хос операцияларни олади. Чунончи, нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида айнан унга зарур бўлган ун, шакар, ёғ, туз ва бошқа хомашё ва материалларни, қишлоқ хўжалигида уруғлик, минерал ўғитлар, ем-хашак, автотранспорт соҳасида эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи, савдо соҳасида товарлар, қурилишда қурилиш материалларини харид қилиш ва ва тайёрлашни тақозо этади.

Ишлаб чиқариш жараёни деганда ишчи кучи ва меҳнат воситалари ёрдамида меҳнат предметларидан янги маҳсулотлар яратиш тушунилади. Ушбу жараён ҳам иқтисодиётнинг турли тармоқларида ўзига хос хусусиятларга эга. Чунончи, ишлаб чиқариш соҳаси субъектларида ушбу жараёнда аниқ турдаги тайёр маҳсулотлар, масалан, автомобилсозлик заводида автомобил, нон комбинатида нон ва нон маҳсулотлари яратилади. Қишлоқ хўжалиги соҳаси субъектларида ушбу жараёнда турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, масалан пахта, ғалла, узум, сабзавотлар ва бошқалар етиштирилади. Қурилиш соҳасида бажарилган ишлар, масалан, қурилиш-монтаж ишлари, хизмат ва сервис соҳасида кўрсатилган хизматлар, масалан, туристларга кўрсатилган меҳмонхона ва бошқа хизматлар, аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилган аудиторлик хизматлари ҳам ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади.

Сотиш жараёни деганда ишлаб чиқариш жараёнида яратилган тайёр маҳсулотларни, бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни харидорларга сотиш тушунилади. Ушбу жараёнда олинган даромад ҳам тармоқ хусусиятига хос равишда номланади. Масалан, ишлаб чиқариш соҳасида тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромад, савдода товарларни сотишдан олинган даромад, қурилишда бажарилган

ишлардан олинган даромад, хизмат ва сервис соҳасида кўрсатилган хизматлардан олинган даромад деб аталади.

Асосий бўлмаган фаолият – бу корхонанинг бош мақсади бўлиб ҳисобланмайдиган, шу билан бирга қўшимча фойда олиш мақсадида ҳамда асосий фаолият учун зарурат юзасидан юритиладиган фаолият тури ёки турлари.Уларга инвестиция фаолияти, молиявий фаолият, инновация фаолияти кабилар киради.

Инвестиция фаолияти – корхонанинг ўз маблағларини ўзга корхоналарга ёрдам бериш ва қўшимча даромад олиш мақсадида киритиш билан боғлиқ фаолияти. Чунончи, қуйидаги операциялар инвестиция фаолиятининг моҳиятини ташкил қилади:

* банклар ва бошқа акциядорлик жамиятлари акцияларини сотиб олиш;

*давлатнинг ва корхоналарнинг облигацияларини сотиб олиш;

* бошқа корхоналарга маблағларни таъсис бадали сифатида киритиш;

* бошқа корхоналарга маблағларни қарз сифатида бериш;

* бошқа корхоналарга маблағларни кредит сифатида бериш

* пул маблағларини банкларга ва кредит ташкилотларига депозитга қўйиш.

Молиявий фаолият – ўзга корхоналар (банк ва бошқалар) маблағларини корхонага кредит ва қарз сифатида киритиш ҳамда жалб қилиш билан боғлиқ фаолият. Чунончи, қуйидаги операциялар молиявий фаолиятнинг моҳиятини ташкил қилади:

*бошқа корхоналардан кредит ва қарз олиш;

*қимматли қоғозлар (акциялар ва облигациялар) чиқариш йўли билан бошқа корхоналар ва шахслар маблағларини жалб этиш;

*мулкни лизингга олиш.

Инновация фаолияти – корхона моддий-техника базаси ҳамда маҳсулот (иш, хизмат) турлари ва сифатини яхшилаш, янги технологияларни киритиш, жорий қилиш билан боғлиқ фаолияти.

Корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолиятининг натижалари бўлиб улар олган фойда ёки кўрган зарари ҳисобланади.

Фойда(Ф) – бу корхонанинг даромадлари (Д) ва харажатлари(Х) ўртасидаги ижобий фарқ, яъни

$$Ф = Д > Х.$$

Демак, қанчалик даромад кўп бўлиб, харажат кам бўлса, корхонанинг фойдаси шунчалик кўп бўлади.

Зарар – бу корхонанинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги салбий фарқ, бошқачасига харажатларни даромаддан кўп бўлиши, яъни:

$$З = Д < Х$$

Демак, корхона даромадга қанчалик кўп харажат билан эришса, унинг зарари шунчалик кўп бўлади.

2.2. Корхона активлари таснифи ва тавсифи

Хўжалик фаолиятини юритиш ва уни узлуксиз ривожланишини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бўлиб корхоналарнинг тегишли турдаги ва миқдордаги активлар билан таъминланганлиги ҳисобланади.

Активлар[4] деганда хўжалик юритувчи субъектнинг баҳолаш қийматига эга бўлган ва ўз ичига пул маблағлари ва дебиторлик қарзларни олган моддий, шунингдек, номоддий мулки тушунилади.

Актив деб тан олиш учун моддий ва номоддий мулк қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

* қийматга эга бўлиши ва бу қиймат аниқ баҳоланадиган бўлиши;
* эгалик қилиш ҳуқуқига асосан қайси корхона балансига киритилган бўлса, шу корхона томонидан назорат қилиниши;
* келгусида корхонага иқтисодий наф келтириши керак, жумладан, корхонанинг пул маблағларини киримини кўпайишига бевосита ва билвосита ҳисса қўшиши;
* юз берган хўжалик операциялари натижаси ҳисобланиши.

Активларнинг характерли хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- жисмоний кўринишга (шаклга) эга бўлиши ҳам, эга бўлмаслиги ҳам мумкин, масалан, бино ёки станок аниқ шаклга эга, лекинда патент, лицензия, савдо белгиси, муаллифлик ҳуқуқи моддий шаклга эга эмас;
- сотиб олинган, бепул келиб тушган, ишлаб чиқарилган бўлиши мумкин.
- корхонада юз бераётган жараёнларда моддий асос ёки уларнинг натижаси ҳисобланиши мумкин, масалан, хом-ашё ишлаб чиқаришга моддий асос, тайёр маҳсулот эса ишлаб чиқаришнинг натижаси ҳисобланади;
- бошқа активларга алмаштирилиши мумкин;
- қарзларни тўлаш учун ишлатилиши мумкин;

[4] Адабиётларда ушбу атамага синоним сифати маблағлар ва мулк атамалари ҳам кенг ишлатилади.

• қисқа ёки узоқ вақт мабойнида фойдаланишда бўлишлиги мумкин;
• оборотда ва оборотдан ташқарида бўлишлиги мумкин.

Корхоналарнинг юқорида келтирилган талаб ва хусусиятларга жавоб берадиган барча активлари иккита гуруҳга бўлинади:

1. **Узоқ муддатли активлар** – бу 1 йилдан кўп муддатда хизмат қиладиган ва оборотда бўладиган моддий ва номоддий маблағлари.

2. **Қисқа муддатли (ёки жорий) активлар** – 1 йилгача муддатда хизмат қиладиган ва оборотда бўладиган маблағлар.

Корхоналарнинг узоқ муддатли активлари турлари ва уларнинг таркиби 2.1-жадвалда келтирилган.

2.1-жадвал

Корхоналарнинг узоқ муддатли активлари турлари ва уларнинг таркиби

Узоқ муддатли активларнинг турлари	Узоқ муддатли активларнинг таркиби ва тавсифи
Асосий воситалар	бинолар, иншоатлар, машина ва механизмлар, транспорт воситалари, компьютер техникаси, мебел ва бошқалар
Номоддий активлар	лицензия, патент, савдо маркаси, товар белгиси, гудвил, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқалар
Молиявий инвестициялар	сотиб олинган қимматли қоғозлар, берилган кредит ва қарзлар, киритилган пай ва бадаллар
Ўрнатилмаган жиҳозлар	сотиб олинган, лекин ўрнатилмаган жиҳозлар
Капитал инвестициялар	тугалланмаган қурилишларга, харакатдаги асосий воситаларни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга сарфланган, шунингдек, янги узоқ муддатли активларни сотиб олишга киритилган маблағлар,
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва муддати кечиктирилган харажатлар	Муддати 1 йилдан ортиқ бўлган дебиторлик қарзлар ва кечиктирилган харажатлар

Корхоналарнинг қисқа муддатли активлари турлари ва уларнинг таркиби 2.2-жадвалда келтирилган.

2.2-жадвал

Корхоналарнинг қисқа муддатли активлари турлари ва уларнинг таркиби

Қисқа муддатли активларнинг турлари	Қисқа муддатли активларнинг таркиби
Ишлаб чиқариш захиралари	хомашё ва материаллар, ёқилғи, тара ва тара материаллари, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, хўжалик инвентарлари, боқувдаги ва ўстиришдаги ёш моллар
Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари	тайёр ҳолга етмаган маҳсулотларга тўғри келадиган харажатлар
Тайёр маҳсулотлар	омборларга қабул қилинган тайёр буюмлар
Товарлар	сотиш учун сотиб олинган магазинлардаги ва омборлардаги истеъмол буюмлари
Келгуси давр харажатлари	ҳисобот йилида келгуси даврлар учун қилинган харажатлар, масалан, обуна тўловлари, ижара тўловлари
Муддати узайтирилган харажатлар	ҳисобот йилида келгуси даврда ҳисобига тўланган солиқлар ва бошқа харажатлар
Пул маблағлари	кассадаги, йўлдаги ва банклардаги миллий ва чет эл валюталари
Пул эквивалентлари	пулли чеклар, йўлланмалар, чипталар, талонлар, маркалар ва бошқалар
Қисқа муддатли инвестициялар	1 йилгача муддатга берилган қарзлар, кредитлар, депозитга қўйилган пул маблағлари ва қимматли қоғозларни сотиб олишга йўналтирилган маблағлар
Олинадиган счётлар	бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг корхона олдидаги дебиторлик қарзлари.

Корхоналарнинг активлари таркибига ҳам тармоқ хусусиятлари бевосита таъсир кўрсатади. Мисол учун, заводнинг асосий воситалари таркибида цехлар, улардаги станоклар бош ролни ўйнайди. Қурилиш ва қурилиш-монтаж ишларини махсус қурилиш машиналарисиз, масалан, кранлар, бетон қорувчи машиналар, юк ташиш машиналарисиз амалга ошириш амри маҳол. Шу боис ҳам қурилиш ташкилотлари активлари таркибида ушбу турдаги асосий воситалар муҳим аҳамият касб этади. Худди шунингдек,, транспорт ташкилотларида автомобиллар ва бошқа транспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи, савдо корхоналарида товарлар, қишлоқ хўжалигида қишлоқ хўжалик техникаси, уруғлик, минерал ўғитлар, ем-хашаклар каби активларнинг ўрни бекиёсдир. Бундай хусусиятлар иқтисодиётнинг турли тармокларида тегишли

активларнинг бухгалтерия ҳисобининг муҳим аҳамиятга молик объектлари эканлигидан ҳам дарак беради.

2.3. Корхона активлари ташкил топиш манбалари таснифи ва тавсифи

Корхона ихтиёридаги барча активлар иккита манбадан ташкил топади:

- **хусусий капитал (ХК)** – бу корхонанинг барча активларидан (А) унинг мажбуриятларини (М) чегириб ташлагандан сўнг қоладиган сумма, яъни

$$ХК = А - М$$

- **мажбуриятлар** – бу корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдидаги қарзлари

Корхоналар хусусий капиталининг таркибий элементлари ва уларнинг тавсифи 2.3-жадвалда келтирилган.

2.3-жадвал

Корхоналар хусусий капиталининг таркибий элементлари ва уларнинг тавсифи

Хусусий капитал элементи	Хусусий капитал элементининг тавсифи
Устав капитали (УК)	бу корхонага унинг таъсисчилари томонидан таъсис шартномасига мувофиқ киритиладиган маблағлар
Қўшилган капитал (ҚК)	бу акцияларни сотиш ва номинал қийматлари ўртасидаги ижобий фарқ, шунингдек, чет эл инвесторларини устав капиталига киритган маблағлари бўйича вужудга келган валюталар ўртасидаги ижобий фарқлар суммаси
Резерв капитали (РК)	бу корхонанинг соф фойдасидан, мулкни қайта баҳолашдан ва бепул келиб тушган мулклардан ташкил топган жамғармадир
Тақсимланмаган фойда (ТФ)	бу корхона таъсисчилари ўртасида тақсимланмай қолинган соф фойда суммаси
Резервлар (Р)	бу турли жорий тўловларни амалга ошириш учун ҳисобот давр даромадлари эвазига шаклланган захира суммаси, масалан, жорий ва капитал таъмирлаш учун, меҳнат таътили ҳақларини тўлаш учун ва шу кабилар
Мақсадли тушумлар (МТ)	корхонага турли мақсадларда турли манбалардан келиб тушган маблағлар мажмуаси (грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари, соликлар бўйича имтиёзлар ва бошқалар)

Хусусий капиталнинг умумий миқдори юқоридаги унинг элементлари суммаларининг йиғиндисидан иборат бўлади, яъни:

$$ХК = УК + ҚК + РК + ТФ + Р + МТ$$

Акционерлик жамиятларида чиқарилган ўз акциялари бошқалардан қайта сотиб олинган бўлса, у ҳолда хусусий капитал суммасини топишда сотиб олинган хусусий акциялар қиймати (ХАҚ) хусусий капитал миқдоридан чегириб ташланади, яъни:

$$ХК = УК + ҚК + РК + ТФ + Р + МТ - ХАҚ$$

Корхоналар хусусий капиталининг муҳим элементи бўлган устав капиталини шакллантиришда уларнинг мулкий шакли ва мақоми муҳим ўрин тутади. Чунончи, акциядорлик жамиятларида устав капитали чиқарилган ва жойлаштирилган акцияларнинг номинал қийматидан иборат бўлади.

Масъуляти чекланган жамиятларда уларнинг устав капитали таъсисчилар (иштирокчилар)нинг киритган маблағларидан ташкил топади.

Хусусий корхонанинг устав капитали унинг якка таъсисчиси бўлган жисмоний шахснинг корхонага киритган маблағларидан иборат бўлади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар (ХИИК)нинг устав капитали, бир томондан, хорижий таъсисчиларнинг, иккинчи томондан эса, республикамиз ичидаги таъсисчиларнинг ушбу корхоналарга киритадиган маблағларидан ташкил топади. Тўлиқ ХИИКда уларнинг устав капитали тўлиғича хорижий таъсисчиларнинг ушбу корхонага киритадиган маблағларидан иборат бўлади.

Давлат корхоналарида устав капитали (агар унинг миқдори уставда белгиланган бўлса) тўлиғича давлат мулки эвазига шакллантирилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларида (ННТ) устав капитали (агар унинг миқдори уставда белгиланган бўлса) мазкур ташкилотларнинг таъсисчилари маблағлари эвазига шакллантирилади.

Корхоналар тугатилганда уларнинг устав капиталига киритилган маблағлари ўз эгаларига қайтарилади.

Корхона мажбуриятларининг асосий турлари ва уларнинг тавсифи 2.4-жадвалда келтирилган.

2.4-жадвал

Корхона мажбуриятлари турлари ва уларининг тавсифи

Корхона мажбуриятлари турлари	Корхона мажбуриятлари турларининг тавсифи
Олинган узоқ ва қисқа муддатли қарзлар	бу, мос равишда, 1 йилдан кўп ва 1 йилгача муддатга бошқа юридик шахслардан вақтинчалик молиявий ёрдам сифатида олинган маблағларни қайтариш бўйича қарзлар суммаси
Олинган узоқ ва қисқа муддатли кредитлар	бу, мос равишда, 1 йилдан кўп ва 1 йилгача муддатга банклардан кредит шартномалари асосида олинган кредит ресурсларини қайтариш бўйича қарзлар суммаси
Таъминотчиларга тўланадиган счетлар	бу олинган товар-моддий бойликлар, хизмат ва ишлар учун таъминочиларга ўтказилмай қолинган қарз суммаси
Харидорлардан олинган аванслар	бу харидорлардан товар-моддий бойликларни сотиб олиш, хизмат ва ишлар учун харидор ва буюртмачилардан олдиндан келиб тушган пуллар бўйича қарз суммаси
Муддати кечиктирилган узоқ ва қисқа муддатли қарзлар	бу солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича муддати мос равишда 1 йилдан кўп ва 1 йилгача бўлган даврга узайтирилган қарз суммаси
Бюджет олдидаги қарзлар	бу бюджет фойдасига ҳисобланган, лекинда ҳалигача ўтказиб берилмаган солиқ ва тўловлар бўйича қарз суммаси
Ижтимоий суғурта бўйича қарзлар	бу ижтимоий суғуртага ҳисобланган, лекинда ҳалигача ўтказиб берилмаган қарз суммаси
Иш ҳақи бўйича қарзлар	бу корхонанинг ходимларига ҳисобланган ва вақтинча сақланаётган иш ҳақларини тўланмай қолинган қисми
Таъсисчилар олдидаги қарзлар	бу таъсисчиларга ҳисобланган, лекинда тўланмаган дивидендлар бўйича корхонанинг қарзи, шунингдек, таъсисчилар сафидан чиқиб кетган шахсларнинг устав капиталидаги хиссасини қайтарилмаган қисми
Бошқа кредиторлар олдидаги қарзлар	бу турли хизматлар, фоизлар, камомадлар, даъволар ва бошқа тўловлар бўйича корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олидаги қарзи

Мавзуга оид асосий таянч атамалар

Хўжалик фаолияти деганда корхона томонидан фойда олиш мақсадида олиб борилаётган ҳамда мазмунан алоҳида номлардаги фаолият турларини ташкил қилувчи хўжалик жараёнлари ва операциялари (муомалалари) мажмуаси тушунилади.

Хўжалик жараёни деганда корхонада юз берган ва бераётган маълум хўжалик муомалалари йиғиндиси тушунилади.

Хўжалик операцияси (муомаласи) деганда корхонада юз берган ва бераётган аниқ харакатлар, ишлар тушунилади.

Асосий фаолият – бу корхонанинг бош мақсадини ифодаловчи ҳамда унинг уставида кўрсатилган фаолият тури (ёки турлари).

Асосий бўлмаган фаолият – бу корхонанинг бош мақсади бўлиб ҳисобланмайдиган, шу билан бирга қўшимча фойда олиш мақсадида ҳамда асосий фаолият учун зарурат юзасидан юритиладиган фаолият тури ёки турлари.

Инвестиция фаолияти – корхонанинг ўз маблағларини ўзга корхоналарга ёрдам бериш ва қўшимча даромад олиш мақсадида киритиш билан боғлиқ фаолияти.

Молиявий фаолият – ўзга корхоналар (банк ва бошқалар) маблағларини корхонага кредит ва қарз сифатида киритиш ҳамда жалб қилиш билан боғлиқ фаолият.

Инновация фаолияти – корхона моддий-техника базаси ҳамда маҳсулот (иш, хизмат) турлари ва сифатини яхшилаш, янги технологияларни киритиш, жорий қилиш билан боғлиқ фаолияти.

Активлар деганда хўжалик юритувчи субъектнинг баҳолаш қийматига эга бўлган ва ўз ичига пул маблағлари ва дебиторлик қарзларни олган моддий, шунингдек, номоддий мулки тушунилади.

Узоқ муддатли активлар – бу 1 йилдан кўп муддатда хизмат қиладиган ва оборотда бўладиган моддий ва номоддий маблағлари.

Қисқа муддатли (ёки жорий) активлар – 1 йилгача муддатда хизмат қиладиган ва оборотда бўладиган маблағлар.

Хусусий капитал (ХК) – бу корхонанинг барча активларидан (А) унинг мажбуриятларини (М) чегириб ташлагандан сўнг қоладиган сумма.

Мажбуриятлар – бу корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдидаги қарзлари.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Бухгалтерия ҳисобининг предмети нима?
2. Хўжалик фаолияти нма?
3. Хўжалик активлари нима ва улар қандай гуруҳларга ва турларга бўлинади?
4. Хўжалик активлари ташкил топиш манбалари қандай гуруҳларга ва турларга бўлинади?

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Хўжалик фаолиятини таъминловчи объектларга нималар киради?

а) Хўжалик жараёнлари б) Хўжалик активлари
в) Хўжалик операциялари г) Технологик жараёнлар

2. Қуйидагиларнинг қайси бири бухгалтерия ҳисоби объекти эмас.

а) Иш ҳақи б) Транспорт в) Технологик чизмалар г) Капитал

3. Қуйидагиларнинг қайси бири бухгалтерия ҳисоби объекти?

а) Хусусий капитал б) Бозордаги нарх
в) Технологик чизмалар г) Одамлар ўртасидаги муносабатлар

4. Банкдан 1,5 йил муддатга олинган кредит киради:

а) Хусусий капиталга б) Жорий активларга
в) Қисқа муддатли мажбуриятларга г) Узоқ муддатли мажбуриятларга

5. Корхона активлари – 50 000 000 сум, шу жумладан, активлар эскириши 8 000 000 сум, жорий мажбуриятлар 15 000 000 сум, узоқ муддатли мажбуриятлар –10 000 000 сум. Хусусий капитал миқдори тенг:

а) 33 000 000 сумга б) 17 000 000 сумга
в) 37 000 000 сумга г) 25 000 000 сумга

6. Корхона активлари таркибида банклардан сотиб олинган акциялар – 50 000 000 сум, депозитга қўйилган пул маблағлари – 10 000 000 сўм, вақтинчалик берилган қарзлар – 20 000 000 сўм, капитал қўйилмалар – 80 000 000 сўм; активларнинг ташкил топиш манбаларида олинган қарзлар – 15 000 000 сўм, олинган кредитлар 60 000 000 сўм, таъминотчилар олдидаги қарзлар – 40 000 000 сўм, турли кредиторлик қарзлар – 14 000 000 сўм. Корхона томонидан сотиб олинган банк акциялари суммаси унинг қайси фаолиятига тегишли?

а) асосий фаолиятига б) молиявий фаолиятига
в) инвестиция фаолиятига г) инновация фаолиятига

7. 6-тестда келтирилган маълумотларга кўра корхонанинг молиявий фаолиятига доир мажбуриятлар суммаси неча сўмни ташкил этади?

а) 60 000 000 сўм б) 75 000 000 сўм
в) 115 000 000 сўм г) 129 000 000 сўм

8. 6-тестда келтирилган маълумотларга кўра корхонанинг инвестиция фаолиятига доир активлар суммаси неча сўмни ташкил этади?

а) 60 000 000 сўм б) 80 000 000 сўм
в) 160 000 000 сўм г) 50 000 000 сўм

III БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ МЕТОДИ, УСУЛЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

3.1. Бухгалтерия ҳисоби методи ва усуллари тўғрисида умумий тушунча

Бухгалтерия ҳисоби махсус фан ҳамда бухгалтерлик касби эгаларининг амалий фаолияти сифатида ўзининг методи ва усулларига эга.

Бухгалтерия ҳисобининг методи деганда унинг объектларини тадқиқ этиш ва акс эттиришда қўлланиладиган умумилмий ва махсус усуллар мажмуаси тушунилади. Бундай усуллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (*3.1*- расмга қаранг).



3.1- расм. «Бухгалтерия ҳисоби» фанида қўлланиладиган тадқиқот усуллари

«Бухгалтерия ҳисоби» фани ва амалиётида қўлланиладиган умумилмий ва махсус усулларнинг барчаси муҳим ўрин тутади. Чунончи, умумилмий тадқиқот усуллари моҳияти ва аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади.

Диалектика ёки *диалектик* усул бухгалтерия ҳисоби фани ва амалиётида юз берган ва бераётган жараёнларни доимий ўзгариб турадиган ва бир-бирига боғлиқ бўлган жараёнлар сифатида яхлит тарзда ўрганиш ҳамда акс эттиришга имкон беради.

Тарихий ёндашув бухгалтерия ҳисоби фани ва амалиётида одамлар ва жамият талабларини тарихий шаклланиши ва ривожланиши маҳсули (натижаси) сифатида қарашни англатади.

Тизимли ёндашув бухгалтерия ҳисоби фани ва амалиётида унинг объектларини ўрганиш ва акс эттиришда уларни таркибий ва ташкилий объектлар сифатида белгилайди.

Индукция усули иқтисодий субъектлар хўжалик фаолиятини хусусийликдан умумийликка қараб, яъни алоҳида олинган фактлар бўйича умумий хулосалар қилиш имконини беради.

Дедукция усули иқтисодий субъектлар хўжалик фаолиятини умумийликдан хусусийликка қараб, яъни умумий ҳолатдан келиб чиқиб, хусусий хулосалар чиқаришга имкон беради.

Анализ[5] – бу бухгалтерия ҳисоби предметини ташкил қилувчи объектлар ва улар тўғрисидаги ахборотларни турли таснифий белгиларига кўра гуруҳларга ажратишдир.

Синтез[6] – бу бухгалтерия ҳисоби предметини ташкил қилувчи объектлар ва улар тўғрисидаги ахборотларни турли таснифий белгилари бўйича умумлаштиришдир.

Индукция ва дедукция, шунингдек, анализ ва синтез усуллари ўртасидаги боғлиқлик бухгалтерия ҳисобида юз берган жараёнлар тўғрисидаги ахборотларни дастлаб аналитик ҳисоби регистрларида гуруҳлаш, шундан сўнг эса уларни синтетик ҳисоб регистрларида умумлаштиришга имкон беради.

«Бухгалтерия ҳисоби» фани ва амалиётида унинг предметини ўрганишда ҳамда акс эттиришда объектларни кузатиш, ўлчаш, ахборотларни гуруҳлаш, йиғиш, жамлаш ва фойдаланувчиларга узатиш каби махсус усуллар кенг қўлланилади (3.1- жадвалга қаранг).

---

[5] грекча analysis – яхлит тизимни таркибий қисмларга ажратиш маъносини англатади. Иқтисодиётда анализ иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар, турли даражалардаги хўжалик фаолияти моҳияти, қонуниятлари ва тенденцияларини очиб бериш мақсадида қўлланилади.

[6] грекча synthesis – объектнинг турли элементларини яхлит бирлик (тизим) сифатида бирлаштириш маъносини англатади.

3.1-жадвал

Бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган махсус усуллар

№	Бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган махсус усуллар гуруҳлари	Гуруҳларга кирувчи усуллар
1	**Объектларни кузатиш ва улар тўғрисидаги ахборотларни қайд этиш усуллари**	*Ҳужжатлаштириш *Инвентаризация *Лимитлаштириш *Режалаштириш *Бюджетлаштириш
2	**Объектларни ўлчаш усуллари**	*Баҳолаш *Калькуляция
3	**Объектлар тўғрисидаги ахборотларни гуруҳлаш ва йиғиш усуллари**	*Счетлар *Счетларга икки ёқлама ёзув
4	**Объектлар тўғрисидаги ахборотларни жамлаш ва уларни фойдаланувчиларга узатиш усуллари**	*Баланс *Ҳисобот

3.2. Бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган махсус усулларнинг тавсифи

Ҳужжатлаштириш

Ҳужжатлаштириш – бу хўжалик операцияларини маълум бир ҳужжатлар билан расмийлаштириш усули.

Ҳужжат – бу хўжалик операцияларини ҳақиқатда юз берганлигига гувоҳ берувчи ёки уларни келгусида юз беришига асос бўлувчи ёзма гувоҳнома. Масалан, товар-моддий бойликларни ҳақиқатда сотилганлиги ёки олинганлигига счет-фактуралар, пулни кассага олинганлигига кирим касса ордери гувоҳ ҳисобланади. Бошқа бир ҳужжатлар хўжалик операцияларини келгусида юз беришига асос бўлади, масалан, берилган ишончнома шу шахс томонидан бошқа корхонадан товар-моддий бойликларни қабул қилиб олишига, чек эса кассирга пулни банкдан накд олишга ҳуқуқ беради.

Бухгалтерия ҳисобида жуда кўп турдаги ҳужжатлар ишлатилади. Уларни турли белгиларига қараб таснифлаш мумкин.

Мақсадига кўра бухгалтерия ҳужжатлари гувоҳлик берувчи, фармойиш берувчи, фармойиш ва гувоҳлик берувчи, бухгалтерлик ҳисоб-китобларини акс эттирувчи турларга бўлинади.

Гувоҳлик берувчи ҳужжатлар деганда, юқорида айтиб ўтганимиздек, хўжалик операцияларини ҳақиқатда юз берганлигига гувоҳ берувчи ҳужжатлар тушунилади.

Фармойиш берувчи ҳужжатлар деганда у ёки бу ҳаракатни келгусида амалга оширишга фармойиш берувчи ҳужжатлар тушунилади. Масалан, инвентаризация ўтказиш тўғрисида фармойиш, товарни олиб келиш учун берилган ишончнома ва шу кабилар.

Фармойиш ва гувоҳлик берувчи ҳужжатлар деганда бир вақтнинг ўзида хўжалик операциясини амалга оширишга берилган фармойишни ифодаловчи, ҳам бу фармойиш асосида ҳақиқатда юз берган хўжалик операциясига гувоҳлик берувчи ҳужжатлар тушунилади. Масалан, касса чиқим ордери бир вақтнинг ўзида пулни берилиши учун тузилган рахбариятнинг фармойишини, шунингдек, шу фармойиш асосида пулни ҳақиқатда кимгадир берилганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжат ҳисобланади. *Пул чеки ҳам худди шундай ҳужжат ҳисобланади.*

Бухгалтерлик ҳисоб-китобларини акс эттирувчи ҳужжатлар деганда бевосита юз берган хўжалик операциясини акс эттирмайдиган, лекинда у ёки бу кўрсаткични, қарзни топиш учун бухгалтер томонидан тузилган ҳужжатлар тушунилади. Бундай ҳужжатларга мисол қилиб солиқлар ҳисоб-китобларини, *мажбурий ажратмалар* ҳисоб-китобларини, амортизацияни аниқлаш ҳисоб-китобларини келтириш мумкин.

Тузиш тартибига кўра бухгалтерия ҳисобида ишлатиладиган ҳужжатлар бошланғич ва йиғма ҳужжатларга бўлинади.

Бошланғич ҳужжатлар деб хўжалик операцияси содир бўлган вақтда тузилган ҳужжатлар тушунилади. Барча гувоҳлик берувчи ҳужжатлар бошланғич ҳужжатлар ҳисобланади.

Йиғма ҳужжатлар деганда бошланғич ҳужжатлар асосида тузилган ва уларнинг маълумотларини маълум давр учун жамлаб берадиган ҳужжатлар тушунилади. Бундай ҳужжатларга моддий ҳисоботлар, аванс ҳисоботлари, товар-пул ҳисоботлари, банк кўчирмалари ва бошқалар киради.

Акс эттириш усулларига кўра бухгалтерия ҳужжатлари бир маротаба юз берган ва кўп маротаба юз берган операцияларни акс эттирадиган ҳужжатларга бўлинади.

Йиғма ҳужжатлар деганда бошланғич ҳужжатлар асосида тузилган ва уларнинг маълумотларини маълум давр учун жамлаб берадиган ҳужжатлар тушунилади. Бундай ҳужжатларга моддий ҳисоботлар, аванс ҳисоботлари, товар-пул ҳисоботлари, банк кўчирмалари ва бошқалар киради.

Акс эттириш усулларига кўра бухгалтерия ҳужжатлари бир маротаба юз берган ва кўп маротаба юз берган операцияларни акс эттирадиган ҳужжатларга бўлинади.

Бир маротаба юз берган операцияларни акс эттирувчи ҳужжатлар деганда фақат битта операцияни у юз берган вақтда акс

эттирувчи ҳужжатлар тушунилади, масалан, пулни кассага кирим қилганда тузилган кирим касса ордери, товар жўнатилганда тузилган счёт- фактура ва шу каби ҳужжатлар.

Кўп маротаба юз берган операцияларни акс эттирувчи ҳужжатлар деганда бир хил мазмундаги ва кўп такрорланиб тутувчи хўжалик операцияларни маълум бир даврда (масалан, хафта , ўн кунлик, бир ой ичида) битта ҳужжат билан расмийлаштирувчи ҳужжатлар тушунилади, масалан омбордан ишлаб чиқаришга хар куни бериладиган материаллар бир хафта, ўн кун ёки бир ойга очилган битта забор листи билан расмийлаштирилиши мумкин. Бундай ҳужжатлар бошланғич ҳужжатлар сонини камайишига, уларни тузиш ва ишловига кетадиган вақтни анчагина тежалишига олиб келади.

Тузилган жойига кўра ҳужжатлар ички ва ташқи ҳужжатларга бўлинади.

Ички ҳужжатлар деб корхонанинг ўзида тузилган, **ташқи ҳужжатлар** деб эса корхонага четдан келиб тушган ҳужжатлар тушунилади. Масалан, тайёр маҳсулотни жўнатишда тузилган счёт-фактура ички, материалларни таъминотчилардан келиб тушганлигини кўрсатувчи счёт-фактура эса ташқи ҳужжат ҳисобланади.

Тузиш усулларига кўра бухгалтерия ҳужжатлари қўлда ва компьютерларда тузилган ҳужжатларга бўлинади.

Бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган ҳужжатлар шакл ва мазмунига кўра унификациялаштириш ва стандартлаштириш талабларига жавоб беришлари керак.

Ҳужжатларни унификациялаштириш деганда бир хил мазмундаги операцияларни барча корхоналарда ягона шакл ва мазмундаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши тушунилади. Масалан, 1998 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида товар-моддий захираларни сотиш ва сотиб олиш операцияларини фақатгина тасдиқланган ягона шаклдаги счет-фактура билан расмийлаштириш тартиби қўлланилади. Худди шундай тартиб кассадаги ва банклардаги пул маблағлари ва бошқа активларга доир операцияларни ҳужжатлаштиришда ҳам ишлатилади.

Ҳужжатларни стандартлаштириш деганда бир хил номдаги ҳужжатлар учун ягона размер ва шаклларни ўрнатилиши тушунилади. Юкорида айтилган счет-фактура ва бошка ҳужжатлар стандарт ҳужжатларга мисол бўла олади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳужжати деб тан олиниши учун ҳужжат маълум талабларга жавоб бериши лозим. Бу талабларга қуйидагилар киради:

1.Ҳужжат аниқ реквизитларга эга бўлишлиги ва бу реквизитлар тўлиғича кўрсатилган бўлишлиги керак. Бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган ҳужжатларнинг асосий реквизитларига қуйидагилар киради:

- Ҳужжатнинг номи;
- Ҳужжатнинг тартиб рақами
- Ҳужжатнинг тузиш санаси
- Операцияда қатнашувчи томонларнинг номи, адреси, телефони, банк реквизитлари, солиқ тўловчи сифатидаги идентификацион рақами (СТИР);
- Юз берган операциянинг мазмуни;
- Раҳбар ва бош ҳисобчининг фамилияси, исми – шарифи;
- Операцияга асос бўлган ҳужжат (масалан, ишончноманинг номери ва санаси);
- Операцияда бевосита қатнашган шахсларнинг фамилияси, исми-шарифи.

2.Ҳужжат имзоланган бўлиши керак (раҳбар, бош ҳисобчи ва операцияларда қатнашган бошқа шахслар томонидан).

3.Ҳужжат корхонанинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

4.Ҳужжат қалам билан тузилмаган бўлиши керак;

5.Ҳужжатнинг барча нусхалари *бир хил бўлиши лозим.*

Ушбу талабларнинг бирортасига амал қилинмай тузилган ҳужжат тўлиқ юридик кучга эга бўлмайди.

Бухгалтерия ҳисобида жуда кўп номдаги ва сондаги ҳужжатлар тузилади. Шунинг учун ҳужжатлар айланишини тўғри ташкил этиш, уларни белгиланган муддатларда корхонада сақлаш ва давлат архивига белгиланган тартибларда топшириш ўта муҳим ҳисобланади.

Инвентаризация

Инвентаризация – бу бухгалтерия ҳисобида унинг маълумотларини тўғрилигини, корхона активларини ҳақиқий ҳолатини, моддий жавобгар шахсларнинг ўз функцияларини сидқидилдан виждонан бажараётгалигини, мулкни талон-тарож қилинмаганлигини аниқлаш усули. Ушбу усулни қўллашдан асосан учта мақсадга эришиш учун фойдаланилади: (1) корхона активларини ҳақиқий ҳолатини аниқлаш; (2) моддий жавобгар шахсларнинг ўз функцияларини сидқидилдан виждонан бажараётгалигини, чунончи мулкни талон-тарож қилинмаганлигини билиш; (3) бухгалтерия ҳисобида унинг маълумотларини тўғрилигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоб объектларини инвентаризация қилиш тартиби махсус 19- сон БҲМС «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш» билан регламентлаштирилган. Ушбу стандартга мувофиқ инвентаризациянинг қуйидаги турлари мавжуд:

• **Режали инвентаризация** – бу корхонанинг моддий жавобгар шахсларни навбатдаги меҳнат таътилига чиқариш режасига кўра ўтказиладиган инвентаризация.

• **Режадан ташқари инвентаризация** – бу кўзда тутилмаган ҳолларда, масалан, фавқулоддаги ҳодисалар юз берганда (ўғрилик, тошқин ва шу каби ҳодисалар содир бўлганда) ўтказиладиган инвентаризация.

Инвентаризациянинг характерли хусусиятлари:

• Инвентаризация тўсатдан ўтказилади, яъни моддий жавобгар шахс уни ўтказилиши тўғрисида олдиндан хабар топмаслиги лозим.

• Инвентаризация раҳбарнинг буйруғи ёки фармойиши билан тасдиқланган доимий ҳаракатдаги ва ишчи инвентаризация комиссиялари томонидан ўтказилади, ушбу комиссияга моддий жавобгар шахс албатта киритилади.

• Инвентаризация маълум муддатга ўтказилади, унинг бошланиш ва тугаш вақти буйруқда ёки фармойишда кўрсатилган бўлиши керак.

• Инвентаризацияни ўтказиш белгиланган тартибда ва усулларда амалга оширилади.

• Инвентаризация натижалари махсус саноқ ва таққослаш далолатномалари билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг БҲМС ларига мувофиқ корхона активларини режали инветаризация қилишда қуйидаги муддатлар белгиланган (3.2-жадвалга қаранг).

3.2-жадвал

Корхона активлари ва мажбуриятларини инвентаризация қилиш муддатлари

Инвентаризация объекти	Инвентаризацияни ўтказиш муддатлари	Қайси БҲМСга мувофиқ
Асосий воситалар	Икки йилда бир марта йиллик ҳисобот олдидан	5- сон БҲМС, 19-сон БҲМС
Кутубхона фонди	Беш йилда бир марта	5- сон БҲМС, 19-сон БҲМС
Товар-моддий бойликлар (ёқилғи, озиқ –овқатлар, қимматбаҳо металлардан ташқари)	Йилига камида бир марта	4-сон БҲМС, 19-сон БҲМС

Ёқилғи, озиқ –овқатлар	Хар чоракда	4 –сон БҲМС 19-сон БХМС
Қимматбаҳо металлар	Тармоқ йўрикномасига мувофиқ белгиланган муддатларда	Махсус йўрикнома
Пул маблағлари, Пулли эквивалентлар ва ҳужжатлар	Хар ойда бир марта	12- сон БХМС 19 -сон БХМС
Ҳисоб-китоблар	Бир марта йиллик ҳисобот олдидан	19-сон БХМС

Инвентаризациянинг натижасида ҳисоб маълумотларидан четланишлар аниқланиши мумкин. Бундай четланишлар бўлиб камомад ва ортиқчалар ҳисобланади. Аниқланган камомадлар нинг белгиланган меъёрлардан ташқариси моддий жавобгар шахслардан қонун доирасида ўндирилиб олинади. Аниқланган ортиқчалар корхонанинг даромадига олинади.

Баҳолаш ва калькуляция

Баҳолаш – бу корхона активларининг қийматини пулда ифодалаш усули.

Калькуляция – бу хўжалик активларининг сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш қийматларини ҳисоблаб топиш усули.

Корхона активларини баҳолаш негизида қуйидаги қиймат турлари ётади:

1.Бошланғич қиймат – бу активларни сотиб олиш, қуриш, ишлаб чиқариш ва бошқа йўллар билан келиб тушган вақтида шаклланган қиймати. Ушбу қиймат ўз ичига активларни сотиб олишга, қуришга ва ишлаб чиқаришга кетган харажатларни олади. Бепул келиб тушган активларнинг бошланғич қиймати комиссия томонидан эксперт йўли билан топилади.

2.**Қолдиқ қиймат** – бу активларнинг бошланғич қийматидан фойдаланиш даврида жамланган эскириш суммасини чегиришдан кейин қолган қиймати.

3.**Соф сотиш қиймати** – бу активнинг сифати, ҳолати, шунингдек, бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиқган ҳолда шаклланган қиймати. Ушбу қиймат юқорида келтирилган қиймат турларидан кам ҳам, кўп ҳам бўлиши мумкин.

Корхона активларининг алоҳида турларини баҳолаш ва калькуляция қилишда ўзига хос хусусиятлар мавжуд ва бунда турли усуллардан фойдаланилади. Улар тўғрисида кейинги бобларда тўхталамиз.

Бухгалтерия ҳисоби счётлари

Счётлар – бу корхона активлари, хусусий капитали, мажбуриятлари, даромад, харажат, фойда ва зарарларини ҳисобот давридаги ҳолати (бошланғич ва охирги), шунингдек, уларнинг шу даврдаги ҳаракати (кўпайиши ва камайиши) тўғрисидаги маълумотларни пул ифодасида акс эттириш усули.

Бухгалтерия ҳисобида унинг ҳар бир объектини акс эттириш учун алоҳида счётлар кўзда тутилади. Ҳар бир счёт ўзининг тартиб рақамига ва аниқ номига эга бўлади. Одатда, счётнинг номи объектнинг номи билан бир хил бўлади. Мисол учун, асосий воситаларни акс эттириш учун айнан шундай номдаги № 0100, кассадаги пул маблағларини акс эттириш учун «Кассадаги пул маблағлари» номли № 5000 - счёт ва бошқа шу каби счётлар кўзда тутилади. Барча қўлланиладиган счётларнинг тартиб рақамлари ва аниқ номлари махсус счётлар режасида ўз аксини топади.

Счётлар режаси – бу корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг молиявий хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда қўлланиладиган счётларнинг тартиблаштирилган тизими. Ўзбекистон Республикасида счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома давлат аҳамиятига молик меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш Молия Вазирлигига юклатилган.

Республикамиз халқ хўжалиги тармоқларида уларнинг хусусиятларини эътиборга олган ва ўзида мужассамлаштирган қуйидаги учта турдаги счётлар режаси қўлланилади:

- Давлат бюджетидаги муассасалари молиявий–хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счётлари режаси.
- Банклар молиявий – хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счётлари режаси.
- Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счётлари режаси.

«Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» Молия Вазирлиги томонидан махсус 21- сонли БҲМС сифатида биринчи марта 2000 йил 30 мартда 37- сон буйруқ билан тасдиқланди. 2002 йил 9 сентябрда 103-сон буйруқ билан Молия

Вазирлиги ушбу БХМСни янги таҳрирда қайта тасдиқлади, у Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181 – сон тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган.

21- сон БХМС сифатида тасдиқланган счётлар режаси олтита қисм, ўнта бўлимдан иборат, у ўз ичига 208 та баланс счетларини, 40 та молиявий натижалар ҳисоботини тузишга мўлжалланган счётларни ва 16 та балансдан ташқари счётларни олади. Счётлар режасида бухгалтерия ҳисоби счётлари молиявий ҳисоботнинг шакллари бўлган бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг таркибий элементларига мос равишда қуйидаги қисм ва бўлимларга ажратилган (3-3-жадвалга қаранг).

3.3-жадвал

21- сон БХМС га мувофиқ счётлар режасининг таркибий тузилиши

Қисмларнинг номи	**Бўлимларнинг номи**	**Счётлар сериясн**
I. Узоқ муддатли активлар	1.Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активлар	01- 09
II. Жорий активлар	2.Товар-моддий захиралар 3.Келгуси давр харажатлари ва муддати узайтирилган харажатлар –жорий қисми. 4.Олинадиган счетлар 5. Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар	10 – 29 30 – 39 40 – 49 50 – 59
III. Мажбуриятлар	6.Жорий мажбуриятлар 7.Узоқ муддатли мажбуриятлар	60 – 69 70 – 79
IY. Хусусий капитал	8.Капитал, фойда ва резервлар	80 –89
Y. Молиявий натижаларни шаклланиши ва ишлатилиши	9.Даромадлар ва харажатлар	90 –99
YI. Балансдан ташқари счётлар		001- 016

21- сон БХМС га мувофиқ бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган счётлар қуйидаги белгилари бўйича таснифланади.

Доимийлигига кўра бухгалтерия ҳисоби счётлари доимий ва транзит счётларга бўлинади.

Доимий счётлар деганда ҳисобот даврининг охирида қолдиққа эга бўладиган ва бухгалтерия балансида акс эттириладиган активлар, хусусий капитал ва мажбуриятларни ҳисобга олишга мўлжалланган счётлар тушунилади.

Транзит счётлар деганда ҳисобот даврида корхонанинг даромад ва харажатларини ҳисобга олиш учун қўлланилиб, ҳисобот даврининг охирида ёпилиб кетадиган ва қолдиққа эга бўлмайдиган счётлар тушунилади.

Баланс томонларида жойлашишига кўра бухгалтерия ҳисоби счётлари актив, контрактив, пассив, контрпассив счётларга бўлинади.

Актив счётлар – корхона активларини акс эттиришга мулжалланган счётлар.

Пассив счётлар – корхона активларини ташкил топиш манбаларини кўрсатувчи хусусий капитал ва мажбуриятларни акс эттиришга мулжалланган счётлар.

Контрактив счётлар – корхона активларининг соф қийматини топишда чегириб ташланадиган суммаларни акс эттиришга мўлжалланган счётлар.

Контрпассив счётлар – корхонанинг хусусий капитали ва мажбуриятларининг соф қийматини топишда чегириб ташланадиган суммаларни акс эттиришга мўлжалланган счётлар.

Балансга суммаси киритилишига кўра бухгалтерия ҳисоби счётлари баланс ва балансдан ташқари счётларга бўлинади.

Баланс счётлари – бу қолдиқлари балансга киритиладиган счётлар. Активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитални акс эттиришга мўлжалланган барча счётлар баланс счётлари ҳисобланади.

Балансдан ташқари счётлар – корхонада вақтинчалик сақланаётган, фойдаланилаётган, лекинда унга тегишли бўлмаганлиги учун балансга киритиб бўлмайдиган активларни, шартли ҳуқуқ ва мажбуриятларни акс эттиришга мўлжалланган счётлар.

Маълумотларни жамлаш даражасига кўра бухгалтерия ҳисоби счётлари синтетик ва аналитик счётларга бўлинади.

Синтетик счётлар – бу маълумотларни фақат пул ифодасида қайд этиб ва жамлаб берувчи счётлар. Улар асосида юритиладиган ҳисоб **синтетик ҳисоб** деб аталади. 21- сон БҲМСда кўрсатилган барча счётлар синтетик счётлар ҳисобланади. Демак, давлат томонидан фақат синтетик счётлар регламентлаш-тирилади.

Аналитик счётлар – бу маълумотларни турли батафсилликларда ва турли ўлчов бирликларида қайд этиб ва жамлаб берувчи счётлар. Ушбу счётлар асосида юритиладиган ҳисоб **аналитик ҳисоб** деб аталади. Аналитик счётлар корхоналар томонидан мустақил равишда очилади ва юритилади. Аналитик счётлар суммаларининг йиғиндиси синтетик счет суммасига тенг бўлиши лозим. Масалан, корхонанинг № 6010 «Таъминотчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» синтетик счётида акс эттирилган жами қарзларининг суммаси ушбу счётга очилган аналитик счётлар (ушбу ҳолда алоҳида таъминотчилар) нинг қарзлари суммасининг йиғиндисидан иборат бўлиши керак.

21- сон БҲМС га мувофиқ счётлар 4 хонали сонлар билан рақамланади. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини компьютерларда юритишда ушбу рақамларни серияларга ажратиш муҳим рол ўйнайди. Жумладан, молиявий ҳисобот шаклларини тузиш учун счётларнинг 4 хонали сонларидаги биринчи иккитаси етарли ҳисобланади, чунки айнан шу биринчи иккита рақамлар ҳисоботда акс этувчи кўрсаткичларнинг умумий суммаларини ифодалайди, масалан, 01- серияли рақам асосий воситалар бўйича юритиладиган барча синтетик счётларнинг (0110-0199) маълумотларини, 90- серияли рақам сотишдан олинган даромадлар бўйича юритиладиган барча синтетик счётларнинг (9010-9030) маълумотларини жамлаб беради.

Амалиётда бухгалтерия ҳисоби счётлари китоблар, журналлар, мемориал-ордерлар, ведомостлар, карточкалар кўринишида қўлда ёки замонавий компьютерларнинг экранларида юритилади. Ушбу ҳужжатлар бухгалтерия ҳисоби счётларининг регистрлари ҳисобланади. Регистрлар кўринишида юритиладиган бухгалтерия ҳисоби счётлари ёзувларни тартиб билан тизимлаш учун икки томонга ажратилади – чап ва ўнг томонларга. Счётларнинг чап томони «дебет», ўнг томони эса – «кредит» деб аталади.[7] Ҳар бир счёт ички томондан тўртта элементни ўз ичига олади:

• **Бош қолдиқ** – бу счёт бўйича ҳисобот даври бошидаги қолдиқ сумма. Бухгалтерлар тилида уни «**бош сальдо**» ҳам деб атайдилар.

• **Дебет оборот** – бу счётнинг дебет тарафига ёзилган суммаларнинг йиғиндиси. Актив счётларда ушбу оборот ҳисобот даврида счётнинг бош қолдиғи суммасини жами қанчага кўпайганлигини билдиради, пассив счётларда эса - ҳисобот даврида счётнинг бош қолдиғи суммасини жами қанчага камайганлигини билдиради.

[7] Дебет – у қарздор, кредит – у ишонади деган маънони билдиради.

• **Кредит оборот** – бу счётнинг кредит тарафига ёзилган суммаларнинг йиғиндиси. Актив счётларда ушбу оборот ҳисобот даврида счётнинг бош қолдиғи суммасини жами қанчага камайганлигини билдиради, пассив счётларда эса - ҳисобот даврида счётнинг бош қолдиғи суммасини жами қанчага кўпайганлигини билдиради.

• **Охирги қолдиқ** – бу счёт бўйича ҳисобот даври охиридги қолдиқ сумма. Бухгалтерлар тилида уни **«охирги сальдо»** ҳам деб атайдилар.

Барча бухгалтерия ҳисоби счётларини график кўринишда қуйидагича ифодалаш мумкин.

АКТИВ СЧЁТ		**ПАССИВ СЧЁТ**
Бош қолдиқ (Бқ) қолдиқ (Бқ)		Бош
Кўпайиши (+) Кўпайиши (+)	Камайиши (-)	Камайиши (-)
Дебет оборот (До) Кредит оборот (Ко)	Кредит оборот (Ко)	Дебет оборот(ДО)
Охирги қолдиқ (Ок) қолдиқ (Ок)		Охирги

Актив ва пассив счётларда давр охиридаги қолдиқ сумма қуйидаги математик алгоритмлар ёрдамида топилади:

Актив счётларда	**Пассив счётлар**
Ок = Бқ + До – Ко	**Ок = Бқ + Ко – До**

Бухгалтерия ҳисоби счётлари, одатда, ҳисобот даврнинг бошига очилади, ҳисобот давр давомида уларга ёзувлар ўтқазиб борилади ва ҳисобот даврининг охирида ёпилади.

Счётларнинг очилиши деганда уларнинг бош қолдиғини мос равишда дебет ва кредитда кўрсатиш тушунилади.

Счётларга ёзиш деганда юз берган операция суммасини уларнинг дебет ва кредит томонларида акс эттириш тушунилади.

Счётларнинг ёпилиши деганда уларнинг дебет ва кредит оборотлари суммаларини ҳисоблаш ва охирги қолдиқ суммаларини топиш тушунилади.

Счётларга икки ёқлама ёзув

Бухгалтерия ҳисобининг бошқа ҳисоб турларидан фарқ қиладиган жиҳатларидан бири шундаки, юз берган операциянинг суммаси унда икки марта, яъни бир счетнинг дебетига, бошқа бир счетнинг кредитига ёзилади. Бундай ёзувга икки ёқлама ёзув деб аталади.

Счётларга икки ёқлама ёзувни, бошқачасига, бухгалтерия ёзуви, бухгалтерия ўтказмаси деб ҳам атайдилар.

Бухгалтерия ўтказмалари *оддий ва мураккаб* турларга бўлинади.

Оддий бухгалтерия ўтказмаси деганда иккита счет қатнашган, шундан бири дебетланган ва бошқаси кредитланган ўтказмага айтилади.

Мураккаб ўтказмалар – бу уч ва ундан кўп счетлар қатнашиб тузилган ўтказмаларга айтилади. Бундай ўтказмаларда битта счет дебетланиб, икки ва ундан кўп бошқа счетлар кредитланади ёки шунинг тескариси бўлади.

Бухгалтерия ўтказмаларини турли усулларда бериш мумкин: горизонтал, вертикал, счетлар схемаси кўринишида.

Горизонтал усул асосан оддий бухгалтерия ўтказмаларини беришда қўлланилади ва тахминан қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Дебет	Кредит	Сумма
1010	6010	1000000

Вертикал усул оддий ва мураккаб бухгалтерия ёзувларида қўлланилади ва қуйидаги кўринишда берилади:

- Оддий ўтказмада

Дебет 1010 1000000
Кредит 6010 1000000

- Мураккаб ўтказмада

Дебет 1010 1800000
Кредит 6010 1000000
Кредит 2810 500000
Кредит 4610 300000

Дебет 2010 600000
Дебет 2310 200000
Дебет 2510 300000
Кредит 1010 1100000

Амалиётдаги счетларнинг ҳисоб регистрларида асосан мураккаб бухгалтерия ўтказмалари қўлланилади.

Счетлар схемаси усулида юқоридаги бухгалтерия ўтказмалари қуйидагича акс эттирилади:

1010		6010		4610		2810	
1800000			1000000		300000		500000

Бухгалтерия ўтказмаларини беришда қуйидаги кетма-кетликга амал килиниши лозим.

1. Юз берган операциянинг мазмунига кўра унда қатнашган счетлар аниқланади.

2. Операцияда қатнашаётган счетларнинг актив ёки пассив счетлар эканлиги аниқланади.

3. Актив ва пассив счетларда кўпайиш ва камайишларни уларнинг қайси тарафида акс эттирилиши тартибига кўра уларнинг бири дебетланади, иккинчиси эса кредитланади.

Юқоридаги келтирилган бухгалтерия ўтказмаларига шарҳ:

1. Таъминотчидан 1000000 сумлик материаллар келиб тушган, операцияда 1010 «Материаллар» ва 6010 «Таъминотчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» счетлари қатнашади. 1010- счет актив, унда кўпайиш юз бераяпти. Демак, ушбу счет дебетланади. 6010 –счет пассив счет ҳисобланади, унда ҳам кўпайиш юз бераяпти. Демак ушбу счет кредитланади.

2. Таъсисчилардан уларнинг ҳиссаси сифатида 300000 сумлик материаллар келиб тушди. Операцияда 1010 «Материаллар» ва 4610 «Таъсисчиларнинг устав капиталига бадаллари бўйича қарзлари» счетлари қатнашади. 1010- счет актив, унда кўпайиш юз бераяпти. Демак, ушбу счет дебетланади. 4610 –счет ҳам актив счет ҳисобланади, унда камайиш юз бераяпти. Демак ушбу счет кредитланади.

3. 500000 сумлик тайёр маҳсулот материаллар счетига ўтказилди. Операцияда 1010 «Материаллар» ва 2810 « Тайёр маҳсулотлар» счетлари қатнашади. 1010- счет актив, унда кўпайиш юз бераяпти. Демак, ушбу счет дебетланади. 2810 –счет ҳам счет актив ҳисобланади, унда камайиш юз бераяпти. Демак ушбу счет кредитланади.

Бухгалтерия ҳисоби счетларига икки ёқлама ёзув катта назорат аҳамиятига эга. Унда, бир томондан балансдан ташқари барча счетларнинг ўзаро алоқалари, счетларнинг оборот ва қолдиқ суммаларини тенглиги, пировардида счетларнинг бухгалтерия баланси билан узвий боғлиқлиги ёркин намоён бўлади.

Бухгалтерия баланси

Бухгалтерия баланси[8] – бу корхона активлари ва уларни ташкил топиш манбаларининг маълум бир санадаги ҳолатини пул бирлигида ифодалаш усули.

Бухгалтерия балансининг бош мақсади бўлиб мулкга эгалик қилиш ҳуқуқини ифодаловчи «Актив = Пассив» ёки «Актив = Хусусий капитал+ Мажбуриятлар» математик тенгликни ҳамма вақт таъминлаб бериш ва сақлаш ҳисобланади. Ушбу тенгликни таъминлаш учун бухгалтерия ҳисоби одатда, маълум бир даврнинг бошида актив, хусусий капитал ва мажбуриятларнинг бошланғич ҳолатини билишдан бошланиб, шу даврнинг охирида уларнинг охирги ҳолатини билиш билан якунланади. Айнан шулар бухгалтерия балансининг моҳиятини ташкил этади ва унинг корхоналар бошқарув тизимида ўта муҳим аҳамиятга моликлигидан дарак беради.

Бухгалтерия ҳисоби назарияси ва амалиётида «баланс» сўзи на фақат тенглик мазмунида, балким давлат аҳамиятига молик муҳим бухгалтерия ҳисоби ҳужжати сифатида ҳам талқин этилади. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия баланси хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми ҳисобланади. *Унинг шакли, таркиби ва тузиш тартиби* Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140- сон буйруқ билан тасдиқланган «Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш Қоидалари» билан, балансни тақдим этиш тартиби эса Молия Вазирлигининг 2000 йил 15 июндаги 47- сон буйруғи билан тасдиқланган «Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисида Низом» да белгиланган.

Корхоналар томонидан тузиладиган бухгалтерия балансини турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин, масалан тузилган санасига, маълумотларни жамлаш ҳажмига, субъектларни молиялаштирилишига,

---

[8] баланс лотинча «bis», яъни «икки» ва «lanx», яъни «тарози палласи» сўзларидан олинган бўлиб, ўзаро тенглик, бир хилликни билдиради.

регулировка счетлари қолдиқлари ҳисобга олинганлигига ва бошқа белгиларига қараб.

Тузилган санасига кўра бухгалтерия балансини қуйидаги турларга ажратиш мумкин: кириш (ёки таъсис) баланси; бошланғич ва ҳисобот баланси; тугатиш баланси; бирлаштириш ва ажратиш баланси.

Кириш ёки таъсис баланси деганда корхонанинг давлат рўйхатидан ўтган санасига, яъни таъсис этилган кунига тузилган баланси тушунилади. Одатда ушбу санага тузилган баланснинг активида фақат таъсисчиларнинг янги ташкил этилган корхона олдидаги қарзи, баланснинг пассивида эса эълон қилинган устав капиталининг миқдори кўрсатилади.

Бошланғич баланс деганда ҳисобот даври бошига, **ҳисобот баланси** деганда эса ҳисобот даврининг охирига тузилган баланс тушунилади. Ҳисобот баланси кейинги давр учун бошланғич баланс бўлиб ҳисобланади.

Тугатиш баланси – корхона тугатилиши санасига тузилган баланс.

Бирлаштириш баланси – икки ва ундан ортиқ корхоналар бир бири билан қўшилганда қўшилиш санасига тузилган баланс.

Ажратиш баланси – бу корхона ихтиёридан мустақил бошқа корхона ажралиб чиқганда бир – бирига маблағларни топшириш ва қабул қилиш санасига тузилган баланс.

Маълумотларни жамлаш даражасига кўра баланс йиғма ва алоҳида баланс турларига бўлинади.

Йиғма баланс – бу бир тизим корхоналари балансларини моддаларини горизонтал ҳолда жамлаш натижасида тузилган баланс, масалан трест, концерн, компания, вазирлик ва шу каби юқори органлар томонидан тузилган баланс.

Алоҳида баланс – бу ҳар бир хўжалик юритувчи субъект томонидан тузилган баланс.

Ўз қарамоғида шўъба хўжалик жамиятларига эга бўлган бош корхоналар **консолидациялаштирилган баланс** тузадилар.

Субектларни молиялаштирилишига қараб баланс бир биридан тубдан фарқ қиладиган давлат бюджетидаги муассасалар баланси ва хўжалик юритувчи субъектлар балансига бўлинади.

Ҳисоб маълумотларини жамлаш циклларига кўра синов баланси, тузатилган синов баланси ва охирги якуний баланс турларини ажратиш мумкин.

Синов баланси – бу вақтинчалик счетлар ёпилмасдан тузилган, шунингдек, ҳисобот даври охиригаа айрим счетлар бўйича ҳисоб-

китоблар маълум сабабларга кўра охиригача амалга оширилмаган ҳолда тузилган дастлабки баланс. **Тузатилган синов баланси** - мавжуд камчиликлар тузатилгандан сўнг, лекинда вақтинчалик счетлар ёпилмасдан тузилган баланс. **Якуний баланс** – бу вақтинчалик счетлар ёпилгач, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва тақсимланмаган фойда тўғрисидаги ҳисоботларнинг маълумотлари эътиборга олиниб тузилган баланс. Охирги учта турдаги балансни тузиш тартиби чет эл корхоналари амалиётида кенг тарқалган.

Регулировка счетлари қолдиқларини ҳисобга олиб баланс-брутто ва баланс –нетто тузилиши мумкин.

Баланс- брутто – бу активлар суммасидан жамланган амортизация ва эскириш суммаларини, шунингдек, савдо устамаларини, шубҳали қарзлар бўйича мавжуд резерв суммасини чегириб ташламасдан тузилган баланс. Ушбу баланс корхона активларининг реал қийматини ифода этмайди.

Баланс-нетто – бу активлар суммасидан жамланган амортизация ва эскириш суммаларини, шунингдек, савдо устамаларини, шубҳали қарзлар бўйича мавжуд резерв суммасини чегириб ташлаш йўли билан тузилган баланс. Ушбу баланс корхона активларининг реал қийматини ифода этади.

Ҳам тенглик, ҳам хужжат сифатида эътироф этиладиган бухгалтерия баланси икки томонли, яъни чап ва ўнг томонли, жадвал кўринишига эга бўлади. Жадвалнинг чап томони «Актив», ўнг томони эса – «Пассив» номи билан аталади. Жадвалнинг «Актив» томонида корхонанинг хўжалик активлари уларнинг турлари бўйича, жадвалнинг «Пассив» томонида эса хўжалик активлари уларнинг ташкил топиш манбалари бўйича акс эттирилади. «Актив» ва «Пассив» томонларда кўрсатилган активлар ва уларнинг ташкил топиш манбалари суммаларининг йиғиндиси бир бирига тенг келади, айнан шу тенглик «баланс» дейилади.

Жадвал кўринишидаги бухгалтерия баланси ички томондан бўлимлардан, бўлимлар эса- алоҳида моддалардан иборат бўлади.

Баланс бўлими деганда корхона активларини ва уларнинг ташкил топиш манбаларини ифодаловчи моддалар суммасини у ёки бу белгисига қараб жамлаш усули тушунилади.

Баланс моддаси деганда балансннинг ҳар бир қатори тушунилади, ҳар бир қатор эса ўз навбатида битта ёки бир нечта бухгалтерия ҳисоби счётларини ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам балансннинг тасдиқланган шаклида ҳар бир модда бўйича қавс ичида тегишли счетларнинг тартиб рақамлари кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида қўлланилаётган бухгалтерия балансининг **«Актив»** томони хўжалик активларини хизмат муддатига кўра қуйидаги иккита бўлим бўйича тизимлашга асосланган:

I-бўлим. **«Узоқ муддатли активлар».** Ушбу бўлимда 1 йилдан кўп муддатда оборотда бўладиган асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий ва капитал инвестициялар, шунингдек, узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва муддати узайтирилган харажатларнинг қолдиқ суммалари кўрсатилади.

II-бўлим. **«Жорий активлар».** Ушбу бўлимда 1 йилдан кам муддатда оборотда бўладиган ишлаб чиқариш заҳиралари ва харажатлари, тайёр маҳсулотлар ва товарлар, пул маблағлари, дебиторлик қарзлар ва бошқа жорий активларнинг қолдиқ суммалари кўрсатилади.

Баланснинг **«Пассив»** томони хўжалик активларини ташкил топиш манбаларини турига қараб қуйидаги иккита бўлим бўйича тизимлашга асосланган:

I-бўлим. **«Ўз маблағларининг манбаи».** Ушбу бўлимда устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда ва хусусий капиталнинг бошқа элементларининг қолдиқ суммалари кўрсатилади.

II-бўлим. **«Мажбуриятлар».** Ушбу бўлимда корхонанинг юридик ва жисмоний шахслар олдидаги қарзларининг қолдиқ суммаси кўрсатилади.

Бухгалтерия балансида бўлимлар бўйича маълумотлар алоҳида қаторда, иккала бўлим суммаларининг йиғиндиси алоҳида қаторда акс эттирилади. Айрим моддалар бўйича қавс ичида ўзаро айирмалар кўринишида кўрсатилган счётлар уларнинг биринчиси суммасидан иккинчисини суммасини айириб ташлагандан кейин қоладиган суммани шу қаторга ёзишни билдиради. Бундан ташқари бухгалтерия балансида маълумотлар, мос равишда, ҳисобот йили бошига ва ҳисобот давр охирига алоҳида устунларда кўрсатилади (3.4-жадвалга қаранг).

3.4-жадвал

«Баҳор» хусусий корхонасининг бухгалтерия баланси

(минг сум ҳисобида)

Актив	Сумма		Пассив	Сумма	
	Йил бошига	Давр охирига		Йил бошига	Давр охирига
бўлим. Узоқ муддатли активлар			**1-бўлим. Ўз маблағларининг манбаи**		
Асосий воситалар	200 000	180 000	Устав капитали	50 000	50 000

Номоддий активлар	10 000	8 000	Резерв капитали	20 000	21 500
Молиявий инвестициялар	50 000	56 500	Таксимланмаган фойда	10 000	20 100
1-бўлим бўйича жами	**260 000**	**244 500**	**1-бўлим бўйича жами**	**80 000**	**91 600**
2-бўлим. Жорий активлар			**2-бўлим. Мажбуриятлар**		
Ишлаб чиқариш захиралари	45 000	35 600	Қисқа муддатли кредитлар	70 000	52 100
Тайёр маҳсулотлар	15 000	12 400	Тўланадиган счетлар	116 000	96 000
Товарлар	13 000	16 800	Олинган аванслар	114 000	120 000
Пул маблағлари	20 000	35 000	Бюджетга қарзлар	6 000	8 500
Дебиторлик қарзлар	50 000	39 300	Иш ҳақи бўйича қарзлар	5 000	7 500
2- бўлим бўйича жами	**143 000**	**139100**	Суғурта бўйича қарзлар	2 000	1 500
			Бошқа қарзлар	10 000	6400
			2- бўлим бўйича жами	**323 000**	**292 000**
БАЛАНС	**403 000**	**383 600**	**БАЛАНС**	**403 000**	**383 600**

Корхоналар молиявий-молиявий хўжалик фаолиятига баҳо бериш учун бухгалтерия балансини ўқиш ўта муҳим ҳисобланади.

Бухгалтерия балансини ўқиш деганда уни горизонтал ва вертикал жиҳатдан таҳлил қилиш тушунилади.

Горизонтал таҳлил – бу ҳисобот даври охирига ҳисобот йилнинг бошига нисбатан баланснинг умумий суммаси, шунингдек, унинг ҳар бир моддаси суммасининг камайиш ёки кўпайиш томонида юз берган ўзгаришини аниқлаш ҳамда ушбу ўзгаришлар тенденцияларига баҳо беришдир. Бундай таҳлил баланс валютаси ҳамда унинг алоҳида бўлимлари ва моддалари бўйича ҳисобот даврда юз берган ижобий ва салбий тенденцияларни аниқлашга имкон беради.

Вертикал таҳлил – бу ҳисобот даври боши ва охирига баланснинг ҳар бир бўлими ва моддаларининг корхонанинг жами активлари ҳамда уларни ташкил топтириш манбаларида тутган ўрни, яъни улушларини аниқлаш, шунингдек, уларга баҳо беришдир. Баланснинг ҳар бир моддаси корхона активлари ва уларни ташкил топтириш манбаларини шакллантиришга бевосита ва билвосита, шунингдек, ижобий ва салбий

таъсир кўрсатувчи омил бўлиб ҳисобланади. Мисол учун, корхоналар жами активларида узоқ муддатли активлар улушининг катталиги ушбу корхонанинг моддий техника базасининг кучлилигидан дарак беради, товар-моддий бойликлар ва пул маблағлари улушининг камлиги эса мазкур корхонада кўпроқ даромад келтирувчи активларнинг етарлича эмаслигини билдиради. Аксинча, жорий активларнинг узоқ муддатли активларга нисбатан жами активлардаги улушининг юқори бўлишлиги мазкур корхонада тез ликвидли активларнинг мавжудлиги эвазига кўпроқ даромад олишга ҳамда юқори даражада тўлов қобилиятига эришилаётганлигидан дарак беради.

Корхона активларининг ташкил топиш манбаларида ўз маблағлари улушининг катталиги ва мажбуриятлар улушининг пастлиги мазкур корхонанинг юқори даражада молиявий мустақиллигидан, аксинча жами активларнинг ташкил топиш манбаларида мажбуриятлар улушининг юқорилиги эса бу корхонанинг молиявий қарамлигини билдиради.

Вертикал таҳлилда аниқланган баланс валютасига бевосита таъсир киладиган моддалар улушларини горизонтал тарзда таққослаш корхонада ҳисобот даврида юз берган ижобий ёки салбий жиҳатларни аниқлашга, мос равишда, молиявий ҳолатни яхшилашга оид бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон беради.

Бухгалтерия ҳисоби ахборотларидан фойдаланувчилар корхонада юз берган операцияларнинг балансга қандай таъсир кўрсатишини билишлари ўта муҳимдир. Чунки содир бўлган хўжалик жараёнлари ва операциялари албатта активлар ва уларни ташкил топиш манбаларининг давр бошидаги ҳолатига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Мисол учун, корхона ўз устав капиталини кўпайтирса ёки камайтирса – бу албатта ҳам активга, ҳам пассивга таъсир ўтказади. Ёки омбордан материал ишлаб чиқаришга берилса активларнинг таркибида ўзгариш юз беради, иш ҳақидан даромад солиғи ушланса, активларни ташкил топиш манбалари таркибида ички ўзгариш юз беради. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мукин.

Корхоналарда юз берган операциялар натижасида балансда юз берадиган ўзгаришлар тўртта типга ажратилади.

I-тип. Баланс активи таркибидаги ўзгаришлар. Бу типдаги ўзгаришлар, мазмунидан кўриниб турибдики, фақат бухгалтерия балансининг актив қисмига кирувчи элементларга (моддаларга) тегишлидир. Яъни юз берган хўжалик операцияси фақат актив элементларига тегишлидир. Корхонада юз берган операция натижасида

бир актив кўпаяди, иккинчиси эса камаяди. Пировардида эски баланс ўзгаришсиз қолади.

Бу тип ўзгариш алгоритмини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$А + Х - Х = П$$

бу ерда **А** – актив; **П**- пассив; **Х**-хўжалик операцияси таъсирида баланснинг битта актив моддаси суммасининг ошиши ва бошқа актив моддаси суммасининг камайиши.

3.5-жадвал

Баланс активи таркибидаги ўзгаришларга мисоллар

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Операцияни баланс моддаларига таъсири
1	Кассадаги пуллар банкдаги ҳисоб-китоб счётига топширилди	Касса моддасидаги сумма камаяди, Ҳисоб-китоб моддасидаги сумма кўпаяди. Бироқ баланснинг олдинги суммаси ўзгармайди
2	Кассага пуллар банкдаги ҳисоб-китоб счётидан келиб тушди	Касса моддасидаги сумма кўпаяди, Ҳисоб-китоб моддасидаги сумма камаяди. Бироқ баланснинг олдинги суммаси ўзгармайди
3	Омбордан материаллар ишлаб чиқаришга сарфланди	Материаллар моддасидаги сумма камаяди, тугалланмаган асосий ишлаб чиқариш моддасидаги сумма кўпаяди. Бироқ баланснинг олдинги суммаси ўзгармайди
4	Ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот олинди	Тугалланмаган асосий ишлаб чиқариш моддасидаги сумма камаяди, тайёр маҳсулот моддасидаги сумма кўпаяди. Бироқ баланснинг олдинги суммаси ўзгармайди
5	Корхона банкдаги ҳисоб-китоб счётидан бошқа корхонага қарз сифатида пул ўтказиб берди	Ҳисоб-китоб моддасидаги сумма камаяди, молиявий инвестиция моддасидаги сумма кўпаяди. Бироқ баланснинг олдинги суммаси ўзгармайди
6	Корхонанинг ҳисоб-китоб счётига бошқа корхонага олдин берилган қарз суммаси келиб тушди	Ҳисоб-китоб моддасидаги сумма кўпаяди, молиявий инвестиция моддасидаги сумма камаяди. Бироқ баланснинг олдинги суммаси ўзгармайди

П-тип. Баланс пассиви таркибидаги ўзгаришлар. Бу типдаги ўзгаришлар, мазмунидан кўриниб турибдики, фақат бухгалтерия балансининг пассив қисмига кирувчи элементларга (моддаларга) тегишлидир. Яъни юз берган хўжалик операцияси фақат пассив элементларига тегишлидир. Корхонада юз берган операция натижасида

битта пассив кўпаяди, иккинчиси эса камаяди. Пировардида эски баланс ўзгаришсиз қолади.

Бу тип ўзгариш алгоритмини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\mathbf{A = П + X - X}$$

бу ерда **А** – актив; ; **П**- пассив; **Х**-хўжалик операцияси таъсирида баланснинг битта пассив моддаси суммасининг ошиши ва бошқа пассив моддаси суммасининг камайиши.

3.6-жадвал

Баланс пассиви таркибидаги ўзгаришларга мисоллар

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Операцияни баланс моддаларига таъсири
1	Тақсимланмаган фойданинг бир қисми резерв капиталига ўтказилди	Тақсимланмаган фойда моддасидаги сумма камаяди, резерв капитали моддасидаги сумма кўпаяди. Бироқ баланснинг олдинги суммаси ўзгармайди
2	Резерв капитали тақсимланмаган фойдага ўтказилди	Тақсимланмаган фойда моддасидаги сумма кўпаяди, резерв капитали моддасидаги сумма камаяди. Бироқ баланснинг олдинги суммаси ўзгармайди
3	Тақсимланмаган фойдадан таъсисчиларга дивиденд ҳисобланди	Тақсимланмаган фойда моддасидаги сумма камаяди, таъсисчилар олдидаги мажбуриятлар моддасидаги сумма кўпаяди. Бироқ баланснинг олдинги суммаси ўзгармайди
4	Тақсимланмаган фойданинг бир қисми устав капиталини кўпайтиришга йўналтирилди	Тақсимланмаган фойда моддасидаги сумма камаяди, устав капитали моддасидаги сумма кўпаяди. Бироқ баланснинг олдинги суммаси ўзгармайди
5	Иш ҳақидан даромад солиғи ушлаб қолинди	Иш ҳақи бўйича қарзлар моддасидаги сумма камаяди, бюджетга қарзлар моддасидаги сумма кўпаяди. Бироқ баланснинг олдинги суммаси ўзгармайди

Ш-тип. Баланс активи ва пассивининг кўпайишига олиб келувчи ўзгаришлар. Бу типдаги ўзгаришлар, мазмунидан кўриниб турибдики, бухгалтерия балансининг ҳам активи, ҳам пассивига кирувчи элементларга (моддаларга) тегишлидир. Яъни юз берган хўжалик операцияси бир вақтнинг ўзида ҳам актив, ҳам пассив пассив элементларига тегишлидир. Корхонада юз берган операция натижасида корхонанинг активи ҳам, пассиви ҳам бир хил суммага кўпаяди. Пировардида эски баланс суммаси кўпайиш томонга ўзгаради.

Бу тип ўзгариш алгоритмини қуйидагича ифодалаш мумкин:

А +Х = П +Х,

бу ерда А – актив; П- пассив Х-хўжалик операцияси таъсирида баланснинг битта актив моддаси ва битта пассив моддаси суммасининг ошиши.

3.7-жадвал

Баланс активи ва пассивини кўпайишига олиб келувчи ўзгаришларга мисоллар

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Операцияни баланс моддаларига таъсири
1	Хом ашё ва материаллар таъминотчилардан қарзга олинди	Материаллар моддасидаги сумма кўпаяди, таъминотчилар олдидаги қарзлар моддасидаги сумма кўпаяди. Мос равишда, баланс активи ва пассиви бир хил суммага кўпаяди
2	Ҳисоб-китоб счётига банк кредити келиб тушди	Ҳисоб-китоб счёти моддасидаги сумма кўпаяди, олинган кредитлар бўйича қарз моддасидаги сумма ҳам кўпаяди. Мос равишда, баланс активи ва пассиви бир хил суммага кўпаяди
3	Таъсисчилар устав капиталини кўпайтиришга қарор қилдилар	Таъсисчиларнинг қарзлари моддасидаги сумма кўпаяди, устав капитали моддасидаги сумма ҳам кўпаяди. Мос равишда, баланс активи ва пассиви бир хил суммага кўпаяди
4	Юкори ташкилотдан қайтариб бермаслик шарти Билан автомашина келиб тушди	Асосий воситалар моддасидаги сумма кўпаяди, резерв капитали моддасидаги сумма кўпаяди. Мос равишда, баланс активи ва пассиви бир хил суммага кўпаяди
5	Валюта счётига хорижий банклан чет Эл валютасида кредит олинди	Ҳисоб-китоб счёти моддасидаги ва кредит моддасидаги сумма кўпаяди. Мос равишда, баланс активи ва пассиви бир хил суммага кўпаяди

IУ-тип. Баланс активи ва пассивининг камайишига олиб келувчи ўзгаришлар. Бу типдаги ўзгаришлар, мазмунидан кўриниб турибдики, бухгалтерия балансининг ҳам активи, ҳам пассивига кирувчи элементларга (моддаларга) тегишлидир. Яъни юз берган хўжалик операцияси бир вактнинг ўзида ҳам актив, ҳам пассив пассив элементларига тегишлидир. Корхонада юз берган операция натижасида корхонанинг активи ҳам, пассиви ҳам бир хил суммага кмаяди. Пировардида эски баланс суммаси камайиш томонга ўзгаради.

Бу тип ўзгариш алгоритмини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$A - X = II - X$$

Бу ерда: **А** – актив; **П**- пассив **Х**-хўжалик операцияси таъсирида баланснинг битта актив моддаси ва битта пассив моддаси суммасининг камайиши.

3.8-жадвал

Баланс активи ва пассивини камайишига олиб келувчи ўзгаришларга мисоллар

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Операцияни баланс моддаларига таъсири
1	Кассадан ходимларга иш ҳақи берилди	Касса счёти моддасидаги сумма кўмаяди, ходимлар олдидаги қарзлар моддасидаги сумма ҳам камаяди. Мос равишда, баланс активи ва пассиви бир хил суммага камаяди
2	Ҳисоб-китоб счётидан банк кредити қайтарилди	Ҳисоб-китоб счёти моддасидаги сумма камаяди, олинган кредитлар бўйича карз моддасидаги сумма ҳам камаяди. Мос равишда, баланс активи ва пассиви бир хил суммага камаяди.
3	Ҳисоб-китоб счётидан бюджетга соликлар тўланди	Ҳисоб-китоб-счёти моддасидаги сумма камаяди, бюджет олдидаги қарзлар моддасидаги сумма ҳам камаяди. Мос равишда, баланс активи ва пассиви бир хил суммага камаяди.
4	Валюта счётидан хорижий банкдан чет эл валютасида олинган кредит қайтарилди	Валюта счёти моддасидаги ва кредит моддасидаги сумма камаяди. Мос равишда, баланс активи ва пассиви бир хил суммага камаяди.

Балансдаги ўзгаришларнинг типлари бўйича қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

- I- ва II- типдаги ўзгаришлар олдинги баланс суммасини ҳеч қачон ўзгартирмайди.
- III- ва IY –типдаги ўзгаришлар албатта олдинги баланс суммасини ўзгаришига олиб келади, жумладан, учинчи тип ўзгаришлар баланс суммасини ошишига, тўртинчи тип ўзгаришлар баланс суммасини камайишига сабаб бўлади.
- ҳеч қачон балансдаги ўзгариш типлари бир вақтнинг ўзида активни бир суммага ошириб, пассивни эса ўша суммага камайтириши мумкин эмас.

• ҳеч қачон балансдаги ўзгариш типлари активни бир суммага кўпайтиришга (камайтиришга), пассивни эса бошқа бир суммага кўпайтиришга (камайтиришга) олиб келиши мумкин эмас.

3.3. Бухгалтерия ҳисоби тамойиллари

Жаҳоннинг турли мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида, бухгалтерия ҳисобини давлат томонидан регламентлаштирилишининг муҳим белгиларидан бири бўлиб уни белгиланган тамойилларга асосланиб юритилиши ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби тамойиллари деганда уни юритишда амал қилиш лозим бўлган қоида ва тартиблар мажмуаси тушунилади.

Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг тамойиллари мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Қонуни» (3- модда), шунингдек, 1-сон БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» (16-49 бандлар)да белгиланган. Бундай тамойилларнинг асосийлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади.

Узликсизлик тамойили. Молиявий ҳисоботни узлуксизлик тамойили асосида тайёрлаш хўжалик юритувчи субъект доимий ҳаракат қилишини ва узоқ муддат давомида ўз фаолиятини давом эттиришини, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг ўзини тугатишига ёки ўз фаолияти соҳасини қисқартиришга эҳтиёжи йўқлигини билдиради.

Агар раҳбар хўжалик юритувчи субъектни тугатиш ёки унинг фаолияти кўламларини қисқартириш зарур деб ҳисобласа ёхуд шундай вазиятга олиб келадиган шароит мавжуд деб ўйласа, молиявий ҳисобга тушунтиришларда бундай фактнинг мазмунини очиб бериши ва молиявий ҳисоботни тузишга асос бўлган жиҳатларни, давомийлик тамойилидан чекиниш сабабларини кўрсатиши зарур.

Узлуксизлик тамойили яна шуни билдирадики, бухгалтерия ҳисобини юритиш муддати хўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатган муддатга мос бўлиши лозим, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби субъект тугатилган ёки у банкрот деб эълон қилинган пайтгача юритилиши лозим. Хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини тўхтатган кундан бошлаб бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳам тўхтатилади.

Ҳисобласш тамойили. Бу тамойил корхонанинг активлари, пассивлари, ўз сармояси, даромадлари, харажатлари, хўжалик операциялари ва воқеаларини бухгалтерия ҳисобида бу ҳаракатлар юзасидан пул маблағлари ёки эквивалентлари олинган ёхуд тўланган пайтда эмас,

балки шу ҳаракатлар содир этилган (ёки ҳақиқатда олинган) пайтда акс эттиришни билдиради. Ҳисоблаш тамойили асосида тайёрланган молиявий ҳисоботлар ундан фойдаланувчиларга ўтмишда пул тўлаб ёки пул маблағларини олиб амалга оширилган операциялар тўғрисидагина эмас, шунингдек, келгусида пул тўланадиган мажбуриятлар тўғрисида ҳам ахборот беради, бу эса тегишли иқтисодий қарорларни қабул қилиш чоғида жуда зарур ҳисобланади.

Эҳтиёткорлик ёки консерватизм тамойили. Бу тамойил корхона ҳисоботида активлар ва даромадларни кам (кўп) қилиб кўрсатмасликни, шу билан бирга мажбуриятларни ёки харажатларни кўп (кам) қилиб кўрсатмасликни ифодалайди. Ушбу тамойилни қўллаш яширилган резервларни вужудга келтириш, бирон мақсадда актив ёки фойдани камайтириб (кўпайтириб) кўрсатиш, харажат ва мажбуриятларни кўпайтириб (камайтириб) кўрсатиш ҳуқуқини бермайди.

Ҳисобот даври даромад ва харажатларининг мослиги тамойили. Бу тамойил ҳисобот даври харажатларига шу даврда реал даромад келтирган қисмини киритишни билдиради.

Мазмунни шаклдан устунлик тамойили. Бу тамойил корхона активларини ҳуқуқий мақоми бўйича эмас, балким уларнинг иқтисодий мазмуни, эгалик қилиш ҳуқуқини берилиш вақтига кўра ҳисобга олиш ва балансга киритишни ифодалайди. Масалан, товар–моддий бойликлар корхонага келиб тушган санадан бошлаб, улар учун хақ тўланган ёки тўланмаган бўлишидан қатъий назар, корхона активлари таркибига киритилади ва балансга олинади. Узоқ муддали ижарага олинган асосий воситалар ҳам уларнинг ҳақи тўланиши муддатидан қатъий назар корхона балансига олинган кундан бошлаб киритилади.

Нейтраллик тамойили. Бу тамойил моливий ҳисоботни биронта шахс манфаатлари учун бошқа биронта шахс зарарлари эвазига мослаштирмасликни билдиради.

Ишончлилик тамойили. Бу тамойил ҳисобда акс эттирилган ҳар бир суммани қатъий ҳужжатли асосга эга бўлишлигини билдиради.

Муҳимлилик тамойили. Бу тамойил ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини фойдаланувчиларнинг тақдим этилган ахборот асосида қабул қилган қарорларига таъсирини билдиради.

Тушунарлилик тамойили. Бу тамойил ҳисоб маълумотларини барча фойдаланувчилар учун тушунарлилигини билдиради.

Якунланганлик тамойили. Бу тамойил ҳисоб маълумотларини бирон бир ҳисобот даври учун жамланганлигини, яъни молиявий ҳисобот ҳисобот даври маълумотларини тўлиқ қамраб олганлигини билдиради.

Кўрсаткичларнинг қиёсувчанлик тамойили. Бу тамойил ҳисобот маълумотларини ўзаро мос ҳисобот даврлари бўйича (чораклар, йил) мавжуд реал тенденцияларни аниқлаш учун ўзаро таққослаш имкониятларини билдиради. Бундай таққослашлар учун ўтган йиллар маълумотлари таққослама баҳоларда қайта ҳисобланиши лозим.

Тежамкорлик тамойили. Бу тамойил ҳисоб ва ҳисоботни кам меҳнат ва молиявий маблағлар сарфлаб олиб боришни билдиради.

Тезкорлик тамойили. Бу тамойил ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини бошқарув органларига керакли вақтда ва ҳажмда беришни билдиради. Кечиктириб берилган маълумотлар ҳисобнинг бошқарув воситаси сифатидаги ролини пасайтиради. Аксинча, ўз вақтида берилган маълумотлар ҳисобни бошқарув воситаси сифатида ролини, унинг таъсирчанлик кучини оширади.

Мавзуга оид асосий таянч атамалар

Ҳужжатлаштириш – бу хўжалик операцияларини маълум бир ҳужжатлар билан расмийлаштириш усули.

Ҳужжат – бу хўжалик операцияларини ҳақиқатда юз берганлигига гувоҳ берувчи ёки уларни келгусида юз беришига асос бўлувчи ёзма гувоҳнома.

Инвентаризация – бу бухгалтерия ҳисобида унинг маълумотларини тўғрилигини, корхона активларини ҳақиқий ҳолатини, моддий жавобгар шахсларнинг ўз функцияларини сидқидилдан виждонан бажараётгалигини, мулкни талон-тарож қилинмаганлигини аниқлаш усули.

Баҳолаш – бу корхона активларининг қийматини пулда ифодалаш усули.

Калькуляция – бу хўжалик активларининг сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш қийматларини ҳисоблаб топиш усули.

Счётлар – бу корхона активлари, хусусий капитали, мажбуриятлари, даромад, харажат, фойда ва зарарларини ҳисобот давридаги ҳолати (бошланғич ва охирги), шунингдек, уларнинг шу даврдаги ҳаракати (кўпайиши ва камайиши) тўғрисидаги маълумотларни пул ифодасида акс эттириш усули.

Счётлар режаси – бу корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг молиявий хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда қўлланиладиган счётларнинг тартиблаштирилган тизими.

Счётларга икки ёқлама ёзув – юз берган операция суммаси икки марта, яъни бир счетнинг дебетига, бошқа бир счетнинг кредитига ёзиш усули.

«Баланс» лотинча **«bis»**, яъни ***«иккита»*** ва **«lanx»**, яъни **«тарозн палласи»** сўзларидан олинган бўлиб, ўзаро тенглик, бир хиллик рамзи ҳисобланади.

Бухгалтерия баланси – бу корхона активлари ва уларни ташкил топиш манбаларининг маълум бир санага бўлган ҳолатини ягона пул бирлигида акс эттириш усули.

Баланс- брутто – бу активлар суммасидан жамланган амортизация ва эскириш суммаларини, шунингдек, савдо устамаларини, шубҳали қарзлар бўйича мавжуд резерв суммасини чегириб ташламасдан тузилган баланс.

Баланс-нетто – бу активлар суммасидан жамланган амортизация ва эскириш суммаларини, шунингдек, савдо устамаларини, шубҳали қарзлар бўйича мавжуд резерв суммасини чегириб ташлаш йўли билан тузилган баланс.

Ҳисобот – бу маълум даврдаги молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичларини пул бирлигида белгиланган шакл ва мазмунда ифодалаш усули.

Бухгалтерия ҳисоби тамойиллари – бу уни юритишда амал қилиш лозим бўлган қоида ва тартиблар мажмуаси.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Бухгалтерия ҳисобининг методи нима?
2. Ҳужжатлаштириш нима ва ҳужжатлар қандай турларга бўлинади?
3. Инвентаризация нима ва унинг қандай турлари бор?
4. Баҳолаш ва калькуляция нима?
5. Счетлар ва уларга икки ёқлама ёзув нима?
6. Баланс нима ва унинг қандай турлари бор?
7. Бухгалтерия ҳисоби тамойиллари қандай тавсифланади?

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Бухгалтер келгуси давр учун ижара ҳақини ҳисобот давр харажатларига олиб борди. Қайси тамойилни у бузган ҳисобланади?

а) Даврийлик
б) Таққосламалик
в) Мазмунни шаклдан устунлиги
г) Даромад ва харажатларнинг мослиги

2. Бухгалтер келиб тушган олдиндан тўлов суммасини сотиш ҳажмига олди. Қайси тамойилни у бузди?

а) Даврийлик

б) Ҳисоблаш

в) Мазмунни шаклдан устунлиги

г) Даромад ва харажатларнинг мослиги

3. Бўлиши мумкин эмас:

а) Актив = Хусусий капитал+ Мажбуриятлар

б) Актив = Хусусий капитал – Мажбуриятлар

в) Хусусий капитал= Актив - Мажбуриятлар

г) Мажбуриятлар = Ҳисобланган ва тўланган тўловлар ўртасидаги фарқ

4. Кассадан 1000000 сум аванс, 5000000 сум иш ҳаки берилган ва 2000 сум камомад чиққан бўлса, балансда қандай ўзгариш юз беради?

а) Баланс 6000000 сумга камаяди

б) Баланс 2000 сумга камаяди

в) Баланс 6002000 сумга камаяди

г) Баланс 5000000 сумга камаяди

5. Таъминчилардан 10000000 сумлик материал олинса, 5000000 сумлик материал ишлабчиқаришга берилса, 100000 сумлик материал камомадга олиб борилса, баланс неча сўмга ўзгаради?

а) 10000000 сўмга кўпаяди

б) 5100000 сумга қамаяди

в) 5000000 сумга камаяди

г) ўзгариш бўлмайди

6. Ходимларга берилган аванслар ва қарзларни акс эттирувчи счетлар – бу:

а) Пассив счетлар б) Актив счетлар

в) Транзит счетлар г) Контрпассив счетлар

7. Корхонанинг қарзларини кўрсатувчи счетлар балансининг қайси бўлимига тегишли?

а) активларга б) хусусий капиталга

в) мажбуриятларга г) ҳеч қайсисига

8. Қуйидагиларнинг қайси бири контрактив счет ?

а) Даромад счетлари б) Харажат счетлари

в) эскиришни ҳисоблаш счетлари г) Пул маблағлари счетлари

9. Қуйидагиларнинг қайси бири иш ҳақи бўйича тўланган авансни акс эттиради ?

а) Дебет 6710 Кдедит 5010 б) Дебет 6720 Кредит 5010

в) Дебет 4210 Кдедит 5010 г) Дебет 4220 Кредит 5010

10. Қуйидаги мураккаб ўтказма нечта оддий ўтказмадан иборат? Дебет 5010 Кредит 5110, 4010,4810,9020

а) Битта б) иккита

в) Тўртта г) учта

11. Қуйидагиларнинг қайси бири хужжатнинг мажбурий реквизитига кирмайди?

а) Номи

б) Рақами

в) Баланс моддаси рақами

г) Тузилган санаси

IV БОБ. КОРХОНАЛАР ҲИСОБ СИЁСАТИ

4.1. Корхоналар ҳисоб сиёсатининг моҳияти ва асосий параметрлари

Бозор муносабатлари ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисобини юқори савияда, илмий асосланган ҳолда, чунончи барқарор, маълум тамойилларга ва талабларга таянган ҳолда юритишни тақозо этмоқда. Бу талабларга жавоб беришнинг муҳим шарти бўлиб ҳар бир корхонанинг аниқ ҳисоб сиёсатига эга бўлишлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари, жумладан, бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Қонун, Солиқ Кодекси, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) ва бошқа меъёрий ҳужжатлари, ҳар бир корхона томонидан ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишни, унга тўлиқ амал қилишни тақозо этади.

Ушбу меъерий ҳужжатларга, жумладан, БҲМС № 1 «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»нинг 3-пунктига мувофиқ, **ҳисоб сиёсати** деганда корхона раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш бўйича қабул қилинган тамойиллар ва тартиблар мажмуаси тушунилади.

Ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича корхонанинг ўзига хос режаси ҳисобланади. Бу режа, одатда, расмий ҳужжат сифатида расмийлаштирилади. У корхонанинг бош ҳисобчиси томонидан йилнинг охирида келгуси йил учун ишлаб чиқилади ва корхона раҳбари томонидан буйруқ ёки фармойиш билан тасдиқланади.

Ҳисоб сиёсати БҲМС №1 нинг 56- пунктига мувофиқ тақвим йили мабойнида доимий характерга эга бўлиши лозим. Уни йил ичида сабабсиз ўзгартириш мумкин эмас. БҲМС № 1 нинг 56- пунктига мувофиқ тасдикланган ва фойдаланиётган ҳисоб сиёсати йил ичида қўйидаги ҳолларда ўзгартирилиши мумкин:

- Корхонанинг статуси ва таркибий тузилиши ўзгартирилганда;
- Мулк эгалари ўзгарганда;
- Давлат қонунлари ўзгарганда;
- Ҳисобнинг янги шакллари ва юритиш усуллари жорий этилганда.

Ҳисоб сиёсатига киритилган ўзгартиришлар асосланган бўлиши, шунингдек, корхона раҳбарининг буйруғи ёки фармойиши билан тасдикланган бўлиши лозим.

БХМС № 1 нинг 62-пунктига мувофиқ ҳисоб сиёсати расмий ҳужжат сифатида моливий ҳисобот билан биргаликда мажбурий тарзда қўйидаги ташкилотларга тақдим этилади:

- Юқори ташкилотга;
- Солиқ идорасига;
- Давлат статистика органларига;
- Қонунда кўзда тутилган бошқа органларга.

Талаб ва сўровларга кўра ҳисоб сиёсати прокуратура, суд ва арбитражга, инвесторларга, акционерларга, кредиторларга, аудиторлик фирмаларига ва бошқа қизиқувчиларга ҳам тақдим этилиши мумкин. Корхонанинг ўз ходимлари учун ҳисоб сиёсати очиқ бўлиши лозим.

Корхонанинг ҳисоб сиёсатидан ҳар бир қизиқувчи ўз мақсадларида фойдаланадилар. Масалан, солиқ идораси учун ушбу ҳужжат корхонада солиқлар ҳисоб-китобларини тўғрилигини текшириш, ҳисобни тўғри юритилганлигини назорат қилиш мақсадида зарур. Аудиторлик фирмалари ҳисоб сиёсатини ўрганиш асосида уни тўғри тузилганлиги тўғрисида хулоса қиладилар, шунингдек, унга қанчалик амал қилинаётганлигига баҳо берадилар. Инвесторлар, акционерлар, кредиторлар учун ҳисоб сиёсати ўз маблағларини ушбу корхонага қўйиш ёки қўймаслик бўйича қарор қабул қилишда асос бўлиб ҳисобланади.

Ҳисоб сиёсати расмий ҳужжат сифатида маълум шакл ва таркибга эга бўлиши керак. БХМС № 1 нинг 96-пунктига мувофиқ ҳисоб сиёсатида қўйидаги таркибий элементлар ўз аксини албатта топиши лозим:

- Корхона активларини баҳолаш турлари ва усуллари;
- Амортизацияни ҳисоблаш усуллари;
- Резервларни ташкил қилиш;
- Товар-моддий бойликларни баҳолаш ва ҳисобга олиш усуллари;
- Тадқиқот ва ривожланишга сарфланган харажатларни тан олиш ва ҳисобга олиш;
- Таннархни калкуляция қилишнинг усуллари;
- Молиявий ҳисоботни консолидация қилиш тартиби;
- Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботни тузиш усуллари;
- Бухгалтерия ҳисобининг ишчи счетлар режаси.

Ҳисоб сиёсатида юқорида келтирилган маълумотлар алоҳида боблар, параграфлар кўринишида ифодаланган бўлиши лозим. Корхонанинг молиявий ҳисоботини тузишда муҳим аҳамият касб этадиган бошқа ҳоллар ва тартиблар ҳам ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши мумкин.

Корхонада ишлаб чиқилган ва тасдикланган ҳисоб сиёсатига тўлиқ амал қилиниши лозим. Бунинг учун корхонада тегишли шарт-шароитлар яратилган бўлиши керак. Жумладан, ходимлар ўртасида бажариладиган ишлар аниқ тақсимланган бўлиши керак. Бундай тақсимотни бош ҳисобчи амалга оширади. У ҳар бир ҳисобчига юритиладиган бухгалтерия ҳисоби счетларини, ҳисоб регистрларини очиш, юритиш, ёпиш тартиблари ва муддатларини белгилаб беради.

Бош ҳисобчи корхонанинг бухгалтерияси, унинг бўлимлари тўғрисида Низомни ишлаб чиқиши, уни раҳбарият томонидан тасдикланишини таъминлаши керак. Низомда ҳар бир бўлим ходимининг лавозимига қараб бажарадиган ишлари ва мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлиши лозим.

Ҳисоб сиёсатига амал қилишнинг муҳим шартларидан бири бўлиб корхонада ҳужжатлар айланишининг аниқ графигини ишлаб чиқилганлиги ва тасдикланганлиги ҳисобланади. Бундай графикларни жадвал ёки тармоқли график кўринишида ифодалаш мумкин.

Ҳисоб сиёсатига амал қилишнинг яна бир муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисоб ходимлари фаолиятига баҳо бериш ёки рейтинг тизимини мавжудлиги ҳисобланади. Ишга баҳо бериш ёки рейтинг тизимига амал қилиш ҳисобчиларни рағбатлантириш (ютуқлар учун), ёки уларга нисбатан жазо чораларини кўриш (хато-камчиликлар учун) орқали амалга оширилиши лозим. Ҳисобчилар ишига баҳо бериш рейтинг тизимини мавжудлиги ва уни доимий тарзда ҳисобчилар ўртасида эълон қилиб бориш бухгалтерия ишини доимий яхшиланиб боришига катта таъсир кўрсатиш воситаси ҳисобланади.

Ҳисоб сиёсатига амал қилишнинг муҳим шартларига яна доимий ҳаракатдаги илмий–амалий семинарларни уюштиришни, ҳисобчиларнинг малакасини доимий тарзда ошириб боришни ва бошқаларни киритиш мумкин.

4.2. Бухгалтерия ҳисобининг ташкилий шакллари

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Қонунга мувофиқ (11-модда) корхонада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш маъсулияти бевосита унинг раҳбарига юклатилади.

Корхона раҳбари, жумладан, қўйидагиларни таъминлаши лозим:

- Ҳисоб ва ҳисоботнинг ички тизимини ишлаб чиқиш;
- Хўжалик операцияларини назорат қилиш тартибини белгилаш;
- Бухгалтерия ҳисобини тўлиқ ва аниқ бўлишлиги;

- Ҳисоб ҳужжатларини бутлиги;
- Молиявий ҳисоботни ташқи фойдаланувчилар учун тайерлаш;
- Ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошиши ва тақдим этилиши;
- Имзо чекиш ҳуқуқига эга шахсларни белгилаш;
- Корхона активларини инвентаризация қилиш муддатларини ва комиссияларини белгилаш, уларни ўз вақтида амалга ошишини назорат қилиш.

Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ корхонада бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш қўйидаги тўртта шакллардан бирида амалга ошиши мумкин.

1. Бош бухгалтер раҳбарлигидаги махсус бухгалтерияни ташкил этиш.

2. Шартнома асосида жалб этилган бухгалтерни хизматидан фойдаланиш.

3. Шартнома асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ваколатини махсус бухгалтерлик (аудиторлик) фирмасига ёки ўз бирлашмасининг марказий бухгалтериясига бериш.

4. Бухгалтерия ҳисобини раҳбарнинг ўзи томонидан мустақил олиб бориш.

Бухгалтерия хисобини ташкил килишнинг биринчи шакли ходимлар сони кўп бўлган, иш ҳажми катта бўлган корхоналарда (завод, фабрика, компания, ширкат хўжалиги, жамоа хўжалиги ва бошқалар) қўлланилади. Бу шаклда бухгалтерия ҳисобини корхонанинг махсус бўлинмаси, яъни бухгалтерия олиб боради.

Бухгалтерия – бу корхонанинг ҳисоб-китобларни юритувчи бўлими.

Бухгалтерия ўз ишини, одатда, раҳбарият томонидан тасдиқланган «Корхона бухгалтерияси тўғрисида Низом»га мувофиқ юритади. Ушбу низомда бухгалтериянинг мақсади, вазифалари, таркибий тузилиши, ҳар бир тузилманинг ва унинг лавозимли ходимларининг ҳуқуқ ва функционал мажбуриятлари, жавобгарликлари кўрсатилади.

Бухгалтерия ишига раҳбарликни бош бухгалтер олиб боради.

Бош бухгалтер – корхона раҳбари томонидан ҳисоб хизматига раҳбарликга тайинланган шахс.

Бош бухгалтернинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги Низомда алоҳида акс эттирилади. Бош бухгалтер корхона раҳбаридан кейин ҳужжатларга имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган иккинчи шахс ҳисобланади. У раҳбар билан бирга давлат қонунлари олдида жавоб беради, хато ва камчиликлар учун маъмурий, молиявий ва жиноий

жавобгарликга тортилади. Бухгалтериянинг таркибий тузилиши, бухгалтерия ходимларининг иерархик бўйсиниши 4.1-чизмада келтирилган тартибда амалга оширилади.



4.1-чизма. Корхона бухгалтериясининг тахминий таркибий тузилиши

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг иккинчи шакли кичик бизнес корхоналарига (фирмалар, хусусий корхоналар ва бошқалар) тааллуқли. Бу турдаги корхоналарда ходимлар сони кам, иш ҳажми катта бўлмаганлиги учун махсус бухгалтерия ташкил этилмайди, лекинда бухгалтерия ҳисобини юритиш учун алохида шахс (бухгалтер) билан меҳнат шартномаси тузилади. Ушбу шартномага мувофиқ бухгалтер ишга асосий ходим сифатида ёки ўриндош сифатида буйрук асосида қабул қилиниши мумкин. Ушбу шаклда бухгалтерия ҳисобини юритиш юклатилган бухгалтер бош бухгалтернинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликларига эга бўлади.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил хилишнинг учинчи шакли кичик ва ўрта бизнес корхоналарига тааллуқли бўлиб, улар ўзларида ҳисоб хизмати бўлимини тузмайдилар, бухгалтерия ҳисобини юритиш ваколати шартнома асосида махсус ихтисослашган бухгалтерлик (аудиторлик) фирмаларига ёки корхонанинг бирлашмаси қошидаги марказий бухгалтериясига берилган бўлади. Ушбу шаклда бухгалтерия

ҳисоби маълумотларинг реаллигига шартнома асосида ҳар иккала томон белгилаб қўйилган тартибларга асосан жавоб берадилар.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг тўртинчи шакли хусусий тадбиркорларга тааллуқли бўлиб, улар қонун бўйича ҳисоб-китобларини ўзлари мустақил олиб борадилар. Бу турдаги ххжалик юритувчиларда раҳбар ва бош бухгалтер сифатида ҳужжатларга хусусий тадбиркорнинг ўзи имзо чекади. Ҳисоб ва ҳисоботнинг реаллиги учун Қонун олдида якка тадбиркорнинг ўзи жавоб беради.

4.3. Корхонада ҳисоб маълумотларини йиғиш, қайд этиш ва жамлаш

Корхонада ҳисоб маълумотларини йиғиш, қайд этиш ва жамлаш ҳисоб сиёсатида акс эттирилган шакл ва регистрлар ёрдамида амалга оширилади.

Ҳисоб шакли – бу бухгалтерия ҳисоби маълумотларини қайд этиш, гуруҳлаш ва йиғишда қўлланиладиган регистрларнинг тизимли мажмуаси. Бухгалтерия ҳисоби амалиётида унинг **журнал-ордер, мемориал-ордер, китоб-журнал, бош журнал, компьютерлаштирилган, ихчамлаштирилган шакллари** мавжуд ва улар иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида қўлланилиб келинмоқда.

Ҳисоб регистрлари – бу бухгалтерия ҳисоби маълумотларини қайд этиш, гуруҳлаш ва жамлашда ишлатиладиган ахборот ташувчилар. Амалиётда бухгалтерия ҳисоби маълумотларини қайд этиш, гуруҳлаш ва жамлашда қўлланилаётган ахборот ташувчиларни номи, шакли, мақсади, юритилиш тартиби ва бошқа жиҳатларига қараб қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Китоблар – булар хўжалик операцияларини қайд этиш учун мўлжалланган ҳисоб варақаларини ўз ичига олган, муқоваланган ва тикилган ҳисоб регистрлари. Уларга мисол этиб Касса китобини, Бош китобни, иш ҳақи ҳақи китобини, асосий воситалар ҳисоби китобини, келиб тушган юкларни қайд этиш китобини ва бошқаларни келтириш мумкин. Ушбу ҳисоб регистрларининг афсаллиги шундаки, улар у ёки бу маълумотларни бир неча ҳисобот даври учун ўзида мужассамлаштиради, бу маълумотларни йўқолиб кетмаслигига, яхши сақланишига имкон беради. Шу билан бирга улар фақат қўлда юритишга мўлжалланган, замонавий компьютерларнинг имконларидан бу китобларни айнан шу кўринишида учун фойдаланиб бўлмайди.

Бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган китоблар ичида муҳим ролни Бош китоб ўйнайди. Ушбу китоб ҳисобот йилининг бошида очилади, унда ҳар бир счетга алоҳида варақ ажратилади. Китобга ёзувлар ойма-ой уларга ажратилган қаторларда кўрсатилади. Бош китобда счетларнинг дебет томони ёзувлари барча корреспонденцияланадиган кредит счетлар бўйича акс эттирилади, кредит томони ёзувлари жамланган ҳолда кўрсатилади.

2. Журнал-ордерлар – бу маълумотларни счетларнинг кредити бўйича гуруҳланган ҳолда қайд этишга мўлжалланган регистрлар. Айнан журнал-ордерлар Бош китобнинг кредитида жамланган ҳолда кўрсатилган маълумотларни барча корреспонденцияланадиган дебет счетлар бўйича акс эттиради, яъни журнал-ордерлар Бош китобнинг тўлдирувчиси, давоми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби счетлари бўйича турли журнал – ордерларни юритиш кўзда тутилган, масалан 50 «Касса» счёти бўйича №1, 51 «Ҳисоб-китоб счети» бўйича № 2, 60 «Таъминотчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» счети бўйича № 6, шунингдек, бошқа счетлар бўйича бошқа журнал-ордерлар юритилади. Журнал-ордерлар бухгалтерия ҳисобини журнал-ордер шаклининг асосини ташкил этади.

3. Қайдномалар – *бу счетларнинг дебети бўйича аналитик ҳисобни* олиб боришга мўлжалланган регистрлар. Қайдномалар ҳам турли счётлар бўйича ҳар хил шакл ва мазмунда юритилади.

4. Мемориал-ордерлар – бу маълумотларни бир вақтнинг ўзида счетларнинг ҳам дебети, ҳам кредити бўйича гуруҳланган ҳолда қайд этишга мўлжалланган регистрлар. Ушбу регистрлар бухгалтерия ҳисобини мемориал-ордер шаклининг асосини ташкил этади.

5. Карточкалар – булар хўжалик операцияларини қайд этиш учун мўлжалланган ва алоҳида ҳисоб варақалари сифатида қалин қоғозга ёки картон қоғозга типографик усулда маълум шаклда тайёрланган регистрлар. Уларга мисол этиб омбор ҳисоби карточкасини, ходимнинг шахсий счети карточкасини, автомобиллар иши ҳисоби карточкасини ва бошқаларни келтириш мумкин.

6. Машинограммалар – булар замонавий компьютерларда тегишли алгоритмлар ва дастурлар асосида шаклланган аналитик ва синтетик ҳисоб регистрлари. *Машинограммалар бухгалтерия ҳисобининг* компьютерлаштирилган шаклини асосини ташкил этади.

Турли ҳисоб регистрларига асосланган бухгалтерия ҳисобининг турли шаклида маълумотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш ва жамлаш ўзига хос хусусиятларга эга . Буни 4.2, 4.3, 4.4- чизмаларда келтирилган

бухгалтерия ҳисобини журнал-ордер, мемориал-ордер ва компьютерлаштирилган шаклларда юритиш технологияларида кўриш мумкин.

Шунинг билан бирга барча ҳисоб шаклларида, уларнинг турлича номланишидан қатъий назар, маълумотларни йиғиш, қайд этиш ва жамлаш қуйидаги умумий кетма кетликда амалга оширилади:

1. Барча юз берган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган хўжалик операциялари счетларга очилган аналитик ва синтетик ҳисоб регистрларида (ҳисоботлар, қайдномалар, журнал-ордерлар, мемориал -ордерлар) хронологик тарзда қайд этилади. Кўп марталаб юз берадиган операциялар дастлаб жамловчи қайдномаларга ўтқазилади, уларнинг жамланган маълумотлари эса ой охирида журнал-ордерларга (мемориал-ордерларга, аналитик ҳисоб машинограммаларига) ўтказилади.

2. Журнал-ордерлар, мемориал-ордерлар, аналитик ҳисоб машинограммалари, қайдномаларнинг йигма маълумотлари Бош китобга ўтказилади.

3. Бош китоб маълумотлари асосида бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари тузилади.



4.2-чизма. Журнал-ордер шаклда ҳисоб маълумотларини жамлаш тартиби



4.3-чизма.Мемориал-ордер шаклда ҳисоб маълумотларини жамлаш тартиби



4.4- чизма. Компьютерлаштирилган шаклда ҳисоб маълумотларини жамлаш тартиби

Кичик тадбиркорлик субъектларига бухгалтерия ҳисобини юритишда соддалаштирилган шаклни қўллаш рухсат этилган. Ўзбекистон Республикасида ушбу ҳисоб шаклининг регистрлари, уларни тузиш тартиби 20-сон БХМС билан белгиланган. Бошқа турдаги корхоналар бухгалтерия ҳисобини ўзларининг ҳисоб сиёсатларида кўрсатилган шаклда олиб борадилар.

Мавзуга оид асосий таянч атамалар

Ҳисоб сиёсати – корхона раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш бўйича қабул қилинган тамойиллар ва тартиблар мажмуаси.

Бухгалтерия – бу корхонанинг ҳисоб-китобларни юритувчи бўлими.

Бош бухгалтер – корхона раҳбари томонидан ҳисоб хизматига раҳбарликга тайинланган шахс.

Ҳисоб шакли – бу бухгалтерия ҳисоби маълумотларини қайд этиш, гуруҳлаш ва йиғишда қўлланиладиган регистрларнинг тизимли мажмуаси.

Ҳисоб регистрлари – бу бухгалтерия ҳисоби маълумотларини қайд этиш, гуруҳлаш ва жамлашда ишлатиладиган ахборот ташувчилар.

Китоблар – булар хўжалик операцияларини қайд этиш учун мўлжалланган ҳисоб варақаларини ўз ичига олган, муқоваланган ва тикилган ҳисоб регистрлари.

Журнал-ордерлар – бу маълумотларни счетларнинг кредити бўйича гуруҳланган ҳолда қайд этишга мўлжалланган регистрлар.

Қайдномалар – бу счетларнинг дебети бўйича аналитик ҳисобни олиб боришга мўлжалланган регистрлар.

Мемориал-ордерлар – бу маълумотларни бир вақтнинг ўзида счетларнинг ҳам дебети, ҳам кредити бўйича гуруҳланган ҳолда қайд этишга мўлжалланган регистрлар.

Карточкалар – булар хўжалик операцияларини қайд этиш учун мўлжалланган ва алоҳида ҳисоб варақалари сифатида қалин қоғозга ёки картон қоғозга типографик усулда маълум шаклда тайёрланган регистрлар.

Машинограммалар – булар замонавий компьютерларда тегишли алгоритмлар ва дастурлар асосида шаклланган аналитик ва синтетик ҳисоб регистрлари.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Корхона ҳисоб сиёсати нима?
2. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг қандай шакллари бор?
3. Ҳисоб регистрлари нима ва уларнинг қандай турлари бор?
4. Бош бухгалтернинг функция ва мажбуриятлари нималардан иборат?
5. Ҳисоб цикли нима?

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Ҳисоб сиёсати – бу:

а) давлатнинг кўрсатмалари.

б) корхона рахбари томонидан ҳисобни юритиш бўйича танлаган тартиб-қоидалар мажмуаси.

в) бош бухгалтер томонидан ҳисобни юритиш бўйича танлаган тартиб-қоидалар мажмуаси.

г) юқори ташкилот томонидан ҳисобни юритиш бўйича танлаган тартиб-қоидалар мажмуаси.

2. Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишга асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлар

а) корхона раҳбари буйруқлари.

б) қонунлар, стандартлар, йўриқномалар.

в) кузатиш кенгаши қарори.

г) юкори ташкилот кўрсатмаси.

3. Ҳисоб сиёсатига ўзгартириш киритилади, агарда

а) ҳисобни юритиш усуллари ўзгарган бўлса.

б) кассир алмашган бўлса.

в) ўтирлик содир этилган бўлса.

г) солиқ ҳисоб-китобида яширин аниқланганда.

4. Бухгалтерия ҳисобида ҳисоб шакли регистрларни белгилайдими ёки регистрлар ҳисоб шаклини белгилайдими?

а) Регистрлар ҳисоб шаклини белгилайди

б) Ҳисоб шакли регистрларни белгилайди

в) Бир –бирини белгиламайди

г) Тўғри жавоб йўқ.

5. Қуйидагилардан қайси бирида ҳисоб регистрлари ва турлари тўлиқ берилган.

а) Хужжатлар, китоблар, журналлар, варақлар.

б) Китоблар, журналлар, дафтарлар, карточкалар, варақлар.

в) Журналлар, дафтарлар, карточкалар, варақлар.

г) Ҳамма жавоблар тўғри.

6. Журнал-ордерлар счётларнинг қандай томони бўйича юритилади?

а) Дебет томони бўйича;

б) Кредит томони бўйича;

в) ҳам дебет, ҳам кредит томони бўйича;

г) тўғри жавоб йўқ

7. Бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шакли қандай ташкилотлар ва корхоналар учун мўлжалланган?

а) Қўшма корхоналар учун

б) Акциядорлик жамиятлари учун

в) Давлат ташкилотлари учун

г) Кичик корхоналар учун

2-бўлим.
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ

V боб. Пул маблағлари ҳисоби

VI боб. Ҳисоб-китоблар ҳисоби

VII боб. Асосий воситалар ҳисоби

VIII боб. Номоддий активлар ҳисоби

IX боб. Инвестициялар ҳисоби

X боб. Материаллар ҳисоби

XI боб. Меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисоби

XII боб. Харажатлар ҳисоби

XIII боб. Махсулот, товар (иш, хизмат)лар ва уларни сотиш ҳисоби

XIV боб. Хусусий капитал ҳисоби

XV боб. Молиявий натижалар ҳисоби

XVI боб. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисоби

XVII боб. Молиявий ҳисобот

XVIII боб. Молиявий ҳисобот

V БОБ. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИ

5.1. Пул маблағлари ҳисобини ташкил қилиш асослари ва вазифалари

Корхоналар молиявий хўжалик фаолиятини юритишда ва ривожлантиришда пул маблағларининг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёсдир. Зеро, корхонанинг пул маблағлари қанчалик кўп бўлса, у шунчалик ўз фаолиятини янада равнақ топтириш, ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш имкониятига, яъни тўлов қобилиятига кўпроқ эга бўлади. Пул маблағлари эвазига корхонани модернизациялаш, янги техника ва технологияларни сотиб олиш, инновацияларни амалиётга жорий қилишга эришилади. Бундан ташқари, пул маблағларининг мавжудлиги корхоналарга инвесторлар сифатида ўз маблағларини бошқа корхоналарга йўналтиришга, шу йўл билан нафақат ўзлари қўшимча даромад олишларига, балки ўзга корхоналарни ҳам оёққа туришларига имкон беради. Пул маблағлари етарлича бўлмаган ёки умуман бўлмаган корхоналарнинг ўзга корхоналар, иқтисодий ҳамжамиятлар олдида ҳам нуфузи сезиларли бўлмайди. Пул маблағларига мунтазам равишда эга бўлмаслик корхоналарнинг давлат бюджети ва бошқа кредиторлар олдидаги қарзларини ошиб боришига, пировардида, банкротга учрашига олиб келади. Демак, пул маблағларига эга бўлиш корхоналарни, миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Пулнинг жамиятдаги ва унинг муҳим ячейкаси бўлган корхоналардаги ўрни у томонидан бажариладиган қиймат ўлчови, тўлов воситаси, муомала воситаси ва жамғариш воситаси каби функцияларида ёрқин намоён бўлади. Айнан шулар пул маблағларини бухгалтерия ҳисобининг ўта муҳим объектларидан бири эканлигидан ҳам дарак беради.

Пул маблағлари деганда ўта тез ликвидлик характерига эга бўлган, барча муносабатларда умумий эквивалент ролини ўйнайдиган, давлат томонидан қоғозли ва металли кўринишда маълум қийматларда чиқариладиган махсус товар тушунилади. Бухгалтерия ҳисобида пул маблағлари кўриниши ва турган жойига қараб гуруҳланади ва акс эттирилади.

Кўринишига кўра пул маблағлари икки турга бўлинади:

***миллий валютадаги пул маблағлари** – бу давлат томонидан метал ва қоғозларда қиймати ифодаланган, муомала, айирбошлаш, баҳолашда умумий эквивалент ролини бажарарувчи махсус банк

белгилари; пул белгилари бўлиб бизнинг мамалакатимизда сўм ва тийинлар ҳисобланади;

*** хорижий валютадаги пул маблағлари** – бу ўзга давлатларнинг метал ва қоғозларда қиймати ифодаланган, муомала, айирбошлаш, баҳолашда умумий эквивалент ролини бажарарувчи махсус банк белгилари; уларга АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, ЕВРО ва бошқалар мамлакатларнинг миллий валюталари киради.

Чет эл мамлакатлари валюталаридан ўзаро ҳисоб-китобларда фойдаланиш давлатлараро келишувларга асосан амалга оширилади.

Турган жойига қараб пул маблағлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

• **Кассадаги пул маблағлари** – бу корхонанинг кунлик эҳтиёжлари учун зарур бўлган, турли мақсадлар ва манбалардан келиб тушган, белгиланган муддатлар ва миқдорларгача сақланадиган кассадаги пул маблағлари. Кассада сақланиши мумкин бўлган пул маблағларининг энг кичик миқдори касса лимити деб аталади ва у корхона томонидан аниқланиб, хизмат қилувчи банк билан тузилган шартномада кўрсатилади.

• **Йўлдаги пул маблағлари** – бу корхона кассасидан банкга турли йўллар билан топширилган, масалан инкассаторлар орқали, алоқа бўлими орқали, банкнинг кечки кассалари орқали, лекинда ойнинг охирида ҳали ҳисоб-китоб счётига кирим қилинганлиги банк кўчирмаси билан тасдиқланмаган пул маблағлари. Пул маблағлари ҳисоб-китоб счётига кирим қилинган кундан бошлаб улар йўлдаги пул маблағлари гуруҳидан чиқарилади.

• **Банкдаги пул маблағлари** – бу корхонанинг хизмат қилувчи банкларда очилган депозит счётларида сақланаётган пул маблағлари. Корхона битта асосий, хоҳлаганча махсус депозит счётларни хизмат қилувчи банкларда очиши ва уларда ўз пул маблағларини сақлаши мумкин. Чет эл валютаси билан муомаларга эга бўлган корхоналар хизмат қилувчи банкларда битта асосий ва хоҳлаганча махсус валюта счётларни, масалан, конвертация учун, консигнацион товарлар учун, капитал қурилиш учун ва бошқа мақсадлар учун, очишлари мумкин.

Пул маблағлари ҳисобини тўғри юритишнинг муҳим шарти бўлиб корхоналарда касса хўжалиги ва касса операцияларини белгиланган тартибларда ташкил этиш ҳисобланади.

Корхоналарда касса хўжалигини ва касса операцияларини ташкил этиш тартиблари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 17 декабрда 565-тартиб рақами билан рўйхатга олинган

«Юридик шахслар томонидан касса операцияларини ошириш Қоидалари»га ва уларга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан белгиланган. Ушбу Қоидаларга асосан хўжалик юритувчи субъектлар касса хўжалиги ўз ичига қуйидаги элементларни олади:

- касса бўйича тайинланган моддий жавобгар шахс, яъни кассир;
- кассир билан моддий жавобгарлик тўғрисида тузилган шартнома;
- белгиланган тартибларга тўлиқ жавоб берадиган касса хонаси;
- касса бўйича белгиланган ҳужжатлар тизими.

Кассир – бу корхона штат жадвалида белгиланган ва шу лавозимга тайинланган шахс.

Кассирни ишга тайинлаш тўғрисида буйруқ (қарор) чиқарилганидан кейин корхона раҳбари тилхат олган ҳолда кассирни Касса операцияларини юритиш қоидалари билан таништириши шарт, шундан кейин кассир билан унинг тўлиқ шахсан моддий жавобгарлиги тўғрисида шартнома тузилади.

Битта кассирга эга бўлган корхона ва ташкилотларда, уни вақтинча алмаштириш зарурати юзага келганда, кассирнинг мажбуриятларини бажариш ташкилот раҳбарининг ёзма буйруғи (қарори)га кўра бошқа ходимга юкланади. Бундай пайтда ушбу ходим билан ҳам моддий жавобгарлиги тўғрисида шартнома тузилади.

Ходимлари сони чегараланган микрофирмалар ва кичик корхоналарда кассир лавозимини раҳбар ишловчи ходимлардан бирига юклаши ёки уни ўз зиммасида қолдириши мумкин. Бош бухгалтер ва касса ҳужжатларига имзо чекиш ҳуқуқидан фойдаланувчи бошқа бухгалтерлар кассирлик мажбуриятларини бажариши мумкин эмас.

Ҳар бир корхона ёки ташкилот нақд пул билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун кассага эга бўлиши керак.

Касса – бу нақд пулларни қабул қилиш, бериш ва вақтинчалик сақлаш учун мўлжалланиб, махсус жиҳозланган ҳамда ажратиб қўйилган хона.

Ташкилотларнинг раҳбарлари кассани жиҳозлашлари ва касса хонасида, шунингдек,, банк муассасасидан етказиб келиш ҳамда банк муассасасига топшириш пайтида пуллар сақланишини таъминлашлари шарт.

Ташкилотлар кассалари зарурат туғилганда суғурта ташкилоти томонидан суғурталаниши мумкин.

Кассада мазкур корхонага тегишли бўлмаган нақд пул ва бошқа бойликларни сақлаш ман қилинади.

Касса бўйича қатъий белгиланган ҳужжатлар тизими мавжуд. Бу тизимга касса китоби, кирим касса ордери, чиқим касса ордери, кирим ва чиқим касса ордерларини қайд этиш журнали киради.

Касса операциялари деганда нақд пуллар кирими ва чиқимига оид касса операциялари тушунилади.

Кирим касса операциялари – бу нақд пулларни кассага турли манбалардан келиб тушуши.

Чиқим касса операциялари – бу нақд пулларни кассадан турли мақсадларда чиқим қилиниши, масалан, иш ҳақи, нафақа, сафар харажатлари ва бошқа мақсадларда сарфланиши ва берилиши, шунингдек, келиб тушган савдо тушуми ва бошқа мақсадларда олинган пулларнинг банкка топширилиши.

Хўжалик юритувчи субъектлар кассасида сақланадиган нақд пуллар миқдори чекланади. Кассада сақланиши мумкин бўлган нақд пулларнинг бундай чекланган миқдори **касса лимити** деб аталади. Шунингдек,, корхона ва ташкилотлар кассага тушган нақд пулларни белгиланган меъёрлар доирасида ишлатишлари мумкин. Кассалардаги нақд пуллар қолдиғи лимитлари ва тушумни ишлатиш меъёрларини корхона ва ташкилотлар раҳбарлари банк муассасалари билан келишган ҳолда белгилайди.

Республикамиз қонун ҳужжатларига мувофиқ мулкчилик шаклидан қатъи назар барча юридик шахслар ўз пул маблағларини сақлашлари ҳамда нақд ва нақд пулсиз ҳисобларни амалга оширишлари учун банк муассасаларида қуйидаги турдаги счётларни очишлари мумкин:

а) талаб қилиб олингунча депозит счётлар;

б) жамғарма депозит счётлар;

в) муддатли депозит счётлар;

г) ссуда счётлар;

д) бошқа депозит счётлар.

Банклардаги ушбу счётларни очиш, улар орқали нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиблари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2009 йил 27 апрелда 1948-тартиб рақами билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк счётлари тўғрисида йўриқнома»да белгиланган.

Талаб қилиб олингунча депозит счёти – мижознинг биринчи талаби биланок бериладиган ёки ундаги ўтказиб бериладиган маблағларнинг ҳисоби юритиладиган счёт.

Жамғарма депозит счёти – бу мижознинг даврий бадаллари асосида шаклланиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун жамғариладиган ва шу мақсад учун йўналтириладиган ёхуд шартнома бекор қилиниши натижасида қайтариладиган маблағлар ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ.

Муддатли депозит счёти – шартномада қатъий келишилган муддатга қўйилган мижознинг маблағлари ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ.

Ссуда счёти – белгиланган тартибда мижозларга берилган кредитларнинг ҳисоби юритиладиган счёт.

Хўжалик юритувчи субъектнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг биринчи марта миллий валютада очган талаб қилиб олингунча депозит счёти кейин ўринларда унинг **асосий счёти** бўлиб ҳисобланади. Ушбу асосий счётини очгандан кейин корхона ва ташкилотларнинг миллий ва чет эл валютасида очадиган барча талаб қилиб олингунча депозит счётлар уларнинг **иккиламчи счётлари** ҳисобланади.

Юридик шахслар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни мустақил равишда танлайдилар. Улгуржи савдо корхоналари - ягона солиқ тўлови тўловчилари (улгуржи дорихона ташкилотлари, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи ихтисослаштирилган улгуржи база-идоралар бундан мустасно) миллий валютадаги асосий ва иккиламчи счётларни улар юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган туман (шаҳар)даги тижорат банклари ва (ёки) уларнинг филиалларида очадилар.

Юридик шахслар ўз асосий счётини очгандан кейин улар ҳисобга қўйилган давлат солиқ хизмати органини хабардор қилган ҳолда бошқа банкларда миллий ва чет эл валютасидаги иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит счётларни ҳам очиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит счётлар очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

* ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

* давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

* белгиланган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган икки дона варақча;

* тадбиркорлик фаолияти субъектлари таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхалари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналарнинг

таъсис ҳужжатлари ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари.

Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар банк муассасаларида **валюта счётини** ҳам очишлари лозим. Бунинг учун танланган банк муассасасига бериладиган аризага юқорида номлари зикр этилган тегишли ҳужжатлардан ташқари ташқи иқтисодий фаолиятни юритишга берилган рухсатнома (лицензия) ҳам илова қилинади.

Йўриқномага мувофиқ ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарга битта банкда маълум бир чет эл валютасида фақат битта талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақ очилишига рухсат этилади.

Корхона ва ташкилотларга **ссуда счётларни** очишга асос бўлиб уларнинг банк муассаси билан тузилган кредит шартномалари ҳисобланади. Кредит шартномаси кучга киргандан сўнг кейинги банк иш кунидан кечиктирмасдан банк раҳбари ёки раҳбар томонидан ваколат берилган шахс томонидан бериладиган кредитнинг муддати, миқдори ва фоиз ставкаси кўрсатилган ҳолда, мижоз учун ссуда счёти очиш тўғрисида бухгалтерияга берилган фармойишга асосан шу иш кунидан кечиктирмасдан мижозга ссуда счёти очилади.

Тадбиркорлик субъектларига турли **бошқа депозит** счётлар (масалан, аккредитив счётлар, банк пластик карталари (БПК) счётлари, чек дафтарчалари счётлари, конвертация счётлари ва бошқалар) уларнинг аризаларига кўра очилади. Ушбу депозит счётлар бўйича банк хизматлари тузилган шартномаларда келтирилган шартларга мувофиқ кўрсатилади.

Корхона ва ташкилотларга счётлар уларни очиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар тақдим қилинган кундан сўнг, банклар томонидан икки иш куни мобайнида очилиши шарт.

Банкларда юридик шахсларга очиладиган барча депозит ва ссуда счётлари 20 та рақамдан иборат. Мижозларга берилган ушбу депозит ва ссуда счётлари банкларда уларни рўйхатга олиш китобида қайд этилади.

Пул маблағлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- пул маблағлари ҳолати ва ҳаракати устидан доимий назоратни олиб бориш;
- пул маблағларини кассадан ўз вақтида банкга топширишни назорат қилиш;

• кассада пул маблағларининг белгиланган минимал миқдоридан кўп миқдоридаги пул маблағларини туриб қолишига йўл қўйилмасликни назорат қилиш;

• пул маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш;

• пул маблағлари ҳаракатини ўз вақтида ва тўғри тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш;

• пул маблағлари бўйича моддий жавобгарликни ўрнатиш, моддий жавобгар шахсларнинг фаолиятини доимий назорат қилиб бориш;

• пул маблағларини бутлигини, талан-тарож бўлиб кетмаслигини доимий назорат қилиш, бунинг учун уларни қонунда белгиланган муддатларда (ҳар ойда) инвентаризациясини ўтказиш ва бошқалар.

5.2. Касса операцияларининг ҳисоби

Касса операцияларини ҳужжатлаштириш. Кассага пул маблағлари турли манбалардан, чунончи банкдан, савдо шаҳобчаларидан, корхона ходимларидан ва бошқа манбалардан келиб тушади. Барча ҳолларда пул маблағларининг кассага кирими «Кирим касса ордери» билан расмийлаштирилади. Ушбу барча корхоналар учун ягона шакл ва мазмунга эга бўлган ҳужжат чап ва ўнг томонларга бўлинади. Унинг чап томони кирим касса ордери деб аталиб, унда пул маблағларининг кимдан, қачон, нима мақсадда ва қанча миқдорда олинганлиги кўрсатилади. Ҳужжатнинг ўнг томони кирим касса ордерига квитанция деб аталади ва унда ҳам чап томондаги ёзувлар бир хил мазмунда акс эттирилади. Ҳужжатнинг қирқиб олинадиган чап томони кассирда қолади, ўнг томони эса пулни топширган шахсга берилади.

Кирим касса ордери бухгалтерияда бир нусхада тузилади, унга кирим ва чиқим касса ордерларини қайд этиш журнали бўйича тартиб рақами берилади. У бош бухгалтер ва пулни қабул қилиб олган кассир томонидан имзоланади.

Кассадан пул маблағлари турли мақсадларда чиқим қилинади, масалан, иш ҳақи, нафақа, сафар харажатлари ва бошқа мақсадларда, шунингдек, келиб тушган савдо тушуми ва бошқа мақсадларда олинган пуллар банкдаги корхонанинг ҳисоб-китоб счётига топширилади. Барча ҳолларда пул маблағларининг кассир бўйнидан соқит этилиши «Чиқим касса ордери» ҳужжати билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжатда қачон, кимга, нима учун, қанча миқдорда пул берилганлиги, олган

шахснинг ҳақиқатда пулни қандай ҳужжат асосида олганлиги тўғрисида маълумотлар ёзилади.

Чиқим касса ордери корхона раҳбари, бош ҳисобчи, кассир ва пулни олган шахс томонидан имзоланади. Ҳужжатлар сонини кўпайтириб юбормаслик учун кассадан иш ҳақи, мукофат пуллари, нафақалар, сафар харажатлари ва бошқалар олдин кассадан кайдномалар асосида берилиши, шундан сўнг уларнинг умумий суммасига битта чиқим касса ордери тузилиши мумкин. Бундай ҳолларда чиқим касса ордерларида ушбу кайдномаларнинг тартиб рақамлари, кайдномаларда эса – чиқим касса ордерининг тартиб рақами кўрсатилади.

Барча чиқим касса ордерларига кирим ва чиқим касса ордерларини қайд этиш журнали бўйича тартиб рақамлари берилади. Кирим ва чиқим касса ордерларида тузатишлар, бўяб ёзишлар, битта тартиб рақамини такрорланиши мумкин эмас.

Касса ҳисоботини тузиш ва унга бухгалтерлик ишловини бериш тартиби. Кирим ва чиқим касса ордерлари асосида кассир «Касса китоби»ни юритади. Ушбу китоб тикилган, номерланган, корхона раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Китобнинг ҳар бир варағи икки қисмдан иборат бўлиб, ўнг қисми чап қисмининг тагига букилади, улар ўртасига нусха ўтказувчи қоғоз қўйилади. Кассир китобнинг чап қисмига давр бошига кассадаги пул маблағларининг қолдиғини, кейинги қатордан бошлаб олдин кирим касса ордерлари бўйича қабул қилинган пул маблағларини, кейин эса чиқим касса ордерлари бўйича пул маблағларини чиқимини алоҳида устунчаларда кўрсатади. Барча кирим ва чиқим касса ордерлари ёзилгач, кирим ва чиқим суммалари жамланади. Китобнинг сўнггида кассир давр охирига кассада қолган пул маблағларининг қолдиғини, шу жумладан, тарқатилмай қолинган иш ҳақи суммасини ёзади.

Касса китобининг ўнг томони йиртиб олинади ва ҳисобот сифатида барча кирим ва чиқим ҳужжатлари билан бирга имзоланиб бухгалтерияга топширилади. Кассирнинг ҳисоботи бухгалтер томонидан текшириб қабул қилинади, ҳисоботнинг охирги қисмида унга нечта кирим ва чиқим ҳужжатлари киритилганлиги ёзилади ва имзоланади. Касса китобида ҳам бошқа касса ҳужжатлари каби бўяб ёзишлар, тузатишлар мумкин эмас. Бузилган касса китобининг варақлари қайта ёзилади, бузилган варақлар китобда сақланиши керак.

Бухгалтерияда топширилган касса ҳисоботига бухгалтерлик ишлови берилади. Бундай ишлов ўз ичига қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириладиган ишларни олади:

*касса ҳисоботининг бош қолдиғи суммасини олдинги касса ҳисоботининг охирги қолдиғи суммаси билан мослигини текшириш;

*касса ҳисоботида унга киритилган кирим ва чиқим касса ордерларининг мавжудлиги, улар тартиб рақамлари, суммалари ва сонини тўғри кўрсатилганлигини текшириш;

*касса ҳисоботи кирим ва чиқим устунчалари жами суммаларини ҳамда охирги қолдиғи суммасини тўғри топилганлиги ва кўрсатилганлигини текшириш;

*касса ҳисоботини кассир томонидан имзоланганлигини текшириш;

*касса ҳисоботига киритилган ҳар бир кирим ва чиқим касса ордери қаршисига тегишли корреспонденцияланадиган счётнинг тартиб рақамини қўйиш.

Юқорида келтирилган ишловни амалга оширгач, касса ҳисоботини бухгалтерияга қабул қилиб олувчи бухгалтер касса китобига имзо чекиб, уни кассирга қайтаради.

Бухгалтер томонидан қабул қилинган ва дастлабки ишловдан ўтган касса ҳисоботи барча унга илова қилинган бошланғич ҳужжатлар кассадаги пул маблағларининг синтетик ва аналитик ҳисоби регистрларини (1-сон журнал-ордер ва 1-сон қайдномани) юритишга асос бўлади.

Кассадаги пул маблағларининг синтетик ҳисоби. Кассадаги пул маблағларининг синтетик ҳисобини юритиш учун 21- сон БҲМСда 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» ва 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» счётлар кўзда тутилган. Ушбу актив счётларнинг дебетида пул маблағларининг қолдиқлари ва давр мабойнидаги киримлари, кредит тарафида эса уларнинг чиқимлари акс эттирилади. Ушбу счётлар бўйича асосий бухгалтерия ёзувлари қуйидагилардан иборат бўлади (5.1-жадвалга қаранг).

5.1-жадвал

Касса операцияларини счётларда акс эттириш

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
	1. Пул маблағларининг кирими			
1.1.	Банкдаги ҳисоб-китоб счётидан	5010	5110	Кирим касса ордери
1.2.	Валюта счётидан	5020	5210	Кирим касса ордери
1.3.	Таъсисчилардан кирим қилинган таъсис бадаллари суммасига	5010	4610	Кирим касса ордери
1.4.	Ҳисобдор шахсларга берилган бўнакларнинг қайтарилган суммасига	5010	4220-4230	Кирим касса ордери
1.5.	Банкдан кредит нақд олинганда	5010	6810	Кирим касса ордери
1.6.	Қарз нақд пул билан олинганда	5010	6820	Кирим касса ордери
1.7.	Товар, маҳсулот, иш ва хизматларни нақд пулга сотишдан олинган соф тушум суммасига	5010	9010-9030	Кирим касса ордери
1.8.	Товар, маҳсулот, иш ва хизматларни нақд пулга сотишдан олинган ҚҚС, акциз солиғи ва автомобиль ёқилғилари истеъмоли солиғи суммаларига	5010	6410	Кирим касса ордери
1.9.	Бегараз молиявий ёрдам сифатида кирим қилинган пул маблағлари суммасига	5010	9380	Кирим касса ордери
1.10.	Мақсадли тушумлар сифатида кирим қилинган пул маблағлари	5010	8810-8890	Кирим касса ордери
1.11.	Ходимлар томонидан уларга кредитга сотилган товарлар қийматини нақд пул билан тўланган суммасига	5010	4710	Кирим касса ордери
1.12.	Ходимлар томонидан уларга берилган кредитларни нақд пул билан қайтарилган суммасига	5010	4720	Кирим касса ордери
1.13.	Ходимлар томонидан улар етказган зарарларни нақд пул билан қопланган суммасига	5010	4730	Кирим касса ордери
1.14.	Кассага турли дебиторлик қарзларни нақд пул билан олинишига	5010	4010, 4810-4890	Кирим касса ордери

1.15	Хорижий валютада хизмат сафарига берилган бўнак суммасининг ишлатилмаган қисмини кассага қайтарилишига	5020	4220	Кирим касса ордери
	2. Пул маблағларининг чиқими			
1.1.	Кассадан иш ҳақи бўйича берилган бўнак суммасига	4210	5010	Чиқим касса ордери
1.2.	Кассадан берилган иш ҳақи суммасига	6710 - 6720	5010	Чиқим касса ордери
1.3.	Кассадан сафар харажатлари учун ходимларга берилган миллий ва хорижий валютада берилган бўнак суммасига	4220	5010, 5020	Чиқим касса ордери
1.4.	Кассадан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хариди учун жавобгар шахсларга берилган бўнак суммасига	4230	5010	Чиқим касса ордери
1.5.	Кассадан ходимларга берилган қарз суммасига	4720	5010	Чиқим касса ордери
1.6.	Ходимларга сафар харажатлари бўйича қарзларнинг нақд берилган суммасига	6970	5010	Чиқим касса ордери
1.7.	Кассадан турли кредиторлик қарзларни нақд узилишига	6910-6990	5010	Чиқим касса ордери
1.8.	Харид қилинган товар-моддий бойликлар учун нақд тўланган суммага	1010-1090, 1110, 2910-2990	5010	Чиқим касса ордери
1.9.	Телефон-телеграф, почта хизматлари учун нақд тўланган суммага	9410-9430	5010	Чиқим касса ордери
1.10.	Кассадан нақд пулларни банкдаги асосий счётга топширилишига	5110	5010	Чиқим касса ордери
1.11	Хорижий валютада хизмат сафарига берилган бўнак суммасининг ишлатилмаган қисмини кассадан валюта счетига топширилишига	5210	5020	Чиқим касса ордери
1.12.	Кассадан нақд пулларни инкассаторларга топширилишига	5710	5010	Чиқим касса ордери

Кассани инвентаризация қилиш, унинг натижаларини расмийлаштириш ва ҳисоби. 19-сон БҲМС «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш»га мувофиқ республикамиздаги барча хўжалик юритувчи субъектлар кассасидаги пул маблағлари ҳар ойда камида бир марта инвентарланади.

Кассада инвентаризация қилиш учун ташкилот раҳбарининг буйруғи билан комиссия тайинланади. Ушбу комиссия кассада бўлган барча *пуллар ва бошқа пуллик ҳужжатларни варақма-варақ қайта санаб чиқади.* Инвентаризация натижалари махсус нақд пул маблағларини инвентарлаш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Инвентаризация ўтказишда ҳеч қандай ҳужжатлар ёки тилхатлар кассадаги нақд пул қолдиғига киритилмайди. Кассирнинг кассада мазкур хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлмаган пул маблағлари ва бошқа бойликлар борлиги тўғрисидаги баёнотлари эътиборга олинмайди. Инвентаризация вақтида кассада камомад ёки ортиқча бойликлар аниқланганда далолатномада камомад ёхуд ортиқча сумма ва уларнинг пайдо бўлиш ҳолатлари кўрсатилади. Аниқланган камомадлар кассир бўйнига қўйилади, ортиқчалар эса корхона даромадига олинади.

Инвентаризация натижалари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади (5.2-жадвалга қаранг).

5.2-жадвал

Инвентаризация натижаларини счётларда акс эттириш

№	Операциянинг мазмуни	Дебет *счет*	Кредит *счет*	Ёзувга асос *бўлувчи ҳужжат*
1	Касса инвентаризациясида аниқланган ортиқча пулларга	5010	9390	Кирим касса ордери
2	Касса инвентаризациясида аниқланган камомад пулларга	4730	5010	Далолатнома
3	Камомад пулларни нақд ундириб олинишига	5010	4730	Кирим касса ордери
4	Камомад пулларни иш ҳақидан ушлаб қолинишига	6710	4730	Ҳисоб-тўлов қайдномаси

Хорижий валютадаги касса операцияларини ҳужжатлаштириш ва ҳисобини юритишнинг хусусиятлари. Корхоналар ўз ходимларининг хорижий хизмат сафарларини молиялаштириш мақсадларида банкдаги валюта счётидан хорижий валюталарни кассага нақд олишлари ва кирим қилишлари, уларни кассадан нақд беришлари, ишлатилмай қолинган хорижий валюталарни кассага кирим қилишлари ҳамда банкка нақд топширишлари мумкин. Хорижий валютадаги бундай касса операцияларини ҳужжатлаштириш тартиби миллий валютадаги касса операцияларини ҳужжатлаштириш тартибига тўлиқ ўхшашдир. Фарқли жиҳатлар шундаки, хорижий валютадаги пул маблағларининг кассага

кирими ва чиқими суммалари уларни акс эттирувчи кирим ва чиқим касса ордерларида хорижий валюта кўрсатилади. Шунингдек,, хорижий валютадаги касса операциялари бўйича касса китоби алоҳида хорижий валютада юритилади. Корхона бухгалтериясида хорижий валютадаги касса операциялари улар юз берган санадаги Марказий банк томонидан эълон қилинган расмий курслар бўйича миллий валютада юритилади.

Хорижий валютадаги касса операцияларини счётларда акс эттириш тартиби 5.3-жадвалда келтирилган.

5.3-жадвал

Хорижий валютадаги касса операцияларини счётларда акс эттириш

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат	Сумма, доллар	Расмий курс	Сумма, сўм, тийин
1	Кассага валюта счётидан нақд олинди	5020	5210	Кирим касса ордери	2000	8300	16 600 000
2	Кассадан сафар харажатлари учун бўнак берилди	4220	5020	Чиқим касса ордери	2000	8300	16 600 000
3	Ходимнинг сафар харажатлари тасдиқланди	9020	6970	Бўнак ҳисоботи	1700	8320	14 144 000
4	Кассага берилган бўнакнинг ишлатилмаган қисми қайтарилди	5020	4220	Кирим касса ордери	300	8320	2 496 000
5	Кассадан хорижий валюта валюта счётига топширилди	5210	5020	Эълон, чиқим касса ордери	300	8320	2 496 000
5	Берилган бўнак суммасининг ёпилишига	6960	4220	Бўнак ҳисоботи ва бух-галтерия маълумот-номаси	1700	8320	14 144 000
6	Хорижий валютада берилган бўнак бўйича ижобий курс фарқи	4220	9530	бухгалтерия маълумот-номаси			40 000

5.3. Банкларда ҳисоб-китоб счети бўйича операцияларнинг ҳисоби

Банк операцияларини ҳужжатлаштириш. Корхонанинг ҳисоб-китоб счётига пул маблағлари нақд ва нақдсиз йўллар билан келиб тушади. Нақд пуллар ҳисоб-китоб счётига корхонанинг ўзи томонидан топширилади. Бунинг учун кассир ёки пул топшириш ваколати берилган бошқа шахс банкда махсус «Нақд пул топширишга эълон» ҳужжатини тўлдиради. Ушбу ҳужжат уч қисмдан иборат: биринчи қисми нақд пул топширишга эълон, иккинчи қисми квитанция ва учинчи қисми ордер деб аталади. Ҳужжатнинг барча қисмлари бир хил мазмундаги ёзувларга эга бўлади, яъни уларда ҳисоб-китоб счётининг рақами, нима учун ва қанча пул топширилаётгандиги, шунингдек, пулни топширган шахснинг фамилияси, исми-шарифи ва имзоси акс эттирилади. Пул банк кассасига топширилгач, топширувчи шахснинг қўлига имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган квитанция берилади, эълон ва ордер банкда колади. Охирги ҳужжат ҳам банк кўчирмаси билан илова сифатида корхонага қайтиб келади.

Нақдсиз йўл билан пул маблағлари корхонанинг ҳисоб-китоб счётига бошқа корхоналардан, давлат органларидан, банкнинг ўзидан келиб тушиши мумкин. Бундай пул маблағлари банкда корхонанинг ҳисоб-китоб счётига тўлов топшириқномалари, электрон авизо, мемориал-ордерлар асосида киритилади.

Корхона ҳисоб-китоб счётидан пул маблағлари нақд ва нақдсиз йўллар билан чиқим қилинади. Пул маблағларини нақд олиш учун корхона банк томонидан шартномага мувофиқ чек дафтарчаси билан таъминланади. Ушбу дафтарчанинг ҳар бир варағ икки қисмдан иборат бўлиб, чап қисми корешок, ўнг қисми эса чек деб аталади. Дафтарчага киритилган чекларнинг тартиб рақамлари босмахона усулида олдиндан ёзилган бўлади. Нақд пуллар корхонага чек асосида берилади. Чекнинг юза қисмида пул олиш ваколати берилган шахснинг фамилияси, исми-шарифи, олиниши керак бўлган сумманинг миқдори кўрсатилади. Чек раҳбар ва бош ҳисобчи томонидан имзоланади ва корхона муҳри билан тасдиқланади. Чекнинг орқа тарафида олинаётган пул маблағ ларининг миқдори мақсадлари бўйича акс эттирилади, шунингдек, пул олувчи шахснинг имзоси ва паспорт бўйича маълумотлари, унинг имзосини тасдикловчи раҳбар ва бош ҳисобчининг имзолари кўрсатилади. Чек банкда, унинг корешоги чек дафтарчасида қолади. Чек дафтарчасида бўяб ва тузатиб ёзишлар мумкин эмас, уларга қўйиладиган имзолар ҳам банкга берилган имзо намуналаридан фарқ қилмаслиги керак. Бу

талабларга жавоб бермайдиган чеклар банк томонидан қабул қилинмайди ва бузилган ҳисобланади, уларни қайтадан расмийлаштириш, бузилган чекларни дафтарчага қайтадан элимлаб қўйиш лозим. Тўлиқ фойдаланилган чек дафтарчалари банкга топширилади ва унинг ўрнига янги чек дафтарчаси сотиб олинади.

Корхона ҳисоб-китоб счётидан пул маблағлари нақдсиз йўл билан таъминотчиларга, бошқа кредитор корхоналарга, давлат органларига ўтказиб берилади, шунингдек, банкнинг ўзи орқали шартнома шартларига кўра кўрсатилган хизматлар учун ушлаб қолинади. Пул маблағларини нақдсиз чиқим қилишга асос бўлиб тўлов топшириқномалари, тўлов талабномалари, инкассо топшириқномалари ва банкнинг мемориал ордерлари ҳисобланади.

Тўлов топшириқномаси – бу мижознинг унга хизмат кўрсатувчи банкка ўз счётидан топшириқномада белгиланган суммани маблағларни олувчининг счётига ўтказиш тўғрисидаги топшириғи назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати.

Барча корхоналар учун ягона шакл ва мазмунга эга бўлган тўлов топшириқномасида унинг тартиб рақами, тузилган санаси, тўловчи ва олувчи корхоналарнинг номлари, банк реквизитлари, солиқ тўловчи сифатидаги реквизитлари, ўтказиладиган сумманинг миқдори, ўтказиш мақсади ва унга асос бўлувчи ҳужжатнинг тартиб рақами ва санаси кўрсатилади.

Ҳисоб-китобларнинг ушбу шакли корхонанинг таъминотчилар ва пудратчилар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар ва бошқа кредиторларига тўловларни банкдаги ҳисоб рақамлар орқали ўтказишда ишлатилади.

Пулни олувчи ва тўловчи корхоналарга банк хизматлари битта банк томонидан кўрсатилганда тўлов топшириқномаси учта нусхада, уларга банк хизматлари турли банклар томонидан кўрсатганда эса, ушбу тўлов топшириқномаси икки нусхада тузилади.

Тўлов топшириқномаси корхона раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланади ҳамда корхона муҳри билан тасдиқланади.

Тўлов топшириқномасининг санаси у банкка тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши керак, улар мос келмаган тақдирда, тўлов топшириқномаси банк томонидан ижро учун қабул қилинмайди.

Тўлов талабномаси – бу маблағларни олувчи корхонанинг маблағларни тўловчи корхона томонидан тўлов талабномасида кўрсатилган суммани банк орқали тўлаш тўғрисидаги талаби назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати.

Тўлов талабномалари қуйидаги турларга бўлинади:

акцептли тўлов талабномаси – тўлов талабномасида назарда тутилган сумма маблағларни тўловчи томонидан акцептланганидан (тан олинганидан) сўнг, тўловлар амалга ошириладиган ҳисоб-китоб ҳужжати;

акцептсиз тўлов талабномаси – тўлов талабномасида назарда тутилган сумма маблағларни тўловчининг розилиги бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, тўловлар амалга ошириладиган ҳисоб-китоб ҳужжати.

Акцептли тўлов талабномалари пулни олувчи ва тўловчи корхоналарга банк хизматлари битта банк томонидан кўрсатилганда уч нусхада тақдим қилинади. Тўлов талабномасининг учинчи нусхаси у келиб тушгандан кейинги иш кунидан кечиктирмай, банк томонидан ҳужжатни қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда, акцептлаш учун маблағларни тўловчи ёки унинг вакилига топширилади. Мижоз томонидан тўлов талабномаси акцептланганидан ва тўлов амалга оширилганидан сўнг, тўлов талабномасининг биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади, иккинчи нусхаси эса маблағларни олувчининг шахсий счётидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни олувчига тақдим қилинади.

Маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига турли банклар томонидан хизмат кўрсатилганда тўлов талабномалари уч нусхада маблағларни олувчи банкка тақдим қилинади. Тўлов талабномасининг барча нусхалари маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка юборилади. Бунда тўлов талабномасининг биринчи ва иккинчи нусхалари банкда қолдирилади, учинчи нусхаси эса кейинги иш кунидан кечиктирмай, банк томонидан қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда, акцептлаш учун маблағларни тўловчи ёки унинг вакилига топширилади.

Маблағларни тўловчи тўлов талабномасини белгиланган муддатда банкка ташкилот раҳбарининг имзоси билан акцепт тўғрисида тўлов талабномасининг юқоридаги чап бурчагига белги қўйиб қайтариши керак. Маблағларни тўловчи белгиланган муддатда ўзининг розилиги ёки тўловдан тўлалигича ёхуд қисман бош тортиши тўғрисида маълум қилмаган тақдирда, тўлов талабномаси банк томонидан умумий тартибда акцептланади ҳамда тўлов амалга оширилгандан сўнг, тўлов талабномасининг биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади, иккинчи нусхаси эса маблағларни тўловчининг шахсий счётидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига тақдим қилинади.

Акцептсиз тўлов талабномалари маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига битта банк томонидан хизмат кўрсатилганда уч нусхада тақдим қилинади. Бунда тўлов амалга оширилгандан сўнг, тўлов талабномасининг биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади, иккинчи нусхаси маблағларни тўловчининг шахсий счётидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига тақдим қилинади, учинчи нусхаси эса маблағларни олувчининг шахсий счётидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни олувчига тақдим қилинади.

Маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига турли банклар томонидан хизмат кўрсатилганда акцептсиз тўлов талабномалари икки нусхада тақдим қилинади. Бунда маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан тўлов талабномасининг барча нусхалари маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка юборилади ва тўлов амалга оширилгандан сўнг, тўлов талабномасининг биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлари йиғмажилдига тикиб қўйилади, иккинчи нусхаси эса маблағларни тўловчининг шахсий счётидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига тақдим қилинади.

Инкассо топшириқномаси – *бу маблағларни олувчининг инкассо топшириқномасида кўрсатилган суммани маблағларни тўловчининг счётидан сўзсиз равишда ҳисобдан чиқариш бўйича топшириғи назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати.*

Қуйидагилар инкассо топшириқномаларини тақдим этиш ҳуқуқига эга:

а) давлат солиқ хизмати органлари:

- давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларни ундириш учун;

- фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия счётларга жамғариб бориладиган бадаллар бўйича тўловларни ундириш учун;

- дебиторларнинг банк счётларга ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини илова қилган ҳолда солиқ тўловчининг солиқ қарзи суммасини ундириш учун;

- юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарзни ундириш учун;

б) божхона органлари - ўз муддатида тўланмаган божхона тўловлари ва жарималарни ундириш тўғрисида;

в) суд ижрочилари ва ундирувчилар - ижро ҳужжатлари бўйича пул маблағларини ундириш тўғрисида;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

- республика бюджетидан молиялаштириш жараёнида белгиланган миқдордан ортиқ ўтказилган маблағларни қайтариш учун бюджет ташкилотларининг бюджет счётларга;

- Ўзбекистон Республикаси кафолати остида берилган хорижий кредитларни қайтариш ва фоизлар тўлаш билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича қарздорларнинг миллий ва чет эл валютасидаги банк счётларга.

Инкассо топшириқномаси маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига битта банк томонидан хизмат кўрсатилганда тўрт нусхада тақдим қилинади. Бунда инкассо топшириқномасининг биринчи, иккинчи ва учинчи нусхалари ижро учун банкда қолдирилади, тўртинчи нусхаси - қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда мижознинг счётига хизмат кўрсатувчи бухгалтер томонидан имзоланади ва унга бириктирилган муҳр билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтариб берилади.

Бир ҳудуд ичида ҳисоб-китобларни амалга оширишда инкассо топшириқномалари уч нусхада бевосита маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилинади. Бунда инкассо топшириқномасининг биринчи ва иккинчи нусхалари ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда ижро учун банкда қолдирилади, учинчи нусхаси эса қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда мижознинг счётига хизмат кўрсатувчи бухгалтер томонидан имзоланади ва унга бириктирилган муҳр билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтариб берилади.

Ҳудудлараро ҳисоб-китобларни амалга оширишда инкассо топшириқномалари уч нусхада фақатгина маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилинади. Бунда инкассо топшириқномасининг -биринчи ва иккинчи нусхалари қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда мижознинг счётига хизмат кўрсатувчи бухгалтер томонидан имзоланади ва унга бириктирилган муҳр билан тасдиқланиб, маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка юборилади, учинчи нусхаси эса қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда мижознинг счётига хизмат кўрсатувчи бухгалтер томонидан имзоланади ва унга бириктирилган муҳр билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтариб берилади.

Маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан инкассо топшириқномасини бажариш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига битта банк томонидан хизмат кўрсатилган тақдирда, тўлов амалга оширилгандан сўнг, инкассо топшириқномасининг биринчи нусхаси банкнинг кунлик

ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади, иккинчи нусхаси ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда шахсий счётидан кўчирма билан бирга маблағларни тўловчига берилади, учинчи нусхаси эса шахсий счётидан кўчирма билан бирга маблағларни олувчига берилади;

б) бир ҳудуд ичида ҳисоб-китоблар амалга оширилганда, тўлов амалга оширилгандан сўнг, инкассо топшириқномасининг биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади, иккинчи нусхаси ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда шахсий счётидан кўчирма билан бирга маблағларни тўловчига берилади;

в) ҳудудлараро ҳисоб-китоблар амалга оширилганда, тўлов амалга оширилгандан сўнг, инкассо топшириқномасининг биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади, иккинчи нусхаси ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда шахсий счётидан кўчирма билан бирга маблағларни тўловчига берилади.

Мемориал ордер банклар томонидан ишлатиладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоб ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

Мемориал ордердан банкларда қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

*мижозлар билан боғлиқ банк операциялари бўйича ҳисоб-китобларда;

*банк хизматларини кўрсатиш бўйича ҳисоб-китобларда;

*банкларнинг ўз ички операцияларида;

*мижознинг қарздорлик маблағларини қоплашда, агар банклар билан мижозлар ўртасида тузилган шартномада белгилаб қўйилган бўлса;

*бухгалтерия ҳисобидаги хато ёзувларни тузатишда;

*жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ёзма топшириқлари бўйича маблағларни нақд пулсиз шаклда ўтказишни амалга оширишда.

Банк маблағларни тўловчи бўлиб қатнашганда ва бухгалтерия ҳисобидаги хато ёзувларни тузатишда, мемориал ордерлар банк раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланиши шарт. Бошқа ҳолларда, мемориал ордерлар бош бухгалтер ва мазкур банк ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади.

Банк муассасаси барча кирим ва чиқим ҳужжатлари асосида шартномада кўрсатилган муддатларда корхонага ҳисоб-китоб счётидан маълум бир давр учун кўчирма беради. Кўчирмада давр боши ва охирига ҳисоб-китоб варағидаги пул маблағларининг қолдиғи, шу даврдаги барча кирим ва чиқимларнинг суммалари ҳужжатлар асосида кўрсатилади. Банк кўчирмасига чекдан ташқари барча кирим ва чиқимга гувоҳлик берувчи ҳужжатлар илова қилинади. Банк кўчирмалари корхона

бухгалтериясида ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларини юритишга асос бўлади.

Банк кўчирмаларига бухгалтерияда қуйидаги тартибда ишлов берилади:

*дастлаб унда кўрсатилган пул маблағларининг бош қолдиғи олдинги берилган кўчирманинг охирги қолдиғи билан солиштирилади, ушбу суммалар, одатда, бир хил бўлиши лозим;

*кейин кўчирмага илова қилинган барча гувоҳлик берувчи ҳужжатларнинг (чекдан ташқари) унга тўлиқ илова этилганлиги ҳамда улар суммаларининг ўзаро мослиги текширилади;

*шундан сўнг, кўчирманинг дебет ва кредит оборотн суммалари ҳамда пул маблағларининг охирги қолдиғи суммасини тўғри топилганлиги текширилади;

*кейин кўчирманинг ҳар бир қаторида акс эттирилган суммалар қаршисига корреспонденцияланадиган счётнинг рақами қўйиб чиқилади.

Ҳисоб китоб счётидаги пул маблағларининг синтетик ҳисоби. Ҳисоб китоб счётидаги пул маблағларининг синтетик ҳисоби 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»да юритилади. Ушбу актив счётнинг дебетида пул маблағларининг қолдиғи ва кўпайиши, кредитида эса камайиши акс эттирилади. Айрим ҳолларда банк тузилган шартномага мувофиқ мижознинг илтимосига кўра ҳисоб-китоб счётидан унда мавжуд бўлган суммадан кўп бўлган суммани чиқим қилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳисоб-китоб счётининг қолдиғи вақтинча кредитда бўлиб қолади ва у корхонанинг банк олдидаги кредиторлик қарзини ифодалайди. Ушбу кредиторлик қарзи ***овердрафт*** деб аталади.

Ҳисоб-китоб счёти бўйича асосий хўжалик операцияларига қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади (5.4-жадвалга қаранг).

5.4-жадвал

Банкдаги ҳисоб-китоб счёти бўйича операцияларни счётларда акс эттириш

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1. Пул маблағларининг кириши				
1.1.	Корхона кассасидан топширилган нақд пулларга	5110	5010	Нақд пул топширишга эълон, банк кўчирмаси, чиқим касса ордери
1.2.	Валюта счётидан	5110	5210	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси

1.3.	Таъсисчилардан келиб тушган таъсис бадаллари суммасига	5110	4610	Нақд пул топшириш-га эълон, тўлов топшириқ-номаси, банк кўчирмаси
1.4.	Харидорлардан келиб тушган дебиторлик қарзлар суммасига	5110	4010-4020, 4110-4120	Нақд пул топшириш-га эълон, тўлов топшириқ-номаси, банк кўчирмаси
1.5.	Харидорлардан келиб тушган бўнак суммасига	5110	6310	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
1.5.	Банкдан кредит олинганда	5110	6810	Мемориал-ордер, банк кўчирмаси
1.6.	Бошқа корхоналардан қарзга пул маблағлари олинганда	5110	6820	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
1.7.	Таъминотчилардан уларга ўтказилган суммалар қайта келиб тушганда	5110	6010	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
1.8.	Давлат бюджетидан кўп ўтказилган солиқ ва тўлов суммаларининг қайтарилишига	5110	6410, 6510-6530	Тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси,банк кўчирмаси
1.9.	Бегараз молиявий ёрдам сифатида кирим қилинган пул маблағлари суммасига	5110	9380	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
1.10.	Мақсадли тушумлар сифатида кирим қилинган пул маблағлари	5110	8810-8890	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
1.11.	Бошқа депозит счётлардан келиб тушган пул маблағларига	5110	5510-5530	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
1.12.	Бошқа дебиторлардан пул маблағлари келиб тушганда	5110	4810-4890	Кирим касса ордери
1.13.	Йўлдаги пулларнинг ҳисоб-китоб счётига келиб тушишига	5110	5710	Мемориал-ордер, банк кўчирмаси
1.14.	Молиявий инвестицияларнинг қайтарилишига	5110	0610-0690, 5810	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
2. Пул маблағларининг чиқими				
1.1.	Корхонага берилган нақд пулларга	5010	5110	Чек, банк кўчирмаси
1.2.	Таъминотчиларга ўтказилган бўнак суммасига	4310	5110	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси

1.3.	Таъминотчилар олдидаги кредиторлик қарзнинг ўтказилган суммасига	6010	5110	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
1.4.	Харидорларга улардан олинган бўнакларнинг қайтарилган суммасига	6310	5110	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
1.5.	Бюджетга ўтказилган бўнак тўловларига	4410, 4510	5110	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
1.6.	Бюджетга ўтказилган қарздорлик суммаларига	6410, 6510-6530	5110	Тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси,банк кўчирмаси
1.7.	Турли кредиторлик қарзларнинг узилишига	6910-6990	5110	Тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси,банк кўчирмаси
1.8.	Олинган кредитларнинг қайтарилишига	6810	5110	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер,банк кўчирмаси
1.9.	Олинган қарзларнинг қайтарилишига	6820	5110	Тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси,банк кўчирмаси
1.10.	Ҳисобланган дивидендларнинг ўтказилишига	6610	5110	Тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси,банк кўчирмаси
1.11.	Бошқа депозит счётларга пул маблағларининг ўтказилишига	5510-5530	5110	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
1.12.	Қисқа муддатли қимматли қоғозлар сотиб олинганда	5810	5110	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
1.13.	Қисқа муддатли қайтариладиган молиявий ёрдам (кредит ёки қарз) суммасига	5820	5110	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
1.14.	Банкдаги жамғарма депозит счётларга қўйилган пул маблағларига	5830	5110	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
1.15.	Қилинган узоқ муддатли молиявий инвестицияларга	0610-0690	5110	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
1.16.	Ўтказилган хайрия суммасига	9430	5110	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
1.17.	Банк хизматлари учун тўловнинг ундириб олинишига	9430	5110	Мемориал-ордер,банк кўчирмаси

5.4. Банкдаги валюта счёти бўйича операцияларнинг ҳисоби

Корхонанинг валюта счётига худди ҳисоб-китоб счётига ўхшаш тарзда хорижий валюталар накд ва накдсиз йўллар билан келиб тушади. Накд валюталар валюта счётига корхонанинг ўзи томонидан топширилади. Бунинг учун кассир ёки пул топшириш ваколати берилган бошқа шахс банкда «Накд пул топширишга эълон» ҳужжатини тўлдиради.

Накдсиз йўл билан пул маблағлари корхонанинг валюта счетига харидорлар ва буюртмачилардан, бошқа дебитор корхоналардан, давлат органларидан, банкнинг ўзидан келиб тушуши мумкин. Бундай пул маблағлари банкда корхонанинг валюта счётига тўлов топшириқномалари, электрон авизо, мемориал-ордерлар асосида киритилади.

Корхона валюта счётидан пул маблағлари накд ва накдсиз йўллар билан чиқим қилинади. Корхоналар накд валюта маблағларини хизмат кўрсатувчи банклардан олишлари учун улар томонидан чиқарилган махсус чек дафтарчаларини сотиб оладилар.

Корхона валюта счётидан пул маблағлари накдсиз йўл билан таъминотчиларга, бошқа кредитор корхоналарга, давлат органларига ўтказиб берилади, шунингдек, банкнинг ўзи орқали шартнома шартларига кўра кўрсатилган хизматлар учун ушлаб қолинади. Пул маблағларини накдсиз чиқим қилишга асос бўлиб тўлов топшириқномалари, тўлов талабномалари, инкассо топшириқномалари ва банкнинг мемориал ордерлари ҳисобланади.

Банк муассасаси барча кирим ва чиқим ҳужжатлари асосида шартномада кўрсатилган муддатларда корхонага валюта счётидан маълум бир давр учун кўчирма беради. Кўчирмада давр боши ва охирига валюта счетидаги пул маблағларининг қолдиғи, шу даврдаги барча кирим ва чиқимларнинг суммалари ҳужжатлар асосида кўрсатилади. Банк кўчирмасига чекдан ташқари барча кирим ва чиқимга гувоҳлик берувчи ҳужжатлар илова қилинади. Банк кўчирмалари корхона бухгалтериясида валюта счётидаги пул маблағларининг синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларини юритишга асос бўлади.

Валюта счётидаги пул маблағларининг ҳисоби 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари» ва 5220 «Чет элдаги валюта счётлари» да юритилади. Ушбу валюта счётларини юритиш ҳисоб-китоб счётини юритиш тартибига тўлиқ ўхшайди. Фақат фарқ шундаки, валюта счётлари икки бирликда, яъни чет эл валютаси ва миллий валюталарда юритилади. Банк валюта счётларидаги пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракатини фақат чет эл валютасида ҳисобини юритади ва чет эл

валютасида ифодаланган валюта счётларидан кўчирмани беради. Корхона эса валюта счётларидаги пул маблағларини ҳам чет эл валюталарида, ҳам уларни Марказий банк эълон қилган расмий курслар бўйича миллий валютага ўтқазилган ҳолда ҳисобга олади. Бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шаклларида чет эл валюталари фақат миллий валюта ҳисобида акс эттирилади.

Чет эл валюталарининг келиб тушиши ва чиқими операциялар юз берган санадаги расмий курслар бўйича ҳисобга олинади. Келиб тушган санадан бошлаб мавжуд чет эл валюталари бўйича расмий курсларни ўзгариши санасига курслар ўртасидаги фарқлар вужудга келади. Агар курслар ўсиш томонга ўзгарган бўлса мавжуд чет валюталари бўйича корхона ижобий курс фарқларидан даромадга эга бўлади. Агар курс пасайиш томонга ўзгарган бўлса мавжуд чет валюталари бўйича корхона салбий курс фарқларидан зарар кўрган бўлади.

Валюта счётлари бўйича асосий хўжалик операцияларига қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади (5.5-жадвалга қаранг).

5.5-жадвал

Банкдаги валюта счёти бўйича операцияларни счётларда акс эттириш

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1. Хорижий валютанинг кирими				
1.1.	Корхона кассасидан топширилганда	5210	5020	Нақд пул топширишга эълон, банк кўчирмаси, чиқим касса ордери
1.2.	Харидорлардан бўнак сифатида тушган валюта маблағларига	5210-5220	6310	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
1.3.	Таъсисчилардан келиб тушган валюта маблағларига	5210-5220	4610	Нақд пул топширишга эълон, тўлов топшириқ-номаси, банк кўчирмаси
1.4.	Харидорлардан келиб тушган дебиторлик қарзлар суммасига	5210-5220	4010-4020, 4110-4120	Нақд пул топширилга эълон, тўлов топшириқ-номаси, банк кўчирмаси
1.5.	Банкдан кредит хорижий валютада олинганда	5210-5220	6810	Мемориал-ордер, банк кўчирмаси
1.6.	Бошқа корхоналардан қарзга хорижий валюта маблағлари олинганда	5210-5220	6820	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси

1.7.	Таъминотчилардан уларга ўтказилган валюта маблағлари қайта келиб тушганда	5210-5220	6010	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
1.8.	Бегараз молиявий ёрдам сифатида кирим қилинган хорижий валюта маблағлари суммасига	5210-5220	9380	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
1.9.	Мақсадли тушумлар сифатида кирим қилинган валюта маблағлари суммасига	5210-5220	8810-8890	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
1.10.	Бошқа депозит валюта счётларидан келиб тушган пул маблағларига	5210-5220	5510-5530	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
1.11.	Бошқа дебиторлардан пул маблағлари келиб тушганда	5210-5220	4810-4890	Кирим касса ордери
1.12.	Хорижий валютадаги молиявий инвестицияларнинг қайтарилишига	5210-5220	0610-0690, 5810	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
1.13.	Валюта счёти бўйича ижобий курс фарқларига	5210-5220	9540	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
1.14.	Валюта счёти бўйича ижобий курс фарқларига	9630	5210-5220	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
	2. Валюта маблағларининг чиқими			
1.1.	Корхонага берилган нақд валюта маблағларига	5010	5210-5220	Чек, банк кўчирмаси
1.2.	Таъминотчиларга бўнак сифатида ўтказилган валюта маблағларига	4310	5210-5220	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
1.3.	Таъминотчилар олдидаги кредиторлик қарзининг ўтказилган валюта суммасига	6010	5210-5220	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
1.4.	Харидорларга улардан олинган бўнакларнинг хорижий валютада қайтарилган суммасига	6310	5210-5220	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
1.5.	Турли кредиторлик қарзларнинг узилишига	6910-6990	5110	Тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси,банк кўчирмаси

1.6.	Хорижий валютада олинган кредитларнинг қайтарилишига	6810	5210-5220	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер,банк кўчирмаси
1.7.	Хорижий валютада олинган қарзларнинг қайтарилишига	6820	5210-5220	Тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси,банк кўчирмаси
1.8.	Ҳисобланган дивидендларнинг хорижий валютада тўланишига	6610	5210-5220	Тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси,банк кўчирмаси
1.9.	Бошқа депозит счётларга валюта маблағларининг ўтказилишига	5510-5530	5210-5220	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
1.10.	Хорижий валютада қисқа муддатли қайтариладиган молиявий ёрдам (кредит ёки қарз) суммасига	5820	5210-5220	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
1.11.	Банкдаги жамғарма депозит счётларга қўйилган хорижий валюта маблағларига	5830	5210-5220	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
1.12.	Хорижий валютада қилинган узоқ муддатли молиявий инвестицияларга	0610-0690	5210-5220	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
1.13.	Банк хизматлари учун тўловнинг ундириб қолинишига	9430	5210-5220	Мемориал-ордер, банк кўчирмаси

5.5. Банкдаги бошқа счётлардаги пул маблағлари ҳисоби

Аккредитив счётлардаги пул маблағлари ҳисоби

Аккредитив – бу маблағ тўловчининг (харидорнинг) унга хизмат қилувчи банкка аккредитив аризасида кўрсатилган шартларда маблағ олувчи (таъминотчи)га унга учун хизмат қилувчи банкда алоҳида депозит счётни (аккредитив счётни) очиш ҳамда бу счётга маълум миқдордаги суммани ўтказиб бериш бўйича топшириғи.

Маблағларни тўловчи аккредитив очиш учун унга хизмат кўрсатувчи банкка шартномани илова қилган ҳолда икки нусхада аккредитивга ариза билан мурожаат қилади. Ушбу аризада аккредитивни

тўловчининг ўз маблағлари ёки банк кредити ҳисобидан очилиши кўзда тутилади. Аккредитивга аризанинг биринчи нусхаси тўловлар амалга оширилгандан сўнг банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади, иккинчи нусхаси эса маблағларни тўловчининг асосий ёки ссуда счётидан кўчирмага илова қилинади.

Аккредитивнинг муддати тугагунига қадар маблағларни олувчи ва маблағларни тўловчи ўртасида тузилган шартномада белгиланган ва маблағларни олувчи томонидан аккредитив шартлари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар икки нусхада тақдим қилинган тақдирда, тегишли сумма унинг учун очилган махсус счётга ўтказиб берилади.

Маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчи ўртасида тузилган аккредитив бўйича шартномада белгиланган шартларнинг биттаси бажарилмаган тақдирда аккредитив бўйича тўловлар амалга оширилмайди.

Маблағларни олувчининг счётига маблағларни ўтказишда банк томонидан тўрт нусхада мемориал ордер расмийлаштирилиб, унинг «Тўлов мақсади» графасида тўлов қайси шартнома асосида амалга оширилаётган бўлса, шу шартноманинг тартиб рақами ва санаси кўрсатилади. Бунда мемориал ордернинг биринчи нусхаси тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси билан бирга банкнинг кунлик ҳужжатлари йиғмажилдига тикиб қўйилади, иккинчи ва учинчи нусхалари уларга тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка юборилади, тўртинчи нусхаси эса шахсий счётидан кўчирма билан бирга маблағларни олувчига берилади ҳамда аккредитив бўйича тўланган сумма «Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» (1-картотека) баланс счётидан ҳисобдан чиқарилади.

Маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан аккредитивнинг ижро этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкдан олинганидан сўнг, аккредитив суммаси кўзда тутилмаган ҳоллар счётидан мемориал ордерга асосан ҳисобдан чиқарилади ва мемориал ордернинг бир нусхаси тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига берилади.

Аккредитив маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкда қуйидаги ҳолларда ёпилади:

*аккредитив муддати тамом бўлгач;

*маблағларни олувчининг аккредитивнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар ундан фойдаланишдан воз кечиши ҳақидаги аризасига кўра, агар бундай воз кечиш мумкинлиги аккредитив шартларида назарда тутилган бўлса;

*маблағларни тўловчининг аккредитивни бутунлай ёки қисман чақириб олиш ҳақидаги талабига мувофиқ, агар бундай чақириб олишга аккредитив шартлари бўйича йўл қўйилса.

Бундай ҳолларда аккредитив ёпилганлиги ҳақида маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкни хабардор қилади. Аккредитивдан тўлиқ фойдаланилмаганлиги сабабли, маблағлар тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка қайтарилганда, банк томонидан очилган аккредитив счёти ҳам ёпилади. Қопланган (депонентланган) аккредитивнинг фойдаланилмаган суммаси аккредитив ёпилиши билан бир вақтда маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка қайтарилади. Маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк қайтариб берилган суммаларни маблағларни тўловчининг маблағлар депонентланган счётига ёки ссуда счётига киритади.

Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби 5510 «Аккредитивлар» счётида юритилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

• **Аккредитив счётларнинг очилишига (манбалари бўйича):**

Дебет 5510 «Аккредитивлар»

Кредит 5110»Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари».

• **Аккредитив счётлардаги маблағларнинг ишлатилишига:**

Дебет 6010 «Таъминотчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар»

Кредит 5510 «Аккредитивлар»

• **Аккредитив счётларнинг ёпилишига (манбалари бўйича):**

Дебет 5110»Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 « Қисқа муддатли банк кредитлари» .

Кредит 5510 «Аккредитивлар».

Чек дафтарчаларидаги пул маблағларининг ҳисоби

Чек – чек берувчининг счётидан чек олувчининг счётига чекда белгиланган суммани ўтказиш бўйича топшириқ назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати.

Чеклар банклар буюртмасига мувофиқ «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланади. Чекнинг серияси ва тартиб рақами, маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкнинг номи ва фирма белгиси босма шаклда чоп этилади.

Чеклар жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларда қўлланилади.

Чекнинг максимал суммаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан, минимал суммаси, шунингдек, чекнинг амал қилиш муддати банклар томонидан белгиланади.

Чеклар билан тўловлар қуйидагича амалга оширилади:

а) чек тўловга тақдим қилингандан сўнг, чекни тўловга қабул қилган ташкилот ходими чекнинг орқа томонига ташкилот муҳри ва мансабдор шахсининг имзосини қўяди;

б) товар (иш, хизмат) қиймати чекда кўрсатилган суммадан кам бўлган тақдирда, чекни тўловга қабул қилган ташкилот ушбу чек суммасининг 25 фоизигача бўлган қийматини нақд пулда бериши мумкин;

в) тўловга қабул қилинган чеклар уни тўловга қабул қилган ташкилот томонидан хизмат кўрсатувчи банкка пул тушуми билан бирга инкассатор орқали юборилади;

г) банк томонидан қабул қилинган чеклар бўйича тўловлар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

*чек берувчи ва чек олувчига битта банк томонидан хизмат кўрсатилган тақдирда, чеклар бўйича тўловлар чекни тўловга қабул қилган ташкилот счётининг кредити ва «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар» баланс счёти орқали чек тақдим этувчи счётининг дебети бўйича ўтказилади. Чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

*чек берувчи ва чек олувчига турли банклар томонидан хизмат кўрсатилган тақдирда:

- чекда кўрсатилган сумма чек олувчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан чек олувчининг счётига ўтказилади;

- банкнинг электрон ҳисоб-китоб чеки электрон тўловлар тизими орқали чек берувчига хизмат кўрсатувчи банкка юборилади ҳамда чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

- электрон чекда кўрсатилган сумма чек берувчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан дастурий равишда чек берувчининг иккиламчи счётидан ҳисобдан чиқарилади ҳамда электрон чек чоп этилиб, банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Чеклар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби 5520 «Чек дафтарчалари» счётида юритилади. Ушбу счёт ҳам аккредетив счётлар каби қисқа муддатларга корхонанинг маблағлари ёки банк кредитлари ҳисобидан очилиши мумкин, бунда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

• **Чек дафтарчалари счётининг очилишига (манбалари бўйича):**

Дебет 5520 «Чек дафтарчалари»

Кредит 5110»Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари» .

• **Чек дафтарчалари счётидаги пул маблағларининг ишлатилишига**

Дебет 6010 «Таъминотчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар», 6990 «Бошқа мажбуриятлар»

Кредит 5510 «Чек дафтарчалари»

Чек дафтарчалари счётидаги маблағларнинг ишлатилмай қолган қисми ушбу маблағларнинг ташкил этилган манбасини акс эттирувчи счётга қайтарилиши билан ёпилади, яъни:

Дебет 5110»Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари».

Кредит 5510 «Чек дафтарчалари».

БПК ва бошқа депозит счётлардаги пул маблағларининг ҳисоби

Банк пластик картаси (БПК) - бу банк томонидан эмиссия қилинган, персонализацияланган, тўлов воситаси сифатида ишлатиладиган ва ўз сақловчисига банк счётидаги маблағлари доирасида операцияларни, жумладан, ҳисобварақ орқали накд пулсиз ҳисоб-китобларни (тўловларни) амалга ошириш, ундан накд пул маблағларини ва банк кредитини олиш имконини берувчи банк пластик картаси.

БПКлардан жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган накд пулсиз ҳисоб-китобларда, шунингдек, накд пул берадиган шохобчалар ва банкоматлардан накд пул маблағларини олишда фойдаланилади.

Халқаро БПКлар ваколатли банклар томонидан муомалага чиқарилади ва уларга хизмат кўрсатилади.

БПКларга хизмат кўрсатиш бўйича тузиладиган шартнома қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши шарт: тарафларнинг номи; шартнома предмети; тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари; тарафларнинг жавобгарлиги; ҳисоб-китобларни амалга ошириш шартлари; шартноманинг амал қилиш муддати ва уни бекор қилиш шартлари; низоларни ҳал қилиш тартиби; тарафларнинг юридик манзили.

БПКлар персонализация қилинган тақдирда, унда қуйидаги реквизитлар кўрсатилиши шарт: идентификацияловчи маълумотлар (БПКнинг серияси ва тартиб рақами); банк-эмитентнинг уникал коди (хос рақами); ҳисобварақнинг тартиб рақами ва БПК сақловчисининг фамилияси, исми, отасининг исми (ташкилотнинг номи); БПКнинг амал қилиш муддати. БПКга операцияларни амалга ошириш ва улар ҳисобини олиб бориш учун бошқа қўшимча маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

БПКлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китоблар қоғозда (слип, электрон терминал квитанцияси) ёки электрон шаклда (банкомат ёки терминалнинг электрон ҳужжати) ёки бошқа маълумотномалар билан тасдиқланади. Бунда мазкур маълумотномалар ҳисоб-китобларни амалга оширишда иштирок этувчи томонларга етарли нусхаларда шакллантирилади. Маълумотномалар БПК орқали амалга оширилган операциялар тўғрисидаги барча маълумотларни ўз ичига олиши керак.

БПКлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби 5530 «Банк пластик картаси» счётида юритилади. Ушбу счётнинг дебетида маблағларнинг БПКларга ўтказилган суммаси, кредитида эса унинг ишлатилганлиги акс эттирилади.

5530 «Банк пластик картаси» счётида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

• БПК счётининг очилишига (манбалари бўйича):

Дебет 5530 «Банк пластик картаси»

Кредит 5110»Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари» .

• БПК счётидаги пул маблағларининг ишлатилишига

Дебет 6010 «Таъминотчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар», 6990 «Бошқа мажбуриятлар», 1010-1090 «Материаллар», 2910 «Омбордаги товарлар» ва бошқалар

Кредит 5530 «Банк пластик картаси»

Банк пластик картаси счётидаги маблағларнинг ишлатилмай қолган қисми ушбу маблағларнинг ташкил этилган манбасини акс эттирувчи счётга қайтарилиши билан ёпилади, яъни:

Дебет 5110»Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари».

Кредит 5530 «Банк пластик картаси».

Хўжалик юритувчи субъектлар банкларда юқоридагилардан ташқари бошқа махсус депозит счётларни ҳам очишлари мумкин, масалан конвертация счёти, капитал қурилиш счёти, солиқ тўловлари счётлари ва бошқа шу каби счётларни. Ушбу махсус депозит счётлардаги пул маблағларининг ҳисоби ҳам 5530 «Бошқа махсус счётлар» тизимида очиладиган алоҳида счётларда юритилади.

5.6. Йўлдаги пуллар ва пуллик эквивалентларнинг ҳисоби

Кассадан инкассаторларга, банкнинг кечки кассаларига ва алоқа бўлимларига топширилган, бироқ корхона ҳисоб-китоб счётига кирими банк кўчирмаси билан тасдиқланмаган пул маблағлари ой охирида йўлдаги пул маблағлари сифатида тан олинади. Бундай пул маблағларининг ҳисоби 5710 «Йўлдаги пул маблағлари» счётида юритилади. Ушбу актив счётнинг дебетида инкассаторларга, алоқа бўлимларига, банкнинг кечки кассаларига топширилган пул маблағлари суммалари акс эттирилади. Бунда 5010 «Касса» счёти кредитланади. Ушбу ёзувга асос бўлиб кузатув қайдномаси, почта квитанцияси, банк квитанцияси каби ҳужжатлар ҳисобланади. 5710 «Йўлдаги пул маблағлари» счётининг кредитида йўлдаги пулларнинг банкдаги асосий ҳисоб-китоб счётига ёки бошқа депозит счётларга кирими акс эттирилади. Бунда 5110 «Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Валюта счёти», 5530 «Бошқа депозит счётлар» каби счётлар дебетланади.

Корхоналар кассасида пул маблағларидан ташқари пуллик эквивалентлар ҳам сақланиши мумкин.

Пуллик эквивалентлар – бу маълум қийматга эга бўлган ва унга тенглаштирилган пуллик ҳужжатлардир. Уларга қуйидагилар киради.

Алоқа бўлими маркалари – бу «Ўзбекистон Почтаси» ОАЖ томонидан маълум номинал қийматларда сотиш учун чиқариладиган алоқа маркалари. Ушбу алоқа маркалари хат-хабарларни жўнатишда конвертларга элимланади ва уларга доир алоқа бўлимлари хизматлари ҳақини тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Йўл чиптлари – бу шаҳар транспорти (автобус, троллейбус, трамвай, метро) хизматлари ҳақини маълум давр учун тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Ушбу чиптлар корхона ходимларига қайдномалар орқали тарқатилади.

Овқатланиш учун пуллик талонлар – бу корхонанинг ўз ходимларини овқатлантириш учун маълум қийматда чиқарилган ва уларга қайдномалар орқали тарқатиладиган пулли ҳужжат.

Санаторня йўлланмалари – бу турли санаториялар ва курортларнинг дам олиш ва даволаниш учун босма усулда чиқарилган пулли ҳужжати. Улар корхоналар томонидан турли санатория ва курортлар бошқармалари ёки касаба уюшмаларидан сотиб олинади ҳамда корхона ходимларига қайдномалар орқали тарқатилади.

Пуллик эквивалентлар ҳисоби 5610 «Пуллик эквивалентлар» счётида юритилади. Ушбу актив счётнинг дебетида пулли эквивалентларнинг сотиб олиниши ва кирими акс эттирилади. Бунда 5010 «Касса», 5110 «Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Валюта счёти», 5530 «Бошқа депозит счётлар», 6010 «Таъминотчиларга тўланадиган счётлар», «6990 «Бошқа мажбуриятлар» каби счётлар кредитланади.

5610 «Пуллик эквивалентлар» счётининг кредитида пуллик эквивалентларнинг сарфи (ҳисобдан чиқарилиши) акс эттирилади. Бунда харажатларни акс эттирувчи счётлар (2510 «Умумхўжалик харажатлари», 9420 «Бошқарув харажатлари», 9430 «Бошқа операцион харажатлар»), 4790 «Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар», 4890 «Бошқа дебиторлик қарзлар», 5010 «Касса» каби счётлар дебетланади.

Пуллик эквивалентларнинг аналитик ҳисоби уларнинг алоҳида турлари бўйича юритилади.

Мавзу бўйича таянч атамалар

Пул маблағлари – бу ўта тез ликвидлик характерига эга бўлган, барча муносабатларда умумий эквивалент ролини ўйнайдиган, давлат томонидан қоғозли ва металли кўринишда маълум қийматларда чиқариладиган махсус товар.

Миллий валютадаги пул маблағлари – бу давлат томонидан метал ва қоғозларда қиймати ифодаланган, муомала, айирбошлаш, баҳолашда умумий эквивалент ролини бажарувчи махсус банк белгилари.

Чет эл мамлакатлари пул маблағлари – бу ўзга давлатларнинг метал ва қоғозларда қиймати ифодаланган, муомала, айирбошлаш, баҳолашда умумий эквивалент ролини бажарарувчи махсус банк белгилари.

Кассадаги пул маблағлари – бу корхонанинг кунлик эҳтиёжлари учун зарур бўлган, турли мақсадлар ва манбалардан келиб тушган, белгиланган муддатлар ва миқдорларгача сақланадиган кассадаги пул маблағлари.

Йўлдаги пул маблағлари – бу корхона кассасидан банкга турли йўллар билан топширилган, масалан инкассаторлар орқали, алоқа бўлими орқали, банкнинг кечки кассалари орқали, лекинда ойнинг охирида ҳали ҳисоб-китоб счётига кирим қилинганлиги банк кўчирмаси билан тасдиқланмаган пул маблағлари.

Банкдаги пул маблағлари – бу корхонанинг хизмат қилувчи банкларда очилган депозит счётларида сақланаётган пул маблағлари.

Касса лимити – хўжалик юритувчи субъектлар кассасида сақланадиган нақд пулларнинг чекланган миқдори.

Кирим касса ордери – нақд пул маблағларининг қачон, кимдан, нима мақсадда ва қанча миқдорда олинганлигига гувоҳлик берувчи яхлит шакл ва мазмундаги касса ҳужжати.

Чиқим касса ордери – нақд пул маблағларининг қачон, кимга, нима учун, қанча миқдорда берилганлигига, шунингдек, олган шахснинг ҳақиқатда пулни қандай ҳужжат асосида олганлигига гувоҳлик берувчи яхлит шакл ва мазмундаги касса ҳужжати.

Касса китоби – бу кассир томонидан унинг жавобгарлигида бўлган нақд пул маблағларининг маълум давр боши ва охиридаги қолдиғи, шунингдек, уларнинг кирими ва чиқими тўғрисидаги маълумотларни ҳужжатли асосда акс эттирувчи касса ҳужжатидир.

Пуллик эквивалентлар – бу маълум қийматга эга бўлган ва унга тенглаштирилган пуллик ҳужжатлардир.

Тўлов топшириқномаси – бу мижознинг унга хизмат кўрсатувчи банкка ўз счётидан топшириқномада белгиланган суммани маблағларни олувчининг счётига ўтказиш тўғрисидаги топшириғи назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати.

Тўлов талабномаси – бу маблағларни олувчи корхонанинг маблағларни тўловчи корхона томонидан тўлов талабномасида кўрсатилган суммани банк орқали тўлаш тўғрисидаги талаби назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати.

Инкассо топшириқномаси – бу маблағларни олувчининг инкассо топшириқномасида кўрсатилган суммани маблағларни тўловчининг счётидан сўзсиз равишда ҳисобдан чиқариш бўйича топшириғи назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати.

Аккредитив – бу маблағ тўловчининг (харидорнинг) унга хизмат қилувчи банкка аккредитив аризасида кўрсатилган шартларда маблағ олувчи (таъминотчи)га унга учун хизмат қилувчи банкда алоҳида депозит ҳисобварақни (аккредитив ҳисобварақни) очиш ҳамда бу

ҳисобвараққа маълум миқдордаги суммани ўтказиб бериш бўйича топшириғи.

Чек – чек берувчининг счётидан чек олувчининг счётига чекда белгиланган суммани ўтказиш бўйича топшириқ назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати.

Банк пластик картаси (БПК) – бу банк томонидан эмиссия қилинган, персонализацияланган, тўлов воситаси сифатида ишлатиладиган ва ўз сақловчисига банк счётидаги маблағлари доирасида операцияларни, жумладан, ҳисобварақ орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни (тўловларни) амалга ошириш, ундан нақд пул маблағларини ва банк кредитини олиш имконини берувчи банк пластик картаси.

Овердрафт – бу банк томонидан тузилган шартномага мувофиқ мижознинг илтимосига кўра ҳисоб-китоб счётидан унда мавжуд бўлган суммадан кўп бўлган суммани чиқим қилиниши.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Пул маблағлари нима ва улар бухгалтерия ҳисобида қандай белгилари бўйича акс эттирилади?
2. Кассада қандай пуллар сақланади ва улар миқдори нима учун лимитланади?
3. Йўлдаги пул маблағлари нима?
4. Банкдаги пул маблағларига нималар киради?
5. Касса хўжалиги нима ва у ўз ичига нималарни олади?
6. Банкка ҳисоб-китоб ва бошқа счетларни очиш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилади?
7. Касса операциялари қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилади?
8. Касса операциялари ҳисоби қандай юритилади?
9. Пуллик эквивалентлар ҳисоби қандай юритилади?
10. Йўлдаги пул маблағларининг ҳисоби қандай юритилади?

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Пул маблағлари – бу:

а) тез ликвидли бўлмаган активлар

б) тез ликвидли активлар

в) барча товарлар учун умумэквивалент ролини ўйновчи актив

г) б ва в жавобларда келтирилган хусусиятларга эга бўлган активлар

2. Пул маблағлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади:

а) валюта турига кўра

б) турган жойига кўра

в) а ва б жавобда келтирилган белгиларга кўра

г) тўғри жавоб йўқ

3. Касса бўйича қатъий белгиланган ҳужжатлар тизимига нималар киради?

а) касса китоби

б) кирим ва чиқим касса ордерлари

в) кирим ва чиқим касса ордерларини қайд этиш журнали;

г) юқоридаги жавобларда келтирилганларнинг барчаси киради.

4. Хизмат кўрсатувчи банкни танлаш кимнинг ихтиёрида?

а) Мижоз банкни танлайди

б) Банк мижозни танлайди

в) Молия вазирлиги белгилаб беради

г) Марказий банк белгилаб беради

5. Корхонанинг банкдаги асосий ҳисоб рақами қачон очилади?

а) Корхона давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг бир кун ичида

б) Корхона давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг уч кун ичида

в) Корхона давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг бир ой муддат ичида

г) Корхона давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг хоҳлаган пайтда.

6. Кассага пул маблағлари қандай ҳужжат асосида кирим қилинади?

а) чек;

б) далолатнома;

в) кирим касса ордери

г) чиқим касса ордери

7. Кассадан пул маблағлари қандай ҳужжат асосида чиқим қилинади?

а) чек; б) далолатнома;

в) кирим касса ордери г) чиқим касса ордери

8. Кирим ва чиқим касса ордерларини ким тузади?

а) кассир;

б) директор;

в) бухгалтер

г) ички аудитор

9. Касса китобини ким ва қандай ҳужжатлар асосида юритади?

а) кассир кирим ва чиқим касса ордерлари асосида;

б) директор кирим ва чиқим касса ордерлари асосида;

в) бухгалтер кирим ва чиўим касса ордерлари асосида

г) ички аудиторкирим ва чиқим касса ордерлари асосида

10. Кассадаги пул маблағлари ҳисоби учун мўлжалланган счётлар:

а) Доимий счётлар б) Пассив счётлар в) Транзит счётлар

г) Контрпассив счётлар.

11. Қуйидагиларнинг қайси бирида нақд пулга сотишдан олинган тушумни ифодалайди?

а) Дебет 5010 Кредит 4010 б) Дебет 5010 Кредит 9020

в) Дебет 5110 Кредит 5010 г) Дебет 5110 Кредит 4010

12. Ҳисоб-китоб счётига топширилган пул маблағлари:

а) 5010 счётнинг дебетида ва 5110 счётнинг кредитида акс эттирилади

б) 5110 счётнинг дебетида ва 5010 счётнинг кредитида акс эттирилади

в) 5210 счётнинг дебетида ва 5010 счётнинг кредитида акс эттирилади

г) 5530 счётнинг дебетида ва 5010 счётнинг кредитида акс эттирилади

13. Пуллик эквивалентларга кирмайди:

а) чек, акция, облигация; б) почта маркаси;

в) санатория йўлланмаси; г) овқатланиш учун абонемент талонлари

14. Йўлдаги пул маблағларига кирмайди кирмайди:

а) инкассаторга топширилган пуллар;

б) почтага топширилган пуллар;

в) ходимларга берилган бўнак пул маблағлари;

г) банкнинг кечки кассасига топширилган пуллар

16. Ҳисоб-китоб счётига инкассаторлар орқали топширилган савдо тушуми:

а) 5010 счётнинг дебетида ва 5710 счётнинг кредитида акс эттирилади

б) 5110 счётнинг дебетида ва 5710 счётнинг кредитида акс эттирилади

в) 5210 счётнинг дебетида ва 5710 счётнинг кредитида акс эттирилади

г) 5530 счётнинг дебетида ва 5710 счётнинг кредитида акс эттирилади

17. Қуйидагиларнинг қайси бири нақд пулга сотишдан олинган тушумни ҳисоб-китоб счётига топширилишини акс эттиради?

а) Дебет 5010 Кредит 4010 б) Дебет 5010 Кредит 9020

в) Дебет 5110 Кредит 5010 г) Дебет 5110 Кредит 9020

VI БОБ. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ

6.1 Ҳисоб-китоблар ҳисобини ташкил қилиш асослари ва вазифалари

Ҳисоб-китоблар деганда корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан юз берган хўжалик операциялари бўйича амалга ошириладиган молиявий муносабатлари тушунилади. Корхона билан молиявий муносабатда бўладиган юридик ва жисмоний шахслар қуйидаги иккита гуруҳга ажратилади.

1. Дебиторлар – бу корхонага қарздор бўлган юридик ва жисмоний шахслар. Уларнинг корхона олдидаги қарзлари дебиторлик қарзлар деб аталади.

2. Кредиторлар – корхона қарздор бўлган юридик ва жисмоний шахслар. Корхонанинг ушбу шахслар олдидаги қарзлари кредиторлик қарзлар ёки мажбуриятлар деб аталади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳисоб-китоблар, мос равишда, уларда вужудга келадиган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар турли белгиларига қараб гуруҳланади ҳамда акс эттирилади.

Характерига кўра барча ҳисоб-китоблар товар ва нотовар характеридаги ҳисоб-китобларга бўлинади.

Товар характеридаги ҳисоб-китоблар деганда товар-моддий бойликларни сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ жараёнларда вужудга келадиган пуллик муносабатлар тушунилади. Бундай молиявий муносабатларга таъминотчилар ва харидорлар билан бўладиган ҳисоб-китоблар мисол бўлади. Товар-моддий бойликларни сотиб олиш, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун таъминотчилар ва пудратчилар олдида вужудга келадиган кредиторлик қарзлар **тўланадиган счётлар** деб аталади. Товар-моддий бойликларни сотиш, хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш учун вужудга келадиган харидорлар ва буюртмачиларнинг дебиторлик қарзлари **олинадиган счётлар** деб аталади.

Нотовар характеридаги ҳисоб-китоблар деганда корхонанинг турли жисмоний ва юридик шахслар билан бошқа операциялар бўйича вужудга келадиган пуллик муносабатлар тушунилади. Буларга ходимлар билан иш ҳақи, сафар харажатлари, берилган аванс ва қарзлар ва етказилган зарарлар бқйича ҳисоб-китоблар, шунингдек, унинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсали фондлар, таъсисчилар, олинган кредит ва қарзлар, уларга доир фоизлар бўйича банклар ва бошқа кредиторлар,

инвестиция киритиш, мулкни ижарага бериш ва олишда вужудга келадиган ҳисоб-китоблар мисол бўлади.

Ҳисобот даврларига кўра барча товар ва нотовар характеридаги ҳисоб-китоблар қисқа муддатли (бир йилгача) ва узоқ муддатли (бир йилдан ошиқ) турларга бўлинади.

Тўлов муддатига кўра барча ҳисоб-китоблар тўлов муддати ўтмаган ва тўлов муддати ўтиб кетган ҳисоб-китобларга бўлинади. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган тартибга асосан 90 кунгача амалга оширилмаган ҳисоб-китоблар муддати ўтмаган, 90 кундан ортиқ муддатда амалга оширилмаган ҳисоб-китоблар эса муддати ўтиб кетган қарзлар бўлиб ҳисобланади. Республикамиз қонунларига мувофиқ 90 кундан тўлов муддати ошиб кетган дебиторлик қарзларига йўл қўйганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари маъмурий ва молиявий жазога тортилади.

Даъво муддатига кўра ҳисоб-китоблар даъво муддати ўтиб кетмаган ва даъво муддати ўтиб кетган ҳисоб-китобларга бўлинади. Чунончи, тўлов муддати 3 йилдан ошмаган олинадиган ва тўланадиган счётлар даъво муддати ўтмаган қарзлар, тўлов муддати 3 йилдан ошиб кетган олинадиган ва тўланадиган счётлар эса даъво муддати ўтиб кетган қарзлар бўлиб ҳисобланади. Солиқ тўловлари бўйича тўлов муддати 5 йилдан ошмаган қарзлар даъво муддати ўтмаган қарзлар, тўлов муддати 5 йилдан ошиб кетган қарзлар эса даъво муддати ўтиб кетган қарзлар бўлиб ҳисобланади. Республикамиз қонунларига мувофиқ даъво муддати ўтиб кетган қарзлар балансдан чиқарилиши, даъво муддати ўтиб кетмаган қарзлар асоссиз балансдан чиқарилмаслиги лозим.

Келиб тушиш эҳтимолига кўра олинадиган счётлар келиб тушиши шубҳали ва келиб тушиши шубҳасиз бўлган дебиторлик қарзларга бўлинади.

Шубҳали дебиторлик қарзлар деганда, одатда, инқирозга учраган, фаолиятини тўхтатиб қўйган ёки умуман ёпилиб кетган, катта миқдорда кредиторлик қарзларга эга бўлган, тўлов қобилиятига эга бўлмаган, фаолияти учун суд ва прокуратура органлари олдида жавоб бераётган юридик ва жисмоний шахсларнинг корхона олдидаги қарзлари тушунилади. Шубҳали қарзлар суд органлари орқали ундирилади, ундириш имконияти бўлмаганда корхонанинг зарарига олиб борилади.

Тўловни амалга ошириш турига кўра барча ҳисоб-китоблар нақд пуллик ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларга бўлинади.

Нақд пуллик ҳисоб-китоблар деганда юз берган хўжалик операциялари учун тўловларни нақд пул тўлаш орқали амалга ошириш

тушунилади. Буларга сотилган товар-моддий бойликлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар учун харидорлар ва буюртмачилардан нақд пулни олиш, сотиб олинган товар-моддий бойликлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар учун таъминотчилар ва пудратчиларга нақд пулни тўлаш, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ва бошқа қарзларни нақд пул билан тўлаш, турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни нақд пулга амалга ошириш мисол бўлади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда юз берган хўжалик операциялари учун тўловларни нақд пулсиз амалга ошириш тушунилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларга тўловларни банк муассасаларида очилган пуллик счётлар орқали, шунингдек, корпоратив ва шахсий пластик карточкалар орқали амалга ошириш мисол бўлади.

Валюта турига кўра барча ҳисоб-китоблар миллий валютада ва хорижий валютада амалга оширилган ҳисоб-китобларга бўлинади. Республикамиз ичида юз берган барча операциялар бўйича ҳисоб-китоблар миллий валютамизда, яъни сўмда амалга оширилади. Ташқи иқтисодий алоқаларда, яъни экспорт ва импорт операциялари бўйича ҳисоб-китоблар хорижий валюталарда амалга оширилади.

Ҳисоб-китоблар бўйича корхона раҳбари ва ҳисоб ходимларининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўз вақтида тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш;
- ҳисоб-китобларни амалга оширишда белгиланган муддатларга амал қилиш, асоссиз тўлов муддатларини ўтиб кетишига йўл қўймаслик;
- ҳисоб-китобларнинг синтетик ва аналитик ҳисобини белгиланган тартибларда юритиш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлар суммаларини бошқарувда муҳим ўйнайдиган белгилари кесимида тўғри ва ўз вақтида ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилишини таъминлаш ва бошқалар.

6.2. Таъминотчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби

Таъминотчилар ва пудратчилар деганда корхонага товар-моддий бойликларни сотувчи, иш ва хизматларни бажарувчи турли бошқа корхона ва муассасалар тушунилади. Ушбу ташкилотлар билан бўладиган ҳисоб-китоблар тўланадиган ва олинадиган счётларга бўлинади.

Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар – бу уларга корхона томонидан сотиб олинган товар (иш, хизмат)лар учун тўланадиган кредиторлик қарзлар суммаси.

Таъминотчи ва пудратчилардан олинадиган счётлар – *бу уларга* корхона томонидан сотиб олинадиган товарлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан бўнак сифатида тўланган тўловлар суммаси.

Таъминотчиларга ва пудратчиларга бўнаклар улар ва корхона ўртасида тузилган шартнома ёки контракт асосида берилади. Айрим ҳолларда бўнак ўтказишга асос бўлиб қисман бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ҳисобланиши мумкин. Бунда тўлов топшириқномаларида қисман тўлов миқдори ёки олдиндан тўлов фоизи кўрсатилади.

Таъминотчилар ва пудратчиларга ўтказилган бўнаклар ҳисоби қуйидаги счётларда юритилади:

4310 «Товар моддий бойликлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар»;

4320 «Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар»;

4330 «Бошқа берилган бўнаклар».

Ушбу актив счётларнинг дебетида таъминотчиларга ва пудратчиларга олдиндан тўланган бўнак суммаларининг кўпайиши, кредитида эса тўланган бўнакларнинг камайиши (ёпилиши) акс эттирилади (6.1-жадвалга қаранг).

6.1-жадвал

Таъминотчилар ва пудратчиларга тўланган бўнакларнинг счётларда акс эттирилиши

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1.	Банкдаги счётлардан таъминотчилар ва пудратчиларга ўтказилган бўнак суммаларига	4310, 4320, 4330	5110-5530	Тўлов топшириқномалари, банк кўчирмалари, счёт-фактура ва бошқалар
2.	Таъминотчи ва пудратчиларга кредитлар ва қарзлар ҳисобидан ўтказилган бўнаклар суммаларига	4310, 4320, 4330	6810-6820, 7810-7820	Кредит шартномалари, тўлов топшириқномалари, мемориал-ордерлар
3.	Контрактнинг бекор қилиниши натижасида	5110-5530	4310, 4320, 4330	Даъво хати, солиштирма далолатномалар, тижорат далолатномаси

	аввал берилган бўнакларнинг қайтарилган суммаларига			
4.	Таъминотчи ва пудратчиларга бўлган қарзларни қоплашда аввал берилган бўнакларнинг ҳисобга олинган суммасига	6010	4310, 4320, 4330	Бухгалтерия ҳисоб-китоблари, тўлов топшириқномалари, солиштирма далолатномалар,
5.	Таъминотчи ва пудратчиларга берилган бўнакларнинг даъво муддати ўтганларининг ҳисобдан чиқарилган суммасига	9430	4310, 4320, 4330	Қарор, буйрук, Бухгалтерия ҳисоб-китоблари, солиштирма далолатномалар

Таъминотчи ва пудратчиларга ўтказилган бўнакларни акс эттирувчи юқорида келтирилган счётларнинг давр боши ва давр охирига қолдиғи (сальдоси), мос равишда, шу даврларда уларнинг корхона олдидаги қарзлари суммаларини кўрсатади. Ушбу қолдиқ (сальдо) суммалари бухгалтерия балансининг жорий активлари қисмида назарда тутилган алоҳида моддаларда акс эттирилади.

Таъминотчи ва пудратчилар олдидаги кредиторлик қарзлар ҳисоби қуйидаги счётларда юритилади:

- 6010 « Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
- 6110 « Алоҳида ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар»
- 6120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар»

Ушбу пассив счётларнинг кредитида таъминотчи ва пудратчилар олдидаги қарзларнинг вужудга келиши, уларни кўпайиши ва охирги қолдиқлари, дебетида эса қарзларнинг узилиши акс эттирилади (6.2-жадвалга қаранг).

Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётларни акс эттирувчи юқорида келтирилган счётларнинг давр боши ва давр охирига қолдиғи (сальдоси), мос равишда, шу даврларда корхонанинг таъминотчи ва пудратчилар олдидаги қарзлари суммаларини кўрсатади. Ушбу қолдиқ (сальдо) суммалари бухгалтерия баланси пассивининг мажбуриятлар қисмида назарда тутилган алоҳида моддаларда акс эттирилади.

6.2-жадвал

Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётларнинг счётларда акс эттирилиши

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1	Таъминотчилардан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг келиб тушган суммасига	0710, 0720	6010	Счёт-фактура ва унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар
2	Капитал қўйилмалар учун таъминотчи ва пудратчиларнинг бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари юзасидан берилган счётларнинг тўлов суммасига	0810-0890	6010	Счёт-фактура ва унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар
3	Таъминотчилардан келиб тушган материаллар суммасига	1010-1090	6010	Счёт-фактура ва унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар
4	Таъминотчилардан келиб тушган ўстиришдаги ва боқувдаги молла қийматига	1110, 1120	6010	Счёт-фактура ва унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар
5	Таъминотчи ва пудратчилардан товар-моддий захиралар (иш, хизмат)ларни харид қилишда ҳисобга олинган ҚҚС суммасига	4410	6010	Счёт-фактура ва унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар
6	Корхона томонидан асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжалик, умумишлаб чиқариш ва бошқарув эҳтиёжлари учун таъминотчи ва пудратчиларнинг бажарган иш ва хизматлари, жумладан, энергия, газ, буғ, сув ва бошқалар суммасига	2010, 2310, 2510, 2710, 9420	6010	Счёт-фактура ва унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар

7.	Таъминотчилар ва пудратчилардан келгуси давр харажатларига тегишли бўлган иш ва хизматларнинг қабул қилинишига	3190	6010	Қарор, буйруқ, Счёт-фактура ва унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар
8	Таъминотчилардан келиб тушган товарлар суммасига	2910-2980	6010	Счёт-фактура ва унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар
9	Маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматларни сотишда таъминотчи ва пудратчилар кўрсатган иш ва хизматларнинг қабул қилинишига	9410	6010	
10	Таъминотчи ва пудратчиларга бўлган қарзлар банкдаги счётлардан тўланди	6010	5110-5530	Банк кўчирмалари, тўлов топшириқномалари
11	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг счётларини тўлашда олдиндан берилган бўнакларнинг ҳисобга олиниши	6010	4310-4330	Бухгалтерия маълумотномаси
12	Даъво муддати тугаган кредиторлик қарзлари ҳисобдан чиқарилди	6010	9360	Қарор, буйруқ, Счёт-фактура ва унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар

6.3. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби

Харидорлар ва буюртмачилар деганда корхонадан товар-моддий бойликлар, иш ва хизматларни сотиб олувчи турли бошқа юридик ва жисмоний шахслар тушунилади. Ушбу юридик ва жисмоний шахслар билан бўладиган ҳисоб-китоблар ҳам тўланадиган ва олинадиган счётларга бўлинади.

Харидорлар ва буюртмачиларга тўланадиган счётлар – бу корхонага харидор ва буюртмачилар томонидан сотиб олинадиган

товарлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан бўнак сифатида тўланган тўловлар суммаси.

Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар - бу сотилган товар (иш, хизмат)лар учун корхонага унинг харидорлари ва буюртмачилари томонидан тўланмасдан қолинган дебиторлик қарзлар суммаси.

Харидор ва буюртмачилардан бўнаклар улар ва корхона ўртасида тузилган шартнома ёки контракт асосида олинади. Олинган бўнаклар товар-моддий бойликларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш бўйича шартноманинг бажарилиши ҳамда харидор ва буюртмачилардан келгусидаги тўловларнинг келиб тушишига кафолат сифатида хизмат қилади. Айрим ҳолларда бўнак ўтказишга асос бўлиб қисман бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ҳисобланиши мумкин. Бунда тўлов топшириқномаларида қисман тўлов миқдори ёки олдиндан тўлов фоизи кўрсатилади.

Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар ҳисоби 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счётида юритилади. Ушбу пассив счётнинг кредитида харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар бўйича корхона мажбуриятларининг кўпайиши, дебетида эса олинган бўнаклар бўйича мажбуриятларнинг камайиши (ёпилиши) акс эттирилади (6.3-жадвалга қаранг).

Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнакларни акс эттирувчи юқорида келтирилган счётларнинг давр боши ва давр охирига қолдиғи (сальдоси), мос равишда, шу даврларда корхонанинг харидорлар ва буюртмачилар олдидаги қарзлари суммаларини кўрсатади. Ушбу қолдиқ (сальдо) суммалари бухгалтерия баланси пассивининг мажбуриятлар қисмида назарда тутилган алоҳида моддада акс эттирилади.

Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар ҳисоби қуйидаги счётларда юритилади:

4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»;

4110 «Ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар»;

4120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар»;

Ушбу актив счётларнинг дебетида олинадиган счётлар (дебиторлик қарзлар)нинг кўпайиши, кредитида эса олинадиган счётлар (дебиторлик қарзлар)нинг камайиши акс эттирилади (6.4-жадвалга қаранг).

6.3-жадвал

Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнакларнинг счётларда акс эттирилиши

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1.	Олинган бўнакллар суммасига	5010-5530	6310-6390	Тўлов топшириқномалари, банк кўчирмалари, счёт-фактура ва бошқалар
2.	Маҳсулотлар, товарларни етказиб бериш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш, шунингдек, асосий воситалар ва бошқа активларни сотишда илгари олинган бўнакларнинг ёпилишига	6310-6390	4010	Бухгалтерия маълумотномаси
3.	Илгари олинган бўнакларнинг қайтарилишига	6310-6390	5010-5530	Тўлов топшириқномалари, банк кўчирмалари, солиштирма далолатномалар
4.	Илгари олинган бўнакларнинг банк кредитлари ва бошқа корхоналарнинг қарзлари ҳисобидан қайтарилишига	6310-6390	6810-6840, 7810-7840	Тўлов топшириқномалари, банк кўчирмалари, солиштирма далолатномалар
5.	Даъво билдириш муддати давомида фойдаланилмаган бўнак суммалари ҳисобдан чиқарилишига	6310-6390	9390	Қарор, буйрук, Бухгалтерия ҳисоб-китоблари, солиштирма далолатномалар

6.4-жадвал

Харидорлардан олинадиган счётларнинг счётларда акс эттирилиши

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1.	Товар, иш ва хизматларни сотиш бўйича харидорлар ва буюртмачилар, ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари қарзларининг вужудга келишига	4010, 4110, 4120	9010, 9020, 9030	Счёт-фактура ва унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар

2.	Асосий воситалар ва бошқа активларни сотиш бўйича харидорлар ва буюртмачилар, ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари қарзларининг вужудга келишига	4010, 4110, 4120	9210, 9220	Счёт-фактура ва унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар
3.	Харидорлар ва буюртмачилар, ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан тўловларнинг келиб тушишига	5010, 5110, 5210-5220, 5510-5530	4010, 4110, 4120	Кирим касса ордери, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
4.	Харидорлар ва буюртмачилар, ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига сотилган маҳсулотлар, товарлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун даъво билдирилди	4860	4010, 4110, 4120	Даъво хати, солиштирма далолатномалар, тижорат далолатномаси, аниқланган камомадлар тўғрисида далолатнома
5.	Харидорлар ва буюртмачилар, ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига сотилган товарлар, маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатларини тақдим этишда олинган бўнакларнинг ҳисобга олиниши	6310	4010, 4110, 4120	Бухгалтерия ҳисоб-китоблари, тўлов топшириқномалари, солиштирма далолатномалар,
6.	Харидорлар ва буюртмачилар, ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг тўланмаган қарзларининг зарарга ҳисобдан чиқарилиши	9430	4010, 4110, 4120	Қарор, буйруқ, Бухгалтерия ҳисоб-китоблари, солиштирма далолатномалар
7.	Харидорлар ва буюртмачилар, ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзлари дарғумон қарзлар бўйича резервлар ҳисобига ҳисобдан чиқарилиши	4910	4010, 4110, 4120	Қарор, буйруқ, Бухгалтерия ҳисоб-китоблари, солиштирма далолатномалар

Харидорлар ва буюртмачилар, ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётларни акс эттирувчи юқорида келтирилган счётларнинг давр боши ва давр охирига қолдиғи (сальдоси), мос равишда, шу даврларда уларнинг корхона олдидаги қарзлари суммаларини кўрсатади. Ушбу қолдиқ (сальдо) суммалари бухгалтерия балансининг жорий активлари қисмида назарда тутилган алоҳида моддаларда акс эттирилади.

6.4. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби

Ҳисобдор шахслар деганда корхонадан хизмат сафари, тайёрлов ва бошқа мақсадларда пул маблағларини бўнак сифатида олган ходимлар тушунилади. Бундай ходимлар сирасига корхонанинг барча ходимлари, чунончи штатдаги раҳбарият ходимлари, тайёрловчилар, экспедиторлар, моддий жавобгар шахслар киради. Мазкур жисмоний шахслар уларга берилган бўнаклар бўйича дебиторлар, уларга тўланадиган счётлар бўйича кредиторлар бўлиб ҳисобланади.

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби 21-сон БХМСга мувофиқ қуйидаги счётларда олиб борилади:

•**4220 «Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар»** - бу актив счёт корхонанинг ўз ходимларига хизмат сафарлари бўйича ҳисобот даврида берган маблағларининг ҳолати ва ҳаракатини акс эттиришга мўлжалланган. Ходимларга хизмат сафарлари бўйича бўнаклар корхона раҳбарининг хизмат сафари тўғрисидаги буйруғи, хизмат сафари учун кетадиган сарф-харажатларнинг дастлабки ҳисоб-китоблари асосида ҳисобланади ва кассадан тўлов қайдномалари ёки чиқим касса ордерлари асосида берилади. Берилган бўнак суммаларига касса ҳужжатлари асосида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

Дебет 4220 « Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар»

Кредит 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари».

Берилган бўнаклар ходимлар билан якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишда эътиборга олинади ва ходимнинг тасдиқланган бўнак ҳисоботига асосан ёпилади. Бунда қуйидагича ёзувлар қилинади:

А) ***ҳисобдор шахсларга қарз суммасининг ҳисобланишига:***

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 9420 «Маъмурий–бошқарув харажатлари», 1010-1090 «Материаллар счётлари» ва бошқалар

Кредит 6970 «Ҳисобдор шахсларга қарзлар»

Б) ***олиндиндан берилган бўнакнинг ёпилишига***

Дебет 6970 «Ҳисобдор шахсларга қарзлар»

Кредит 4220 «Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар»

Агар берилган бўнак суммаси ходимнинг тасдиқланган бўнак ҳисоботи суммасидан кўп бўлган бўлса, у ҳолда ортиқча берилган бўнак суммаси корхона кассасига қайтарилади ёки ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади, яъни:

Дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари», 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар»;

Кредит 4220 « Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар»

Агарда ортиқча берилган бўнак суммаси давр охирида қайтарилмасдан қолган бўлса, ушбу дебиторлик қарз суммаси бухгалтерия балансининг жорий активлари қисмида назарда тутилган алоҳида моддада акс эттирилади.

Агарда ҳисобдор шахсга ҳисобланган қарз суммаси унга берилган бўнак суммасидан кўп бўлган бўлса, у ҳолда ортиқча қилинган харажатлар ҳисобдор шахсга тўлаб берилади. Бунда қуйидагича ёзувлар қилинади:

Дебет 6970 «Ҳисобдор шахсларга қарзлар»

Кредит 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари», 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Агарда ҳисобдор шахсга ҳисобланган қарз суммаси давр охирида тўланмаган бўлса, ушбу кредиторлик қарз суммаси бухгалтерия баланси пассивининг мажбуриятлар қисмида назарда тутилган «Бошқа кредиторлик қарзлар» моддаси таркибида акс эттирилади.

Ходимлар билан хизмат сафарлари бўйича ҳисоб-китобларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир ходим бўйича олиб борилади.

Чет элга хизмат сафари бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар чет эл валютасида амалга оширилади. Бундай хорижий валютадаги ҳисоб-китоблар махсус Тартибга асосан амалга оширилади ва ҳисобга олинади.

•4230 «Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар» - бу актив счёт корхонанинг ўз ходимларига умумхўжалик харажатлари учун ҳисобот даврида берган маблағларининг ҳолати ва ҳаракатини акс эттиришга мўлжалланган. Бундай бўнаклар, одатда, майда хўжалик буюмларини накд сотиб олиш учун хўжалик ишлари бўйича моддий жавобгар бўлган шахсларга кассадан чиқим касса ордерлари асосида берилади. Берилган бўнак суммаларига чиқим касса ордерлари асосида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

Дебет 4230 «Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар»

Кредит 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари».

Берилган бўнаклар ходимлар билан якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишда эътиборга олинади ва ходимнинг тасдиқланган бўнак ҳисоботига асосан ёпилади. Бунда қуйидагича ёзувлар қилинади:

А) ***ҳисобдор шахсларга қарз суммасининг ҳисобланишига:***

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 9420 «Маъмурий–бошқарув харажатлари» , 1010-1090 «Материаллар счётлари» ва бошқалар

Кредит 6970 «Ҳисобдор шахсларга қарзлар»

Б) ***олдиндан берилган бўнакнинг ёпилишига***

Дебет 6970 «Ҳисобдор шахсларга қарзлар»

Кредит 4230 «Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар»

Агар умумхўжалик мақсадларида берилган бўнак суммаси ходимнинг тасдиқланган бўнак ҳисоботи суммасидан кўп бўлган бўлса, у ҳолда ортиқча берилган бўнак суммаси корхона кассасига қайтарилади ёки ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади. Мос равишда, бунда қуйидаги ёзувлар берилади:

Дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари», 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар»;

Кредит 4230 «Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар»

Агарда умумхўжалик мақсадларида ортиқча берилган бўнак суммаси давр охирида қайтарилмасдан қолган бўлса, ушбу дебиторлик қарз суммаси бухгалтерия балансининг жорий активлари қисмида назарда тутилган алоҳида моддада акс эттирилади.

Агарда ҳисобдор шахсга умумхўжалик мақсадларида ҳисобланган қарз суммаси унга берилган бўнак суммасидан кўп бўлган бўлса, у ҳолда ортиқча қилинган харажатлар ҳисобдор шахсга тўлаб берилади. Бунда қуйидагича ёзувлар қилинади:

Дебет 6970 «Ҳисобдор шахсларга қарзлар»

Кредит 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари», 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Агарда ҳисобдор шахсга умумхўжалик мақсадларида ҳисобланган қарз суммаси давр охирида тўланмаган бўлса, ушбу кредиторлик қарз суммаси бухгалтерия баланси пассивининг мажбуриятлар қисмида назарда тутилган «Бошқа кредиторлик қарзлар» моддаси таркибида акс эттирилади.

Ходимлар билан умумхўжалик мақсадлари бўйича вужудга келадиган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар аналитик ҳисоби ҳар бир ходим бўйича олиб борилади.

•4290 « Ходимларга берилган бошқа бўнаклар» – бу актив счёт корхонанинг ўз ходимларига юқоридаги счётларда акс эттирилмаган мақсадлар учун ҳисобот даври ичида берган маблағларининг ҳолати ва ҳаракатини акс эттиришга мўлжалланган. Бундай бўнаклар бўлиб, масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва молларини бозорлардан сотиб олиш, иш жойлари корхонанинг маъмурий биносидан узоқ жойларда жойлашган ходимларнинг иш ҳақларини тарқатиш, телефон-телеграф харажатларини тўлаш учун берилган бўнаклар ҳисобланади. Ходимларга бундай бўнаклар кассадан чиқим касса ордерлари асосида берилади. Берилган бўнак суммаларига чиқим касса ордерлари асосида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

Дебет 4290 «Ходимларга берилган бошқа бўнаклар»;

Кредит 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари».

Берилган бўнаклар ходимлар билан якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишда эътиборга олинади ва ходимнинг тасдиқланган бўнак ҳисоботига асосан ёпилади, яъни:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 9420 «Маъмурий-бошқарув харажатлари», 1010-1090 «Материаллар счётлари»,1100 «боқувдаги ва ўстиришдаги моллар», 6710 « Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» ва бошқалар;

Кредит 4240 «Ходимларга берилган бошқа бўнаклар».

Агар берилган бўнак суммаси ходимнинг тасдиқланган бўнак ҳисоботи суммасидан кўп бўлган бўлса, у ҳолда ортиқча берилган суммалар юқорида келтирилган тартибга ўхшаб корхона кассасига қайтарилади ёки ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади.

Ходимларга берилган бошқа бўнакларнинг аналитик ҳисоби ушбу счёт бўйича ҳам ҳар бир ходим бўйича олиб борилади.

6.5. Бошқа дебиторлик қарзларининг ҳисоби

Таъсисчилар қарзларининг ҳисоби. Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ таъсисчилар таъсис этган корхоналарига ўз улушларини бир йилгача бўлган муддатда киритишлари лозим. Ушбу даврда мавжуд бўлган дебиторлик қарзлари 21- сон БҲ МСга мувофиқ 4610 «Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи» счётининг дебетида ва 8330 «Пай ва бадаллар» счётининг кредитида акс эттирилади. Таъсисчи томонидан бадални киритилиши билан ушбу счётда акс эттирилган дебиторлик қарзи камаяди, тўлиқ киритилгандан сўнг эса ёпилади. Қарзнинг ёпилиши таъсисчи киритган маблағларнинг

турига қараб турли счётларнинг дебетида (масалан, 5010,1010-1090,0410-0490,0120-0190 ва бошқа счётлар) ва 4610 «Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи» счётининг кредитида акс эттирилади. Таъсисчиларнинг дебиторлик қарзларининг аналитик ҳисоби ҳар бир таъсисчи бўйича юритилади.

Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзларининг ҳисоби. Корхонага унинг ходимлари турли операциялар бўйича қарздор бўлиб қолишлари мумкин, масалан, кредитга олган товарлар учун, олган қарзи учун, кўрсатган зарарлари учун, вақтинчалик қайтариб бериш шарти билан кўрсатилган молиявий ёрдамлар ва бошқалар учун. 21-сон БҲМС га мувофиқ бундай дебиторлик қарзларнинг ҳолати ва ҳаракати мос равишда 4710 «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи», 4720 «Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи», 4730 « Моддий зараларни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи», 4790 «Ходимларнинг бошқа қарзлари» счётларида ҳисобга олинади. Қарзларнинг вужудга келиши ушбу счётларнинг дебетида, қарзларнинг узилиши эса уларнинг кредитида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади (6.5-жадвалга қаранг).

6.5-жадвал

Корхона ходимлари дебиторлик қарзларининг счётларга акс эттирилиши

Тартиб рақами	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1.	Кредитга сотиб олинган товарлар бўйича: -Товар учун пул ўтказиб берилганда -Товар учун банк кредити олинганда -Қарз кассага нақд ундирилганда -Қарз иш ҳақидан ундирилганда	 4710 4710 5010 6710	 5110 6810 4710 4710	Кредит шартномаси, тўлов топшириқ-номаси, кирим касса ордери, ҳисоб-тўлов қайдномаси
2.	Ходимга берилган қарзлар бўйича: -Қарз нақд берилганда -Қарз банкдан ўтказиб берилганда -Қарз кассага нақд ундирилганда	 4720 4720 5010 6710	 5010 5110 4720 4720	Қарз шартномаси, тўлов топшириқ-номаси, кирим касса ордери, ҳисоб-тўлов қайдномаси

	-Қарз иш ҳақидан ундирилганда			
3.	Етказилган зарарларни қоплаш бўйича: -етказилган зарарлар ходим бўйнига қўйилганда -зарарлар кассага нақд ундирилганда -зарарлар иш ҳ акидан ушланганда	4730 5010 6710	0110-0190, 1010-1090 2810-2890, 2910-2990, 5010 4730 4730	Қарор, буйруқ, далолатнома ва бошқа ҳужжатлар
4.	Ходимларнинг бошқа қарзлари бўйича: -Сув,газ, электр энергияси, обуна ва бошқа тўловлар қилинганда -қарзлар кассага нақд ундирилганда -қарзлар иш ҳақидан ушланганда	4790 5010 6710	5110 4790 4790	Ариза, буйруқлар, банк ва касса ҳужжатлари

Ходимларнинг бошқа операцияларга доир қарзларининг аналитик ҳисоби уларнинг ҳар бири бўйича олиб борилади.

Турли бошқа дебиторлик қарзларининг ҳисоби. 21-сон БҲМСга мувофиқ турли бошқа дебиторларни қарзларининг ҳисоби қуйидаги счётларда олиб борилади:

•4810 « Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» – ушбу счётда узоқ муддатли ижара бўйича ижара олувчининг ижара берувчи олдидаги жорий тўловларининг ҳолати ва ҳаракати акс эттирилади. Узоқ муддатли ижара бўйича жорий тўлов суммаси шартномага асосан белгиланади ва 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счётининг кредитидан ўтказилади. Тўлов амалга ошиши билан ушбу счёт ёпилади (5010,5110,5210 ва бошқа счётларнинг дебетига ва 4810 счётнинг кредитига).

•4820 « Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» – ушбу счётда қисқа муддатли ижара бўйича ижара олувчининг ижара берувчи олдидаги жорий тўловларининг ҳолати ва ҳаракати акс эттирилади. Қисқа муддатли ижара бўйича жорий тўлов

суммаси шартномага асосан белгиланади ва қуйидагича счётларда акс эттирилади:

Дебет 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» – ҳисобланган ҚҚС суммасига

Кредит 9350 «Қисқа муддатли ижарадан даромадлар» – тўловдан ҚҚС суммасини айириб ташлагандан кейин қолган қисмига.

Тўлов амалга оширши билан ушбу счёт ёпилади (5010,5110,5210 ва бошқа счётларнинг дебетига ва 4820 счётнинг кредитига).

• **4830 «Олинадиган фоизлар»** – ушбу счётда корхонанинг қисқа муддатларга бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берган қарзлари ва кредитлари бўйича шартномаларга асосан ҳисобланган фоизларга тегишли олинадиган жорий тўловларининг ҳолати ва ҳаракати акс эттирилади. Ушбу счётнинг дебетида фоизлар бўйича дебиторлик қарзини вужудга келиши ва даромадга киритилиши (9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счётининг кредитига), кредитида эса ушбу тўловлар бўйича дебиторлик қарзларини пул маблағлари счётларига келиб тушиши натижасида камайиши акс эттирилади.

• **4840 «Олинадиган дивидендлар»** – ушбу счётда корхонанинг бошқа юридик шахслар устав капиталига ёки улар акцияларига киритилган инвестициялари бўйича ҳисобланган дивидендларга тегишли олинадиган жорий тўловларининг ҳолати ва ҳаракати акс эттирилади. Ушбу счётнинг дебетида дивиденд бўйича дебиторлик қарзини вужудга келиши ва даромадга киритилиши (9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» счётининг кредитига), кредитида эса ушбу тўловлар бўйича дебиторлик қарзларини пул маблағлари счётларига келиб тушиши натижасида камайиши акс эттирилади.

• **4850 «Олинадиган роялти»** – ушбу счётда корхонанинг бошқа юридик шахсларга фойдаланишга бериб қўйилган номоддий активларидан келиб тушадиган ва чет элда «роялти» номини олган даврий ажратмаларига тегишли олинадиган жорий тўловларининг ҳолати ва ҳаракати акс эттирилади. Ушбу счётнинг дебетида роялтилар бўйича дебиторлик қарзини вужудга келиши ва даромадга киритилиши (9510 «Роялти кўринишидаги даромадлар» счётининг кредитига), кредитида эса ушбу тўловлар бўйича дебиторлик қарзларини пул маблағлари счётларига келиб тушиши натижасида камайиши акс эттирилади.

• **4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар»** – ушбу счётда корхонанинг бошқа юридик шахсларга турли сабабларга кўра билдирган даъволарига тегишли олинадиган жорий тўловларининг ҳолати ва

ҳаракати акс эттирилади. Даъволар таъминотчиларга, хизмат кўрсатувчи субъектларга, банкга, давлат идораларига ва бошқа юридик шахсларга шартнома шартларини ҳақиқатда бажаришда йўл қўйилган четланишлар учун билдирилади. Ушбу *счётнинг* дебетида билдирилган даъволар бўйича дебиторлик қарзини вужудга келиши (6010, 1010-1090,1510,5110 ва бошқа счётларнинг кредити), кредитида эса даъволар бўйича дебиторлик қарзларини келиб тушиши ёки корхона ҳисобидан қопланиши (1010-1090,1510,5010,5110,9430 ва бошқа счётлар) акс эттирилади.

• **4890 «Бошқа дебиторларнинг қарзлари»** – ушбу счётда корхонанинг бошқа юқоридаги счётларда акс эттирилмай қолган олинадиган жорий тўловларининг ҳолати ва ҳаракати акс эттирилади.

Шубҳали қарзлар бўйича резервларнинг ҳисоби. Тўлови шубҳали бўлган дебиторлик қарзларни ҳисобот даврлари бўйича бир маромда ҳисобдан чиқариб бориш мақсадида корхоналар махсус резерв ташкил этишлари мумкин. Ушбу резервни ташкил этишнинг икки усули мавжуд:

1-усул. Сотилган товарлар ҳажмига нисбатан ҳисоблаш усули. Ушбу усулда ҳар ойлик резерв суммаси нақдсиз йўл билан сотилган товарлар ҳажмини резервга ажратма қилишнинг фоизларда белгиланган меъёрига кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш орқали аниқланади. Аниқланган сумма йил бошидан бошлаб мавжуд бўлган шубҳали қарзлар резерви суммасига қўшиб борилади, яъни уни кўпайтиради. Шубҳали деб тан олинган ва келиб тушиши даргумон бўлган қарзлар ташкил этилган резерв ҳисобидан ҳисобдан чиқарилади.

2-усул. Дебиторлик қарзлари суммасига нисбатан ҳисоблаш усули. Ушбу усулда мавжуд дебиторлик қарзлари тўлови ўтиб кетган муддатлари бўйича гуруҳлаб чиқилади (масалан , 30 кунгача, 60 кунгача, 90 кунгача, 90 кундан ортиқ ва шу каби). Ҳар бир гуруҳ бўйича дебиторлик қарзларнинг умумий суммалари топилади ва ушбу суммалардан шубҳали қарзлар резервига фоизларда белгиланган меъёрлар бўйича ажратмалар қилинади. Тўлов муддатлари қанчалик кўп бўлса, резервга ажратманинг меъёри ҳам шунчалик катта бўлади. Барча гуруҳлар бўйича топилган резерв суммалари жами шубҳали қарзлар резервини ташкил этади. Агар олдинги даврларда резерв счётида ишлатилмайин қолинган сумма мавжуд бўлса, у ҳолда резервга охирги ажратмани қилишда ушбу сумма камайтирилади, агар олдинги даврларда резерв счёти манфий суммага эга бўлган бўлса, яъни ишлатилган сумма ташкил этилган суммадан кўп бўлган бўлса, у ҳ олда охирги ажратма суммасига ушбу манфий сумма миқдори ҳам қўшиб ҳисобланади.

Шубҳали қарзлар резервини ташкил этишнинг танланган усули, резервга ажратмаларнинг фоизларда белгиланган меъёрлари корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилган бўлиши лозим. Ҳар иккала усулда ҳам ташкил этилган резерв 4910 « Шубҳали қарзлар бўйича резерв» контрактив счётида ҳисобга олинади. Резервга ажратмага қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 9430 « Бошқа операцион харажатлар»;

Кредит 4910 «Шубҳали қарзлар бўйича резерв».

Шубҳали қарзлар даъво муддатлари ўтгандан сўнг ёки уларни даъво муддати ўтмасдан олдин ҳисобдан чиқаришга етарли асослар бўлганда, масалан, дебитор корхонанинг ёпилиб кетганлиги аниқ бўлса, ташкил этилган резерв ҳисобидан ҳисобдан чиқарилади ва унга қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 4910 «Шубҳали қарзлар бўйича резерв»

Кредит Дебиторлик қарзлар счётлари (4010-4020,4110-4120, 4310-4330,4810-4890).

Ҳисобот йилнинг охирига келиб ишлатилмай қолинган резерв суммаси корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилган тартибга мувофиқ келгуси йилга қолдиқ сифатида ўтказилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Агар шубҳали қарзлар резерви келгуси йилга ўтказилса, у ҳолда унинг суммасига балансда дебиторлик қарзлар кам қилиб кўрсатилади. Агар шубҳали қарзлар резервининг ишлатилмай қолинган қисми бекор қилинса, у ҳолда ушбу суммага резервга ажратма суммаси сторно қилинади, яъни қуйидаги қизил рангдаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 9430 « Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 4910 «Шубҳали қарзлар бўйича резерв»

Шубҳали қарзлар бўйича резервнинг аналитик ҳисоби шубҳали қарзлар ва уларнинг муддатларига қараб юритилади. Корхонанинг ҳисоб сиёсатида шубҳали қарзлар бўйича резерв ташкил этиш кўзда тутилмаган бўлса, у ҳолларда мавжуд шубҳали қарзларни ҳисобдан чиқариш бевосита корхонанинг бошқа операцион харажатларига (9430 счётга) олиб борилади.

6.6. Банк кредитлари ва қарзга олинган маблағлар ҳисоби

Корхоналар банклардан ва бошқа юридик шахслардан ўзларининг айланма маблағларини тўлдириш, молиявий-хўжалик фаолиятини ривожлантириш мақсадида қисқа муддатли, шунингдек, капитал қурилиш ишларини олиб бориш ва бошқа мақсадлар учун узоқ муддатли

кредитлар ва қарзлар олишлари мумкин. Кредитлар ва қарзлар тузилган шартномаларга мувофиқ корхонанинг кассасига берилиши, ҳисоб-китоб ёки бошқа махсус счётларига ўтказиб берилиши, шунингдек, банкдаги махсус ссуда счёти орқали тўловларни амалга ошириш йўли билан тақдим этилиши мумкин.

21- сон БҲМСга мувофиқ банк кредитларининг ҳисоби 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари» ва 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счётларида, олинган қарзлар эса 6820 «Қисқа муддатли қарзлар» ва 7820 «Узоқ муддатли қарзлар» счётларида олиб борилади. Ушбу пассив счётларнинг кредитида кредитлар ва қарзларнинг олиниши, шунингдек, улар бўйича мажбуриятларнинг қолдиғи, дебетида эса уларнинг қайтарилиши акс эттирилади. Банк кредитлари ва олинган қарзлар бўйича ҳисобланган фоизлар ва улар бўйича ҳисоб-китоблар махсус 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счётида олиб борилади. Олинган банк кредитлари ва қарзлар, уларнинг қайтарилиши, ҳисобланган фоизлар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади (6.6-жадвалга қаранг):

6.6-жадвал

Банк кредитлари ва қарзга олинган маблағларининг счётларда акс эттирилиши

Тартиб рақами	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1.	Кредитларнинг олиниши:			Кредит ва қарз шартномалари, тўлов топшириқномаси, кирим касса ордери, банк кўчирмалари
	- корхона кассасига	5010	6810,	
	- ҳисоб –китоб счётига	5110	7810	
	- аккредитив счётларга	5510	6820,	
	-махсус бошқа счётларга	5530	7820	
	- таъминотчиларга тўланганда	6010		
	- таъминотчиларга аванс	4310		
	тариқасида ўтказилганда	4330		
2.	Кредитларнинг қайтарилиши:			Кредит ва қарз шартномалари, тўлов топшириқномаси, чиқим касса ордери, банк кўчирмалари
	- кассадан	6810,	5010	
	- ҳсоб-китоб счётидан	7810,	5110	
	- аккредитив счётлардан	6820,	5510	
	- махсус счётлардан	7820	5530	
	- депозит счётлардан		5890	
	- харидорлардан ва буюртмачилардан тушган тушумдан		4010	
	- харидорлардан олинган аванс тўловларидан		6310	

3.	Узоқ муддатли кредит жорий мажбуриятга ўтказилганда	7810, 7820	6950	Кредит ва қарз шартномалари
4.	Кредитлар бўйича фоизлар ҳисобланганда	9610	6920	Кредит ва қарз шартномалари
5.	Фоизлар тўланганда	6920	5110	Банк кўчирмалари

Банк кредитлари ва қарзга олинган маблағларни акс эттирувчи юқорида келтирилган счётларнинг давр боши ва давр охирига қолдиғи (сальдоси), мос равишда, шу даврларда корхонанинг кредит ва қарзлар бўйича мажбуриятлари суммаларини кўрсатади. Ушбу қолдиқ (сальдо) суммалари бухгалтерия баланси пассивининг мажбуриятлар қисмида назарда тутилган моддаларда кўрсатилади.

Банк кредитлари ва олинган қарзларнинг аналитик ҳисоби уларнинг турлари ва қайтариш муддатлари бўйича олиб борилади.

6.7. Бошқа кредиторлик қарзларнинг ҳисоби

Таъсисчилар олдидаги қарзларнинг ҳисоби. Республикамизнинг 21-сон БҲМСга мувофиқ корхоналарнинг таъсисчилар олдидаги кредиторлик қарзлари ҳисоби қуйидаги счётларда олиб борилади:

• **6610 «Тўланадиган дивидендлар»** – ушбу пассив счётда корхонанинг акционерлари ва таъсисчиларига ҳисобланган дивидендлар бўйича мажбуриятларининг ҳолати ва ҳаракати ҳисобга олинади. Счётнинг кредитида дивидендларни ҳисобланиши (8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарири)» счётининг дебети билан корреспонденциялашган ҳолда), дебетида эса дивидендларни берилиши (пул маблағлари счётлари билан корреспонденцияланган ҳолда) акс эттирилади. Дивидендларга доир мажбуриятларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир акционер ёки таъсисчи бўйича юритилади.

• **6620 « Чиқиб кетган таъсисчиларга уларнинг ҳиссаси бўйича қарз»** – ушбу пассив счётда корхонанинг таъсисчилар сафидан чиқиб кетган таъсисчиларига киритган улушини қайтариб бериш бўйича мажбуриятларининг ҳолати ва ҳаракати ҳисобга олинади. Счётнинг кредитида ва 8330 «Пай ва бадаллар « счётининг дебетида сафдан чиқиб кетган таъсисчига бўлган қарз, дебетида эса ушбу қарзни узилиши (пул маблағлари ва бошқа активларни ҳисобга олишга мўлжалланган счётлар билан корреспонденцияланган ҳолда) акс эттирилади. Таъсисчиларга қарзларга доир мажбуриятларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир таъсисчи бўйича юритилади.

Бошқа кредиторлик қарзларнинг ҳисоби. Республикамизнинг 21-сон БҲМСга мувофиқ корхоналарнинг бошқа кредиторлик қарзлари ҳисоби қуйидаги счётларда олиб борилади:

• **6910 «Тўланадиган қисқа муддатли ижара»** – ушбу пассив счётнинг кредитида қисқа муддатга ижарага олинган мулк учун қарзларнинг ҳисобланиши, дебетида эса ушбу қарзни узилиши акс эттирилади. Ижарага олинган мулкни фойдаланиш мақсадига қараб ҳисобланган ижара ҳақига ишлаб чиқариш харажатлари счётлари (2010,2310,2510) ёки давр харажатлари счётлари дебетланади (9410,9420). Ижара бўйича қарзлар узилганда пул маблағлари счётлари (5010,5110,5210 ва бошқалар) кредитланади. Ушбу счётнинг аналитик ҳисоби ҳар бир ижарага берувчи бўйича юритилади.

• **6940 «Кафолатлар бўйича қарз»**- ушбу пассив счёт ўз товарларини, иш хизматларини маълум муддатларгача кафолатланган ҳолда сотувчи корхоналарда қўлланилади. Унинг кредитида кафолатлар бўйича мажбуриятларнинг вужудга келиши, дебетида эса ушбу мажбуриятларнинг узилиши акс эттирилади.

• **6960 «Даъволар бўйича тўловлар»** – ушбу пассив счётнинг кредитида харидор ва буюртмачилар томонидан билдирилган даъволар бўйича мажбуриятларнинг вужудга келиши (харажатлар счётларининг дебети бўйича корреспонденцияланган ҳолда), дебетида эса уларнинг қондирилиши ёки бекор қилиниши (пул маблағлари ва харажатлар счётларининг кредити бўйича корреспонденцияланган ҳолда) акс эттирилади.

• **6990 « Бошқа мажбуриятлар»** – ушбу пассив счётнинг кредитида корхонанинг турли бошқа кредитор бўлган юридик ва жисмоний шахслар олдидаги мажбуриятлари, масалан ходимлар иш ҳақидан ушланган алиментлар ва бошқа тўловлар, турли хизматлар учун ҳисобланган мажбуриятлари, дебетида эса ушбу мажбуриятларнинг узилиши акс эттирилади. Мажбуриятларнинг вужудга келиши харажатлар счётларининг (2010,2310,2510,9410, 9420), шунингдек, иш ҳақи счётининг (6710) ва бошқа счётларнинг дебетида, узилиши эса пул маблағлари счётларининг (5010,5110 ва бошқалар) кредитида ҳисобга олинади. Ушбу счётнинг аналитик ҳисоби ҳар бир кредитор бўйича юритилади.

Мавзуга оид асосий тянч атамалар

Ҳисоб-китоблар – корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан юз берган хўжалик операциялари бўйича амалга ошириладиган молиявий муносабатлари.

Таъминотчилар ва пудратчилар деганда корхонага товар-моддий бойликларни сотувчи, иш ва хизматларни бажарувчи турли бошқа корхона ва муассасалар тушунилади. Ушбу ташкилотлар билан бўладиган ҳисоб-китоблар тўланадиган ва олинадиган счётларга бўлинади.

Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар – бу уларга корхона томонидан сотиб олинган товар (иш, хизмат)лар учун тўланадиган кредиторлик қарзлар суммаси.

Таъминотчи ва пудратчилардан олинадиган счётлар – бу уларга корхона томонидан сотиб олинадиган товарлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан бўнак сифатида тўланган тўловлар суммаси.

Харидорлар ва буюртмачилар деганда корхонадан товар-моддий бойликлар, иш ва хизматларни сотиб олувчи турли бошқа юридик ва жисмоний шахслар тушунилади. Ушбу юридик ва жисмоний шахслар билан бўладиган ҳисоб-китоблар ҳам тўланадиган ва олинадиган счётларга бўлинади.

Харидорлар ва буюртмачиларга тўланадиган счётлар – бу корхонага харидор ва буюртмачилар томонидан сотиб олинадиган товарлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан бўнак сифатида тўланган тўловлар суммаси.

Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар - бу сотилган товар (иш, хизмат)лар учун корхонага унинг харидорлари ва буюртмачилари томонидан тўланмасдан қолинган дебиторлик қарзлар суммаси.

Ҳисобдор шахслар деганда корхонадан хизмат сафари, тайёрлов ва бошқа мақсадларда пул маблағларини бўнак сифатида олган ходимлар тушунилади.

Олинадиган фоизлар – бу корхонанинг қисқа муддатларга бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берган қарзлари ва кредитлари бўйича шартномаларга асосан ҳисобланган фоизлар.

Олинадиган дивидендлар – бу корхонанинг бошқа юридик шахслар устав капиталига ёки улар акцияларига киритилган инвестициялари бўйича ҳисобланган дивидендлар.

Тўланадиган дивидендлар – бу корхонанинг акционерлари ва таъсисчиларига ҳисобланган дивидендлар бўйича мажбуриятлари.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Ҳисоб-китоблар нима ва улар бухгалтерия ҳисобида қандай белгилари бўйича акс эттирилади?
2. Таъминотчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби қандай юритилади?
3. Харидорлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби қандай юритилади?
4. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби қандай юритилади?
5. Банк кредитлари ва қарзлар ҳисоби қандай юритилади?
6. Турли бошқа дебиторлик қарзлар ҳисоби қандай юритилади?
7. Турли бошқа кредиторлик қарзлар ҳисоби қандай юритилади?

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Характерига кўра барча ҳисоб-китоблар қандай турларга бўлинади?

а) товар ва нотовар характеридаги ҳисоб-китоблар

б) ички ва ташқи ҳисоб-китоблар

в) миллий ва хорижий валютадаги ҳисоб-китоблар

г) нақд пулга ва нақдсиз пулга ҳисоб-китоблар.

2. Валюта турига кўра барча ҳисоб-китоблар қандай турларга бўлинади?

а) товар ва нотовар характеридаги ҳисоб-китоблар

б) ички ва ташқи ҳисоб-китоблар

в) миллий ва хорижий валютадаги ҳисоб-китоблар

г) нақд пулга ва нақдсиз пулга ҳисоб-китоблар.

3. Тўловни амалга ошириш турига кўра ҳисоб-китоблар қандай турларга бўлинади?

а) товар ва нотовар характеридаги ҳисоб-китоблар

б) ички ва ташқи ҳисоб-китоблар

в) миллий ва хорижий валютадаги ҳисоб-китоблар

г) нақд пулга ва нақдсиз пулга ҳисоб-китоблар.

4. Олинадиган счетлар - бу

а) харидор ва буюртмачиларга тўланадиган сумма

б) харидор ва буюртмачилар тўлайдиган сумма

в) харидор ва буюртмачилардан олинган бўнак

г) тўғри жавоб йўқ.

5. Тўланадиган счетлар - бу

а) таъминотчилар ва пудратчиларга тўланадиган сумма

б) харидор ва буюртмачилар тўлайдиган сумма

в) таъминотчилар ва пудратчиларга берилган бўнак

г) тўғри жавоб йўқ.

6. Солиқ тўловлари бўйича даъво муддати неча йил?

а) 3 йил б) 5 йил

в) 90 кун г) 360 кун.

7. Солиқ тўловларидан ташқари тўловлар бўйича даъво муддати неча йил?

а) 3 йил б) 5 йил

в) 90 кун г) 360 кун.

8. Аккредитив счётдан таъминотчига тўланган қарзга қандай ёзув берилади?

а) Дебет 5530 Кредит 5510

б) Дебет 6010 Кредит 5510

в) Дебет 6310 Кредит 5510

г) Дебет 5510 Кредит 6010

VII БОБ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ

7.1. Асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиш асослари ва вазифалари

Республикамизнинг 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»га[9] мувофиқ **асосий воситалар** – корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар (3-§,3а-банд).

Ушбу стандартга кўра (4-§) асосий воситалар таркибига қуйидаги мезонларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

а) бир йилдан ортиқ хизмат муддати;

б) бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар.

Корхона раҳбари ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилашга ҳақли.

5-сон БҲМС № 5 га мувофиқ (3-§,3а-банд 6-банд) моддий активларни асосий воситалар сифатида тан олиш учун улар юқорида келтирилган мезонлардан ташқари яна қўйидаги шартларга ҳам жавоб бериши лозим:

•хизмат муддати даврида корхонага даромад келтириш кафиллигини мавжудлиги.

•қийматини аниқ белгилашни мумкинлиги.

Моддий активларни асосий воситалар таркибига киритишда уларни фойдали хизмат муддатини белгилаш муҳим рол ўйнайди.

Фойдали хизмат муддати деганда асосий воситанинг корхона томонидан белгиланган фойдаланиш муддати тушунилади. Бу муддат йилларда ёки ойларда ифодаланиб, унинг фойдалилиги ишлаб чиқилган маҳсулот (бажарилган иш, хизмат) ҳажми билан ўлчанади. Фойдали хизмат муддати давомида асосий воситалар ўзларининг қийматини тўлиқ қоплашлари ва корхонага қўшимча даромад келтиришлари лозим.

---

[9] Ўз.Р молия вазирининг 09.10.2003 й. 114-сон буйруғи билан тасдиқланган), АВ томонидан 20.01.2004 й. 1299-сон билан рўйхатга олинган

Фойдали хизмат муддати, одатда, асосий воситанинг техник ҳужжатларида кўрсатилган бўлади. Бундай ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати қабул қилиш комиссияси томонидан ёки корхона раҳбари буйруғи билан тасдиқланган ҳисоб сиёсатида аниқ белгиланиши керак.

Асосий воситалар корхоналарнинг моддий техника базасини ташкил этувчи меҳнат қуроллари ва воситаларини ўз ичига олади. Уларга қуйидагилар киради:

1. Бинолар – цех, омбор, лаборатория, идора, гараж, ўт ўчириш депоси ва шу каби меҳнат шароитини яратиб берувчи, товар-моддий бойликлар бутлигини таъминловчи объектлар. Бинолар таркибига уларни нормал эксплуатация қилиш учун зарур бўлган барча коммуникациялар, яъни иситиш, вентиляция, сув ва газ таъминоти, лифт, ёнғинга қарши ва сигнализация қурилмалари, телефон алоқаси симлари тизимлари ҳам киритилади.

2. Иншоатлар – очиқ айвонлар, деворлар, сув миноралари, темир йўл шаҳобчалари, насос станциялар, каналлар, сув ҳавзалари, асфальтланган йўллар ва йўлкалар.

3. Узатиш қурилмалари – электр линиялар, газ, сув, буғ ўтказувчи қувурлар ва бошқалар.

4. Машина ва ускуналар – иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқарувчи генераторлар, двигател ва трансформаторлар, станоклар, иссиқлик печлари, тикув, йиғув, дазмоллаш, саралаш машиналари, кранлар, компрессорлар, ўлчов тарозилари.

5. Ҳисоблаш техникаси – компьютерлар ва уларга ўрнатиладиган периферия қурилмалари (принтер, сканер , модем ва бошқалар).

6. Транспорт воситалари – юк ва одам ташувчи автомашиналар, вагонлар, паровозлар, тепловозлар, пароходлар, трамвайлар, троллейбуслар, автобуслар, прицеплар, самолет ва вертолетлар, шунингдек, магистрал трубопроводлар.

7. Ускуналар – прессловчи, қисувчи ва бошка технологик функцияларни бажарувчи асбоб- ускуналар.

8. Ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари – иш столлари, дастгоҳлар, баклар, сандиқлар ва бошқалар.

9. Офис мебели ва жиҳозлари – шкафлар, стол ва стуллар комплекти, доскалар, сейфлар, ёзув машинкалари, факс, нусха кўчириш аппаратлари, уяли алока воситалари ва бошқалар.

10. Ишчи ва наслдор хайвонлар – отлар, туялар, ҳўкизлар, сигирлар, бўқалар, қўйлар, эчкилар, чўчқалар ва бошқа ишчи сифатида ишлатиладиган ва насл берадиган ҳайвонлар.

11. Кўп йиллик ўсимликлар – боғлар, ўрмонлар ва бошқалар.

12. Кутубхона фонди – бадиий-адабий, техник , иқтисодий ва бошқа турдаги адабиётлар (китоблар).

13. Ерни ва бошқа асосий воситаларни ободонлаштиришга сарфланган маблағлар – ер участкаларини кадастрини тузиш, шудгорлаш, ерни ювиш, кўкаламзорлаштириш, решёткалар ўрнатиш, сув ҳавза ва омборларини тозалаш ва бошка ишларга сарфланган капитал қуйилмалар

14. Бошқалар - юқоридаги гуруҳларга кирмай қолган асосий воситалар – музей ва зоопарк экспонатлари, лизингга олинган асосий воситаларга қилинган капитал сарфлар, турли намуналар ва бошқалар.

Қабул қилинган тартибга мувофиқ айрим меҳнат қуроллари ва воситалари асосий воситаларга киритилмайди, жумладан:

- хизмат муддати 1 йилдан кам бўлган меҳнат қуроллари ва воситалари уларнинг қийматидан қатъий назар;
- ёш моллар, асалари уялари, тажрибадаги моллар;
- махсус кийимлар, пойафзал, кўрпа-ёстиқлар қийматидан қатъий назар (меҳмонхоналар бундан мустасно);
- мунщийхона буюмлари (калькуляторлар, стол усти приборлари ва бошқалар)
- кўчатхоналарда экиш учун ўстирилаётган кўчатлар;
- балиқ овлаш қуроллари хизмат муддати ва қийматидан қатъий назар.

Асосий воситаларни таснифлаш. Корхона ва ташкилотларнинг асосий воситаларини турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин.

Ишлаб чиқаришда қатнашишига кўра корхоналарнинг асосий воситалари ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги асосий воситаларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий воситаларга бевосита ишлаб чиқаришга доир бўлган моддий активлар, масалан, цехларнинг бинолари, иншоотлар, станоклар, жиҳозлар, транспорт воситалари, ишчи ҳайвонлар ва бошқалар киради.

Ноишлаб чиқариш соҳасидаги асосий воситаларга бошқарув аппаратига доир, шунингдек, корхонанинг ижтимоий-маданий, маиший, соғлиқни сақлаш, коммунал мақсадларда фойдаланиладиган моддий активлари киради.

Амортизация қилинишига қараб корхоналарнинг асосий воситалари амортизация ҳисобланадиган ва амортизация ҳисобланмайдиган турларга бўлинади.

Қўйидаги асосий воситаларга амортизация ҳисобланмайди:

- кутубхона фондига.
- кўп йиллик ўсимликларга.
- ишчи ва наслдор ҳайвонларга.
- консервация қилинган асосий воситаларга.

Қолган асосий воситаларга амортизация ҳисобланади. Республикамизнинг янги таҳрирдаги Солиқ Кодексига мувофиқ (306 - модда) асосий воситалар амортизация меъёрлари бўйича қўйидаги еттита гуруҳга бўлинади (7.1-жадвалга қаранг).

7.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида асосий воситалар бўйича амортизация меъёрлари

Гуруҳлар тартиб рақами	Кичик гуруҳлар тартиб рақами	Асосий воситаларнинг номи	Амортизациянинг йиллик энг юқори нормаси, фоизларда
I		**Бинолар, иморатлар ва иншоотлар**	
	1	Бинолар, иморатлар	3
	2	Нефть ва газ қудуқлари	5
	3	Нефть-газ омборлари	
	4	Кема қатнайдиган каналлар, сув каналлари	
	5	Кўприклар	
	6	Дамбалар, тўғонлар	
	7	Дарё ва денгиз причал иншоотлари	
	8	Корхоналарнинг темир йўллари	
	9	Қирғоқни мустаҳкамловчи, қирғоқни ҳимоялювчи иншоотлар	
	10	Резервуарлар, цистерналар, баклар ва бошқа сиғимлар	
	11	*Ички хўжалик ва хўжаликлараро суғориш* тармоғи	
	12	Ёпиқ коллектор-дренаж тармоғи	
	13	Ҳаво кемаларининг учиш-қўниш йўллари, йўлкалари, тўхташ жойлари	
	14	Истироҳат боғларининг ва ҳайвонот боғларининг иншоотлари	

	15	Спорт-соғломлаштириш иншоотлари	
	16	Иссиқхоналар ва парниклар	
	17	Бошқа иншоотлар	
II		**Узатиш қурилмалари**	
	1	Электр узатиш ҳамда алоқа қурилмалари ва линиялари	8
	2	Ички газ қувурлари ва қувурлар	
	3	Водопровод, канализация ва иссиқлик тармоқлари	
	4	Магистрал қувурлари	
	5	Бошқалар	
III		**Куч машиналари ва асбоб-ускуналар**	
	1	Иссиқлик техник асбоб-ускуналари	8
	2	Турбина асбоб-ускуналари ва газ турбиналари қурилмалари	
	3	Электр двигателлари ва дизель-генераторлар	
	4	Комплекс қурилмалар	
	5	Бошқа куч машиналари ва асбоб-ускуналари (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)	
IV		**Фаолият турлари бўйича иш машиналари ва асбоб-ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)**	
	1	Иқтисодиётнинг барча тармоқларига тегишли машиналар ва асбоб-ускуналар	15
	2	Қишлоқ хўжалиги тракторлари, машиналари ва асбоб-ускуналари	
	3	Коммутациялар ва маълумотларни узатиш рақамли электрон асбоб-ускуналари, рақамли тизимлар узатиш асбоб-ускуналари, рақамли алоқа ўлчов техникаси	
	4	Йўлдош, уяли алоқа, радиотелефон, пейжинг ва транкинг алоқа асбоб-ускуналари	
	5	Узатишлар тизимлари коммутацияларининг ўхшаш асбоб-ускуналари	
	6	Киностудияларнинг махсус асбоб-ускуналари, тиббий ва микробиология саноати асбоб-ускуналари	
	7	Компрессор машиналари ва асбоб-ускуналари	
	8	Насослар	

	9	Юк кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш машиналари ва ускуналари, тупроқ, карьер ҳамда йўл-қурилиш ишлари учун машиналар ва ускуналар	
	10	Устун-қозиқ қоқиш машиналари ва ускуналари, майдалаш-янчиш, саралаш, бойитиш ускуналари	
	11	Технологик жараёнлар учун барча турдаги сиғимлар	
	12	Нефть қазиб чиқариш ва бурғулаш ускуналари	
	13	Бошқа машиналар ва ускуналар	
V		**Ҳаракатланувчи транспорт**	
	1	Темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби	4
	2	Денгиз, дарё кемалари, балиқчилик саноати кемалари	
	3	Ҳаво транспорти	
	4	Автомобиль транспортининг ҳаракатдаги таркиби, ишлаб чиқариш транспорти	20
	5	Енгил автомобиллар	
	6	Саноат тракторлари	
	7	Коммунал транспорт	
	8	Махсус вахта вагонлари	
	9	Бошқа транспорт воситалари	
VI		**Компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари**	
	1	Компьютерлар	20
	2	Периферия қурилмалари ва маълумотларга ишлов бериш ускуналари	
	3	Нусха кўчириш-кўпайтириш техникаси	
	4	Бошқа компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларга ишлов бериш ускуналари	
VII		**Бошқа гуруҳларга киритилмаган асосий воситалар**	15

Солиққа муносабатига кўра асосий воситалар мол-мулк солиғига тортиладиган ва тортилмайдиган гуруҳларга бўлинади. Солиқ Кодексининг 411-моддасига мувофиқ кўчмас мулк ҳисобланган асосий воситалар (бино, иншоат ва қурилмалар) мол-мулк солиғига тортилади, қолган асосий воситалар эса мол-мулк солиғига тортилмайди.

Қўйидаги турдаги корхона ва ташкилотларнинг асосий воситалари мол-мулк солиғига тортилмайди:

*нотижорат ташкилотлар;

* солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Солиқ кодекснинг 414- моддасига мувофиқ қўйидаги асосий воситалар солиқ солиш базасидан чегириб ташланади.

1) коммунал хўжалиги объектлари бўйича – водопровод тармоқлари (сув чиқариш иншоотлари билан), канализация тармоқлари (тозалаш иншоотлари билан), газ ва иссиқликни тақсимлаш тармоқлари (улардаги иншоотлар билан), коммунал-маиший эҳтиёжлар учун қозонхоналар (шу жумладан, асбоб-ускуналар);

2) маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот соҳасига кирадиган ижтимоий-маданий соҳа объектлари;

3) суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари объектлари;

4) табиатни муҳофаза қилиш ва санитария-тозалаш мақсадлари, ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектлари;

5) умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва автомобиль йўллари, магистраль трубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линияларининг, шунингдек, ушбу объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар;

6) консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган кўчмас мулк объектлари;

7) солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган, фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектлар;

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

1) соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ҳамда ижтимоий таъминот, таълим, маданият ва санъат ташкилотлари;

2) уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалиги корхоналари.

3) янги ташкил этилган корхоналар – давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида. Мазкур имтиёз қайта ташкил этилган юридик шахслар негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек, бошқа корхоналар ҳудудида шу корхоналардан ижарага

олинган асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган юридик шахсларга нисбатан қўлланилмайди;

4) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари.

Эгалик қилиш ҳуқуқига кўра асосий воситалар хусусий ва жорий ижарага олинган асосий воситаларга бўлинади.

Хусусий асосий воситалар – бу корхона балансига киритилган ўз асосий воситалари ва узоқ муддатга ижарага олинган (лизингга олинган) асосий воситалар.

Жорий ижарага олинган асосий воситалар – бу ўзга корхоналардан вақтинчалик (бир йилгача) пул тўлаш шарти билан ижарага фойдаланиб туриш учун олинган асосий воситалар.

Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар – бу бир йилдан кўп муддатга шартнома асосида бошқа корхоналардан ижарага олинган асосий воситалар.

Асосий воситаларни баҳолаш. 5-сон БҲМС (п.3) асосий воситаларни баҳолашда қўйидаги қиймат турларидан фойдаланишни кузда тутади.

Бошланғич қиймат – бу асосий воситаларнинг ҳисоб қиймати бўлиб, ўз ичига сотиб олиш баҳоси, шунингдек, ташиб келтириш, ўрнатиш, монтаж, ўргатиш, сафар, божхона харажатларини ва қўшилган қиймат солиғини олади. Асосий воситалар ушбу қиймати бўйича корхонада бутун хизмат муддати даврида ҳисобда туради.

Тикланган қиймат – бу асосий воситаларнинг қайта баҳолаш, кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилингандан кейинги қиймати. Бу қиймат вақтинчалик бўлиб, қўшимча қилинган харажатлар ва қайта баҳолаш натижаси асосий воситалар қийматига киритилгач бошланғич қиймат бўлиб қолаверади.

Қолдиқ қиймат – бу асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ва жамланган эскириш суммаси ўртасидаги фарқи. Бу қийматни **баланс қиймати** ҳам деб атайдилар, чунки айнан шу қийматда асосий воситалар корхонанинг балансида акс эттирилади.

Сотиш қиймати – бу асосий воситаларнинг сотиш вақтида сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида келишилган шартномавий қиймат.

Асосий воситалар бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

•Асосий воситалар ҳолати ва ҳаракатини тўғри, ўз вақтида тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштириш ва ҳисобга олиш;

•Асосий воситалар амортизацияси (эскириши) ни белгиланган усул ва меъёрлар бўйича тўғри ҳисоблаш;

•Асосий воситаларни Солиқ Кодексига мувофиқ солиққа тортилишини таъминлаш;

•Асосий воситаларнинг бутлигини таъминлаш, бунинг учун уларни белгиланган муддатларда қайта рўйхатдан ўтказиш (инвентаризация қилиш), унинг натижаларини тўғри аниклаш ва ҳисобга олиш;

•Мавжуд асосий воситалардан унумли фойдаланиш, бунинг учун уларни ишсиз туриб қолишларига йўл қўймаслик, кераксиз асосий воситаларни ижарага бериш, ликвидация килиш, бепул бериш ёки сотиш натижаларини тўғри ҳисобга олиш;

•Асосий воситаларга қилинган қўшимча харажатларни (капитал қуйилмаларни, жорий ва капитал таъмирлаш харажатларини) тўғри ҳисобга олиш, уларни ўз вақтида мақсадига караб асосий воситаларнинг қийматига ёки корхона харажатларига киритиш;

•Асосий воситалар бўйича лизинг операцияларини тўғри расмийлаштириш ва ҳисобга олиш;

•Асосий воситалар ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тўғри тузиш ва тегишли органларга ўз вақтида тақдим этиш.

Асосий воситалар ҳисобини юритишга мўлжалланган счетлар тизими. 2002 йил 1 январдан жорий этилаётган счётлар режасида асосий воситалар ҳисобини юритиш учун актив бўлган № 0100 «Асосий воситалар ҳисоби счётлари» ва контрактив бўлган № 0200 «Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби счётлари» тизимлари кўзда тутилган. Ушбу тизимлар ўз ичига қўйидаги счётларни олади (7.2-жадвалга қаранг).

7.2-жадвал

Асосий воситалар ҳисоби учун мўлжалланган счетлар тизими

	Актив счетлар		Контрактив счетлар
0110	Ер	0211	Ерни ободонлаштиришнинг эскириши
0111	Ерни ободонлаштириш	0212	Лизинг бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши
0112	Лизинг бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш	0220	Бино, иншоатлар ва узатгич мосламаларнинг эскириши
0120	Бино, иншоатлар ва узатгич мосламалар	0230	Машина ва ускуналарнинг эскириши
0130	Машина ва ускуналар	0240	Мебел ва офис жихозларининг эскириши

0140	Мебел ва офис жиҳозлари	0250	Компьютер ускунаси ва ҳисоблаш техникасининг эскириши
0150	Компьютер ускунаси ва ҳисоблаш техникаси	0260	Транспорт воситаларининг эскириши
0160	Транспорт воситалари	0270	Ишчи ҳайвонларнинг эскириши
0170	Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар	0280	Кўп йиллик ўсимликларнинг эскириши
0180	Кўп йиллик ўсимликлар	0290	Бошқа асосий воситаларнинг эскириши
0190	Бошқа асосий воситалар	0299	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши
0199	Консервациядаги асосий воситалар		

Асосий воситаларнинг суммовий аналитик ҳисоби корреспонденцияланадиган счётлар бўйича 13-журнал-ордерда, соний-суммовий аналитик ҳисоби эса моддий жавобгар шахслар бўйича ҳар бир инвентар объектнинг коди (тартиб номери) бўйича карточкаларда ёки китобда (ОС-7 шакл «Асосий воситаларни ҳисобга олиш инвентар карточкаси», ОС-9 «Асосий воситаларнинг инвентар рўйхати») юритилади. Ушбу карточка ва китоблар асосий восита келиб тушганда очилади ва уларнинг бутун фойдали хизмат муддати даври давомида сақланади.

7.2. Асосий воситалар кўпайишининг ҳисоби

Асосий воситалар янги капитал инвестицияларни киритиш, уларни бепул келиб тушиши, таъсис бадали сифатида кирим қилиниши эвазига кўпайиши, шунингдек, уларнинг бошланғич қиймати қайта баҳолаш ҳисобидан ошиши мумкин.

Капитал инвестициялар – бу янги объектларни қуришга, эски объектларни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга, шунингдек, янги асосий воситаларни сотиб олишга сарфланган маблағлар мажмуаси. Ўзбек тили луғатида бу сўзнинг «капитал қўйилмалар» номли синоними ҳам мавжуд.

Халқаро стандартларда ва Ўзбекистон Республикасининг миллий стандартларида (5-сон БҲМС) бу характердаги харажатлар асосий воситаларнинг бошланғич қийматини кўпайтирадиган харажатлар деб тан олинади.

Капитал инвестициялар характерига кўра ички инвестиция ҳисобланади, улар бевосита корхонанинг қудратини оширишга йўналтирилган маблағлардир.

Капитал инвестициялар икки усулда амалга оширилиши мумкин: пудрат усулида ва хўжалик усулида.

Пудрат усулидаги капитал инвестициялар. 17-сон БҲМС «Капитал қурилишга доир пудрат шартномалари»га мувофиқ пудратчи, яъни қуриб берувчи ва буюртмачи ўртасида тузиладиган пудрат шартномаси асосида амалга оширилади. Пудратчи шартномага мувофиқ янги объектни қуриш, мавжуд объектларни кенгайтириш, реконструкция ёки модернизация қилиш каби ишларни бажаради. Буюртмачи эса шартномада кўрсатилган бажарилган ишлар учун пудратчига ҳақ тўлайди. Бажарилган ишлар босқичма-босқич ёки тўлиғича комиссия томонидан қабул қилиниши мумкин. Босқичма-босқич усулда пудратчи ишнинг тугатилган қисмини қабул қилиш-топшириш далолатномаларига асосан буюртмачига топширади. Тўлиғича усулда шартномада кўрсатилган иш тўлиғича бажарилгандан сўнг қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Биринчи усулда буюртмачи учун ишнинг қабул қилинган босқичи қиймати, иккинчи усулда эса тўлиғича қабул қилинган иш қиймати капитал инвестиция суммасини ташкил этади.

Хўжалик усулидаги капитал инвестициялар корхонанинг ўз кучи билан амалга оширилган янги қурилиш, кенгайтириш, реконструкция ёки модернизация ишларининг қийматидан ташкил топади. Бу усулда барча ишлар корхонанинг махсус балансга ажратилмаган қурилиш гуруҳи ёки бўлими томонидан тасдиқланган лойиҳа ва харажат сметаларига мувофиқ амалга оширилади. Бажарилган иш худди пудрат усулидагидек босқичма-босқич ёки тўлиғича комиссия томонидан қабул қилинади ва тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилади.

Пудрат ёки хўжалик усулида амалга оширилган капитал инвестицияларнинг ҳисоби счётлар режасида кўзда тутилган № 0800 «Капитал қўйилмалар ҳисоби счётлари» ёрдамида ҳисобга олинади. 21-сон БҲМСда асосий воситаларга доир капитал инвестицияларни ҳисобга олиш учун қўйидаги счётлар кўзда тутилган:

- 0810 «Тугалланмаган қурилиш»
- 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш»
- 0840 «Асосий подани шакллантириш»
- 0890 «Бошқа капитал қўйилмалар»

0810 «Тугалланмаган қурилиш» счёти пудрат ва хўжалик усулларида олиб борилган янги қурилишга сарфланган капитал инвестицияларнинг ҳисоби учун мўлжалланган. Унинг дебетида сарфланган капитал қўйилмалар тўғрисида маълумотлар жамланади, кредитида эса капитал инвестиция суммасини асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилиши акс эттирилади. Счётнинг қолдиғи фақат дебет томонида бўлиб, у тугалланмаган қурилишга тўғри келадиган капитал қўйилмалар суммасини кўрсатади.

0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш» счёти корхонанинг янги асосий воситаларни сотиб олишга йўналтирган капитал инвестицияларини ҳисобга олишга мўлжалланган. Ушбу счётнинг дебетида таъминотчидан қабул қилинган асосий воситанинг қиймати, шунингдек, уни ташиб келтириш, ўрнатиш, монтаж қилиш ва бошқа харажатлари акс эттирилади, кредитида эса счётнинг дебетида тўпланган суммани асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилиши кўрсатилади. Дебет ва кредит оборотлари суммалари тенг бўлганлиги учун бу счёт сальдога эга бўлмайди.

0840 «Асосий подани шакллантириш» счёти ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлари мавжуд хўжаликларда ишлатилади. Ушбу счётнинг дебетида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни асосий ишчи ва наслдор ҳайвонларга ўтказишга кетган капитал инвестициялар, шунингдек, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонларни сотиб олишга доир капитал инвестициялар, бепул олинган ишчи ва наслдор ҳайвонларни ташиб келтириш харажатлари жамланади. Ёш ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни асосий подага ўтказиш билан бу турдаги капитал инвестициялар ишчи ва маҳсулдор ҳайвонларнинг (счет № 0170) бошланғич қийматига киритилади.

0890 «Бошқа капитал қўйилмалар» счётида юқоридаги счётларга киритилмаган капитал инвестициялар, жумладан, асосий воситаларни кенгайтиришга, реконструкция ва модернизациясига сарфланган капитал қўйилмалар ҳисобга олинади. Бу характердаги қўйилмаларнинг суммалари кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилиш далолатномалари асосида ҳаракатда бўлиб келган асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилади.

Асосий воситаларни бепул олишнинг ҳисоби. Асосий воситалар юқори ташкилотдан, бошқа юридик ва жисмоний шахслардан бепул келиб тушиши ҳам мумкин. Бундай асосий воситалар шартномалар, счёт-фактуралар, қабул қилиш-топшириш далолатномалари асосида қабул

қилинади. Ушбу ҳужжатлар асосида бепул олинган асосий воситаларга қўйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счётлари»

Кредит 8530 «Қайтариб бермаслик шарти билан олинган мол-мулк»

Бепул берилган асосий воситаларни ташиб келтириш харажатлари уларнинг бошланғич қийматига киритилади ва бу ҳисобда қўйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Дебет 0890 «Бошқа капитал қўйилмалар»

Кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар»

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счетлари»

Кредит 0890 «Бошқа капитал қўйилмалар»

Асосий воситаларни таъсис бадали сифатида кирим қилишнинг ҳисоби. Таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси)га асосан таъсисчилардан қабул қилинган асосий воситалар счет-фактура ва қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжатлар асосида қўйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счетлари»

Кредит 4610 «Устав капиталига улушлар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари»

Чет эл инвесторларидан таъсис бадали сифатида корхона руйхатдан утгандан кейинги саналарда келиб тушган асосий воситалар бўйича валюта курсини ўзгариши сабабли қўшилган капитал вужудга келади. Бундай ҳолда корхона рўйхатдан ўтган санадаги курс бўйича таъсисчидан қабул қилиб олинган асосий восита қийматига юқорида келтирилган проводка берилади. Ҳақиқатда келиб тушган сана ва корхона рўйхатга олинган санадаги курслар ўртасидаги фарқ суммаси корхонанинг қўшилган капиталига олиб борилади ва унга қуйидаги езув қилинади:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счетлари»

Кредит 8420 «Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар»

7.3. Асосий воситаларни қайта баҳолашнинг ҳисоби

Республикамизнинг 5-сон БҲМС (3-§)га мувофиқ **асосий воситаларни қайта баҳолаш** – асосий воситалар тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақтивақти билан аниқлаштиришдир. Қайта баҳолашда асосий воситаларнинг тикланган қиймати оширилиши ёки пасайтирилиши мумкин.

Қайта баҳолаш икки усулда, яъни бозор баҳоларидан келиб чиқган ҳолда тўғридан тўғри эски қийматни бозор қийматигача етказиш ёки эски қийматни белгиланган коэффициентларга кўпайтириш йўли билан янги қийматга чиқиш усулларида корхонанинг ўзи ёки мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича махсус лицензияга эга булган корхоналар (ҳокимиятнинг кадастр бўлими ёки бошқа фирмалар) томонидан олиб борилиши мумкин. Янги ва эски қийматлар ўртасидаги фарқ қайта баҳолаш қийматини ташкил этади. Ушбу сумма ижобий сон билан чиқса, у асосий воситаларнинг қийматини оширилганлигини, манфий сон билан чиқса, у асосий воситалар қийматини пасайтирилганлигини билдиради. Қайта баҳолаш натижаси инвентаризация қайдномаси асосида ҳисобда акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг қиймати оширилганда, янги ва эски бошланғич қийматлар ўртасидаги ижобий фарқ бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счетлари»

Кредит 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

Қайта баҳолашда мос равишда асосий воситанинг жамланган эскириш суммаси ҳам юқорида келтирилган икки усулнинг бири бўйича қайта ҳисобланади. Эскириш суммаси оширилганда унга қўйидаги ёзув қилинади:

Дебет 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

Кредит 0211-0290 «Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби счетлари»

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати қайта баҳолашда пасайтирилганда янги ва эски қийматлар ўртасидаги салбий фарқ суммаси икки усулда ҳисобдан чиқарилади.

1-усул. Корхонада олдиндан асосий воситаларни қайта баҳолаш натижасида резерв капитали шакллантирилган бўлса, у ҳолда пасайтирилган қиймат шу резерв капитали эвазига ҳисобдан чиқарилади. Бунда, мос равишда, қўйидаги ёзувлар қилинади:

а) бошланғич қийматлар ўртасидаги салбий фарққа:

Дебет 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

Кредит 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счетлари»

б) эскириш суммалари ўртасидаги салбий фарққа:

Дебет 0211-0290 «Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби счетлари»

Кредит 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

2-усул. Резерв капитали мавжуд бўлмаган ҳолда қўлланилади. Бу ҳолда қайта баҳолаш натижасида асосий воситаларнинг кийматлари ўртасидаги салбий фарқ суммаси корхона харажатига олиб борилади ва ҳисобда қўйидагича акс эттирилади:

а) бошланғич қийматлар ўртасидаги салбий фарққа:

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счетлари»

б) эскириш суммалари ўртасидаги салбий фарққа (сторно ёзуви)

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 0211-0290 «Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби счетлари»

7.4. Асосий воситаларни таъмирлашнинг ҳисоби

Асосий воситалар эксплуатация қилиш натижасида борган сайин ўзининг дастлабки ҳолатини йўқотиб боради. Шунинг учун уларни ишчи ҳолатда ушлаб туриш учун таъмирлаш лозим бўлади.

Асосий воситаларни таъмирлаш икки турга бўлинади: **жорий** ва **капитал**.

Жорий таъмирлаш деганда асосий воситаларни вақтидан олдин иш лаёқатини йўқотмаслик учун вужудга келган кичик хажмдаги техник бузилишлар ва лат эйишларни тузатиш бўйича доимий ва ўз вақтида ўтқазилган профилактик характерга эга булган таъмирлаш ишлари тушунилади. Одатда, жорий таъмирлаш муддати бир йилдан ошмайди, бундай таъмирлашда асосий воситанинг у ёки бу қисми алмаштирилмайди. Жорий таъмирлаш ишлари жорий таъмирлаш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатномада қилинган ишларнинг турлари, сарфланган материалларнинг қиймати, кетган меҳнат вакти ва қиймати, шунингдек, бошқа харажатлар кўрсатилади. Далолатнома жорий таъмирлашга масъул шахслар томонидан имзоланади, корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

Капитал таъмирлаш деганда маълум бир вақтдан кейин (одатда, бир йилдан кейин) асосий воситаларни тўлиқ қисмларга ажратиш, керак бўлганда у ёки бу лаёқатсиз бўлиб қолган қисмларни тўлиқ алмаштириш бўйича бажарилган таъмирлаш ишлари тушунилади. Капитал таъмирлаш ҳажми, мураккаблиги ва қиймати бўйича жорий таъмирлашдан катта фарк килади. Капитал таъмирлаш ишлари махсус капитал таъмирлаш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Қонунга, Солиқ Кодексига, маҳсулот (иш,хизмат)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга, 1-сон БХМС «Хисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»га мувофиқ корхоналар жорий ва капитал таъмирлашни маблағ билан таъминлашни қуйидаги икки усулнинг бирида амалга оширишлари ва танланган усулни ўзларининг ҳисоб сиёсатларида белгилаб олишлари лозим :

•*Таъмирлаш учун махсус резерв ташкил этиш ва барча харажатларни ушбу резерв ҳисобидан қоплаш усули*

• *Таъмирлаш ишлари кийматини резерв ташкил этмасдан харажатларга бевосита олиб бориш усули*

Биринчи усулда корхона таъмирлаш ишлари учун ҳар ойда ўзи белгилаб қўйган меъёрларда махсус резервга ажратмалар қилиб боради. Жорий ва капитал таъмирлаш ишлари якунланган ойда уларнинг қиймати тегишли тасдиқланган далолатномалар асосида резерв эвазига ҳисобдан чиқарилади. Йил охирида таъмирлаш учун ташкил этилган резервнинг ишлатилмай қолинган қисми харажатларни камайтиришга олиб борилади ёки солиқ базасига қайта киритиш шарти билан келгуси йилга ўтказилади.

Таъмирлаш учун махсус резерв ташкил этилганда тузилган расчет асосида қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чикариш» счети -500000

Дебет 9400 «Давр харажатлари ҳисоби счётлари « -200000

Кредит 8910 « Келгуси харажатлар ва тўловлар резерви» -600000

Ишлатилмай қолинган резервни бекор қилишга юқоридаги бухгалтерия ёзуви суммаси қизил рангда (сторно) берилади. Агар ишлатилмай қолинган резерв кейинги йилга ўтказилса, у ҳолда у йил охирида фойда солиғи базасига қайта қўшилади (агар корхона даромад (фойда) солиғини тўловчи ҳисобланса).

Резервни ишлатилиши 8910-счетнинг дебетида ва бошка аниқ харажатларни ифодаловчи счетларнинг кредитида (2310, 5010, 5110, 6890, 1010-1090, 6710, 6510 ва бошқалар) акс эттирилади.

Иккинчи усулда маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ва сотиш буйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари таъмирланган асосий воситаларнинг ишлатилиш мақсадига кўра қуйидаги счетларда ҳисобга олинади:

• 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счетларида – асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришга доир асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари. Бу гуруҳ харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизматлар) таннархига киритилади.

•9410 «Сотиш харажатлари, 9420 «Маъмурий харажатлар», 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счетларида – сотишга, бошқарув аппаратига доир асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари. Бу гуруҳ харажатлар таъмирлаш ишлари далолатномалари тасдиқланган ойда 9900 «Якуний молиявий натижалар» счетига ўтказилади.

•3110-3190 «Келгуси давр харажатлари ҳисоби счетлари»- илмий тадқиқот ишлари (ИТИ) ва тажриба конструкторлик ишланмалари (ТКИ), шунингдек, келгусида ишга туширилишга мўлжалланган технологик линияларга доир асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари. Бу гуруҳ харажатлар келгусида 9410, 9420,9430 – счетларга, агар ИТИ ва ТКИ якунлари бўйича моддий бойликлар олинган бўлса, ушбу бойликлар таннархига киритилади (0120-0199, 1010-1090, 2810,2820,2910-2990 ва бошқалар).

7.5. Асосий воситаларни амортизацияси (эскириши)нинг ҳисоби

Асосий воситаларнинг амортизацияси (эскириши)ни ҳисобга олишда қуйидаги атама ва тушунчалар муҳим рол ўйнайди.

Амортизация – бу асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қийматини фойдали хизмат муддати ичида янги яратилган маҳсулот (иш, хизмат) қийматига киритиш (5-сон БХМС, п.3).

Эскириш – бу асосий воситанинг белгиланган меъёрлар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси.

Амортизацияланадиган қиймат - асосий воситанинг бошланғич қийматидан кўзда тутилаётган ликвидацион қийматни чегиргандан кейин қолган қиймат (БХМС № 5, п.3).

Ликвидацион қиймат – бу асосий воситаларни фойдали хизмат муддати охирида ликвидация қилиш чоғида вужудга келадиган активларнинг уларни олишга кетган ликвидация харажатлари чегириб ташлангандан кейин қолган қиймати (5-сон БХМС,п.3). Асосий воситаларни ликвидацияси натижасида олинадиган активларга хом-ашё ва материаллар, инвентарлар, эҳтиёт қисмлар, товарлар сифатида тан олинган, баҳоланган ва қабул қилинган моддий бойликлар киради.

Ликвидация харажатлари – асосий воситаларни бузиш учун сарфланган моддий, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ижтимоий суғурта органларига ажратмалар, турли транспорт ва бошқа хизмат харажатлари мажмуаси.

Собиқ ҳисоб таълимоти ва амалиётида асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қийматини аниқлашда ликвидацион қиймат эътиборга олинмас эди. 5-сон БҲМС «Асосий воситалар» республикада биринчи марта амортизацияланадиган қийматни аниқлашда асосий воситаларни кўзда тутилиши мумкин бўлган ликвидацион қийматини ҳисобга олиш тартибини белгилади. Ликвидацион қийматни кўзда тутиш мумкин бўлган миқдорини БҲМС га мувофиқ, корхонанинг ўзи мустақил асосий воситаларни қабул қилиб олиш вақтида белгилаши мумкин. Ликвидацион қийматни кўзда тутиш мажбурий ҳисобланмайди. Шунинг учун бу қиймат бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолда асосий воситанинг амортизацияланадиган қиймати бевосита унинг бошланғич қийматидан иборат бўлади.

5-сон БҲМС «Асосий воситалар»га мувофиқ асосий воситаларни йиллик амортизация (эскириш) суммаси (Ас) қўйидагича аниқланади:

- Қолдиқ қиймат кўзда тутилган асосий воситалар бўйича

$$Ас = \frac{\text{Бошланғич қиймат} - \text{Ликвидацион қиймат}}{\text{Хизмат муддати}} \quad (1)$$

- Қолдиқ қиймат кўзда тутилмаган асосий воситалар бўйича

$$Ас = \frac{\text{Бошланғич қиймат}}{\text{Хизмат муддати}} \quad (2)$$

Барча асосий воситалар бўйича ликвидацион қийматни белгиланган миқдорлари ёки уларни белгиланмаганлиги ҳам корхоналарнинг буйруқ билан тасдиқланган ҳисоб сиёсатларида тўлиқ ўз аксини топиши лозим.

Ҳисоб сиёсатида асосий воситалар бўйича фойдали хизмат муддати ичида жамланиб борувчи амортизацияни (эскиришни) ҳисоблаш усуллари ҳам белгилаб олинган бўлиши керак.

5-сон БҲМС «Асосий воситалар»га мувофиқ (**6-§**) жамланган амортизация (эскириш)ни ҳисоблаш қўйидаги усуллар бўйича амалга оширилиши мумкин:

• Бир маромда ҳисоблаш;

• Бажарилган иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш;

• Хизмат йиллари йиғиндисига пропорционал ҳисоблаш (кумулятив усул);

• Камайиб борувчи қолдиқ қийматдан ҳисоблаш.

Ҳисоб сиёсатида амортизация (эскириш) ни ҳисоблашнинг у ёки бу усулини доимий тарзда танлаб олиш ёки ҳар тўртта усулни бир вақтнинг ўзида у ёки бу асосий воситалар бўйича белгилаб олиш мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу усулларни қўллашда амортизация (эскириш) суммаси турлича бўлиши ва у Солиқ Кодексида кўзда тутилган бир маромда ҳисоблаб чиқилдан миқдордан кам ёки кўп бўлиши мумкин. Шунинг ҳисоб сиёсатида кам ёки кўп ҳисобланган амортизация (эскириш) суммасини солиқга тортиш жиҳатлари ҳам аниқ белгилаб олинган бўлиши лозим.

Амортизация (эскириш) ҳисоблаш усуллари моҳиятини, уларнинг солик солиш базасига таъсирини қўйидаги мисол асосида кўриб чиқайлик. *Айтайлик, автомашинанинг бошлангич қиймати – 100 000 000 сўм, корхона томонидан кўзда тутилган ликвидацион қиймат – 10 000 000 сўм, хизмат муддати – 5 йил, йиллик эскириш меъёри – 20%. Техник паспортида хизмат муддати даврида кўзда тутилган иш ҳажми (соатларда) – 10000 соат. Машинанинг ҳақиқатда ишлаган вақти ҳисоб маълумотлари бўйича 1-йилда – 2000 соат, 2-йилда – 3000 соат, 3-йилда – 2500 соат, 4-йилда – 1500 соат, 5-йилда – 1000 соат.*

Бир маромда ҳисоблаш усули. Ушбу усулнинг моҳияти шундаки, у амортизацияланадиган қийматни фойдали хизмат муддат давомида бир маромда (миқдорда) ҳисоблашни, жамланган амортизация (эскириш)ни бир маромда кўпайиб боришини ва қолдиқ қийматини бир маромда камайиб боришини тақозо этади.

Йиллик амортизация (эскириш) суммаси ушбу усулда 18 000 000 сўмни ташкил этади.

$$Ас = \frac{100\,000\,000 - 10\,000\,000}{5} = \frac{90\,000\,000}{5} = 18\,000\,000 \text{ сўм}$$

Ушбу усулда автомашинанинг фойдали хизмат муддати йиллари бўйича ҳисобланган, жамланган амортизация (эскириш) суммаси ва қолдиқ қиймати қўйидагича бўлади (7.3-жадвалга қаранг).

7.3-жадвал

Асосий воситалар амортизацияси (эскириши)ни бир маромли усулда ҳисоб-китоби

Йиллар	Бошланғич қиймат	Амортизацияланадиган қиймат	Амортизация меъёри	Йиллик амортизация	Жамланган амортизация	Қолдиқ қиймат
1	100000000	90000000	20%	18000000	18000000	82000000
2	100000000	90000000	20%	18000000	36000000	64000000
3	100000000	90000000	20%	18000000	54000000	46000000
4	100000000	90000000	20%	18000000	72000000	28000000
5	100000000	90000000	20%	18000000	90000000	10000000

Бир маромда ҳисоблаш усули Солиқ Кодексига тўлиқ мувофиқ келади. Йиллик амортизация (эскириш) суммасининг 1/12 қисми ҳар ойда харажатлар счетига киритиб борилади ва у фойда солиғини ҳисоблаш базасига қайта қўшилмайди.

Бажарилган иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш усули. Ушбу усулда, аввалом бор, бир йиллик иш ҳажмига тўғри келадиган амортизация (эскириш) суммаси топиб олинади. Бизнинг мисолимизда у 9000 сўмга тенг (900000 10000 = 9000).

Автомобилнинг хизмат муддати йилларида ҳақиқатда бажарган иш ҳажмига пропорционлал ҳисобланадиган, жамланган амортизация (эскириш) суммаси, шунингдек, қолдиқ қиймат қўйидагича бўлади (7.4-жадвалга қаранг).

7.4-жадвал

Асосий воситалар амортизацияси (эскириши)ни бажарилган иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш усулида ҳисоб-китоби

Йил-лар	Бошланғич қиймат	Амортизацияланадиган қиймат	Иш ҳажми, соат	Амортизация меъёри, сўм	Йиллик амортизация	Жамланган амортизация	Қолдиқ қиймат
1	100000000	90000000	2000	9000	18000000	18000000	82000000
2	100000000	90000000	3000	9000	27000000	45000000	55000000
3	100000000	90000000	2500	9000	22500000	67500000	32500000
4	100000000	90000000	1500	9000	13500000	81000000	19000000
5	100000000	90000000	1000	9000	9000000	90000000	10000000

Ушбу усулда кўриниб турибдики, йиллик ҳисобланган амортизация (эскириш) суммаси ҳақиқий бажарилган иш ҳажмига қараб турлича бўлган. 1-йилда ҳисобланган амортизация (эскириш) суммаси Солиқ Кодексида

белгиланган меъёрга мос келади ва у солиқ солиш базасига қайта кирмайди. 2-йилда меъёрдагидан 9000000 сўм (27000000-18000000) ортиқча амортизация (эскириш) ҳисобланган. Ушбу сумма иккинчи йил солиқ ҳисоб-китобларида фойда солиғини ҳисоблаш базасига қайта қўшилади. 3-йилда меъёрдагидан 4500000 сўм (22500000-18000000) ортиқча амортизация (эскириш) ҳисобланган. Ушбу сумма 3-йил солиқ ҳисоб-китобларида фойда солиғини ҳисоблаш базасига қайта қўшилади. 4- ва 5- йиллардан меъёрдан мос равишда 4500000 сўм (13500000-18000000) ва 9000000 сўм (9000000-18000000) амортизация (эскириш) кам ҳисобланган. Ушбу суммалар мос равишда 4- ва 5- йилларда солиқ солиш базасидан камайтирилиши мақсадга мувофиқ ёки келгуси йилларда автомобилдан қўшимча ишлатишда солиқ солиш базасига 2- ва 3- йилларда қайта киритилган 13500000 сўм (9000000+4500000) миқдорида амортизация (эскириш) суммаси солиққа тортилмаслиги керак. Юқоридаги ҳол мавжуд бўлганда солиққа тортилмайдиган амортизация (эскириш) суммаси миқдори асосланган ҳолда ҳисоб сиёсатида акс эттирилган бўлиши керак.

Хизмат йиллари йиғиндисига пропорционал ҳисоблаш усули. Ушбу усулда хизмат йиллари йиғиндиси топиб олинади ва уларнинг ҳиссаси тескари ҳолда белгиланади. Бизнинг мисолимизда хизмат йиллари йиғиндиси 15 га тенг (1+2+3+4+5).

Йиллар ҳиссаси: 1- йил учун - 5/15; 2- йил учун - 4/15;
3- йил учун - 3/15; 4- йил учун - 2/15;
5- йил учун - 1/15.

Ушбу усулда ҳисобланган ва жамланган амортизация (эскириш) суммаси, шунингдек, қолдиқ қиймат хизмат йиллари ичида қўйидагича бўлади (7.5-жадвалга қаранг).

7.5-жадвал

Асосий воситалар амортизацияси (эскиришн)ни кумулятив усулда ҳисоб-китоби

Йиллар	Бошланғич қиймат	Амортизацияланадиган қиймат	Амортизация меъёри	Йиллик амортизация	Жамланган амортизация	Қолдиқ қиймат
1	100000000	90000000	5/15	30000000	30000000	70000000
2	100000000	90000000	4/15	24000000	54000000	46000000
3	100000000	90000000	3/15	18000000	72000000	28000000
4	100000000	90000000	2/15	12000000	84000000	16000000
5	100000000	90000000	1/15	6000000	90000000	10000000

Кумулятив усул амортизация (эскириш) нинг тезлаштирилган усулларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун хизмат муддатининг биринчи йилларида амортизация (эскириш) меъёридан кўп миқдорда, кейинги йилларда эса меъёрдан кам миқдорда ҳисобланади. Бизнинг мисолимизда биринчи икки йилда миқдордан мос равишда 12000000 (30000000-18000000) сўм ва 6000000 (24000000-18000000) сўм кўп ҳисобланган. Ушбу суммалар мос равишда 1- ва 2- йиллар солиқ ҳисоб-китобларида солиқ солиш базасига қайта қўшилиши лозим. 3- йилда амортизация (эскириш) меъёр миқдорида ҳисобланган. Шунинг учун ушбу сумма солиқ солишга таъсир қилмайди. 4- ва 5- йилларда мос равишда амортизация (эскириш) меъёрдан 6000000 (12000000-18000000) сўм ва 12000000 (6000000-18000000) сўм кам ҳисобланган. Иккинчи усулдагидек, 4- ва 5- йилларда мос равишда кам ҳисобланган амортизация (эскириш) суммалари ушбу йиллар ҳисоб-китобларида солиқ солиш базасидан камайтирилиши ёки улар автомашина келгуси йилларда ишлатилганда ва амортизация (эскириш) ҳисобланганда (бизнинг мисолимиз бўйича 6000000+12000000) 18000000 сўм миқдоригача солиқга тортилмаслиги лозим. Бундай ҳол учраганда, қўшимча ишлаган даврларда ҳисобланган амортизация (эскириш) нинг 18000000 сўмга миқдори солиқга тортилмаслиги ҳисоб сиёсатида асосланган тарзда очиб берилиши керак.

Камайиб борувчи қийматдан ҳисоблаш усули. Ушбу усул ҳам тезлаштирилган усул ҳисобланади. Унинг моҳияти шундаки, биринчидан амортизация (эскириш) белгиланган меъёрдан икки карра миқдорда ҳисобланади, иккинчидан, амортизация (эскириш) базаси бўлиб ҳар йилда қолдиқ қиймат ҳисобланади.

Бизнинг мисолимизда йиллик амортизация (эскириш) меъёри 20%, ишлатиладиган меъёр – 40% (20% х 2). Ушбу усулда ҳисобланган ва жамланган амортизация (эскириш), шунингдек, қолдиқ қиймат хизмат йиллари бўйича қўйидагича бўлади (7.6-жадвалга қаранг).

7.6-жадвал

Асосий воситалар амортизацияси (эскириши)ни камайиб борувчи қолдиқ қиймат усулида ҳисоб-китоби

Йиллар	Бошланғич қиймат	Амортизация-ланадиган қиймат	Амортизация меъёри	Йиллик амортизация	Жамланган амортизация	Қолдиқ қиймат
1	100000000	100000000	40%	40000000	40000000	60000000
2	100000000	60000000	40%	24000000	64000000	36000000
3	100000000	36000000	40%	14400000	78400000	21600000
4	100000000	21600000	40%	8640000	87040000	12960000
5	100000000	-	-	2960000	90000000	10000000

Ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, биринчи икки йилда амортизация (эскириш) меъёрдан мос равишда 22000000 сўм (40000000-18000000) ва 6000000 сўм (24000000-18000000) кўп ҳисобланган. Мос равишда бу суммалар 1- ва 2- йилларда солиқ солиш базасига қайта қўшилиши лозим. Кейинги 3 йилда амортизация (эскириш) меъёрдан мос равишда 3600000 сўмга (14400000-18000000), 9360000 сўмга (8640000-18000000), 15040000 сўмга (2960000-18000000) кам бўлиб, улар мос равишда 3-, 4- ва 5- хизмат йилларида солиқ солиш базасидан чегирилиши ёки юқорида айтилган тартибда келгуси йилларда солиқ солиш базасига киритилмаслиги керак. Бу усул қўлланилганда ҳисоб сиёсатида хизмат муддатининг барча йиллари ичида, шунингдек, қўшимча хизмат йилларида ҳам амортизация (эскириш)ни ҳисоблаш ва уни солиқ солишга муносабати ҳисоб сиёсатида аниқ белгиланган бўлиши керак.

Шундай қилиб, асосий воситаларнинг амортизацияси (эскириши)ни ҳисоблашнинг турли усулларини қўллаш хизмат муддати йиллари ичида ҳисобланган ва жамланган амортизация (эскириш) суммаларини ва қолдиқ қийматни турлича бўлишига олиб келади. Шунингдек, ушбу усулларда йиллик ҳисобланган амортизация суммаси уни турли миқдорда солиқ солиш базасига киритилиши ёки ундан чегирилиши бўйича ҳам бир-биридан фарқ қилади (7.7-жадвалга қаранг).

7.7-жадвал

Амортизация (эскириш) ҳисоб-китобининг турли усуллари бўйича асосий воситаларнинг йиллик амортизацияси, жамланган амортизацияси, қолдиқ қиймати ва солиққа тортиладиган амортизация суммаси

Йиллар	Йиллик амортизация	Солиқга тортиладиган амортизация	Жамланган амортизация	Қолдиқ қиймат
1 – усул				
1	18000000	-	18000000	82000000
2	18000000	-	36000000	64000000
3	18000000	-	54000000	46000000
4	18000000	-	72000000	28000000
5	18000000	-	90000000	10000000
2 – усул				
1	18000000	-	18000000	82000000
2	27000000	9000000	45000000	55000000
3	22500000	4500000	67500000	32500000
4	13500000	- 4500000	81000000	19000000
5	9000000	- 9000000	90000000	10000000

3 – усул				
1	30000000	12000000	30000000	70000000
2	24000000	6000000	54000000	46000000
3	18000000	-	72000000	28000000
4	12000000	- 6000000	84000000	16000000
5	6000000	- 12000000	90000000	10000000
4 – усул				
1	40000000	22000000	40000000	60000000
2	24000000	6000000	64000000	36000000
3	14400000	- 3600000	78400000	21600000
4	8640000	- 9360000	87040000	12960000
5	2960000	- 14040000	90000000	10000000

Асосий воситалар бўйича амортизация (эскириш)ни ҳисоблашга доир операциялар счетлар режасида кўзда тутилган контрактив бўлган 02 «Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби счетлари»да акс эттирилади. Ушбу счетнинг сальдоси кредит томонида бўлиб, у жамланган эскириш суммасини кўрсатади. Ҳисобланган эскириш, яъни эскириш суммасини кўпайиши ушбу счетнинг кредитида ва харажат счетларининг дебетида (2010,2310,2510,3190, 9210,9410,9420,9430 ва бошқалар), эскириш суммасини камайиши эса 02- счетнинг дебетида ва бошқа счетларнинг кредитида (8510,0110-0190 ва бошқалар) акс эттирилади.

7.6. Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқимларининг ҳисоби

Асосий воситаларни сотишнинг ҳисоби. Корхоналар зарур ҳолларда ўзларининг тўлиқ амортизация қилинган ёки қилинмаган асосий воситаларини сотишлари мумкин. Сотишга асос бўлиб сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида тузилган шартнома ҳисобланади. Асосий воситани сотиш счет-фактура билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжат сотиш операцияларини ҳисобда акс эттиришга асос бўлади. Счет-фактура асосида сотиш операциялари ҳисобда қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари билан акс эттирилади (7.8-жадвалга қаранг).

7.8-жадвал

Асосий воситалар сотилишининг счётларда акс эттирилиши

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счет	Кредит счет	Асос бўлувчи хужжат
1	Асосий воситани сотиш (жўнатиш) қийматига (ҚҚСсиз)	7 000 000	4010	9210	Шартнома, счет-фактура
2	ҚҚС суммасига (агар корхона ҚҚС тўловчи бўлса), (7000000*15/100)	1 050 000	4010	6410	Шартнома, счет-фактура
3	Асосий воситанинг бошланғич қийматига	60 000 000	9210	0111-0190	Шартнома, счет-фактура
4	Жамланган эскиришни хисобдан чикариш	55 000 000	0211-0290	9210	Шартнома, счет-фактура
5	Олдинги даврларда амалга оширилган қайта баҳолаш қийматини хисобдан чикарилишига	2 000 000	8510	9210	Бухгалтерия маълумот-номаси
6	Сотишдан олинган фойда	4 000 000	9210	9310	Шартнома, счет-фактура

Асосий воситаларни сотиш натижасида корхона фойда ёки зарар кўриши мумкин. Бу натижа ҚҚСсиз жўнатиш (сотиш) қиймати (Жқ) ва қолдиқ қиймати (Ққ) ўртасидаги фарқ ва олдинги даврларда амалга оширилган қайта баҳолаш қийматини хисобдан чикарилган суммаси йиғиндисидан иборат бўлади. Агар жўнатиш (сотиш) қиймати (Жқ) олдинги даврларда амалга оширилган қайта баҳолаш қиймати (Қбқ) билан биргаликда қолдиқ қиймат (Ққ) дан катта бўлса (Жқ +Қбқ> Ққ) корхона асосий воситаларни сотишдан фойда олган бўлади, агар жўнатиш (сотиш) қиймати (Жқ) олдинги даврларда амалга оширилган қайта баҳолаш қиймати (Қбқ) билан биргаликда қолдиқ қиймат (Ққ) дан кичик бўлса (Жқ +Қбқ < Ққ), корхона асосий воситаларни сотишдан зарар кўрган бўлади, яъни:

$$Фс\ (Зс) = (Жқ + Қбқ) - Ққ$$

Юқоридаги мисолда корхона сотишдан 4000000 сўм (7000000+2000000-5000000) фойда кўрган. Агар корхона асосий воситани 2000000 сўмга сотганда эди, у холда корхона сотишдан 1000000 сўм (2000000+2000000-5000000)зарар кўрган бўлар эди ва бу зарар хисобда қўйидагича акс эттирилади:

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» - 1000000

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» - 1000000

Асосий воситаларни ликвидация қилишнинг ҳисоби. Асосий воситалар тўлиқ амортизация қилинганлиги ёки қилинмаганлигидан қатъий назар эксплуатация қилиш ҳолатини йўқотган бўлса корхона томонидан ликвидация қилиниши мумкин. Бунинг учун корхона раҳбари буйруғи билан ликвидация комиссияси тузилади. Ликвидация комиссияси таркибига корхона ходимларидан ташқари қизиқувчи органлар (ҳокимият ва бошқалар) вакиллари ҳам киритилиши мумкин. Комиссия ликвидация натижаларини махсус ликвидация далолатномаси (ОС-4 шакл) билан расмийлаштиради. Ушбу далолатнома ликвидация натижаларини бухгалтерия ҳисоби счетларида акс эттиришга асос бўлади.

Асосий воситаларни ликвидация қилишдан корхона зарар ёки фойда кўриши мумкин.

Асосий воситаларни ликвидация қилишдан кўрилган зарарлар икки турга бўлинади:

1. Асосий воситаларни амортизацияланмай қолган қисмини қоплашдан кўрилган зарарлар.

2. Ликвидация қилишга кетган қўшимча харажатлардан кўрилган зарарлар.

Биринчи тур зарарлар амортизацияси тўлиқ ҳисобланмаган асосий воситаларни ликвидация қилиш натижасида вужудга келади. Кўрилган зарар амортизацияланмай қолган (Ақ) суммадан иборат бўлиб, у асосий воситаларнинг бошланғич қийматидан (Бқ) жамланган амортизацияни (Аж) чегириш йўли билан топилади, яъни:

$$Ақ = Бқ – Аж \quad (1)$$

Иккинчи тур зарарларга ликвидацияни амалга оширишда сарфланган моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий суғуртага ажратмалар, турли транспорт ва бошқа хизматлар учун кетган харажатлар киради. Бу турдаги харажатлар ликвидация харажатлари (Лх) ҳисобланиб, улар 5-сон БХМСга мувофиқ ликвидация қилинган асосий воситанинг ликвидацион қийматини (Лқ) топишда ҳисобга олинади. Ликвидацион қиймат (Лқ) ликвидациялан олинган активлар (Ла) қийматидан ликвидация харажатларини (Лх) чегириб ташлангандан кейин қолган қийматидир, яъни:

$$Лқ = Ла – Лх \quad (2)$$

Ликвидация натижасида кўрилган умумий зарарлар ёки харажатлар (Хл) биринчи тур зарарлардан (Ақ) тугатилган асосий воситаларнинг ликвидацион қийматини (Лқ) чегириш йўли билан топилади, яъни:

$$Хл = Ақ - Лқ \quad (3)$$

Асосий воситаларни ликвидация қилиш натижасида кўрилган зарар ёки харажатлар корхонанинг асосий фаолиятига бевосита алоқадор ҳисобланмайди. Шунинг учун ликвидация билан боғлиқ харажатларни ва ликвидация натижасида кўрилган зарарларни тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш ёки сотиш харажатларига қўшиб бўлмайди. Шунинг учун ликвидация натижаларини аниқлаш ва ҳисобга олиш учун счетлар режасидаги махсус 9210 «Асосий воситаларнинг чиқимлари» счети кўзда тутилган. Ушбу счетнинг дебетида ликвидация қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати (Бқ), ликвидация қилиш учун қилинган харажатлар (Лх) жамланади. Бу счетнинг кредитида жамланган амортизация (Аж), ликвидация натижасида олинган моддий активларнинг қиймати (Лқ) ва ликвидация натижасида кўрилган умумий зарарни (харажатларни) ҳисобдан чиқариш акс эттирилади. Маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ва сотиш буйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ ликвидациядан кўрилган зарар корхонанинг асосий фаолиятига доир бўлмаган бошқа турдаги давр харажатларига, бир вақтнинг ўзида фойда солиғи базасига қайта қўшиладиган харажатларга киритилади. Ҳисоб сиёсатида ликвидацияга доир харажатларни ва ликвидация натижасида кўрилган зарарларни ҳаракатдаги қонунлар, БҲМСлар ва Низомга мос равишда ягона тартибда очиб беришга эришиш учун уларни қўйидаги шартли мисолда кўриб чиқайлик.

Айтайлик, корхона авария ҳолатига келиб қолган бинони ликвидация қилди. Бинонинг бошланғич қиймати (Бқ) – 65000000 сўм. Ликвидацион қиймат кўзда тутилмаган. Ликвидация санасига жамланган амортизация (Аж) – 60000000 сўм. Ликвидация харажатлари (Лх): *қулатиш крани хизмати – 3000000 сўм, ёқилғи сарфи – 600000 сўм , ҳисобланган иш ҳақи харажатлари-1000000 сўм, ижтимоий сугуртага ажратмалар – 150000 сўм.* Ликвидация натижасида қабул қилинган ва баҳоланган қурилиш материаллари – 4950000 сўм.

Ликвидация натижалари корхонанинг ҳисоб сиёсатида қўйидаги тарзда ёритилиши керак.

1. Асосий воситани бошланғич қийматини (Бқ) ҳисобдан чиқариш

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» – 65000000 сўм

Кредит 0120 «Бинолар, иншоатлар ва узатиш қурилмалари»– 65000000 сўм

2. Ликвидацияга қилишга кетган харажатлар (Лх)

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» – 4 750 000 сўм

Кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» – 3000000 сўм

Кредит 1030 «Ёқилғи» – 600000 сўм

Кредит 6710 «Мехнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» – 1000000 сўм

Кредит 6520 «Ижтимоий суғурта бўйича туловлар» – 150000 сўм

Жами - 4 750 000 сўм.

3. Ликвидация натижасида олинган активларнинг қиймати (Ла)

Дебет 1050 «Қурилиш материаллари – 4 950 000 сўм

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» – 4 950 000 сўм

4. Амортизацияланмай қолган қиймат (Ақ)

65 000 000 сўм – 60 000 000 сўм = 5 000 000 сўм

5. Ликвидацион қиймат (Лқ)

Лқ = 4950000 сўм – 4750000 сўм = 200000 сўм

6. Ликвидациядан кўрилган умумий зарар (Хл)

Хл = 5000000 сўм – 200000 сўм = 4800000 сўм

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» – 4800000 сўм

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» – 4800000 сўм

Асосий воситаларнинг ликвидация қилинишида корхона қўшимча фойдани (Фл) жамланган амортизация (Аж) билан ликвидацион қиймат (Лқ)ни, шунингдек олдинги даврларда амалга оширилган қайта баҳолаш эвазига юзага келган резерв капиталининг (Қбқ) биргаликдаги суммалари асосий воситаларни бошланғич қиймати (Бқ)дан катта бўлсагина [(Аж + Лқ+Қбқ) > Бқ] олиши мумкин, яъни:

$$Фл = (Аж + Лқ+Қбқ) – Бқ$$

Масалан, корхона бинони ликвидация қилди дейлик, бошланғич қиймат (Бқ) – 50 000 000 сўм, жамланган амортизация (Аж) – 48 000 000 сўм, ликвидация харажатлари (Лх) – 1000000 сўм, бинодан олинган моддий активларни бошланғич қиймати – 4000000 сўм, олдинги даврларда амалга оширилган қайта баҳолаш қиймати – 2000000 сўм.

Демак, бинонинг ликвидацион қиймати (Лқ) – 3000000 сўм (4000000-1000000) бўлади.

Ликвидациядан олинган умумий фойда:

Фл = (48000000 + 3000000+2000000) – 50 000 000 = 3 000 000 сўм.

Ҳисоб сиёсатида ликвидациядан олинган фойда қўйидагича очилиши лозим:

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» – 3000000 сум

Кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқимидан олинган фойда»-3000000 сум

Асосий воситаларни бепул берилишининг ҳисоби. Корхонанинг асосий воситалари бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бепул ҳайрия сифатида ҳам берилиши мумкин. Асосий воситаларнинг бепул берилиши шартномада кўрсатилган қийматда счет-фактура билан расмийлаштирилади. Счет-фактура асосида қўйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

1. Бепул берилган асосий воситани бошлангич қийматида ҳисобдан чиқарилишига:

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими»

Кредит 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счетлари»

2. Асосий воситалар эскиришини ҳисобдан чиқарилишига

Дебет 0210-0290 «Асосий воситалар эскириши ҳисоби счетилари»

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими»

3. Бепул беришдан кўрилган зарарга

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими»

Асосий воситаларни таъсис бадали сифатида берилишининг ҳисоби. Корхоналар асосий воситаларини таъсис бадали сифатида бошқа корхоналарга беришлари ҳам мумкин. Бунинг учун асос бўлиб таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси ва бошқалар) ҳисобланади. Асосий воситани таъсис бадали сифатида берилиши счет-фактура билан расмийлаштирилади ва унинг асосида қўйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

1. Таъсис бадали сифатида берилган асосий воситанинг келишув қийматига (ҚҚСсиз)

Дебет 0620-0690 «Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби счетлари» – 10 000 000

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» – 10 000 000

2. ҚҚС суммасига (15 %)

Дебет 0620-0690 «Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби счетлари» – 1 500 000

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик хисоби счетлари» – 1500000

3. Асосий воситаларни бошлангич қийматини ҳисобдан чиқарилишига

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» – 60 000 000
Кредит 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счетлари» – 60 000 000

4. Асосий воситаларни жамланган эскиришини ҳисобдан чиқариш

Дебет 0210-0290 «Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби счетлари» – 50 000 000

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» – 50 000 000

5. Олдинги даврларда амалга оширилган қайта баҳоланиш суммасининг ҳисобдан чиқарилишига:

Дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар - 3 000 000

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» – 3 000 000

6. Асосий воситаларни таъсис бадали сифатида киритишдан олинган фойдага

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» – 3000000

Кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқимидан олинган фойда» – 3000000

7.7. Асосий воситалар бўйича лизинг операцияларининг ҳисоби

Ўзбекистон Республикасида лизинг операцияларининг ҳисоби Лизинг тўғрисида Қонун, Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Қонун, Солиқ Кодекси, 6-сон БҲМС «Ижара ҳисоби» ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан регламентлаштирилган. Ушбу қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда лизингга доир барча атама ва тушунчаларнинг моҳияти, лизинг операцияларини ҳисобга олиш тартиби атрофлича очиб берилган.

Лизинг тўғрисида қонунга мувофиқ (2-модда), **лизинг** ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни (лизинг объектини) олади.

Лизинг уч тарафламали ва икки тарафламали лизинг шартномаси асосида амалга оширилади. Уч тарафламали шартномада сотувчи, лизинг берувчи ва лизинг олувчи иштирок этади. Икки тарафламали шартномада лизинг берувчи ва лизинг олувчи иштирок этади. Ўзбекистон Республикасида лизингни икки тарафламали шартномага асосланган тури кенг таркалган. Уч тарафламали лизинг шартномаларига асосланган лизинг операцияларида учинчи тараф бўлиб лизинг

марказлари иштирок этмокда, лекин улар сотувчи эмас, балким лизинг берувчи ва лизинг олувчилар ўртасида воситачи ролини ўйнамокдалар ва бунинг эвазига лизинг берувчидан лизинг тўловини маълум қисмини рағбатлантириш тўлови сифатида олмокдалар.

Лизинг берувчи – бу лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига келгусида топшириш мақсадида лизинг объектини сотувчидан мулк қилиб олувчи шахс (субъект).

Лизинг олувчи – бу эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини олаётган шахс (субъект).

Сотувчи – бу лизинг берувчига лизинг объектини сотган шахс (субъект).

Лизинг объекти – бу истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан, корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк. Ер участкалари ва бошка табиат объектлари, шунингдек, эркин муомалада бўлиши қонун ҳужжатлари билан таъқиқланган ёки муомалада бўлишининг махсус тартиби белгиланган мол-мулк (масалан, ҳарбий техника, қурол-аслаҳалар, ҳомашё ва материаллар, товарлар, пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва шу кабилар) лизинг объекти бўлиши мумкин эмас.

Лизинг молиявий ва оператив (жорий) лизингга бўлинади.

Молиявий лизинг – бу лизингни шундай тури бўлиб, унда лизинг объектига мулкий ҳуқуқ ва ундан келиб чиқадиган риск ва манфаатдорликнинг асосий қисми лизинг шартномасига мувофиқ лизинг олувчига ўтади. Лизингни ушбу турида лизинг шартномаси муддатини тугаши билан лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига ўтади, агарда шартномада бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса. Молиявий лизинг деб тан олиниш учун лизинг шартномаси қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

- лизинг муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига ўтса;
- лизинг шартномаси муддати лизинг объектининг хизмат муддатидан 80 % дан ортиғини ташкил қилса ёки лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг объектининг қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 % дан камини ташкил этса ;
- лизинг олувчи лизинг объектини қатъий белгиланган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;
- лизинг шартномаси давридаги тўловларнинг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90 % идан ортиғини ташкил қилса.

Оператив (жорий) лизинг – бу лизингни шундай тури бўлиб, унда тузилган лизинг шартномаси молиявий лизинг шартномасига қўйилган талабларнинг бирортасига ҳам тўғри келмаслиги керак. Оператив лизингнинг муддати , одатда, бир йилдан ошмайди, ушбу муддат тугагач лизинг объекти лизинг олувчидан лизинг берувчига қайтарилади. Лизинг берувчи лизинг объектини ўз балансидан чиқармайди, лизинг олувчи эса уни ўз балансига кабул этмайди. Демак, оператив лизингда лизинг берувчи лизинг олувчига лизинг объектидан вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқини ҳак тулаш шарти билан беради. Лизинг шартномаси муддати тугаши билан лизинг объекти лизинг олувчидан лизинг берувчига қайтарилади.

Сублизинг – бу лизинг олувчи томонидан лизинг берувчининг розилиги билан лизинг объектини бошка учунчи шахс (субъект)га ижарага берилиши. Бунда лизинг берувчи сотувчига, лизинг олувчи лизинг берувчига ва сублизинг олувчи лизинг олувчига айланади. Сублизинг муддати дастлабки лизинг шартномасида кўрсатилган муддатдан ошиб кетмаслиги лозим.

Лизинг тўлови - лизинг шартномасининг муҳим элементи бўлиб, лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига тўланадиган қарз суммасини билдиради. Молиявий лизингда лизинг тўлови ўз ичига лизинг объектининг қиймати ва лизинг берувчининг фойдаси суммаларини олади. Оператив лизингда лизинг тўлови лизинг берувчининг шартномада кўрсатилган фойда суммасидан иборат бўлади. Лизинг берувчи оладиган фойда суммаси лизинг объекти бўйича ҳисобланадиган амортизация харажатлари, таъмирлаш харажатлари, мол-мулк солиғи харажатлари, ҳамда лизинг суммасидан олинадиган ҚҚС суммаларини тўлиқ қоплаши, шунингдек, унга маълум даражада соф даромад келтириш талабига жавоб бериши лозим.

Молиявий лизинг ҳисоби

Лизинг олувчида. Лизинг олувчи молиявий лизинг бўйича қуйидагилар ҳисобини юритади:

1. Лизинг объектини лизинг шартномасида кўрсатилган қийматда балансга қабул килади:

Дебет 0310 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»
Кредит 7910 «Тўланадиган узок муддатли лизинг»

2. Йил охирида тўланадиган лизинг мажбуриятини узоқ муддатли қисмдан жорий қисмини жорий мажбуриятларга ўтказади (ҳар йили)

Дебет 7910 «Тўланадиган узоқ муддатли лизинг»

Кредит 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми»;

3. Жорий йил учун лизинг фоизи тўловини ҳисоблайди:

Дебет 9690 « Молиявий фаолият буйича бошка харажатлар»

Кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар»

4. Лизинг мажбуриятининг жорий кисми ва фоиз тўловини тўланишини ҳисобга олади:

Дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми», 6920 «Ҳисобланган фоизлар»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» ёки бошқа пул маблағлари счётлари

5. Лизингга олинган мол-мулк бўйича амортизация (эскириш) суммасини ҳисоблайди:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чикариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари», 9410 «Сотиш харажатлари», 9420 «Бошқарув харажатлари»

Кредит 0299 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар эскириши»

6. Лизинг муддати тугагач, лизинг мулкини асосий воситаларга олинишини ҳисобга олади:

Дебет 0112-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счетлари»

Кредит 0310 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»

7. Мос равишда лизинга олинган мулк бўйича ҳисобланган эскириш суммасини асосий воситалар эскириши счётларига ўтказади

Дебет 0299 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши»

Кредит 0212-0290 «Асосий воситалар эскириши ҳисоби счетлари»

8. Лизинг шартномаси тугагач, лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қайтарилса:

Дебет 0299 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши»

Дебет 7910 «Тўланадиган узоқ муддатли лизинг»

Кредит 0310 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»

Лизинг берувчида. Лизинг берувчи молиявий лизинг бўйича қуйидагилар ҳисобини юритади:

1. Лизинг объектини бошлангич қийматида балансдан чиқаради

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими»

Кредит 0100 «Асосий воситалар ҳисоби счетлари»

2.Лизинг объекти бўйича жамланган эскиришни ҳисобдан чиқаради

Дебет 0200 «Асосий воситалар эскириши ҳисоби счетлари»

Кредит 9210»Асосий воситаларнинг чиқими»

3. Лизинг бўйича дебиторлик қарзини лизинг муддати бошланган ойда ҳисобга олади

а) лизинг объектини келишилган қийматини узоқ муддатли қисмига

Дебет 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»

Кредит 9210»Асосий воситаларнинг чиқими»

б) лизинг объектини келишилган қийматини жорий йилга тегишли қисмига

Дебет 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар»

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими»

4. Лизинг объектининг келишув қиймати ва қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқини лизинг бошланган ойда келгуси йиллар даромадига, яъни бошқа муддати узайтирилган мажбуриятларига, олиб боради:

а) Жорий қисмига

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими»

Кредит 6230 « Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар»

б) Узоқ муддатли қисмига

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими»

Кредит 7230 «Бошқа муддати узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятлар»

5. Ҳар ойда молиявий лизинг бўйича ҳисобланган тўлов суммасини даромадга олади:

Дебет 6230 « Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар»

Кредит 9550 «Узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар»

6. Лизинг тўловлари келиб тушушини ҳисобга олади:

Дебет Пул маблағлари ҳисоби счётлари

Кредит 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар»

7. Ҳар йилнинг охирида молиявий лизинг бўйича муддатли дебиторлик қарзларнинг жорий қисмини жорий қарзларга ўтказади:

Дебет 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар»

Кредит 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»

Молиявий лизинг аналитик ҳисоби лизинг шартномалари бўйича (лизинг олувчилар бўйича) олиб борилади.

Оператив (жорий) ижара ҳисоби

Ижарага олувчида. Мулкни жорий ижарага олувчи оператив (жорий) ижара бўйича қуйидагиларни ҳисобини юритади:

1.Ижара шартномасига асосан ижарага олинган асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки счёт-фактура билан қабул қилиб олади ва уларнинг қийматини балансдан ташқари бўлган № 001 «Ижарага олинган асосий воситалар» счетининг кирим қисмига ёзади.

2.Ижара шартномасига мувофиқ ҳар ойда ижара тўловини ижара мулкини ишлатиш мақсадига кўра ҳисобга олади:

Дебет «Харажатлар счетлари (2010,2310,2510,3110,9400)

Кредит 6910 «Тўланадиган қисқа муддатли ижара»

3.Ўтказилган ижара тўловини ҳисобга олади:

Дебет 6910 «Тўланадиган қисқа муддатли ижара»

Кредит Пул маблағлари счётлари (5010,5110,5210,5220)

4. Ижара муддати тугагач, ижара мулки эгасига қайтарилади ва у асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки счёт-фактура билан топширилади. Топширилган асосий воситанинг қийматини балансдан ташқари бўлган № 001 «Ижарага олинган асосий воситалар» счетининг чиқим қисмига ёзади.

Ижарага берувчида. Ижара берувчи оператив (жорий) ижара бўйича қуйидагиларни ҳисобини юритади:

1. Ижарага берилган асосий воситаларни балансдан чиқармайди, лекинда уларни қийматини жорий ижарага берилган асосий воситаларни ҳисобга олишга мўлжалланган счетга ўтказади. Масалан, ишчи счётлар режасига 0191 «Жорий ижарага берилган асосий воситалар» счётини очиши мумкин.

Дебет 0191 «Жорий ижарага берилган асосий воситалар»

Кредит 0120-0190 « Асосий воситалар ҳисоби счётлари»

2. Ҳар ойда лизинг шартномасига мувофиқ ижара фоизини (тўловини) ҳисобга олади:

Дебет 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»

Кредит 9350 «Қисқа муддатли ижарадан олинган даромадлар»

3. Жорий ижара бўйича ҳисобланган ҚҚС суммасини акс эттиради

Дебет 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган ан тўловлар»

Кредит 6410»Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар

4. Ижара ҳақини келиб тушушини ҳисобга олади:

Дебет «Пул маблағлари счётлари» (501,5110,5210,5220)

Кредит 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган ан тўловлар»

5. Ижара муддати тугагач, лизингга берилган асосий воситалар қайта қабул қилинади ва эски счётлар таркибига тикланади:

Дебет 0120-0190 « Асосий воситалар ҳисоби счётлари»

Кредит 0191 «Ижарага берилган асосий воситалар»

Жорий ижаранинг аналитик ҳисоби шартномалар (ижарачилар) бўйича юритилади.

7.8. Асосий воситаларни инвентаризация қилиш ва унн натижаларининг ҳисоби

Асосий воситаларни инвентаризация қилиш ва унинг натижаларини ҳисобга олиш тартиби 5-сон БҲМС «Асосий воситалар» ва 19-сон БҲМС «Инвентаризацияни тащкил килиш ва ўтказиш»[10] билан регламентлаштирилган.

Асосий воситаларни инвентаризация қилишнинг асосий мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Мол-мулкни реал мавжудлигини аниқлаш;
- Мулкни ҳақиқий мавжуд ҳолатини ҳисоб маълумотларига мос келишлигини аниқлаш:
- Мулкни ҳисобда тўлиқ акс эттирилганлигини аниқлаш.

5-сон БҲМС «Асосий воситалар»га мувофиқ (9-§) инвентаризацияда аниқланган камомадлар айбдор шахс бўйнига қўйилади ёки айбдорларни аниқлашнинг имкони бўлмаганда корхона ҳисобидан қопланади, ортиқчалар эса бошқа операцион фаолиятга доир даромадларга олиб борилади.

Асосий воситаларнинг аниқланган камомадлари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади.

1.Кам чиқган асосий воситанинг бошлангич қиймати балансдан чиқарилганда

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими»

Кредит 0112-0199 «Асосий воситалар ҳисоби счётлари»

2.Кам чиқган асосий воситанинг жамланган эскириш суммаси ҳисобдан чиқарилганда

---

[10] Ўз. Р Молия вазирлиги томонидан 19.10.1999 й. ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган, АВ томонидан 02.11.1999 й. 833-сон билан рўйхатга олинган

Дебет 0212-0299 «Асосий воситаларни эскириши ҳисоби счётлари»

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими»

3.Кам чиқган асосий воситанинг қолдиқ қийматига

Дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари»

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими»

4. Камомад чиқишига йўл қўйган шахсга нисбатан асосий воситанинг қолдиқ қийматидан юқори қийматда жазо чораси белгиланганда ўртадаги фарқ суммасига

Дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари»

Кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар»

5. Қарз ундириб олинганда

Дебет «Пул маблағлари счетлари», 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар»

Кредит 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари»

Асосий воситалар инвентаризациясида аниқланган ортиқчалар суммасига

Дебет 0112-0199 « Асосий воситалар ҳисоби счётлари»

Кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар»

Солиқ Кодексига мувофиқ корхонанинг ялпи даромадига киритилган асосий воситаларнинг инвентаризацияда аниқланган ортиқча суммалари, шунингдек, камомадга йўл қўйганлик учун ундирилган молиявий жазо суммаси умум тасдиқланган тартибга мувофиқ солиққа тортилади.

Мавзуга онд асосий таянч атамалар

Асосий воситалар - корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб турилади моддий активлар.

Хусусий асосий воситалар – бу корхона балансига киритилган ўз асосий воситалари ва узоқ муддатга ижарага олинган (лизингга олинган) асосий воситалар.

Жорий ижарага олинган асосий воситалар – бу ўзга корхоналардан вақтинчалик (бир йилгача) пул тўлаш шарти билан ижарага фойдаланиб туриш учун олинган асосий воситалар.

Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар – бу бир йилдан кўп муддатга шартнома асосида бошқа корхоналардан ижарага олинган асосий воситалар.

Бошланғич қиймат – бу асосий воситаларнинг ҳисоб қиймати бўлиб, ўз ичига сотиб олиш баҳоси, шунингдек, ташиб келтириш, ўрнатиш, монтаж, ўргатиш, сафар, божхона харажатларини ва қўшилган қиймат солиғини олади.

Тикланган қиймат – бу асосий воситаларнинг қайта баҳолаш, кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилингандан кейинги қиймати.

Қолдиқ қиймат – бу асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ва жамланган эскириш суммаси ўртасидаги фарқи.

Сотиш қиймати – бу асосий воситаларнинг сотиш вақтида сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида келишилган шартномавий қиймат.

Капитал инвестициялар – бу янги объектларни қуришга, эски объектларни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга, шунингдек, янги асосий воситаларни сотиб олишга сарфланган маблағлар мажмуаси.

Жорий таъмирлаш – бу асосий воситаларни вақтидан олдин иш лаёқатини йўқотмаслик учун вужудга келган кичик ҳажмдаги техник бузилишлар ва лат ейишларни тузатиш бўйича доимий ва ўз вақтида ўтказилган профилактик характерга эга бўлган таъмирлаш ишлари.

Капитал таъмирлаш деганда, маълум бир вақтдан кейин (одатда, бир йилдан кейин) асосий воситаларни тўлиқ қисмларга ажратиш, керак бўлганда у ёки бу лаёқатсиз бўлиб колган қисмларни тўлиқ алмаштириш бўйича бажарилган таъмирлаш ишлари тушунилади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш – асосий воситалар тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақти-вақти билан аниқлаштиришдир.

Асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати – бу асосий воситалар бўйича корхона томонидан белгиланган фойдаланиш муддати.

Амортизация – бу асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қийматини фойдали хизмат муддати ичида янги яратилган маҳсулот (иш, хизмат) қийматига киритиш.

Эскириш – бу асосий воситанинг белгиланган меъёрлар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси.

Амортизацияланадиган қиймат – асосий воситанинг бошланғич қийматидан кўзда тутилаётган ликвидацион қийматни чегиргандан кейин қолган қиймат..

Ликвидацион қиймат – бу асосий воситаларни фойдали хизмат муддати охирида ликвидация қилиш чоғида вужудга келадиган активларнинг уларни олишга кетган ликвидация харажатлари чегириб ташлангандан кейин қолган қиймати.

Ликвидация харажатлари – асосий воситаларни бузиш учун сарфланган моддий, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ижтимоий суғурта органларига ажратмалар, турли транспорт ва бошқа хизмат харажатлари мажмуаси.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Асосий воситалар нима ва улар бухгалтерия ҳисобида қандай белгилари бўйича акс эттирилади?
2. Асосий воситалар қандай манбалардан кирим бўлади ва улар ҳисоби қандай юритилади?
3. Асосий воситалар корхонадан қандай йўллар билан чиқим қилинади ва улар ҳисоби қандай юритилади?
4. Асосий воситалар қиймати қандай қайта баҳоланади ва унинг натижалари ҳисоби қандай юритилади?
5. Асосий воситаларга амортизация қандай усулларда ҳисобланади ва эскириш ҳисоби қандай юритилади?
6. Асосий воситаларга кейинги сарфлар, уларни таъмирлаш харажатлари ҳисоби қандай юритилади?
7. Асосий воситалар бўйича лизинг (ижарар) операциялари ҳисоби қандай юритилади?

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Қуйидагиларнинг қайси бири асосий воситаларга кирмайди

а) Бинолар

б) Компьютер

в) Қўй

г) Гудвилл

2. Қўйидагиларнинг қайси бири ишлаб чиқаришга доир асосий воситага кирмайди

а) Пресслаш машинаси

б) Газ -3110
в) Саралаш машинаси
г) Генератор

3. Қуйидагиларнинг қайси бири бошланғич қийматга кирмайди ?

а) Сотиб олиш баҳоси
б) Бож тўлови
в) Директорнинг иш ҳақи
г) Ташиб келтириш харажати

4. Қуйидагиларни қайси бири туғри

а) Қолдиқ қиймат ҳисоб баҳоси ҳисобланади
б) Бошланғич қиймат ҳисоб баҳоси ҳисобланади
в) Сотиш баҳоси ҳисоб баҳоси ҳисобланади
г) Амортизация суммаси ҳисоб баҳоси ҳисобланади

5. Асосий восита сотиб олинганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади

а) Дт 0111-0190 Кт 2010
б) Дт 0111-0190 Кт 0810
в) Дт 0111-0190 Кт 0820
г) Дт 0111-0190 Кт 4710

6. Бепул келиб тушган асосий восита

а) Резерв капиталига олинади
б) Корхонанинг фойдасига олинади
в) Корхона харажатларини камайтиришга олиб борилади
г) Қўшилган капиталга олинади

7. Таъсисчилардан олинган асосий восита кирим қилинади

а) Сотиш баҳосида
б) Келишув баҳосида
в) Қолдиқ баҳосида
г) Хоҳлаган баҳода

8. Капитал инвестициялар

а) асосий воситаларнинг қийматини оширади
б) асосий воситалар қийматини оширмайди
в) таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар
г) сотиш билан боғлиқ харажатлар

9. Капитал таъмирлаш

а) асосий воситани бошланғич қийматини оширади
б) асосий воситани бошланғич қийматини оширмайди
в) номоддий активлар ҳисобланади
г) капитал инвестиция ҳисобланади

10. Асосий воситалар бўйича эскириш меъёрини ким белгилайди?

1. Вазирлар Маҳкамаси
2. Молия Вазирлиги
3. Корхона раҳбари
4. Кузатув кенгаши

11. Асосий воситалар амортизациясини хисоблашнинг қайси усули Солиқ Кодекси негизига олинган?

1. Кумулятив усул
2. Бир маромда хисоблаш усули
3. Ишлаб чикариш усули
4. Тезлаштирилган усул

12. Асосий воситаларни ликвидация қилиш натижасида олинган қурилиш материаллари қийматига?

1. Дт 1010 Кт 4710
2. Дт 1050 Кт 9210
3. Дт 1050 Кт 9310
4. Дт 1050 Кт 9220

13. Кам чиқган асосий воситалар объекти бўйича қолдиқ қийматининг хисобдан чиқарилишига қандай бухгалтерия проводкаси берилади?

1. Дт 8410 Кт 4710
2. Дт 4630 Кт 9210
3. Дт 9210 Кт 0110
4. Дт 9210 Кт 8410

14. Капитал таъмирлаш

1. Асосий воситанинг қийматини кўпайтиради
2. Асосий воситани қийматини кўпайтирмайди
3. Корхона устав капиталини оширади
4. Корхона тўлайдиган солиқни оширади

15. Молиявий лизинг – бу

1. Бир йилдан ошиқ муддатга ижарага берилган асосий воситалар
2. Бир йилгача бўлган ижара
3. Бир йилдан кўп муддатга ижарага берилган асосий воситалар
4. Молиявий қуйилмалар

VIII БОБ. НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ

8.1. Номоддий активлар ҳисобини ташкил қилиш асослари ва вазифалари

Номоддий активларнинг моҳияти, уларни баҳолаш ва ҳисобга олиш тартиби 7-сон БҲМС «Номоддий активлар»[11] билан регламентлаштирилган.

Ушбу стандартга мувофиқ **номоддий активлар** – бу корхона томонидан улардан ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун узоқ муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлари (п.4 а).

Мулк объектларини номоддий актив сифатида тан олиш учун улар қуйидаги мезонларга жавоб беришлари лозим:

- актив тушунчаси талабларини қондириши, яъни корхонанинг иқтисодий ресурси бўла олишлиги;
- баҳолаш мумкинлиги;
- аҳамиятлилиги;
- тўғрилиги;
- келгусида иқтисодий наф келтиришлиги;
- мустақил фойдаланиш мумкиндиги, яъни ишлатиш, сотиш, алмаштириш, бепул бериш, ҳисобдан алоҳида чиқариш мумкинлиги

Номоддий активларнинг характерли хусусияти шундаки, улар асосан мулк объектига нисбатан эгалик ҳуқуқи сифатида намоён бўлади. Дунё мамлакатларида энг кенг тарқалган ва номоддий актив сифатида эътироф этиладиган ҳуқуқларга қуйидагилар киради:

- **Патент, ноу-хау** – бу ишлаб чиқилган буюм, технологик жараён, фаолиятга эгалик килиш ҳуқуқи. Бундай ҳуқуқни эгалик килувчи субъектга махсус патент бериш ваколатига эга Вазирлик ёки идоралар беради.
- **Муаллифлик ҳуқуқи** – бу ёзилган китоб, яратилган мусиқа , тасвирий санъат ва бошқа асарлар учун унинг муаллифига берилган ҳуқуқ. Ушбу ҳуқуқ асарлар эгаларига уларни чоп эттириш, қайта босмага

[11] Ўз.Р Молия вазирининг 25.03.2005 й. 35-сон буйруғи билан тасдикланган,(АВ томонидан 27.06.2005 й. 1485-сон билан рўйхатга олинган

бериш, кўпайтириш, сотиш, ёздириш, ижро этиш, тақсимлаш ва шу каби бошқа ҳаракатларни қилишни ўз ичига олади.

•***Лицензия*** *–бу у ёки бу хўжалик фаолияти, хўжалик операцияси* билан шуғулланиш учун давлатнинг компетент органи томонидан берилган рухсатнома. Лицензия махсус расмий ҳужжат бўлиб, у корхонага унда кўрсатилган фаолият турини белгиланган муддат ичида амалга оширишга рухсат беради. Лицензия олиш лозим бўлган фаолият ёки операцияларнинг турлари, лицензия бериш ваколати юклатилган компетент органлар давлат томонидан белгиланади. Масалан, дори-дармон ишлаб чиқариш бўйича лицензияни Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, туристик хизматларни кқрсатиш учун лицензияни «Ўзбектуризм» ассоциацияси, аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияни Молия Вазирлиги беради. Лицензия олиш учун корхона тегишли компетент органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

•лицензия бериш тўғрисида ариза, унда фаолият тури, муддати кўрсатилади;

•корхонанинг нотариусдан тасдиқланган таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав, давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги қарор ва бошқалар);

•давлат солиқ идорасида ҳисобга олинганлик тўғрисидаги маълумотнома нусхаси;

•бошқа талаб қилинган ҳужжатлар

Лицензия берилган муддатида кучга эга бўлади. Корхонанинг тугатилиши билан лицензия ўз кучини йўқотади.

Савдо маркаси, савдо белгилари ва саноат намуналари- бу корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизмат учун берилган номлар ёхуд рамзлар, масалан «Кока-Кола», «Нексия», «Сони», «Хон» ва шу кабилар. Эгалик қилиш мақсадида ушбу савдо маркалари, савдо белгилари ва саноат намуналари давлат рўйхатидан ўтказилиши мумкин. Рўйхатдан ўтказилган белгилар, рамзлар бўйича эгалик ҳуқуқи қонун асосида ҳимояланади.

Дастурий таъминот – бу замонавий компьютерларда техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни олиб бориш бўйича яратилган дастурлар, алгоритмлар тўплами.

Франчайзлар – бу янги формула ва алгоритмларни, технологияларни, ташқи кўриниш ва белгиларни қўллаш бўйича ҳуқуқ. Ушбу ҳуқуқ франчайзга (фойдаланиш ҳуқуқини олувчи) франчайзор (фойдаланиш ҳуқуқини берувчи) томонидан махсус франчайз шартномаси асосида берилади. Масалан, кетчуп ишлаб чиқариш

технологиясидан фойдаланиш ҳуқуқини «Балтимор-Челек» қушма корхонасига «Балтимор» холдинг компаниясидан франчайз шартномаси асосида олган.

Гудвил – бу корхонанинг соф активларини сотиб олиш қиймати ва бозор қиймати (ёки ҳаққоний ҳисоб қиймати) ўртасидаги фарқ бўлиб, у фақат биринчи қиймат иккинчисидан ортиқ бўлганда вужудга келади. Масалан, сотиб олинган корхонанинг қиймати 40 млн. сўм, унинг активларининг бозор қиймати ёки ҳаққоний ҳисоб қиймати 45 млн. сўм, корхонанинг мажбуриятлари 8 млн. сўм. Бу ҳолда, сотиб олинаётган корхонанинг соф активларининг ҳаққоний (бозор) қиймати 37 млн сўм (45-8) бўлади. Ўртадаги 3 млн. сўмлик (40 –37) фарқ сотиб олувчи корхона учун гудвил ҳисобланади. Гудвил юқори нархларда сотиб олинган активларни келгусида катта даромад келтириши мумкинлиги аниқ бўлган ҳолларда самарали ҳисобланади.

Юқорида номлари ва тавсифи келтирилган номоддий активларнинг барчаси (гудвилдан ташқари) сотиш, алмаштириш, бериш объекти бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Номоддий активлар бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- номоддий активларни уларнинг моҳиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда ҳисобга олиш;
- номоддий активларни тўғри туркумлаш ва гуруҳларга ажратиш;
- номоддий активларни тўғри баҳолаш;
- номоддий активлар ҳолати ва ҳаракатини тўғри, ўз вақтида тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш;
- номоддий активлар амортизацияси (эскириши) ни белгиланган усул ва меъёрлар бўйича тўғри ҳисоблаш;
- номоддий активларни Солиқ Кодексига мувофиқ солиққа тортилишини таъминлаш;
- номоддий активлар бутлигини таъминлаш, бунинг учун уларни белгиланган муддатларда қайта рўйхатдан ўтказиш (инвентаризация қилиш), унинг натижаларини тўғри аниқлаш ва ҳисобга олиш;
- мавжуд номоддий активлардан унумли фойдаланиш, кераксиз номоддий активларни ликвидация килиш, бепул бериш ёки сотиш натижаларини тўғри ҳисобга олиш;
- номоддий активларга қилинган қўшимча харажатларни (капитал қуйилмаларни) тўғри ҳисобга олиш.

Номоддий активларни баҳолаш. Номоддий активларни баҳолашда бошланғич қиймат, тикланган қиймат, қолдиқ қиймат, амортизацияланадиган қиймат, сотиш қиймати турлари ишлатилиши мумкин (7-сон БҲМС, п. 4). Ушбу қиймат турларининг моҳияти асосий воситаларни баҳолашда қулланиладиган қиймат турларининг моҳиятига тўлиқ ўхшашдир.

Номоддий активларни ҳисобга олиш қиймати бўлиб бошланғич қиймат ҳисобланади. Ушбу қиймат номоддий активларни келиб тушиш манбаларига қараб қуйидагича аниқланади:

•таъсисчилардан устав капиталига таъсис бадали сифатида қабул қилинганда – *таъсисчиларни келишув шартномаси бўйича;*

•сотиб олинганда – *сотиб олиш баҳоси плюс барча ишлашга тайёр ҳолатга келтиришга кетган харажатларни ўз ичига олган қиймат бўйича;*

•бепул олинганда – *эксперт йўли билан аниқланган қиймат бўйича;*

•илмий тадқиқот ва изланишларнинг натижаси сифатида қабул қилинганда – *ҳақиқий таннархи бўйича.*

Тикланган қиймат номоддий активларни қайта баҳолашдан кейинги ёки қўшимча капитал қуйилмалардан кейинги вақтинчалик қиймати бўлиб, у шу санадан бошлаб бошланғич қиймат ҳисобланади.

Қолдиқ қиймат номоддий активларни жамланган эскириш суммаси чегириб ташлангандан кейинги бошланғич қиймати бўлиб, асосан уларни баланс қийматини топишда ишлатилади.

Сотиш қиймати номоддий активларни олувчи ва сотувчи ўртасидаги келишув қиймати бўлиб, у фақат сотиш натижаларини ҳисобга олишда қўлланилади.

Амортизацияланадиган қиймат бошланғич ва ликвидацион қиймат ўртасидаги фарқ бўлиб, у амортизация (эскириш) суммасини ҳисоблашда қўлланилади.

8.2. Номоддий активлар киримн ва чиқимининг ҳисоби

21- сон БҲМСда номоддий активлар ҳисобини юритиш учун актив бўлган № 0400 «Номоддий активлар ҳисоби счётлари» ва контрактив бўлган № 0500 «Номоддий активларнинг эскириши ҳисоби счётлари» тизимлари кўзда тутилган (8.1-жадвалга қаранг).

8.1-жадвал

Номоддий активлар ҳисоби учун мўлжалланган счетлар тизими

Актив счётлар		Контрактив счётлар	
0410	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау	0510	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хауларнинг амортизацияси
0420	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари	0520	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси
0430	Дастурий таъминот	0530	Дастурий таъминотнинг амортизацияси
0440	Ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи	0540	Ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқининг амортизацияси
0460	Франчайз	0560	Франчайзнинг амортизацияси
0470	Муаллифлик ҳуқуқлари	0570	Муаллифлик ҳуқуқларининг амортизацияси
0480	Гудвил		
0490	Бошқа номоддий активлар	0590	Бошқа номоддий активларнинг амортизацияси

0410-0490 «Номоддий активлар ҳисоби счётлари»нинг дебетида уларнинг бошланғич қийматини ошишига олиб келувчи операциялар (масалан, янги номоддий активларни сотиб олиниши, уларни бепул келиб тушуши, қайта баҳоланиши, инвентаризацияда аниқланган ортиқчалар), кредитида эса номоддий активларнинг бошланғич қийматини камайишига олиб келувчи операциялар (масалан, уларни сотилиши, бепул берилиши, ҳисобдан чиқарилиши, аниқланган камомадлар) қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан акс эттирилади (8.2-жадвалга қаранг).

8.2-жадвал

Номоддий активлар кирим ва чиқимининг счётларда акс эттирилиши

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1.	Номоддий активлар сотиб олинганда	0410-0490	0830	Шартномалар, счет-фактуралар
2.	Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари натижасида қабул қилинган номоддий активларнинг ҳақиқий таннархига	0410-0490	3190	Лойиҳа-смета ҳужжатлари, далолатномалар

3.	Бепул келиб тушган номоддий активларнинг эксперт йули билан белгиланган қийматига	0410-0490	8530	Шартнома, далолатнома, счет-фактура
4.	Таъсис бадали сифатида кирим килинган номоддий активларнинг келишув баҳосидаги қийматига	0410-0490	4610	Таъсис шартномаси, далолатнома, счет- фактура
5.	Инвентаризацияда аниқланган ортиқча номоддий активларнинг қийматига	0410-0490	9390	Қарор. далолатнома
6.	Номоддий активларни сотилиши ва бепул берилишида : -сотиш қийматига -ҚҚС суммасига -бошланғич қийматга -эскириш суммасига -олинган фойдага -кўрилган зарарга	 4010 9220 9220 0510-0590 9220 9430	 9220 6410 0410-0490 9220 9320 9220	Шартнома, Счет-фактура, далолатнома
7.	Номоддий активлар молиявий инвестициялар сифатида киритилганда: -келишув қийматига -бошланғич қийматга -эскириш суммасига -ҚҚС суммасига -олинган фойда суммасига	0610-0690 9220 0510-0590 9220 9220	 9220 0410-0490 9220 6410 9320	Шартнома, Счет-фактура, далолатнома
8	Гудвил корхона харажатлари эвазига ҳисобдан чиқарилганда	Харажат счёт-лари	0480	Расчет
9.	Инвентаризацияда камомад аниқланганда -бошланғич қийматга -эскириш суммасига -камомад суммасига	9220 0510-0590 470	0410-0490 9220 9220	Далолатнома, қарор

7-сон БХМС «Номоддий активлар» га мувофиқ номоддий активлар ҳар йилнинг охирида якуний ҳисобот тузиш олдидан инвентаризациядан ўтказилиши лозим. Бундан ташқари улар қайта баҳолашда, корхонада реорганизация (бирлашиш, бўлиниш) юз берганда, корхона тугатилганда инвентаризация қилинади. Номоддий активларни инвентаризациясини ўтказиш 19-сн БХМС «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш»да белгиланган тартиб бўйича амалга оширилади.

Номоддий активларнинг қиймати оширилганда инвентаризация қайдномаси маълумотлари асосда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

•*Бошланғич қиймат оширилганда*

Дебет 0410-0490 «Номоддий активлар ҳисоби счетлари»

Кредит 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

•*Бошланғич қиймат камайтирилганда*

Дебет 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

Кредит 0410-0490 «Номоддий активлар ҳисоби счетлари»

Номоддий активларнинг аналитик ҳисоби моддий жавобгар шахслар бўйича ҳар бир инвентар объектнинг коди (тартиб номери) бўйича карточкаларда ёки китобда юритилади. Ушбу карточка ва китоблар номоддий активлар келиб тушганда очилади ва уларнинг бутун фойдали хизмат муддати даври давомида сақланади.

8.3. Номоддий активлар эскиришининг ҳисоби

Номоддий активларга эскириш ҳисоблашда қуйидаги омиллар асос қилиб олинади:

- фойдали хизмат муддати;
- корхонанинг устав фаолиятининг муддати;
- номоддий активнинг жисмоний ва маънавий эскириш характери;

Фойдали хизмат муддатини ҳисоблаш мумкин бўлган номоддий активлар учун йиллик эскириш суммаси уларнинг амортизацияланадиган қийматини фойдали хизмат йиллар сонига бўлиш йўли билан топилади. Топилган суммани 12 га бўлиб, ҳар ойлик эскириш суммаси харажатлар счётларига олиб борилади.

Фойдали хизмат муддатини аниқлаш қийин бўлган номоддий активлар бўйича хизмат муддати энг кўпи билан 5 йил қилиб, лекинда корхона устав фаолияти муддатидан кўп бўлмаган муддатга, белгиланади (7-сн БХМС, 7-§).

7-сон БХМСга мувофиқ (п.46-56) номоддий активларга амортизация (эскириш) ҳисоблаш худди асосий воситалар сингари бир маромли, бажарилган иш ҳажмига пропорционал, хизмат йиллари сонлари йиғиндисига пропорционал (кумулятив) ва камайиб борувчи қолдиқ қийматдан ҳисоблаб топиш усуллари бўйича амалга оширилади. Танланган усул (усуллар) корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилган бўлиши лозим. Асосий воситалар каби номоддий активлар амортизациясини ҳисоблашда Солиқ Кодекси негизига бир маромда ҳисоблаш усули олинган, қолган усуллар бўйича ҳисоб-китобларда аниқланган меъёрдан ортиқча суммалар фойда солиғи базасига қайта қўшилади ва шу йўл билан солиққа тортилади.

Ҳар ҳисобот йили охирида номоддий активларнинг фойдали хизмат муддати қайта кўриб чиқилиши ва шунга мос равишда амортизация (эскириш) меъёри ўзгартирилиши мумкин.

Номоддий активлар бўйича амортизация (эскириш) ни ҳисобланиши уларнинг ишлатиш мақсадига кўра 0510-0590-счетларнинг кредитида ва харажатлар счетларининг (2010, 2310, 2510, 2710, 3110,9410,9420) дебетида акс эттирилади. 0510-0590 счетларнинг дебетида номоддий активларни сотилиши, бепул берилиши, ҳисобдан чиқарилиши, камомадлари ва таъсис бадали сифатида киритилиши муносабати билан уларга тўғри келадиган жамланган эскириш суммасини камайтириш акс эттирилади. Бунда 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқимлари», 0480 «Гудвил», 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётлари кредитланади.

Номоддий активлар амортизациясининг аналитик ҳисоби ҳар бир номоддий актив бўйича карточкаларда ёки китобда олиб борилади.

Мавзуга оид асосий таянч атамалар

Номоддий активлар – бу корхона томонидан улардан ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун узоқ муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлари.

Патент, ноу-хау –бу ишлаб чиқилган буюм, технологик жараён, фаолиятга эгалик қилиш ҳуқуқи.

Муаллифлик ҳуқуқи – бу ёзилган китоб, яратилган мусиқа , тасвирий санъат ва бошқа асарлар учун унинг муаллифига берилган ҳуқуқ.

Лицензия – бу у ёки бу хўжалик фаолияти, хўжалик операцияси билан шуғулланиш учун давлатнинг компетент органи томонидан берилган рухсатнома.

Савдо маркаси, савдо белгилари ва саноат намуналари – бу корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизмат учун берилган номлар ёхуд рамзлар, масалан, «Кока-Кола», «Нексия», «Сони», «Хон» ва шу кабилар..

Дастурий таъминот – бу замонавий компьютерларда техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни олиб бориш бўйича яратилган дастурлар, алгоритмлар тўплами.

Франчайзлар – бу янги формула ва алгоритмларни, технологияларни, ташқи кўриниш ва белгиларни қуллаш бўйича ҳуқуқ.

Гудвил – бу корхонанинг соф активларини сотиб олиш қиймати ва бозор қиймати (ёки ҳаққоний ҳисоб қиймати) ўртасидаги фарқ .

Ташкилий харажатлар – бу корхона таъсисчиларининг уни ташкил этиш бўйича сарфлаган харажатлари, масалан, корхонани таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш, давлат рўйхатидан ўтқазиш, муҳр ва штампни тайерлаш, банкдаги ҳисоб рақамини очиш ва бошка шу каби ташкилий ишларга сарфланган харажатлар.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Номоддий активлар нима ва улар бухгалтерия ҳисобида қандай белгилари бўйича акс эттирилади?
2. Номоддий активлар қандай манбалардан кирим бўлади ва улар ҳисоби қандай юритилади?
3. Номоддий активлар корхонадан қандай йўллар билан чиқим қилинади ва улар ҳисоби қандай юритилади?
4. Номоддий активлар қиймати қандай қайта баҳоланади ва унинг натижалари ҳисоби қандай юритилади?
5. Номоддий активларга амортизация қандай усулларда ҳисобланади ва эскириш ҳисоби қандай юритилади?

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Қуйидагиларнинг қайси бири номоддий активларга кирмайди?

а) Бинолар
б) Гудвил
в) Муаллифлик ҳуқуқи
г) Франшизалар

2. Қуйидагиларнинг қайси бири ишлаб чиқаришга доир номоддий активларга кирмайди?

а) Франшизалар

б) Патент

в) «1-С « бухгалтерия дастури

г) Ишлаб чиқаришга доир лицензия

3. Бепул келиб тушган номоддий актив

а) Резерв капиталига олинади

б) Корхонанинг фойдасига олинади

в) Корхона харажатларини камайтиришга олиб борилади

г) Қўшилган капиталга олинади

4. Таъсисчилардан олинган номоддий активлар кирим қилинади

а) Сотиш баҳосида

б) Келишув баҳосида

в) Қолдиқ баҳосида

г) Хоҳлаган баҳода

5. Капитал инвестициялар

а) номоддий активнинг қийматини оширади

б) номоддий активнинг қийматини оширмайди

в) таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар

г) сотиш билан боғлиқ харажатлар

6. Номоддий активлар устав капиталига иштирокчиларнинг улуши сифатида киритилганда кандай бухгалтерия ёзуви килинади?

1. Дт 0410-0490 Кт 4710
2. Дт 0410-0490 Кт 5110
3. Дт 0410 Кт 8510
4. Дт 0410 Кт 4810

7. Номоддий активлар қачон ва қайси муддатларда инвентаризация қилинади?

1. Ҳар ойнинг охирида
2. Ҳар йилнинг охирида
3. Ҳар чоракнинг бошида
4. Ҳар чоракнинг охирида

IX БОБ. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ

9.1. Инвестициялар моҳияти ва улар ҳисобининг вазифалари

Инвестициялар – бу корхонанинг бошқа корхоналарга уларнинг кувватини ошириш ва бунинг эвазига келгусида ўзи ҳам моддий наф кўриш, қўшимча даромад олиш мақсадида киритган маблағлари.

Инвестициялар турлича белгиларига қараб таснифланади.Чунончи, *муддатига кўра* улар узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларга бўлинади. Республикамизнинг 12-сон БҲМС «Молиявий инвестициялар ҳисоби»га мувофиқ **узоқ муддатли инвестициялар** деганда 12 ойдан кўп муддатга киритилган маблағлар тушунилади. Ушбу муддатдан кам вақтга киритилган маблағлар **қисқа муддатли инвестициялар** деб аталади.

Киритилиш йўналишига кўра молиявий инвестициялар хўжалик юритувчи субъектларнинг турлари бўйича алоҳида гуруҳларга ажратилади. Жумладан, узоқ ва қисқа муддатли молиявий инвестициялар ушбу белгисига кўра қўйидаги гуруҳларга ажратилади:

- Акционерлик жамиятларига киритилган молиявий инвестициялар;
- Банкларга киритилган молиявий инвестициялар;
- Шўъба корхоналарга киритилган молиявий инвестициялар;
- Қўшма корхоналарга киритилган молиявий инвестициялар;
- Қарам жамиятларга киритилган молиявий инвестициялар;
- Бошқа турдаги корхоналарга киритилган молиявий инвестициялар.

Кўриниши бўйича барча молиявий инвестицияларни қўйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

- Қимматли қоғозларга киритилган инвестициялар;
- Қарз сифатида киритилган инвестициялар;
- Кредит сифатида киритилган молиявий инвестициялар;
- Таъсис бадали сифатида киритилган инвестициялар.

Қимматли қоғозларга киритилган инвестициялар деганда очиқ акционерлик жамиятлари ва акционерлик тижорат банкларини чиқарган акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларга тенглаштирилган эквивалентларни сотиб олишга сарфланган маблағлар тушунилади. Сотиб олинган акциялар корхонага дивиденд кўринишида даромад келтиради, шунингдек, улар корхонага акционерлик жамияти йиғилишларида овоз бериш ҳуқуқини ҳам беради. Қимматли қоғозларга

тенглаштирилган эквивалентларга облигациялар, векселлар, депозит сертификатлари киради. Бу турдаги молиявий инвестициялар, асосан, қисқа муддатли бўлиб, улар корхонага фоиз кўринишида даромад келтиради.

Корхона ихтиёридаги барча қимматли қоғозлар биргаликда корхонанинг **инвестицион портфелини** ташкил этади.

Қарз ва кредит сифатида киритилган инвестициялар деганда, корхоналарга молиявий ёрдам бериш мақсадида берилган маблағлар тушунилади. Бу гуруҳ инвестициялар имтиёзли ва имтиёзсиз бўлиши мумкин. Имтиёзли инвестициялар деганда, устама фоизсиз ёки имтиёзли (кичик миқдорли) фоизлар асосида берилган қарз ва кредитлар тушунилади. Имтиёзсиз инвестициялар деганда маълум муддатга келишилган фоизлар асосида берилган қарз ва кредитлар тушунилади. Шундай қилиб, қарз ва кредит сифатида киритилган инвестициялар корхоналарга фоизлар кўринишида даромад келтиради ёки даромад келтирмайди.

Таъсис бадали сифатида киритилган инвестициялар деганда, корхонанинг янги ташкил этилган бошқа корхоналарнинг устав капиталига маблағ киритиши тушунилади. Корхоналар таъсис бадали сифатида маблағларни шўъба корхоналарга, қўшма корхоналарга, уюшган корхоналарга, қарам жамиятларга ва бошқа турдаги корхоналарга киритишлари мумкин. Бу гуруҳ инвестициялар корхоналарга таъсис этилган бошқа корхоналар фойдасидан улуш олиш кўринишида даромад келтиради.

Киритилган маблағларнинг турига кўра молиявий инвестицияларни қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- Узоқ муддатли активлар билан киритилган молиявий инвестициялар;
- Қисқа муддатли активлар билан киритилган молиявий инвестициялар.

Узоқ муддатли активлар ҳисобланган асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган капитал қўйилмалар, қимматли қоғозлар қарз ва кредит сифатида, таъсис бадали сифатида турли мулк ва шаклдаги бошқа корхоналарга инвестиция тарзида киритилиши мумкин. Қисқа муддатли активлардан қимматли қоғозларга асосан пул маблағлари киритилади. Қарз ва кредит, шунингдек, таъсис бадали сифатида қисқа муддатли активларнинг дебиторлик қарзларидан ташқари барча турлари киритилиши мумкин.

Инвестицияларнинг барчасига тааллуқли умумий хусусиятлар мавжуд. Уларнинг асосийларига қўйидагиларни киритиш мумкин.

1. Мақсадлилик – барча инвестициялар аниқ мақсад билан киритилади.

2. Қайтарилишлик – барча инвестициялар шартнома муддати тугагач корхонага қайтарилади.

3. Тўловлилик – барча инвестициялар учун шартномага мувофиқ уларни олган хўжалик субъекти тўлов мажбуриятини олади. Тўлов мажбурияти фақат айрим ҳолларда шартнома асосида бўлмаслиги мумкин ва бу, одатда, ночор корхонага молиявий ёрдам бергандагина вужудга келади.

4. Самарали фойдаланиш – инвестор берган маблағларини олган хўжалик субъекти томонидан самарали фойдаланилаётганлигини шартнома асосида назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

5. Сотиш объекти – қисқа муддатли молиявий инвестициялар 1 йил ичида тез ва эркин сотиладиган активлар ҳисобланади, узоқ муддатли инвестициялар эса эркин сотилмайдиган активлар ҳисобланади.

Инвестициялар бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- инвестицияларни уларнинг моҳиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда ҳисобга олиш;
- инвестицияларни тўғри баҳолаш ва қайта баҳолаш;
- инвестициялар ҳолати ва ҳаракатини тўғри, ўз вақтида тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш;
- инвестициялар бўйича даромадларни ҳисоблаш тамойилига мувофиқ счетларда акс эттириш;
- инвестициялардан олинган даромадларни Солиқ Кодексига мувофиқ солиққа тортилишини таъминлаш.

9.2. Инвестицияларни баҳолаш ва қайта баҳолаш

Инвестицияларнинг ҳар бир турини баҳолаш ва қайта баҳолаш ўзига хос хусусиятларга эга.

Қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларни баҳолашда иккита сана муҳим рол ўйнайди:

- *Сотиб олиш санаси*
- *Кейинги саналар*

Сотиб олиш санаси деганда, қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларни сотиб олиш, яъни уларни қабул қилиб олиш санаси тушунилади.

12-сон БҲМС «Молиявий инвестициялар ҳисоби»га мувофиқ сотиб олиш санасида қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий

инвестициялар **сотиб олиш қийматида** тан олиниши ва ҳисоботда акс эттирилиши лозим.

Қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларнинг **сотиб олиш қиймати** деганда, уларни сотиб олиш баҳоси сотиб олишга кетган харажатлар билан биргаликда олинган қиймати тушунилади. Сотиб олишга кетган харажатларга брокерлик конторалариға тўланган ҳақлар, бож тўлови, банк хизмати ҳақлари ва бошқа сотиб олишга доир харажатлар киради. Сотиб олиш қиймати қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларнинг **бошланғич қийматини** ёки **баланс қийматини** ташкил қилади.

Агар сотиб олиш санасида сотиб олиш қийматига маълум санагача бўлган давр учун ҳисобланган дивидендлар ва фоизлар ҳиссаси киритилган бўлса, қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициянинг баланс қиймати ўтказиб берилган суммадан сотувчи томонидан бўнак сифатида тўланган фоиз ва дивидендлар суммасини чегиришдан кейин қолган қийматда акс эттирилиши лозим. Чунки сотиб олиш вақтида олинган сумма ва сотиб олиш қиймати ўртасидаги фарқ инвесторнинг инвестицияга киритган маблағлари учун аванс тариқасида олган даромади ҳисобланади. Бу аванс сумма инвестицияни сотиб олишдан то қайтарилганича бўлган даврда инвестор томонидан доимий даромад сифатида бир маромда ҳисобдан чиқарилиб бориши керак.

Кейинги саналар деганда, сотиб олингандан кейинги баланс саналари тушунилади. Ушбу саналарда қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялар балансда турли қийматда баҳоланиши мумкин. Жумладан, 12-сон БҲМСнинг 15- пунктига мувофиқ қимматли қоғозларга йўналтирилган узоқ муддатли молиявий инвестициялар қўйидаги баҳолардан бири бўйича акс эттирилиши керак:

- **Бозор қийматида ;**
- **Сотиб олиш қийматида;**
- **Бозор ва сотиб олиш қийматларидан энг кичигида;**
- **Қайта баҳоланган қийматда**

12-сон БҲМСнинг 13-моддасига мувофиқ қимматли қоғозларга йўналтирилган қисқа муддатли инвестициялар балансда **бозор қийматида** ёки **бозор ва сотиб олиш қийматларининг энг кичик қийматида** акс эттирилиши керак. Агар улар бозор ва сотиб олиш қийматларининг энг кичик қийматида ҳисобга олинган бўлса, уларнинг баланс қиймати қимматли қоғозлар портфелининг жами инвестиция қиймати, ёки қимматли қоғозларнинг гуруҳлари бўйича қиймати, ёки

қимматли қоғозларнинг алоҳида номлари бўйича қийматига асосланиб топилади.

Қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларнинг **бозор қиймати** деганда уларнинг молия бозорида сотиш вақтида намоён бўлган **сотиш қиймати** тушунилади. Бозор қийматини, бошқачасига, **ҳаққоний қиймат** деб ҳам атайдилар. Бу қиймат кўп омилларга боғлиқ, жумладан, акционерлик жамияти ёки тижорат банкининг фойдалилик даражасига, тўланаётган дивидендларнинг миқдорига, уларнинг келажакдаги обру-эътиборига ва бошқа омилларга.

Қиймат тамойилига мувофиқ қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялар бошқа активлар сингари кейинги саналарда юқорида келтирилган қийматларнинг энг кичик миқдорида балансда акс эттирилиши лозим. Ушбу қийматда узоқ муддатли қимматли қоғозлар балансда инвестиция портфели методига асосланиб акс эттирилади. Қисқа муддатли қимматли қоғозлар уларнинг бозор ва сотиб олиш қийматларининг энг кичик қийматида ҳисобга олинган бўлса, балансда қимматли қоғозлар портфелининг жами инвестиция қийматига, ёки қимматли қоғозлар гуруҳлари бўйича қийматига, ёки қимматли қоғозларнинг алоҳида номлари бўйича қийматига асосланиб акс эттирилади.

Кейинги саналарда бозор қиймати сотиб олиш қийматидан паст бўлса қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларнинг сотиб олиш қиймати бозор қиймати даражасигача етказилиши ва балансда шу қиймат билан акс эттилиши керак. Агар сотиб олиш қиймати бозор қийматидан паст бўлса, у ҳолда қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларнинг қиймати балансда ўзгаришсиз қолдирилиши лозим. Ҳозирги вақтда амалиётда бу тамойилга тўлиқ амал қилинаётган эмас. Корхоналар балансида сотиб олинган қимматли қоғозлар, жумладан, акциялар, асосан сотиб олиш қийматида (номинал қийматда) акс эттирилмоқда. Бозор қийматини ўзгариши, яъни уни сотиб олиш қийматидан паст ёки юқори бўлиши, уларнинг ичидан энг қуйи миқдорини ифодаловчи қиймати балансда акс эттирилмасдан қолмоқда. Бу ҳолнинг мавжудлигига сабаблардан бири бўлиб, корхоналарнинг ҳисоб сиёсатида қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларнинг кейинги саналарда қийматини кўриб чиқилиши тартибини аниқ белгиланмаганлиги ҳисобланади.

1-сон БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва моливий ҳисобот»га мувофиқ корхоналар ўзларининг ҳисоб сиёсатларида қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялари бўйича қуйидагиларни аниқ белгилаб олишлари даркор.

1.Қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларни кейинги саналарда баҳолаш турини

2.Қайта баҳолашга асос бўлган ҳисоб усулини

3.Қайта баҳолашни қимматли қоғозларнинг номлари, гуруҳлари ёки инвестиция портфели бўйича даврийлигини.

Қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларни кейинги саналарда баҳолаш улар қийматини ҳаққонийлигини таъминлаш учун зарур ҳисобланади, шунинг учун ҳам уларнинг қийматини қайта баҳолаш зарурияти туғилади.

12-сон БҲМС «Молиявий инвестицияларнинг ҳисоби» қимматли қоғозлар қийматини қайта баҳолашни қуйидаги учта усуллардан *бири* бўйича амалга оширишни тақозо этади:

•Қимматли қоғозлар номлари бўйича;

•Қимматли қоғозлар гуруҳлари бўйича;

•Тўлиқ инвестиция портфели бўйича.

Биринчи усулда қайта баҳолаш ҳар бир қимматли қоғоз бўйича *индивидуал тарзда амалга оширилади, яъни унинг сотиб олиш ва бозор* (ҳаққоний) қийматларидан қайси бири кичик бўлса, ўша қиймат қайта баҳолаш қиймати сифатида танлаб олинади ва шу қийматда у қайта баҳоланган санага тузилган балансда акс эттирилади. Қайта баҳолаш натижасида ҳар бир акция бўйича оширилган ёки камайтирилган қиймат суммаси топилади. Ўртадаги фарқ қимматли қоғозларнинг баланс қийматини ошишига ёки камайишига олиб келади. Оширилган қиймат қайта баҳолашдан олинган даромад сифатида хусусий капитални кўпайишига олиб борилади. Пасайтирилган қиймат эса корхонанинг харажати сифатида тан олинади ва у молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботга киритилади.

Иккинчи усулда қайта баҳолаш қимматли қоғозларнинг гуруҳлари бўйича амалга оширилади. Гуруҳ сифатида, одатда, маълум бир корхона (масалан, акционерлик жамияти, акционерлик тижорат банки) ҳисобланади. Ушбу усулда гуруҳга кирган қимматли қоғозларнинг сотиб олиш ва бозор қийматлари ичидан энг кичиги танлаб олиниб, шу қийматда гуруҳга кирган барча қимматли қоғозларнинг қайта баҳоланган қийматдаги суммаси топилади. Қайта баҳолаш натижасида ҳар бир гуруҳ бўйича қимматли қоғозларнинг оширилган ва камайтирилган қиймат суммалари топилади. Барча гуруҳлар бўйича биргаликда топилган суммалар ўртасидаги фарқ жами қимматли қоғозларнинг баланс қийматини ошишига ёки камайишига олиб келади. Оширилган қиймат, худди биринчи усулдагидек, қайта баҳолашдан олинган даромад

сифатида хусусий капиталга киритилади, пасайтирилган қиймат эса-корхона харажати сифатида тан олинади ва ҳисоботда акс эттирилади.

Учинчи усулда қайта баҳолаш жами инвестиция портфели бўйича амалга оширилади. Ушбу усулда гуруҳлар бўйича қайта баҳолаш натижасида оширилган қиймат суммаси хусусий капитал суммасига киритилади, пасайтирилган қиймат суммаси харажатларга олиб борилади, ўртадаги фарқ, агар ижобий бўлса инвестицияларни купайишига, агар салбий бўлса инвестицияларни камайишига олиб борилади.

Қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларни қайта баҳолаш усуллари фарқини қуйидаги шартли материаллар асосида кўриб чиқамиз (9.1-жадвал).

9.1-жадвал

«Тонг» АЖнинг қимматли қоғозларга инвестициялари

Корхона	Акция сони	Акциянинг сотиб олиш қиймати	Акция-нинг бозор қиймати	Сотиб олиш қиймати суммаси	Бозор қиймати суммаси	Бозор қийматини ошиши ва пасайиши
Савдогарбанк	10	5000	5200	50000	52000	2000
Савдогарбанк	20	6000	5200	120000	104000	-16000
«Сухроб» АЖ	100	1000	800	100000	80000	-20000
«Сухроб» А Ж	50	1200	800	60000	40000	-20000
Жами				**330000**	**276000**	**-54000**

Ушбу шартли маълумотлар асосида қайта баҳоланган молиявий инвестицияларнинг баланс қиймати юқоридаги учта усулларда қуйидагича бўлади (9.2-жадвалга қаранг).

9.2-жадвал

«Тонг» АЖ қимматли қоғозлари баланс қиймати

Усул	Сотиб олиш қиймати бўйича	Бозор қиймати бўйича	Сотиб олиш ва бозор қийматидан энг кичиги бўйича	Фарқ (=,-)
1- усул	330000	276000	274000	-56000
2-усул	330000	276000	270000	-60000
3-усул	330000	276000	276000	-54000

Кўриниб турибдики, 1-усулда акционерлик жамиятининг қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларининг сотиб олиш ва бозор қийматларидан энг кичиги бўйича қайта баҳоланган қиймати

274000 сўмни ташкил этади, яъни сотиб олиш қийматига нисбатан уларнинг қадри 56000 сўмга тушиб кетган. Ҳисобот йили охирида ушбу усул бўйича қимматли қоғозлар қайта баҳоланганда, уларнинг қиймати балансда 274000 сўм этиб белгиланади ва ўртадаги фарқ, яъни 56000 сўмлик зарар, резерв капитали ҳисобидан қопланади. Агар резерв капитали ушбу мақсад учун шаклланмаган бўлса, у ҳолда ушбу сумма корхона зарарига олиб борилади.

Агар корхона қимматли қоғозларни қайта баҳолашнинг иккинчи усулини танлаган бўлса, у ҳолда қимматли қоғозлар қадрини пасайиши натижасида 60000 сўмлик зарар кўрилган бўлади ва ҳисобот йили охирида уларнинг баланс қиймати 270000 сум миқдорида балансда акс эттирилади. Кўрилган зарар, худди 1-усулдагидек, резерв капитали ҳисобидан қопланади ёки корхона зарарига олиб борилади.

Агар корхона қимматли қоғозларни қайта баҳолашнинг 3- усулини қўллаётган бўлса, у ҳолда ҳисобот йили охирига қимматли қоғозларнинг қиймати 330000 сўмдан 276000 сўмга туширилади, ўртадаги фарқ, яъни 54000 сўм, резерв капитали ҳисобидан қопланади ёки бундай резерв капитали бўлмаса корхона зарарига олиб борилади.

Қарз ва кредит сифатида киритилган инвестицияларни баҳолаш. Қарз ва кредит сифатида киритилган инвестицияларни баҳолаш уларнинг бериш санасидаги ҳисоб қиймати бўйича амалга оширилади. Ҳисоб қиймати инвестицияга киритилган активнинг турига боғлиқ бўлади.

Жумладан, қисқа ва узоқ муддатга инвестицияга киритилган асосий воситалар ва номоддий активлар балансда уларнинг бошланғич қиймати бўйича баҳоланади. Бу активларни бошланғич қийматдан юқори баҳоланиб инвестицияга киритилиши корхонага қўшимча даромад келтириши мумкин ва аксинча, паст қилиб киритилиши корхонага зарар келтириши мумкин. Лекин ҳар иккала ҳолда ҳам инвестициянинг баланс қиймати ушбу активлар бўйича бошланғич қийматга тенг бўлиши зарур. Инвестиция муддати тугагач бу турдаги активлар бошланғич қийматида мос счётлар таркибига тикланади.

Қарз ва кредит сифатида инвестицияга киритилган товар-моддий заҳиралар уларнинг баланс қийматида, яъни таннархи бўйича балансда акс этиши лозим. Ушбу қийматдан четланиш (паст ёки юқори) корхонага, худди узоқ муддатли активлар сингари, мос равишда зарар еки қўшимча даромад келтиради. Моддий заҳираларни қайтарилиши ҳам мос счетларга баланс қийматида, яъни таннархи бўйича тикланади.

Пул маблағларини қарз ва кредит сифатида инвестицияга киритилиши уларнинг берилган суммадаги миқдорида баҳоланади ва ўша миқдорда қайтарилгач мос счетларга тикланади.

Қарз ва кредит шартномасига мувофиқ қарз ва кредит сифатида киритилган инвестициялар қайта баҳоланиши ҳам мумкин. Қайта баҳолаш инвестицияга киритилган асосий воситалар ва моддий активларнинг бошланғич қийматлари ҳукумат қарорлари ёки корхонанинг мулкини бошқа мулк шаклига айланиши муносабати билан мутассади ташкилот қарори билан ўзгартирилганда амалга оширилади. Бундай ҳолда инвестор инвестицияга киритган узоқ муддатли активларининг баланс қийматини ўзгартиради ва ўша қийматда кейинги саналарда уларни балансда акс эттиради. Қайта баҳолаш товар-моддий заҳираларга ҳам тааллуқли бўлиб, уларнинг баланс қийматини ўзгариши инвестиция қийматини ҳам ўзгаришига олиб келади. Қарз ва кредит сифатида инвестицияга киритилган активларнинг қайта баҳоланиши шартнома шартларига мувофиқ инвесторнинг оладиган даромадига таъсир қилиши ҳам, таъсир қилмаслиги ҳам мумкин.

Активларни қарз ва кредит сифатида инвестицияга киритувчи корхоналар ўзларининг ҳисоб сиёсатларида баҳолаш ва қайта баҳолаш тартибларини, уларни корхона даромад ва харажатларига таъсирини , шунингдек, қайта баҳолаш натижаларини счетларда акс эттириш усулларини очиб беришлари лозим.

Таъсис бадали сифатида киритилган инвестицияларни баҳолаш қарз ва кредит сифатида киритилган инвестицияларни юқорида келтирилган тартибига тўлиқ ўхшашдир.

Таъсис бадали сифатида киритилган инвестицияларнинг қайта баҳоланиши, маълумки таъсис бадали суммасини ошишига ва бу ўз навбатида ундан олинадиган таъсисчиларнинг фойдаси ҳиссасини ўзгаришига олиб келиши мумкин. Шунинг учун таъсис бадали сифатида киритилган инвестицияларнинг қайта баҳоланган қиймати давлат регистрациясидан қайта ўтиши лозим ва фақат шу асосда тан олиниши, шунингдек, балансда акс эттирилиши лозим.

9.3. Инвестицияларнинг синтетик ва аналитик ҳисоби

21-сон БҲМСга мувофиқ узоқ муддатли инвестицияларнинг ҳисобини юритиш учун махсус 0600 «Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби счётлари» тизимида қуйидаги счётлар кўзда тутилган:

- 0610 «Қимматли когозлар»
- 0620 «Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар»

•0630 «Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар»

•0640 «Чет эл капиталига эга корхоналарга инвестициялар»

•0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар»

0610 «Қимматли қоғозлар» счёти корхоналарнинг акция ва бошқа кимматли қоғозларни сотиб олишга йўналтирган узоқ муддатли инвестицияларини ҳисобини юритишга мўлжалланган. Ушбу счётнинг дебетида акция ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиниши акс эттирилади, счётнинг дебет қолдиғи эса сотиб олинган қимматли қоғозларнинг қийматини кўрсатади. Счётнинг кредит томонида акция ва бошқа кимматли қоғозларнинг корхона балансидан чиқиб кетиши, яъни уларни камайиши, акс эттирилади. Акция ва бошқа қимматли қоғозларнинг ҳисоби 0610- счётда уларнинг номинал қийматида юритилади.

0620 «Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» счёти ўз ихтиёрида шўъба хўжалик жамиятларига эга бўлган корхоналарда қўулланилади ва улар ушбу счётда шўъба хўжалик жамиятларига киритган инвестицияларини ҳисобини олиб борадилар.

Шўъба хўжалик жамияти деб инвестор томонидан тўлиқ назорат қилинадиган корхона тушунилади. Бу турдаги инвестициялар бўлиб шўъба хўжалик жамиятларининг чикарган акцияларини сотиб олиш олишга йуналтирилган маблағлар, уларга таъсис бадали сифатида киритилган, қарз ёки кредит сифатида берилган маблағлар хисобланади.

0630 «Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар» счёти корхоналарнинг қарам хўжалик жамиятларига киритилган маблағларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Бунда **қарам хўжалик жамияти** деганда маблағ киритган инвестор катта таъсирга эга бўлган, лекинда унинг шўъба хўжалик жамияти ёки қўшма корхонаси бўлмаган корхона тушунилади.

Катта таъсир – бу корхонанинг сиёсатини назорат қилмасдан унинг молиявий ва ишлаб чиқариш бўйича фаолиятига доир қарорларни қабул қилишда қатнашиш ҳуқуқидир. Катта таъсирни мавжуд бўлиши инвесторнинг қуйидаги ҳуқуқлари оркали намоён бўлади :

•Директорлар кенгашида аъзоликни ёки шунга тенглаштирилган бошқарув органидаги вакилликни борлиги;

•Корхона сиёсатини ишлаб чиқишда қатнашиш;

•Инвестор ва қарам жамият ўртасида фойдани келишиб тақсимлаш ва бошқа молиявий муносабатларни мавжуд бўлиши;

•Бошқарув ходимларини алмаштиришда иштирок этиш;

•Техник-иқтисодий ахборотлар билан таъминлаш.

Агар инвесторнинг киритган маблағи қарам хўжалик жамиятининг жами капиталида 20% дан кўп ҳиссани ташкил этса ва шу миқдордан ортиқ овозга эга бўлса, у ҳолда унинг қарам хўжалик жамиятига таъсири катта ҳисобланади.

0640 «Чет эл капиталига эга корхоналарга инвестициялар» счёти кушма корхоналарга инвестициялар киритган корхоналар томонидан қўлланилади. Ушбу счётда қўшма корхонага таъсис бадали, қарз ёки кредит сифатида киритилган маблағлар акс эттирилади.

0690 «Бошка узок муддатли инвестициялар» счётида корхоналарнинг давлат корхоналарига, хайрия ёки экологик жамиятларга келгусида моддий манфаат олиш мақсадида киритган маблағлари акс эттирилади.

Узок муддатли молиявий инвестицияларга доир операциялар 0610-0690 счётларнинг дебети ва кредитида куйидаги бухгалтерия ўтказмалари билан акс эттирилади (9.3.-жадвалга қаранг).

9.3-жадвал

Инвестициялар киритилиши, қайтарилиши, ҳисобдан чиқарилиши, уларга доир фойда ва зарарларнинг счётларда акс эттирилиши

Т/б №	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1.	Узок муддатли инвестицияларни пул маблағлари билан киритиш (акция ва бошка кимматли коғозларни сотиб олиш, таъсис бадали, қарз ва кредит бериш)	0610-0690	Пул маблағ-лари счетлари	Шартнома, касса ва банк ҳужжатлари
2.	Узоқ муддатли инвестицияларни бепул (қайтариб бермаслик шарти билан) олиш	0610	8530	Шартнома, касса ва банк ҳужжатлари
3.	Қисқа муддатли инвестицияларни узоқ муддатли инвестицияларга ўтказиш	0610-0690	5810-5890	Шартнома, далолатнома
4.	Узок муддатли инвестицияларни қисқа муддатли инвестицияларга ўтқазиш	5810-5890	0610-0690	Шартнома, далолатнома
5.	Асосий воситаларни узоқ муддатли инвестиция сифатида киритиш	0610-0690 (9210	9210 0110-0190)	Шартнома Счет-фактура, далолатнома,
6.	Бошқа активларни узоқ муддали инвестиция сифатида киритиш	0610-0690 (9220	9220 04,10,12 ва бош-қалар	Шартнома, счет-фактура, далолатнома

7.	Сотиб олиш ва номинал киймат ўртасидаги фарк (камига) (кўпига)	0610 9620	9560 0610	Шартнома, гувоҳнома, счет –фактура
8.	Инвестиция буйича валюта курслари фаркига А) Қийматга киритилганда Қийматдан чегирилганда Б) молиявий натижага олиб борилганда Ижобий суммага Салбий суммага	 0610 9690 0610 9690	 9560 0610 9560 0610	Курсни узгариши тугрисидаги млумотнома
9.	Инвестицияларни сотилиши	9220 50,51,52	0610-0690 9220	Далолатнома. касса ва банк ҳужжатлари
10.	Қимматли қоғозларнинг камомади	4730	0610	Далолатнома, таққослаш қайдномаси
11.	Инвестицияларни ҳисобдан чиқариш	9430 9220	9220 0610-0690	Қарор, далолатнома, шартнома
12.	Молиявий инвестициялардан ҳисобланган даромадларга: - фоизларга -дивидендларга	 4830 4840	 9530 9520	Авизо-хабар, хат, расчет

Инвестицияларнинг аналитик ҳисоби корхоналар бўйича инвестициянинг турларига кўра олиб борилади.

Инвестицияларни инвентаризация килиш 19-сон БҲМС «Инвентаризацияни ташкил килиш ва ўтказиш» га мувофиқ (п.3.32-3.36) олиб борилади. Инвентаризацияда аникланган ортиқчалар корхона даромадига, камомадлар эса айбдор шахслар бўйнига олиб борилади.

Мавзуга оид асосий таянч атамалар

Инвестициялар – бу корхонанинг бошка корхоналарга уларнинг кувватини ошириш ва бунинг эвазига келгусида ўзи ҳам моддий наф кўриш, қўшимча даромад олиш мақсадида киритган маблағлари.

Узоқ муддатли инвестициялар – бу 12 ойдан кўп муддатга киритилган маблағлар.

Қиска муддатли инвестициялар – бу 12 ойдан кам бўлган муддатга киритилган маблағлар.

Қимматли қоғозларга киритилган инвестициялар – очиқ акционерлик жамиятлари ва акционерлик тижорат банкларини чиқарган

акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларга тенглаштирилган эквивалентларни сотиб олишга сарфланган маблағлар.

Инвестицион портфел – бу корхона ихтиёридаги барча қимматли қоғозлар мажмуаси.

Қарз ва кредит сифатида киритилган инвестициялар деганда, корхоналарга молиявий ёрдам бериш мақсадида берилган маблағлар тушунилади.

Таъсис бадали сифатида киритилган инвестициялар деганда, корхонанинг янги ташкил этилган бошқа корхоналарнинг устав капиталига маблағ киритиши тушунилади.

Сотиб олиш санаси деганда қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларни сотиб олиш, яъни уларни қабул қилиб олиш санаси тушунилади.

Кейинги саналар деганда, сотиб олингандан кейинги баланс саналари тушунилади.

Қимматли қоғозларга йуналтирилган инвестицияларнинг бозор қиймати **деганда уларнинг молия бозорида сотиш вақтида намоён бўлган** сотиш қиймати **тушунилади.**

Қарам хўжалик жамияти деганда маблағ киритган инвестор катта таъсирга эга бўлган, лекинда унинг шўъба хўжалик жамияти ёки қўшма корхонаси бўлмаган корхона тушунилади.

Катта таъсир – бу корхонанинг сиёсатини назорат қилмасдан унинг молиявий ва ишлаб чиқариш бўйича фаолиятига доир қарорларни қабул қилишда қатнашиш ҳуқуқидир.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Инвестициялар нима ва улар бухгалтерия ҳисобида қандай белгилари бўйича акс эттирилади?
2. Инвестициялар қандай манбалардан кирим бўлади ва улар ҳисоби қандай юритилади?
3. Инвестициялар қандай йўллар билан чиқим қилинади ва улар ҳисоби қандай юритилади?
4. Инвестициялар қиймати қандай қайта баҳоланади ва унинг натижалари ҳисоби қандай юритилади?

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. *Инвестицияга киради*

а) Корхонанинг номоддий активлари

б) Корхонанинг бир йилдан кўп хизмат қиладиган моддий активлари

в) Корхонанинг капитал сарфлари

г) Корхонанинг молиявий қуйилмалари

2. Қуйидагиларнинг қайси бири инвестицияларга кирмайди

а) олинган кредитлар б) берилган кредитлар

в) акциялар г) таъсис бадали

3. Қуйидагиларнинг қайси бири таъсис бадали сифатида киритиладиган инвестицияларга кирмайди?

а) Киритилган станок

б) Берилган Газ -3110

в) Берилган кредит

г) Ўтказиб берилган пул маблағлари

4. Қуйидагиларнинг қайси бири акциянинг номинал қийматини ташкил қилади ?

а) Акциянинг сотиш бахоси

б) Акциянинг типографик усулда ёзилган қиймати

в) Ҳисобланган дивиденд суммаси

г) Тўланган дивиденд суммаси

5. Қуйидагиларни қайси бири тўғри

а) Молиявий инвестициялар қайтарилмайди

б) Молиявий инвестициялар қисман қайтарилади

в) Молиявий инвестициялар тўлиқ қайтарилади

г) Молиявий инвестициялар тўлиқ кайтарилмайди

6. Акциялар

а) фоиз ишлаш учун сотиб олинади

б) дивиденд олиш учун сотиб олинади

в) дивиденд бериш учун сотиб олинади

г) Фоиз тўлаш учун сотиб олинади

7. Қарз сифатида киритилган инвестицияларга кирмайди

а) карзга берилган асосий воситалар

б) қарзга берилган пул маблағлари маблағлари

в) кредит сифатида берилган пул маблағлари

г) қарзга берилган номоддий активлар

X БОБ. МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИ

10.1. Материаллар ҳисобини ташкил қилиш асослари ва вазифалари

Хўжалик юритишнинг муҳим омили бўлиб корхонанинг материаллар билан таъминланганлиги ҳисобланади.

Материаллар – бу ишлаб чиқаришнинг моддий асосини ташкил этувчи меҳнат предметларидир.

4-сон БҲМС «Товар-моддий заҳиралар»га[12] мувофиқ, материалларга қуйидаги активлар киради:

- **хомашё ва материаллар** – маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш (бажариш)да унинг моддий асосини ташкил қилувчи меҳнат предметлари;
- **ярим тайёр маҳсулотлар (полуфабрикатлар)** – бу ишловнинг маълум технологик босқичларидан ўтган, лекинда мустақил тайёр материал сифатида тан олиниши мумкин бўлмаган, кейинги ишловга муҳтож меҳнат предметлари;
- **бутловчи қисмлар** – бу буюмни бир бутун ҳолатга келтиришда зарур бўлган қисмлари.
- **ёқилғи** – бу ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ёқилғилар (бензин, керосин, салярка, суюлтирилган газ ва бошқалар);
- **мойлаш материаллари** – бу техник воситаларни ишлатишга кетадиган солидол, афтол ва шу каби мойлар.
- **эҳтиёт қисмлар** – бу техник воситаларнинг таркибий унсурлари (поршен, гильза, баллон, камера ва бошқалар);
- **қурилиш материаллари** – бу объектларни қуриш, таъмирлашда қулланиладиган материаллар (ғишт, тахта, цемент ва бошқалар);
- **ем-хашаклар** – бу корхоналарнинг балансида турган ҳайвонларни сақлаш, ўстириш, боқиш учун етиштирилган, сотиб олинган омухталар, кўкат ўтлар, силос, ёнтоқ, самон ва шу каби ем-хашаклар.
- **Тара** – бу маҳсулотларни ўрашда, ташишда, сақлашда ишлатиладиган активлар (бутулка, бочка, ящик, халта ва бошқалар);

Материалларга юқоридагилардан ташқари истесно тариқасида инвентарлар ва хўжалик буюмлари, шунингдек, ўстиришдаги ва боқувдаги моллар ҳам киради.

---

[12]Ўз.Р Молия вазирининг 2006 йил 15 июндаги 52-сон буйруғи билан тасдиқланган ва АВ томонидан 2006 йил 17 июнда 1595-сон билан рўйхатга олинган.

Материаллар ишлаб чиқаришдаги ролига кўра асосий ва ёрдамчи материалларга бўлинади.

Асосий материаллар деганда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни асосий компонентини ташкил этадиган хомашё материаллар тушунилади. Масалан, колбаса ишлаб чиқарувчи корхона учун асосий хомашё материал бўлиб гўшт ҳисобланади. Қолган материаллар, айтайлик, чеснок, қалампир, туз, сирка, ўраш плёнкаси, шпагат ва бошқалар ушбу корхона учун ёрдамчи материаллар ҳисобланади. Худди шундай қурилиш ташкилотида қурилиш материаллари, транспорт корхонасида эҳтиёт қисмлар асосий материаллар бўлиб хизмат қилади.

Материаллар ҳисобининг вазифалари. Материаллар бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- материалларни уларнинг моҳиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда хисобга олиш;
- материалларни тўғри туркумлаш ва гурухларга ажратиш;
- материалларни тўғри баҳолаш;
- материалларга килинган кушимча харажатларни (ташиб келтириш, бож ва солиқ тўловлари, курс ўртасидаги фарклар, устамалар, сертификациялаш ва бошқалар) тўғри ҳисобга олиш, уларни ўз вақтида сотиб олинган заҳиралар таннархига (қийматига) ёки корхона харажатларига киритиш.
- Материаллар ҳолати ва харакатини тўғри, ўз вақтида ва тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштириш;
- Материаллар бўйича моддий жавобгарликни таъминлаш, моддий жавобгар шахслар томонидан ҳисоботларни тўғри ва ўз вақтида тузилиши, тақдим этилишини назорат қилиш;
- Материаллар ҳолати ва харакати бўйича моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари маълумотлари ва ҳисоб маълумотларини тўлиқ уйғунлигини таъминлаш;
- материаллар бутлигини таъминлаш, бунинг учун уларни белгиланган муддатларда қайта рўйхатдан ўтказиш (инвентаризация қилиш), унинг натижаларини тўғри аниклаш ва ҳисобга олиш;
- мавжуд материаллардан унумли фойдаланиш, бунинг учун омборларда меъёридан ортиқ заҳираларни сақламаслик, улар бўйича қўшимча нобудгарчиликларига йўл қўймаслик, кераксиз материалларни сотиш ва унинг натижаларини тўғри ҳисобга олиш;
- материалларни керак ҳолларда қайта баҳолаш ва унинг натижаларини ҳисобда тўғри акс эттириш;

• арзон баҳоли буюмларни ўз вақтида ҳисобдан чиқариш, уларни баланс қийматини ҳисоботда тўғри акс эттириш.

Материаллар кирим қийматини баҳолаш. Республикамизнинг 4-сон БҲМС «Товар- моддий захиралар»га мувофиқ (п.7) материаллар кирим қиймати уларнинг таннархи ёки сотилишини соф қийматидан бири бўйича энг кичигини танлаш йўли билан баҳоланади.

Материаллар таннархи – бу уларни сотиб олишга ёки ишлаб чиқаришга кетган барча харажатлар мажмуаси.

Сотиб олинган материаллар таннархи уларни сотиб олиш қиймати, божхона йиғим ва тўловлари, сертификация харажатлари, комиссия тўлови, транспорт-тайёрлов ва бошқа сотиб олишда кетган харажатларни ўз ичига олади. Қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) тўловчи ҳисобланмаган корхоналарда ишлаб чиқариш захираларини сотиб олишда таъминотчиларга тўланган ҚҚС ҳам уларнинг таннархига киритилади. ҚҚС тўловчи корхоналарда материалларни сотиб олишда тўланган ҚҚС суммаси бюджетга ушбу солиқ бўйича қарздан чегирилади (зачётга олинади).

Материаллар таннархи – бу ўз кучи билан ишлаб чиқарилган материаллар ва бошқа захираларга кетган бевосита ва билвосита моддий, меҳнат ва бошқа устама харажатлар мажмуаси.

Сотишнинг соф қиймати – бу материалларнинг таннархидан кичик қиймати бўлиб, фақатгина уларни керагидан кўп миқдорда йиғилиб колганида баҳони пасайтириш ҳолларида вужудга келади. Бундай ҳолда материаллар пасайтирилган баҳоларда, яъни сотишнинг соф қийматида балансда акс эттирилади.

Материаллар чиқим қийматини баҳолаш. Материаллар чиқим қиймати 4- сон БҲМС га мувофиқ (п. 53) қуйидаги методларнинг бирида баҳоланади:

1. Ёппа идентификациялаш методи;
2. ЛИФО (Last-in, first-out LIFO) методи;
3. Ўртача қиймат методи (Average-cost AVECO);
4. ФИФО методи (First-in, first-out FIFO);
5. НИФО методи (next-in, first-out NIFO);
6. Меъёрий қиймат методи.

Ёппа идентификациялаш методи – бу махсус сотиб олинган яккахон бўлган материал ёки материалларни баҳолаш методи. Ушбу метод аналоги бўлмаган, одатда қиммат турадиган материаллар қийматини таннархга киритишда қўлланилади. Ёппа идентификациялаш методи мисол учун «Расулов эшиклари», Акфа, Энгелберг русумидаги

эшик ва дерезаларни ишлаб чиқаришда ишлатилади. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш фақат уларга хос бўлган материалларни харид қилиш ва сарфлашни тақозо этади.

ФИФО (FIFO) методи – бу материал заҳиралари сарфини улар кирими кетма-кетлиги қийматларида ҳисобга олиш ҳамда таннархга киритишга асосланган метод. Ушбу методда маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган ва унинг таннархига киритилган материаллар қиймати қатъий уларнинг сотиб олинишидаги кетма-кетликда вужудга келган қиймат бўйича, давр охирида цехларда ишлатилмай қолинган материаллар қиймати эса охирги харид қиймати бўйича баҳоланади.

ФИФО (FIFO) методи барча тармоқ корхоналари томонидан материалларнинг реал физик ҳаракатидан қатъий назар қўлланилиши мумкин, чунки ушбу метод бевосита материал харакатини эмас, балки унинг қиймати харакатини акс эттиради. Ушбу метод баҳоларни ошиб бориш шароитида, чунончи инфляция шароитида соф фойдани имкон қадар юқори даражасини таъминлайди.

ФИФО (FIFO) методига мисол:

Материал кирими санаси	Сони, дона	Бир бирлик материалнинг харид баҳоси, сўм.	Умумий қиймат, сўм.
2 март	2000	40000	80000000
15 март	6000	44000	264000000
30 март	2000	47500	95000000
Жами мавжуд заҳира	10 000		439000000
Давр охирига қолдиқ, донада - 6000 дона, шундан 4000 дона 15 мартдаги хариддан ва 2000 дона 30 мартдаги хариддан			
Давр охирига қолдиқ, сўмда – (4000*44000+2000*47500)= (176000000+95000000) = 271000000 сум			
Жами мавжуд материаллар таннархи		439 000 000 сум.	
минус: Давр охирига заҳира		271 000 000 сум.	
=Маҳсулот таннархига киритилган материаллар таннархи		168 000 000 сум	
Ёки (2000*40000+ 2000*44000)		168 000 000 сум	

ЛИФО (LIFO) методи – бу материал заҳиралари сарфини уларнинг охирги партияси қийматларида, давр охирида цехларда ишлатилмай қолинган материаллар қийматини бирламчи харид баҳоларидаги қиймати бўйича ҳисобга олиш ва таннархга киритишга асосланган метод. Ушбу метод ФИФО (FIFO) методи сингари барча тармоқ корхоналари томонидан материалларнинг реал физик ҳаракатидан қатъий назар

қўлланилиши мумкин, чунки ушбу метод ҳам бевосита материал ҳаракатини эмас, балки унинг қиймати ҳаракатини акс эттиради. Ушбу метод инфляция шароитида соф фойдани энг қуйи даражасини, дефляция шароитида эса соф фойдани энг юқори даражасини таъминлайди.Бу метод ФИФО (FIFO) методидан фарқли ўлароқ жорий харажатлар ва даромадлар боғлиқлигини таъминлайди, инфляция таъсирини юмшатиш имконини беради.

ЛИФО (LIFO) методига мисол:

Материал кирими санаси	Сони, дона	Бир бирлик материалнинг харид баҳоси, сўм.	Умумий қиймат, сўм.
2 март	2000	40000	80000000
15 март	6000	44000	264000000
30 март	2000	47500	95000000
Жами мавжуд заҳира	10 000		439000000
Давр охирига қолдиқ, донада - 6000 дона, шундан 4000 дона 15 мартдаги хариддан ва 2000 дона 2 мартдаги хариддан			
Давр охирига қолдиқ, сўмда – (4000*44000+2000*40000)= (176000000+80000000) = 256000000сум			
Жами мавжуд материаллар таннархи		439 000 000 сум.	
минус: Давр охирига заҳира		256 000 000 сум.	
=Маҳсулот таннархига киритилган материаллар таннархи		183 000 000 сум	
Ёки (2000*47500+ 2000*44000)		183 000 000 сум	

Ўртача қиймат методи (Average-cost AVECO). Бу метод материал заҳиралари сарфини ҳамда давр охирида цехларда ишлатилмай қолинган материаллар қийматини уларнинг ўртача қийматларида ҳисобга олиш ва таннархга киритишга асосланган метод. Ушбу методда ишлаб чиқаришга сарфланган ва давр охирида мавжуд бўлган материаллар бир бирлигининг таннархи жами ишлатиш учун лаёқатли материалларнинг ўртача қийматига тенг деб олинади.

Материалнинг ўртача қиймати ишлатиш учун яроқли материаллар жами қийматини уларнинг жами сонига бўлиш орқали топилади. Бунинг натижасида бир бирлик материалга тўғри келувчи ўртача қиймат топилади. Ушбу ўртача қиймат асосида ишлаб чиқаришга сарфланган ва давр охирида мавжуд бўлган материал заҳиралари қийматини баҳолаш амалга оширилади.

Мисол:

Материал кирими санаси	Сони, дона	Бир бирлик материалнинг харид баҳоси, сўм.	Умумий қиймат, сўм.
2 март	2000	40000	80000000
15 март	6000	44000	264000000
30 март	2000	47500	95000000
Жами мавжуд заҳира	10 000		439000000
Бир бирлик материалнинг ўртача қиймати = 439000000/10000= 43900 сўм			
Давр охирига қолдиқ, сўмда – (6000*43900) = 263400000 сум			
Жами мавжуд материаллар таннархи		439 000 000 сум.	
минус: Давр охирига заҳира		263 400 000 сум.	
=Маҳсулот таннархига киритилган материаллар таннархи		175 600 000 сум	
Ёки (4000*439,00)		175 600 000 сум	

НИФО (NIFO) методи – бу материал заҳиралари сарфини режалаштирилган баҳолар бўйича ҳисобга олиш ва таннархга киритишга асосланган метод. Ушбу методда ишлаб чиқаришга сарфланган материаллар режа қийматини уларнинг харид қийматларига мувофиқлаштириш учун тузатишлар қилинади.

Мисол:

Материал кирими санаси	Сони, дона	Бир бирлик материалнинг харид баҳоси, сўм.	Умумий қиймат, сўм.
2 март	2000	40000	80000000
15 март	6000	44000	264000000
30 март	2000	47500	95000000
Жами мавжуд заҳира	10 000		439000000
Бир бирлик материалнинг ҳисобдан чиқариш режа қиймати 40000 сўм			
Давр охирига қолдиқ, сўмда – (4000*44000+2000*47500) = 271000000 сум			
Жами мавжуд материаллар таннархи		439 000 000 сум.	
минус: Давр охирига заҳира		271 000 000 сум.	
=Маҳсулот таннархига киритилган материаллар таннархи (4000*40000)		160 000 000 сум	
таннархга киритилган тузатишлар (2000*4000)		8 000000 сум	

Кўриниб турибдики, НИФО (NIFO) методи мазмунан ФИФО (FIFO) методига ўхшашдир. Фарқ фақатгина материаллар чиқимида режа баҳоларни қўллашда, шу боис давр охирида материалларнинг режа ва

харид қийматлари ўртасидаги фарққа суммасига маҳсулот таннархига тузатишлар киритиш заруратининг борлигидадир.

Меъёрий қиймат методи – бу материал заҳиралари сарфини белгиланган меъёрий қиймат бўйича ҳисобга олиш ва таннархга киритишга асосланган метод. Ушбу методда ишлаб чиқаришга сарфланган материалларнинг реал баҳоси ва меъёрий қиймати ўртасидаги фарқ алоҳида махсус четланишлар счётида жамланади. Давр охирида ушбу четланишлар счётидаги сумма сторно ёки қўшимча ёзув асосида тайёр маҳсулот ва сотилган маҳсулотлар таннархи счётларига тақсимлаш йўли билан ўтказилади.

Мисол:

Материал кирими санаси	Сони, дона	Бир бирлик материалнинг харид баҳоси, сўм.	Умумий қиймат, сўм.
2 март	2000	40000	80000000
15 март	6000	44000	264000000
30 март	2000	47500	95000000
Жами мавжуд захира	10 000		439000000
Бир бирлик материалнинг ҳисобдан чиқариш меъёрий қиймати қиймати 43000 сўм			
Давр охирига қолдиқ, сўмда – (4000*44000+2000*47500) = 271000000 сум			
Жами мавжуд материаллар таннархи 439 000 000 сум. минус: Давр охирига захира 271 000 000 сум. =Маҳсулот таннархига киритилган материаллар таннархи (4000*43000) 172 000 000 сум таннархга киритилган тузатишлар 2000*(40000 - 43000)+ 2000*(44000-43000) -4 000 000 сум			

4-сон БХМСга мувофиқ (п.53-57) Ўзбекистон Республикасида кўпроқ эътиборли бўлган ФИФО ва АВЭКО усулларни қўллаш кўзда тутилган, ЛИФО усулини қўллаш кўзда тутилмаган.

Хўжалик юритувчи субъектлар материаллар чиқими ҳамда улар қолдиқ қийматини баҳолашнинг юқорида келтирилган ФИФО ва АВЭКО усулларидан бирини танлаб олишлари ва уни ўзларининг ҳисоб сиёсатларида кўрсатишлари керак. Бир хил материал бўйича бир вақтнинг ўзида икки усулни қўллаш таъқиқланади. Бир усулдан иккинчисига асос бўлганда ўтиш мумкин ва бу тўғрида ҳисоб сиёсатига киритилган ўзгартиришлар тегишли органларга етказилиши керак.

10.2. Материаларнинг сақлаш жойларидаги ҳисоби

Корхоналарда материалларнинг сақланиш жойлари бўлиб омборлар, цехлар, майдончалар, участкалар, молхоналар ва бошқалар ҳисобланади. Барча сақлаш жойларида захиралар бўйича аниқ моддий жавобгар шахслар белгиланади ва улар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилади. Моддий жавобгар шахслар бўлиб омбор мудирлари, цех бошлиқлари, хўжалик бўлими мудирлари, прораблар, гараж бошлиғи, мол боқар чўпонлар, бўрдоқичилик базалари мудирлари ва бошқалар ҳисобланади.

Моддий жавобгар шахсларнинг асосий вазифаларига ишлаб чиқариш заҳираларини ўз вақтида кирим қилиш, корхона рахбари фармойиши билан уларни ишлаб чиқариш цехлари ва участкаларига кўрсатилган миқдорда бериш, моддий бойликларни бутлигини тўлиқ таъминлаш, талон-тарожликга йул қўймаслик, заҳираларнинг кирим ва чиқимини тўғри ва ўз вақтида тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш, уларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисида ҳисоботларни белгиланган муддатларда тўғри тузиш ва бухгалтерияга топшириш киради.

Материалларнинг сақланиш жойларида соний ва суммавий жихатдан миқдор ва пул ўлчовларида ҳисобга олинади. Бунинг учун ҳар бир материал турига инвентар карточка очилади ёки улар бўйича умумий обмор китоби юритилади. Бунда қуйидаги бошланғич ва жамлама ҳужжатлар ишлатилади:

- **материаллар кирим бўйича:**

1. Счёт фактура – материалларни ташқи таъминотчилардан қабул қилишда.

2. Накладной- материалларни ички бўлинмалардан кирим қилишда.

3. Қабул қилиш далолатномаси – материаллар таъсисчилардан, бошқа шахслардан қайтариб бермаслик шарти билан қабул қилинганда, ички алмашувда, ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинганда, илмий изланишлар ва тажриба-конструкторлик ишланмалари натижаси сифатида кирим қилинганда ва бошқа ҳолларда.

4. Инвентаризация варағи ва таққослама қайднома – материаллар бўйича инвентаризацияда ортиқчалар аниқланганда, бир моддий жавобгар шахсдан иккинчисига топширилганда.

•материаллар чиқими бўйича:

1. Талабнома – материалларомбордан ишлаб чиқаришга берилганда.

2. Забор варақаси – материаллар бир моддий жавобгар шахсдан иккинчисига ҳар кунда маълум миқдордаги бериб борилганда.

3. Счет-фактура – материаллар четга сотилганда, бепул берилганда, таъсис бадали сифатида киритилганда ва бошқа ҳолларда

4. Ҳисобдан чиқариш далолатномалари – материалларни ҳисобдан чиқариш ҳоллари бўлганда ва бошқалар.

Моддий жавобгар шахслар кирим ва чиқим ҳужжатлари асосида белгиланган муддатларда (ҳисоб сиёсатига мувофиқ белгиланган муддатларда) моддий ҳисобот тузадилар. Ушбу ҳисоботлар тасдиқланган шаклларда тузилади. Уларда материалларнинг ҳолати ва ҳаракати соний ва суммавий кўринишда акс эттирилади. Моддий ҳисоботлар икки нусхада тузилади, моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланади ва уларнинг биринчи нусхаси бухгалтерияга топширилади. Айнан моддий ҳисоботлар ва уларга тикилган бирламчи ҳужжатлар материалларнинг синтетик ҳисобини юритишга асос бўлиб ҳисобланади.

10.3. Материалларнинг синтетик ҳисоби

Материалларининг синтетик ҳисобини юритиш учун 21-сон БҲМС да қуйидаги счётлар кўзда тутилган.

• **1010 «Хомашё ва материаллар».** Ушбу счётнинг дебетида асосий ва ёрдамчи хом-ашё ва материалларнинг, қайта ишлов учун тайёрланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг, ем-хашак ва тўшаш материалларининг бошланғич қолдиғи ва уларни турли манбалардан келиб тушуш эвазига кўпайиши, кредитида эса – материалларнинг ишлаб чиқаришга сарфи ва бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1020 «Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар».** Ушбу счётнинг дебетида ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, қурилиш деталлари ва конструкцияларининг мавжуд қолдиқлари ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлаб чиқаришга, қурилишга сарфи ва бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1030 «Ёқилғи».** Ушбу счетнинг дебетида мавжуд нефть маҳсулотлари, ёқилғи-мойлаш материалларининг (нефть, бензин, керосин, дизел ёқилғиси, мойлар ва бошқалар), газсимон ёқилғи турларининг (газ ва газолин), шунингдек, қаттиқ ёқилғи турларининг (кўмир, ўтин ва бошқалар) қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлаб чиқариш ва бошқарувга сарфи,

шунингдек, бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1040 «Эҳтиёт қисмлар».** Ушбу счетнинг дебетида машина ва механизлар, транспорт воситаларини таъмирлаш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлари, автомобилларнинг заҳирадаги шиналарининг мавжуд қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлаб чиқариш ва бошқарувга сарфи, шунингдек, бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1050 «Қурилиш материаллари».** Ушбу счетнинг дебетида қурилиш, қурилиш –монтаж ишлари, қурилиш деталлари ва конструкцияларини ясаш учун зарур бўлган қурилиш материалларининг заҳирадаги мавжуд қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг қурилиш, қурилиш-монтаж ишларига, турли конструкцияларни ишлаб чиқаришга сарфи, шунингдек, бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1060 «Тара ва тара материаллари».** Ушбу счетнинг дебетида хўжалик инвентари ва буюми сифатида ишлатилмаётган барча турдаги таралар, тараларни ясаш ва таъмирлаш учун зарур бўлган материал ва деталларнинг заҳирадаги мавжуд қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлатилиши, шунингдек, бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1070 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар».** Ушбу счетнинг дебетида четга қайта ишлаш учун берилиши мумкин бўлган асосий ва ёрдамчи материалларнинг заҳирадаги мавжуд қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлатилиши, шунингдек, бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1090 «Бошқа материаллар».** Ушбу счетнинг дебетида юқоридаги счетларга киритилмаган, ишлаб чиқаришдан, асосий воситаларни тугатишдан ва бошқа операциялардан олинган моддий бойликларнинг (чиқиндилар, тузатиб бўлмайдиган брак маҳсулотлар, металлолом, эски шиналар ва резиналар, ишлатилган мой, нигрол ва ш.к.) заҳирадаги мавжуд қолдиғи ва уларни ишлаб чиқаришдан олиниши эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлатилиши, шунингдек, бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш».** Ушбу счет корхонанинг ҳисоб сиёсатида тайёрлов жараёнини алоҳида акс эттириш кўзда тутилган ҳолда қўлланилади. Унинг дебетида материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш жараёнининг қиймати, кредитида эса ушбу қийматни кирим қилинган материаллар қийматига киритилиши эттирилади. Агар корхонанинг ҳисоб сиёсатида материалларнинг киримини бевосита тўғридан тўғри 1010-1090 –счетларда акс эттириш кўзда тутилган бўлса, у ҳолда 1510-счет қўлланилмайди.

•**1610 « Материаллар қийматидаги четланишлар».** Ушбу счет корхонанинг ҳисоб сиёсатида материалларнинг тайёрлов ва сотиб олиш қийматини ҳисоб баҳоларида акс эттириш кўзда тутилган ҳолда қўлланилади. Ҳисоб баҳоси бўлиб, одатда, норматив ёки режали таннарх ҳисобланади. Тайёрланган (сотиб олинган) материалларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоб баҳосидан кўп бўлиши ушбу счетнинг дебетида, кам бўлиши эса унинг кредитида 1510-счет билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади. 1610-счетнинг дебет қолдиғи суммаси ҳисоб баҳоларидан ортиқ қийматда келиб тушган материалларга тўғри келадиган четланишлар суммасини кўрсатади. Баҳолар ўртасидаги фарқлар сотиб олинган материалларни ҳақиқатда сарфланган вақтида уларнинг ҳисоб баҳосидаги қийматига пропорционал равишда харажатлар счетларига киритилиб борилади.

Материалларнинг ҳаракатига доир операциялар счётларда бевосита ва билвосита усулларнинг бири бўйича акс эттирилади.

Бевосита усулда материаллар кирими ва чиқими бухгалтерия ҳисобида бевосита материллар ҳисоби учун мўлжалланган счётларда (1010-1090) қуйидагича акс эттирилади (10.1-жадвалга қаранг).

10.1-жадвал

Материаллар ҳаракатини бевосита усулда счётларда акс эттирилиши

Тартиб рақам	Операциянинг мазмуни	Дебет счёт	Кредит счёт	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1.	Материаллар таъминотчилардан кабул қилинганда: заҳираларни ҚҚСсиз сотиб олиш қийматига ҚҚС суммасига	 1010-1090 4410	 6010, 4110 6010	Шартнома, счет-фактура
2.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинганда	1010-1090	2310	Ҳисобот, накладной

3.	Ҳисобдор шахслардан олинганда	1010-1090	4220-4230	Бўнак хисоботи
4.	Ярим тайёр материаллар хом ашё ва материаллар таркибига киритилганда	1010-1090	2110	Қарор, накладной
5.	Тайёр маҳсулотлар материалларга айлантирилганда	1010-1090	2810-2820	Қарор, накладной, талабнома
6.	Хўжалик инвентарлари ва буюмлари материалларга айлантирилганда	1010-1090	1080	Қарор, талабнома, накладной
7.	Таъсисчилардан олинганда	1010-1090	4610	Устав, шартнома, далолатнома, счет-фактура
8.	Даъволар бўйича олинганда	1010-1090	4860	Қарор, счет-фактура
9.	Бепул олинганда	1010-1090	8530,	Қарор, счет-фактура, далолатнома
10.	Молиявий ёрдам сифатида олинганда	1010-1090	9380	Шартнома, счет-фактура, далолатнома
11.	Камомадлар ўрнига қабул қилинганда	1010-1090	4730	Қарор, счет-фактура, далолатнома
12.	Нақд сотиб олинганда	1010-1090	5010-5020	Счет-фактура, чиқим касса ордери
13	Инвентаризация аниқланган ортиқчалар суммасига	1010-1090	9390	Инвентариза-ция варағи, қарор
14.	Ички алмашув бўлганда	1010-1090	1010-1090	Инвентариза-ция варағи, накладной, талабнома
15	Қайта баҳоланганда: -нархи оширилганда -нархи камайтирилганда	 1010-1090 9430	 9390 1010-1090	Далолатнома
16	Асосий ишлаб чиқаришга сарфланганда	2010	1010-1090	Талабнома, накладной
17	Ёрдамчи ишлаб чиқаришга сарфланганда	2310	1010-1090	Талабнома, накладной
18	Умум ишлаб чиқаришга сарфланганда	2510	1010-1090	Талабнома, накладной
19.	Хизмат килувчи хужаликларга сарфланганда	2710	1010-1090	Талабнома, накладной
20.	Реклама учун сарфланганда	9410	1010-1090	Талабнома, накладной

21.	Бошқарув мақсадларига сарфланганда	9420	1010-1090	Талабнома, накладной
22.	Сотилганда: -сотиш қийматига -ҚҚС суммасига -таннархига -сотишдан олинган фойдага -сотишдан кўрилган зарарга	 4010 9220 9220 9220 9430	 9220 6410 1010-1090 9320 9220	Шартнома, счет-фактура
23	Бепул берилганда: -таннархига -ҚҚС суммасига -кўрилган зарарга	 9220 9220 9430	 1010-1090 6410 9220	Қарор, счет-фактура, шартнома
24.	Камомад чиқганда: -моддий жавобгар шахс бўйнига қўйилганда -каррали ўндириш суммасига -корхона зарарига олиб борилганда	 4730 4730 9430	 1010-1090 9390 1010-1090	Далолатнома, Қарор
25	Таъсис бадали сифатида киритилганда: -келишув қийматига -ҚҚС суммасига -таннархига фойда суммасига	 0610-0690 9220 9220 9220	 1010-1090 6410 1010-1090 9320	Шартнома, қарор, счет-фактура
26.	Тайёр маҳсулотга айлантирилганда	2810-2820	1010-1090	Қарор, талабнома, накладной
27	Ярим тайёр материалга айлантирилганда	2110	1010-1090	Қарор, талабнома, накладной
28	Арзон баҳоли инвентарларга айлантирилганда	1080	1010-1090	Қарор, талабнома, накладной
29.	Тайёрлов- транспорт харажатлари таннархга киритилганда	1010-1090	1510	Расчет
30	Брак маҳсулотга киритилганда	2610	1010-1090	Қарор, талабнома, накладной
31	ИТИ ва ТКИ га сарфланганда	3190	1010-1090	Қарор, талабнома, накладной
32	Капитал қўйилмаларга киритилганда	0810	1010-1090	Қарор, талабнома, накладной
33	Таъминотчиларга қайтарилганда	6010, 4110	1010-1090	Далолатнома, счет-фактура

34.	Бартер операцияларига киритилган материалларнинг таннархига	4010	1010-1090	Шартнома, Счет-фактура
35.	Фавқулоддаги ҳодисалар оқибатларини бартараф этишга сарфланганда	9720	1010-1090	Қарор, счет-фактура, далолатнома

Бевосита усулда материалларни тайёрлаш, ташиб келтириш ва омборларга кирим қилиш операциялари дастлаб 1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счётининг дебетида қуйидагича акс эттирилади (10.2-жадвалга қаранг).

10.2-жадвал

Материаллар ҳаракатини бевосита усулда счётларда акс эттирилиши

Тар-тиб рақами	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1.	Материаллар таъминотчилардан қабул қилинганда: Заҳираларни ҚҚСсиз сотиб олиш қийматига ҚҚС суммасига	 1510 4410	 6010, 4110 6010	Шартнома, счет-фактура
2.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинганда	1510	2310	Ҳисобот, накладной
3.	Ҳисобдор шахслардан олинганда	1510	4220-4230	Бўнак ҳисоботи
4.	Тайёрловга доир хизматларга	1510	6990	Счет-фактура
5.	Тайёрлов бўйича билдирилган даъволарга	4860	1510	Даъво хати
6.	Тайёрлов натижасида кирим қилинган материалларга	1010-1090	1510	Қабул қилиш далолатномаси
7.	Тайёрловнинг ҳақиқий қиймати материалларнинг ҳисоб баҳосидан паст бўлганда	1510	1610	Бухгалтерия маълумот-номаси
8.	Тайёрловнинг ҳақиқий қиймати материалларнинг ҳисоб баҳосидан юқори бўлганда	1610	1510	Бухгалтерия маълумотномаси

10.4. Хўжалик жиҳозлари ва инвентарлар ҳисобининг хусусиятлари

Хўжалик жиҳозлари ва инвентарлар – бу қуйидаги шартларнинг бирига жавоб берувчи меҳнат воситалари ва предметлари (хўжалик инвентарлари):

а) хизмат муддати 1 йилдан кам бўлган;

б) қиймати бир бирликга сотиб олиш чоғида Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача бўлган.

Қийматидан қатъий назар инвентарлар ва хўжалик буюмларига қуйидагилар киради:

•махсус инструментлар ва мосламалар;

•махсус ва санитар кийимлар, махсус пойафзал;

•ўриндиқ буюмлари (кўрпа, ёстиқ, чойшаб ва шу кабилар.);

• канцелярия буюмлари (калькуляторлар, столусти приборлари ва бошқалар);

•ошхона инвентарлари (қошиқ, вилка, қозон, чойник-пиёлалар, пичоқ, скатерт ва шу кабилар);

•вақтинчалик мослама ва қурилмалар (титулсиз иншоатлар)- тахта йўлкалар, ювиниш хоналари, хожатхона ва шу каби қурилиш-монтаж ишлари тугагач уларнинг қийматига кирувчи мосламалар;

•хизмат муддати бир йилгача бўлган смена жиҳозлари;

•балиқ овлаш қуроллари (қармоқ, тўр ва шу кабилар).

Бухгалтерия ҳисобида хўжалик жиҳозлари ва инвентарлар турган жойига қараб акс эттирилади. Ушбу белгисига кўра улар икки гуруҳга бўлинади:

•омбордаги хўжалик жиҳозлари ва инвентарлар;

•Фойдаланишдаги хўжалик жиҳозлари ва инвентарлар.

Мос равишда хўжалик жиҳозлари ва инвентарлар қуйидаги счетларда ҳисобга олинади:

1.Омбордаги заҳиралар - 1080 «Инвентарлар ва хўжалик буюмлари» счётида.

2. Фойдаланишдаги қисми – 014 « Фойдаланишдаги инвентарлар ва хўжалик буюмлари» балансдан ташқари счётда.

Корхонага барча манбалардан келиб тушган хўжалик жиҳозлари ва инвентарлар (таъминотчилардан, таъсисчилардан, бепул берилган ва бошқалар) 1080 «Инвентарлар ва хўжалик буюмлари» счётига кирим қилинади (Дебет 1080 Кредит 6010,4610,8530,4220,6990,1010-1090, 4110,9390,5010 ва бошқалар).

Омбордан фойдаланишга берилган инвентарлар ва хўжалик буюмлари бирданига харажатлар счётларига ҳисобдан чиқарилади (Дебет 2010,0810,9410,9420 ва бошқа счётлар Кредит 1080). Бир вақтнинг ўзида ишлатишга берилган инвентар ва хўжалик буюмлари 014-балансдан ташқари счетнинг киримида акс эттирилади. Ушбу счётдан улар хизмат муддати тугаганда, фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келганида махсус далолатномалар асосида чиқим қилинади.

Инвентарлар ва хўжалик буюмларининг сотилиши, бепул берилиши, таъсис бадали сифатида киритилиши 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқимлари» счетининг дебетида ва 1080- счетнинг кредитида таннархи бўйича акс эттирилади.

Инвентарлар ва хўжалик буюмларининг аналитик ҳисоби моддий жавобгар шахслар бўйича уларнинг номлари, баҳолари ва бошқа белгиларига қараб юритилади.

Мавзуга оид асосий таянч атамалар

Материаллар – бу ишлаб чиқаришнинг моддий асосини ташкил этувчи меҳнат предметларидир.

Хомашё ва материаллар – маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш (бажариш)да унинг моддий асосини ташкил қилувчи меҳнат предметлари.

Ярим тайёр маҳсулотлар (полуфабрикатлар) – бу ишловнинг маълум технологик босқичларидан ўтган, лекинда мустақил тайёр материал сифатида тан олиниши мумкин бўлмаган, кейинги ишловга муҳтож меҳнат предметлари.

Бутловчи қисмлар – бу буюмни бир бутун ҳолатга келтиришда зарур бўлган қисмлари.

Ёқилғи – бу ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ёқилғилар (бензин, керосин, салярка, суюлтирилган газ ва бошқалар).

Мойлаш материаллари – бу техник воситаларни ишлатишга кетадиган солидол, афтол ва шу каби мойлар.

Эҳтиёт қисмлар – бу техник воситаларнинг таркибий унсурлари (поршен, гильза, баллон, камера ва бошқалар).

Қурилиш материаллари – бу объектларни қуриш, таъмирлашда қулланиладиган материаллар (ғишт, тахта, цемент ва бошқалар).

Ем-хашаклар – бу корхоналарнинг балансида турган ҳайвонларни сақлаш, ўстириш, боқиш учун етиштирилган, сотиб олинган омухталар, кўкат ўтлар, силос, ёнток, самон ва шу каби ем-хашаклар.

Тара – бу маҳсулотларни ўрашда, ташишда, сақлашда ишлатиладиган активлар (бутулка, бочка, ящик, халта ва бошқалар);

Асосий материаллар – ишлаб чиқариладиган маҳсулотни асосий компонентини ташкил этадиган хом - ашё материаллар.

Материаллар таннархи – бу уларни сотиб олишга ёки ишлаб чиқаришга кетган барча харажатлар мажмуаси.

Материаллар таннархи – бу ўз кучи билан ишлаб чиқарилган материаллар ва бошқа заҳираларга кетган бевосита ва билвосита моддий, меҳнат ва бошқа устама харажатлар мажмуаси.

Сотишнинг соф қиймати – бу материалларнинг таннархидан кичик қиймати бўлиб, фақатгина уларни керагидан кўп миқдорда йиғилиб қолганида баҳони пасайтириш ҳолларида вужудга келади.

ФИФО – заҳираларни келиб тушиш вақтидаги баҳосида чиқим қилиш, яъни биринчи тушум, биринчи чиқим.

АВЭКО – бу заҳиралар қийматини ўртача нархлардаги баҳолар бўйича ҳисобдан чиқариш усули.

ЛИФО – бу заҳираларни охирги тушум баҳосидан бошлаб ҳисобдан чиқариш усули.

Хўжалик жиҳозлари ва инвентарлар – бу хизмат муддати 1 йилдан кам бўлган, қиймати бир бирликга сотиб олиш чоғида Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача бўлган меҳнат воситалари ва предметлари.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Материаллар нима ва улар бухгалтерия ҳисобида қандай белгилари бўйича акс эттирилади?
2. Материаллар қандай манбалардан кирим бўлади ва улар ҳисоби қандай юритилади?
3. Материаллар қандай йўллар билан чиқим қилинади ва улар ҳисоби қандай юритилади?
4. Материаллар қиймати қандай қайта баҳоланади ва унинг натижалари ҳисоби қандай юритилади?

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Материаллар

а) корхонанинг моддий техник базасини ташкил этади

б) корхона уларни сотиш учун сотиб олади

в) корхонанинг устав капитал суммасига тенг бўлади

г) ишлаб чиқаришнинг моддий негизини ташкил этади

2. Қуйидагиларнинг қайси бири материалларга кирмайди?

а) Товарлар

б) Номоддий активлар

в) Ёқилғи

г) Тара

3. Қуйидагиларнинг қайси бири захиранинг таннархига кирмайди?

а) Сотиб олиш нархи

б) Божхона тўловлари

в) Директорнинг иш ҳақи

г) Ташиб келтириш харажатлари

4. Қуйидагиларни қайси бири тўғри

а) ФИФО таннархни камайтиради

б) ФИФО маҳсулот таннархини пасайтирмайди

в) ФИФО маҳсулот таннархини ошиб боришини ифодалайди

г) ФИФО нинг таннархга хеч қандай алокаси йўқ.

5. Келиб тушган ишлаб чиқариш захираларининг бутлуги учун жавобгар

а) Бош бухгалтер

б) Омбор мудири

в) Директор

г) Инвентаризатор

6. Материалларнинг таъминотчилардан олинишига қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади

а) ДТ 1010 Кт 5010

б) Дт 1010 Кт 4310

в) Дт 1010 Кт 6010

г) Дт 1010 Кт 9410

7. Олинган материалга тўғри келадиган ҚҚС суммасига қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади

а) Дт 4410 Кт 6010

б) Дт 1010 Кт 6010

в) Дт 4510 Кт 6010

г) Дт 6410 Кт 6010

8. Материалларни сотилишига қуйидаги проводка берилади:

А) Дт 2010 Кт 1010

Б) Дт 9220 Кт 2010

В) Дт 9220 Кт 1010

Г) Дт 1010 Кт 9220

9. Материаллар харакатини расмийлаштириш учун Солик Кодексида қандай ҳужжат кўзда тутилган?

А) Акт

Б) Накладной

В) Счет-фактура

Г) Талабнома

10. Қайси корхонада келиб тушган материалга тўғри келадиган ҚҚС бюджетга тўлов суммасидан камайтирилмайди?

А) Умумий солиқларни тўловчи корхонада

Б) Ягона солиқ тўловчи корхонада

В) Қурилиш ташкилотида

Г) Ишлаб чиқариш фирмасида

11. Қуйидагиларни қайси бири туғри?

а) Таннарх тирик вазнни камайтиради

б) Ем-хашак харажати хайвон таннархини оширади

в) Хайвонларни бахолаш ЛИФОда ифодаланади

г) ФИФО хайвонларга бнвосита таалуқли

12. Қуйидагиларнинг қайси бири арзон баҳоли буюмларга кирмайди?

а) Утюг б) Парда

в) Қулф г) Сканер

13. Арзон баҳоли инвентарга киради

а) Компьютер

б) Офись мебели

в) Дискетага ёзилган дастур

г) Тоғора

14. Арзон баҳоли буюмнинг ҳисобдан чиқарилиши нимага боғлиқ?

а) Омбор мудирига

б) Рахбарга

в) Ишлаб чиқариш дастурига

г) Яроқлилигига

XI БОБ. МЕҲНАТ ВА УНГА ҲАҚ ТЎЛАШ ҲИСОБИ

11.1. Корхона ходимлари ва улар меҳнатининг ҳисоби

Корхона ва ташкилотлар ходимлари деганда уларда турли асосларда иш билан банд бўлган барча ишловчилар тушунилади. Уларни турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин.

Ишлаш даврининг давомийлигига кўра корхона ва ташкилотларнинг барча ишловчилари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

***доимий ишловчилар** – бу корхона ва ташкилотларнинг штат жадвалида назарда тутилган лавозимларда меҳнат шартномалари асосида асосий ходимлар сифатида ишловчи шахслардир;

***мавсумий ишловчилар** – йилнинг у ёки бу мавсумида бажариладиган ишларни бажариш мақсадида меҳнат шартномалари асосида вақтинчалик ишга қабул қилинган шахслардир;

***вақтинчалик ишловчилар** – бу маълум бир маротабалик ишни бажариш учун қисқа муддатга (бир кундан ортиқ) меҳнат шартномалари асосида вақтинчалик ишга қабул қилинган шахслардир.

Корхона ва ташкилотлар мулкига эгалик қилиш ҳуқуқига кўра уларда ишловчи ходимлар қуйидаги иккита гуруҳга бўлинади:

***мулкка эгалик қилувчи ходимлар** – бу корхонанинг таъсисчиси ёки таъсисчиларидан бири сифатида устав капиталида ҳиссага ва мос равишда унинг соф фойдасида ўз улушига эга бўлган, бир вақтнинг ўзида шу корхонада маълум лавозимда ишлаётган шахслардир;

***ёлланма ходимлар** – бу ишга ёллаш ёки меҳнат шартномаси асосида у ёки бу ишларни шартномада белгиланган миқдор ва шартларда рағбатлантириш шарти билан ишга жалб қилинган шахслардир.

Касб классификаторига[13] *кўра* корхона ва ташкилотларнинг барча ходимлари ишчи касби ва хизматчи лавозимида ишловчиларга бўлинади.

Ишчи касби – касбга ўқиш ёки амалиёт натижасида эгалланган жами билимлар ва кўникмалар билан белгиланадиган ишчининг меҳнат фаолияти тури.

Хизматчи лавозими – ходимнинг функционал вазифалари, лавозим ҳуқуқлари ва жавобгарлик хусусияти билан белгиланадиган унинг хизмат мавқеи.

---

[13] Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари КЛАССИФИКАТОРИ. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини янада такомиллаштириш тўғрисида» 795-сон қарор билан тасдиқланган.

Ишчилар – меҳнат қуроли ёрдамида меҳнат жараёнида ишлов берилиши керак бўлган материалларга (меҳнат предметига) таъсир кўрсатадиган, асосан жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган, маҳсулот яратадиган, машиналарни кузатадиган, созлайдиган ва сақлайдиган, меҳнат предметлари жойини ўзгартирадиган, меҳнатнинг нормал шароитларини сақлаб турадиган, товарлар ва хизматларнинг ишлаб чиқариш технологияси билан белгиланадиган бошқа функцияларни бажарадиган ходимлар.

Хизматчилар – ташкилотда ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштиришни, ҳисоб ва назоратни, бошқарув функцияларини, шунингдек, хўжалик хизматини амалга оширадиган лавозимни эгаллаган мутахассислар.

Мутахассислар – ишлаб чиқариш ва маъмурий жараёнларни режалаштирувчи, лойиҳалаштирувчи ва назорат қилувчи, мураккаб техникага хизмат кўрсатувчи, ҳужжатларни ишлаб чиқувчи, ходимларни бошқарувчи, ташкилот фаолияти жараёнларини, шу жумладан, уларга фармойиш берувчи ваколатлар берилмаган ҳолда тартибга солувчи, таълим берувчи ва соғломлаштирувчи, ижодий ва илмий фаолиятни, шу жумладан, бошқа ўзига хос функцияларни амалга оширувчи ходимлар. Мутахассислар бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларига тегишли бўлиши, фармойиш бериш ва ижро этиш функцияларини бажаришлари мумкин.

Ходимлар тоифаси – хизматчининг меҳнати мазмунининг тавсифлари ва кўрсаткичлари тизими:

бошқарув ходимлари – бошқарув функцияларини амалга оширувчи, ходимларга раҳбарлик қилувчи, зарур қарорларни ишлаб чиқувчи ва қабул қилувчи, ташкилот фаолиятини режалаштирувчи, назорат қилувчи ва жараёнларни тартибга солувчи, зарур қарорлар қабул қилиш учун маълумотлар тайёрловчи ходимлар. Бошқарув ходимлари ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсадлар ва вазифаларга эришиши учун зарур ташкилий-техник шартларни, юкланган функциялар ва ишлаб чиқариш дастурлари бажарилишини таъминлайдилар. Бошқарув ходимлари раҳбарларга ва бошқарув ходимлари мутахассисларига бўлинади;

ишлаб чиқариш ходимлари – ташкилотнинг асосий маҳсулотлари (хизматлари)ни ишлаб чиқариш, шунингдек, ишлаб чиқариш дастурида белгиланган қўшимча маҳсулотлар (хизматлар)ни ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашадиган ходимлари. Ишлаб чиқариш ходимлари таркибига ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашадиган мутахассислар ҳам киради;

техник ходимлар – функциясига бошқарув ходимлари фаолиятига техник хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни таъминлаш ишларини бажариш (нашр этиш, кўпайтириш ва архив ишларини бажариш, кутубхона иши, ҳужжатларни етказиб бериш, компьютер техникасига хизмат кўрсатиш, идора, котиблик ишларини ва бошқа ишларни бажариш) киради*ган* ходимлар;

хизмат кўрсатувчи ходимлар – функциясига бинолар ва ҳудудларга техник хизмат ва хўжалик хизмати кўрсатиш, уларни қўриқлаш, бошқарув ходимларига транспорт хизмати кўрсатиш, ташкилотнинг бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларига хизмат кўрсатиш бўйича бошқа ишлар, шу жумладан, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш киради*ган* ходимлар. Хизмат кўрсатувчи ходимларга мутахассислар ва ишчилар тоифасига мансуб бўлмаган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари ҳам киради.

Бухгалтерия ҳисобида ходимларни уларга қилинаётган сарф-харажатларни тўғри таснифлаш ва тегишли счётларда ҳисобини юритишни таъминлаш мақсадида қуйидаги гуруҳларга ажратиш ҳам муҳим ўрин тутади.

Асосий ишлаб чиқариш ходимлари – булар бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ ходимлар. Уларга ҳисобланган иш ҳақи суммаси бевосита 2010 «Асосий ишлаб чиқариш харажатлари» счётида ҳисобга олинади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимлари – булар ёрдамчи ишлаб чиқариш билан боғлиқ ходимлар. Уларга ҳисобланган иш ҳақи суммаси дастлаб 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари» счётида ҳисобга олинади ва ундан сўнг 2010 «Асосий ишлаб чиқариш харажатлари» счётига ўтказилади.

Умумхўжалик ходимлари – булар умумишлаб чиқариш бўлинмалари ходимлар. Уларга ҳисобланган иш ҳақи суммаси дастлаб 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётида ҳисобга олинади ва ундан сўнг 2010 «Асосий ишлаб чиқариш харажатлари» счётига ўтказилади.

Сотиш бўлими ходимлари – булар тайёр маҳсулотлар омборхоналари ва магазинлари ходимлари. Уларга ҳисобланган иш ҳақи суммаси 9410 «Сотиш харажатлари» счётида ҳисобга олинади.

Бошқарув ходимлари – булар бевосита корхонанинг маъмурий-бошқарув органи ходимлари. Уларга ҳисобланган иш ҳақи суммаси 9420 «Бошқарув харажатлари» счётида ҳисобга олинади.

Капитал қурилиш ходимлари – булар бевосита корхонанинг капитал қурилиш ишларини олиб борувчи ходимлари, уларга

ҳисобланган иш ҳақи суммаси 0810 «Тугалланмаган капитал қурилиш» счётида ҳисобга олинади.

Илмий тадқиқот ва конструкторлик ишланмалари бўлимлари ходимлари – булар корхонанинг илмий тадқиқот ва конструкторлик ишланмалари бўлимлари ходимлари бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи суммаси 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» счётида ҳисобга олинади.

Корхона ва ташкилотларда ишловчи барча асосий ходимларнинг лавозимлари, разрядлари, ставкалари, белгиланган ойлик маошлари штат жадвалида ва тариф-квалификацион справочникларда (тариф-тавсифий маълумотномада) белгиланади. Ходимлар таркибини белгиловчи ушбу меъёрий-бошқарув ҳужжати хўжалик юритувчи субъектларда уларнинг раҳбарлари, давлат ташкилотларида эса уларнинг юқори органлари томонидан тасдиқланади.

Корхона ва ташкилотларнинг рўйхатдаги ходимлари таркибига уларда доимий, мавсумий ва вақтинчалик асосда ишга қабул қилинган барча асосий штатдаги, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари бўйича ҳамда ўриндошлик асосида ишловчи ходимлар киради. Ҳисобот даврлари бўйича рўйхатдаги ходимлар таркибига шу даврда ҳақиқатда ишлаётган ҳамда вақтинчалик ишламаётган, лекинда формал ишга бириктирилганликни сақлаб қолган ходимлар киритилади.

Корхона ва ташкилотларда ходимлар сони, уларни ишга олиш ва ишдан кетиши ҳисоби кадрлар бўлими томонидан юритилади. Ходимларнинг ишга келиши ва келмаслиги ҳисоби кадрлар бўлими ёки бошқа бўлинмалар томонидан олиб борилади.

Ходимларни ишга олиш ва ишдан бўшатиш корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари буйруқлари асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ ишга олинган ҳар бир ходим билан меҳнат шартномаси (контракти) тузилади.

Ишга қабул қилиш тўғрисида раҳбарнинг буйруғи (Т-1-шакл) кадрлар бўлими томонидан барча ходимлар бўйича бир нусхада тайёрланади. Ушбу буйруқ раҳбар томонидан имзолангандан сўнг кадрлар бўлимида ишга олинган ходимга шахсий карточка (Т-2-шакл) ҳамда меҳнат дафтарчасини очишга асос бўлади. Меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир. Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно. Бир маротабалик ишларни фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида бажарувчи шахсларга шахсий карточка ва меҳнат дафтарчаси

очиш шарт ҳисобланмайди. Ўриндошлик асосида ишга олинган ходимларга янги меҳнат дафтарчаси очилмайди, улардан ишга олишда нотариал тасдиқланган меҳнат дафтарчаси нусхаси олинади. Ўриндошлик асосида ишга олинган ходимнинг талабига асосан асосий иш жойида сақланаётган меҳнат дафтарчаларига тегишли ёзувлар қилинади.

Ишга олинган ходимларнинг шахсий карточкаларида уларнинг исми, шарифи, туғилган йили ва санаси, лавозими, маълумоти, оила аъзолари, СТИР, ШЖБПТ ва бошқа реквизитлари кўрсатилади. Шахсий карточкада кейинчалик ходимнинг лавозими, оила аъзолари таркибидаги ва бошқа ўзгаришлар ёзиб борилади. Бир вақтнинг ўзида лавозимдаги ўзгаришлар меҳнат дафтарчасига раҳбарнинг буйруғи (Т-5-шакл) асосида ёзиб борилади.

Ходимнинг ишдан бўшатилишида унга очилган шахсий карточка ёпилади ва 75 йил мабойнида архивда сақланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ ходимлар меҳнатини ҳисобга олиш негизида қуйидаги кўрсаткичлар ва мезонлар ётади:

* **иш вақти** – бу ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт (114-модда).

* **иш вақтининг нормал муддати** – ходим учун иш вақтининг ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлмаган, олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги иш муддатининг етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаган миқдори.

* **иш вақтининг қисқартирилган муддати** – айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғи ҳолати, меҳнатнинг шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек, меҳнат шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати, чунончи:

- 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимларга – ҳафтасига 36 соатдан ошмаган миқдорда (242-модда);

- каникул пайтида ишловчи 14 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчиларга - ҳафтасига 24 соатдан ошмаган миқдорда (242-модда);

- I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимларга – ҳафтасига 36 соатдан ошмаган миқдорда (220-модда);

- ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга – ҳафтасига 36 соатдан ошмаган миқдорда (117-модда);

- алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар - ҳафтасига 36 соатдан ошмаган миқдорда (118-модда).

- уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга - ҳафтасига 36 соатдан ошмаган миқдорда (228-модда)

*** тўлиқсиз иш вақти** – ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам белгилаб қўйилган тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси.

*** меърлаштирилмаган иш вақти** – бу вақт бўйича аниқ ҳисобини олиб бўлмайдиган, шу билан бирга меҳнати иш натижаси бўйича баҳоланадиган алоҳида ходимлар учун белгиланадиган иш вақти.

Ходимлар томонидан ҳақиқатда қилинган меҳнат уларнинг маълум бир ҳисобот даврида ҳақиқатда ишлаган вақти ёки бажарган иш ҳажми (миқдори) билан ўлчанади.

Ҳақиқатдаги иш вақти ҳисоби қуйидаги учта усулларнинг бири бўйича юритилиши мумкин:

(1) кунлик ҳисоб; (2) ҳафталик ҳисоб; (3) жамлама ҳисоб.

Иш вақтининг кунлик ҳисоби барча ходимлар учун кунлик иш вақти бир хил миқдорда белгиланганда қўлланилади. Бу усулда ходимларнинг ҳафта (ой) мабойнида ишлаган кунлари сони уларнинг шу ҳисобот даврларида ҳақиқатда ишлаган кунлари йиғиндисидан иборат бўлади.

Иш вақтининг ҳафталик ҳисоби корхонада ҳафталик иш вақти конунда белгиланган соатлар (масалан, 40 соат, 36 соат, 24 соат, 12 соат) асосида ҳисобга олинганда қўлланилади. Бу усулда ходимларнинг ҳафта (ой) мабойнидаги иш вақти соати шу ҳисобот даврларида ҳақиқатда ишлаган соатлари йиғиндисидан иборат бўлади.

Иш вақтининг жамлама усули корхонадаги иш шароити ходимларнинг алоҳида категориялари учун қонунда белгиланган кунлик ёки ҳафталик иш вақти меъёрларини қўллаш имкониятлари бўлмаганда қўлланилади. Бу усулда ходимларнинг ҳафта (ой) мабойнидаги иш вақти шу ҳисобот даврларида ҳақиқатда ишлаган соатлари йиғиндисидан иборат бўлади. Ушбу усул қўлланилган ҳолда корхонада ҳисобот даврларида ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган вақти белгиланган ҳафталик 40 соатлик, ойлик 160 соатлик меъёрдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Ходимлар томонидан ҳақиқатда қилинган меҳнат уларнинг бажарган иш ҳажми (миқдори) билан ўлчанганда ҳисобот даврларида ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган вақти жами меҳнат ҳақини иш ёки

хизматларни бажарган бригада аъзолари ўртасида меҳнатда қатнашиш коэффициентига (МҚК) асосан адолатли тақсимлаш мақсадида ҳисобга олинади.

Кадрлар бўлими ва бухгалтерия ходимлар сонининг ҳолати ва ҳаракати, улар меҳнати тўғрисидаги статистик ҳисоботларни корхона раҳбариятига тақдим этади. Ушбу ҳисоботлар корхона ва ташкилотларда ходимлар турғунлиги ва қўнимсизлиги ҳолатларини таҳлил қилиш ва тегишли қарорларни қабул қилишга асос бўлади. Раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланган статистик ҳисоботлар тегишли давлат органларига тақдим этилади.

11.2. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг тизимлари ва шакллари

Корхона ва ташкилотларда амалга ошириладиган молиявий муносабатларда ходимлар билан улар меҳнатига ҳақ тўлашга оид ҳисоб-китоблар муҳим ўрин эгаллайди.

Ходимлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг иккита бир-биридан фарқланувчи тизимлари мавжуд:

* **тарифли тизим** – бу меҳнатга ҳақ тўлашни меҳнатнинг мураккаблиги, шартлари, интенсивлиги ва характерига, шунингдек, ишни бажаришнинг табиий-иқлимий шароитларига кўра маълум меъёрларга асосланган ҳолда ташкил этишга қаратилган тизими;

***тарифсиз тизим** – бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг махсус меъёрларга асосланмаган тизимидир. Ушбу тизимда ходимларга иш берувчининг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, меҳнат шартномасига кўра маълум миқдордаги маош, ёки бир бирлик вақт ёхуд бир бирлик иш учун тариф ставкаси белгиланади; ушбу тизим ҳозирги пайтда кўплаб кичик бизнес субъектларида қўлланилмоқда.

Тарифли тизим ўз ичига қуйидаги элементларни олади: (1) тариф ставкаси ва сеткаси; (2) тариф коэффициентлари; (3) ишлар ва ишчилар касби ҳамда хизматчилар лавозимлари тариф-квалификацион справочниклари (тариф–тавсифий маълумотнома); (4) иш ҳақига устамалар ва бошқа қўшимчалар.

Тариф ставкаси – бу бир бирлик иш вақти учун тўланадиган меҳнат ҳақининг пул шаклидаги меъёрий миқдори.

Меҳнатга ҳақ тўлаш учун бир бирлик иш вақти бўлиб соат, кун, ой ҳисобланади. Мос равишда, тариф ставкаси соатбай, кунлик ва ойлик тариф ставкаларига бўлинади. Соатбай тариф ставкасида меҳнат ҳақи миқдори меъёри 1 соатлик меҳнат учун, кунлик тариф ставкасида меҳнат

ҳақи миқдори меъёри 1 кунлик меҳнат учун, ойлик тариф ставкасида меҳнат ҳақи миқдори меъёри 1 ойлик меҳнат учун белгиланади.

Тариф ставкаси миқдори бажариладиган ишнинг мураккаблиги ва профессионал билимларни талаб қилишига боғлиқ. Айнан ишнинг мураккаблиги ва профессионал билимни талаб этиши ишларни бажарувчи ишчи ва хизматчиларга уларнинг касби ва лавозимларига қараб турли **меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари**, шунингдек, ҳар бир разрядга тегишли **тариф коэффициентлари** белгиланади. Меҳнатга ҳақ тўлашда қўлланиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари ва тариф коэффициентларини ўзида мужассамлаштирувчи шкала **тариф сеткаси** деб аталади.

Республикамизда 2000 йилдан буён бюджетдан маблағ олувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси (ЯТС) жорий этилган. Ушбу ЯТС ўз ичига 22 та разрядни (0-разряддан 22-разрядгача) олади. бунда 0 разряд негизига энг кам иш ҳақи (ЭКИҲ) миқдори асос қилиб олинган ва унга 1,0 миқдордаги тариф коэффициенти белгиланган. 1- разряддан, то 22-разрядга тегишли миқдордаги тариф коэффициентлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 июлдаги «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 206-сон қарорига мувофиқ тасдиқланган ва амалда бўлган ЯТС қуйидаги 11.1-жадвалда келтирилган.

11.1-жадвал

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф СЕТКАСИ

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
0*	1,000*
1	2,476
2	2,725
3	2,998
4	3,297
5	3,612
6	3,941
7	4,284
8	4,640
9	4,997
10	5,362
11	5,733
12	6,115

13	6,503
14	6,893
15	7,292
16	7,697
17	8,106
18	8,522
19	8,943
20	9,371
21	9,804
22	10,240

* ЎзР ВМ 11.01.2012 й. 6-сон қарорига мувофиқ 0 разряд ва 1,000 коэффициент ўз кучини йўқотган, 2012 йил 1 январдан бошланғич разряд сифатида 1-разряд белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.01.2019 йилдаги 47-сон қарори билан Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасининг 1,2,3-разраядлари бўйича тариф кэффициентлари («2,476», «2,725», «2,998»), мос равишда, «2,847», «2,997», «3,148» коэффициентларга ўзгартирилди.

Республикамизда 2009-2019 йилларда ЭКИҲнинг миқдори қуйидагича бўлган (11.2-жадвалга қаранг).

11.2-жадвал

Ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) даража ҳисобланган ЭКИҲнинг ДИНАМИКАСИ

Киритилган сана	ЭКИҲ миқдори	Тартибга солувчи меъёрий ҳужжат
01.08.2019	223 000 сўм	ЎзР Президентининг Фармони, 12.07.2019 й. ПФ-5765
01.11.2018	202 730 сўм	ЎзР Президентининг Фармони, 13.10.2018 й, ПФ-5553
15.07.2018	184 300 сўм	ЎзР Президентининг Фармони, 2.07.2018 й, ПФ-55469
01.12.2017 й.	172 240 сўм	ЎзР Президентининг Фармони, 20.11.2017 й, ПФ-5245
01.10.2016 й.	149 775 сўм	ЎзР Президентининг Фармони 22.08.2016 й., ПФ-4822
15.12.2015 й.	130 240 сўм	ЎзР Президентининг Фармони 26.08.2015 й., ПФ-4751
15.12.2014й.	118 400 сўм	ЎзР Президентининг Фармони 21.11.2014 й.,

		ПФ-4672
01.09.2014 й	107 635 сўм	ЎзР Президентининг Фармони 31.07.2014 й., ПФ-4639
15.12.2013 й.	96 105 сўм	ЎзР Президентининг Фармони 02.12.2013 й., ПФ-4582
15.08.2013 й.	91 530 сўм	ЎзР Президентининг Фармони 11.07.2013 й., ПФ-4547
01.12.2012 й.	79 590 сўм	ЎзР Президентининг Фармони 09.11.2012 й., ПФ-4482
01.08.2012 й.	72 355 сўм	ЎзР Президентининг Фармони 05.07.2012 й., ПФ-4450
01.12.2011 й.	62 920 сўм	ЎзР Президентининг Фармони 03.11.2011 й., ПФ-4377
01.08.2011 й.	57 200 сўм.	ЎзР Президентининг Фармони 07.07.2011 й., ПФ-4332
01.12.2010 й.	49 735 сўм	ЎзР Президентининг Фармони 15.11.2010 й., ПФ-4253
01.08.2010 й.	45 215 сўм	ЎзР Президентининг Фармони 09.07.2010 й., ПФ-4224
01.12.2009 й.	37 680 сўм	ЎзР Президентининг Фармони 16.11.2009 й., ПФ-4152

Ўзбекистон Республика Президентининг 2019 йил 21 майдаги «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5723-сон Фармонига мувофиқ 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб иш ҳақининг энг кам миқдори (ЭКИҲ) ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲЭКМ), базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ), пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори (ПҲБМ) жорий этилди. Республикамизда 2019-2020 йилларда ушбу кўрсаткичларнинг миқдори қуйидагича белгиланди (11.3-жадвалга қаранг).

Корхона ва ташкилотларда тариф ставкалари асосида ходимларни рағбатлантириш тизими ҳам шакллантирилади. Рағбатлантиришнинг асосий турлари бўлиб мукофатлар, устамалар, иш ҳақига қўшимчалар, район коэффициентлари ҳисобланади. Ушбу рағбатлантириш турлари белгиланган тарифга нисбатан фоизларда ҳисобланади.

Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг иккита бир-биридан фарқ қилувчи шакллари мавжуд: (1) вақтбай; (2) ишбай.

11.3-жадвал

2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲЭКМ), базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ) ва пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори (ПҲБМ)нинг ДИНАМИКАСИ

Жорий этиш санаси	Базавий ҳисоблаш миқдори (сўм.)	Пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори (сўм.)	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲЭКМ)	Тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат
01.02.2020	223 000	238 610	679 330	Президентнинг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарори
01.09.2019	223 000	223 000	634 880	Президентнинг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон Фармони

Вақтбай иш ҳақи шакли – бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимига биноан белгиланган лавозим маоши ҳамда ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтига асосланган шаклидир. Ушбу шакл асосан доимий асосда ишловчи бошқарув ходимлари ҳамда бошқа лавозимларда қатъий маошга эга бўлган ходимларга меҳнат ҳақини ҳисоблашда қўлланилади. Шунингдек,, ушбу шаклдан мавсумий асосда ҳамда ўриндошлик асосида қатъий белгиланган маошлар асосида ишловчи ходимларга иш ҳақи ҳисоблашда ҳам фойдаланилади.

Вақтбай иш ҳақи шакли, ўз навбатида, **оддий вақтбай** ва **вақтбай мукофатли** турларга бўлинади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг оддий вақтбай турида ходимга иш ҳақи ҳисоблашиш учун штат жадвалига мувофиқ белгиланган тариф ставкаси ёки лавозим маоши асос қилиб олинади. Оддий вақтбай шаклда тариф ставкаси 1 соатга ёки 1 кунга белгиланади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай-мукофатли турида ходимга тариф ставкалари ёки лавозим маоши асосида ҳисобланган иш ҳақидан ташқари қўшимча равишда ҳисобот даври (ой, чорак ва йил)да эришилган маълум соний ва сифат кўрсаткичлар учун мукофат ҳам тўланади. Мукофот суммаси ходимларни рағбатлантириш тўғрисидаги низом, жамоа шартномаси ва раҳбар буйруғида белгиланган миқдорларда ҳисобланади.

Ишбай иш ҳақи шакли – бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳақиқатда бажарилган иш ҳажми ҳамда бир бирлик иш учун белгиланган тариф ставкасига (расценкасига) асосланган шаклидир. Ушбу шакл меҳнат ҳақи бажарилган иш ҳажмига ва тариф ставкасига(расценкасига) боғлиқ бўлган ишчилар ва бошқа мутахассисларга меҳнат ҳақини ҳисоблашда қўлланилади.

Ишбай иш ҳақи шакли, ўз навбатида, қуйидаги турларга бўлинади: (1) бевосита ишбай; (2) ишбай мукофатли; (3) ишбай прогрессив.

Бевосита ишбай шакл – бу ишчиларга бевосита улар томонидан ҳақиқатда бажарилган иш учун унинг ҳажмига ва бир бирлик иш учун белгиланган тариф ставкаси (расценкаси)га асосан иш ҳақини ҳисоблаш шакли. Ушбу шаклнинг хусусияти шундаки, унда ишчи қанчалик вақт бирлигида кўп иш бажарса, яъни меҳнат унумдорлиги юқори бўлса, у шунчалик кўп иш ҳақи олади. Ушбу шаклнинг асосий камчилиги шундаки, унда бир бирлик иш учун белгиланган тариф ставкаси (расценкаси)нинг бир хиллиги ишчини меҳнат унумдорлиги учун қўшимча рағбатлантирмайди.

Ишбай мукофатли шакл – бу ишчиларга бевосита улар томонидан ҳақиқатда бажарилган иш ҳажми ва бир бирлик иш учун белгиланган тариф ставкаси (расценкаси)га ҳамда режа кўрсаткичларни муддатидан олдин ва сифатли бажарганлиги ва ошириб бажарганлиги учун рағбатлантириш тартиблари тўғрисидаги ички Низомга мувофиқ қўшимча мукофот беришга асосланган меҳнат ҳақини ҳисоблаш шакли. Ушбу шаклнинг хусусияти шундаки, унда ишчи вақт бирлигида қанчалик кўп иш бажарса, яъни кўпроқ меҳнат унумдорлигига эришса, белгиланган режа-топшириқни муддатида ва сифатли бажарса, шунингдек, ўрнатилган режа-топшириқни ошириб бажарса, у шунчалик кўп иш ҳақи олади. Демак, ишбай мукофотли шакл бевосита ишбай шаклдан фарқли ўлароқ ишчиларни келгусида янада меҳнат унумини ва сифатини яхшилашга ундайди ҳамда бунинг эвазига кўпроқ иш ҳақини олишга имкон беради. Ушбу шакл ҳам айрим камчиликлардан холи эмас. Чунончи, ушбу шакл ўрнатилган меъёрлар ёки режа-топшириқлар қанчалик даражада ортиғи билан бажарилишига қарамасдан бир хил миқдорда рағбатлантирилиши сабабли ишчиларга келгусида меҳнат унумдорлигини янада оширишга тўлиқ имкон бермайди.

Ишбай прогрессив шакл – бу иш ҳақини ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмини меъёрий ва меъёрдан ортиқ қисмларга ажратган ҳолда ҳамда меъёрдаги иш ҳажми учун иш ҳақини бевосита ишбай расценкага, меъёрдан ортиқ иш ҳажми учун эса иш ҳақини бевосита ишбай

расценкадан каттароқ бўлган табақалаштирилган расценкаларда ҳисоблашга асосланган шакл. Демак, ушбу шаклда ишчи ишнинг белгиланган меъёрини бажарганлиги учун иш ҳақини белгиланган ишбай расценкада, унинг меъёрдан ортиқ айрим қисми учун каттароқ расценкада, бошқа қисми учун эса янада каттароқ расценкада олади. Бу шаклни қўллаш ишчиларни ўз меҳнати учун кўпроқ рағбатлантирилишига имкон беради.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг бошқа ўзига хос шакллари ҳам қўлланилади. Буларга билвосита ишбай иш ҳақи ва аккорд иш ҳақи шакллари мисол бўлади. Билвосита ишбай иш ҳақи шакли, одатда, ишлаб чиқариш корхоналарида ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига иш ҳақини ҳисоблашда, аккорд иш ҳақи шакли эса ишлаб чиқариш корхоналари ва қурилиш ташкилотларида ишчиларга ва қурувчиларга иш ҳақини ҳисоблашда кенг қўлланилади.

Билвосита ишбай иш ҳақи шаклида ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига иш ҳақини ҳисоблашда асосий ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган иш ҳақи суммаси ва бу суммага нисбатан белгиланган фоиз миқдори асос қилиб олинади.

Аккорд иш ҳақи шаклида иш ҳақи аккорд-топшириқнинг бажарилганлиги учун яхлит бригада учун ҳисобланади, кейин эса жами ҳисобланган иш ҳақи бригада аъзолари ўртасида уларнинг меҳнатда иштирок этиш коэффициенти асосида тақсимланади. Аккорд иш ҳақи шаклида аккорд-топшириқни муддатидан олдин ва сифатли бажарилганлиги учун мукофот ва қўшимчалар белгиланган тартибда ҳисобланади.

11.3. Ходимлар даромадларининг турлари ва таркиби

Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ (370-модда) ишчи ва хизматчиларнинг корхона ва ташкилотларда оладиган жами даромадларига қуйидагилар киради:

*меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;
*мулкий даромадлар
*моддий наф тарзидаги даромадлар
*бошқа даромадлар

Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ (371-модда) ишчи ва хизматчиларнинг корхона ва ташкилотларда оладиган **меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари таркибига** қуйидагилар киради:

*меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нарклардан, тариф ставкаларидан ва мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи;

*илмий даража ва фахрий унвон учун устамалар;

*ушбу Кодекснинг 372-моддасига мувофиқ рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;

*ушбу Кодекснинг 373-моддасига мувофиқ компенсация тўловлари (компенсация);

*ушбу Кодекснинг 374-моддасига мувофиқ ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш;

*ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳақ ҳисобланган бошқа тўловлар.

Шунингдек,, меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар жумласига қуйидагилар ҳам киради:

-предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган, тузилган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга тўловлар (бундан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар мустасно);

-юридик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи) аъзоларига юридик шахснинг ўзи томонидан амалга ошириладиган тўловлар.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ (375-модда) ходимларнинг корхона ва ташкилотларда оладиган ва, мос равишда, солиқ ушлаб қолинадиган **мулкий даромадлари** таркибига қуйидагилар киради:

1) фоизлар;

2) дивидендлар;

3) мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;

4) солиқ тўловчига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар. Мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар мазкур мол-мулкни реализация қилиш суммасининг ҳужжатлар билан тасдиқланган уни олиш қийматидан ошган қисми сифатида аниқланади. Мазкур қийматни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкни реализация қилиш қиймати, кўчмас мулк бўйича эса - кадастр қиймати ҳамда реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқ даромад деб эътироф этилади;

5) саноат мулки объектларига, селекция ютуғига оид патент (лицензия) эгаси бўлган солиқ тўловчининг патентдан бошқа шахс

фойдасига воз кечганда ёки лицензия шартномаси тузганда олган даромади;

6) роялти;

7) ишончли бошқарувга берилган мол-мулк бўйича ишончли бошқарувчидан олинган даромад;

8) ушбу Кодекснинг 324-моддасида назарда тутилган тартибда аниқланадиган РЕПО операциялари бўйича даромад;

9) ушбу Кодекснинг 327-329-моддаларида назарда тутилган тартибда аниқланадиган, қимматли қоғозлар ва (ёки) муддатли битимларнинг ҳосила молиявий воситалари билан операциялар бўйича даромад;

10) ушбу Кодекснинг VII бўлимида белгиланган ҳолларда ва тартибда назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойда тарзидаги даромади;

11) ушбу Кодекснинг 319-моддасига мувофиқ аниқланадиган, оддий ширкат шартномасига (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага) мувофиқ иштирок этишдан олинган даромадлар;

12) ушбу модданинг 1-11-бандларида кўрсатилмаган мулкий хусусиятга эга бошқа даромадлар.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ (376-модда) ходимларнинг корхона ва ташкилотлардан **моддий наф тарзида олинган даромадлари** таркибига қуйидагилар киради:

1) солиқ агенти томонидан солиқ тўловчи манфаатларини кўзлаб, товарлар (хизматлар), мулкий ҳуқуқлар ҳақини тўлаш, шу жумладан:

*солиқ тўловчининг болаларини мактабгача таълим муассасаларида (ташкилотларида) ўқитиш, тарбиялаш ҳақини тўлаш;

*солиқ тўловчиларга берилган уй-жойнинг коммунал хизматлар ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатларини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

*санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулатор даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

*солиқ агентининг солиқ тўловчи даромади бўлган бошқа харажатларини тўлаш;

2) солиқ тўловчининг манфаатларини кўзлаб текин, шу жумладан, ҳадя шартномаси бўйича берилган мол-мулкнинг ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати;

3) товарларни (хизматларни) солиқ тўловчиларга реализация қилиш нархи ҳамда шу товарларнинг (хизматларнинг) ушбу модданинг иккинчи

ва учинчи қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган киймати ўртасидаги салбий фарқ;

4) қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль транспорти ва шаҳар электр транспортида юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси;

5) жисмоний шахснинг солиқ агенти олдидаги қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқарилган суммалари;

6) солиқ агенти томонидан тўловлар ҳисобига тўланиб, солиқ тўловчидан ушлаб қолиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қолинмаган суммалар.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ (377-модда) ходимларнинг **бошқа даромадларига** қуйидагилар киради:

1) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан солиқ тўловчиларга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа турлардаги ёрдам;

2) ҳайвонларни (қорамолларни, паррандаларни, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқларни ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда сотишдан, ипак қуртини, чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинган даромадлар;

3) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан, ҳадя шартномалари бўйича) олинган мол-мулкнинг, мулкий ҳуқуқларнинг қиймати;

4) мусобақаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари;

5) ютуқлар;

6) грант берувчидан олинган грантларнинг, шу жумладан, чет давлатлар грантларининг суммалари;

7) солиқ тўловчиларнинг яратилган илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари (предметлари) учун олган даромадлари;

8) халқаро спорт мусобақаларидаги совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

9) ходим билан тузилган меҳнат шартномаси (контракти) бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар;

10) қуйидагича кўрсатиладиган моддий ёрдам:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга кўрсатиладиган;

ходимга меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллиги ёхуд соғлиғига бошқача тарзда шикаст етганлиги билан боғлиқ ҳолда кўрсатиладиган;

бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан кўрсатиладиган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзида кўрсатиладиган моддий ёрдам;

11) ишламайдиган пенсионерларга солиқ агенти томонидан тўланадиган тўловлар;

12) маънавий зарарни компенсация қилиш бўйича пуллик тўловлар;

13) ушбу Кодекснинг VI бўлимида белгиланган ҳолларда ва тартибда нархларга тузатиш киритиш туфайли олинган даромад;

14) ушбу Кодекснинг 300-моддасида назарда тутилган тартибда аниқланадиган талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромад;

15) солиқ тўловчининг ушбу Кодекснинг 371-376-моддаларида кўрсатилмаган бошқа даромадлари.

Ходимларнинг юқорида санаб ўтилган барча даромадларини, бошқачасига, қуйидаги иккита гуруҳларга ажратиш ҳам мумкин:

Асосий даромад – бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқатда ишланган вақт ёки бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи.

Қўшимча даромад – бу ходимга янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 371, 372, 373, 374, 375, 376, 377-моддаларида белгиланган барча бошқа тўловлар. Уларга чунончи, меҳнат таътили ҳақи, вақтинчалик меҳнат лаёқатини йўқотганлик учун нафақа, ҳисобланган мукофотлар, қўшимчалар, устамалар, компенсация тўловлари, моддий наф кўринишидаги тўловлар ва бошқа даромадлар киради.

Солиқ кодексининг 369-моддасига мувофиқ қуйидагилар ходимларнинг жами даромад таркибига киритилмайди:

1) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган солиқ тўловчи олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти ва совғалар;

2) донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг ходимлари томонидан қон олганлик учун олинадиган суммалар;

3) олинган алиментлар;

4) фуқаролар томонидан олинадиган суғурта товони суммалари;

5) қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ва тартибда тўланадиган стипендиялар;

6) қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

7) давлат пенсиялари, ижтимоий суғурта (ҳомиладорлик ва бола туғилганда бериладиган туғиш нафақалари, қўшимча дам олиш куни, дафн этиш) бўйича нафақалар;

8) мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари, улар бўйича фоизли даромадлар, шунингдек, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари.

9) қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлар;

10) Ўзбекистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар томонидан чиқарилган халқаро облигациялар бўйича даромадлар.

Шунингдек,. Солиқ кодексининг 369-моддаси (2-қ)га асосан корхоналарнинг жисмоний шахс фойдасига амалга оширадиган қуйидаги харажатларига солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди:

1) меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш бўйича харажатлари;

2) касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан, аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига бериладиган моддий ёрдам, бундан касаба уюшмаси қўмитасининг ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун бериладиган пул мукофотлари ва бошқа тўловлар мустасно;

3) фавқулодда ҳолатлар муносабати билан етказилган зарарлар суммаси доирасида бериладиган моддий ёрдам суммалари;

4) ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб қайтиш бўйича харажатлари;

5) диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шаҳар йўловчилар транспортида ходимларнинг хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл карточкаларини олиш, шунингдек, юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлари;

6) ходимга хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари

ёки уларни пасайтирилган баҳоларда сотиш муносабати билан қилинган харажатлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича харажатлар;

7) ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкини кўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун бериладиган пул) билан боғлиқ харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

8) хизмат сафарларига оид қуйидаги компенсация тўловлари:

- тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш учун, шу жумладан, жой банд қилиш учун ҳақ тўлашни қўшган ҳолда ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, темир йўл транспортидаги (агар темир йўл қатнови бўлмаса, шаҳарлараро автобусдаги) йўл ҳақи қиймати миқдорида, лекин авиачипта қийматининг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда;

- уй-жойни ижарага олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида;

- тасдиқловчи ҳужжатлар асосида уй-жойни банд қилиш учун тўловлар;

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида хизмат сафарида бўлинган вақт учун тўланадиган кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

- қонун ҳужжатларида белгиланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа тўловлар;

9) қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ходимга тўланадиган компенсация тўловлари (компенсациялар):

- доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган, шунингдек, вахта усулида ишларни бажаришда ходимга компенсация тўловлари (компенсациялар);

- хизмат ишларида шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан хизмат сафарлари мустасно;

- дала таъминоти;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва нормалар бўйича бошқа компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан ушбу Кодекснинг 373 ва 377-моддаларида кўрсатилганлари мустасно;

10) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қуйидаги миқдордаги тўловлар:

- жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,76 бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади);

- махсус тиббий парваришга мухтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 70,3 фоизи миқдоридаги тўловлар;

- жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 17,6 фоизи миқдоридаги тўловлар;

- ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги тўловлар;

11) боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан қуйидаги миқдордаги тўловлар:

- марҳумнинг ўртача иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридаги тўловлар;

- боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги тўловлар;

12) талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган тўловлар;

13) ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари.

14) солиқ тўловчининг мижозларнинг товарлар ва хизматларни сотиб олиш фаоллигини оширишга қаратилган ва бонуслар (баллар, мижозни ушбу ташкилотлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиш фаоллигини белгиловчи бошқа бирликлар) ҳисобланишини назарда

тутувчи дастурларда иштироки натижасида ушбу дастурда белгиланган асослар бўйича олинган пул ва натура шаклидаги даромадлари. Даромадлар солиқ тўловчининг жами даромадига қуйидаги ҳолларда қўшилади:

- солиқ тўловчининг ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган дастурларда иштирок этиши очиқ оферта шартларисиз амалга оширилганда;

- солиқ тўловчи ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган мамлакатимиздаги ва чет эл ташкилотларининг дастурларига, уларда акцепт муддати ўттиз кундан кам ва (ёки) уларда оммавий офертани муддатидан олдин чақириб олиш имконияти назарда тутилган шартлар асосидаги очиқ офертага қўшилганда;

- ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган ташкилотчи билан лавозим мажбуриятларини бажаришда меҳнат муносабатларида бўлган, шунингдек, солиқ тўловчи томонидан товарлар етказиб берганлик (ишлар бажарганлик, хизматлар кўрсатганлик) учун ҳақ (мукофот) ёки моддий ёрдам сифатидаги тўлов шаклидаги даромад тўланганда.

11.4. Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйиш ҳисоб-китобларга доир ҳисоб регистрлари

Корхона ва ташкилотлар бухгалтериясида ходимлар билан улар меҳнати ва унга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш учун қуйидаги ҳисоб регистрларидан бири қўлланилади:

*ходимнинг шахсий счёти карточкаси (Т-54-шакл);

*иш ҳақи китоби;

*ҳисоб-китоб тўлов қайдномаси.

Ходимнинг шахсий счёти карточкаси (Т-54-шакл) – бу бухгалтерияда ходим билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар қайд этиладиган ҳисоб регистри. Ушбу регистр бухгалтерияга тақдим этилган ходимни ишга қабул қилиш тўғрисида раҳбар томонидан имзоланган буйруқнинг «Аслига тўғри» белгиси қўйилган нусхаси асосида очилади. Шахсий счёт карточкасининг намунавий шакли 11.4-жадвалда келтирилган.

11.4-жадвал
Т-54-шакл

ШАХСИЙ СЧЁТ КАРТОЧКАСИ № ____

Ф.И.Ш._____
Бўлим_____
Лавозими_____
Таъриф разряди_____
Лавозим маоши_____

Ой	Бош қолдиқ		Ишлаган кунлари сони (соати)	Ҳисобланди					Ушланди							Охирги қолдиқ	
	Ходим қарзи	Корхона қарзи						Жами ҳисобланди							Жами ушланди	Ходим қарзи	Корхона қарзи
Январь																	
Февраль																	
.....																	
Декабрь																	
Жами ҳисобот йилида																	

Ходимнинг шахсий счёти карточкасида, кўриниб турибдики, у бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзнинг бош ва охирги қолдиғи, унга ҳисобланган даромадларнинг барча турлари ва жами суммаси, шунингдек, ходим даромадидан ушланмаларнинг барча турлари ва жами суммаси ойма-ой ёзиб борилади. Уларга қилинган ёзувлар асосида ходимларга ҳисобланган даромадлар ва улардан ушланмалар бўйича турли ишлов қайдномалари тузилади, мос равишда, ушбу қайдномаларнинг йиғма маълумотлари асосида 6700 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» счёти бўйича 10-журнал-ордер юритилади ҳамда Бош китобга тегишли ёзувлар қилинади.

Иш ҳақи китоби – бу махсус бир хил шаклдаги варақлардан иборат ва китоб кўринишида муқовланган ҳисоб регистри.Ходимларининг сони кўп бўлган корхоналарда иш ҳақи китоби ҳар бир бўлинма бўйича, микрофирма ва кичик корхоналарда эса яхлит тарзда юритилади. Иш ҳақи китобининг намунавий шакли 11.5-жадвалда келтирилган.

11.5-жадвал

ИШ ҲАҚИ КИТОБИ

Ходимнинг Ф.И.Ш	Лавозими	Бош қолдиқ: Ходим қарзи	Бош қолдиқ: Корхона қарзи	Ишлаган кунлари сони (соати)	Ҳисобланди					Ушланди					Жами ушланди	Охирги қолдиқ: Ходим қарзи	Охирги қолдиқ: Корхона қарзи
									Жами ҳисобланди								
Абдиев А																	
.....																	
Жами																	

Ҳисоб-китоб тўлов қайдномаси – бу иш ҳақи китоби реквизитларини ўз ичига олган ва алоҳида варақ кўринишида юритиладиган ҳисоб регистри. Унинг намунавий шакли 11.6-жадвалда келтирилган. Мазкур қайднома ходимлари сони кам бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналарда иш ҳақи китоби ўрнига тузилиши мумкин.

11.6-жадвал

ҲИСОБ-КИТОБ ТЎЛОВ ҚАЙДНОМАСИ

Т/р	Табель рақами	Лавозими	Ҳисобланди								Ушлаб қолинди ва ҳисобга олинди								Фамилияси, исми, отасининг исми
								вақтинча мехнатга қобилиятсизлик нафақаси		ва бошқа тўловлар	жами ҳисобланди	ойнинг 1-ярми учун аванс	Даромад Солиғи	Бюджетдан Ташқари Пенсия Жамғармасига			Жами ушланма	Қўлга Берилган сумма	олинганлиги тасдиқловчи имзо	
								Касаллик куни	Сумма си											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21

Тузувчи _____ (лавозими) _____ (имзо) _____ (Ф.И.Ш.)

Текширди _____ (лавозими) _____ (имзо) _____ (Ф.И.Ш.)

____« _____ ____й.

11.5. Ходимларга асосий иш ҳақини ҳисоблаш тартиби ва ҳисоби

Ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларида уларнинг асосий иш ҳақи муҳим ўрин тутади.

Асосий иш ҳақи деганда ходимнинг ҳақиқатда ишлаган вақти ёки бажарган иши учун ҳисобланган иш ҳақи тушунилади.

Асосий иш ҳақини ҳисоблашга қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

• **вақтбай ишловчилар учун** – ойлик лавозим маоши белгиланган штат жадвали ва ишга чиқиш ҳисоби табели.

• **ишбай ишловчилар учун** – бажарилган ишларнинг ҳажмини тасдиқловчи ҳужжатлар (нарядлар, маълумотномалар, ҳисоботлар, далолатномалар ва бошқалар), шунингдек, бир бирлик иш учун белгиланган иш ҳақи меъёри ва ишга чиқиш ҳисоби табели (ишни коллектив тарзда бажарувчилар учун).

Вақтбай иш ҳақи шаклида ишловчи ходимга асосий иш ҳақи суммаси унинг ҳақиқатда ишлаган соатлари ёки кунлари сонини бир соатлик ёки бир кунлик ўртача иш ҳақи миқдорига кўпайтириш йўли билан топилади. Ходимнинг бир соатлик ёки бир кунлик ўртача иш ҳақи миқдори унинг штат жадвали бўйича белгиланган лавозим маошини ҳисобот ойидаги календар иш соатлари ёки кунлари сонига бўлиш орқали топилади.

Мисол. *Бухгалтернинг штат жадвали бўйича лавозим маоши – 1 000 000 сўм. Январ ойидаги календар иш кунлари сони –25 кун. Январ ойида у табел бўйича 15 кун тўлиқ ишлаган, қолган кунлар учун касаллик варақасини тақдим этган.*

Юқоридаги мисол шартига кўра, бухгалтернинг бир кунлик ўртача иш ҳақи суммаси 40000 сўм (1000000 : 25), январда ҳақиқатда ишлаган кунларига ҳисобланадиган иш ҳақи суммаси 600000 сўмни (40000 х 15) ташкил этади.

Ишбай иш ҳақи шаклида ишловчи ходимларга асосий иш ҳақи суммаси ишнинг якка ёки жамоа бўлиб бажарилиши хусусиятларидан келиб чиқиб, турли тартибларда ҳисобланади. Чунончи, ишни якка тартибда бажаришда ҳар бир ишловчи ишчига асосий иш ҳақи бевосита у томонидан ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмини бир бирлик иш учун белгиланган таъриф ставкаси (расценкаси)га кўпайтириш орқали топилади.

Мисол. *Ишчи ой мабойнида 15 дона маҳсулот ишлаб чиқарди. Бир бирлик маҳсулот учун иш ҳақи меъёри – 100000 сўм. Ишчига ҳисобланадиган иш ҳақи суммаси ишбай иш ҳақи шаклининг ушбу турида 1 500 000 сўмни (15х 100000) ташкил этади.*

Ишни жамоа бўлиб бажаришда дастлаб бригада томонидан бажарилган жами иш учун умумий асосий иш ҳақи бевосита бригада аъзолари томонидан ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмини бир бирлик иш учун белгиланган тариф ставкаси (расценкаси)га кўпайтириш орқали топилади, сўнгра жами ҳисобланган иш ҳақи бригада аъзолари ўртасида уларнинг меҳнатда иштирок этиш коэффициентига қараб тақсимланади. Ходимларнинг меҳнатда иштирок этиш коэффициенти уларнинг ишлаган иш вақти ёки разрядлари бўйича 1 соатлик иши учун белгиланган таъриф ставкасига қараб белгиланади.

Мисол. *4 кишидан иборат бригада ой мобайнида 1000 дона маҳсулот ишлаб чиқарди, бир бирлик маҳсулот учун иш ҳақи меъёри – 6000 сўм. Ҳисобот даврда 1-ходим 180 соат, 2-ходим 120 соат, 3-ходим 150 соат, 4-ходим 130 соат ишлаган, жами бригада аъзоларининг ишлаган вақти 580 соат/киши.*

Юқоридаги мисол шартига кўра:

**бригада аъзолари учун ҳисобланадиган жами асосий иш ҳақи суммаси 6000000 сўмни (1000х 6000) ташкил этади;*

**ҳисобланган жами иш ҳақи бригада аъзолари ўртасида қуйидагича тақсимланади:*

*1-ходимга 1862069 сўм (6000000/580*180);*
*2-ходимга 1241379 сўм (6000000/580*120);*
*3-ходимга 1551724 сўм (6000000/580*150);*
*4-ходимга 1344828 сўм (6000000/580*130).*

Ходимларнинг меҳнатда иштирок этиш коэффициенти уларнинг разрядларига ҳамда мос равишдаги 1 соатлик таъриф ставкаларига қараб белгиланган ҳолда, жамоанинг алоҳида олинган аъзоларининг асосий иш ҳақи бажарилган иш учун жамоа аъзоларига ҳисобланган жами иш ҳақи суммасини жамоа аъзоларининг разрядлари бўйича 1 соатлик тариф ставкалари йиғиндисига бўлиш ва топилган сонни ҳар бир ходимнинг разряди бўйича белгиланган 1 соатлик таъриф ставкасига кўпайтириш орқали топилади.

Мисол. *4 кишидан иборат бригада ой мабойнида 1000 дона маҳсулот ишлаб чиқарди, бир бирлик маҳсулот учун иш ҳақи меъёри – 6000 сўм. Ҳисобот даврда ишлаган 1-ходим 3 разрядга эга (1 соатга тариф ставкаси 5000 сўм), 2-ходим 2-разрядга эга (1 соатга тариф ставкаси 4000 сўм), 3-ходим 5 разрядга эга (1 соатга тариф ставкаси 5800 сўм), 4-ходим 6 разрядга эга (1 соатга тариф ставкаси 6500 сўм), жами бригада аъзоларининг 1 соатлик тариф ставкалари йиғиндиси 21300 сўм.*

Юқоридаги мисол шартига кўра:

**бригада аъзолари учун ҳисобланадиган жами асосий иш ҳақи суммаси 6000000 сўмни (1000х 6000) ташкил этади;*

**ҳисобланган жами иш ҳақи бригада аъзолари ўртасида қуйидагича тақсимланади:*

*1-ходимга 1408450 сўм (6000000/21300*5000);*
*2-ходимга 1126760 сўм (6000000/21300*4000);*
*3-ходимга 1633803 сўм (6000000/21300*5800);*
*4-ходимга 1830987 сўм (6000000/21300*6500).*

Ишбай прогрессив шаклда ишловчи ходимларга асосий иш ҳақи суммаси ишнинг белгиланган меъёри учун алоҳида расценкада, унинг меъёрдан ортиқ қисмлари учун эса бошқа табақалаштирилган расценкалар асосида ҳисобланади.

Мисол. *Ишчи ой мабойнида 110 дона маҳсулот ишлаб чиқарди. Ишнинг меъёрий миқдори 100 дона. Меъёрий миқдор учун бир бирлик маҳсулотга белгиланган расценка – 10000 сўм, меъёрдан ортиқ маҳсулот учун бир бирлик маҳсулотга белгиланган расценка – 11000 сўм. Ишчига ҳисобланадиган иш ҳақи суммаси ушбу шаклда 1 110 000 сўмни (100* 10000+10*11000) ташкил этади.*

Корхона ва ташкилотларда ишлаётган ходимларга асосий иш ҳақидан ташқари меҳнатда эришилган турли ютуқлар, масалан, режатопшириқларнинг бажарилиши ва ортиғи билан бажарилиши, илмий ва касбий даражалари, жамоатчилик ишлари ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик ишлари учун вақтбай мукофотли ва ишбай мукофотли иш ҳақи тўлаш турларига кўра турли миқдорларда мукофотлар, устамалар ва қўшимчалар ҳам ҳисобланиши мумкин. Ходимларнинг бундай меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларини ҳисоблаш ички рағбатлантириш тартибларига, жамоа шартномаси ҳамда тузилган меҳнат шартномасига кўра корхона раҳбарининг буйруғига асосан ҳисобланади.

Вақтбай мукофотли шаклда турли миқдорларда ҳисобланган мукофотлар, устамалар ва қўшимча тўловларни ҳам олади. Бунга мисол

сифатида ҳисобот даврлари учун белгиланган ишлаб чиқариш ва сотиш режаларининг ошириб бажарилганлиги учун корхона раҳбари буйруғи билан цех бошлиқларига ва маркетинг бўлими ходимларига уларнинг белгиланган лавозим маошлари миқдорида ёки унга нисбатан маълум фоизларда ҳисобланган мукофотлаш суммаларини, ишчиларга тариф расценкаларининг маълум миқдорида ҳисобланган мукофотлар, қўшимча ва устамалар суммаларини келтириш мумкин.

Юқорида келтирилган тартибларда ҳисобланган вақтбай, ишбай, ишбай прогрессив, вақтбай мукофотли ва ишбай мукофотли асосий иш ҳақлари корхона бухгалтериясида ходимлар учун очилган шахсий счёт карточкаларига ёки иш ҳақи китоби ёхуд ҳисоб-китоб тўлов қайдномаларига ойма-ой ёзиб борилади. Ушбу ҳисоб регистрларида қайд этилган ҳисобланган иш ҳақларининг жамлама суммалари бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади (11.7-жадвалга қаранг).

11.7-жадвал

Иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг счётларда акс эттирилиши

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счёт	Кредит счёт	Асос
1	Асосий ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган асосий иш ҳақи суммасига	2010	6710	Нарядлар, ҳисоботлар, табел, буйруқлар, ҳисоб-тўлов қайдномалари, ва бошқа ҳужжатлар
2	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган асосий иш ҳақ суммасига	2310	6710	
3	Умумхўжалик ходимларига ҳисобланган асосий иш ҳақи суммасига	2510	6710	
4	Ёрдамчи хўжаликлар ходимларига ҳисобланган асосий иш ҳақига	2710	6710	
5	Брак маҳсулотларни тўғрилаш учун ходимларга ҳисобланган асосий иш ҳақ суммасига	2610	6710	
6	Маҳсулотларни сотиш бўлимлари ва омборхона ходимларига ҳисобланган вақтбай, ишбай, ишбай прогрессив, вақтбай мукофотли ва ишбай мукофотли асосий иш ҳақлари суммасига	9410	6710	ҳисоботлар, табел, буйруқлар, ҳисоб-тўлов қайдномалари, ва бошқа ҳужжатлар

7	Маъмурий-бошқарув ходимларига ҳисобланган вақтбай, ишбай прог-рессив, вақтбай мукофотли муко-фатли асосий иш ҳақлари суммасига	9420	6710	табел, буйруқлар, ҳисоб-тўлов қайдномалари, ва бошқа ҳужжатлар
8	Капитал қурилиш ишлари билан банд ходимларга ҳисобланган вақтбай, ишбай, ишбай прогрессив, вақтбай мукофотли ва ишбай мукофотли асосий иш ҳақлари суммасига	0810	6710	нарядлар, ҳисоботлар, табел, буйруқлар, ҳисоб-тўлов қайдномалари, ва бошқа ҳужжатлар

11.6. Ходимларга меҳнат таътилининг ҳисобланиши ва ҳисоби

Ходимларга ишламаган вақт учун тўловларнинг муҳим турларидан бири бўлиб меҳнат таътили ҳақи ҳисобланади.

Меҳнат таътили – бу ходимга меҳнат кодексига мувофиқ иш жойи сақланган ҳолда ўртача кунлик иш ҳақи асосида тўлов қилиш шарти билан бериладиган каникул.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ корхона ходимлари иш фаолиятининг биринчи йили 6 ой ишлаганларидан сўнг, кейинги йилларда эса меҳнат таътили графиги ёки ходимнинг аризасига мувофиқ меҳнат таътилини олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ходимларга таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим. Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилнинг 12 иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланилмоғи лозим *(Ўз.Р Меҳнат кодексининг 143-моддаси)*. Яъни ходим ҳар йили камида 12 иш куни таътилда бўлиши керак. Бунда йиллик таътилнинг умумий муддати 48 иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмас *(Ўз.Р Меҳнат кодексининг 140-моддаси)*.

Меҳнат таътилини қайси санадан бошлаб неча кунга берилиши корхона раҳбарининг буйруғида кўрсатилади. Буйруқ асосида меҳнат таътили ҳақи қуйидаги тартибда ҳисобланади.

1. Ишбай ишловчилар учун

• олдинги меҳнат таътилидан кейинги меҳнат таътилигача олган иш ҳақи суммаси, шунингдек, шу даврда олган мукофотларининг суммаси топилиб, ушбу сумма ишлаган ойлар сонига бўлинади. Агар, ходимга 6

ойдан кейин меҳнат таътили берилган бўлса, 6 ой ичида олган иш ҳақи суммаси, шунингдек, шу даврда олган мукофотларининг суммаси топилиб, ушбу сумма 6 га бўлинади. 6 ойдан кўп ой ишлаган ходимлар бўйича меҳнат таътили ҳақини ҳисоблаш учун олдинги меҳнат таътилидан кейинги меҳнат таътилигача олган иш ҳақи суммаси, шунингдек, шу даврда олган мукофотларининг суммаси топилиб, ушбу сумма ҳақиқатда ишлаган ойлар сонига бўлинади. Топилган сумма ўртача бир ойлик тўлов суммасини билдиради.

• ўртача ойлик тўлов суммаси ўртача ойлик иш кунлари сонига (25,4 кун) бўлинади. Топилган сумма ўртача бир кунлик тўлов суммасини билдиради.

• ўртача бир кунлик тўлов суммаси буйруқ бўйича берилган меҳнат таътили кунлари сонига кўпайтирилади. Топилган сумма ходимнинг меҳнат таътили ҳақини билдиради.

Мисол: *Айтайлик, ходимнинг олдинги меҳнат таътилидан кейинги меҳнат таътилигача бўлган даврда (*2019 йил 1 августдан 2020 йил 1 июнгача бўлган даврда, жами *10 ой ичида) олган иш ҳақи суммаси 9 600 000 сўмни, олган мукофотлари 2 400 000 сўмни ташкил қилган, ўртача ойлик иш кунлари сони -25,4 кун, ходимга буйруқ бўйича 15 иш куни миқдорида меҳнат таътили берилган.*

Юқорида келтирилган тартиб ва шартли маълумотлар асосида ишбай ишловчи ходимга меҳнат таътили ҳақи қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади (11.8-жадвалга қаранг).

11.8-жадвал

Ишбай ишловчи ходимга меҳнат таътили ҳақининг ҳисоб-китоби

Ф.И.Ш._____, Лавозими_____

Меҳнат таътили берилган давр_____

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдор
1	2019 йил 1 августдан 2020 йил 1 июнгача бўлган даврда ҳисобланган иш ҳақи	Сўм	9 600 000
2	2019 йил 1 августдан 2020 йил 1 июнгача бўлган даврда ҳисобланган мукофотлар	Сўм	2 400 000
3	Ходимнинг жами даромади (1+2)	Сўм	12 000 00
4	Ходим ишлаган ойлар сони	Ой	10
5	Ходимнинг ўртача ойлик даромади (3/4)	Сўм	1 200 000
6	Ўртача ойлик иш кунлари сони	Кун	25,4

7	Ходимнинг ўртача кунлик даромади (5/6)	Сўм	47 244,09
8	Ходимга берилган меҳнат таътили кунлари сони	иш кун	15
9	Ходимга ҳисобланган меҳнат таътили ҳақи (7*8)	Сўм	708 661,35

2. Вактбай ишловчилар учун ходимнинг охирги ойдаги маоши ва олдинги меҳнат таътилидан кейинги меҳнат таътилигача бўлган даврда олган мукофотларининг ўртача ойлик суммаси, шунингдек, корхона раҳбари буйруғи бўйича берилган меҳнат таътили кунлари сони меҳнат таътили ҳақини ҳисоблашга асос қилиб олинади. Ушбу маълумотлар асосида меҳнат таътили ҳақи қуйидаги кетма-кетликда ҳисоб-китоб қилинади:

*ўртача ойлик тўлов ходимнинг охирги ойдаги маоши ва унинг олдинги меҳнат таътилидан кейинги меҳнат таътилигача бўлган даврда олган мукофотларининг ўртача ойлик суммаси йиғиндисидан иборат бўлади. Айтайлик, ходимнинг ойлик маоши 1 500 000 сўм, ўтган 9 ойда олган мукофот ҳақи 1 800 000 сўм. У ҳолда ходимнинг меҳнат таътилини ҳисоблашга асос бўладиган ўртача ойлик суммаси 1 700 000 сўмни (1 500 000 + 1 800 000/9) ташкил этади.

• ўртача ойлик тўлов суммаси ўртача ойлик иш кунлари сонига (25,4 кун) бўлинади. Топилган сумма ўртача бир кунлик тўлов суммасини билдиради. Бизнинг мисолимизда ушбу тўлов 66 929,13 сўмни (1 700 000:25,4) ташкил қилади.

• ўртача бир кунлик тўлов суммаси буйруқ бўйича берилган меҳнат таътили кунлари сонига кўпайтирилади. Топилган сумма ходимнинг меҳнат таътили ҳақини билдиради. Агар ходимга 18 кунлик меҳнат таътили берилган бўлса, у ҳолда унинг меҳнат таътили ҳақи 1 204 724,34 сўмни (66 929,13 х 18) ташкил қилади.

Агар ходимга бир неча йиллар давомида меҳнат таътили берилмаган бўлса, у ҳолда унга фойдаланилмаган меҳнат таътиллари ҳақи шу йиллар учун бира тўла ҳам ҳисобланиши мумкин.

МИСОЛ. *Ходимга 15 иш кунидан иборат йиллик меҳнат таътили белгиланган. У таътилдан 2 йил (2018 йил октябрдан 2020 йил сентябргача) фойдаланмаган. 2020 йил 1 октябрдан унга 30 иш кунига таътил берилган. Таътил ҳақи ҳисоб-китоби санасида ходимнинг лавозим маоши 1 800 000 сўмни, ҳисоб-китоб даврида (2018 йил октябрдан 2020 йил сентябргача) мукофотлар суммаси 2 400 000 сўмни ташкил этди.*

Ушбу мисолга кўра ходимнинг меҳнат таътили ҳақини ҳисоблашга асос бўладиган ўртача ойлик иш ҳаки 1900 000 сўмни (1 800 000 + 2 400 000 / 24) ташкил қилади.

Меҳнат таътили ҳақи 2 244 094,49 сўмга (1900000 / 25,4 х 30) тенг бўлади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолда ходимга фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун компенсация тўланади. Айтайлик, юқоридаги мисолда келтирилган шартларга кўра охирги 2 йил давомида меҳнат таътили берилмаган ходим билан 2020 йил 1 октябрдан меҳнат шартномаси бекор қилинган. У ҳолда ушбу ходимга ўтган 2 йилда фойдаланилмаган меҳнат таътили учун 2 244 094,49 сўм миқдорида компенсация ҳисобланади.

Юқоридаги тартибларда ҳисобланган меҳнат таътили ҳақлари ва фойдаланилмай қолинган меҳнат таътили учун компенсация тўловлари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ корхоналарнинг тегишли турдаги харажатларига олиб борилади. Чунончи, ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган меҳнат таътили ҳақи ишлаб чиқариш харажатларига, сотиш бўлими ходимларига ҳисобланган меҳнат таътили ҳақи сотиш харажатларига, маъмурий-бошқарув ходимларига ҳисобланган меҳнат таътили ҳақи маъмурий-бошқарув харажатларига киритилади.

Ҳисобланган меҳнат таътили ҳақлари ва фойдаланилмай қолинган меҳнат таътили учун компенсация тўловлари корхона бухгалтериясида ходимлар учун очилган шахсий счёт карточкаларига ёки иш ҳаки китоби ёхуд ҳисоб-китоб тўлов қайдномаларига ойма-ой ёзиб борилади. Ушбу ҳисоб регистрларида қайд этилган ҳисобланган меҳнат таътили ҳақлари ва фойдаланилмай қолинган меҳнат таътили учун компенсация тўловларининг жамлама суммалари бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади (11.9-жадвалга қаранг).

11.9-жадвал

Меҳнат таътили бўйича ҳисоб-китобларнинг счётларда акс эттирилиши

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счёт	Кредит счёт	Асос
1	Асосий ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган меҳнат таътили ёки	2010	6710	

	фойдаланилмай қолинган меҳнат таътили учун компенсация тўловлари суммасига			Табел, буйруқлар, ҳисоб-китоб, ҳисоб-тўлов қайдномалари, ва бошқа ҳужжатлар
2	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган меҳнат таътили ёки фойдаланилмай қолинган меҳнат таътили учун компенсация тўловлари суммасига	2310	6710	
3	Умумхўжалик ходимларига меҳнат таътили ёки фойдаланилмай қолинган меҳнат таътили учун компенсация тўловлари суммасига	2510	6710	
4	Ёрдамчи хўжаликлар ходимларига ҳисобланган меҳнат таътили ёки фойдаланилмай қолинган меҳнат таътили учун компенсация тўловлари суммасига	2710	6710	
5	Маҳсулотларни сотиш бўлимлари ва омборхона ходимларига ҳисобланган меҳнат таътили ёки фойдаланилмай қолинган меҳнат таътили учун компенсация тўловлари суммасига	9410	6710	Табел, буйруқлар, ҳисоб-китоб, ҳисоб-тўлов қайдномалари, ва бошқа ҳужжатлар
6	Бошқарув ходимларига ҳисобланган меҳнат таътили ёки фойдаланилмай қолинган меҳнат таътили учун компенсация тўловлари суммасига	9420	6710	

Республикамизнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖТК)га мувофиқ (49-модда) меҳнат таътили ҳақини ва фойдаланилмаган меҳнат таътили учун компенсация тўловларини ҳисоблаш ва тўлаш бўйича қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахслар жавобгарликка тортилиб, энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача, агар мазкур қонунбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса - энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима тўлайдилар.

11.7. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларнинг ҳисобланиши ва ҳисоби

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги ҳолларда берилади:

а) вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ касалликда (шикастланишда);

б) санаторий-курортларда даволанганда;

в) касалланган оила аъзосини парваришлаш зарур бўлганда;

г) карантинда;

д) сил ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда;

е) меҳнат қобилиятини тиклаш ёки ясама аъзо (протез) қўйдириш учун реабилитация муассасаларига ётқизилганда.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги ҳолларда берилмайди:

*ишдан ёки бошқа вазифалардан бўйин товлаш мақсадида ўз саломатлигига атайлаб зиён етказган ёхуд ўзини касалликка солганда;

*гиёҳвандлик ёки мастлик билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида, шунингдек, спиртли ва гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш натижасида касалликка чалинганда (жароҳатланганда);

*жиноят содир қилиш вақтида жароҳатланганда;

*суд қарори асосида мажбурий даволанишга юборилганда (руҳий касаллардан ташқари);

*ҳибсда бўлган даврда;

*суд-тиббиёт экспертизасидан ўтиш даврида.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тайинлаш учун фақат белгиланган тартибда тиббиёт муассаси томонидан берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (касаллик варақаси) асос бўлади.

Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларнинг миқдорлари ва уларни ҳисоблаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги 71-сон «Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида» қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом» билан белгиланган.

Ушбу меъёрий ҳужжатларга мувофиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси:

а) **тўлиқ иш ҳақи миқдорида** қуйидагиларга тўланади:

*ишлаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига;

*байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;

*қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга;

*Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга;

*Чернобиль АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган, қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга (аденома, рак) чалинган ходимларга;

*меҳнатда майиблаииш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ходимларга;

б) ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича ҳисобда турган ходимларга, улар томонидан давлат ижтимоий суғурта бадали тўлаган даврининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда:

*умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга - иш ҳақининг 100%и миқдорида;

*умумий иш стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга - иш ҳақининг 80%и миқдорида;

*умумий иш стажи 5 йилгача бўлган ходимларга - иш ҳақининг 60%и миқдорида;

в) қолган ҳолларда, уларнинг давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар тўланишининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ ҳолда:

*умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сағир) етимларга - иш ҳақининг 80%и миқдорида;

*умумий иш стажи 8 йилгача бўлган ходимларга - иш ҳақининг 60%и миқдорида.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақалар барча ҳолларда ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади. Нафақаларни ҳисоблашда асос қилиб олинадиган ҳақиқий иш ҳақига иш жойидан, суғурта бадаллари ундирилиб тўланадиган жами иш ҳақи тўловлари киради. Нафақаларни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинадиган иш ҳақининг барча турлари уларнинг ҳақиқатда олинган вақти бўйича эмас, балки улар ҳисоблаб ёзилган вақт бўйича иш ҳақига қўшилади.

Меҳнатига вақтбай ҳақ тўланадиган ходимларга нафақа ҳисоблаб чиқаришга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган ой бошидаги лавозим маоши ҳамда охирги 12 ойдаги барча турдаги қўшимча ва устамаларнинг 1/12 қисми асос қилиб олинади. Ушбу иш ҳақи турлари суммасини вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик рўй берган ойдаги барча иш кунларига (жадвал бўйича) бўлиш йўли билан ўртача бир кунлик иш ҳақи аниқланади. Ўртача кунлик иш ҳақини нафақа миқдорини белгилаш

учун иш ҳақига қўлланиладиган фоизга кўпайтириш йўли билан ўртача бир кунлик нафақа суммаси топилади. Нафақанинг умумий суммаси кунлик нафақани ушбу ойда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик туфайли ишга келмаган иш кунлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Мисол 1. *Ходимнинг лавозим маоши 1 500 000 сўм, у 3 февралдан 20 февралгача ишга касаллиги туфайли келмаганлиги тўғрисида касаллик варақасини тақдим этган. Ходимнинг болалари сони 2 та, меҳнат стажи 6 йил, ўтган 12 ойда олган барча қўшимча ва устамаларнинг ўртача ойлик миқдори 1 200 000 сўм.*

Юқорида келтирилган тартиб ва шартли маълумотлар асосида вақтбай ишловчи ходимга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади (11.10-жадвалга қаранг).

11.10-жадвал

Вақтбай ишловчи ходимга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ҳисоб-китоби

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдор
1	Ходимнинг ойлик лавозим маоши	сўм	1 500 000
2	Олдинги 12 ойда олинган мукофот, бошқа қўшимча ва устамаларнинг ўртача ойлик суммаси	сўм	1 200 000
3	Ходимнинг жами ўртача ойлик даромади (1+2)	сўм	2 700 00
4	Меҳнат қобилияти бўлмаган ойдаги иш кунлари сони	кун	20
5	Ўртача бир кунлик иш ҳақи (3/4)	сўм	135 000
6	Нафақа тўлаш фоизи	%	60
7	Ўртача бир кунлик нафақа суммаси (5*6)	сўм	81 000
8	Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик иш кунлари сони	кун	13
9	Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик иш кунлари учун ҳисобланган нафақа суммаси (8*9)	сўм	1 053 000

Меҳнатига ищбай ҳақ тўланадиган ходимларга нафақа ҳисоблаб чиқаришга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган ойдан олдинги ойда ҳисобланган иш ҳақи суммаси ҳамда охирги 12 ойдаги барча

турдаги қўшимча ва устамаларнинг 1/12 қисми асос қилиб олинади. Ушбу сумма асосида ишбай ишловчи ходимга меҳнатга қобилиятсизлик кунлари учун нафақа ҳисоблашнинг тартиби юқорида келтирилган тартибга тўлиқ ўхшайди.

Республикамиз Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-532-сон қарори 4-бандига мувофиқ 2007 йил 1 январдан бошлаб вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини тўлаш мажбурияти иш берувчилар зиммасига юкланган, уларни иш берувчилар ўз маблағлари ҳисобидан тўлайдилар. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»га киритилган ўзгартиришларга мувофиқ ходимларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги учун ҳисобланган нафақалар корхоналарнинг тегишли турдаги харажатларига олиб борилади. Чунончи, ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги учун ҳисобланган нафақалар ишлаб чиқариш харажатларига, сотиш бўлими ходимларига ҳисобланган нафақалар сотиш харажатларига, маъмурий-бошқарув ходимларига ҳисобланган нафақалар маъмурий-бошқарув харажатларига киритилади. Ҳисобланган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги учун нафақалар корхона бухгалтериясида ходимлар учун очилган шахсий счёт карточкаларига ёки иш ҳақи китоби ёхуд ҳисоб-китоб тўлов қайдномаларига ойма-ой ёзиб борилади. Ушбу ҳисоб регистрларида қайд этилган ҳисобланган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги учун нафақаларнинг жамлама суммалари бухгалтерия ҳисобида **Дебет** 2010,2310,2510 **Кредит** 6710 ёзувлари билан акс эттирилади.

11.8. Ҳомиладорлик ва бола туғиш ҳамда бола парвариши учун нафақалар ҳисоб-китоби ва ҳисоби

Аёлларга туққунга қадар 70 календарь кун ва туққанидан кейин 56 календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда - 70 календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича иш ҳақининг 100%и миқдорида нафақа тўланади. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда

бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланилганидан қатъи назар аёлга тўлиқ берилади.

Бундан ташқари ишлаётган аёлларга ёки туғилган боланинг отасига (агар туққан аёл ишламаса) «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом»га кўра қонун ҳужжатлари билан бола туғилган санада белгиланган меҳнат ҳақи энг кам миқдорининг икки баравари миқдорида бир марталик нафақа (суюнчи пули) тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда (энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида) нафақа тўланади. Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.

Меҳнатига вақтбай ҳақ тўланадиган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар қуйидаги кетма-кетликда ҳисоб-китоб қилинади:

1. Нафақа ҳисоб-китоби кунида белгиланган иш ҳақи (тариф, маош) ҳамда таътил бошланган ойдан олдинги 12 ой даврида олинган мукофотлар, барча бошқа қўшимча ва устамалар асосида ходиманинг ўртача ойлик иш ҳақи аниқланади.

2. Ходимага берилган таътил давридаги тўлиқ ойлардаги ўртача ойлик иш ҳақи ва охирги ойдаги иш кунлари сонига тўғри келувчи ўртача иш ҳақи суммаларини қўшиш орқали унга ялпи тарзда бериладиган нафақа суммаси топилади.

МИСОЛ. *Хўжалик ҳисобидаги ташкилот ходимаси туғиш олди ва туғишдан кейинги таътилга 2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 6 мартгача (126 календарь кун) чиқиши тўғрисида касаллик варақасини топширди. Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳисобланадиган кунда унинг тариф ставкаси 630 900 сўм. Олдинги 12 ойда (2018 йил ноябрь - 2019 йил октябрь) унга ҳисобланган мукофот пули 1 200 000 сўм.*

Нафақа ҳисоб-китоби санасида ўртача ойлик иш ҳақи 730 900 сўмни ташкил этади (630 900 + 1 200 000 / 12).

Таътилнинг 89 иш куни (ноябрь - 21, декабрь - 22, январь - 22, февраль - 20, март - 4) учун ҳисобланадиган нафақа суммаси 3 069 780 сўмни ташкил қилади (730900 х 4 ой + 730900 / 20 х 4 иш куни).

Агар ҳомиладорлик ва туғиш таътили вақтида иш ҳақи ўзгарган бўлса, шу даврдан бошлаб нафақа миқдори ҳам қайта ҳисоблаб чиқарилади.

Мисол. *Айтайлик, 2019 йил 15 декабрдан бошлаб ходиманинг тариф ставкаси 662 500 сўмгача оширилган. Нафақани қайта ҳисоблаш 2019 йил 15 декабрдан 2020 йил 6 мартгача бўлган даврга тўғри келадиган иш кунларининг ҳақиқатдаги сони, яъни 58 иш куни учун амалга оширилади.*

Янги тариф ставкаси бўйича ҳисоб-китобдан ўртача ойлик иш ҳақи 762500 сўмга (662 500 + 1 200 000 / 12) тенг. 58 иш куни учун нафақа суммаси (тариф ставкасининг ошишини ҳисобга олган ҳолда) 2 093409 сўмни (762500 / 22 х 12 иш куни (2019 йилнинг 15-31 декабрида) + 762500 х 2 ой (2020 йилнинг январь ва феврали) + 762500 / 20 х 4 иш куни (2020 йилнинг 1-6 марти) ташкил этади.

Ҳақиқатда ушбу 58 кун учун 2 006653 сўм (730900 / 22 х 12 иш куни + 730900 х 2 ой + 730900 / 20 х 4 иш куни) нафақа тўланган.

Ходимага қўшимча тўланадиган нафақа суммаси 86 756 сўмни (2 093409 - 2006653) ташкил этади.

Республикамиз Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-1245-сон қарори 24-бандига мувофиқ *2010 йилдан бошлаб ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тўлаш мажбурияти* иш берувчининг зиммасига юкланган, у нафақани ўз маблағлари ҳисобидан тўлаши керак. Шунингдек,, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2002 йил 18 февралдаги 588, 35-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ бола парваришлаш учун нафақа тўлови ҳам корхоналарда (ташкилотларда) ишлаётган оналар (она ўрнини босувчи шахслар) учун ушбу корхоналарнинг (ташкилотларнинг) ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Юқоридаги меъёрий ҳужжатларга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»га киритилган ўзгартиришларга мувофиқ ҳомиладорлик ва туғиш таътили учун нафақа ҳамда болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа корхоналарнинг бошқа операцион харажатларига олиб борилади. Ҳисобланган нафақалар корхона бухгалтериясида ходимлар учун очилган шахсий счёт карточкаларига ёки иш ҳақи китоби ёхуд

ҳисоб-китоб тўлов қайдномаларига ойма-ой ёзиб борилади. Ушбу ҳисоб регистрларида қайд этилган ҳисобланган нафақаларнинг жамлама суммалари бухгалтерия ҳисобида **Дебет** 9430 **Кредит** 6710 ёзуви билан акс эттирилади.

Бола туғилганда аёл ходимага ёки туғилган боланинг отасига (агар туққан аёл ишламаса) бир марталик нафақа Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу бир марталик нафақани тўлаш учун корхоналар махсус шаклдаги буюртмани ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига тақдим этадилар. Буюртма асосида бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақанинг ҳисобланган суммасига **Дебет 4890 Кредит** 6710 ёзуви берилади. Ижтимоий таъминот бўлимлари корхоналарнинг буюртмаларида кўрсатилган нафақа суммасини уларнинг махсус счётларига ўтказиб беради. Келиб тушган нафақа суммасига **Дебет** 5530 **Кредит** 4890 ёзуви берилади. Нафақа суммасининг корхона кассасига олинишига **Дебет** 5010 **Кредит** 5530, унинг тўлов қайдномаси ёки чиқим касса ордери асосида берилишига эса **Дебет** 6710 **Кредит** 5010 ёзувлари берилади.

11.9. Ходимларга бошқа даромадларнинг ҳисобланиши ва ҳисоби

Фоизлар кўринишидаги даромадларнинг ҳисобланиши ва ҳисоби. Корхона ва ходим ўртасида кредит ёки қарз шартномаси тузилган ҳолларда корхона ходимга унинг кредит ёки қарз сифатида жалб этилган маблағлари учун шартномада кўрсатилган фоиз тўловини тўлайди. Ходимга тўланадиган бундай фоиз тўлови унинг фоиз кўринишидаги даромадлари бўлиб ҳисобланади. Мисол, айтайлик, корхона раҳбари ўз ходими билан у томонидан корхонага 1 мартда 10 ойга 60 000 000 сўмлик пул маблағларини молиявий ёрдам сифатида киритиш тўғрисида шартнома тузди. Шартномага кўра ходимга тўланадиган фоиз тўловининг йиллик ставкаси 10 %. Ходимнинг фоиз кўринишидаги ойлик даромади 500 000 сўмни ташкил этади (60 000 000*10/100/12*10).

21-сон БҲМСга мувофиқ юқоридаги операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

*вақтинчалик молиявий ёрдамнинг кассага кирим қилинишига:

Дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» - 60 000 000

Кредит 6820 «Олинган қарзлар» - 60 000 000

* вақтинчалик молиявий ёрдамнинг ҳисоб-китб счётига олинишига:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» - 60 000 000

Кредит 6820 «Олинган қарзлар» - 60 000 000

*ходимнинг фоиз кўринишидаги мулкий даромадининг ҳар ойда ҳисобланган суммасига:

Дебет 9610 «Фоиз кўринишидаги харажатлар» – 500 000

Кредит 6920 «Тўланадиган фоизлар» 500 000

*бир вақтнинг ўзида ҳисобланган фоизларни ходимнинг мулкий даромади деб тан олинишига:

Дебет 6920 «Тўланадиган фоизлар» 500 000

Кредит 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» – 500000

*Ходимнинг фоиз кўринишидаги даромадини тўланишига (12 %лик даромад солиғи ушлангандан кейинги сумма):

Дебет 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» 440 000

Кредит 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» ёки 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» - 440 000

Дивидендлар кўринишидаги даромадларинингҳисобланиши ва ҳисоби. Дивидендлар кўринишидаги даромадлар ишловчи ходимларга қуйидаги ҳолларда ҳисобланади:

*ходим корхонанинг таъсисчиси ёки таъсисчиларидан бири бўлиб ҳисобланса;

* ходим корхона чиқарган акцияларга эгалик ҳуқуқига эга бўлса.

Бундай ҳолларда ишловчи ходимларга таъсисчилар ёки акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тақсимланадиган фойда ҳисобидан устав капиталидаги улуши ёки 1 та акцияга (ёки 1 сўмлик акцияга) тўғри келадиган тақсимланадиган фойда суммасига қараб тегишли миқдорда дивиденд ҳисобланади. Мисол, айтайлик корхона устав капитали 200 000 000 сўм, ходимнинг устав капиталидаги улуши 10 %, ҳисобот йилида олинган соф фойда 50 000 000 сўм.

21-сон БҲМСга мувофиқ ходимнинг дивиденд кўринишидаги мулкий даромадининг ҳисобланган суммасига:

Дебет 8710 «Ҳисобот йилнинг тақсимланмаган фойдаси – 5 000 000 (50 000 000*10%)

Кредит 6610 «Ҳисобланган дивидендлар» - 5 000 000 (50 000 000*10%)

*бир вақтнинг ўзида ҳисобланган дивидендларнинг ходимнинг мулкий даромади деб тан олинишига:

Дебет 6610 «Ҳисобланган дивидендлар» - 5 000 000

Кредит 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» – 5000000.

*Ходимнинг дивиденд кўринишидаги даромадини тўланишига (5 %лик дивиденд солиғи ушлангандан кейинги сумма):

Дебет 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» -0 «Тўланадиган фоизлар» - 4750 000

Кредит 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» ёки 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» - 4 750 000

Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларнинг ҳисобланиши ва ҳисоби. Агар ходим ва корхона ўртасида мол-мулкни ижарага бериш тўғрисида ижара шартномаси тузилган бўлса, у ҳолда ходимга шартномада белгиланган муддатларда ва миқдорда ижара тўлови ҳисобланади. Бундай тусдаги даромад ходимнинг мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлари сифатида тан олинади.

Жисмоний шахслар мулкини ижарага беришдан оладиган даромадларининг минимал миқдорлари уларнинг бир бирлиги учун ҳар йили республикамиз Президенти қарори билан тасдиқланадиган давлат бюджети параметрларида белгиланади. Чунончи, 2020 йил учун жисмоний шахслар мулкини ижара беришдан олинадиган даромадларнинг давлат бюджети параметрларида минимал миқдорлари бино ва иншоатлар ҳамда транспорт воситалари бўйича қуйидагича белгиланган (11.11-жадвалга қаранг).

11.11-жадвал

Мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам СТАВКАЛАРИ (2020 йил учун)

Т/р	Ижарага берилаётган мол-мулк тури	Белгиланган ставка	Ойлик ижара тўлови ставкаларининг энг кам миқдорлари, сўмда		
		Миқдорини тавсифловчи кўрсаткич	Тошкент шаҳри	Нукус шаҳри ва вилоят марказлари ҳамда шаҳарлар	бошқа аҳоли пунктлари
1	**Уй-жойлар:**				
	турар жой	умумий майдонининг 1 кв. метри учун	12 000	7 500	3 500

	нотурар жой		25 000	15 000	6 500
2	**Автомобиль транспорти:**				
	енгил автомобиль (йўловчилар, багаж ташишга мўлжалланган ҳамда ҳайдовчи ўрнини ҳисобламаганда, ўриндиклари сони 8 тадан кўп бўлмаган автотранспорт воситаси)	1 та автотранс-порт воситаси учун	500 000		
	микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллари		1 000 000		

Изоҳ: Мазкур ставкалар жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларига солиқ солиш мақсадида қўлланилади.

Ходимнинг ўз мол-мулкни ижарага беришдан оладиган ойлик даромад суммаси ижарага берилган уй-жой умумий майдонини 1 квадрат метр учун белгиланган ижара ставкаси кўпайтириш, шунингдек, енгил автомобил ёки микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллари сонини уларнинг 1 донаси учун белгиланган ижара ставкасига кўпайтириш орқали топилади, яъни:

Ихд = Имм*Ис,

бу ерда **Ихд** – ходимнинг ижара ҳақи сифатидаги даромади; **Имм**-ижара мулкининг миқдори (масалан, бино ва иншоатнинг умумий майдони, енгил автомобил, автобус ва юк транспортининг сони); **Ис**-ижара мулки миқдорининг бир бирлиги учун белгиланган ижара ставкаси.

Ходимлар мулкини жорий ижарага олиш бўйича улар даромадини ҳисоблашда қуйидаги учта ёндашув бўлиши мумкин:

(1) шартнома қиймати давлат томонидан белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкасига асосланган қийматга тенг бўлиши мумкин;

(2) шартнома қиймати давлат томонидан белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкасидан юқори бўлган ставкага асосланган қийматга тенг бўлиши мумкин;

(3) шартнома қиймати давлат томонидан белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкасидан кам бўлган ставкага асосланган қийматга тенг бўлиши мумкин.

Ушбу учта ёндашувларга асосланган ҳолда жисмоний шахслар ҳисобланган ходимларнинг мулкини ижарага олиш бўйича уларга ҳисобланган даромад ҳисоб-китоби бино ва иншоатлар мисолида қуйидаги жадвалда келтирилган (11.12.-жадвалга қаранг).

11.12-жадвал

Жисмоний шахслар мулкини ижарага олиш бўйича уларга ҳисобланган ялпи ва соф даромад ҳисоб-китоби

№	Мулк объекти	Майдон, кв.м	Бир бирлик майдон учун ижара ҳақи миқдори, сўм		Бир ойлик ижара ҳақи суммаси, сўм		Ойлик ижара ҳақидан ушланадиган 12 %лик даромад солиғи, сўм		Ҳоғдимнинг ижара бўйича соф даромади
			Меъёр бўйича	Шартнома бўйича	Меъёр бўйича	Шартнома бўйича	Меъёр бўйича	Шартнома бўйича	
1-ёндашув бўйича									
1	Офис	50	25 000	25 000	1 250 000	1 250 000	150 000	150 000	1 100 000
2	Гараж	150	25 000	25 000	3 750 000	3 750 000	450 000	450 000	3 300 000
	Жами				**5 000 000**	**5 000 000**	**600 000**	**600 000**	**4 400 000**
2-ёндашув бўйича									
1	Офис	50	25 000	30 000	1 250 000	1 500 000	150 000	180 000	1 320 000
2	Гараж	150	25 000	30 000	3 750 000	4 500 000	450 000	540 000	3 960 000
	Жами				**5 000 000**	**6 000 000**	**600 000**	**720 000**	**5 280 000**
3-ёндашув бўйича									
1	Офис	50	25 000	20 000	1 250 000	1 000 000	150 000	120 000	850 000
2	Гараж	150	25 000	20 000	3 750 000	3 000 000	450 000	360 000	2 550 000
	Жами				**5 000 000**	**4 000 000**	**600 000**	**480 000**	**3 400 000**

Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар учала ёндашувда ходимга мулкни ижарага бериш бўйича ҳисобланадиган даромад, ушбу даромаддан тўлов манбаида ушланадиган даромад солиғи ҳамда ходимнинг соф даромади турлича суммани ташкил этади.

Танланган ёндашувга мувофиқ ходимнинг ўз мулкини ижарага беришдан олган ялпи ва соф даромади ҳисобда қуйидагича акс эттирилади (3.13-жадвалга қаранг).

3.13-жадвал

Корхона ходимларининг мулкни ижарага бериш бўйича даромадларини счётларда акс эттирилиши

№	Операция мазмуни	Бухгалтерия ёзуви		Сумма		
		Дебет	Кредит	1-ёндашувда	2-ёндашувда	3-ёндашувда
1	Жисмоний шахсларга мулкни ижарага бериш бўйича ҳисобланган даромад суммасига	2010, 2310, 2510, 9410, 9420	6990	5 000 000	6 000 000	4 000 000
2	Бир вақтнинг ўзида ҳисобланган ижара ҳақининг ходимнинг мулкий даромади деб тан олини-шига	6990	6710	5 000 000	6 000 000	4 000 000
3	Мулкий нафдан тўлов манбаида ушланган даромад солиғи суммаси	6710	6410	600 000	720 000	600 000
4	Жисмоний шахсларга тўланган (ўтказиб берилган) соф даромад суммасига (мулкий нафдан тўлов манбаида ушланган даромад солиғи суммаси чегирилгандан кейин қолган суммага)	6710	5010, 5110	4 400 000	5 280 000	3 400 000

Роялти кўринишидаги даромадларнинг ҳисобланиши ва ҳисоби. Агар интеллектуал мулк ижараси бўйича ходим ва корхона ўртасида ижара шартномаси тузилган бўлса, у ҳолда ходимга шартномада белгиланган муддатларда ва миқдорда ижара тўлови ҳисобланади. Бундай тусдаги даромад ходимнинг роялти кўринишидаги даромадлари сифатида тан олинади. 21-сон БҲМСга мувофиқ ходимларга ҳисобланган ушбу даромадлар бухгалтерия ҳисобида **Дебет**

2010,2310,2510,9410,9420,9430 **Кредит** 6930 ва **Дебет** 6930 **Кредит** 6710 ёзувлари билан акс эттирилади.

Ходимларга моддий наф тарзидаги даромадларнинг хисобланиши ва ҳисоби. 21-сон БҲМСга мувофиқ ходимларнинг бу турдаги даромадлари бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувларда ўз аксини топади:

• ходимларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш, коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш, санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш бўйича даромадлари **Дебет** 9430 **Кредит** 6710 ёзуви билан;

• ҳадя шартномаси асосида мол-мулкни текинга бериш **Дебет** 9430 **Кредит** 6710 ва **Дебет** 6710 **Кредит** 9210,9220 ёзувлари билан;

• тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни ходимларга текинга бериш **Дебет** 9430 **Кредит** 6710 ва **Дебет** 6710 **Кредит** 9010,9020,9030 ёзувлари билан;

• жисмоний шахснинг юридик шахс олдидаги қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқариш **Дебет** 9430 **Кредит** 6710 ва **Дебет** 6710 **Кредит** 4710,4720 ёзуви билан ва бошқалар.

Ходимларга моддий ёрдам, компенсация ва бошқа турдаги даромадларнинг ҳисобланиши ва ҳисоби. Ходимларга ҳисобланган моддий ёрдамларнинг барча турлари уларнинг аризалари ҳамда раҳбарнинг буйруғи асосида бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 9430 **Кредит 6710**

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга уй-жой-коммунал хизматлари ҳақини тўлаш, овқат пули, йўл харажатлари ва бошқа мақсадлар учун ҳисобланган компенсация пул тўловлари раҳбарнинг буйруғи асосида бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 9430 **Кредит 6710**

Ходимларга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 178-моддасида белгиланган барча турдаги бошқа даромадлар (пенсияга қўшимча, стипендия, донорлик учун мукофот, мусобақаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари, ютуқлар, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ

бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар)нинг ҳисобланган суммалари бухгалтерия ҳисобида **Дебет** 9430 **Кредит** 6710 ёзуви билан акс эттирилади.

11.10. Ходимлар даромадларидан ушланмаларнинг ҳисоби

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ва солиқ қонунчилиги ҳужжатларига кўра ходимларга корхона ва ташкилотларда ҳисобланган даромадлардан турли ушланмалар амалга оширилади. Ушбу ушланмалар 2 турга, яъни мажбурий ва ихтиёрий ушланмаларга бўлинади.

Мажбурий ушланмалар деганда ходимларга ҳисобланган уларнинг даромадларидан қонун ва ижро ҳужжатлари асосида ушланадиган ушланмалар тушунилади. Уларга даромад солиғи, суд ижро ҳужжатлари асосидаги ушланмалар ва иш ҳақи бўйича олдиндан тўланган бўнак суммаси киради.

Ихтиёрий ушланмалар деганда ходимларнинг ҳисобланган даромадларидан уларнинг аризасига кўра ушланадиган ушланма ва тўловлар тушунилади. Уларга касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, турли ассоциацияларга аъзолик бадаллари, ўзи ва фарзандларининг ўқиш ҳақлари учун тўловлар, олинган қарз ва кредитлар учун тўловлар, коммунал хизматлар учун тўловлар ва бошқа ушланмалар киради.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ (164-модда) иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.

Даромад солиғининг ҳисобланиши ва ҳисоби

Республикамизнинг Солиқ кодексига мувофиқ (386-модда) ишлаётган ходимлардан даромад солиғини белгиланган тартибда ушлаб қолиш ва ўз вақтида бюджетга ўтказиб бериш мажбурияти солиқ агентлари ҳисобланган корхоналар зиммасига юклатилган. Мазкур солиқ суммаси ушлаб қолинмаган тақдирда, солиқ агенти ушлаб қолинмаган суммани ҳамда у билан боғлиқ пеняни бюджетга тўлаши шарт.

Ходимлардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш учун иккита кўрсаткич асос қилиб олинади:

(1) солиқ солинадиган база;

(2) солиқ ставкалари.

Солиқ солинадиган база ходимнинг Солиқ кодексининг 371-377-моддаларида рўйхати келтирилган жами даромадидан ушбу кодекснинг қуйидаги моддаларида келтирилган солиқ имтиёзларини айириб ташлагандан кейин қолган қисмидан иборатдир:

*378-модда. Солиқ солинмайдиган даромадлар;

*380-модда. Айрим тоифадаги солиқ тўловчиларнинг жами даромадини камайтириш.

Ходимдарнинг **солиқ солинмайдиган даромадларга** Солиқ кодексининг 378-моддасига мувофиқ қуйидагилар киради:

1) моддий ёрдам суммалари:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари - меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,22 бараваригача миқдорда;

ушбу Кодекснинг 377-моддасида кўрсатилган бошқа ҳолларда, - солиқ даври учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,22 бараваригача миқдорда;

2) солиқ агенти томонидан қуйидаги йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари, бундан туристик йўлланмалар мустасно:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қийматини ногиронлиги бўлган шахсларга, шу жумладан, ушбу иш берувчида ишламайдиган ногиронлиги бўлган шахсларга тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек, санаторий-курорт ҳамда соғломлаштириш муассасаларига ўз ходимларининг ўн олти ёшгача болалари (ўқийдиганларга - ўн саккиз ёшгача) учун йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

3) ўз ходимларига ҳамда уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек, иш берувчининг даволашга ҳамда тиббий хизмат кўрсатишга, ногиронлик профилактикаси ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олишга оид харажатлари. Ходимларни даволаганлик, уларга тиббий хизмат кўрсатганлик учун иш берувчилар томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига нақд пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек, соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган ҳужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган нақд пул маблағлари бевосита ходимга, ходим йўқлигида эса - унинг оила аъзоларига, ота-онасига берилган ёки

мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг банкдаги ҳисобварағига киритилган тақдирда, бу даромадлар солиқ солишдан озод қилинади;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар;

5) вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилаётган бўлса;

6) халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

7) солиқ тўловчиларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинадиган даромадлар, бундан қуйидагиларни сотишдан олинган даромадлар мустасно:

қимматли қоғозларни (бундан фонд биржасида реализация қилинадиган эмиссиявий қимматли қоғозлар мустасно), юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (пайларини);

нотурар жойларни;

ўттиз олти календарь ойдан кам муддатда солиқ тўловчининг мулкида бўлган турар жойларни;

8) уй хўжалигида, шу жумладан, деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамолларни, паррандаларни, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар ва ҳоказоларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда сотишдан (бундан саноатда қайта ишлаш мустасно) чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинадиган даромадлар, бундан манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари мустасно;

9) халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг қиймати;

10) иш берувчидан солиқ даври мобайнида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2,11 бараваригача бўлган қийматдаги:

ходимлар натура шаклида олган совғалар;

илгари мазкур иш берувчининг ходимлари бўлган ишламаётган пенсионерлар ва меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар, вафот этган ходимнинг оила аъзолари томонидан олинган совғалар ҳамда бошқа турлардаги ёрдам;

11) жисмоний шахслардан мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек, текинга олинган пул ва натура шаклидаги даромадлар, бундан қуйидагилар мустасно:

илм-фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ҳамда санъат асарлари ижрочиларининг, шунингдек, кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) тўланадиган пул мукофотлари;

яқин қариндош бўлмаган шахслар ўртасидаги кўчмас мулк, автотранспорт воситалари, қимматли қоғозлар, юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушлар;

12) давлат заёмининг облигациялари бўйича ютуқлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар;

13) жамғарма сертификатлари, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек, банклардаги омонатлар бўйича фоизлар ва ютуқлар;

14) нодавлат нотижорат ташкилотларидан, халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек, ваколатли органнинг хулосаси мавжуд бўлса, Ўзбекистон Республикасининг илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги халқаро шартномалари доирасида солиқ тўловчи грант берувчидан бевосита олган грантнинг суммаси;

15) солиқ тўловчиларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш (ҳаёт суғуртаси соҳасининг барча тоифаларида) бўйича суғурта мукофотларини тўлаш учун Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахсларга йўналтириладиган қисми, қуйидаги шартларда:

суғурта бадаллари ўсиб бормайдиган тартибда тўланганда ва бир йўла тўланадиган суғурта суммаси шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан 12 ойдан сўнг олинганда. Суғурталанган шахснинг муайян ёшгача яшаши ёки ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш шартномасида кўрсатилган муддатдан бошқача тарздаги суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда, суғурта суммаси ушбу кўрсатилган шартларга амал қилмаган ҳолда тўланиши мумкин;

шартнома бўйича суғурта даври бошланиш санасидан камида 12 ойдан сўнг рента (аннуитет) олинганда ва рентани (аннуитетни) тўлаш санасида шартнома бўйича ҳақиқатда жамланган маблағлар (заҳира) суммаси кўрсатиб ўтилган рентанинг (аннуитетнинг) тўрт бараваридан кам бўлмаганда;

рента (аннуитет) тўлаш шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан 12 ой ўтмасдан бошланганда, бунда дастлабки рентани (аннуитетни) тўлаш бошланадиган вақтда ҳақиқатда тўланган суғурта бадаллари суммаси шартнома бўйича суғурта мукофотининг йиллик миқдоридан кам бўлмаслиги керак ва ренталарни (аннуитетларни) тўлаш санасига ҳақиқатда жамланган маблағлар (заҳира) суммаси кўрсатиб ўтилган рентанинг (аннуитетнинг) тўрт бараваридан кам бўлмаганда.

Мазкур бандниг шартлари бузилганда ёхуд шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда ва суғуртачи суғурта бадалини тўлиқ ёки қисман қайтарганда, қайтарилган суғурта бадали суғуртачи томонидан солиққа тортилади.

16) солиқ тўловчининг қуйидагиларга йўналтириладиган, солиқ солиниши лозим бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадлари:

Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларида таълим олиш (ўзининг, йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун тўлов;

солиқ базасининг 50 фоизидан ошмаган ҳолда, меценатлик кўмагини кўрсатиш;

олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни солиқ даври давомида жами ўн беш миллион сўмгача бўлган миқдорда қоплашга, башарти якка тартибдаги уй-жойнинг ёки кўп қаватли уйдаги хонадоннинг қиймати уч юз миллион сўмдан ошмаса ҳамда у дастлабки бадалнинг ва (ёки) ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун бюджетдан ажратилган субсидияларни ҳисобга олган ҳолда олинган бўлса. Мазкур имтиёз қарз олувчига ва бирга қарз олувчиларга, имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган барча солиқ тўловчиларга берилган, солиқ солиниши лозим бўлган даромадларни камайтириш суммаси солиқ даври давомида жами ўн беш миллион сўмдан ошмаган тақдирда, татбиқ этилади;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги ихтиёрий равишда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига;

17) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан, ҳадя шартномалари бўйича) олинган улушлар, пайлар ва акциялар тарзидаги даромадлар, агар бу улушларни, пайларни ва акцияларни бериш яқин қариндошлар ўртасида амалга оширилса.

Юридик шахс ташкил этмаган чет эл тузилмасига нисбатан ёки кайси чет эл юридик шахси учун рўйхатдан ўтиш мамлакатининг қонун ҳужжатларига мувофиқ капиталда иштирок этиш назарда тутилмаган бўлса, ўша чет эл юридик шахсига нисбатан назорат қилиш ҳуқуқи, агар

бундай ҳуқуқлар уларни бир оиланинг аъзолари ва (ёки) яқин қариндошлар бўлган шахслар ўртасида ўтказиш натижасида олинган бўлса, даромад олиш ёки даромадни тасарруф этиш ҳуқуқининг юзага келиши деб эътироф этилмайди;

18) пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган солиқ тўловчиларнинг бу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари;

19) солиқ тўловчи бўлган қимматбаҳо металлар қидирувчиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қазиб олиш йўли билан эга бўлган қимматбаҳо металларни реализация қилишдан олган даромадлари.

Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ қуйидаги солиқ тўловчилар қисман (даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) солиқ солишдан озод этилади:

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган шахслар. Бу имтиёз тегишинча «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) уруш ногиронлари ва иштирокчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган ва доираси қонун ҳужжатларида белгиланадиган шахслар. Бу имтиёз уруш ногиронининг (иштирокчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (иштирокчиларга) ногироннинг (иштирокчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

3) болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар. Бу имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

4) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар. Бу имтиёз ҳар бир бола учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома асосида берилади;

5) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ҳамда боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар. Бу имтиёз эрнинг (хотиннинг) вафот этганлиги тўғрисидаги

гувоҳнома, болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, янги никоҳдан ўтмаганлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олинмаслиги ҳақидаги маълумотномаси тақдим этилган тақдирда берилади;

6) болалигидан ногиронлиги бўлган шахс, доимий парваришни талаб этадиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота ёки она. Бу имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки соғлиқни сақлаш муассасасининг доимий парвариш зарурлигини тасдиқловчи тиббий маълумотномаси асосида берилади.

Солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқ календарь йил давомида вужудга келган тақдирда, солиқ имтиёзи унга бўлган ҳуқуқлар вужудга келган пайтдан эътиборан қўлланилади.

Агар солиқ тўловчи ушбу моддада назарда тутилган бир нечта асос бўйича солиқ имтиёзига доир ҳуқуққа эга бўлса, унга хоҳишига қараб фақат битта солиқ имтиёзи берилади.

Солиқ ставкаси – бу ходимларнинг солиқ солинадиган даромадларидан улар турлари бўйича белгиланган фоизлар.

Республикамизда 2019 йилнинг 1 январигача жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг табақалаштирилган ставкалари қўлланилар, ушбу табақалаштирилган ставкалар ҳар йилнинг охирида келгуси йил учун Президентимиз қарори билан белгиланар эди. 2019 йилнинг 1 январидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушбу табақалаштирилган ставкалари ўрнига ягона 12 фоизлик даромад солиғи, ходимларнинг фоиз ва дивиденд кўринишидаги даромадларидан 5 фоизлик даромад солиғини ундириш тартиби белгиланди. Ушбу солиқ ставкалари 2020 йилда ҳам ўзгаришсиз қолдирилди.

Ходимлардан олинадиган даромад солиғи суммаси улар даромадларини белгиланган солиқ ставкасига кўпайтириш орқали топилади.Бунда ходимнинг даромади ҳам, ундан ундирилган даромад солиғи ҳам йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича ҳисобга олинади. Йил бошидан ортиб борувчи якун билан ҳисобга олинган даромад солиғидан шу ҳисобот ойигача ушлаб қолинган жами даромад солиғи суммасини чегиришдан кейин қолган сумма охирги ойга тўғри келувчи даромад солиғини билдиради.

Ходимлардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига

(ШЖБПҲ) ўтказиладиган ҳар ойлик 0,1 фоизлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Даромад солиғини ҳисоблашга оид мисоллар
2020 йил учун

1-мисол. Ойлик даромад бўйича ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходим корхонада 1 ставкада ишлайди. Январь ойи учун ҳисобланган иш ҳақи 1 500 000 сўм. Ходим ЖШДС бўйича имтиёзларга эга эмас. ЖШДС ставкаси 12 %.

Жисмоний шахсдан 2020 йил январь ойида ушланадиган даромад солиғи 180 000 сўмни ташкил этади (1500000*12/100). Ушбу солиқдан ШЖБПҲга 0,1 %лик мажбурий ажратма суммаси 1500 сўмни ташкил этади (1500000*0,1/100). Ходимнинг қўлига текадиган соф даромади (агарда бошқа ушланмалар бўлмаса) жами 1 320 000 сўмни ташкил қилади (1500000-180000).

Бюджетга 178 500 сўм (180 000 -1500) ЖШДС ўтказилади.

2-мисол. ***Даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 баравари миқдоридаги даромад чиқариб ташланадиган имтиёз қўлланилган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби***

Ходимнинг январь ойидаги маоши 1 400 000 сўмдан, феврал ойидан бошлаб унинг ойлик маоши 1 600 000 сўм миқдорида белгиланган. 2020 йилнинг 1 январига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲЭКМ) 634880 сўм, 1 февралдан 679330 сўм. Ходим болаликдан 2-гуруҳ ногирони. СК 380-моддасига кўра у ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 баравари миқдоридаги даромадлар бўйича солиқ солишдан озод этилган.

Солиқ солинадиган даромад:

*январь ойида 1400000- 634880 = 765120 сўмга тенг;

*февраль ойида 1600000-679330 = 920670 сўмга тенг;.

12%лик ставка бўйича солиқ суммаси:

*январь ойида 765120*12/100 = 91814.40 сўмга тенг;

*февраль ойида 920670*12/100 = 110480.40 сўмга тенг;.

Январь ойи учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 765.12 сўмни (765120 х0,1%) ташкил этади. Январь ойи якуни бўйича

бюджетга ўтказиладиган ЖШДС суммаси 91049.28 сўмни (91814.4-765.12), ходимнинг қўлга оладиган меҳнат ҳақи 1308185.60 сўмни (1400000-91814.40) ташкил этади.

Февраль ойи учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 920,67 сўмни (920670 х0,1%) ташкил этади. Февраль ойи якуни бўйича бюджетга ўтказиладиган ЖШДС суммаси 109559.33 сўмни (110480.4 - 920.67), ходимнинг қўлга оладиган меҳнат ҳақи 1489519.6 сўмни (1600000-110480.40) ташкил этади.

3-мисол. Моддий ёрдам олиш тарзида имтиёзни ҳисобга олган ҳолда даромад солиғи-китоби

Ходимнинг январь-март ойларидаги меҳнатига 1 800 000 сўмдан ҳақ тўланган. Март ойида унга фарзанди туғилганлиги муносабати билан 2 000 000 сўм моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодексининг 377-моддасига мувофиқ фарзанд туғилганлиги муносабати билан ходимга кўрсатиладиган моддий ёрдам солиқ даври учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,22 бараваригача миқдорда соликка тортилмайди. Ушбу имтиёзнинг максимал миқдори 2866772.6 сўмни (679330*4.22) ташкил этади. Демак, ходимга март ойида берилган 2000000 сўмлик моддий ёрдам тўлиғича солиқдан озод этилади.

Ушбу белгиланган тартибга кўра ходимнинг март ойидаги солиқ солинадиган даромади 1800000 сўмни, ундириладиган даромад солиғи 216 000 сўмни (1800000*12%) , ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 1800 сўмни (1800000 х0, 1%), бюджетга тўланадиган ЖШДС суммаси 214200 сўмни (216000-1800), ходимнинг қўлига текадиган даромади 3584000 сўмни (1800000+2000000 – 216000) ташкил этади.

Корхона бухгалтериясида ходимлар даромадидан ушланган даромад солиғи ҳамда ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси улар очилган шахсий счёт карточкаларига ёки иш ҳақи китоби ёхуд ҳисоб-китоб тўлов қайдномаларига ойма-ой ёзиб борилади. Ушбу ҳисоб регистрларида қайд этилган даромад солиғи ва ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаларига 21-сон БҲМСга мувофиқ бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар қилинади:

- ҳисобланган даромад солиғи суммасига:
  Дебет 6710 **Кредит** 6410;
- ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммасига:
  Дебет 6410 **Кредит** 6990;

•бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммасига:
Дебет 6410 **Кредит** 5110.
• ўтказиладиган ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммасига:
Дебет 6990 **Кредит** 5110.

Суд қарорига кўра ушланмаларнинг ҳисобланиши ва ҳисоби

Ишлаётган ходимлар даромадларидан суд қарорига кўра улар етказган моддий ва маънавий зарарлар, алиментлар ва бошқа мажбурий ушланмалар ҳам қилиниши мумкин.

Ходим томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарлар суд ижро ҳужжати (қарори) асосида бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади (11.14-жадвалга қаранг).

11.14-жадвал

Ходим томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарлар бўйича ҳисоб-китобларнинг счётларда акс эттирилиши

№	Операция мазмуни	Бухгалтерия ёзуви	
		Дебет	Кредит
1	Товар-моддий бойликлар камомади бўйича	4730	9010, 9020, 9030
2	Бошқа активлар камомади бўйича	4730	9210
3.	Бошқа ходимларга етказилган маънавий зарар суммасига:	4790	6990
4.	Етказилган маънавий зарар суммасини ходим иш ҳақидан ушланган суммасига	6710	4790
5.	Етказилган маънавий зарар суммасини тўланишига:	6990	5010, 5110

Оила кодексининг 99-моддасига кўра вояга етмаган болаларга таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун - тўртдан бир қисми, икки бола учун - учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун - ярмиси миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин. Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари

билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Оила кодексининг 104-моддасига кўра, **алимент** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида пул ёки натура тарзида олинган **барча турдаги даромадлардан ушлаб қолинади.** Алимент суммаси солиқлар ушланганидан кейин даромадларнинг умумий суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади *(2001 йил 29 августдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида» 258-II-сон Қонуннинг 65-моддаси).* Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи умумбелгиланган солиқлар ҳисобланиши сабабли алимент миқдори жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушланганидан кейин ҳисобланади.

МИСОЛ. *Ходимга 2020 йил январда 2 000 000 сўм ҳисоблаб ёзилди, шундан бир марталик моддий ёрдам – 1 000 000 сўм. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра у бир болага ўз иш ҳақининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент тўловчи ҳисобланади.*

Иш ҳақидан олинадиган даромад солиғи – 120 000 сўм [(2000000-1000000) х 12%];

Алимент суммаси 1 880 000 сўмнинг (2000000 – 120000) 1/4 қисми сифатида белгиланади ва 470 000 сўмни ташкил қилади. Юқорида келтирилган ушланмалар асосида ходимга 1 410 000 сўм (2000000-120000- 470000) тўланади.

Корхона бухгалтериясида ходимлар даромадидан ушланган алиментлар уларга очилган шахсий счёт карточкаларига ёки иш ҳақи китоби ёхуд ҳисоб-китоб тўлов қайдномаларига ойма-ой ёзиб борилади. Ушбу ҳисоб регистрларида қайд этилган алиментлар суммасига 21-сон БҲМСга мувофиқ бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар қилинади:

- ҳисобланган алимент суммасига:

Дебет 6710 **Кредит** 6990;

- алиментларнинг тўланган суммасига:

Дебет 6990 **Кредит** 5010,5110.

Ходимлар даромадидан ихтиёрий ушланмаларнинг ҳисобланиши ва ҳисоби

Ходимлар даромаддан ихтиёрий ушланмаларнинг барча турлари (аъзолик бадаллари, коммунал хизматлар, олинган қарз ёки кредитлар, тўлов-контракт ҳақлари ва бошқалар) уларнинг аризаларида, шунингдек, тузилган шартномаларда кўрсатилган миқдорларда амалга оширилади.

Улар корхона бухгалтериясида ходимлар учун очилган шахсий счёт карточкаларига ёки иш ҳақи китоби ёхуд ҳисоб-китоб тўлов қайдномаларига ойма-ой ёзиб борилади. Ушбу ҳисоб регистрларида қайд этилган барча ихтиёрий ушланмалар суммасига 21-сон БҲМСга мувофиқ бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар қилинади:

- аъзолик бадаллари, коммунал хизматлар, тўлов-контракт ҳақлари ва бошқалар ушланмалар суммасига:

Дебет 6710 **Кредит** 6990;

- олинган қарз ёки кредитларнинг ушланган суммасига:

Дебет 6710 **Кредит** 4720;

11.11. Ходимларга иш ҳақи ва бошқа даромадларни берилишининг ҳисоби

Корхоналарда меҳнат ҳақини берилишининг иккита тизими қўлланилади:

1. Бўнакли тизим – бу ҳисобот ойининг 1-ярими учун иш ҳақининг олдиндан бўнак тариқасида берилишини назарда тутувчи тизим. Ушбу тизимда ходимларга уларнинг ойлик маошлари суммасининг 50 %дан ортиқ бўлмаган миқдори бўнак тариқасида ҳисобот ойининг биринчи ярмидан сўнг берилади.

2. Бўнаксиз тизим – бу ҳисобот ойи учун иш ҳақини бира тўла ҳисобот ойидан кейин берилишини назарда тутувчи тизим. Ушбу тизимда ходимларга уларнинг қўлига тегадиган даромадлари ҳисобот ойидан кейинги ойда (одатда 10 санагача) берилади.

Иш ҳақини берилишининг ҳар иккала тизимида ҳам унинг берилиши нақд пул билан, шунингдек, ходимларнинг пластик карталарига ўтказиб бериш йўли билан амалга оширилади. Иш ҳақини нақд пул билан берилиши намунавий шаклдаги тўлов қайдномаси билан расмийлаштирилади.

Ходимларининг сони кам бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналарда иш ҳақи ва у бўйича бўнакнинг нақд пул билан берилиши чиқим касса ордерлари асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Иш ҳақи ва у бўйича бўнакнинг пластик карточкаларга ўтказиб бериш йўли билан берилиши ҳам намунавий шаклдаги тўлов қайдномаси билан расмийлаштирилади.

Ходимларга бошқа турдаги қўшимча даромадлар (фоиз кўринишидаги даромадлар, дивиденд кўринишидаги даромадлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар, роялти кўринишидаги

даромадлар, моддий наф тарзидаги даромадлар, моддий ёрдам, компенсация лар, пенсияга қўшимча, стипендия, донорлик учун мукофот, мусобақаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари, ютуқлар ва бошқа даромадлар) ҳам нақд пул билан ёки пластик картага ўтказиш йўли билан берилади. Бундай тўловлар ҳам чиқим касса ордерлари (якка шахслар билан ҳисоб-китобларда), тўлов қайдномалари (ходимлар сони кўп бўлганда) пластик карталарга ўтказиб бериш қайдномалари билан расмийлаштирилади.

Тўлов қайдномалари ҳамда чиқим касса ордерлари асосида ходимларга иш ҳақи бўйича берилган бўнак ва иш ҳақи, шунингдек, уларнинг қўлга текадиган бошқа даромадлари суммалари корхона бухгалтериясида уларга очилган шахсий счёт карточкаларига ёки иш ҳақи китоби ёхуд ҳисоб-китоб тўлов қайдномаларининг тегишли устунчаларига ойма-ой ёзиб борилади. Ушбу ҳисоб регистрларида акс эттирилган бўнак ва иш ҳақининг жами суммаларига 21-сон БҲМСга мувофиқ қуйидаги ёзувлар қилинади:

- берилган бўнак суммасига:

Дебет 4210 **Кредит 5010,5110**;

- берилган бўнак суммасининг ёпилишига:

Дебет 6710 **Кредит 4210**;

- иш ҳақининг кассадан берилган суммасига:

Дебет 6710 **Кредит** 5010,5110.

- иш ҳақининг депонент қилинган суммасига:

Дебет 6710 **Кредит** 6720.

- депонент қилинган иш ҳақининг кассадан берилган суммасига:

Дебет 6720 **Кредит** 5010,5110.

11.12. Ходимларга иш ҳақидан мажбурий ажратмаларнинг ҳисоби

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига кўра иш берувчилар ўз ходимларига ҳар ойда ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан белгиланган ставкада мажбурий ижтимоий солиқни ҳисоблашлари ва уни бюджетга ўтказиб беришлари лозим.

Республикамиз янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ (405-модда) 2020 йил учун ижтимоий солиқ ставкалари қуйидагича белгиланган:

N	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкалари, фоизларда
1.	Солиқ тўловчилар, бундан 2-4-бандларда назарда тутилганлар мустасно	12
2.	Бюджет ташкилотлари	25
3.	«SOS - Ўзбекистон Болалар маҳаллалари» уюшмалари	7
4.	Ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланувчи солиқ тўловчилар	4,7

Ижтимоий солиқ суммаси унга тортиладиган ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари суммасини белгиланган ставкага кўпайтириш ва 100 га бўлиш йўли билан топилади. **Мисол.** Айтайлик, давлат корхонасида ишловчилар сони 2020 йил январ ойида 80 киши, кичик корхонада ишловчи ходимлар сони 15 киши. Ҳисобланган иш ҳақи январь ойида давлат корхонасида 64 000 000 сўм, кичик корхонада 15 000 000 сўм.

Юқоридаги шартли маълумотларга кўра ижтимоий солиқ суммаси қуйидагича бўлади:

1. Давлат корхонасида – 64 000 000*25% = 16 000 000 сўм;
2. Кичик корхонада – 15 000 000*12% = 1 800 000 сўм.

Корхона ва ташкилотлар ижтимоий солиқ бўйича ҳар ой солиқ органларига Давлат солиқ қўмитасининг 28.01.2020 й. 2020-03-сон «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори (АВ томонидан 24.02.2020 й. 3221-сон билан рўйхатга олинган) билан тасдиқланган махсус «Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, қатъий белгиланган миқдорлардаги солиқ суммалари ва ижтимоий солиқ бўйича ҳисоботни топширадилар. Ушбу ҳисобот, шунингдек, бошқа гувоҳлик берувчи ҳужжатлар асосида бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар қилинади:

- Ижтимоий солиқнинг ҳисобланган суммасига:

Дебет 2010,2310,2510,9410,9420,9430,0810,9210 **Кредит** 6520;

- Ижтимоий солиқнинг тўланган суммасига:

Дебет 6520 **Кредит 5110.**

Агар ижтимоий солиқ бўйича олдиндан тўлов, яъни бўнак ўтказилган бўлса, унга дастлаб **Дебет** 4520 Кредит **5110** ёзуви берилади.

Ой охирида тўланган бўнак суммасининг ёпилишига **Дебет** 6520 **Кредит** 4520 ёзуви берилади.

Мавзу бўйича таянч атамалар

Корхона ва ташкилотлар ходимлари – бу уларда турли асосларда иш билан банд бўлган барча ишловчилар.

Ёлланма ходимлар – бу ишга ёллаш ёки меҳнат шартномаси асосида у ёки бу ишларни шартномада белгиланган миқдор ва шартларда рағбатлантириш шарти билан ишга жалб қилинган шахслар.

Ишчилар – бу бевосита моддий неъматларни яратиш, шунингдек, ишлаб чиқариш воситалари ва биноларини ишчи ҳолатда ушлаб туриш билан банд бўлган шахслардир.

Хизматчилар – бу корхона ва ташкилотларнинг бошқарув аппарати, ишлаб чиқариш ва хўжалик бўлинмаларида штат жадвалида назарда тутилган турли лавозимларда ишловчи шахслар.

Иш вақти – бу ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт.

Тарифли тизим – бу меҳнатга ҳақ тўлашни меҳнатнинг мураккаблиги, шартлари, интенсивлиги ва характерига, шунингдек, ишни бажаришнинг табиий-иқлимий шароитларига кўра маълум меъёрларга асосланган ҳолда ташкил этишга қаратилган тизими.

Тарифсиз тизим – бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг махсус меъёрларга асосланмаган тизимидир.

Тариф ставкаси – бу бир бирлик иш вақти учун тўланадиган меҳнат ҳақининг пул шаклидаги меъёрий миқдори.

Тариф-квалификацион справочниклар – бу ўзида бажариладиган ишларнинг асосий турларининг батафсил тавсифини ҳамда уларни бажарувчи ходимлар квалификациясига қўйиладиган талабларни мужассамлаштирувчи меъёрий хужжатлар.

Вақтбай иш ҳақи шакли – бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимига биноан белгиланган лавозим маоши ҳамда ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтига асосланган шакл.

Ишбай иш ҳақи шакли – бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳақиқатда бажарилган иш ҳажми ҳамда бир бирлик иш учун белгиланган тариф ставкасига (расценкасига) асосланган шакл.

Вақтбай иш ҳақи шакли – бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимига биноан белгиланган лавозим маоши ҳамда ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтига асосланган шаклидир.

Ишбай иш ҳақи шакли – бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳақиқатда бажарилган иш ҳажми ҳамда бир бирлик иш учун белгиланган тариф ставкасига (расценкасига) асосланган шаклидир.

Асосий иш ҳақи – бу ходимнинг ҳақиқатда ишлаган вақти ёки бажарган иши учун ҳисобланган иш ҳақи.

Меҳнат таътили – бу ходимга меҳнат кодексига мувофиқ иш жойи сақланган ҳолда ўртача кунлик иш ҳақи асосида тўлов қилиш шарти билан бериладиган каникул.

Меҳнат таътили ҳақи – бу ходимга меҳнат кодексига мувофиқ иш жойи сақланган ҳолда ўртача кунлик иш ҳақи ва берилган таътил кунлари учун ҳисобланган ҳақ.

Вақтинчалик меҳнатга яроқсизлик – бу тиббиёт муассаси томонидан бериладиган касаллик варақаси билан тан олинган меҳнатга қобилиятсизлик.

Вақтинчалик меҳнатга яроқсизлик учун нафақа – бу ходимга меҳнат кодексига мувофиқ иш жойи сақланган ҳолда ўртача кунлик иш ҳақи ва тиббиёт муассаси томонидан бериладиган касаллик варақасида кўрсатилган касал кунлар учун белгиланган меъёрлар асосида ҳисобланган нафақа.

Моддий ёрдам – бу ходимга унинг аризасига кўра раҳбарнинг буйруғида кўрсатилган миқдорда беғараз берилган пуллик ёрдам.

Компенсация – бу ходимга жамоа ва меҳнат шартномаси асосида уй-жой-коммунал хизматлари ҳақини тўлаш, овқат пули, йўл харажатлари ва бошқа мақсадлар учун раҳбарнинг буйруғи асосида белгиланган миқдорларда тўланадиган қўшимча тўлов.

Ходимнинг фоиз кўринишидаги даромадлари – бу корхона ва ходим ўртасида тузилган кредит ёки қарз шартномаси асосида ходимга унинг кредит ёки қарз сифатида жалб этилган маблағлари учун тўланадиган фоиз тўлови.

Ходимнинг дивидендлар кўринишидаги даромадлари – бу ишловчи ходимларга таъсисчилар ёки акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тақсимланадиган фойда ҳисобидан устав капиталидаги улуши ёки 1 та акцияга (ёки 1 сўмлик акцияга) тўғри келадиган тақсимланадиган фойда суммасига қараб тегишли миқдорда ҳисобланган ҳақ.

Ходимнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадлари – бу корхона ва ходим ўртасида тузилган ижара шартномаси асосида ходимга унинг мулкини ижараси учун тўланадиган ҳақ.

Ходимнинг роялти кўринишидаги даромадлари – бу корхона ва ходим ўртасида тузилган ижара шартномаси асосида ходимга унинг интеллектуал мулки ижараси учун тўланадиган ҳақ.

Ходимларнинг моддий наф тарзидаги даромадлари – бу корхона ҳисобидан ходимларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш, коммунал хизматлар, уй-жой ҳақи, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳаки, ётоқхонадаги жойлар ҳақи ёки уларнинг ўрнини қоплаш қиймати, санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қиймати, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақи ёки уларнинг ўрнини қоплаш қиймати, ҳадя шартномаси асосида мол-мулкни текинга бериш, тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қийматини қоплаш, олинган қарзнинг ҳисобдан чиқарилган суммаси.

Ходимларнинг бошқа даромадлари – бу ходимларга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 178-моддасида белгиланган барча турдаги бошқа даромадлар (пенсияга қўшимча, стипендия, донорлик учун мукофот, мусобақаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари, ютуқлар, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар)нинг ҳисобланган суммалари

Ходимлардан олинадиган даромад солиғи – бу ходимларнинг солиққа тортиладиган даромадларидан қонун ҳужжатларида белгиланган табақалаштирилган ставкалар бўйича ҳисобланадиган ва бюджетга ўтказиб бериладиган солиқ.

Даромад солиғи бўйича солиқ солинадиган база – бу ходимнинг жами даромади ва унинг Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солишдан озод қилинган даромадлари ўртасидаги фарқ.

Даромад солиғи ставкаси – бу ходимлар даромадларига нисбатан мажбурий ушланадиган фоиз тўлови.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари (ШЖБПҲ) – бу жисмоний шахснинг халқ банкида очилган махсус ҳисоб дафтарчаси.

Суд қарорига кўра ушланмалар – бу ишлаётган ходимлар даромадларидан суд қарорига кўра улар етказган моддий ва маънавий зарарлар, алиментлар ва бошқа мажбурий ушланмалар.

Ягона ижтимоий тўлов (ЯИТ) – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига кўра иш берувчиларнинг ўз ходимларига ҳар ойда ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан белгиланган ставкада бюджетдан ташқари мақсадли фондлардан бири бўлган пенсия фондига мажбурий тўлови.

Бўнакли тизим – бу ҳисобот ойининг 1-ярими учун иш ҳақининг олдиндан бўнак тариқасида берилишини назарда тутувчи тизим.

Бўнаксиз тизим – бу ҳисобот ойи учун иш ҳақини бира тўла ҳисобот ойидан кейин берилишини назарда тутувчи тизим.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Корхона ходимлари қандай гуруҳларга ажратилади?
2. Ходимлар меҳнатининг ҳисоби қандай юритилади?
3. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг қандай тизимлари бор?
4. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг қандай шакллари бор?
5. Ходимлар даромадлари қандай турларга бўлинади?
6. Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби учун қандай регистрлардан фойдаланилади?
7. Вақтбай ва ишбай ишловчиларга асосий иш ҳақи қандай ҳисобланади ва ҳисобга олинади?
8. Вақтбай ва ишбай ишловчиларга меҳнат таътили қандай ҳисобланади ва ҳисобга олинади?
9. Вақтбай ва ишбай ишловчиларга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик учун нафақа қандай ҳисобланади ва ҳисобга олинади?
10. Ходимлар моддий ёрдам, компенсация лар ва бошқа турдаги даромадлар қандай ҳисобланади ва ҳисобга олинади?
11. Ходимлар даромадидан қандай ушланмалар ва тўловлар амалга оширилади?
12. Ходимлар даромадидан солиқ қандай ҳисобланади у қандай ҳисобга олинади?
13. Ходимлар даромадидан суд ижро ҳужжатлари асосида қандай ушланмалар амалга оширилади ва улар қандай ҳисобга олинади?
14. Ходимлар даромадидан қандай ихтиёрий ушланмалар амалга оширилади ва улар қандай ҳисобга олинади?
15. Ягона ижтимоий тўлов (ЯИТ) қандай ҳисобланади у қандай ҳисобга олинади?
16. Иш ҳақини беришнинг қандай тизимлари мавжуд ва улар бўйича берилган бўнак ва иш ҳақининг ҳисоби қандай юритилади?

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Ишлаш даврининг давомийлигига кўра корхона ва ташкилотларнинг барча ишловчилари қандай гуруҳларга бўлинади?

а) доимий, мавсумий ва вақтинчалик асосда ишловчилар

б) ишчи ва хизматчилар

в) раҳбарлар ва ёлланма ходимлар

г) асосий ва ёрдамчи ходимлар

2. Касб классификаторига кўра корхона ва ташкилотларнинг барча ходимлари қандай гуруҳларга бўлинади?

а) доимий, мавсумий ва вақтинчалик асосда ишловчилар

б) ишчи ва хизматчилар

в) раҳбарлар ва ёлланма ходимлар

г) асосий ва ёрдамчи ходимлар

3. Бош мутахассислар категориясига қуйидагиларнинг қайси бири кирмайди?

а) Бош инженер б) Бош иқтисодчи

в) Ҳисобчи-бухгалтер г) Бош механик

4.Ходимларни ишга олишда қандай ҳуқуқий ҳужжат тузилади?

а) Бош инженер фармойиши

б) Корхона раҳбари ва ходим ўртасида меҳнат шартномаси

в) Бош бухгалтер фармойиши

г) Кадрлар бўлим бошлиғи ва ходим ўртасида меҳнат шартномаси

5. Ходимга қандай ҳолда меҳнат дафтарчаси очилади?

а) Ходим корхонада 1 кун ишласа

б) Ходим корхонада 5 кундан кам ишламаганда

в) Ходим ўриндошлик асосида ишга олинса

г) Кадрлар бўлим бошлиғи ва ходим ўртасида меҳнат шартномаси тузилса

6. Ходимлар сони, уларнинг ҳаракати ҳисобини корхонанинг қайси бўлинмаси юритади?

а) Бухгалтерия б) Кадрлар бўлими

в) Раҳбар котиби г) Режа-иқтисод бўлими

7. Ходимларнинг ишга келиши қайси ҳужжат асосида ҳисобга олинади?

а) Бўлим бошлиғи билдиргиси

б) Кадрлар бўлими китоби

в) Ишга келиш ҳисоби табели

г) Далолатнома

8. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг қандай тизимлари бор?

а) Тариф ва тарифсиз б) Ишбай

в) Вақтбай г) Мукофотли

9. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг қандай шакллари бор?

а) Тариф ва тарифсиз б) Ишбай ва вақтбай

в) Бригада ва индивидуал г) Мукофотли ва мукофотсиз

10. Ходимга бажарган иши учун тўланадиган ҳақ қайси гуруҳ даромадлар таркибига киради?

а) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар

б) моддий наф кўринишидаги даромадлар

в) компенсациялар кўринишидаги даромадлар

г) бошқа даромадлар

11. Ходимга режа-топшириқни ошириб бажарганлиги учун тўланадиган ҳақ қайси гуруҳ даромадлар таркибига киради?

а) рағбатлантириш тусидаги даромадлар

б) моддий наф кўринишидаги даромадлар

в) компенсациялар кўринишидаги даромадлар

г) бошқа даромадлар

12. Ходимга йўл чиптaлари қийматини қоплаш учун тўланадиган ҳақ қайси гуруҳ даромадлар таркибига киради?

а) рағбатлантириш тусидаги даромадлар

б) моддий наф кўринишидаги даромадлар

в) компенсациялар кўринишидаги даромадлар

г) бошқа даромадлар

13. Ходимга меҳнат таътили учун тўланадиган ҳақ қайси гуруҳ даромадлар таркибига киради?

а) рағбатлантириш тусидаги даромадлар

б) моддий наф кўринишидаги даромадлар

в) компенсациялар кўринишидаги даромадлар

г) ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар

Хўжалик ситуацияси № 1

Корхона бизнес режаси ортиғи билан бажарилганлиги учун раҳбар бошқарув ходимларига уларнинг ойлик штат маошлари суммасига нисбатан 10 %, асосий ишлаб чиқариш ходимларига уларга ҳисобланган иш ҳақига нисбатан 20 % миқдорида, ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлимлари ходимларига уларга ҳисобланган иш ҳақига нисбатан 15 % мукофот беришга буйруқ чиқарган. Бошқарув

ходимларининг ойлик штат маошлари суммаси 12000000 сўм, асосий ишлаб чиқариш ходимларининг ҳисобланган иш ҳақи суммаси 35000000 сўм, ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлимлари ходимларининг ҳисобланган иш ҳақи суммаси 18000000 сўм.

Юқоридаги шартли маълумотларга асосан қуйидаги тест саволларига тўғри жавобларни топинг.

1. Бошқарув ходимларига ҳисобланган мукофот пули ва унга берилиши лозим бўлган бухгалтерия ёзуви қуйидагиларнинг қайси бирида тўғри акс эттирилган?

А) 3500000 сўмга Дт 2010 Кт6710 Б) 1800000 сўмга Дт 2710 Кт6710
В) 1200000 сўмга Дт9410 Кт6710 Г) 1200000 сўмга Дт 9420 Кт6710

2. Асосий ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган мукофот пули ва унга берилиши лозим бўлган бухгалтерия ёзуви қуйидагиларнинг қайси бирида тўғри акс эттирилган?

А) 7000000 сўмга Дт 2010 Кт6710 Б) 7000000 сўмга Дт 2710 Кт6710
В) 1200000 сўмга Дт9410 Кт6710 Г) 1200000 сўмга Дт 9420 Кт6710

3. Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган мукофот пули ва унга берилиши лозим бўлган бухгалтерия ёзуви қуйидагиларнинг қайси бирида тўғри акс эттирилган?

А) 2700000 сўмга Дт 2010 Кт6710 Б) 2700000 сўмга Дт 2310 Кт6710
В) 1200000 сўмга Дт9410 Кт6710 Г) 1200000 сўмга Дт 9420 Кт6710

4. Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган мукофот пули неча сўмни ташкил қилади?

А) 3500000 сўм Б) 9700000 сўм
В) 5300000 сўм Г) 1200000 сўм

5. Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритилмайдиган мукофот пули неча сўмни ташкил қилади?

А) 3500000 сўм Б) 1800000 сўм
В) 5300000 сўм Г) 1200000 сўм

Хўжалик ситуацияси № 2

Корхона бош инженерига 1 июлдан 24 иш кунига меҳнат таътили берилган. Унинг ойлик маоши 1 500 000 сўм. Олдинги меҳнат таътили ўтган йилнинг 1 октябридан 30 октябригача берилган. Унга ўтган йили 1 ноябрдан ҳисобот йилнинг 1 июлигача ҳисобланган мукофотлар, қўшимча ва устамалар 3500000 сўм.

Юқоридаги шартли маълумотларга асосан қуйидаги тест саволларига тўғри жавобларни топинг.

1.Бош инженерга ҳисобланиши лозим бўлган меҳнат таътили ҳақи қуйидагиларнинг қайси бирида тўғри акс эттирилган?

А) 1440000 сўм Б) 1889763 сўм

В) 1920000 сўм Г) 3360000 сўм

2.Бош инженерга ҳисобланган меҳнат таътили ҳақига берилиши лозим бўлган бухгалтерия ёзуви қуйидагиларнинг қайси бирида тўғри акс эттирилган?

А) 1889763 сўмга Дт 2010 Кт6710 Б) 1889763 сўмга Дт 2710 Кт6710

В) 1920000 сўмга Дт9410 Кт6710 Г) 1889763 сўмга Дт 9420 Кт6710

Хўжалик ситуацияси № 3

Технолог-маслаҳатчи лавозимида ишловчи ходимнинг ойлик маоши 6000000 сўм. У 1 мартдан 15 иш кунига касаллик варақасини тақдим этган. Ўтган йилда олган мукофотлари, бошқа устама ва қўшимчалар – 4800000 сўм. Март ойидаги календарь иш кунлари сони – 25 кун. Болаларн сони – 5 та, уларнинг барчаси балоғат ёшидан ортиқ ёшда.

Юқоридаги шартли маълумотларга асосан қуйидаги тест саволларига тўғри жавобларни топинг.

1.Технолог-маслаҳатчига ҳисобланиши лозим бўлган вақтинчалик меҳнатга лайоқатсизлик нафақаси қуйидагиларнинг қайси бирида тўғри акс эттирилган?

А) 3840000 сўм Б) 3072000 сўм

В) 3600000 сўм Г) 2880000 сўм

2. Технолог-маслаҳатчига ҳисобланган вақтинчалик меҳнатга лайоқатсизлик нафақасига берилиши лозим бўлган бухгалтерия ёзуви қуйидагиларнинг қайси бирида тўғри акс эттирилган?

А) 3840000 сўмга Дт 2010 Кт6710 Б) 3072000 сўмга Дт 2010 Кт6710

В) 3600000 сўмга Дт 2010 Кт6710 Г) 2880000 сўмга Дт 2010 Кт6710

XII БОБ. ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ

12.1. Харажатлар ҳисобини ташкил қилиш асослари ва вазифалари

Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб харажатлар ҳисобланади.

«Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун концептуал асос»га[14] мувофиқ **харажат** деганда, умумий олганда, ҳисобот даврида корхона активларининг камайиши ёки уни мажбуриятларининг кўпайиши тушунилади.

Бироқ барча сарфлар корхонанинг активларини камайишига ёки мажбуриятларини ошишига олиб келмайди. Мисол учун асосий воситаларни ва бошқа моддий бойликларни сотиб олишга сарфланган пул маблағлари корхонанинг жами активларини камайтирмайди, аксинча, уларнинг бир шаклдан бошқа шаклга айланганлигини билдиради. Шунингдек,, корхонанинг таъсисчиларига қайтариб берган бадаллари ҳам корхона учун харажат ҳисобланмайди, аксинча, таъсисчининг ўз маблағини қайтариб олиши ҳисобланади.

Харажатлар корхоналар молиявий ҳисоботининг, чунончи бухгалтерия баланси ва «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»нинг муҳим элементлари ҳисобланади. Жумладан, бухгалтерия балансида тугалланмаган ишлаб чиқаришга сарфланган, келгуси даврлар учун қилинган, лекинда ҳисобдан чиқарилмаган харажатлар акс эттирилади. «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»да эса корхонанинг соф фойдаси ёки зарарини аниқлаш мақсадида ҳақиқатда ҳисобдан чиқарилган харажатлар акс эттирилади.

Корхона харажатлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- корхона харажатларини турли мақсадларда тўғри туркумлаш ва гуруҳларга ажратиш;
- корхона харажатларини тўғри, ўз вақтида ва тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштириш ;
- харажатларни уларнинг моҳиятини очиб берувчи мезонларига, мақсадларига ва таснифий белгиларига мос равишда ҳисобга олиш;
- корхона харажатлари бўйича ҳисоботлар маълумотлари ва ҳисоб маълумотларини тўлиқ уйғунлигини таъминлаш;

---

[14] Ўз.АВ томонидан 14.08.1998 йилда рўйхатга олинган,. №475);

• харажатларни ошиб кетишига сабаб бўлувчи норационал чиқимларни вужудга келиш сабаблари ва айбдорларини топиш, бундай чиқимларга йўл қўймаслик учун маъсул шахслар фаолиятини доимий назорат қилиш.

Корхона харажатларини туркумлаш асослари. Молиявий ҳисобда унинг мақсадидан келиб чиқиб, корхонанинг барча харажатларини асосан иккита белгиси бўйича таснифлаш муҳим аҳамият касб этади. Булар:

• фаолият турларига тегишлилигига кўра;

• қайси ҳисобот даврига тегишлигига кўра.

Харажатларнинг юқоридаги белгилари бўйича таснифи кўргазмали тарзда 12.1-расмда келтирилган.



12.1-расм. Корхона харажатларини молиявий ҳисоб ва ҳисобот мақсадларида таснифлаш асослари

Фаолият турларига тегишлилигига кўра корхоналарнинг барча харажатлари асосий фаолиятга доир харажатлар ҳамда асосий бўлмаган фаолият турларига доир харажатларга бўлинади.

Асосий фаолиятга доир харажатлар деганда корхона уставида белгиланган асосий фаолият билан боғлиқ харажатлар тушунилади.

Асосий бўлмаган фаолиятга доир харажатлар деганда корхонанинг асосий фаолиятини ташкил этмайдиган молиявий фаолиятига тегишли бўлган харажатлари ва фавқулоддаги зарарлари тушунилади.

«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ корхоналарнинг асосий фаолияти билан боғлиқ харажатлари, ўз навбатида, қуйидаги иккита гуруҳга ажратилади:

- Таннархига киритиладиган харажатлар;
- Таннархга киритилмайдиган харажатлар.

Таннархга киритиладиган харажатлар деганда маҳсулот, товар, иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил қилувчи харажатлар тушунилади.

Таннархга киритилмайдиган харажатлар деганда корхоналарнинг ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар таннархига киритилмайдиган бошқа харажатлари тушунилади. Бундай харажатлар, ўз навбатида, давр харажатлари ва молиявий фаолиятга доир харажатларга бўлинади.

Давр харажатлари – бу маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишга, корхонанинг маъмурий-бошқарувига ва бошқа операцион фаолиятга доир харажатлар. Ушбу харажатлар маълум ҳисобот даврида юз беради, шунинг учун улар давр харажатлари деб аталади.

Молиявий фаолиятга доир харажатлар деганда қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш, валюта операциялари, кредит ва қарзларни олиш, узоқ муддатли ижарага доир ва бошқа молиявий фаолиятга тааллуқли харажатлар тушунилади. Буларга фоизлар, салбий курс фарқлари кўринишидаги харажатлар ва бошқалар киради.

Фавқулоддаги харажатлар деганда юз бериши доимий характерга эга бўлмаган, кутилмаган тасодиф ва ҳодисалардан кўрилган зарарлар тушунилади. Буларга давлат қонунларини ўзгариши, табиий офатлар, революцион ўзгаришлар натижасида вужудга келган зарарлар киради.

Қайси ҳисобот даврига тегишлигига кўра корхоналарнинг барча харажатлари учта гуруҳга бўлинади:

- **ҳисобот даври харажатлари** – бу корхонанинг бевосита ҳисобот даври (чорак, ярим йил,тўққиз ой ва йил)га тегишли харажатларидир,

улар ҳисобот даврида асосий ва асосий бўлмаган фаолиятга доир, таннархга киритиладиган ва унга киритилмайдиган барча харажатларидан иборат бўлади.

•**келгуси давр харажатлари** – бу корхонанинг келгуси асосий фаолиятига доир, лекинда ҳисобот даврида амалга оширилган харажатлари. Бундай харажатларга олдиндан тўланган ижара ҳаклари, суғурта тўловлари, олдиндан тўланган хизмат ҳаклари ва бошқа тўловлар киради.

•**муддати узайтирилган харажатлар** – бу корхонанинг келгуси асосий фаолиятига доир, лекинда муддати бир йил ва ундан кўп муддатга узайтирилган харажатлари киради.

Корхоналар харажатлари таркибида ишлаб чиқариш харажатлари муҳим ўрин тутади.

Ишлаб чиқариш харажатлари – бу бевосита маҳсулотларни (иш, хизматларни) ишлаб чиқаришга кетган, шунингдек, уларнинг таннархини ташкил этувчи харажатлар.

Таннарх – бу маҳсулот (иш,хизмат) ларни ишлаб чиқаришга кетган барча харажатларнинг пулда ифодаланган мажмуаси.

Ишлаб чиқариш харажатларининг турлари ва таркиби республикамизда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54- сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» билан белгиланган.

Ушбу Низомга мувофиқ корхоналарнинг барча ишлаб чиқариш харажатлари турли белгилари бўйича таснифланади. Чунончи, *ишлаб чиқарши жараёнидаги ролига* қараб ишлаб чиқариш харажатлари асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи ишлаб чиқариш, умумишлаб чиқариш харажатларига бўлинади.

Иқтисодий моҳиятига кўра маҳсулот таннархига киритиладиган барча ишлаб чиқариш харажатлари «Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом «га асосан қуйидаги элементларга бўлинади:

•*Ишлаб чиқаришга доир моддий харажатлар (қайтариладиган чиқиндилар қийматидан ташқари)* – бу гуруҳга кирувчи харажатлар 12 та моддадан иборат бўлиб, уларнинг тўлиқ рўйхати Низомнинг 1.1 – пунктида келтирилган.

• *Ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари* - бу гуруҳга кирувчи харажатлар 7 та модда ва 12 қуйи моддадан иборат бўлиб, уларнинг тўлиқ рўйхати Низомнинг 1, 2 - пунктида келтирилган.

• *Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар* – бу гуруҳга кирувчи харажатлар 2 та моддадан иборат, уларнинг номи Низомнинг 1.3 - пунктида келтирилган.

• *Ишлаб чиқаришга доир асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси* – бу гуруҳга кирувчи харажатлар 2 та моддадан иборат, уларнинг номи Низомнинг 1.4 - пунктида келтирилган.

• *Ишлаб чиқаришга доир бошқа харажатлар* - бу гуруҳга кирувчи харажатлар 9 та модда ва 11 та қуйи моддадан иборат бўлиб, уларнинг тўлиқ рўйхати Низомнинг 1.5 - пунктида келтирилган.

Харажатларни уларнинг синтетик ва аналитик ҳисобини юритиш ҳамда молиявий ҳисоботни тузиш мақсадларида таснифлаш асослари уларни режалаштириш ва назоратини олиб бориш, шунингдек, ички бошқарув қарорларини қабул қилиш учун етарлича эмас. Ушбу мақсадга эришиш учун, бошқарув ҳисобида корхоналар харажатлари, чунончи ишлаб чиқариш харажатлари турли бошқа белгилари бўйича таснифланади. Улар тўғрисида дарсликнинг 3-бўлимида атрофлича тўхталамиз.

12.2. Асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби

Асосий ишлаб чиқариш харажатлари деганда ишлаб чиқаришнинг асосий технологик жараёнларини бевосита олиб борувчи ишлаб чиқариш цехлари харажатлари тушунилади. Бундай харажатларга асосий цехларнинг технологик жараёнларида маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқарилишига бевосита сарфланган харажатлар киради.

21- сон БҲМС га мувофиқ асосий ишлаб чиқариш харажатларининг синтетик ҳисоби 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счетида олиб борилади. Ушбу счёт актив, доимий счётдир. Унинг дебетида харажатларнинг кўпайиши, кредитида эса харажатларнинг ҳисобдан чиқарилиши, яъни камайиши акс эттирилади. Бу счётнинг қолдиғи, мос равишда, давр боши ва давр охирига асосий ишлаб чиқаришнинг тугалланмай қолган қисмини пулда ифодалайди.

2010 «Асосий ишлаб чиқариш « счётининг дебетида тўпланган сумма (унинг кредитида акс эттирилган айрим суммалардан ташқари, масалан, қайтарилган чиқиндиларнинг қиймати, брак суммаси) ишлаб чиқарилган барча маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг умумий таннархини пулда ифодалайди. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот (бажарилган иш

ва хизмат)ларнинг ҳақиқий таннархи 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг кредити орқали мос равишда 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар», бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи 9130 « Бажарилган ишларнинг ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счётларининг дебетига ўтказилади.

Асосий ишлаб чиқариш харажатларига доир операциялар счётларда қуйидагича акс эттирилади (12.2-жадвалга қаранг).

12.2-жадвал

Асосий ишлаб чиқариш харажатларининг счётларда акс эттирилиши

Тар-тиб рақами	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1.	Бевосита материал харажатларига	2010	1010-1090	Моддий ва ишлаб чиқариш ҳисоботлари
2.	Ҳисобланган бевосита иш ҳақи харажатларига	2010	6710	Иш ҳақи ҳисоб-китоблари
3.	Ҳисобланган бевосита иш ҳақига нисбатан белгиланган меъёрларда Пенсия фондига ягона ижтимоий тўлов суммасига	2010	6520	Ажратмаларга доир ҳисоб-китоблар
4.	Ишлаб чиқаришга доир асосий воситаларга ҳисобланган амортизация суммаларига	2010	0210-0299	Амортизация ҳисоб-китоби
5.	Ишлаб чиқаришга доир бошқа харажатлар	2010, 2310, 2510	6010, 6910-6990	Счет-фактура, далолатнома
6.	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари асосий ишлаб чиқариш харажатларига киритилишига	2010	2310	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
7.	Умум ишлаб чиқариш харажатлари-нинг асосий ишлаб чиқариш харажатларига киритилишига	2010	2510	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
8.	Ишлаб чиқариш харажатларини тайёр маҳсулот таннархига киритилишига	2810	2010	Ишлаб чиқариш ҳисоботлари, бБухгалтерия ҳисоб-китоби

9.	Ишлаб чиқариш харажатларини бажарилган ишлар ва хизматлар таннархига киритилишига	9130	2010	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
10.	Ишлаб чиқаришдан олинган қайтариладиган чиқиндилар қийматига	1090	2010	Далолатнома
11.	Ишлаб чиқаришдан олинган брақа	2610	2010	Далолатнома
12.	Ишлаб чиқаришда аниқланган камомадларга	5910	2010	Далолатнома
13	Ишлаб чиқаришдан олинган ярим маҳсулотларга	2110	2010	Ҳисоботлар
14.	Тугалланмаган ишлаб чиқаришни қайта баҳолашда: ошиш томонига камайиш томонига	2010 3210	6230 2010	Инвентаризация вараҳи, Далолатнома

2010 счётда акс эттирилган асосий ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик ҳисоби бўлимлар (цехлар) бўйича, маҳсулот турлари бўйича ва харажат моддалари бўйича ҳисоб сиёсатида белгиланган тартибда олиб борилади.

12.3. Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари деганда асосий ишлаб чиқариш цехлари учун ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи бўлиб ҳисобланган ишлаб чиқариш бўлинмаларининг (цехларнинг) харажатлари тушунилади. Ёрдамчи цехлар бўлиб, масалан, таъмирлаш цехи, механика цехи, буғ бериш цехи, тайёрлов цехи ва бошқалар ҳисобланади. Ушбу цехларнинг харажатлари алоҳида ҳисобга олинади ва ҳар ойнинг охирида асосий ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритилади. Айрим ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари харажатлари уларда тайёрланган материаллар, бутловчи қисмлар, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар таннархи таркибига ҳам киритилади. Масалан, паррандачилик корхоналарининг ем-хашак цехида товуқлар учун тайёрланган ёрма, ем, қурилиш корхоналари ёрдамчи устахоналари ва ғишт цехида тайёрланган эшик, дереза, ғишт, блок, плиталар ва бошқалар олинган материаллар, ярим тайёр ва тайёр маҳсулот таннархида ўз аксини топади.

21- сон БХМС га мувофиқ ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг синтетик ҳисоби 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счетида олиб борилади. Ушбу счётнинг дебетида ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг кўпайиши, кредитида эса харажатларнинг ҳисобдан чиқарилиши, яъни камайиши акс эттирилади. Бу счётнинг қолдиғи (агар у бўлса), мос равишда ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг тугалланмай қолган қисмини пулда ифодалайди. Аксарият корхоналарда 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счети ҳисобот даврининг охирида ёпилади, яъни уларнинг дебетида тўпланган суммалар у ёки бу усулга асосан тақсимланади. Жумладан, уларнинг асосий ишлаб чиқаришга доир қисми 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг дебетига ўтказилади ва шу асосда ушбу счётлар ёпилади, яъни давр охирида қолдикга эга бўлмайди.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларига доир операциялар счетларда қуйидагича акс эттирилади (12.3-жадвалга қаранг).

12.3-жадвал

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг счётларда акс эттирилиши

Т/р	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1.	Материал харажатларига	2310	1010-1090	Моддий ва ишлаб чиқариш хисоботлари
2.	Ҳисобланган иш ҳақи харажатларига	2310	6710	Иш ҳақи ҳисоб-китоблари
3.	Ижтимоий сугурта органларига иш ҳақи фондига нисбатан белгиланган меъёрлардаги ажратмаларга	2310	6520	Ажратмаларга доир ҳисоб-китоблар
4.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришга доир асосий воситаларга ҳисобланган амортизация суммаларига	2310	0210-0299	Амортизация ҳисоб-китоби
5.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришга доир бошка харажатларга	2310	6010, 6910-6990	Счет-фактура, далолатнома
6.	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари счётининг ёпилишига	2010	2310	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
7.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинган материаллар, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар таннархига	1010-1090, 2110, 2810	2310	Ишлаб чиқариш хисоботлари, бухгалтерия ҳисоб-китоби

8.	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини бажарилган ишлар ва хизматлар таннархига киритилишига	9130	2310	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
9.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинган қайтариладиган чиқиндилар қийматига	1090	2310	Далолатнома
10.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинган бракга	2610	2310	Далолатнома
11.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда аниқланган камомадларга	5910	2310	Далолатнома

2310 счётда акс эттирилган ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик ҳисоби бу турдаги бўлимлар (цехлар), уларда олинган ТМЗлар турлари, ва харажат моддалари бўйича ҳисоб сиёсатида белгиланган тартибда олиб борилади.

12.4. Умумишлаб чиқариш устама харажатлари ҳисоби ва уларнинг тақсимланиши

Умумишлаб чиқариш харажатлари деганда барча асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларини бошқарувига ва уларни ташкил этишга тааллуқли бўлган, шунингдек, уларга хизмат кўрсатувчи бўлинмаларнинг харажатлари тушунилади. Масалан, таъминот бўлими, ёнғинга қарши курашиш бўлими, иситиш бўлими, қўриқлаш бўлими, ошхона, ҳаммом, тез тиббий бўлими ва бошқалар асосий ва ёрдамчи цехларга турли хизматларни кўрсатади. Бу бўлинмаларнинг харажатлари ҳам алоҳида ҳисобга олинади ва ой охирида ҳисоб сиёсатида белгиланган тартибга мувофиқ асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларига киритилади.

Умумишлаб чиқариш устама харажатларини маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади.

1. Норматив ёки режа ёки ҳисоб маълумотлари бўйича жами умумишлаб чиқариш устама харажатлари суммаси аниқланади.

2. Умумишлаб чиқариш устама харажатлари тақсимот базаси аниқланади. Тақсимот базаси сифатида барча ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат) турлари учун умумий ҳисобланган критерий (мезон) ёки ҳар бир ишлаб чиқариш устама харажатлари учун алоҳида

белгиланган критерий (мезон) олинади. Умумий критерий (мезон) бўлиб, кўпинча, қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш ходимлари (ишчилар)нинг ишлаган иш вақти;
- ишлаб чиқариш жиҳозларининг иш вақти;
- асосий ишлаб чиқариш ходимлари меҳнат ҳақи харажатлари;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги.

Алоҳида ишлаб чиқариш устама харажатлари учун тақсимот базаси сифатида қуйидагилар ҳам олиниши мумкин:

Ишлаб чиқариш устама харажат тури	Тақсимлаш учун база
Ижара тўлови	хоналар майдони
Ишлаб чиқариш жиҳозлари суғуртаси	жиҳозлар бошланғич қиймати
Амортизация	жиҳозлар бошланғич қиймати
ТНБ назоратчилари иш ҳақи	асосий и/ч ходимлари иш ҳақи
Иситиш ва ёритиш	хоналар майдони

3.Умумишлаб чиқариш устама харажатларини тақсимлаш ставкаси аниқланади. Ушбу ставка жами ишлаб чиқариш устама харажатлар суммасини тақсимот база сифати танлаб олинган умумий критерий (мезон, белги, кўрсаткич)нинг умумий миқдори (суммаси)га бўлиш орқали топилади, яъни:

$$Ст = \frac{\text{Жами ишлаб чиқариш устама харажатларини}}{\text{Тақсимот базаси миқдори (суммаси)}}$$

Умумишлаб чиқариш устама харажатларини тақсимлаш ставкаси, ўз навбатида, икки хил бўлиши мумкин: (1) Умумий (умумзавод) ва (2) хусусий (цехлараро).

Ишлаб чиқариш устама харажатларини тақсимлашнинг умумий (умумзавод) ставкаси жами корхона бўйича яхлит тарзда ишлатилади. Масалан, маълум ҳисобот даврида ишлаб чиқариш устама харажатлари жами 100000000 сўм, асосий ишлаб чиқариш ходимлари ишлаган вақт жами 100000 соатни ташкил этган бўлса, у ҳолда ишлаб чиқариш устама харажатлари таксимоти ставкаси ўртача 1000 сўм/киши-соатни (100000000/100000)ни ташкил қилади. Ва айнан шу ставка бўйича ишлаб чиқариш устама харажатлари барча маҳсулот турлари ўртасида

тақсимланади. Агар А маҳсулот ишлаб чиқаришга асосий меҳнат сарфи 30000 киши-соатни ташкил этган бўлса, у ҳолда ушбу маҳсулот таннархига жами 30 000000 сўмлик (30000*1000) ишлаб чиқариш устама харажатлари киритилади.

Агар ишлаб чиқариш жараёни алоҳида-алоҳида бўлимлар орқали амалга оширилса, у ҳолда ишлаб чиқариш устама харажатларини таксимлашининг хусусий (цехлараро) ставкасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўрсаткичлар	А цех	Б цех	В цех	Жами
Ишлаб чиқариш устам харажатлари, сўм.	25000000	40000000	35000000	100000000
Таксимот базаси (меҳнат-соат)	40000	10000	50000	100000
Ишлаб чиқариш устам харажатлари тақсимот ставкаси	625	4000	700	1000

Агар Х маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетадиган асосий меҳнат сарфи А цехда 10000 киши/соатни, Б цехда 5000 киши/соатни, В цехда 15000 киши/соатни ташкил этган бўлса, бу ҳолда ушбу маҳсулот таннархига олиб борилган ишлаб чиқариш устама харажатлари 36 750 000 сўмни (10000*625+5000*4000+15000*700) сўмни ташкил этади).

Бироқ ишлаб чиқариш устама харажатлари уларнинг ҳақиқий миқдори асосида ҳисоб-китоб қилиш турли муаммоларни туғдиради. Чунончи:

• ишлаб чиқариш устама харажатлари ва ишлаб чиқариш ҳажмини олдиндан аниқлаш имкони бўлмаганлиги сабабли буюртма таннархини ҳисобот даври охиригача аниқлаб бўлмайди;

• ишлаб чиқариш устама харажатлари ва ишлаб чиқариш фаолиятини ойдан-ойга ўзгариб туриши ишлаб чиқариш устама харажатлари тақсимот ставкасида кўплаб ўзгаришларга олиб келади.

Юқоридагилар сабабли амалиётда ҳисобот даври мабойнида ишлаб чиқариш устама харажатларини тақсимлашнинг режали ставкаси кенг қўлланилади.

Ишлаб чиқариш устама харажатларини тақсимлашнинг режали ставкасини ҳисоб- китоб қилиш ўз ичига қуйидаги қадамларни олади:

1. Ишлаб чиқариш устама харажатларини прогноз ҳажми аниқланади.

2. Ишлаб чиқариш устама харажатларини тақсимлаш базаси танланади.

3. Прогнозлаштирилган ишлаб чиқариш устама харажатлари прогнозлаштирилган тақсимот базаси миқдорига бўлиш орқали унинг прогнозли ставкаси белгиланади

4. Ишлаб чиқариш устама харажатларини тақсимлашнинг аниқланган прогнозли ставкаси асосида ушбу харажатлар маҳсулот турлари ўртасида тақсимланади.

Ишлаб чиқариш устама харажатларини тақсимлашнинг режали ставка бўйича таксимлашда ҳисобот ойи охирида ҳақиқий ишлаб чиқариш устама харажатлари аниқлангандан сўнг режа ставкадаги ва ҳақиқий устама харажатлар ўртасидаги фарқ аникланади. Ушбу фарқ икки хил бўлиши мумкин:

1. Тўлиқ тақсимланмасдан қолган ишлаб чиқариш устама харажатлари;

2. Ортиғи билан таксимлаб юборилган ишлаб чиқариш устама харажатлари.

Тўлиқ тақсимланмасдан қолган ёки ортиғи билан таксимланган ишлаб чиқариш устама харажатларини ҳисобдан чиқариш қуйидаги иккита усулда ҳисобдан чиқарилиши мумкин

1. Агар маҳсулотлар тўлиқ сотиб юборилган бўлса, у ҳолда режали ва ҳақиқий ишлаб чиқариш устама харажатлари ўртасидаги фарқ суммасига «Сотилган маҳсулот таннархи» счётининг дебети ёки кредитида тузатиш қилинади.

2. Агар маҳсулотлар тўлиқ сотиб юборилмаган бўлса, у ҳолда режали ва ҳақиқий ишлаб чиқариш устама харажатлари ўртасидаги фарқ суммаси «Тугалланмаган ишлаб чиқариш», «Тайёр маҳсулот» ва «Сотилган маҳсулот таннархи» счётлари қолдиқлари улушига қараб мутаносиб равишда улар ўртасида тақсимланади.

Мисол: айтайлик, жами ишлаб чиқариш устама харажатлари суммаси прогноз бўйича 100 000 000 сўм, режадаги асосий ходимлар меҳнат миқдори 100000 киши/соат. У ҳолда ишлаб чиқариш устама харажатларининг тақсимлаш режа ставкаси 1000 сўмни (100000000/100000) ташкил этади. Амалда ходимлар меҳнат миқдори ҳақиқатда 110000 киши/соатни, ҳақиқатда кетган ишлаб чиқариш устама харажатлари 120 000 00 сўмни, режа ставка бўйича сотилган маҳсулот таннархига олиб борилган ишлаб чиқариш устама харажатлар суммаси

110000000 сўмни ташкил этган. Бу ҳолда ишлаб чиқариш устама харажатлари ва улар тақсимоти ҳисобини акс эттирувчи счётларда қуйидагича ёзувлар қилинади.

Ишлаб чиқариш устама харажатлари		Сотилган тайёр маҳсулот таннархи
Ҳақиқий ИЧУХ 120 000 000	Тақсимланган ИЧУХ 110 000 000 →	110 000 000
	Фарқ суммасига тузатиш 10 000 000 →	10 000 000
120 000 000	120 000 000	120 000 000

Агар, юқорида келтирилган 110 000 000 сўмлик ишлаб чиқариш устама харажатлари режа ставка бўйича қуйидагича тақсимланган бўлса- «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» счётига 11 000 000 сўм ёки 10%) , «Тайёр маҳсулот» счётига 33 000 000 сўм ёки 30 % ва «Сотилган маҳсулот таннархи» счётига 66 000 000 сўм ёки 60 %, у ҳолда ҳақиқий ва режа ставкада тақсимланган ишлаб чиқариш устама харажатлари суммалари ўртасидаги фарқ (бизнинг мисолимизда у 10 000 000 сўм кам миқдорда тақсимланган) юқоридаги счётларда қуйидагича акс эттирилади:



Хизмат кўрсатувчи бўлинмаларнинг(масалан, таъмирлаш, таъминот ва бошқаларнинг) ишлаб чиқариш устама харажатлари махсулот таннархига ушбу харажатларни асосий ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш йўли билан киритилади. Бундай тақсимлаш ва қайта тақсимлаш қуйидаги методлар асосида амалга оширилади:

1.Тўғридан-тўғри (бевосита) тақсимлаш методи.

2. Қадамба-қадам тақсимлаш методи.

Тўғридан-тўғри (бевосита) тақсимлаш методи. Ушбу методга кўра хизмат кўрсатувчи бўлинмаларнинг ўзаро бир-бирига кўрсатадиган хизматлари эътиборга олинмайди, ушбу хизмат кўрсатувчи бўлинмалар харажатларининг барчаси асосий ишлаб чиқариш бўлинмалари харажатларига уларнинг жами устама ишлаб чиқариш харажатларидаги улушига мос равишда тўғридан-тўғри олиб борилади.

Мисол. Айтайлик, корхонанинг асосий ишлаб чиқариш цехлари ва хизмат кўрсатувчи Техник хизматлар ҳамда Моддий-техника таъминоти бўлимлари ишлаб чиқариш устама харажатлари, ушбу харажатларни тақсимлаш базалари қуйидагича:

Кўрсаткичлар	Ишлаб чиқариш бўлимлари		Хизмат кўрсатувчи бўлинмалар		Жами харажатлар
	Машина цехи	Йиғув цехи	Техник хизмат (Т.Х.)	Моддий-техник таъминот (МТТ)	
Ишлаб чиқариш устама харажатлари смета бўйича суммаси	40 000 000	20 000 000	60 000 000	15 000 000	135 000 000
Кўрсатилган хизматларни тақсимлаш базалари:					
Техник хизматлар (ТХ) Режадаги меҳнат сарфи (киши/соат)	24000	40000	-	16000	80000
Улуши, %	30	50		20	100
Моддий-техника таъминоти (МТТ)	16000	2000	2000	-	100% 20000

Режадаги меҳнат вақти сарфи (киши/соат)					
Улуши, %	80	10	10		100

Юқоридаги маълумотларга кўра, хизмат кўрсатиш бўлинмаларининг ишлаб чиқариш устама харажатлари асосий ишлаб чиқариш цехлари ўртасида бевосита методга кўра қуйидагича тақсимланади:

Кўрсаткичлар	Асосий ишлаб чиқариш бўлимлари		Хизмат кўрсатиш бўлимлари		Жами харажатлар
	Машина цехи	Йиғув цехи	Техник хизмат	Моддий техник таъминоти	
Тақсимотдан олдинги Ишлаб чиқариш устама харажатлари сметаси	40 000 000	20 000 000	60 000 000	15 000 000	135 000 000
Кўрсатилган хизматлар тақсимоти:					
Техник хизматлар					
Тақсимот коэффициенти	3/8 ёки 37,5 %	5/8 ёки 62,5 %	8/8 ёки 100%		
Тақсимот суммаси	22 500 000 (60 000 000* 37,5%)	37 500 000 (60000000* 62,5 %)	- 60 000 000		0
Моддий техника таъминоти					
Тақсимот коэффициенти	8/9 ёки 88,9 %	1/9 ёки 11,1 %	9/9 ёки 100 %		
Тақсимот суммаси	13 333 333 (15000000 *88,9%)	1 666 667 (15000000 * 11,1 %		-15 000 000	0
Жами харажатлар	**75 833 333**	**59 166 667**	**0**	**0**	**135 000 000**

Қадамба-қадам тақсимлаш методи. Ушбу методга кўра хизмат кўрсатувчи бўлинмаларнинг ўзаро бир-бирига кўрсатадиган хизматлари

эътиборга олинади, ушбу хизмат кўрсатувчи бўлинмалар харажатларининг барчаси асосий ишлаб чиқариш бўлинмалари харажатларига уларнинг жами устама ишлаб чиқариш харажатларидаги улушига мос равишда қадамба-қадаб олиб борилади. Чунончи, 1- қадамда хизмат кўрсатиш бўлинмаларининг ишлаб чиқариш устама харажатлари асосий ишлаб чиқариш цехлари ва хизмат кўрсатувчи бўлинмалар ўртасида тақсимот улушига қараб тақсимланади. 2-қадамда бошқа хизмат кўрсатиш бўлинмасига 1-қадамда тақсимланган харажатлар асосий ишлаб чиқариш бўлимлари ўртасида улар учун белгиланган тақсимот улушларига қараб қайта тақсимланади.

Юқоридаги материаллар асосида хизмат кўрсатувчи бўлинмаларнинг ишлаб чиқариш устама харажатлари асосий ишлаб чиқариш бўлимлари ва хизмат кўрсатиш бўлинмалари ўртасида қадамба-қадам тақсимлаш методига кўра қуйидагича тақсимланади:

Кўрсаткичлар	Хизмат кўрсатиш бўлимлари		Асосий ишлаб чиқариш бўлимлари		Жами харажатлар
	Техник хизмат	Моддий техник таъминоти	Машина цехи	Йиғув цехи	
Тақсимотдан олдинги Ишлаб чиқариш устама харажатлари сметаси	60 000 000	15 000 000	40 000 000	20 000 000	135 000 000
Кўрсатилган хизматлар тақсимоти:					
Техник хизматлар					
1-қадам					
ТХ улуши ТХСуммаси		20 % 12 000 000	30 % 18 000 000 -	50% 30 000 000	100% (60 000 000)
2-қадам					
ММТга тўғри келувчи харажатлар тақсимоти		(27 000 000)	24 000 000	3 000 000	(27 000 000)

Тақсимот усули			*88,9%	11,1%	
Жами			**82 000 000**	**53 000 000**	**135 000 000**

12.5. Комплекс ишлаб чиқариш харажатларини асосий ва қўшимча маҳсулот турлари ўртасида тақсимлаш усуллари

Корхоналарда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёни, одатда комплекс характерга эга бўлади, ушбу жараёнда ишлатилган бир турдаги хом ашё ва материаллардан бир хилдаги маҳсулот эмас, балки турли маҳсулотлар олинади. Бундай комплекс ишлаб чиқаришни иқтисодиётнинг барча тармоқларида учратиш мумкин. Мисол:

Тармоқ ва корхоналар	**Тайёр маҳсулот тури**
Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар	
*сут комбинати	Сут, қаймоқ, ёғ, творог
*гўшт комбинати	Гўшт, тери, ёғ, суяк
Кимё саноати корхоналари	
*Органик кимё заводи *ёғ комбинати	Этилен, пропилен, бензол Ёғ, совун, кунжара, глицирин

Комплекс ишлаб чиқаришда олинадиган маҳсулотларни асосий ва қўшимча маҳсулотлар, қўшимча маҳсулотларни, ўз навбатида ёндош ва фойдаланишга яроқли чиқинди маҳсулотларга ажратиш мумкин. Ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш комплекс тарзда, яъни ҳамкорликда амалга оширилади. Шу боис ҳам уларга сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари комплекс ишлаб чиқариш харажатлари деб аталади.

Комплекс ишлаб чиқаришда олинадиган маҳсулотларни асосий ва қўшимча маҳсулотларга ажратиш технологик жараённинг маълум бир нуқтасида (босқичида) амалга оширилади. Ушбу нуқтага (босқичга) маҳсулотларни ажратиш нуқтаси деб аталади. Мос равишда, комплекс ишлаб чиқаришга кетган ишлаб чиқариш харажатларининг маҳсулотларни ажратиш нуқтасидаги тақсимотига комплекс ишлаб чиқариш харажатлари тақсимоти деб аталади.

Агар ҳамкорликда олинган маҳсулотлар маълум бир нуқтадан (босқичдан) сўнг тайёр деб ҳисобланса ва унга қўшимча қайта ишлашлар талаб этилмаса, у ҳолда жами қилинган комплекс харажатлар ушбу

ажратиш нуқтасида олинган маҳсулотлар ўртасида тақсимланади. Агар ажратиш нуқтасида олинган маҳсулотларга кейинчалик ҳам харажатлар қилинса, ушбу харажатлар ажратиш нуқтасидан кейинги алоҳида харажатлар бўлиб ҳисобланади ва улар фақат ажратилган маҳсулотларга тегишли бўлади.



Комплекс харажатлар маҳсулотларни ажратиш нуқтасида қуйидаги 2 та методлардан бири бўйича улар ўртасида тақсимланади:

1. Сотиш ҳажмига асосланган метод
2. Натурал кўрсаткичлар методи.

Сотиш ҳажмига асосланган метод. Бу методга мувофиқ комплекс харажатлар ажратиш нуқтасида ҳамкорликда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўртасида уларнинг сотиш қийматига мутаносиб тақсимланади. Бунда юқори баҳоларга сотилган маҳсулотларга, мос равишда, юқори харажатлар тўғри келади деган ёндашувга таянилади. Мисол, айтайлик, комплекс харажатлар жами 100 000 000 сўм. Ажратиш нуқтасида олинган маҳсулотлар сони, бозор баҳоси ва сотишнинг бозор қиймати қуйидагича, дейлик.

Маҳсулот тури	Маҳсулот сони, дона	Ажратиш нуқтасида маҳсулот бирлиги бозор баҳоси, сўм.	Жами сотиш қиймати, сўм	Сотиш ҳажмидаги улуш, %
Маҳсулот А	2000	50000	100 000 00	83,3
Маҳсулот Б	1000	20000	20 000 000	16,7
Жами			**120 000 000**	**100,0**

Юқоридаги маълумотлар асосида комплекс харажатлар ажратиш нуқтасида олинган А ва Б маҳсулотлар ўртасида қуйидагича тақсимланади:

Маҳсулот тури	Сотиш ҳажмидаги улуш, %	Комплекс харажат тақсимоти	1 бирлик маҳсулот таннархи	1 бирлик маҳсулот сотиш баҳоси	1 бирлик маҳсулотга тўғри келувчи фойда
Маҳсулот А	83,3	83 300000 (100000000*83,3%)	41 650	50000	8350
Маҳсулот Б	16,7	16 700 000 (100000000*16,7%)	16 700	20000	3300
Жами	**100,0**	**100 000 000**	x	x	x

2.Натурал кўрсаткичлар методи.

Бу методга мувофиқ комплекс харажатлар ажратиш нуқтасида ҳамкорликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг миқдорига мутаносиб тақсимланади. Мисол, айтайлик комплекс харажатлар жами 100 000 000 сўм. Ажратиш нуқтасида олинган маҳсулотлар сони, уларнинг умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши қуйидагича, дейлик.

Маҳсулот	Маҳсулот сони	Улуши %
А маҳсулот	2000	66,7
Б маҳсулот	1000	33,3
Жами	3000	100,0

Юқоридаги маълумотлар асосида комплекс харажатлар ажратиш нуқтасида олинган А ва Б маҳсулотлар ўртасида қуйидагича тақсимланади:

Маҳсулот тури	Маҳсулот сони	Сотиш ҳажмидаги улуш, %	Комплекс харажат тақсимоти	1 бирлик маҳсулот таннархи	1 бирлик маҳсулот сотиш баҳоси	1 бирлик маҳсулотга тўғри келувчи фойда
Маҳсулот А	2000	66,7	66 666 666 (100000000*66,7%)	33 333	50000	16667
Маҳсулот Б	1000	33,3	33 300 000 (100000000*33,3%)	33333	20000	-13333
Жами	**3000**	**100,0**	**100 000 000**	x	x	x

Натурал кўрсаткичлар методи қўлланилганда 1 бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ўртача таннарх бир хил бўлади. Ушбу методнинг афзаллиги унинг оддийлигадир.

Агар ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ажратиш нуқтасидан кейин яна қўшимча ишловдан ўтадиган бўлса, у ҳолда комплекс харажатларни тақсимлашда қуйидаги методлар қўлланилади:

1. Сотишнинг соф қиймати методи
2. Ялпи фойда доимий улуши методи.

Сотишнинг соф қиймати методига асосан комплекс ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш учун, дастлаб ажратиш нуқтасидан кейин қилинган қўшимча харажатлар аниқланади, шундан сўнг ушбу харажатлар ҳар бир маҳсулот соф сотиш қийматининг жами маҳсулотларни соф сотиш қийматидаги улушига қараб таккосланади. **Мисол:** айтайлик, комплекс харажатлар 100 000 000 сўм, алоҳида харажатлар А маҳсулот бўйича 16 000 000 сўм, Б маҳсулот бўйича 14 000 000 сўм. Маҳсулотларни сотиш баҳоси ва сотиш қиймати қуйидагича:

Маҳсулот тури	Маҳсулот сони	Маҳсулотнинг сотиш баҳоси, сўм	Сотиш қиймати, сўм	Алоҳида харажатлар, сўм	Сотишнинг соф қиймати	Соф сотишдаги улуш, %
А маҳсулот	2000	60000	120000000	16000000	104 000 000	90,43
Б маҳсулот	1000	25000	25000000	14000000	11 000 000	9,57
Жами					**115 000 000**	**100**

Юқоридаги маълумотлар асосида комплекс харажатлар ажратиш нуқтасидан кейин олинган А ва Б маҳсулотлар ўртасида қуйидагича тақсимланади ҳамда уларнинг бир бирлиги таннархи ва улардан олинадиган фойда қуйидагича бўлади:

Маҳсулот тури	Соф сотиш ҳажмидаги улуш, %	Комплекс харажат тақсимоти	1 бирлик маҳсулот таннархи	1 бирлик маҳсулот сотиш баҳосин	1 бирлик маҳсулотга тўғри келувчи фойда
Маҳсулот А	90,43	90 430 000 (100 000000*90,43	45 215	60000	14785

Маҳсулот Б	9,57	9570 000 (100 000000*9,57%)	9570	25000	15430
Жами	**100**	**100 000 000**	x	x	x

Ялпи фойда доимий улуши методи бўйича комплекс харажатларни тақсимлаш учун маҳсулотларни сотишдан олинадиган ялпи фойда даражаси, яъни рентабеллик даражаси бир хил деб олинади. Демак, бу методни қўллаш учунқуйидагилар ҳисоб-китоб килинади:

1. Ялпи фойда фоизи.

2. Сотилган маҳсулот таннархи ва комплекс ишлаб чиқариш харажатлари тақсимоти.

Мисол:

Комплекс харажатлар, сум.	100 000 000
Алоҳида харажатлар, сум:	
А маҳсулот	16 000 000
Б маҳсулот	14 000 000
Жами	30 000 000

Маҳсулот тури	Маҳсулот сони	Сотиш баҳоси, сум.	Сотиш киймати, сум.
А маҳсулот	2000	60 000	120 000 000
Б маҳсулот	1000	25 000	25 000 000
Жами			145 000 000

1. Ялпи фойда фоизи.

Сотиш киймати, сум.	145 000 000
Минус комплекс ишлаб чиқариш харажатлари ва алоҳида харажатлар, сум.	130 000 000
Ялпи фойда, сум.	15 000 000
Ялпи фойда фоизи (1500000/145000000*100%)	10,345 %

2. Сотилган маҳсулот таннархини аниқлаш ва комплекс ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш

Кўрсаткичлар	**А маҳсулот, сум**	**Б маҳсулот, сум**	**Жами, сум**
Сотиш киймати	120 0000 00	25 000 000	145 000 000
Минус Ялпи фойда, 10,345 %	12 415 000	2 585 000	15 000 000
Сотилган маҳсулот таннархи	107 585 000	22 415 000	130 000 000
Минус Алоҳида харажатлар	16 000 000	14 000 000	30 000 0000
Комплекс ишлаб чиқариш харажатлари	91 585 000	8 415 000	100 000 000

12.6. Ишлаб чиқаришдаги яроқсизликлар ҳисоби

Ишлаб чиқаришдаги яроқсизликлар – бу ишлаб чиқаришнинг барча технологик жараёнларидан ўтган, бироқ ўзининг сифати бўйича давлат стандартларига, техник шартларга жавоб бермайдиган ва омборхоналарга яроқсиз маҳсулот сифатида қабул қилинган тайёр буюмлар. Бундай активлар ҳисоби 2610 «Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар» счётида юритилади. Мазкур счётининг дебетида аниқланган яроқсиз маҳсулотлар бўйича харажатлар, шунингдек, кафолатли таъмирлаш харажатлари йиғилади. Унинг кредитида яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишларнинг камайишига олиб бориладиган суммалар (яроқсиз маҳсулотнинг фойдаланиш мумкин бўлган баҳоси бўйича қиймати, яроқсиз маҳсулотнинг айбдорларидан ушланадиган суммалар, мол етказиб берувчилар томонидан етказиб берилган сифатсиз материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлардан фойдаланиш натижасида юзага келган яроқсиз маҳсулот ва бошқалар учун ундириладиган суммалар), шунингдек, яроқсиз маҳсулотлардан кўрилган йўқотиш сифатида ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилган суммалар акс эттирилади (12.4-жадвалга қаранг).

12.4-жадвал

Ишлаб чиқаришдаги яроқсизликларнинг счётларда акс эттирилиши

Тартиб рақами	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1	Яроқсиз маҳсулотларни тузатиш бўйича материаллар сарфланди	2610	1010-1090	Моддий ва ишлаб чиқариш ҳисоботлари
2	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда аниқланган тузатиб бўлмайдиган яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишларнинг ҳисобдан чиқарилиши	2610	2010, 2310	Моддий ва ишлаб чиқариш ҳисоботлари, далолатнома
3	Ўзида ишлаб чиқарилган яроқсиз ярим тайёр маҳсулотлар аниқланди ва ҳисобдан чиқарилди	2610	2110	Моддий ва ишлаб чиқариш ҳисоботлари, далолатнома
4	Умумишлаб чиқариш харажатларининг упуши яроқсиз маҳсулотлар таннархига киритилди	2610	2510	Моддий ва ишлаб чиқариш ҳисоботлари, далолатнома, бухгалтерия маълумотномаси

5	Харидорга яроқсиз маҳсулот ўрнига юборилган маҳсулот таннархи	2610	2810	Счет-фактура
6	Яроқсиз маҳсулотларни тузатишда ва кафолатланган таъмирлаш бўйича мол етказиб берувчилардан олинган хизматлар	2610	6010	Счет-фактура, Бухгалтерия ҳисоб-китоби
7	Ишлаб чиқаришда браккa тегишли бўлган ягона ижтимоий тўлов бўйича харажатлар	2610	6520	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
8	Яроқсиз маҳсулотларни тузатиш бўйича меҳнат ҳақи суммаси ҳисобланди	2610	6710	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
9	Яроқсиз маҳсулотларнинг қайтарилиши ва бошқалар билан боғлиқ суммаларнинг ҳисобдор шахслар ҳисобидан чиқарилиши	2610	4220-4290 6970	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
10	Истеъмолчилар томонидан олинган яроқсиз маҳсулотларни тузатиш бўйича қилинган харажатлари учун уларга бўлган қарз	2610	6990	Далолатнома
11	Яроқсиз маҳсулотни тузатишдан қолган ва якуний яроқсиз маҳсулотларни ҳисобдан чиқаришдан олинган моддий қийматликларнинг (фойдаланиш мумкин бўлган баҳосида) кирим қилиниши	1010-1090	2610	Далолатнома
12	Яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишлар асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг маҳсулотлари, иш ва хизматлари таннархига киритилди	2010, 2310	2610	Бухгалтерия ҳисоб-китоби, Далолатнома
13	Яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишлар моддий зарар етказган айбдор шахслар ҳисобига ҳисобдан чиқарилди	4730	2610	Бухгалтерия ҳисоб-китоби, Ҳисоботлар
14	Компенсация қилинмайдиган ўтган йилларнинг яроқсиз маҳсулотларидан йўқотишлар зарарга ҳисобдан чиқарилди	9430	2610	Инвентаризация вараги, Далолатнома

Ишлаб чиқаришдаги яроқсизликлар аналитик ҳисоби корхонанинг алоҳида цехлари, маҳсулот турлари, харажат моддалари ва яроқсиз маҳсулотларнинг вужудга келиш сабаблари бўйича юритилади.

12.7. Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар харажатлари ҳисоби

Корхоналарнинг хизмат кўрсатувчи хўжаликлари деганда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш ва хўжаликлар тушунилади. Жумладан, уларга корхонанинг балансида бўлган соғлиқни сақлаш объектлари, болалар боғчалари, уй-жой коммунал хўжалиги объектлари, спорт ва маданият, тикувчилик ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш устахоналари, ошхона ва буфетлар, илмий-тадқиқот ва конструкторликка оид ажратилган бўлинмалари киради.

Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар билан боғлиқ харажатлар ҳисоби 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётида юритилади. Ушбу счётнинг дебетида хизмат кўрсатувчи хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади. Бунда қуйидаги счётлар кредитланади:

*1010-1090 – хизмат кўрсатувчи хўжаликларга сарфланган хом ашё ва материаллар қийматига;

*6710 – хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақига;

*6520 – хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ходимлари меҳнат ҳақи суммасидан ҳисобланган мажбурий ЯИТга;

*6010,6990 – хизмат кўрсатувчи хўжаликларга кўрсатилган хизматлар ва ажарилган ишлар қийматига;

*2310,2510,3110 ва бошқа счётлар – хизмат кўрсатувчи хўжаликлар харажатлари киритилган ёрдамчи ишлаб чиқариш, умумишлаб чиқариш ва келгуси давр харажатлари суммаларига.

2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётининг кредитида хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилади. Ушбу суммалар 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётининг кредити бўйича товар моддий заҳираларни(1010-1090, 2810) ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Хизмат кўрсатувчи хўжаликларга сарфланган харажатларни корхона зарарига олиб борилишига **Дебет** 9430 **Кредит** 2710 ёзуви берилади.

2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счёти бўйича ҳисобот даври охиридаги қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини кўрсатади.

12.8. Давр харажатлари ҳисоби

21-сон БҲМС га мувофиқ давр харажатлари ҳисоби қуйидаги счётларда олиб борилади:

• **9410 «Сотиш харажатлари»** – ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида сотишга доир харажатлар (реклама харажатлари, сотиш билан боғлиқ ходимларнинг иш ҳақи, ижтимоий суғуртага ажратмалар, амортизация харажатлари, транспортировка ва бошқа шу каби сотиш билан боғлиқ харажатлар) акс эттирилади. Ушбу счётда акс эттириладиган харажатларнинг аниқ турлари ва таркиби «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»нинг «Сотиш харажатлари» номли бўлимида тўлиғича келтирилган. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу харажатларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (5110,5010,6710, 6520,6990 ва бошқа счётлар) акс эттирилади. Йил охирида 9410- счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

• **9420 «Маъмурий-бошқарув харажатлари»** – ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида бошқарувга доир харажатлар (иш ҳақи, ижтимоий суғуртага ажратмалар, амортизация харажатлари, сафар харажатлари, телефон алокаси ва бошқа шу каби бошқарув билан боғлиқ харажатлар) акс эттирилади. Ушбу счётда акс эттириладиган харажатларнинг аниқ турлари ва таркиби «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»нинг «Маъмурий-бошқарув харажатлари» номли бўлимида тўлиғича келтирилган. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу харажатларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (0200, 0500, 1000, 5110, 5010, 6710, 6520, 6990 ва бошқа счётлар) акс эттирилади. Йил охирида 9420 счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

• **9430 «Бошқа операцион харажатлар»** – ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида сотиш ва бошқарувдан ташқари умум фаолиятга доир давр харажатлари (моддий ёрдам,

компенсациялар, мол-мулк, экология, ер, сув ва бошқа давр харажатларига олиб бориладиган солиқлар, пенсия фондига мажбурий ажратма, мулкни сотишдан ва беришдан кўрилган зарарлар ва бошқа шу каби операцион харажатлар) акс эттирилади. Ушбу счётда акс эттириладиган харажатларнинг аниқ турлари ва таркиби «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»нинг «Бошқа операцион харажатлар» номли бўлимида тўлиғича келтирилган. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу харажатларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (1000, 5110, 5010, 6400, 6710, 6520, 6990, 9210, 9220 ва бошқа счётлар) акс эттирилади. Йил охирида 9430 счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Мавзу бўйича таянч атамалар

Харажат – ҳисобот даврида корхона активларининг камайиши ёки уни мажбуриятларининг кўпайишидир.

Асосий фаолиятга доир харажатлар – бу корхона уставида белгиланган асосий фаолият билан боғлиқ харажатлар.

Асосий бўлмаган фаолиятга доир харажатлар – корхонанинг асосий фаолиятини ташкил этмайдиган молиявий фаолиятига тегишли бўлган харажатлари ва фавқулоддаги зарарлари.

Таннархга киритиладиган харажатлар – маҳсулот, товар, иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш ва сотиш таннархини ташкил қилувчи харажатлар.

Таннархга киритилмайдиган харажатлар – корхоналарнинг ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар таннархига киритилмайдиган бошқа харажатлари.

Давр харажатлари – бу маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишга, корхонани маъмурий-бошқарувига ва бошқа операцион фаолиятга доир харажатлар.

Молиявий фаолиятга доир харажатлар – қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш, валюта операциялари, кредит ва қарзларни олиш, узоқ муддатли ижарага доир ва бошқа молиявий фаолиятга тааллуқли харажатлар.

Фавқулоддаги харажатлар – юз бериши доимий характерга эга бўлмаган, кутилмаган тасодиф ва ҳодисалардан кўрилган зарарлар.

Келгуси давр харажатлари – бу корхонанинг келгуси асосий фаолиятига доир, лекинда ҳисобот даврида амалга оширилган харажатлари.

Муддати узайтирилган харажатлар – бу корхонанинг келгуси асосий фаолиятига доир, лекинда муддати бир йил ва ундан кўп муддатга узайтирилган харажатлари.

Ишлаб чиқариш харажатлари – бу бевосита маҳсулотларни (иш, хизматларни) ишлаб чиқаришга кетган, шунингдек, уларнинг таннархини ташкил этувчи харажатлар.

Асосий ишлаб чиқариш харажатлари деганда ишлаб чиқаришнинг асосий технологик жараёнларини бевосита олиб борувчи ишлаб чиқариш цехлари харажатлари тушунилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари деганда асосий ишлаб чиқариш цехлари учун ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи бўлиб ҳисобланган ишлаб чиқариш бўлинмаларининг (цехларнинг) харажатлари тушунилади.

Умумишлаб чиқариш харажатлари деганда барча асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларини бошқарувига ва ташкил этишга тааллуқли бўлган, шунингдек, уларга хизмат кўрсатувчи бўлинмаларнинг харажатлари тушунилади.

Ишлаб чиқаришдаги яроқсизликлар – бу ишлаб чиқаришнинг барча технологик жараёнларидан ўтган, бироқ ўзининг сифати бўйича давлат стандартларига, техник шартларга жавоб бермайдиган ва омборхоналарга яроқсиз маҳсулот сифатида қабул қилинган тайёр буюмлар.

Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар – бу маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш ва хўжаликлар.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Корхона харажатлари қандай гуруҳларга ажратилади?
2. Асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби қандай юритилади?
3. Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби қандай юритилади ва тақсимланади?
4. Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби қандай юритилади ва тақсимланади?
5. Ишлаб чиқаришдаги яроқсизликлар ҳисоби қандай юритилади?
6. Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар харажатлари ҳисоби қандай юритилади?
7. Давр харажатлари ҳисоби қандай юритилади?

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Ишлаб чиқариш харажатлари

а) Маҳсулот таннархига кирмайди

б) Корхонанинг сотишга доир харажатларини ўз ичига олади

в) Сотиш харажатларини ўз ичига олмайди

г) Корхона фойдаси ҳисобидан қопланади.

2. Қуйидагиларнинг қайси бири ишлаб чиқариш харажатларига кирмайди?

а) Материал харажатлар

б) Маъмурият биносининг амортизацияси

в) Станокни таъмирлаш харажати

г) Мол-мулк солиғи суммаси

3. Қуйидаги харажатларнинг қайси бири ўзгарувчан харажат ҳисобланади?

а) Ижара ҳақи

б) Электр энергияси харажати

в) Суғурта харажати

г) Станокнинг бир маромда ҳисобланган амортизация суммаси

4. Гараж қаровулига ҳисобланган иш ҳақи

а) Асосий ишлаб чиқариш харажатига киради

б) Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатига киради

в) Умумишлаб чиқариш харажатига киради

г) Ҳеч қайсисига кирмайди

5. Цехларга ўрнатилган сигнализация харажатлари:

а) 2010- счётнинг дебетида акс эттирилади

б) 2310 –счётнинг дебетида акс эттирилади

в) 2510 –счётнинг дебетида акс эттирилади

г) Ҳеч қайсисида акс эттирилмайди

6. Умум хўжалик харажатлари

а) 2010 ва 2310 –счётларга ёпилади

Б) Фақат 2310 – счётга ёпилади

В) Фақат 2010 счётга ёпилади

Г) Фақат 2110 –счётга ёпилади

7. Қайси корхонада келиб тушган материалга тўғри келадиган ҚҚС ишлаб чиқариш харажатларига киритилади?

А) Умумий солиқларни тўловчи корхонада

Б) Ягона солиқ тўловчи корхонада

В) Қурилиш ташкилотида

Г) Ишлаб чиқариш фирмасида

XIII БОБ. МАҲСУЛОТ, ТОВАР (ИШ, ХИЗМАТ)ЛАР ВА УЛАРНИ СОТИШ ҲИСОБИ

13.1. Тайёр маҳсулотлар ҳисоби

Тайёр маҳсулот деганда *ишлаб чиқаришнинг барча технологик жараёнларидан ўтган, ортиқ қайта ишловни талаб қилмайдиган, ўзининг сифати бўйича давлат стандартларига, техник шартларга жавоб берадиган ва омборхоналарга қабул қилинган тайёр буюмлар тушунилади.*

Корхонанинг фаолият турига қараб у ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотлар турлича бўлиши мумкин. Масалан, машинасозлик заводининг тайёр маҳсулоти бўлиб енгил ёки юк ташиш автомобиллари, нон комбинатининг тайёр маҳсулоти бўлиб – нон ва нон маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик корхонасининг тайёр маҳсулоти бўлиб етиштирилган мева-сабзавотлар ва бошқа маҳсулотлар ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотлар корхоналарнинг айланма активларининг муҳим тури ҳисобланади. Уларнинг айланиш тезлиги талаб ва таклифга, сифатига, ишлаб чиқарилган ҳажмига, баҳосига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Ўз навбатида тайёр маҳсулотларнинг харидорлигига сотиш ҳажми, пул тушумлари, даромад ва бошқа кўрсаткичлар бевосита боғликдир. Шунинг учун ҳам тайёр маҳсулотлар бухгалтерия ҳисобининг муҳим объектларидан бири ҳисобланади.

4-сон БХМС га мувофиқ тайёр маҳсулотлар қуйидаги баҳоларда ҳисобга олинади:

- ишлаб чиқаришдан олинганда – ҳақиқий таннархи бўйича;
- баҳосини реал аниқлаш қийин бўлган буюмлар бўйича – режали (норматив) баҳода.
- харидоргирлигини йўқотган, сифати паст ёки шикастланган ҳолларда- соф сотиш қийматида (таннархдан паст бўлган қийматда).

Тайёр маҳсулотлар қийматини баҳолаш худди ишлаб чиқариш заҳиралари каби корхона ҳисоб сиёсатида белгиланган ФИФО ёки АВЭКО усуллардан бирида амалга оширилади.

Тайёр маҳсулотлар киримининг ҳисоби. Корхона омборхонасига тайёр маҳсулотлар асосан ишлаб чиқариш бўлинмаларидан (цехлардан) қабул қилинади. Кирим қилиш накладнойлар, далолатномалар, счёт-фактуралар, забор варақалари асосида амалга оширилади. Қабул қилинган тайёр маҳсулотларнинг соний-суммовий ҳисоби учун уларнинг ҳар бирига карточкалар очилади ёки умумий омбор ҳисоби китоби

юритилади. Кирим ҳужжатлари ва омбор ҳисоби регистрлари тайёр маҳсулотлар кирими синтетик ва аналитик ҳисобини юритишга асос бўлиб ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш учун 21-сон БҲМС да қуйидаги счётлар тизими кўзда тутилган:

- **2810** «Омбордаги тайёр маҳсулотлар»;
- **2820** «Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар»;
- **2830** «Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар».

Ушбу счётлар актив счётлардир, уларнинг дебетида тайёр маҳсулотларнинг қолдиғи, келиб тушиш натижасида кўпайиши, кредитида эса – камайиши акс эттирилади.

Корхона омборига кирим қилинган барча тайёр маҳсулотлар 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётининг дебетида ва бошқа тайёр маҳсулотларни қайси манбалардан келиб тушганлигини кўрсатувчи счётларнинг кредитида акс эттирилади, жумладан:

- **Кредит** 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» – асосий ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотларнинг таннарх бўйича қийматига;
- **Кредит** 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» – ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотларнинг таннарх бўйича қийматига;
- **Кредит** 1010 « Материаллар « – тайёр маҳсулот таркибига киритилган материаллар қийматига;
- **Кредит** 2810,2820,2830 – тайёр маҳсулотларнинг ички алмашувига
- **Кредит** 9390 « Бошқа операцион даромадлар» – инвентаризацияда аниқланган ортиқчалар суммасига ва бошқалар.

Тайёр маҳсулотлар сотилиши ва бошқа чиқимларининг ҳисоби. Тайёр маҳсулотлар асосан харидорларга улар билан тузилган шартномаларга асосан нақдсиз пулга сотилади. Шунингдек,, тайёр маҳсулотлар корхонанинг фирма магазини орқали нақд пулга ва пластик карталарга ҳам сотилиши мумкин.

Тайёр маҳсулотларни нақдсиз пулга сотилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

1. Харидорларга тақдим этилган счёт-фактуралар бўйича тайёр маҳсулотнинг ҚҚСсиз бўлган сотиш баҳосидаги қийматига

Дебет 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9010 « Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар»

2. Сотилган тайёр маҳсулотларга тўғри келадиган ҚҚС суммасига

Дебет 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 6410 « Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар»

3. Харидорлар билан сотилган тайёр маҳсулотлар бўйича ҳисоб-китоб қилинганда:

Олинган аванс суммасига

Дебет 5010 «Касса», 5110 «Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Валюта счёти»

Кредит 6310»Харидор ва буюртмачилардан олинган аванслар»

Олинган аванс суммасини маҳсулот сотилган сўнг ёпилишига

Дебет 6310»Харидор ва буюртмачилардан олинган аванслар»

Кредит 4010 Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Охирги дебиторлик қарзни олинишига

Дебет 5010 «Касса», 5110 «Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Валюта счёти»

Кредит 4010 Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Тайёр маҳсулотларни нақд пулга сотилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

1. Улар корхонанинг фирма магазинига берилганда

Дебет 2840 «Магазинлардаги тайёр маҳсулотлар»

Кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар»

2. Харидорларга нақд сотилган тайёр маҳсулотнинг ҚҚСсиз бўлган сотиш баҳосидаги қийматига

Дебет 5010 «Касса»

Кредит 9010 « Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар»

3. Сотилган тайёр маҳсулотларга тўғри келадиган ҚҚС суммасига

Дебет 5010 «Касса»

Кредит 6410 « Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар»

Фирма магазинлари орқали тайёр маҳсулотларни пластик карталарга сотилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

1. Харидорларга сотилган тайёр маҳсулотнинг ҚҚСсиз бўлган сотиш баҳосидаги қийматига

Дебет 5510 «Пластик карталардан тушган пул маблағлари счети»

Кредит 9010 « Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар»

2. Сотилган тайёр маҳсулотларга тўғри келадиган ҚҚС суммасига

Дебет 5510 «Пластик карталардан тушган пул маблағлари счети»

Кредит 6410 « Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар»

3. Махсус счетдан пул маблағлари ҳисоб-китоб счетига ўтказилганда:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»,

Кредит 5510 «Пластик карталардан тушган пул маблағлари счети» ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Сотилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳар бир счёт-фактура бўйича аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун сотилган маҳсулотларнинг таннархини топиш мақсадида ҳисобот даври охирида тайёр *маҳсулотлар ҳолати ва ҳаракати* бўйича баланс тузилади. Ушбу баланс қуйидагича тузилади (13.1-жадвалга қаранг).

13.1-жадвал

Тайёр маҳсулот бўйича баланс

Кўрсаткичлар	Таннархи бўйича	Сотиш баҳоси бўйича	Фарқи (+,-)
1. Давр бошига қолдиқ	20 000 000	25 800 000	5 800 000
2. Ишлаб чиқаришдан олинган маҳсулот	1 000 000 000	1 340 000 000	340 000 000
3. Қайта баҳолаш суммаси		5 000 000	5 000 000
4.Жами сотишга тайёр маҳсулот (1+2 +3)	1 020 000 000	1 370 800 000	350 800 000
5. 1 сўмлик маҳсулотга тўғри келадиган харажат	X	0,7440	
6. Сотилган тайёр маҳсулот	818 400 000	1 100 000 000	281 600 000
7.Давр охиридаги қолдиқ	201 600 000	270 800 000	69 200 000

Сотилган маҳсулотларнинг таннархини топиш учун балансда уларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи ва сотиш баҳоларида алоҳида устунчаларда кўрсатилади. Жами сотишга тайёр маҳсулотларга кетган барча харажатларни сотишга тайёр жами маҳсулотларни сотиш баҳосига (ҚҚС сиз) бўлиш йўли билан 1 сўмлик сотишга тайёр маҳсулотга тўғри келадиган ўртача таннарх аниқланади. Топилган ўртача таннарх сотилган тайёр маҳсулотларнинг сотиш баҳосидаги (ҚҚС сиз) қийматига кўпайтирилади, чиқган сумма жами сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархини билдиради. Юқорида келтирилган шартли мисолда 1 сўмлик сотишга тайёр маҳсулотга тўғри келадиган ўртача таннархи 0, 7440 сўмни ташкил қилган. Жами сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи – 818 400 000 сўм (1 100 000 000 х 07440). Ушбу суммага ҳисобот даври охирида қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи»

Кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар»

Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган фойдани топиш учун 9010-счётда акс эттирилган даромад № 9910 «Охирги молиявий натижа»

счётининг кредитига, 9110 счётда акс эттирилган сотишнинг таннархи № 9910 «Охирги молиявий натижа» счётининг дебетига ўтказилади, охирги счётнинг кредит ва дебет оборотлари ўртасидаги ижобий фарқ (бошқа ёзувларсиз) сотишдан олинган фойдани ифодалайди. Юқоридаги шартли мисолда сотишдан олинган фойда суммаси 281 600 000 сўмни ташкил этган.

Тайёр маҳсулотлар сотилган деб ҳисобланади, агарда улар харидорлардан ташқари ўз ходимларига меҳнат ҳақи эвазига берилган бўлса, таъсис бадали сифатида бошқа корхонага инвестиция қилинган бўлса, хўжалик зарурятларига ишлатилган бўлса ҳам. Бундай ҳолларда юқорида келтирилган ёзувларда 4010,5010,5510 счётларнинг ўрнига 0600 «Молиявий инвестициялар», «1000 «Материаллар», 6700 « Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар», 9430 «Бошқа операцион харажатлар» каби счётлар дебетланади.

2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётининг кредитида тайёр маҳсулотлар заҳираларининг бошқа чиқимлари ҳам акс эттирилади, жумладан:

• *Улар асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришга қайта сарфланганда:*

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

Кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар»

Брак маҳсулот деб тан олинганда:

Дебет 2600 «Ишлаб чиқаришдаги браклар»

Кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар»

Камомадлар аниқланганда:

Дебет 5910 « Бойликларни бузилишидан кўрилган камомад ва йўқотишлар»

Кредит 2810»Омбордаги тайёр маҳсулотлар»

Кўргазма залларига берилганда

Дебет 2820 «Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар»

Кредит2810»Омбордаги тайёр маҳсулотлар»

Комиссияга берилганда

Дебет 2830 «Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар»

Кредит2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар»

Тайёр маҳсулотларнинг аналитик ҳисоби моддий жавобгар шахслар бўйича, маҳсулотларнинг турлари бўйича олиб борилади.

13.2. Товарлар ҳисоби

Товар деганда *корхонанинг сотиш учун сотиб олинган моддий активлари тушунилади.* Бу турдаги активларнинг характерли хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

• улар истеъмол қийматига эга бўлади, яъни одамларнинг истеъмол талабларини қондиради;

• улар қийматга эга бўлади, яъни пулда ифодаланган баҳога эга бўлади;

• айланма активлар бўлиб ҳисобланади, яъни маълум бир цикл давомида уларнинг заҳиралари янгиланиб туради;

• пулга ва бошқа активларга алмаштирилади;

• инвестиция воситаси сифатида қўлланилади;

• ижарага бериш объекти ҳисобланмайди.

Бухгалтерия ҳисобида товарлар турган жойига, эгалик қилиш ҳуқуқига, турларига, баҳосига ва бошқа белгиларига қараб акс эттирилади.

Турган жойига қараб товарларни омборлардаги, чакана савдо шаҳобчаларидаги, кўргазмадаги, комиссиядаги, консигнаторлардаги, йўлдаги ва бошқа товарларга бўлиш мумкин.

Эгалик қилиш ҳуқуқига кўра товарларни хусусий товарлар, консигнацион товарлар, комиссион товарларга ажратиш мумкин.

Товарларни сотишнинг асосан икки усули кенг қўлланилади: улгуржи ва чакана.

Улгуржи сотиш – бу товарларни келгусида бошқаларга сотиш ёки истеъмол қилиш учун сотилиши. Ушбу савдо турини олиб борувчи хўжалик юритувчи субъектлар улгуржи савдо корхоналари деб аталади. Улгуржи савдонинг характерли хусусиятларига қуйидагилар киради:

• товарларни катта партияларда нақдсиз сотилиши;

• ҳар бир сотиш муомаласини албатта счёт-фактура билан қатъий расмийлаштирилиши;

• товарларни фақат омборхоналардан жўнатилиши;

Республикамизда товарларни улгуржи сотилиши Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини қайд этиш ва олиб бориш тартиби тўғрисида Низом» га мувофиқ амалга оширилиши лозим. Ушбу Низомга мувофиқ улгуржи савдо билан шуғулланиш учун улгуржи савдо корхоналари, шунингдек, улгуржи савдо билан шуғулланмоқчи бўлган бошқа корхоналар белгиланган миқдордаги устав капиталига эга бўлиши, товарларни катта партияда сақлаш, саралаш, ўраш, юклаш, тушириш имконини берадиган хусусий омборхоналар, жиҳозлар ва бошқа моддий-техник воситаларга эга бўлиши, шунингдек, маҳаллий ҳокимликнинг рухсатномасига эга бўлишлари лозим.

Чакана сотиш – бу товарларни охирги истеъмолчига сотиш. Ушбу савдо турини олиб борувчи хўжалик юритувчи субъектлар чакана савдо

корхоналари деб аталади. Чакана савдо корхоналарига овқатланиш корхоналари ҳам тенглаштирилади. Чакана савдонинг характерли хусусиятларига қуйидагилар киради:

- товарларни накд пулга сотилиши;
- товарларни савдо шаҳобчаларида савдо устамалари билан бирга ҳисобга олиниши;
- товарларни нақдсиз майда улгуржи сотилишини чегараланганлиги;
- ҳар бир товарнинг сотилишини ҳужжатли расмийлаштирилмаслиги, лекинда касса аппарати паттаси билан сотиш суммасини қайд этилиши;

Чакана савдо фаолиятини олиб бориш республикамизда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдикланган «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо Қоидалари» тартибга солинган.

21- сон БҲМСда товарлар ҳисобини олиб бориш учун қуйидаги счётлар тизими кўзда тутилган:

- **2910 «Омбордаги товарлар»** – ушбу счёт асосан улгуржи савдо ва овқатланиш корхоналарида товарларнинг сақланиш жойларидаги (омборлардаги) ҳолати ва ҳаракатини акс эттиришга мўлжалланган.
- **2920 «Чакана савдодаги товарлар»** – ушбу счёт чакана савдо ва овқатланиш корхоналарида (магазинлар, киоскалар, буфет ва бошқа шаҳобчалардаги) товарларнинг ҳолати ва ҳаракатини акс эттиришга мўлжалланган.
- **2930 «Кўргазмадаги товарлар»** – ушбу счёт улгуржи, чакана ва овқатланиш корхоналарининг реклама қилиш мақсадида кўргазмалар ва ярмаркаларга қўйилган товарларини ҳолати ва ҳаракатини акс эттиришга мўлжалланган.
- **2940 «Вақтинча фойдаланишга бериладиган буюмлар»** – ушбу счёт махсус шаҳобчалар орқали тўлов асосида вақтинча фойдаланишга қўйилган буюмларни ҳолати ва ҳаракатини акс эттиришга мўлжалланган.
- **2950 «Товар билан бўлган ва бўш турган идишлар»** – ушбу счёт товар билан бирга бўлган ва бўш турган идишларнинг ҳолати ва ҳаракатини акс эттиришга мўлжалланган.
- **2960 «Комиссион тартибда сотишга берилган товарлар»** – бу счёт махсус шаҳобчаларда комиссион тартибда сотишга берилган товарларнинг ҳолати ва ҳаракатини акс эттиришга мўлжалланган.
- **2970 «Йўлдаги товарлар»** – бу счёт пули тўланган ва таъминотчидан жўнатилган, лекинда корхонага ҳали келиб тушмаган товарларни акс эттиришга мўлжалланган.

• **2980 «Савдо устамаси»** – бу счёт савдо ва овқатланиш корхоналарида товарларга қўйилган савдо устамаларининг ҳолати ва ҳаракатини акс эттиришга мўлжалланган.

• **2990 «Бошқа товарлар»** – бу счёт юқорида номлари зикр этилган счётларда акс эттирилмаган турли бошқа товарларни, масалан, консигнацияга берилган товарларни, ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Юқорида келтирилган 2980 «Савдо устамаси» счётидан ташқари барча бошқа счётлар актив, доимий счётлар ҳисобланади, уларнинг дебетида товарларнинг қолдиқи ва кўпайиши, кредитида эса камайиши акс эттирилади. 2980 «Савдо устамаси» счёти контрактив счёт бўлиб, унинг кредитида қолдиқ товарларга тўғри келадиган савдо устамаларининг суммаси ва уларнинг кўпайиши, кредитида эса –савдо устамаларини камайиши акс эттирилади. Савдо устамаларининг суммасини товарларни сотилиши ва бошқа чиқимлари натижасида камайиши ушбу счётнинг кредитида «қизил ёзув» билан ҳам акс эттирилиши мумкин.

4-сон БҲМС га мувофиқ товарларни ҳисобга олишнинг иккита тизими мавжуд:

1.**Даврий ҳисоб тизими** – бу тизим чакана савдо ва овқатланиш шаҳобчаларига тааллуқли бўлиб, унда ҳар бир товарнинг сотилиши қатъий ҳужжатлаштирилмайди, шу сабабли сотилган товарларнинг таннархини ҳар бир ҳужжат асосида аниқлаб бўлмайди. Ушбу тизимдаги корхоналар ҳисобот даври ичида товарларни сотиб олинишини вақтинчалик 9140 «Даврий ҳисобда товар-моддий бойликларни сотиб олиш» счётининг дебетида (кредит 6010 «Таъминотчилар ва пудратчиларчиларга тўланадиган счётлар» ва бошқалар), товарларнинг давр бошидаги ва давр охиридаги қолдиқларидаги фарқни эса вақтинчалик 9150 «Даврий ҳисобда товар-моддий бойликлар бўйича тузатишлар» счётининг дебетида (кредит 2910 «Омбордаги товарлар») акс эттирадилар. Давр охиридаги товарларнинг қолдиғи ушбу усулда фақат инвентаризация қилиш йўли билан топилади. Ҳисобот давр охирига келиб, юқоридаги вақтинчалик счётлар 9910 «Охирги молиявий натижа» счётининг дебетига ёпилади. Товарларнинг сотилиши ушбу усулда сотиш баҳосида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

а) *Нақд сотилганда*

Дебет 5010 «Касса»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромад»

б) *Нақдсиз сотилганда*

Дебет 4010 «Харидор ва буюртмачиларлардан олинадиган счётлар»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромад»

Ҳисобот даври охирида товарларни сотишдан олинган даромад 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромад» счётининг дебетига ва 9910 «Охирги молиявий натижа» счётининг кредитига ёпилади.

2.Узликсиз ҳисоб тизими – ушбу тизим омборхоналарда товарларнинг келиб тушуши ва кетиши қатъий ҳужжатлаштириладиган улгуржи ва овқатланиш корхоналари учун хос. Унда товарларнинг сотиб олиш баҳосидаги қиймати 2910 «Омбордаги товарлар» счётининг дебетида ва уларни сотиб олиш манбалари ва усулларини кўрсатувчи счётларнинг кредитида (6010 «Таъминотчилар ва пудратчиларчиларга тўланадиган счётлар» ва бошқалар) акс эттирилади. Товарлар сотилганда сотиш баҳосида корхона даромадига олинади (дебет 5010 «Касса», 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» кредит 9020»Товарларни сотишдан олинган даромад»), бир вақтнинг ўзида сотилган товарларнинг таннархи сотиб олиш баҳосида ҳисобдан чиқарилади (дебет 9120 «Сотилган оварларнинг таннархи» кредит 2910 «Омбордаги товарлар»). Ҳисобот даври охирида даромад ва сотиш таннархини акс эттирувчи счётлар мос равишда 9910 «Охирги молиявий натижа» счётининг кредити ва дебетига ёпилади.

Товар-моддий бойликларни акс эттирувчи счётлар (2910-2990)нинг дебет ва кредитида юқорида келтирилган операциялардан ташқари қуйидаги хўжалик муомалалари ҳам акс эттирилади (13.2-жадвалга қаранг).

13.2-жадвал

Товарлар киримн ва чиқимига донр айрим операцияларнинг счётларда акс эттирилиши

Тартиб раками	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1.	Товарларни кўпайиши:			
	-таъсисчилардан олинганда	2910-2990	4610	Товар ҳисоботи, Товар-пул Ҳисоботи, Счёт-фактура, Накладнойлар, Далолатнома ва бошқа ҳужжатлар
	-ҳисобдор шахслардан олинганда		4230	
	-ишлаб чиқариш цехларидан кирим қилинганда		2010	
	-тайёр маҳсулот омборидан		2810	
	-материаллар ҳисобига		1010	
	-ортиқчалар эвазига		9390	
	-бепул олиниш эвазига		8530	
	-ички алмашув эвазига		2910-2990, 6230	
	-нархи оширилганда		2980	
	-савдо устамаси эвазига			

2.	Товарларни камайиши: -ишлаб чиқаришга берилганда -материалга айлантирилганда -камомад чиққанда -нархи пасайтирилганда -ички алмашувга	2010, 1010, 5910, 3190, 2910-2990	2910-2990	Ҳисоботлар, Далолатнома-лар, накладной, Счёт-фактура ва бошқа ҳужжатлар

2910-2990 счётларда акс эттирилган товарларнинг аналитик ҳисоби моддий жавобгар шахслар, сақланиш жойлари, турлари, нави, баҳоси ва бошқа белгилари бўйича олиб борилади.

13.3. Ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишдан тушум ҳисоби

Ишларни бажариш – бу хўжалик юритувчи субъект томонидан буюртмачиларга улар билан тузилган шартномалар асосида у ёки бу ишларни бажаришдир. Уларга қурилиш, қурилиш-монтаж ва бошқа ишлар мисол бўлади.

Хизматларни кўрсатиш – бу хўжалик юритувчи субъект томонидан буюртмачиларга улар билан тузилган шартномалар асосида у ёки бу хизматларни кўрсатишдир. Уларга банк, суғурта, баҳолаш, аудиторлик, консалтинг, инжиниринг, туристик, меҳмонхона, транспорт ва бошқа хизмат турлари мисол бўлади.

Мазмун ва моҳиятига кўра ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш моддий бойликлар бўлган тайёр маҳсулотлар ва товарларни сотишга тенглаштирилади. Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар буюртмачилар томонидан қабул қилинган пайтдан бошлаб сотилган деб тан олинади. Шу пайтдан бошлаб ишларни бажарувчи ва хизматларни кўрсатувчи корхоналарда мазкур тушумлар, мос равишда, бажарилган ишлардан ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар сифатида ҳисобга олинади.

Ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш маълум харажатларни талаб қилади. Бевосита ишларни бажаришга ва хизматларни кўрсатишга кетган харажатлар, мос равишда бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархи сифатида тан олинади.

Республикамизнинг 21-сон БҲМСга мувофиқ ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишдан тушумлар ҳисоби 9030 «Бажарилган ишлар ва хизматлардан олинган даромадлар» счётида юритилади. Ушбу пассив

вақтинчалик счётнинг кредитида бажарилган иш ва хизматларни сотишдан олинган даромад ҳисобот даври (ой, чорак, йил) мабойнида уларга гувоҳлик берувчи ҳужжатлар (счёт-фактура, иш ва хизматларни топшириш-қабул қилиш тўғрисида далолатномалар, кирим касса ордерлари) асосида тўпланиб боради. Иш ва хизматларни сотиш усулларига қараб 5010 «Касса» счёти, 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 4110 «Махсус ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар», 4120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар» ва бошқа дебиторлик қарзларни акс эттирувчи счётлар дебетланади. Ҳисобот даври (ой, чорак, йил) мабойнида мабойнида 9030 «Бажарилган иш ва хизматларни сотишдан олинган даромадлар» счёти фақат кредит сальдосига эга бўлади ва бу сальдо ҳисобот даври (ой, чорак, йил) бошидан бошлаб олинган даромад суммасини кўрсатади. Ҳисобот даври (ой, чорак, йил) якунида ушбу счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 « Охирги молиявий натижа» счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

13.4. Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг қайтарилиши ва улар бўйича чегирмаларнинг ҳисоби

Сотилган маҳсулотлар, товарлар , иш ва хизматлар турли сабабларга кўра корхонага қайтарилиши мумкин. Бундай ҳолда қайтарилган маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматларнинг қиймати махсус контрпассив бўлган 9040 «Сотилган товарларни қайтарилиши» счётининг дебетида акс эттирилади, бунда мос равишда 5010 «Касса»,4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 4110 «Махсус ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар», 4120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар» ва бошқа дебиторлик қарзларни акс эттирувчи счётлар кредитланади. 9040 «Сотилган товарларни қайтарилиши» счётининг дебетида тўпланган сумма мос равишда 9010 «Тайёр маҳ сулотларни сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030 «Бажарилган иш ва хизматлардан олинган даромадлар» счётларининг дебетига ўтказилади ва шу асосда ушбу счёт ёпилади. Қайтарилган маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича сотиш таннархи ва сотишдан олинган ҚҚС суммасини акс эттирувчи счётларга ҳам тузатишлар қилинади.

Маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматларни сотишда харидорлар ва буюртмачиларга тузилган шартнома шартларига кўра турли миқдорда

чегирмалар ҳам берилиши мумкин. Бундай чегирмалар суммаси махсус контрпассив бўлган 9050 «Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» счётининг дебетида акс эттирилади, бунда мос равишда 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 4110 «Махсус ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар», 4120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар» ва бошқа дебиторлик қарзларни акс эттирувчи счётлар кредитланади.

9050 «Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» счётининг дебетида тўпланган сумма, мос равишда, 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030 «Бажарилган иш ва хизматлардан олинган даромадлар» счётларининг дебетига ўтказилади ва шу асосда ушбу счёт ёпилади. Маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишда берилган чегирмалар суммаси сотишдан олинган даромадлар суммасини камайтиради.

Мавзу бўйича таянч атамалар

Тайёр маҳсулот – бу ишлаб чиқаришнинг барча технологик жараёнларидан ўтган, ортиқ қайта ишловни талаб қилмайдиган, ўзининг сифати бўйича давлат стандартларига, техник шартларга жавоб берадиган ва омборхоналарга қабул қилинган тайёр буюмлар.

Товар - сотиш учун сотиб олинган моддий активлари.

Улгуржи сотиш – бу товарларни келгусида бошқаларга сотиш ёки истеъмол қилиш учун сотилиши.

Чакана сотиш – бу товарларни охирги истеъмолчига сотиш.

Даврий ҳисоб тизими – бу тизим чакана савдо ва овқатланиш шаҳобчаларига тааллукли бўлиб, унда ҳар бир товарнинг сотилиши қатъий ҳужжатлаштирилмайди, шу сабабли сотилган товарларнинг таннархини ҳар бир ҳужжат асосида аниқлаб бўлмайди.

Узлуксиз ҳисоб тизими – бу омборхоналарда товарларнинг келиб тушуши ва кетиши қатъий ҳужжатлаштириладиган ҳисоб тизими.

Ишларни бажариш – бу хўжалик юритувчи субъект томонидан буюртмачиларга улар билан тузилган шартномалар асосида у ёки бу ишларни бажаришдир.

Хизматларни кўрсатиш – бу хўжалик юритувчи субъект томонидан буюртмачиларга улар билан тузилган шартномалар асосида у ёки бу хизматларни кўрсатишдир.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Тайёр маҳсулотлар нима ва улар ҳисоби қандай юритилади?
2. Товарлар нима ва улар ҳисоби қандай юритилади?
3. Бажарилган ишлар нима ва улар ҳисоби қандай юритилади?
4. Кўрсатилган хизматлар нима ва улар ҳисоби қандай юритилади?
5. Савдо чегирмалари нима ва улар ҳисоби қандай юритилади?

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1.Қуйидагиларнинг қайси бири тўғри?

а) Тайёр маҳсулотнинг ҳисоб баҳоси бўлиб сотиш баҳоси ҳисобланади

б) Маъмурият биносининг амортизацияси маҳсулот таннархига киради

в) Маҳсулотлар таннархи бўйича ҳисобга олинади

г) Маҳсулотлар фойда суммасини ўз ичига олган баҳода ҳисобга олинади

2. Қуйидагиларни қайси бири маҳсулотни сотилишига кирмайди?

а) Мактабга ёрдам сифатида берилган маҳсулотлар

б) Иш ҳақи эвазига берилган маҳсулот

в) Маҳсулотнинг табиий камайиши

г) Инвентарга айлантирилган маҳсулот

3. Маҳсулотни сотишдан олинган ҚҚС ушбу соликни тўловчи корхонада

а) Асосий ишлаб чиқариш харажатига киради

б) Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатига киради

в) Умумишлаб чиқариш харажатига киради

г) Олинадиган счётлар суммасига киради

4. Сотилган маҳсулотнинг таннархи қайси счётнинг дебетида акс эттирилади?

а) 2010 –счётнинг дебетида

Б) 2810 счётнинг дебетида

В) 9010 счётнинг дебетида

Г) 9110 счётнинг дебетида

5. Ўз товари ҳисобланмайди

а) Омбордаги товарлар

б) Вақтинчалик сақлашга қабул қилинган товарлар

в) Чакана савдо шаҳобчаларидаги товарлар

г) Консигнацияга берилган товарлар

6. Қуйидагиларнинг қайси бири тўғри?

а) Магазинда товарлар сотиш баҳосида ҳисобланади

б) Магазинда товарлар сотиб олиш баҳосида ҳисобланади

в) Магазинда товарлар ҚҚС билан сотилади

г) Магазинда товарлар таннархдан паст нархда ҳисобга олинади

7. Қуйидагиларнинг қайси бири омбордаги тайёр маҳсулотни магазинга берилишини тўғри ифодалайди?

а) Дебет 2820 Кредит 2810

б) Дебет 2920 Кредит 2810

в) Дебет 2910 Кредит2820

г) Дебет 2960 Кредит 2830

8. Қуйидагиларни қайси бири товарларни сотилишига кирмайди?

а) Мактабга ёрдам сифатида берилган товарлар

б) Иш ҳақи эвазига берилган товарлар

в) Қайта ишловга берилган товарлар

г) Инвентарга айлантирилган товарлар

9. Сотилган товарнинг таннархи қайси счётнинг дебетида акс эттирилади?

а) 2010 –счётнинг дебетида

б) 2810 – счётнинг дебетида

в) 9120 – счётнинг дебетида

г) 9110 – счётнинг дебетида

XIV БОБ. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ҲИСОБИ

14.1. Устав капитали ҳисоби

Корхоналар хусусий капиталининг муҳим тури бўлиб устав капитали ҳисобланади.

Устав капитали деганда корхонанинг таъсисчилари томонидан унга киритиладиган маблағлар мажмуаси, шунингдек, чиқарилган акцияларнинг номинал қийматидаги суммаларининг йиғиндиси тушунилади. Устав капиталининг хусусиятларига қуйидагилар киради:

• устав капиталининг миқдори корхона устави ва таъсис шартномасига мувофиқ белгиланади ва нисбатан доимий характерга эга бўлади. Унинг бирламчи миқдорини ўзгариши фақат корхона уставини давлат қайдномасидан қайта ўтказиш йўли билан амалга оширилади;

• устав капиталини ҳақиқатда шакллантириш вақт бўйича чегараланади. Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ корхоналар устав капиталини шакллантиришнинг охирги муддати бўлиб таъсис этилган санадан бошлаб бир тавқим йил ҳисобланади. Ушбу муддатда ўз *устав капиталини шакллантирмаган корхоналар юридик статусини* йўқотади ва тугатилади.

• устав капитали корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ва мулк шаклларига боғлиқдир. Давлат корхоналарида устав капитали унга давлат томонидан биркитилган мулклар мажмуасидан ташкил топади. Хусусий ва коллектив ўртоқчилик мулклари асосида ташкил этилган корхоналарда устав капитали таъсисчиларнинг пай ва бадалларидан иборат бўлади. Акционерлик жамиятларида устав капитали чиқарилган оддий ва имтиёзли акцияларнинг номинал қийматидаги суммаларининг йиғиндисидан ташкил топади.

• Устав капиталига таъсисчиларнинг ҳиссалари узоқ ва қисқа муддатли активлар билан, яъни асосий воситалар, номоддий активлар, капитал ва молиявий инвестициялар, товар-моддий бойликлар ва пул маблағлари билан , киритилиши мумкин.

• таъсисчиларнинг устав капиталидаги ҳиссалари корхонанинг соф фойдасини ҳиссали усулда тақсимлашга, акцияларнинг сони эса соф фойдани уларнинг ҳар бирига мос равишда тақсимлашга асос бўлиб ҳисобланади. Давлат корхоналарида соф фойда тақсимланмайди ва устав капиталининг миқдорини оширишга йўналтирилади.

Устав капитали бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

• устав капиталини корхоналарнинг таъсис этилган кунига акс эттириш;

• таъсисчилар томонидан ўз улушларини белгиланган муддатларда киритилиши устидан назорат ўрнатиш;

• устав капиталидаги ўзгаришларни ўз вақтида ва тўғри ҳисобга олиш;

• чет эл инвесторлари томонидан чет эл валютасида киритилган маблағлар бўйича валюта курслари ўртасидаги фарқларни тўғри ҳисобга олиш;

• таъсисчилар билан олинадиган дивидендлар ва уларнинг ҳиссалари бўйича ҳисоб-китобларни тўғри олиб бориш;

• устав капиталига доир маълумотларни молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттириш ва бошқалар.

21- сон БҲМС га мувофиқ устав капиталининг ҳисоби қуйидаги счётларда олиб борилади:

• **8300** « Устав капитали» – *давлат корхоналарида;*

• **8310** «Оддий акциялар», **8320** «Имтиёзли акциялар» *–акционерлик жамиятларида*

• **8330** «Пай ва бадаллар» – *хусусий ва коллектив ўртоқчилик корхоналарида (хусусий савдо ва ишлаб чиқариш корхоналарида, масъулияти чекланган жамиятларда, қўшма корхоналарда, хорижий корхоналарда, шўъба корхоналарида, қарам хўжалик жамиятларида).*

Ушбу счётларнинг барчаси пассив счётлар бўлиб, уларнинг кредитида устав капиталини вужудга келиши ва кўпайиши, дебетида эса унинг камайиши акс эттирилади.

Устав капитали корхона таъсис этилган санада, яъни давлат рўйхатидан ўтган санада, вужудга келади ва у бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 4610 « Таъсисчиларнинг устав капиталига ҳиссалари бўйича қарзи»

Кредит 8300 «Устав капитали», 8310 «Оддий акциялар», 8320 «Имтиёзли акциялар», 8330 «Пай ва бадаллар».

Давлат корхоналари асосида ташкил қилинган акционерлик жамиятларида олдинги мавжуд устав капитали ва янги устав капитали ўртасидаги фарқ гудвил деб аталиб, номоддий актив сифатида ҳисобга олинади ва қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 0480 «Гудвил»

Кредит 8310 «Оддий акциялар», 8320 «Имтиёзли акциялар»

Кейинги даврларда корхоналарнинг устав капиталини кўпайиши таъсисчилар сафини кенгайиши ёки олдинги таъсисчиларнинг ҳиссаларини оширилиши, акционерлик жамиятларида эса янги акцияларнинг чиқарилиши ёки олдинги акцияларнинг номинал қиймати оширилиши эвазига юз беради. Устав капиталининг бундай йўллар билан кўпайиши ҳам юқорида келтирилган биринчи ёзув билан ҳисобга олинади. Давлат корхоналарида устав капиталини ҳисобот йилнинг соф фойдаси эвазига кўпайиши қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 8710 «Ҳисобот йилнинг тақсимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)»

Кредит 8300 «Устав капитали»

Устав капиталининг камайиши ўртоқчилик жамиятларида таъсисчиларнинг ҳиссаларини камайтирилиши ёки уларни таъсисчилар сафидан чиқарилиши, акционерлик жамиятларида эса мавжуд акцияларнинг номинал қийматини камайтирилиши ёки акциялар сонини камайиши эвазига юз беради. Давлат корхоналарида устав капитали суммаси ҳисобот йилнинг қопланмай қолинган зарарларига камаяди.

Устав капиталини камайиши ҳисобда қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

•Таъсисчиларнинг ҳиссалари камайтирилганда ёки айрим таъсисчилар ўз ҳиссалари билан таъсисчилар қаторидан чиқиб кетганда:

Дебет 8330 «Пай ва бадаллар».

Кредит 6620 «Чиқиб кетган таъсисчиларга уларнинг ҳиссалари бўйича қарз»

• Акцияларнинг номинал қиймати пасайтирилганда ёки акциялар сони камайтирилганда:

Дебет 8310 «Оддий акциялар», 8320 «Имтиёзли акциялар»

Кредит 6620 «Чиқиб кетган таъсисчиларга уларнинг ҳиссалари бўйича қарз»

• Давлат корхоналарида ҳисобот йилнинг зарарлари қопланганда

Дебет 8300 «Устав капитали»

Кредит 8710 ««Ҳисобот йилнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

Устав капиталининг аналитик ҳисоби корхона таъсисчилар ва акционерлари бўйича юритилади.

14.2. Хусусий акцияларни сотиб олиш ва қайта сотишнинг ҳисоби

Акциядорлик жамияти, акциядорлар умумий мажлисининг қарорига мувофик акцияларнинг умумий миқдорини камайтириш мақсадида акцияларни бир қисмини сотиб олиш йули билан устав капиталини камайтиришга ҳақли, лекин қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан кам бўлмаган миқдорда. Акциядорлик жамияти бу ҳақда барча кредиторларга хабар бериши лозим, бунда кредиторлар жамият мажбуриятларининг муддатдан олдин ижро этилишини ёки тугатилишини ва уларга келтирилган зарарларни қопланишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Айтайлик, «А» компанияси номинал қиймати бўйича 20000 акцияларни қайта сотиб олиш тўғрисида қарор қилган. Бу ҳолда қуйидаги ёзув қилинади:

Дебет 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар» – 200 000 000(20000 x 10000)

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» – 200 000 000

Олиб қўйилган акциялар кейинчалик турли нархларда, чунончи номинал қийматдан паст ёки ошиқ, шунингдек, номинал қийматда сотилиши мумкин. Бу операциялар ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

(а) қайта сотиб олинган акциялар номинал қийматида сотилганда:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» - 200 000 000

Кредит 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар» - 200 000 000

(б) қайта сотиб олинган акциялар номинал қийматидан паст нархларда сотилганда, айтайлик, "А» компанияси олиб қўйилган номинал қиймати 10000 сўмлик акцияларнинг ҳар бирини 7500 сўмдан сотганда:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» – 150 000 000 (20000 x 7500)

Дебет 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» - 50 000 000 (20000 x 2500)

Кредит 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар» - 200 000 000

(в) қайта сотиб олинган акциялар номинал қийматидан юқори нархларда сотилганда, айтайлик, «А» компанияси ҳар бирининг номинал қиймати 10000 сўм бўлган 20000 та акцияларнинг ҳар бирини 15000 сўмдан сотганда:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти») 300000000 (20000 x 15000

Кредит 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар» 200000000

Кредит 8410 «Қўшилган капитал» 100000000

14.3. Қўшилган капитал ҳисоби

Ҳусусий капиталнинг таркибий элементи бўлган қўшилган капитал қуйидаги иккита ҳолатда вужудга келиши мумкин:

- корхона акциялари номинал қийматидан юқори қийматга сотилганда.
- устав капиталини шакллантириш даврида валюта курсалари ўртасида фарқ вужудга келганда.

Биринчи ҳолатда корхона акцияларини сотиш ва номинал қийматлар ўртасида вужудга келган фарқ эмиссия даромади деб аталади. Ушбу даромад қўшилган капитални ташкил этади ва махсус 8410 «Эмиссион даромад» счётининг кредитида пул маблағлари счётларининг (5010,5110 ва бошқалар) дебети билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади. Эмиссион даромад корхоналарнинг солиқга тортиладиган даромадига киритилмайди. Келгусида эмиссион даромад акцияларни номинал қийматидан паст қийматда сотишдан кўрилган зарарларни, шунингдек, сотиб олинган хусусий акцияларини бекор қилишдан кўрилган зарарларни қоплаш учун ишлатилади. Ушбу операциялар 8410 «Эмиссион даромад» счётининг дебетида, шунингдек, 8610 «Сотиб олинган оддий хусусий акциялар», 8620 «Сотиб олинган имтиёзли хусусий акциялар» счётларининг кредитида акс эттирилади. Эмиссион даромад сифатида тўпланиб қолган қўшилган капитал фақатгина корхона тугатилишида тақсимланмаган фойдага қўшилади ва таъсисчилар ўртасида тақсимланади.

Мисол 1. Айтайлик, акциядорлик жамияти ҳар бири 5000 сўмлик 10000 та оддий акциясини 6000 сўмдан жами 60 000 000 сўмга сотди. Ушбу операция бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

1.Сотилган оддий акцияларнинг номинал қийматига (5000*10000= 50000000):

Дебет 5010,5110 **Кредит** 4610 – 50 000 000 сўм;

2.Сотилган оддий акцияларнинг номинал қийматидан ортиқ қисмига [(6000-5000)*10000= 10 000 000]

Дебет 5010,5110 **Кредит** 8410 – 10 000 000 сўм.

Ушбу операциядан сўнг корхона балансининг қўшилган капитал моддасида 10 000 минг сўм акс эттирилади.

Мисол 2. Келгусида корхона қўшимча чиқарган оддий акцияларидан (ҳар бирининг номинал қиймати 5000 сўм) 20000 тасини 4000 сўмдан сотди, дейлик. Ушбу операция бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

1. Сотилган оддий акцияларнинг сотиш қийматига (4000*20000= 80000000):

Дебет 5010,5110 **Кредит** 4610 – 80 000 000 сўм;

2. Сотилган оддий акцияларнинг номинал қийматидан паст қисмига [(5000-4000)*20000= 20 000 000]

Дебет 8410 **Кредит** 4610 – 10 000 000 сўм;

Дебет 9690 **Кредит** 4610 – 10 000 000 сўм;

Ушбу операциядан сўнг корхона балансининг қўшилган капитал моддасида сумма мавжуд бўлмайди, чунки олдин вужудга келган 10 000 000 сўмлик эмиссия даромади кейин чиқарилган акцияларнинг номинал қийматдан паст сотиш натижасида вужудга келган 10 000 000 сўмлик зарарни қоплашга йўналтирилган бўлади.Акцияларни номинал қийматидан паст нархларда сотишдан кўрилган қўшимча зарарлар (бизнинг мисолимизда у 10 000 000 сўм) ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

1. Молиявий фаолиятга доир харажатлар суммасини ёпилишига:

Дебет 9910 **Кредит** 9690 – 10 000 000 сўм;

2. Молиявий натижаларга олиб борилган зарар суммасини ёпилишига:

Дебет 8710 **Кредит** 9910 – 10 000 000 сўм;

Ушбу операциядан сўнг корхона балансининг тақсимланмаган фойда моддасида унинг суммаси 10 000 000 сўмга кам қилиб акс эттирилади.

Иккинчи ҳолат, одатда, устав капиталида хорижий инвесторлар улуши мавжуд бўлган корхоналарда вужудга келиши мумкин. Устав ва таъсис шартномасига мувофиқ чет эл инвесторининг корхона устав капиталига ҳиссаси корхонанинг давлат рўйхатидан ўтган санасидаги расмий курс билан баҳоланади. Шунинг учун хорижий инвестор томонидан унинг ҳиссасини ҳақиқатда киритилиши вақтида вужудга келган валюта курслари ўртасидаги ижобий ва салбий фарқлар устав капиталига тегишли бўлмайди ва улар ушбу корхоналарда алоҳида 8420 «Устав капиталини шакллантиришда вужудга келган курслар ўртасидаги фарқ» счётида ҳисобга олинади. Валюта курслари ўртасида вужудга келган ижобий фарқ, бир томондан, инвесторнинг ҳиссаси сифатида киритилган узоқ ва қисқа муддатли активларнинг (асосий воситалар, номоддий активлар, ТМБ, пул маблағлари) қийматига қўшилади (яъни 0110-0190, 0410-0490, 1010-1090,2810,2910-2990,5010,5110,5210,5210 ва бошқа счётлар дебетланади), иккинчи томондан, қўшилган капитал сифатида тан олинади ва 8420 «Устав капиталини шакллантиришда вужудга келган курслар ўртасидаги фарқ» счётининг кредитида акс

эттирилади. Худди эмиссион даромадга ўхшаб, валюта курслари ўртасидаги ижобий фарқлар эвазига вужудга келган ушбу қўшилган капитал ҳам солиқга тортиладиган даромадга киритилмайди, у фақаттина корхона тугатилишида тақсимланмаган фойдага қўшилади ва таъсисчилар ўртасида тақсимланади. Агар валюта курслари ўртасида салбий фарқ вужудга келса, у ҳолда ушбу фарқ 8420 «Устав капиталини шакллантиришда вужудга келган курслар ўртасидаги фарқ» счётининг дебетида ва 4610 « Таъсисчиларнинг устав капиталига ҳиссалари бўйича қарзи» счётининг кредитида акс эттирилади. Курслар ўртасидаги вужудга келган салбий фарқ корхонанинг зарарига олиб борилади ва унинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдасидан қопланади. Ушбу зарар 8420 «Устав капиталини шакллантиришда вужудга келган курслар ўртасидаги фарқ» счётининг кредитида ва 9620 « Валюта курслари фарқида кўрилган зарарлар» счётининг дебетида акс эттирилади.

Мисол 1. Айтайлик, хорижий инвесторнинг устав капиталидаги ҳиссаси 100000 АҚШ долларидан иборат, давлат рўйхатидан ўтилган санага Марказий банкнинг расмий курси 1 АҚШ доллари = 10000 сўм. Хорижий инвестор 2 ойдан кейин ўз бадалини хорижий валютада тўлиқ киритди, шу санага Марказий банкнинг расмий курси 1 АҚШ доллари = 10100 сўм.

Корхона давлат рўйхатидан ўтган куни хорижий инвесторнинг устав капиталига ҳиссасига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 4610 **Кредит** 8330 – 1 000 000 000 сўм (100000*10000).

Хорижий инвестор томонидан унинг улуши устав капиталига ҳақиқатда киритилган санада қуйидагича ёзувлар қилинади:

1. Валюта счетига келиб тушган пул маблағлари суммасига:

Дебет 5210 **Кредит** 4610 – 1000 000 000 сўм (100000*10000).

2. Валюта курси ўртасидаги ижобий фарқ суммасига:

Дебет 5210 **Кредит** 8420 – 10 000 000 сўм (100000*100).

Ушбу операциядан сўнг хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона балансининг қўшилган капитал моддасида 10 000 минг сўм акс эттирилади.

Мисол. 2. Айтайлик, хорижий инвесторнинг устав капиталидаги ҳиссаси 100000 АҚШ долларидан иборат, давлат рўйхатидан ўтилган санага Марказий банкнинг расмий курси 1 АҚШ доллари = 10000 сўм. Хорижий инвестор 2 ойдан кейин ўз бадалини хорижий валютада асосий воситалар билан тўлиқ киритди, шу санага Марказий банкнинг расмий курси 1 АҚШ доллари = 9900 сўм.

Корхона давлат рўйхатидан ўтган куни хорижий инвесторнинг устав капиталига ҳиссасига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 4610 **Кредит** 8330 –1 000 000 000 сўм (100000*10000).

Хорижий инвестор томонидан унинг улуши устав капиталига ҳақиқатда киритилган санада қуйидагича ёзувлар қилинади:

1. Келиб тушган асосий восита (айтайлик, станок) суммасига:

Дебет 0130 **Кредит** 4610 –990 000 000 сўм (100000*9900).

2. Валюта курси ўртасидаги салбий фарқ суммасига:

Дебет 8420 **Кредит** 4610 – 10 000 000 сўм (100000*100).

3. *Вужудга келган салбий курс фарқи суммасини ҳисобдан чиқарилишига:*

Дебет 9620 **Кредит** 8420 – 10 000 000 сўм (100000*100).

14.4. Резерв капитали ҳисоби

Резерв капитали – бу корхонанинг турли мақсадларларда ва турли манбалар эвазига шакллантирилган хусусий капиталининг бир тури. Ушбу капитал асосан қуйидаги манбалар ҳисобидан вужудга келади:

- мавжуд мулкни қайта баҳолаш натижасида пайдо бўладиган янги қиймат эвазига;
- корхонанинг соф фойдаси ҳисобидан;
- қайтариб бермаслик шарти билан келиб тушган мулк эвазига.

Мулкни қайта баҳолашдан вужудга келадиган резерв капитали ҳисоби. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ»га[15] ва унга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ корхоналар ҳар йилнинг 1 январь ҳолатига ўзларининг асосий воситаларини, тугалланмаган қурилиш объектларини бозор баҳоларидан келиб чиқиб ёки Иқтисодиёт вазирлиги белгилаган коэффициентлар асосида қайта баҳолайдилар[16]. Қайта баҳолашда асосий воситаларнинг олдинги бошланғич қиймати ва жамланган эскириши реал бозор баҳоларидан келиб чиққан ҳолда, кўпайиш ёки камайиш томонларига ўзгартирилиши мумкин. Агар ўзгартиришлар ўсиш томонга юз берган бўлса, ўртадаги ижобий фарқ резерв капиталини вужудга келишига сабаб бўлади.

21-сон БҲМС га мувофиқ қайта баҳолаш эвазига вужудга келган резерв капиталининг ҳисоби махсус 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредитида ва мос асосий асосий воситалар счётларининг (0110-0190) дебетида акс эттирилади. Асосий

[15] Ўз.АВ томонидан 2002 йил 4 декабрда рўйхатга олинган, № 1192

[16] Микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳар 3 йилда бир марта қайта баҳолайдилар

воситаларнинг жамланган эскиришини ўсиш томонга ўзгартирилиши 8510 « Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг дебетида ва мос асосий асосий воситалар эскиришлари счётларининг (0210-0290) кредитида акс эттирилади. 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредит оборати ва дебет оборати суммалари ўртасидаги ижобий фарқ балансда қайта баҳолашдан вужудга келган махсус резерв капитали сифатида акс эттирилади. Агар қайта баҳолаш натижасида ушбу счётнинг дебет оборати кредит оборати суммасидан катта бўлса, у ҳолда корхона қайта баҳолашдан зарар кўрган бўлади ва у 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебетида ва 8510 « Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Мулкни қайта баҳолаш натижасида вужудга келган резерв капитали корхона тугатилганда таъсисчиларнинг ҳиссаларига мос равишда тақсимланади, бунга дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти ва кредит 6620 «Чиқиб кетган таъсисчиларга уларнинг ҳиссалари бўйича қарз» счёти кредитланади.

Мисол. Айтайлик, 1 январь ҳолатига корхона биносининг бошланғич қиймати 100 000 000 сўм, жамланган эскириш суммаси 60 000 000 сўм, қолдиқ қиймати 40 000 000 сўм. Корхона қайта баҳолашни Иқтисодиёт вазирлиги белгилаган 1,05 коэффициентда қайта баҳолади. Қайта баҳолаш натижалари қуйидаги 14.1-жадвалда келтирилган.

14.1-жадвал

Қайта баҳолаш эвазига вужудга келадиган резерв капитали ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Қайта баҳолашгача сумма	Қайта баҳолаш коэффициенти	Қайта баҳолашдан кейинги сумма	Қайта баҳолаш натижаси
Бошланғич қиймат	100 000 000	1,05	105 000 000	+5 000 000
Жамланган эскириш	60 000 000	1,05	63 000 000	+3 000 000
Қолдиқ қиймат	40 000 000	1,05	42 000 000	2 000 000

Юқоридаги ҳисоб-китобларга кўра қайта баҳолаш натижаларида вужудга келадиган резерв капитали бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

1. Бинонинг бошланғич қийматини қайта баҳолашдан вужудга келган резерв капитали суммасига:

Дебет 0120 **Кредит** 8510 – 5 000 000 сўм.

2. Бино эскиришини қайта баҳолаш натижасида резерв капитали суммасини камайтирилишига:

Дебет 8510 **Кредит** 0220 – 3 000 000 сўм.

Ушбу операциядан сўнг корхона балансининг резерв капитали моддасида 2 000 минг сўм (5000000-3000000) акс эттирилади.

Мулкни қайта баҳолаш натижасида вужудга келган резерв капитали суммаси келгусида ушбу мулк сотилганда ёки ҳисобдан чиқарилганда қуйидаги ёзувлар билан камайтирилади ва, мос равишда, корхонанинг солиққа тортиладиган бошқа операцион даромадларига киритилади :

Дебет 8510 **Кредит** 9210 – 2 000 000 сўм.

Дебет 9210 **Кредит** 9310 – 2 000 000 сўм.

Корхонанинг соф фойдаси ҳисобидан вужудга келадиган резерв капитали ҳисоби. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ корхоналар ўзларининг соф фойдаси эвазига резерв капиталини шакллантиришлари мумкин. Резерв капиталига қилинган ажратмалар дебет 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ва кредит 8520 « Резерв капитали» счётининг кредитида акс эттирилади. Шаклланган резерв капитали корхоналарда турли мақсадларда, жумладан, акционерлик жамиятларида имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаш учун, ҳисобот йилда кўрилган зарарларни қоплаш учун ва бошқа мақсадларда ишлатилади. Резерв капиталини ишлатилиши 8520 « Резерв капитали» счётининг дебетида ва 6610 «Тўланадиган дивидендлар», 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ва бошқа счётларнинг кредитида акс эттирилади.

Қайтариб бермаслик шарти билан келиб тушган мулк эвазига вужудга келадиган резерв капитали ҳисоби. Бундай йўл билан вужудга келган резерв капитали 8530 « Бепул олинган мулк» счётининг кредитида ва келиб тушган мулкни акс эттирувчи счётларнинг (0110-0190,0710-0720,0610, 0800, 1000, 5810) дебетида акс эттирилади. Солиқ Кодексига мувофиқ бепул келиб тушган мулклар битта тизим корхоналарида юқори ташкилотнинг қарори билан баланслан баланса ўтказиш тарзида амалга оширилган бўлса, даромад солиғига тортилмайди. Бошқа хўжалик юритувчи субъектларда бепул келиб тушган мулк уларнинг ялпи даромадига киради ва солиққа тортилади.

Резерв капитали счётлари бўйича аналитик ҳисоб унинг турлари ва ташкил топиш манбаларига қараб юритилади.

14.5. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарарлар) ҳисоби

Корхоналар хусусий капиталининг муҳим элементи бўлиб тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ҳисобланади.

Тақсимланмаган фойда – бу корхонанинг фаолият юритиш даврларида тўпланиб келаётган ва тақсимланмасдан (ишлатилмасдан) қолинган фойдасидир. Тақсимланмаган (ишлатилмаган) фойданинг ошиши корхона хусусий капиталини ошишига олиб келади.

Қопланмаган зарар – бу корхонанинг фаолият юритиш даврларида тўпланиб келаётган ва ҳисобдан чиқарилмасдан қолинган зараридир. Қопланмаган зарарнинг ошиши корхонанинг хусусий капиталини камайишига олиб келади.

Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) иккита турга бўлинади:
*ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари);
*ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари).

Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) деганда ҳисобот йилида эришилган соф фойда (қопланмаган зарар) тушунилади. Ушбу кўрсаткич «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»нинг энг охирги сатрида акс эттириладиган кўрсаткичидир. Ушбу сатрда кўрсатилган сумма 8710 «Ҳисобот йили тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётининг охирги қолдиғига тенг бўлиши керак.

Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) деганда олдинги йиллар ва ҳисобот йилида эришилган соф фойда (қопланмаган зарар) суммаларининг йиғиндиси тушунилади. Ушбу кўрсаткич «Бухгалтерия баланси» пассиви 1-бўлимининг «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) сатрида (моддасида) акс эттириладиган кўрсаткичдир. Бухгалтерия балансининг ушбу сатрида кўрсатилган йил бошидаги сумма айнан ўтган даврларнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) суммасини, ҳисобот даврлари (чорак, йил) охиридаги сумма эса шу ҳисобот даври охирига жами тақсимланмасдан қолинган фойда (қопланмаган зарар) суммасини билдиради. Бухгалтерия балансининг йил боши ва охирида кўрсатилган тақсимламаган фойда (қопланмаган зарар) суммаси 8710 «Ҳисобот йили тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ва 8720 «Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

счётларининг мос равишдаги бош ва охирги қолдиқлари йиғиндисига тенг бўлиши керак.

Демак, *ҳисобот даврлари охиридаги жами ўтган йилларнинг* тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) қуйидагича топилади (14.1-расм).

Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)
=
Йил бошидаги ўтган даврларнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)
+
Ҳисобот йили тақсимланмаган фойдаси (зарари)
-
Ҳисобот йилида тақсимланмаган фойданинг ишлатилган қисми (қопланмаган зарарининг қопланган қисми)

14.1-расм. Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)ни аниқлаш кетма-кетлиги

Ўтган йиллар тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)ни вужудга келиши ҳисобда илк бор қуйидаги ёзув билан акс эттирилади.

1. Фойда

Дебет 8710 Кредит 8720

2. Зарар

Дебет 8720 Кредит 8710

3. Ўтган йиллар фойдасининг ишлатилиши

Дебет 8720

Кредит 6610 – дивиденд ҳисобланганда

8520 – резерв капиталига ажратмага

8330 – устав капиталини кўпайтиришга

8710 – ҳисобот йили зарари қопланганда

6410,6520 – ўтган даврлар учун қўшимча ҳисобланган солиқ ва тўловлар суммаларига

4. Ўтган йиллар зарарларининг қопланиши

Дебет	Кредит
8720	8710 – ҳисобот йили фойдаси ҳисобидан
	8520 – резерв капитали ҳисобидан
	8330 – устав капитали ҳисобидан
	8800 – мақсадли тушум (дотация) ҳисобидан

Ҳисобот йили тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)ни вужудга келиши ҳисобда илк бор қуйидаги ёзув билан акс эттирилади.

1. Фойда

Дебет 9910 Кредит 8710

2. Зарар

Дебет 8710 Кредит 9910

3. Ҳисобот йили фойдасининг ишлатилиши

Дебет 8710

Кредит 6610 – дивиденд ҳисобланганда

8520 – резерв капиталига ажратмага

8330 – устав капиталини кўпайтиришга

8720 – Ҳтган йиллар зарари қопланганда

6410,6520 – ўтган даврлар учун қўшимча ҳисобланган солиқ ва тўловлар суммаларига

4. Ҳисобот йили зарарларининг қопланиши

Дебет	Кредит	
8720	8710	– ҳисобот йили фойдаси ҳисобидан
8520		– резерв капитали ҳисобидан
8330		– устав капитали ҳисобидан
8800		– максадли тушум (дотация) ҳисобидан

14.6. Мақсадли тушумлар ҳисоби

Корхоналарнинг хусусий капиталига турли манбалардан келиб тушган мақсадли тушумлар ҳам киради.

Мақсадли тушумлар деганда корхонага (1) ***турли манбалардан*** (2) ***турли мақсадларда (3) турли шартлар*** билан келиб тушган маблағлар мажмуаси тушунилади.

Ушбу учта мезонларга жавоб берадиган мақсадли тушумларнинг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

• ***Грантлар*** – бу корхонага қайтариб олинмаслик шарти билан давлат, нодавлат, халқаро ташкилот ва фондлардан аниқ мақсадлар учун келиб тушган моддий ва номоддий маблағлар мажмуаси. Ушбу маблағлар фақатгина қатъий мақсадларга ишлатилиши лозим. 21-сон БҲМСга мувофиқ грантларнинг ҳисоби 8810 «Грантлар» счётида олиб борилади. Грантларнинг олиниши ва келиб тушиши ушбу пассив счётнинг кредитида мабла ларни акс эттиришга мўлжалланган счётларнинг (0110-0190, 0410-0490, 0610, 5810, 1010-1090, 2810, 2910-2990, 5010, 5110, 5210,4890 ва бошқа счётлар) дебети бўйича

корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади. Олинган грантларнинг ишлатилиши грантлар асосида фаолият кўрсатаётган нодавлат ташкилотларида 8810 «Грантлар» счётининг дебетида ва харажатлар счётларининг (2010,2310,2510,9420,9430 ва бошқалар) кредитида акс эттирилади. Хўжалик юритувчи корхоналарда олинган грантлар устав капиталига ва резерв капиталига қўшилиши мумкин. Бундай ҳолларда 8810 «Грантлар» счёти дебетланади ва 8300 «Устав капитали», 8530 «Бепул олинган мулк» счётлари кредитланади. Грантларнинг аналитик ҳисоби уларнинг турлари ва мақсадлари бўйича юритилади.

•***Субсидиялар*** – бу корхонага унинг фаолиятини ривожлантириш мақсадида маълум бир шартларга кўра давлат томонидан пул ва моддий активлар билан берилган ёрдам суммаси. Субсидияларнинг ҳисоби махсус 10-сон БҲМС « Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдамини тавсифи», шунингдек, 21- сон БҲМСга асосланиб юритилади. Ушбу меъёрий ҳужжатларга мувофиқ олинган субсидияларнинг келиб тушуши 8820 «Субсидиялар» счётининг кредитида маблағларни акс эттиришга мўлжалланган счётларнинг (0110-0190, 0410-0490, 0610, 5810, 1010-1090, 2810, 2910-2990, 5010, 5110, 5210, 4890 ва бошқа счётлар) дебети бўйича корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади. Олинган субсидиялар устав капиталига ва резерв капиталига қўшилиши мумкин. Бундай ҳолларда 8820 «Субсидиялар» счёти дебетланади ва 8300 «Устав капитали», 8530 «Бепул олинган мулк» счётлари кредитланади.

•***Аъзолик бадаллари*** – бу жамиятнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ белгиланган аъзолик бадаллари суммаси. 21-сон БҲМСга мувофиқ аъзолик бадалларининг ҳисоби 8830 «Аъзолик бадаллари» счётининг кредитида ва пул маблағлари счётларининг (5010,5110,5210) дебетида акс эттирилади. Йиғилган аъзолик бадаллари жамиятнинг фаолиятини ривожлантиришга сарфланади. Жамият тугатилганда тўпланган аъзолик бадаллари унинг қарзларини қоплашга йўналтирилади.

•***Мақсадли фойдаланиш учун солиқ имтиёзлари*** – бу давлат қонунлари асосида корхонани мақсадли вазифаларни бажариш учун солиқлардан озод этиш натижасида тўпланган маблағлар мажмуаси. Ушбу мақсадли тушумларнинг ҳисоби махсус Низомга, шунингдек, 21-сон БҲМСга мувофиқ 8840 «Мақсадли ишлатишга доир солиқ имтиёзлари» счётида юритилади. Ушбу имтиёзларга эга хўжалик юритувчи субъектлар солиқларни Солиқ Кодекси ва уларга доир йўриқномалар асосида ҳисоблайдилар. Ҳисобланган солиқ суммаси корхона ихтиёрида қолдирилганда қуйидаги ёзув қилинади:

Дебет 6410 « Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

Кредит 8840 « Мақсадли ишлатишга доир солиқ имтиёзлари»

Солиқ имтиёзлари маълум муддатга берилган бўлса, ушбу муддат тугагач, бошқа ҳолларда эса ҳисобот йилнинг охирида мақсадли ишлатишга доир берилган солиқ имтиёзлари корхонанинг резерв капиталига қўшилади ва унга қуйидаги ёзув қилинади:

Дебет 8840 « Мақсадли ишлатишга доир солиқ имтиёзлари»

Кредит 8530 «Бепул олинган мулк»

Солиқ имтиёзлари сифатида олинган мақсадли тушумларнинг аналитик ҳисоби солиқ тўловлари турлари бўйича олиб борилади.

•***Бошқа мақсадли тушумлар*** – бу турли юридик ва жисмоний жахслардан маълум мақсадлар учун олинган маблағларнинг мажмуаси. Уларга, масалан, ота –оналарнинг болалар боғчаси учун тўловлари, бошқа корхоналардан тушган маблағлар ва бошқалар киради. 21-сон БҲМСга мувофиқ бошқа мақсадли тушумларнинг ҳисоби 8890 «Бошқа мақсадли тушумлар» счётининг кредитида ва пул маблағлари счётларининг дебетида акс эттирилади. Ушбу счётнинг дебетида мақсадли тушумларнинг ишлатилиши акс эттирилади, масалан, хизмат қилувчи хўжаликларнинг харажатларини бир қисми ушбу мақсадли тушумлар ҳисобидан қопланганда 8890 «Бошқа мақсадли тушумлар» счёти дебетланади ва 2710 «Хизмат қилувчи хўжаликлар» счёти кредитланади. Ишлатилмай қолинган бошқа мақсадли тушумлар корхоналарнинг резерв капиталига ёки бошқа даромадларига олиб борилади, яни:

Дебет 8890 «Бошқа мақсадли тушумлар»

Кредит 8530 «Бепул олинган мулк», 9390 «Бошқа операцион даромадлар»

Бошқа мақсадли тушумларнинг аналитик ҳисоби уларнинг турлари ва манбалари бўйича юритилади.

14.7. Кутилаётган харажатлар ва тўловлар учун резервлар ҳисоби

Корхоналар ўзларининг яқин келажакда кутилаётган харажатлари ва тўловлари учун, масалан, жорий ва капитал таъмирлаш учун, ходимларга меҳнат таътили ҳисоблаш ва бошқалар учун резерв ташкил қилишлари мумкин. Бундай резервни ташкил этишдан асосий мақсад бўлиб кутилаётган харажат ва тўловларни ҳисобот йили ойлари бўйича тенг тақсимлаб бориш ҳисобланади. Резерв ташкил қилишнинг меъёрлари ва тартиби корхонанинг ҳисоб сиёсатида белгиланган бўлиши лозим.

Ташкил этилган резерв корхонанинг харажатларига олиб борилади ва у қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади:

Дебет 2010,2310,2510,2710,9420,9430 (харажатни акс эттирувчи счётлар)

Кредит 8910 « Кутилаётган харажатлар ва тўловлар учун резервлар»

Резервнинг ишлатилиши 8910 «Кутилаётган харажатлар ва тўловлар учун резервлар» счётининг дебетида ва қилинган сарфларни акс эттирувчи счётларнинг (1010-1090, 6710,6520,6890,2310,2510,2710 ва бошқалар) кредитида акс эттирилади. Ишлатилмай қолган резерв суммаси ҳисоб сиёсатида кўзда тутилган тартибга кўра келгуси йилга ўтказилиши, шунингдек, харажатларни камайтиришга олиб борилиши ёки корхона даромадига олиб борилиши мумкин, яъни:

Дебет 8910 « Кутилаётган харажатлар ва тўловлар учун резервлар»

Кредит 2010,2310,2510,2710,9420,9430 ,9390

Резервларнинг аналитик ҳисоби уларнинг турлари бўйича юритилади.

Мавзу бўйича таянч атамалар

Устав капитали – бу корхонанинг таъсисчилари томонидан унга киритиладиган маблағлар мажмуаси, шунингдек, чиқарилган акцияларнинг номинал қийматидаги суммалари йиғиндиси.

Эмиссия даромади – бу корхона акцияларини сотиш ва номинал қийматлар ўртасида вужудга келган фарқ.

Резерв капитали – бу корхонанинг турли мақсадларларда ва турли манбалар эвазига шакллантирилган хусусий капиталининг бир тури.

Тақсимланмаган фойда – бу корхонанинг фаолият юритиш даврларида тўпланиб келаётган ва тақсимланмасдан (ишлатилмасдан) қолиниган фойдасидир.

Қопланмаган зарар – бу корхонанинг фаолият юритиш даврларида тўпланиб келаётган ва ҳисобдан чиқарилмасдан қолинган зараридир.

Мақсадли тушумлар – турли манбалардан турли мақсадларда ва турли шартлар билан келиб тушган маблағлар мажмуаси.

Грантлар – бу корхонага қайтариб олинмаслик шарти билан давлат, нодавлат, халқаро ташкилот ва фондлардан аниқ мақсадлар учун келиб тушган моддий ва номоддий маблағлар мажмуаси.

Субсидиялар – бу корхонага унинг фаолиятини ривожлантириш мақсадида маълум бир шартларга кўра давлат томонидан пул ва моддий активлар билан берилган ёрдам суммаси.

Аъзолик бадаллари – бу жамиятнинг таъсис хужжатларига мувофиқ белгиланган аъзолик бадаллари суммаси.

Мақсадли фойдаланиш учун солиқ имтиёзлари – бу давлат қонунлари асосида корхонани мақсадли вазифаларни бажариш учун солиқлардан озод этиш натижасида тўпланган маблағлар мажмуаси.

Мавзу бўйича назорат саволлари

Устав капитали нима ва унинг ҳисоби қандай юритилади?
Қўшилган капитал нима ва унинг ҳисоби қандай юритилади?
Резерв капитали нима ва унинг ҳисоби қандай юритилади?
Тақсимланмаган фойда нима ва унинг ҳисоби қандай юритилади?
Мақсадли тушумлар нима ва унинг ҳисоби қандай юритилади?
Келгуси харажат ва тўловлар учун резервлар ҳисоби қандай юритилади?

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Хусусий капитал - бу

а) корхонанинг айланма активлари

б) корхонанинг қарзлари

в) олинадиган счётлар

г) корхонанинг мажбуриятлари чегириб ташлангандан сўнг қолган активлари

2. Қуйидагиларнинг қайси бири тўғри

а) Устав капитали таъсис бадалини киритилишига қараб шаклланади

б) Устав капитали корхона таъсис этилган санада вужудга келади

в) Устав капитали резерв суммасига оширилади

г) Устав капитали мажбуриятлар суммасига камайтирилади

3. Қуйидагиларнинг қайси бири қўшилган капиталга олиб борилади?

а) Таъсис бадали

б) Инвентаризацияда аниқланган ортиқчалар

в) Таъсис бадалини киритишда вужудга келган курслар ўртасидаги фарқ

г) Мулкни қайта баҳолашда вужудга келган қўшимча қиймат

4. Қуйидагиларни қайси бири резерв капиталига киритилади?

а) Харидорларнинг воз кечган қарзи

б) Ходимларнинг воз кечган қарзи

в) Бепул келиб тушган мулк
г) Бошқа ташкилотнинг кўрсатган молиявий ёрдами
5. Валюта курсларидаги ижобий фарқлар?
а) Устав капиталини кўпайтиради
б) Қўшилган капитални вужудга келтиради
в) Резерв капиталига олиб борилади
г) Юқоридаги жавобларнинг бирортаси ҳ ам тўғ ри эмас
6. Капиталнинг турларини акс эттирувчи счётлар
а) транзит счётлардир
б) доимий счётлардир
в) актив счётлардир
г) балансдан ташқари счётлардир
7. Сотиб олинган хусусий акциялар
а) Резерв капиталини камайтиради
б) Фойдани камайтиради
в) Устав капиталини камайтиради
г) Қўшилган капитални кўпайтиради
8. Қуйидагиларни қайси бир мақсадли тушумга кирмайди?
а) Резерв капиталига ажратма
б) Грант
в) Субсидия
г) Аъзолик бадаллари
9. Келгуси харажатлар ва тўловлар учун резерв
а) Резерв капитали ҳисобидан шакллантирилади
б) Тақсимланмаган фойда ҳисобидан шакллантирилади
в) Корхона харажатларини кўпайтиради
г) мажбурий шакллантирилади

XV БОБ. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ

15.1. Молиявий натижалар ҳисобининг вазифалари

Молиявий натижалар деганда корхонанинг ҳисобот даврда эришган фойдаси ёки кўрган зарари тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида корхоналар молиявий натижалари кўрсаткичлари, уларни шаклланиши ва ҳисобга олиниши «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»,[17] шунингдек, 3-сон БҲМС «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»[18] ва 21- сон БҲМС «Бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»[19] билан тартибга солинади.

Ушбу меъёрий ҳужжатларга мувофиқ корхоналар фаолияти молиявий натижаларини ифодаловчи фойда (зарар)лар қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади.

***1. Сотишдан олинган фойда ёки зарар* (Фс) ёки (Зс):**

Фс (Зс) = Ст –Тс, мос равишда

Фс = агар Ст > Тс, Зс = агар Ст< Тс

бу ерда Ст – соф тушум, Тс – сотиш таннархи.

***2. Асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар* (Фаф) ёки (Заф):**

Фаф (Заф) = Фс (Зс) –Дх + Бод

Бу ерда: Дх – давр харажатлари; Бод – асосий фаолиятдан олинган бошқа операцион даромадлар.

***3. Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарлар* (Фух) ёки (Зух):**

Фух (Зух) = Фаф (Заф) + Фмф – Змф

бу ерда Фмф – молиявий фаолиятдан олинган фойда;

Змф – молиявий фаолиятдан кўрилган зарарлар

***4.Солиқгача фойда ёки зарарлар* (Фст) ёки (Зст):**

Фст (Зст) = Фух (Зух) + Фф –Фз

Бу ерда: Фд –фавқулоддаги фойда; Фз – фавқулоддаги зарарлар

5. *Соф фойда ёки соф қопланмаган зарарлар* (Сф) ёки (Сз):

---

[17] Ўз. Р. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган.

[18] Молия вазирининг 25.08.1998 й. 43-сон буйруғи билан тасдиқланган, АВ томонидан 27.08.1998 й. 484-сон билан рўйхатга олинган

[19] Молия вазирининг 09.09.2002 й 103-сон буйруғи билан тасдиқланган ва АВ томонидан 23.10.2002 й. 1181-сон билан рўйхатга олинган

Сф (Сз) = Фст (Зст) –Фс (Яст)

бу ерда Фс – фойда солиғи, Яст – ягона солиқ тўлови.

Корхоналар фаолияти молиявий натижалари бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхона молиявий натижалари кўрсаткичларини тўғри туркумлаш ва гуруҳларга ажратиш;
- корхона молиявий натижалари кўрсаткичларини солиқ объекти сифатида тўғри шакллантириш;
- молиявий натижалар кўрсаткичларини ҳисоблаш тамойилига мувофиқ улар юз берган вақтдан бошлаб тан олиш ва тегишли счётларда акс эттириш;
- молиявий натижалар кўрсаткичларини молиявий ҳисоботда тўғри акс эттириш ва бошқалар.

15.2. Сотишдан олинган ялпи фойда (зарар)нинг ҳисоби

Корхоналарнинг сотишдан олинган ялпи фойдаси (зарари) арифметик йўл билан топиладиган кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични топиш учун сотишдан олинган даромадларни акс эттирувчи счётлар (9010,9020,9030)нинг кредитида тўпланган суммалар 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг кредитига, шунингдек, сотиш таннархини акс эттирувчи счётлар (9110,9120,9130)нинг дебетида тўпланган суммалар 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг дебетига қуйидаги ёзувлар орқали ўтказилади:

**сотишдан олинган даромадлар счётларининг ёпилишига:*

Дебет 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар»;

Дебет 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»;

Дебет 9030 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан даромадлар»;

Кредит 9910 «Якуний молиявий натижа».

**сотиш таннархи счётларининг ёпилишига:*

Дебет 9910 «Якуний молиявий натижа».

Кредит 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи»;

Кредит 9120 «Сотилган товарлар таннархи»;

Кредит 9130 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар таннархи».

Юқоридаги ўтказилган ёзувлар асосида 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг дебет ва кредит оборот суммаларининг фарқи корхонанинг сотишдан олинган ялпи фойдаси ёки сотишдан кўрилган зарарини билдиради. Чунончи, 9900 счётнинг кредит обороти дебет

оборотидан катта бўлса, у ҳисобот йилида корхона сотишдан фойдага, дебет оборотн кредит оборотидан катта бўлса, у ҳолда корхона сотишдан зарар кўрган ҳисобланади.

Мисол. Айтайлик, корхонанинг сотишдан олган даромадлари ва сотиш таннархи қуйидагича:

*9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар» – 500 000 000 сўм;

* 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» – 200 000 000 сўм;

*9030 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан даромадлар» – –300 000 000 сўм;

*9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» – 400 000 000 сўм;

*9120 «Сотилган товарлар таннархи» – 150 000 000 сўм;

*9130 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар таннархи» – 220 000 000 сўм.

Ушбу маълумотларга кўра корхонанинг сотишдан олган фойдаси 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти бўйича қуйидагича аниқланади:

Счёт 9910 «Якуний молиявий натижа»

Дебет		Кредит	
Счёт	Сумма	Счёт	Сумма
9110	400 000 000	9010	500 000 000
9120	150 000 000	9020	200 000 000
9130	220 000 000	9030	300 000 000
Жами	**770 000 000**	**Жами**	**1 000 000 000**
Сальдо (зарар)		**Сальдо (фойда)**	**230 000 000**

15.3. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби

Корхоналар ўзининг асосий фаолиятидан турли бошқа даромадларни ҳам олишлари мумкин. 21-сон БҲМСга мувофиқ бундай даромадлар қуйидаги счётларда ҳисобга олинади.

•9310 «Асосий воситаларнинг чиқимидан олинган фойда» – бу пассив ва вақтинчалик счётда корхоналар ўзларининг асосий воситаларини сотишдан ва бошқа чиқимларидан олган фойдасини ҳисобга олишда фойдаланадилар. Счётнинг кредитида олинган фойда йил мабойнида тўпланиб боради. Ушбу фойда асосий воситаларнинг сотиш (бериш) қийматидан уларнинг қолдиқ қийматини ва сотишдан олинган ҚҚС суммасини айиргандан қолган суммадан иборат бўлади.

Масалан, бошланғич қиймати 50 000 000 сўмлик, жамланган эскириш қиймати 30 000 000 сўмлик автомобил 32 000 000 сўмга сотилди, дейлик. Сотишдан олинган ҚҚС суммаси ушбу ҳолда 2 000 000 сўмни [(32 000 000 – 20 000 000) *20/120], сотишдан олинган фойда суммаси эса – 10 000 000 сўмни (32 000 000-20 000 000-2 000 000) ташкил қилади. Ушбу фойда суммаси дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» счетда ва кредит 9310 « Асосий воситаларнинг чиқимидан олинган фойда»счётида акс эттирилади. Ҳисобот даври якунида ушбу 9310 счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 « Охирги молиявий натижа» счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

•**9320 «Бошқа активларни чиқимидан олинган фойда»** – бу пассив ва вақтинчалик счётда корхоналар ўзларининг турли бошқа активларини, масалан материалларини, хўжалик инвентарларини, номоддий активлари ва бошқа активларини сотишдан ва бошқа чиқимларидан олган фойдасини хисобга олишда фойдаланади. Счётнинг кредитида олинган фойда йил мабойнида тўпланиб боради. Ушбу фойда бошқа активларнинг сотиш (бериш) қийматидан уларнинг таннархини (қолдиқ қийматини) ва сотишдан олинган ҚҚС суммасини айиргандан қолган суммадан иборат бўлади. Масалан, таннархи 500000 сўмлик материал 720000 сўмга сотилди дейлик. Сотишдан олинган ҚҚС суммаси ушбу ҳолда 120 000 сўмни (720000 *20/120), сотишдан олинган фойда суммаси эса – 100 000 сўмни (720000-500000-120000) ташкил қилади. Номоддий активларни сотишдан (беришдан) олинган фойда худди асосий воситаларни сотишдагидек топилади. Бошқа активларни чиқимидан олинган фойда суммаси дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқими» счетда ва кредит 9320 «Бошқа активларни чиқимидан олинган фойда»счётида акс эттирилади. Йил якунида 9320- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 « Охирги молиявий натижа» счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

•**9330 «Ундирилган жарималар, пеня ва устамалар»** – ушбу пассив ва вақтинчалик счётнинг кредитида турли хўжалик шартномалари шартларини бузилиши натижасида, шунингдек, кўрсатилган зарарларни қопланиши эвазига олинган даромад (фойда) суммаси акс эттирилади. Бунда мос равишда жаримани келиб тушганлиги, ушланганлиги ёки ҳисобланганлигини акс эттирувчи счётлар дебетланади, масалан, 5010 «Касса», 5110 «Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Валюта счёти», 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар», 4860 «Даъволар бўйича келиб тушадиган счётлар» ва бошқа счётлар. Йил якунида 9330 счётнинг

кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 « Охирги молиявий натижа» счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади .

•**9340 «Ўтган йиллар фойдаси»** – бу пассив ва вақтинчалик счётнинг кредитида ҳисобот йилда аниқланган ўтган йилларнинг фойдаси акс эттирилади. Бундай фойда бўлиб, масалан, муддатидан олдин ҳисобдан чиқариб юборилган дебиторлик қарзларнинг тикланган ёки келиб тушган суммаси, ортиқча ҳисоблаб юборилган харажатларни камайтирилиши ва бошқалар ҳисобланади. Бунда, мос равишда, ўтган йиллар фойдасини тикланганлигини кўрсатувчи счётлар дебетланади, масалан 5010 «Касса», 5110 «Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Валюта счёти», 4000 «Олинадиган счётлар» ва бошқа счётлар. Йил якунида 9340 счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 « Охирги молиявий натижа» счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

•**9350 «Қисқа муддатли ижарадан олинган даромадлар»** – ушбу пассив ва вақтинчалик счётнинг кредитида қисқа муддатли ижарадан олинган даромад суммаси 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти билан корреспонденциялашган ҳолда акс эттирилади. Йил якунида 9350 счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 « Охирги молиявий натижа» счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

•**9360 «Кредиторлик ва депонентлик қарзларни ҳисобдан чиқарилишидан олинган даромадлар»** – ушбу пассив ва вақтинчалик счётнинг кредитида муддатида (3 йилдан ошиқ муддатда) ундириб олинмаган қарзларни корхона фойдасига ўтказишдан олинган даромадлар мос равишда кредиторлик қарзларни акс эттирувчи счётлар (6010,6110, 6710,6720, 6910-6990 ва бошқалар) билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади. Йил якунида 9360 счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 « Охирги молиявий натижа» счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

•**9370 «Хизмат қилувчи хўжаликлардан олинган даромадлар»** – ушбу пассив ва вақтинчалик счётнинг кредитида асосий фаолиятга хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан (соғликни сақлаш бўлинмаси, сарторошхона, кутубхона, болалар боғчаси ва бошқа муассасалари, санаторийлар, ошхона, меҳмонхона, спорт комплекслари ва бошқалар) олинган даромадлар акс эттирилади. Бунда олинган ёки ҳисобланган даромадларни акс эттирувчи счётлар, масалан, 5010 «Касса», 5110 «Ҳисоб-китоб счёти», 4890 «Бошқа дебиторларнинг қарзлари» ва бошқа счётлар дебетланади. Йил якунида 9370 счётнинг кредитида тўпланган

сумма унинг дебетига ва 9900 « Охирги молиявий натижа» счетининг *кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади*

• **9380 «Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам»** – ушбу пассив ва вақтинчалик счётнинг кредитида турли юридик ва жисмоний шахслардан қайтариб бермаслик шарти билан олинган молиявий ёрдам суммалари акс эттирилади. Бунда олинган ёрдамнинг турини акс эттирувчи счётлар, масалан, 5010 «Касса», 5110 «Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Валюта счёти» ва бошқа счётлар дебетланади. Йил якунида 9380 счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 « Охирги молиявий натижа» счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади

• **9390 «Бошқа операцион даромадлар»** – ушбу пассив ва вақтинчалик счётнинг кредитида юқорида келтирилган счётларга олиб борилмаган бошқа операцион даромадлар, масалан, инвентаризацияда аниқланган ортиқчалар, турли қоплама суммалар ва бошқалар, акс эттирилади. Бунда, мос равишда, ТМЗ ва пул маблағларини акс эттирувчи счётлар (0100,1000,2800,2900,5000 ва бошқалар) дебетланади. Йил якунида 9390 счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 « Охирги молиявий натижа» счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Корхоналарнинг асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларининг аналитик ҳисоби уларнинг турлари ва бошқа бошқарув учун зарур сегментлари бўйича олиб борилади.

15.4. Молиявий фаолиятдан олинган фойда (зарар)ларнинг ҳисоби

Корхоналар молиявий фаолиятидан олган фойдаси (зарари) ушбу фаолиятга доир даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ суммасидан ташкил топади.

21-сон БҲМСга мувофиқ молиявий фаолиятдан олинган даромадлар қуйидаги счётларда ҳисобга олинади:

• **9510** «Роялти кўринишидаги даромадлар»

• **9520** «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар»

• **9530** «Фоизлар кўринишидаги даромадлар»

• **9540** «Валюта курслари фарқларидан олинган даромадлар»

• **9550** «Узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар»

• **9560** «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар»

• **9590** « Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар»

Ушбу пассив ва вақтинчалик счётларнинг кредитида номлари юқорида зикр этилган даромадларнинг турлари ҳисоблаш тамойилига мувофиқ акс эттирилади.

Роялти кўринишидаги даромадлар деганда корхоналарнинг номоддий активларини, масалан компьютерлар учун дастурлар таъминотини, лицензиялар ва бошқаларни ижарага беришдан ва ҳамкорликда фойдаланишдан олинган даромадлар тушунилади. Ушбу даромадларни ҳисобланиши 4850 «Олинадиган роялти» счётининг дебетида ва 9510 «Роялти кўринишидаги даромадлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9510 счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Дивидендлар – бу акцияларга киритилган молиявий инвестициялар учун ҳисобланган даромад. Ушбу даромадни ҳисоблашга асос бўлиб акционерлик жамиятининг дивиденднинг ҳисобланганлиги тўғрисидаги ёзма хабарномаси ҳисобланади. Ушбу хабарномада жами ҳисобланган дивиденд суммаси, ундан ушланган дивиденд солиғи суммаси ва тўланадиган дивиденд суммаси акс эттирилади. Агар хабарномада дивиденд солиғини ушланмаганлиги уқтирилган бўлса, у ҳолда ушбу солиқни дивиденд олган корхона тўлаши лозим. Ҳисобланган дидивенд кўринишидаги даромадлар 4840 «Олинадиган дивидендлар» счётининг дебетида ва 9520 «Дивиденд кўринишидаги даромадлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9520 счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Фоизлар кўринишидаги даромадлар деганда бошқа юридик шахсларга берилган қарзлар ва кредитлар учун ҳисобланган фоизлар тушунилади. Ушбу фоизларнинг миқдори тузилган шартномалар асосида ҳисобланади. Фоиз кўринишидаги ҳисобланган даромадлар 4830 «Олинадиган фоизлар» счётининг дебетида ва 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9530 счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Валюта курслари фарқларидан олинган даромадлар деганда корхонанинг валюта счётида сақланаётган чет валютаси ва чет эл валютасидаги дебиторлик қарзлар бўйича ҳисобланган ижобий курс фарқлари тушунилади. Ушбу даромад ҳар ойнинг охирида 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет элдаги валюта

счётлари», 4000 «Олинадиган счётлар», 4300 «Таъминотчи ва пудратчиларга берилган бўнаклар ҳисоби счётлари» ва бошқа чет эл валютасида ҳисоби юритилган дебиторлик қарзлар счётлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки эълон қилган курслар асосида ҳисобланади. Ҳисобланган ижобий курс фарқлари юқорида келтирилган счётларнинг дебетида ва 9540 «Валюта курслари фарқларидан олинган даромадлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9540 счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар деганда мулкни бир йилдан кўп муддатга ижарага беришдан олинган даромадлар тушунилади. Ушбу даромаднинг суммаси тузилган лизинг (ижара) шартномаси асосида ҳисобланади. Ҳисобланган даромад суммаси 4830 «Олинадиган фоизлар», 6230 «Бошқа муддати узайтирилган даромадлар» счётларининг дебетида ва 9550 «Узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9550 счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар деганда узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар қийматини ошириш натижасида вужудга келган даромадлар тушунилади. Бундай даромадлар қайта баҳолаш далолатномалари асосида ҳисобланади. Ҳисобланган даромад суммаси 0600 «Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби счётлари», 5800 «Қисқа муддатли инвестициялар ҳисоби счётлари»ининг дебетида ва 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9560-счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Корхоналарнинг молиявий фаолиятидан олинган даромадларнинг аналитик ҳисоби уларнинг турлари ва бошқа бошқарув учун зарур сегментлари бўйича олиб борилади.

21-сон БҲМС га мувофиқ корхоналарнинг молиявий фаолиятга доир харажатлари ҳисоби қуйидаги *счётларда олиб борилади:*

• **9610 «Фоиз кўринишидаги харажатлар»** – ушбу актив, вактинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида олинган қарзлар ва кредитларга доир ҳисобланган харажатлар, шунингдек, узоқ муддатли ижара учун тўловлар акс эттирилади. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебетида ва 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9610 счётнинг дебетида

тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

• **9620 «Валюта курс фарқларидан кўрилган зарарлар»** – ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида баланснинг валюта моддаларини ифодаловчи счётларга доир операциялар бўйича курслар ўртасидаги салбий фарқлардан кўрилган зарарлар акс эттирилади. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу зарарларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (4010,4310,5020,5210, 5220,6010,6310 ва бошқа счётлар) акс эттирилади. Йил охирида 9620 счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

• **9630 «Қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш бўйича харажатлар»** – ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида акция ва бошқа қимматли қо озларни чиқариш ва жойлаштириш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу харажатларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (1000,5110,5010, 6710,6520,6990 ва бошқа счётлар) акс эттирилади. Йил охирида 9630 счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

• **9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар»** – ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида корхонанинг молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлари, масалан, молиявий инвестицияларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар ва бошқа харажатлар акс эттирилади Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу харажатларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (0600,5800,6990 ва бошқа счётлар) акс эттирилади. Йил охирида 9690 счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Мисол. Айтайлик, корхонанинг молиявий фаолиятга доир даромадлари ва харажатлари қуйидагича:

• **9520** «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» – 5 000 000 сўм;

• **9530** «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» – 2 500 000 сўм;

• **9540** «Валюта курслари фарқларидан олинган даромадлар» – 5 400 000 сўм;

• **9610** «Фоиз кўринишидаги харажатлар» – 6 500 000 сўм;

• **9620** «Валюта курс фарқларидан кўрилган зарарлар» – 2400 000 сўм.

Ушбу маълумотларга кўра, корхонанинг молиявий фаолиятдан олган фойдаси 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти бўйича қуйидагича аниқланади:

Счёт 9910 «Якуний молиявий натижа»

Дебет		Кредит	
Счёт	Сумма	Счёт	Сумма
9610	6 500 000	9520	5 000 000
9620	2 400 000	9530	2 500 000
		9540	5 400 000
Жами	**8 900 000**	**Жами**	**12 900 000**
Сальдо (зарар)		**Сальдо (фойда)**	**4 000 000**

15.5. Фавқулоддаги фойда ва зарарларнинг ҳисоби

21-сон БҲМСга мувофиқ фавқулоддаги даромадларнинг ҳисоби 9710 «Фавқулоддаги фойда» счётининг кредитида ҳисобга олинади. Бунда фавқулодда олинган ёки ҳисобланган фойданинг турини кўрсатувчи счётлар (0100, 0400, 0700, 1000, 2900 ва бошқа счётлар) дебетланади. Йил охирида 9710 счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

21-сон БҲМСга мувофиқ фавқулоддаги зарарларнинг ҳисоби 9720 «Фавқулоддаги зарарлар» счётининг дебетида ҳисобга олинади. Бунда фавқулоддаги ҳодисалардан кўрилган зарарларни кўрсатувчи счётлар, масалан, 0100, 0400, 0700, 1000, 2900 ва бошқа счётлар кредитланади. Йил охирида 9720 счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

15.6. Солиқгача фойда (зарар) ва фойдани ишлатилишининг ҳисоби

Ҳисобот йилнинг солиқгача фойдаси (зарари)ни топиш барча даромад ва харажатларни 9910 «Охирги молиявий натижа» счётида акс эттириш ва ушбу счётнинг дебет ва кредит оборотлари суммасини таққослаш йўли билан амалга оширилади. Жумладан, даромадларни акс эттирувчи барча счётлар (9010-9030, 9310-9390, 9510-9590, 9710)нинг кредитида тўпланган сумма йил охирида 9900 счётнинг кредитига, харажатларни акс эттирувчи барча счётлар (9110-9130,9410-9430,9610-

9690, 9720)нинг дебетида тўпланган сумма йил охирида 9900 счётнинг кредитига, ўтказилади, яъни:

Дебет 9010-9030,9310-9390,9510-9590 ,9710 **Кредит** 9910

Дебет 9910 **Кредит** 9110-9190,9410-9430,9610-9690,9720

Агар, 9910 счётнинг кредит оборотн дебет оборотидан катта бўлса, у ҳисобот йилида корхона солиқгача фойдага, дебет оборотн кредит оборотидан катта бўлса, у ҳолда корхона солиқгача зарарга эришган ҳисобланади.

Турли фаолият билан шуғулланувчи ва фаолият турлари бўйича турлича солиқ тўловчи корхоналар солиқгача фойда (зарар)ни фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблашлари мумкин. Бунинг учун даромадлар ва харажатлар ҳам фаолият турлари бўйича алоҳида ҳисобга олиб борилган бўлиши лозим.

21-сон БҲМСга асосан ҳисобот йилнинг фойдасини ишлатилиши 9810 «Фойдани солиқлар ва тўловлар учун ишлатилиши ҳисоби счётлари»да акс эттирилади. Ушбу актив счётнинг дебетида йил мабойнида фойда солиғи (умумсолиқларни тўловчилар) ёки ялпи тушумдан ягона солиқ тўлови (ихчамлаштирилган солиқни тўловчилар) акс эттирилади. Бунда ушбу солиқлар бўйича бюджет олдидаги қарзларни ифодаловчи 6400 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар ҳисоби счётлари» (мос равишдаги счётлар) кредитланади.

Ҳисобот даври охирида 9800 счётнинг дебетида тўпланган солиқ тўловларининг суммалари унинг кредитида ва 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг дебетида акс эттирилади ва шу асосда фойданинг ишлатилиши ҳисоби счётлари ёпилади.

15.7. Ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) ва уни тақсимланишининг ҳисоби

9910 «Якуний молиявий натижа» счётига фойдани ишлатилиши ҳисоби счётини, яъни 9800 счётни ёпилиши билан корхонанинг ҳисобот йил якуни бўйича соф фойдаси (қопланмаган зарари)ни аниқлаш имкони бўлади. Бунинг учун 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг дебет ва кредит обороти таққосланади. Ушбу счётнинг кредит оборотини дебет оборотдан катта бўлиши корхонанинг соф фойдасини, кредит оборотдан дебет оборотини катта бўлиши корхонанинг қопланмаган соф зарарини билдиради.

Аниқланган соф фойда суммаси 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг дебетига ва 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси

(қопланмаган зарари)» счётининг кредитига ўтказилади. Йил якуни бўйича зарар билан чиқилган бўлса, ушбу зарар суммаси 9900 «Якуний молиявий натижа» счётининг кредитига ва 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) « счётининг дебетига ўтказилади. Ушбу ёзув билан 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти тўлиғича ёпилади.

Ҳисобот йили охирида 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) « счётида акс эттирилган соф фойда (қопланмаган зарар) тақсимланиши ёки тақсимланмай қолиши мумкин. Бундай тақсимотни амалга ошириш корхонанинг мулкий ва ташкилий шаклига бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Ўртоқчилик жамиятларида, масалан, маъсулияти чекланган жамиятларда, қўшма корхоналарда, хусусий корхоналарда, уларнинг устави ва таъсис шартномалари талабларидан келиб чиқган ҳолда ҳисобот йилнинг соф фойдаси (қопланмаган зарари) таъсисчилар йиғилишининг қарорига асосан тақсимланиши ёки тақсимланмасдан корхона ихтиёрида жамланган фойда (қопланмаган зарар) ҳисобига қолдирилиши мумкин. Бу типдаги корхоналарда таъсисчилар йиғилиши қарорига асосан ҳисобот йили охирида уни соф фойдасини тақсимлаш қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

•*Таъсисчиларга дивиденд (фоиз) кўринишида бўлинган соф фойда суммасига*

Дебет 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) «

Кредит 6610 «Тўланадиган дивидендлар»

Корхонанинг резерв капиталига ажратма суммасига

Дебет 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) «

Кредит 8520 «Резерв капитали»

•*Ҳисобот йилнинг тақсимланмай қолинган соф фойдаси ўтган йилларнинг жамланган фойдасига қўшилса:*

Дебет 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) «

Кредит 8720 «Жамланган фойда (қопланмаган зарар)»

Агар ўртоқчилик жамияти ҳисобот йили якуни бўйича зарар билан чиқган бўлса, ушбу зарар суммаси 8720 «Жамланган фойда (қопланмаган зарар)» счётининг дебетига ўтказилади, яъни:

Дебет 8720 «Жамланган фойда (қопланмаган зарар)»

Кредит 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) «

Шундай қилиб, ўртоқчилик жамиятларида ҳисобот йилнинг охирида унинг ҳисобот йили соф фойдаси тўлиғича тақсимланганда 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти тўлиғича ёпилади ва ушбу счёт қолдиқга эга бўлмайди.

Аксарият ўртоқчилик жамиятларида, шунингдек, акционерлик жамиятларида 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётида тўпланган фойда ёки зарар суммаси акционерлар ва таъсисчиларнинг йил якуни бўйича келгуси йилда ўтказиладиган йиғилиш карори асосида тақсимланади. Бундай йиғилишлар акционерлик жамиятлари томонидан, одатда, келгуси йилнинг 1 май ойигача ўтказилади. Шу сабабли акционерлик жамиятларида 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) « счётида тўпланган фойда ёки зарар суммаси келгуси йилга қолдиқ сифатида ўтказилади, у фақат ҳисобот йили фойдаси (зарари) тақсимланган ойда ёпилади.

Мавзу бўйича таянч атамалар

Молиявий натижалар – бу корхонанинг ҳисобот даврда эришган фойдаси ёки кўрган зарари.

Сотишдан олинган ялпи фойда (зарар) – бу сотишдан олинган даромаддан сотилган маҳсулот, товар, иш ва хизматлар таннархини айиргандан кейин ҳосил бўлган сумма.

Асосий фаолиятдан олинган фойда (зарар) – бу сотишдан олинган ялпи фойда устига асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни қўшиш ва давр харажатларини айиришдан кейин ҳосил бўлган сумма.

Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (зарар) – бу асосий фаолиятдан олинган молиявий натижага молиявий фаолиятга доир даромадларни қўшиш ва молиявий фаолиятга доир харажатларни айиришдан кейин ҳосил бўлган сумма.

Солиқ тўлагунгача фойда (зарар) – умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижага фавқулоддаги фойдани қўшиш ва фавқулоддаги зарарларни айиришдан кейин ҳосил бўлган сумма.

Соф фойда (зарар) – бу солиқ тўлагунгача фойда (зарар)дан фойда солиғи ёки ягона солиғ тўловини суммасини айиришдан ҳосил бўлган сумма.

Роялти кўринишидаги даромадлар – корхоналарнинг номоддий активларини, масалан компьютерлар учун дастурлар таъминотини, лицензиялар ва бошқаларни ижарага беришдан ва ҳамкорликда фойдаланишдан олинган даромадлари.

Дивидендлар – бу акцияларга киритилган молиявий инвестициялар учун ҳисобланган даромад.

Фоизлар кўринишидаги даромадлар – бошқа юридик шахсларга берилган қарзлар ва кредитлар учун ҳисобланган фоизлар.

Валюта курслари фарқларидан олинган даромадлар – корхонанинг валюта счётида сақланаётган чет валютаси ва чет эл валютасидаги дебиторлик қарзлар бўйича ҳисобланган ижобий курс фарқлари.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Молиявий натижа нима ва у қандай кўрсаткичлар билан ифодаланади?
2. Сотишдан олинган ялпи фойда нима ва унинг ҳисоби қандай юритилади?
3. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби қандай юритилади?
4. Молиявий фаолиятдан фойда (зарар)лар ҳисоби қандай юритилади?
5. Солиққача фойда нима ва унинг ҳисоби қандай юритилади?
6. Соф фойда қандай топилади унинг ҳисоби қандай юритилади?
7. Ҳисобот йили тақсимланмаган фойдаси ҳисоби қандай юритилади?
8. Ўтган йиллар ва ҳисобот йил фойдаси тақсимланиши ҳисоби қандай юритилади?

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Қуйидагиларнинг қайси бири тўғри?

а) Сотишдан олинган фойда – бу даромад ва давр харажатлари ўртасидаги фарқ

б) Сотишдан олинган фойда – бу сотишдан олинган даромад ва сотиш таннархи ўртасидаги фарқ

в) Сотишдан олинган фойда – бу сотишдан олинган ялпи тушум ва ҚҚС ўртасидаги фарқ

г) Сотишдан олинган фойда – бу сотиш таннархи ва давр харажатларининг йиғиндиси

2. Сотишдан олинган даромад –10 000 000 сўм, сотиш таннархи 5 000 000 сўм, давр харажатлари –3 000 000 сўм, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар –1 000 000 сўм, дивидендлар – 400 000 сўм, тўланган фоизлар –300 000 сўм, ижобий курс фарқи 200 000 сўм, солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар – 600 000 сўм, солиқ бўйича имтиёзлар –100 000 сўм. *Асосий фаолиятдан олинган фойда суммасини топинг*

а) 2000000 сўм б) 3000000 сўм в) 3400000 сўм г) 2600000 сўм

3. 2-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг молиявий фаолият натижаси нимадан иборат ва унинг суммасини топинг

а) Фойда, 1100000 сўм б) Фойда, 100000 сўм

в) Зарар, 300000 сўм г) Фойда, 300000 сўм

4. 2-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг сотишдан олинган молиявий натижаси нимадан иборат ва унинг суммаси қанча?

а) Зарар , 5000000 сўм б) Фойда, 1100000 сўм

в) Фойда, 10000000 сўм г) Фойда, 5000000 сўм

5. 2-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижаси нимадан иборат ва унинг суммаси қанча?

а) Фойда, 3300000 сўм б) Зарар, 3300000 сўм

в) Фойда, 2700000 сўм г) Фойда, 2800000 сўм

6. **Фойда ва зарарларни акс эттирувчи счётлар**

а) Актив счётлардир б) Доимий счётлардир

в) Пассив счётлардир г) Балансдан ташқари счётлардир

7. 2-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг солиққа тортилгунча бўлган молиявий натижаси нимадан иборат ва унинг суммаси қанча?

а) Фойда , 3900000 сўм б) Фойда , 3300000 сўм

в) Фойда, 3800000 сўм г) Фойда, 4000000 сўм

8. **2-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг солиққа тортиладиган даромадининг суммаси қанча?**

а) 2700000 сўм б) 3500000 сўм

в) 2900000 сўм г) 3900000 сўм

9. 2-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг солиқга тортиладиган фойдасининг суммаси қанча?

а) 3400000 сўм б) 3600000 сўм

в) 3900000 сўм г) 3300000 сўм

10. 2-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг фойда (даромад) солиғи суммаси 20 фоизлик миқдорда қанча суммани ташкил қилади?

а) 720000 сўм б) 680000 сўм

в) 780000 сўм г) 660000 сўм

11. 2-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг соф фойдаси қанча суммани ташкил қилади?

а) 2410400 сўм б) 2373600 сўм

в) 2318400 сўм г) тўғри жавоб йўқ.

XVI БОБ. СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИ

16.1. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобини ташкил қилиш асослари ва вазифалари

Корхона ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисобининг муҳим объектлари бўлиб солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисобланади.

Солиқлар деганда республикамиз Солиқ кодексида белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Бошқа мажбурий тўловлар деганда республикамиз Солиқ кодексида белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек, ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан, муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади.

Республикамизнинг Солиқ кодексига кўра барча хўжалик юритувчи субъектлар танлаган солиқ режимига кўра умумбелгиланган ва ихчамлаштирилган солиқ режимларида ишловчи субъектларга бўлинади. Республикамизда 2019 йил 1 январдан бошлаб товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 1 млрд сўмдан ошмайдиган субъектлар ихчамлаштирилган солиқ тўловлари режимида ишлари мумкин, йиллик айланмаси (соф тушуми) 1 млрд сўмдан кўп бўлган корхона ва ташкилотлар умумбелгиланган солиқларни тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар бевосита ва билвосита[20], республика бюджети ва маҳаллий бюджетга тўланадиган солиқлар ва тўловлар, олинадиган счёт-лар, харажатлар, даромадлар (фойда)ни ишлатилиши ҳамда ходимлар ва таъсисчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётларга олиб бориладиган солиқлар ва тўловларга бўлинади (16.1-жадвалга қаранг).

Бевосита солиқлар деганда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатадиган солиқлар тушунилади. Ушбу солиқлар харажатларни кўпайтириш ёки олинган даромаднинг бир қисмини ундириш ҳисобидан

[20] Уларни, бошқачасига, мос равишда, эгри ва тўғри солиқлар ҳам деб атайдилар

пировард натижада эришиладиган соф фойда суммасини камайтиришга олиб келадиган солиқлар ҳисобланади.

16.1-жадвал

Корхоналар тўлайдиган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тавсифи

т/р	Солиқнинг номи	Бюджет тури	Бевосита / билвосита-лиги	Тўғри/ эгри солиқлиги	Олиб бориладиган счётларининг тури
1	Акциз солиғи	республика	билвосита	эгри	Олинадиган счётларни ҳисобга олувчи счётлар
2	ҚҚС	республика	билвосита	эгри	Олинадиган счётларни ҳисобга олувчи счётлар
3	Фойда солиғи	республика	Бевосита	тўғри	Фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар
4	Мол-мулк солиғи	маҳаллий	Бевосита	тўғри	Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар
5	Ер солиғи	маҳаллий	Бевосита	тўғри	Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар
6	Ягона ер солиғи[21]	маҳаллий	Бевосита	тўғри	Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар
7	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	маҳаллий	Бевосита	тўғри	Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар
8	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	республика	Бевосита	тўғри	Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар
9	Ягона солиқ тўлови[22]	республика	Бевосита	тўғри	Даромадлар (фойда)нинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар
10	Дивиденд солиғи	республика	билвосита	эгри	Дивиденд бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётлар
11	Ходимлар даромадидан солиқ	республика	билвосита	эгри	Иш ҳақ бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётлар

[21] Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб ушбу солиқ бекор қилинди

[22] 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб, ушбу солиқ номи айланмадан олинадиган солиқ деб номланди

12	Ягона ижтимоий тўлов[23]	Республика	бевосита	Тўғри	Корхона харажатларини акс эттирувчи счётлар
13	Йиғимлар, бож тўловлари	Республика	бевосита	Тўғри	Корхона харажатларини акс эттирувчи счётлар

Билвосита солиқлар деганда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатмайдиган солиқлар тушунилади. Ушбу солиқлар сотилган махсулот, товар, иш ва хизматлар баҳоси устига бюджет фойдаси учун қўйиладиган устамалардир. Дивиденд ва ходимлар даромадларидан ундириладиган солиқларнинг эгри солиқлар гурухига киришига сабаб шундаки, улар корхоналар харажатларини кўпайтириш ёки олинган соф фойдани камайтиришга олиб келмайди. Корхоналар дивиденд ва ходимлар даромадидан солиқларни бюджетга ўтказиб беришда бегараз хизмат кўрсатувчилар бўлиб ҳисобланади.

Корхоналарда солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоб-китоб қилиш, бюджетга ўтказиб бериш, уларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш республикамиз Солиқ кодексида ҳамда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида белгиланган тартибларга асосан амалга оширилади.

Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бухгалтерия хизмати ходимларининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- солиқлар ва мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўғри ҳисобланишини таъминлаш;
- солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисоб-китобларини ўз вақтида давлат солиқ органларига тақдим этиш;
- солиқлар ва мажбурий тўловларни ўз вақтида бюджетга ўтказилишини таъминлаш, улар бўйича асоссиз тўлов муддатларини ўтиб кетишига йўл қўймаслик;
- солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларнинг синтетик ва аналитик ҳисобини белгиланган тартибларда юритиш;
- солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзлар суммаларини баланс ва ҳисоботнинг бошқа шаклларида реал акс эттирилишини таъминлаш ва бошқалар.

[23] 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб, ушбу тўлов ижтимоий солиқ деб номланди

16.2. Билвосита солиқлар ҳисоб-китоби ва ҳисоби

Акциз солиғи ҳисоб-китоби ва ҳисоби. Республикамиз солиқ қонунчилиги ҳужжатларига кўра акциз солиғи тўловчилари бўлиб қуйидаги юридик шахслар ҳисобланади:

* акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар;

* акциз солиғи солинадиган (акциз тўланадиган хизматлар) мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчилар;

*бензин, дизель ёқилғисини якуний истеъмолчиларга реализация қилишни, шу жумладан, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилишни, шунингдек, газни автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчилар; бунда якуний истеъмолчилар деганда ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ҳамда газ олувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.

Акциз солиғи бўйича солиқ солиш объекти бўлиб қуйидаги операциялар ҳисобланади:

1) акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан:

*товарни сотиш (жўнатиш);

*гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан топшириш;

*акциз тўланадиган товарларни бепул топшириш;

*акциз тўланадиган товарларни иш берувчи томонидан иш ҳақи ҳисобига ёлланган ходимга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда топшириш ёки ҳисобланган дивидендлар ҳисобига юридик шахснинг муассисига (иштирокчисига) топшириш;

*акциз тўланадиган товарларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун топшириш;

2) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали тариқасида ёхуд оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида топшириш;

3) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг иштирокчисига (муассисига) у юридик шахс таркибидан чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёки юридик шахс қайта ташкил этилганлиги, тугатилганлиги (банкротлиги) муносабати билан топшириш, шунингдек, оддий ширкат шартномаси доирасида ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарларни

мазкур шартнома шеригига (иштирокчисига) унинг шартнома иштирокчилари умумий мулкидаги мол-мулкдан улуши ажратиб берилган ёки бундай мол-мулк тақсимланган тақдирда топшириш;

4) акциз тўланадиган товарларни улуш қўшиш асосида қайта ишлашга топшириш, шунингдек, улуш қўшиш асосида хом ашё ва материалларни, шу жумладан, акциз тўланадиган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи томонидан қайта ишлашга берилган хом ашё ва материалларнинг мулкдорига топшириш;

5) ишлаб чиқарилган ва (ёки) қазиб олинган акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун топшириш;

6) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилиш;

7) бензин, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш, бундан ихтисослаштирилган газ таъминоти корхоналари орқали аҳолига маиший эҳтиёжлар учун реализация қилинадиган суюлтирилган газ мустасно;

8) акциз тўланадиган хизматлар кўрсатиш.

Қуйидагиларга операцияларга акциз солиғи солинмайди:

1) акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

2) кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарти билан «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга;

3) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига:

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда инсонпарварлик ёрдами сифатида;

*давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан ҳайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан, техник кўмак кўрсатиш мақсадида;

*Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган заёмлар (кредитлар) маблағлари ҳисобига, шунингдек, грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб кирилаётган, акциз тўланадиган товарларни импорт қилишга;

4) ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилишга.

Акциз тўланадиган товарлар ва хизматлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

Акциз солиғи ставкалари товарнинг ёки хизматнинг қийматига нисбатан фоизларда (адвалор), натурада ифодаланган ўлчов бирлигига нисбатан мутлақ суммада (қатъий), шунингдек, адвалор ва қатъий ставкалардан ташкил топган аралаш ставкада белгиланади.

Акциз солиғи бўйича солиқ солинадиган база бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

•акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг акциз солиғи ҳамда қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати;

• иш ҳақи ҳисобига, ҳисоблаб чиқарилган дивидендлар ҳисобига, бепул ёки бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича, шунингдек, товарлар таннархидан паст нархларда реализация қилинган тақдирда солиқ тўловчи товарларни топшириш пайтида унинг ҳақиқий таннархидан кам бўлмаган даражада белгилайдиган нарх асосида ҳисобланган қиймат;

• қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишлар қиймати (қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар қиймати билан биргаликда);

• қатъий ва адвалор ставкалардан ташкил топган аралаш ставкалар белгиланган, акциз солиғи тўланадиган товарлар бўйича акциз тўланадиган товарларнинг натура ҳолидаги ҳажмидан ҳамда реализация қилинган, акциз тўланадиган товарларнинг акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати;

• акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган импорт қилинаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган божхона қиймати;

• акциз солиғини, қўшилган қиймат солиғини ва мобиль алоқа хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар (алоқа компаниялари) томонидан тўланадиган абонент рақамидан фойдаланганлик учун

тўловни ўз ичига олмайдиган, акциз тўланган ҳолда кўрсатилган хизматларнинг қиймати;

• бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш чоғида реализация қилинган ҳамда шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланилган бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг натурал ҳолида ифодаланган ҳажми.

Акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш солиқ солинадиган базадан ва акциз солиғининг белгиланган ставкаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Бензин, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишда акциз солиғи суммаси реализация қилинадиган бензиннинг, дизель ёқилғисининг ва газнинг нархида ҳисобга олинади. Бензин, дизель ёқилғиси ва газдан шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланилганда акциз солиғининг ҳисобланган суммаси солиқ тўловчининг харажатлари жумласига киритилади.

Акциз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда солиқ давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тақдим этилади, бундан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилиш ҳоллари мустасно. Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилинганда ҳисоб-китоб автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади

Акциз солиғини тўловчи субъектлар сотишга тўғри келадиган акциз ставкаси ва суммаси «Счёт-фактура»да алоҳида устунларда кўрсатилади. Акциз солиғи суммаси буюртмачилардан олинадиган счётларнинг жами суммасига киритилади. Счёт-фактурада кўрсатилган акциз солиғи суммасига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 4010 «Олинадиган счётлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Акцизга тортилувчи маҳсулот, товарлар ва хизматлар нақд пул ва пластик орқали кўрсатилганда касса ёки терминал чекида акциз суммаси алоҳида кўрсатилади ва унга қуйидагича ёзувлар қилинади:

Дебет 5010 «Кассадаги пул маблағлари»

Дебет 5530 «Терминалдаги пул маблағлари»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

21-сон БҲМСга мувофиқ акциз солиғи бўйича бюджетга олдиндан тўланган бўнак суммаси ҳисобот даври мобайнида 4410 «Бюджетга

солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» счётининг дебетида ҳамда 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» кредитида тўлов топшириқномаси асосида акс эттирилади.

Ҳисобот даври охирида бюджетга бўнак тариқасида тўланган акциз солиғи суммаси ушбу солиқ бўйича ҳисобланган қарздорлик суммасини камайтиришга олиб борилади ҳамда унга қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Солиқ тўловчиларнинг бюджетга акциз бўйича қарзлари тўланишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Олдинги ҳисобот даври учун акциз солиғи бўйича бўнак суммаси ҳисобланган қарздорлик суммасидан ортиқ бўлганида, унда бундай ортиқча сумма солиқ тўловчига унинг солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда қонунда белгиланган тартибда қайтарилади. Ортиқча тўланган акциз солиғи суммасининг солиқ тўловчига қайтарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

ҚҚС ҳисоб-китоби ва ҳисоби

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086-сон қарорига мувофиқ 2019 йил 1 январдан бошлаб барча корхона ва ташкилотлар солиқ даври давомида олган ялпи тушуми миқдорига кўра ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган ёки умумбелгиланган тартибини танлаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Чунончи, солиқ даври давомида ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ортиқ, бироқ уч миллиард сўмдан ошмайдиган корхона ва ташкилотлари 2019 йилнинг 1 январидан ягона солиқ тўлови ўрнига қўшилган қиймат солиғини соддалаштирилган ёки умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарувчилар ва тўловчилар бўлиб ҳисобландилар. 2020 йил 1 январдан бошлаб кучга

киритилган янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ солиқ даври давомида ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган барча турдаги корхоналар учун ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартиби белгиланди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ (238-модда) ҚҚС бўйича қуйидагилар солиқ солиш объектидир:

1) реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма;

2) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб кириш.

Қуйидагилар ҚҚС бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланмайди:

1) юридик шахс қайта ташкил этилаётганда унинг мол-мулкини ҳуқуқий ворисга (ҳуқуқий ворисларга) ўтказиш;

2) ишончли бошқарувнинг муассиси томонидан мол-мулкни ишончли бошқарувчига бериш ва ишончли бошқарув шартномасининг амал қилиш муддати тугаган тақдирда, ишончли бошқарувчининг ўзи ишончли бошқарувга берилган мол-мулкни қайтариши;

3) миллий валюта ёки чет эл валютаси муомаласи билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш (бундан нумизматика мақсадлари мустасно).

Товарларни реализация қилиш бўйича айланма қуйидагилардан иборат:

1) товарга бўлган мулк ҳуқуқини пуллик асосда, шу жумладан, товарнинг қарз шартномаси бўйича ўтказиш;

2) товарни бепул бериш, бундан шундай бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ҳоллар мустасно;

3) мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) бериш;

4) товарни бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари асосида бериш.

Товарни реализация қилишдан фарқ қилувчи ҳар қандай фаолият, шу жумладан, қуйидагилар хизматларни реализация қилиш бўйича айланма деб эътироф этилади:

1) пуллик асосда хизматлар кўрсатиш;

2) бепул хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, мол-мулкни солиқ тўловчининг бепул фойдаланиши учун бериш, бундан шундай хизматларни кўрсатиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ҳоллар мустасно.

Товарларни бепул бериш ёки бепул хизматлар кўрсатиш қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда бирига риоя этилганда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди деб эътироф этилади:

1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқарилган бўлса;

2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқлиги асослантирилган бўлса;

3) қонун хужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса.

Солиқ солиш мақсадида қуйидагилар ҳам товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма бўлиб ҳисобланади:

1) юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида товарларни бериш (хизматлар кўрсатиш);

2) оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) иштирокчилари ўртасида шундай шартнома доирасида товарларни бериш (хизматлар кўрсатиш);

3) қуйидагиларга товарларни бериш (хизматлар кўрсатиш):

а) юридик шахс иштирокчилари таркибидан иштирокчи чиққанда (чиқарилганда) ёки унинг юридик шахсда иштирок этиш улуши камайганда ёхуд иштирокчидан ушбу юридик шахсда иштирок этиш улуши (улушнинг бир қисми) юридик шахс томонидан қайтариб сотиб олинганда, иштирокчига;

б) эмитент бўлган юридик шахс томонидан акциядордан ушбу эмитент чиқарган акцияларни қайтариб сотиб олишда, акциядорга;

в) юридик шахс тугатилганда, акциядорга ёки иштирокчига;

4) харажатлари Солиқ кодексининг 317-моддасига мувофиқ (бундан 20-бандда назарда тутилган харажатлар мустасно) фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайдиган, солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарган товарларни бериш, ўз кучи билан хизматлар кўрсатиш;

5) жисмоний шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш ёки дивидендлар тўлаш ҳисобига товарларни бериш (хизматлар кўрсатиш);

6) солиқ тўловчи томонидан ўзига тегишли мол-мулкни (хизматларни), агар бундай мол-мулк (хизматлар) бўйича солиқ суммаси тўлиқ ёки қисман ҳисобга ўтказилган бўлса, бошқарув органи аъзоларига, ходимларга, уларнинг оила аъзоларига ёхуд бошқа шахсларга солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий мақсадларда фойдаланиш учун бериш (хизматлар кўрсатиш);

7) товарларни ва бошқа мол-мулкни қайтариш шарти билан қайта ишлашга бериш, агар товарлар ва (ёки) мол-мулк қайта ишлаш маҳсули шаклида шартномада белгиланган муддатда қайтарилмаган бўлса;

8) эркин божхона ҳудудининг божхона тартиб-таомилига солиқ тўламасдан жойлаштирилган товарни йўқотиш, бошқа ҳолатларда солиқни тўлаш зарур бўлган тақдирда;

9) қайтарилиши лозим бўлган, кўп марта муомалада бўладиган идишларнинг сотувчи томонидан берилиши, агар идиш бундай идишдаги маҳсулотни етказиб беришга доир шартномада белгиланган муддатда қайтарилмаса.

Товарларни (хизматларни) олиш ҳуқуқини берувчи ваучерларни реализация қилиш ёки бепул бериш мазкур товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма деб эътироф этилади.

Солиқ кодексига мувофиқ (242-модда) товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган сана бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

*маҳсулот етказиб берувчи томонидан ҳисобварақ-фактура тақдим этилган сана ёки товарлар жўнатилган (берилган) сана, агар ушбу сана ҳисобварақ-фактура тақдим этилган санадан олдин келса, товарларни реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган сана;

* агар товарни жўнатиш (бериш) амалга оширилмаса, товарга бўлган мулк ҳуқуқи харидорга ўтказилган кун товарларни реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган сана;

*кўчмас мол-мулк реализация қилинган тақдирда, кўчмас мол-мулкни бошқа шахс тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги шартноманинг тарафлари томонидан имзоланган қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси бўйича харидорга кўчмас мол-мулк берилган сана;

*хизматлар кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактура ёки бошқа ҳужжат расмийлаштирилган (имзоланган) сана;

*бошланиши бир ҳисобот (солиқ) даврига, тамомланиши эса бошқа ҳисобот (солиқ) даврига тўғри келадиган хизматлар бўйича ушбу хизматлар кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактура ёки бошқа ҳужжат расмийлаштирилган (имзоланган) сана;

*электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар, алоқа хизматлари, қувурлар тизими орқали юкларни ташишга доир хизматлар реализация қилинганда, товарлар (хизматлар) доимий (узлуксиз) асосда реализация қилинган бошқа ҳолларда товарлар етказиб берилган (хизматлар кўрсатилган) календарь ойнинг сўнгги куни;

*объектлар қурилишида, шу жумладан, объектларни фойдаланиш учун тайёр ҳолда қуришда, шунингдек, узоқ (бир солиқ ҳисоботи давридан ортиқ) технологик даврийликдаги узоқ муддатли шартномалар бўйича, агар тузилган узоқ муддатли шартномалар шартларида хизматларни ҳар ойда топшириш назарда тутилмаган бўлса, ҳар бир календарь ойнинг охирги куни;

*мол-мулк молиявий ижарага (лизингга) берилганда, молиявий ижара (лизинг) шартномаси тарафлари томонидан имзоланган қабул қилиш-топшириш далолатномасига кўра мол-мулк ижарага олувчининг (лизингга олувчининг) тасарруфига берилган сана;

* солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун товарларни беришда (хизматлар кўрсатишда) солиқ тўловчининг тегишли ички ҳужжати билан расмийлаштирилган, ушбу товарни бериш (хизматлар кўрсатиш) амалга оширилган кун;

*товарлар экспорт божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқилган тақдирда, қуйидаги саналар товарни реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган сана деб ҳисобланади:

- божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган божхона чегараси ҳақиқатда кесиб ўтилган сана;

- божхонага оид декларациялашни амалга оширган божхона органининг белгилари қўйилган ҳолда товарларга тааллуқли божхона юк декларацияси рўйхатдан ўтказилган сана - даврий ва (ёки) вақтинчалик божхонага оид декларациялашдан фойдаланилган ҳолларда.

2020 йил 1 январдан бошлаб ҚҚС бўйича 15 фоизлик ва 0 фоизлик ставкалар белгиланган. Ноль даражали ставка бўйича солиқ солиш қуйидагилар реализация қилинганда амалга оширилади:

1) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан экспорт божхона тартиб-таомилига олиб чиқилган товарлар;

2) илгари Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилган товарлар ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш натижасида олинган (ҳосил бўлган) товарлар (қайта ишлаш маҳсулотлари, чиқиндилар ва (ёки) қолдиқлар);

3) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилган ғамлаб қўйилган нарсалар. Ушбу модда мақсадида ҳаво кемаларидан рисоладагидек фойдаланилишини таъминлаш учун зарур бўлган ёқилғи ва ёнилғи-мойлаш материаллари ғамлаб қўйилган нарсалар деб эътироф этилади;

4) чет элдан келтирилган товарларни ташиш чоғида божхона транзити божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган товарларни бевосита Ўзбекистон Республикаси ҳудудига етиб келиш жойидаги божхона органидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиш жойидаги божхона органигача ташиш ёхуд транспортда ташиш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар;

5) халқаро ташишлар билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар.

ҚҚС бўйича солиқ даври бўлиб маҳаллий солиқ тўловчилар учун ҳар ой, электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахслари учун ҳар ҳар чорак ҳисобланади.

Корхона ва ташкилотларда солиққа тортиладиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотига тўғри келадиган ҚҚС суммаси белгиланган ставка бўйича иккита усулда қуйидаги формулалар асосида аниқланади:

(1) - усул. Солиққа тортиладиган айланма ҚҚСсиз белгиланганда:

$$\textbf{Сққс = Сай x С / 100} \qquad \textbf{(1)}$$

бунда **Сққс** – буюртмачилардан ундириладиган солиқ суммаси;

Сай – солиққа тортиладиган айланма;

С – қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

(2)-усул. Солиққа тортиладиган айланмада ҚҚС ҳам ҳисобга олинганда:

$$\textbf{Сққс = Тқ x С / (С + 100)} \qquad \textbf{(2)}$$

бунда **Тқ** – қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган қурилиш ишлари қиймати.

Мисол: *умумбелгиланган тартибда ишловчи корхонада солиққа тортиладиган айланма ҚҚС билан биргаликда 2515 млн. сўм, дейлик.*

Ушбу мисол бўйича сотишдан олинган ҚҚС суммаси (2)-формулага асосан топилади ва у ҚҚС тўловчи корхонада 328 млн. сўмни (2515 * 15 % / 115 %) ташкил этади. Бу ҳолда Бу ҳолда товар (иш,хизмат)ларнинг ҚҚСсиз *сотиш қиймати* 2187 млн. сўмдан (2515-328) иборат бўлади.

ҚҚС суммаси товар (иш, хизмат)ларнинг ҚҚСсиз сотиш қийматидан (1)-формула бўйича ҳисобланганда ҳам юқоридаги кўрсаткичларга эришилади, яъни ҚҚС тўловчида сотишдан олинган ҚҚС суммаси 328 млн. сўмни (2187 * 15 % / 100 %) ташкил этади.

ҚҚС тўловчи корхоналарда сотишга тўғри келадиган ҚҚС ставкаси ва суммаси «Счёт-фактура»да алоҳида устунларда кўрсатилади. ҚҚС суммаси буюртмачилардан олинадиган *счётларнинг жами суммасига* киритилади. Ҳисобланган ҚҚС суммасига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 4010 «Олинадиган счётлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Маҳсулот, товарлар ва хизматлар нақд пул ва пластик орқали кўрсатилганда касса ёки терминал чекида ҚҚС суммаси алоҳида кўрсатилади ва унга қуйидагича ёзувлар қилинади:

Дебет 5010 «Кассадаги пул маблағлари»

Дебет 5530 «Терминалдаги пул маблағлари»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

ҚҚС тўловчи субъектларда бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси сотишга тўғри келувчи ҚҚС суммасидан таъминотчилар (субпудратчилар)га товар-моддий ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун маълумотномалар ҳамда счёт-фактуралар асосида тўланган ҚҚС суммасини айириш йўли билан топилади. Бунда таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммаси камайтиришга олиб бориладиган ёки ҳисобга олинадиган ҚҚСни ташкил этади.

Мисол: *ҚҚС тўловчида таъминотчиларга олинган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган сумма 15 %лик ҚҚС билан биргаликда 2000 млн. сўм, шундан 1739 млн. сўми таъминотчилардан олинган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳақи, 261 млн. сўми таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммаси, дейлик.*

Солиқ кодексига мувофиқ (265-274-моддалар) ҚҚС тўловчида бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси 67 млн. сўмни ташкил этади (328-261). Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлашда солиқ тўловчи ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммасини ҳисобга олиш орқали ҳисоблаб чиқарилган солиқнинг умумий суммасини камайтиришга, қуйидаги шартларни бир вақтда бажарган тақдирда, ҳақли бўлади:

1) солиқ тўловчининг товарларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ фаолиятини амалга ошириш чоғида товарлардан (хизматлардан), фойдаланилганда реализация қилиш бўйича айланмасига солиқ солиниши, шу жумладан, ноль ставка бўйича солиқ солиниши лозим бўлганда;

2) олинган товарларга (хизматларга) солиқ тўловчи томонидан ҳисобварақ-фактура ёки етказиб берувчи томонидан тақдим этилган солиқ суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилган бошқа ҳужжат олинганда ҳамда товарларни (хизматларни) етказиб берувчи солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилганда;

3) товарлар олиб кирилган (импорт қилинган) тақдирда солиқ бюджетга тўланганда;

4) солиқ бюджетга тўланганда;

5) ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарлар экспортида чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) томонидан экспорт қилинаётган товарлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирма мавжуд бўлса.

Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарларни экспортга реализация қилиш айланмаси мақсадида фойдаланиладиган, ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) солиқ товарлар экспортидан солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг улушида ҳисобга олинади.

Ноль даражали ставка бўйича тортиладиган товарлар экспорти воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачи, ишончли вакил орқали амалга оширилган тақдирда, солиқ воситачининг, ишончли вакилнинг ёки солиқ тўловчининг ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг суммаси улушида ҳисобга олинади.

Солиқ тўловчи томонидан асосий воситалар (шу жумладан, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар), номоддий активлар ва кўчмас мулк объектлари, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган объектлар сотиб олинганда, шунингдек, келгусида ўз асосий воситалари сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган активларни яратиш учун товарлар (хизматлар) сотиб олинганда сотувчи томонидан солиқ тўловчига тақдим этилган солиқ суммасини ҳисобга олиш тўлиқ ҳажмда амалга оширилади. Солиқ тўловчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бундай товарларни олиб кириш чоғида ушбу солиқ тўловчи томонидан тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш худди шундай тартибда амалга оширилади.

Мол-мулк устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинган тақдирда, олувчи мол-мулкни устав фондига (устав капиталига) бериш чоғида иштирокчи томонидан тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга. Устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинган асосий воситалар, номоддий активлар ва кўчмас мол-мулк объектлари, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича иштирокчи уларни бериш чоғида тўлаган солиқ берилган активларни олувчи солиқ тўловчида ҳисобга олинади.

Солиқ тўловчи бўлмаган шахс солиқ тўловчи сифатида махсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйилганда, шунингдек, солиқ тўлашдан озод этиш бекор қилинган тақдирда солиқ тўловчи махсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйиш (озод қилишни бекор қилиш) санасида ўз балансида мавжуд бўлган товар-моддий заҳиралар қолдикларининг ва узоқ муддатли активларнинг баланс қийматида ҳисобга олинган солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

Ҳисобга олинадиган солиқ суммаси:

товар-моддий заҳираларнинг қолдиқлари бўйича – шахс рўйхатдан ўтказиш ҳисобига қўйилган санадан олдинги сўнгги ўн икки ой ичида олинган, солиқ тўловчида уни рўйхатдан ўтказиш ҳисобига қўйиш (озод этишни бекор қилиш) санасида мавжуд бўлган товар-моддий заҳиралар қолдигига тўғри келадиган товарларнинг (хизматларнинг) ҳақиқий қиймати бўйича;

узоқ муддатли активлар бўйича – мазкур объектларнинг шахс солиқ бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳисобига қўйилган (озод этиш бекор қилинган) санадаги қайта баҳоланиши ҳисобга олинмаган, солиқнинг тегишли суммасини ўз ичига олган баланс (қолдиқ) қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Агар солиқ тўловчи сифатида ҳисобда турмайдиган чет эл юридик шахси комитент (ишонч билдирувчи) бўлса, товар тегишли воситачилик (топшириқ) шартномасига мувофиқ шартлар асосида воситачи (ишончли вакил) томонидан реализация қилинган тақдирда, ушбу товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда тўланган солиқ суммаси тегишли солиқ даврида воситачи (ишончли вакил) томонидан реализация қилинган товарлар улушига тўғри келадиган улушда воситачи (ишончли вакил) томонидан ҳисобга олиш учун қабул қилинади.

Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш чоғида экспедитор томонидан ташувчидан ва (ёки) бошқа етказиб берувчилардан олинган хизматларга доир солиқ суммаси бундай шартнома бўйича экспедиторнинг мижози бўлган тарафда ҳисобга олинади.

Сотувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўловчиси бўлмаган чет эллик шахсга ушбу чет эллик шахс томонидан Ўзбекистон Республикасида товарларни (хизматларни) олиш чоғида тақдим этилган ёки ушбу чет эллик шахслар товарларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш мақсадлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириши чоғида улар томонидан тўланган солиқ суммалари ҳисобга олиниши лозим. Солиқнинг мазкур суммалари солиқ агенти томонидан ушбу чет эллик шахснинг даромадларидан ушлаб қолинган солиқ бюджетга тўланганидан кейин, ушбу шахс олган (олиб кирган) товарлардан (хизматлардан) фақат солиқ агенти қийматидан солиқни ушлаб қолган товарларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш мақсадида фойдаланилган қисми бўйичагина ҳисобга олиниши ёки ушбу чет эллик шахсга қайтарилиши лозим. Бунда солиқнинг мазкур суммалари, башарти чет эллик шахс солиқ тўловчи сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш ҳисобига қўйилган бўлса, ҳисобга олинищи ёки ушбу шахсга қайтарилиши лозим.

Агар солиқ тўловчи реализация қилиш бўйича айланмасига солиқ солиниши лозим бўлган товарларни (хизматларни), шунингдек, реализация қилиш бўйича айланмаси солиқ солишдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилса, ҳисобга олиниши лозим бўлган солиқ суммаси ушбу Кодекснинг 268-моддасида белгиланган қуйидаги тартиблар асосида аниқланади:

*агар солиқ тўловчи солиқ солинадиган ва солиқ солишдан озод этиладиган айланмаларни амалга оширса, солиқ солинадиган айланмага тўғри келадиган солиқ суммаси ҳисобга олиш учун қабул қилинади.

*ҳисобга ўтказилиши лозим бўлган солиқ суммаси солиқ тўловчининг танловига кўра алоҳида-алоҳида усулда ва (ёки) мутаносиб усулда аниқланади.

*алоҳида-алоҳида усул бўйича солиқ тўловчи солиқ солинадиган ва солиқ солишдан озод этилган айланмалар учун фойдаланиладиган, олинган товарларнинг (хизматларнинг) ҳамда улар бўйича тўланган солиқ суммаларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритади. Бунда алоҳида-алоҳида ҳисобни юритиш имкони бўлмаган умумий харажатлар бўйича харажатларни ажратиш мутаносиб усулда амалга оширилади.

*мутаносиб усул бўйича солиқ тўловчи томонидан ҳисобга олиш учун қабул қилинадиган солиқ суммаси солиқ солинадиган айланма суммасининг товарларни (хизматларни) реализация қилиш (солиқни ҳисобга олмасдан) бўйича айланманинг умумий суммасидаги жорий календарь йил ичида ўсиб борувчи якун билан аниқланадиган солиштирма миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

*мутаносиб усулдан фойдаланиш чоғида ҳисобга олиш учун қабул қилинмаган солиқ, шунингдек, ҳисобга олиниши лозим бўлган солиқ суммасига тузатиш киритилган ҳолларда ҳисобга олишга қабул қилинмаган солиқ солиқ тўловчи томонидан фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида чегириб ташланадиган харажатлар таркибида ҳисобга олинади.

*агар солиқ солинадиган айланмаларнинг улуши жорий солиқ даврида айланма умумий суммасининг 5 фоизидан ошиб кетмаса, солиқ тўловчи ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар бўйича), шу жумладан, узоқ муддатли активлар бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммасини жорий солиқ даврида олинган товарларнинг (хизматларнинг) қийматига тўлиқ киритишга ҳақли.

* агар ҳисобга олиш ҳуқуқи товарларни (хизматларни) олиш бўйича қалбаки ёки кўзбўямачилик учун тузилган битим натижасида вужудга

келганлигига оид далиллар мавжуд бўлса, солиқ органлари ҳисобга олишни бекор қилишни ёки унга тузатишни амалга оширишга ҳақли.

21-сон БҲМСга мувофиқ таъминотчилар (субпудратчилар)га товар-моддий ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун маълумотномалар ва счёт-фактуралар асосида тўланган ҚҚС суммаси ҳисобот даври мобайнида 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» счётининг дебетида тўпланади. Бунда 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 6100 «Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар», 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счётлари кредитланади.

Солиқ тўловчилар, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб кириш чоғида солиқ божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда бюджетга тўланади.

Солиқ агентлари солиқни ўзи солиқ ҳисобида турган жой бўйича тўлайди. Солиқ тўловчилар бўлмаган солиқ агентлари ўзи солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига тегишли солиқ ҳисоботини тўлаш амалга оширилган ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирмай тақдим этиши шарт.

Солиқ ҳисоботига солиқ тўловчининг харидлар реестрида ва сотувлар реестрида кўрсатилган маълумотлар киритилади.

Харидлар ва сотувлар реестрларини, шунингдек, келиб тушган ва тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларни ҳисобга олиш дафтарларини юритиш шакллари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси *Давлат солиқ* қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

ҚҚС ҳисоб-китоби асосида 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» счётининг дебетида тўпланган сумма камайтиришга олиб борилади ҳамда унга қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Олдинги ҳисобот даври учун камайтиришга олиб борилган ҚҚС суммасининг ҳисобот даври учун камайтиришга олиб борилган солиқ суммасидан ортиқ бўлган суммаси вужудга келган ҳолларда кўрсатилган ортиқча сумма ҳисобот давридан кейинги даврда камайтиришга олиб борилади. Камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммаси ҳисобланган ҚҚС суммасидан ортиқ бўлганида, унда бундай ортиқча сумма (манфий

сальдо) солиқ тўловчига унинг солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда қонунда белгиланган тартибда қайтарилади. Бунда ушбу ортиқча сумма солиқ тўловчининг шахсий счётида ортиқча тўлов сифатида эмас, балки манфий сальдо сифатида ҳисобга олинади. Ортиқча тўланган ҚҚС суммасининг солиқ тўловчига қайтарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Солиқ тўловчиларнинг бюджетга ҚҚС бўйича қарзлари тўланишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

16.3. Бевосита солиқлар ҳисоб-китоби ва ҳисоби

Фойда солиғи ҳисоб-китоби ва ҳисоби. Солиқ қонунчилиги ҳужжатларига кўра умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхона ва ташкилотларда фойда солиғини ҳисоб-китоб қилиш учун солиққача фойда ёки зарарлар (Фст) ёки (Зст)дан ташқари яна иккита қуйидаги кўрсаткичлар ҳисоблаш йўли билан топилади. Булар:

- **Солиққа тортиладиган фойда (Стф)**

$$\textbf{Стф} = \textbf{Жд} - \textbf{Жх} + \textbf{Стх} - \textbf{Ич}$$

бу ерда **Жд** – жами даромадлар;

Жх – жами харажатлар;

Стх – солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган харажатлар (чегирилмайдиган харажатлар)[24];

Ич – инвестицион чегирмалар.

- **Солиққа тортиладиган база (Стб)** – бу *солиққа тортиладиган* фойдадан имтиёз сифатида чегириб ташланадиган харажатларни айиргандан кейин қоладиган фойда суммаси, яъни :

$$\textbf{Стб} = \textbf{Стф} - \textbf{И} - \textbf{Нсд}$$

бу ерда **И** – жами имтиёзлар;

Нсд- Ноль ставка қўлланиладиган солиқ тўловчилар фойдаси.

Солиқ кодексига мувофиқ (297-304-моддалар) солиқ тўловчи юридик шахсларнинг **жами даромади** улар томонидан Ўзбекистон

[24] Халқаро ҳисоб тамойилларида ушбу харажатлар «доимий фарқлар» деб номланади

Республикасидаги ва унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан ҳисобот (солиқ) даври мобайнида олинган даромадлардан иборатдир.

Жами даромад қўшилган қиймат солиғини ва акциз солиғини инобатга олмаган ҳолда аниқланади.

Жами даромадга ҳар қандай шаклда ва (ёки) ҳар қандай фаолиятдан олиниши лозим бўлган даромадлар, хусусан, қуйидаги даромадлар киради:

1) товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад;

2) кредит (қарз, микрокредит ва бошқа молиявий операциялар) бўйича мукофот тарзидаги даромад;

3) суғурта, қайта суғурта ташкилотининг суғурта, қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича даромади;

4) РЕПО операциялари бўйича даромад;

5) қимматли қоғозлар ва (ёки) муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича олинган даромад;

6) асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинган даромад;

7) молиявий ижара (лизинг) шартномасига биноан мол-мулкни бериш бўйича пул мукофоти тарзидаги даромад;

8) мол-мулкни мулк ижарасига (ижарага) беришдан олинган даромад, бундан молиявий ижара (лизинг) мустасно;

9) роялти;

10) текин олинган мол-мулк (олинган хизматлар);

11) инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий заҳираларнинг ва бошқа мол-мулкнинг қиймати тарзидаги даромад;

12) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад, бундан илгари чегириб ташланмаган харажатларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар мустасно;

13) талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромад;

14) илгари чегириб ташланган харажатлар ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромад;

15) хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинадиган даромад;

16) биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинган даромад;

17) қарздор томонидан эътироф этилган ёхуд қарздор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳужжати асосида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун тўланиши лозим бўлган жарималар,

пенялар ва бошқа санкциялар, шунингдек, зарарларнинг (зиённинг) ўрнини қоплаш суммалари;

18) курсдаги ижобий фарқ;

19) дивидендлар ва фоизлар;

20) ишончли бошқарув муассиси томонидан мол-мулкни ишончли бошқаришдан олинган даромад;

21) шакллантирилиш харажатлари Солиқ Кодексининг 44 ва 45-бобларида белгиланган тартибда ва шартларда харажатлар таркибига қабул қилинган, қайта тикланган заҳиралар суммалари;

22) акциядор, иштирокчи юридик шахс фойдасига ўз улушининг (улуши бир қисмининг) қийматини олишдан воз кечган тақдирда, мазкур юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) камайиши муносабати билан олган даромад;

23) корхонани мол-мулк мажмуи сифатида сотишдан олинган даромад;

24) нархларга тузатишлар киритиш туфайли олинган даромад;

25)назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойда тарзидаги даромади;

26) алоҳида ҳисоби мавжуд бўлмаган ва (ёки) улардан мақсадли фойдаланилмаган мақсадли маблағлар тарзидаги даромад (бундан бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланиладиган бюджет маблағлари мустасно);

27) юқоридаги бандларга киритилмаган бошқа даромадлар.

Даромадлар солиқ тўловчи томонидан олинган даромадларни тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар, шу жумладан, электрон ҳужжатлар, шунингдек, солиқни ҳисобга олишга доир ҳужжатлар асосида аниқланади.

Жами даромад ушбу бўлим мақсадларида пул, натура шаклида ва (ёки) бошқа шаклларда келиб тушган барча тушумлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ тўловчи томонидан олинган, қиймати чет эл валютасида ифодаланган даромадлар қиймати миллий валютада ифодаланган даромадлар билан биргаликда ҳисобга олинади.

Солиқ кодексига мувофиқ (305-317-моддалар) солиқ тўловчи юридик шахсларнинг **жами харажатлари** улар томонидан Ўзбекистон Республикасида ҳам, унинг ҳудудидан ташқарида ҳам ҳисобот (солиқ) даври давомида амалга оширилган (кўрилган), асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган чиқимларидан иборат. **Асосланган харажатлар** деганда баҳоси пул шаклида ифодаланган, иқтисодий жиҳатдан ўзини

оқлаган чиқимлар тушунилади. Ҳар қандай чиқимлар, башарти улар ҳеч бўлмаганда қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ келган тақдирда, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар деб эътироф этилади:

1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;

2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;

3) қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса.

Ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар деганда қуйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган чиқимлар тушунилади:

1) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар;

2) тегишли харажатлар амалга оширилган чет давлат ҳудудида қўлланиладиган тартибга мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар;

3) бошқа шаклда расмийлаштирилган, шу жумладан, хизмат сафари тўғрисидаги буйруқ, йўл ҳужжатлари, шартномага мувофиқ кўрсатилган хизмат ҳақидаги ҳисобот билан расмийлаштирилган ҳужжатлар.

Солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган (чегирилмайдиган) харажатлар деганда корхонада объектив ва субъектив сабабларга кўра вужудга келган, бироқ қонун ҳужжатларига кўра солиққа ториладиган фойдани камайтиришга олиб борилиши мумкин бўлмаган харажатлар тушунилади. Бундай харажатлар сирасига республикамизнинг янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ (317-модда «Чегириб ташланмайдиган харажатлар») қуйидаги харажатлар киради:

1) қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли орган томонидан белгиланган моддий қимматликларнинг табиий камайиши нормаларидан, улар мавжуд бўлмаганда эса, солиқ тўловчи томонидан белгиланган нормалардан ортиқча товарлар йўқолиши;

2) умумий овқатланиш корхоналарига ёки бошқа ташкилотларга жойларни текин бериш харажатлари, ушбу корхоналар ва ташкилотлар учун коммунал хизматларнинг қийматини тўлаш;

3) солиқ тўловчининг жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланган харажатлари;

4) дала (сафар) таъминоти, ходимнинг шахсий автотранспортидан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўловлар;

5) пенсияларга устамалар ва қўшимча тўловлар;

6) кўрсатилган моддий ёрдам;

7) хайрия ёрдами тарзида берилган маблағлар, бундан меценатлик кўмагини кўрсатиш учун йўналтирилган маблағлар мустасно;

8) қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалардан ортиқча тарзда атроф-муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндилар жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари;

9) лойиҳалар ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунига қадар юз берган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этишга доир харажатлар, коррозияга қарши муҳофазадаги нуқсонлар туфайли тафтиш ўтказиш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) харажатлари ҳамда ушбу харажатларнинг ўрнини камчиликлар, бузилишлар ёки зарарлар учун жавобгар бўлган маҳсулот етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан қоплаш имкони бўлмаган миқдордаги бошқа шунга ўхшаш харажатлар;

10) айбдорлари аниқланмаган талон-тарож қилишлар ва камомадлардан ёки айбдор тараф ҳисобидан зарур суммаларнинг ўрнини қоплаш имкони бўлмаган тақдирда кўрилган зарарлар;

11) бошқа шахслар учун тўланган солиқлар;

12) солиқ текширувлари натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар;

13) солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга (соғлиқни сақлашга оид, спорт ва маданий тадбирлар, дам олишни ташкил этиш ҳамда бошқа шунга ўхшаш тадбирларга) доир харажатлари, бундан тадбирларни ўтказишга доир мажбуриятлар қонун ҳужжатлари билан солиқ тўловчининг зиммасига юклатилган ҳоллар мустасно;

14) касаба уюшмалари қўмиталарига ёрдам кўрсатиш;

15) маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган хизматлар (шаҳарларни ва шаҳарчаларни ободонлаштириш бўйича хизматлар, қишлоқ хўжалигига ёрдамлашиш ва хизматларнинг бошқа турлари) кўрсатганлик учун қилинган харажатлар;

16) солиқ солинмайдиган даромад олиш билан боғлиқ харажатлар;

17) ҳақиқатда хизматлар кўрсатмасдан, товарларни жўнатмасдан туриб амалга оширилган операциялар бўйича харажатлар, агар бундай факт суднинг қонуний кучга кирган қарори билан аниқланган ва унда ушбу харажатларни амалга оширган солиқ тўловчининг номи кўрсатилган бўлса;

18) даромад олишга қаратилган фаолият билан боғлиқ бўлмаган харажатлар, агар қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай харажатларни

амалга ошириш мажбурияти солиқ тўловчининг зиммасига юклатилмаган бўлса;

19) бюджет тизимига киритилиши лозим бўлган (киритилган) пенялар, жарималар ва бошқа санкциялар;

20) сотиб олишга, ишлаб чиқаришга, қурилишга, монтаж қилишга, ўрнатишга доир ва амортизация қилинадиган активларнинг қийматига қўшиладиган бошқа харажатлар, шу жумладан, қўшимча қуриш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳолларида амалга ошириладиган, амортизация чегирмалари воситасидаги харажатлар жумласига киритиладиган харажатлар;

21) солиқ тўловчининг амортизация қилинмайдиган мол-мулкнинг бошланғич қийматига бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ киритиладиган харажатлари;

22) чегирмалар жумласига киритиш нормалари белгиланган харажатларнинг мазкур нормалар қўлланилган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган чегирманинг энг юқори суммасидан ортиқ бўлган сумма;

23) шакллантирилиши ушбу бўлимда ва (ёки) қонун ҳужжатлари талабларида назарда тутилмаган заҳираларга, заҳира фондлари ва бошқа фондларга ажратмалар, бундан Солиқ Кодекснинг 315, 316 ва 326-моддаларида назарда тутилган нормалар доирасидаги харажатлар мустасно;

24) солиқ тўловчи томонидан ҳисобланган дивидендлар суммалари;

25) солиқ тўловчи томонидан бошқа шахсларнинг фойдасига тўланадиган ихтиёрий суғурта бадаллари;

26) солиқ тўловчи томонидан солиқ солиш мақсадларида харажатлар деб эътироф этиладиган харажатларнинг суммасидан ортиқча ҳисобланган фоизлар ва айрим чиқимлар;

27) текин берилган мол-мулкнинг (хизматларнинг) қиймати ва бундай бериш билан боғлиқ бўлган (шу жумладан, қўшилган қиймат солиғи суммаси киритилган) харажатлар, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра мол-мулкни ўтказиш, шунингдек, телекоммуникация тармоқларидаги тезкор-қидирув тизимининг техник воситаларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатиш мустасно;

28) ишончли бошқарув муассисининг ишончли бошқарув шартномасини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлари, агар ишончли бошқарув шартномасига кўра муассис наф олувчи бўлмаса;

29) нотижорат ташкилотларига ва халқаро ташкилотларга тўланадиган бадаллар, йиғимлар ва бошқа тўловлар, бундан бундай бадалларни, йиғимларни ва бошқа тўловларни тўлаш қонун ҳужжатларида (шу жумладан, чет давлатларнинг қонун ҳужжатларида) назарда тутилган ва (ёки) ушбу бадалларни, йиғимларни ва бошқа тўловларни тўлаган солиқ тўловчилар томонидан фаолиятни амалга оширишнинг шарти ёхуд мазкур ташкилотлар томонидан солиқ тўловчилар ўз фаолиятини юритиши учун зарур хизматлар тақдим этишнинг шарти бўлган ҳоллар мустасно;

30) солиқ тўловчи томонидан ташкил этилган заҳира маблағлари ҳисобига амалга оширилган харажатлар, агар бундай заҳираларни ташкил этишга доир харажатлар ушбу Кодексда ёки бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чегирмалар жумласига киритилган бўлса;

31) мол-мулк нархининг пасайиш (қадрсизланиш) суммалари;

32) оддий ширкат шартномаси доирасида шериклар (иштирокчилар) томонидан шартнома шерикларининг (иштирокчиларининг) умумий мулкдаги улушни қайтариш ёки бундай мол-мулкни бўлиш чоғида кўрилган зарарлар;

33) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчиси томонидан ушбу гуруҳнинг масъул иштирокчисига солиқни (бўнак тўловларини, жорий тўловларни, пеняларни, жарималарни) ушбу Кодексда солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи учун белгиланган тартибда тўлаш учун берилган пул маблағлари, шунингдек, солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси томонидан шу гуруҳнинг иштирокчисига ушбу солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи бўйича тўланиши лозим бўлган солиқ (бўнак тўловлари, жорий тўловлар, пенялар, жарималар) суммаси аниқлаштирилиши муносабати билан берилган пул маблағлари;

34) товар-моддий қимматликларни яроқсизлиги сабабли (сақлаш муддати ўтганлиги, жисмоний ва (ёки) маънавий эскирганлиги, шунга ўхшаш бошқа сабабларга кўра) ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар, бундан фавқулодда ҳолатлар (табиий офат, ёнғин, авария, йўл-транспорт ҳодисаси ва ҳоказолар) оқибатида кўрилган зарарлар мустасно);

35) муддати ўтган ва кечиктирилган кредитлар (қарзлар) бўйича муддатли карз учун кредит шартномасида назарда тутилган ставкалардан ортиқча фоизлар;

36) ҳўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун тўланган ёки тан олинган жарималар, пенялар ва санкцияларнинг бошқа турлари.

Солиқ тўловчилар солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган ушбу харажатларни Солиқ кодексида келтирилган тартибга мувофиқ харажатларни ҳисобга олишга мўлжалланган счётлар (2010,2310,2510, 9410,9420,9430,9600)да акс эттирилган маълумотлар асосида мустақил аниқлашлари, улар суммасини фойда солиғи ҳисоб-китобининг алоҳида сатрида ҳамда унинг 2- иловасида кўрсатишлари лозим.

Инвестицион чегирмалар – бу корхоналар томонидан солиқ солинадиган фойдани камайтириш мақсадида фойдаланиши мумкин бўлган харажатлар тури. Ушбу чегирмани маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган асосий воситалар ва номоддий активларга нисбатан қўллаш мумкин. Республикамиз Солиқ кодексининг «Инвестициявий чегирма» номли 308-моддасига мувофиқ бизнес юритиш ва фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган, шунингдек, маъмурий ёки ижтимоий-маданий мақсадларда фойдаланиладиган асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича харажатларнинг капитализациясига инвестициявий чегирма назарда тутилмаган.Чунончи, бошқарув мақсадларидаги хизмат машиналари ва бино-иншоатларни харид қилиш, қуриш, реконструкциялаш ва кенгайтиришга сарфлар бўйича инвестицион чегирма қўлланилмайди.

Инвестициявий чегирма амортизация харажати деб эътироф этилади.

Инвестициявий чегирма қуйидаги миқдорда қўлланилади:

1) янги технологик ускуналар қийматининг, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва (ёки) технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш харажатларининг ва (ёки) ахборот тизимларини яратишга доир инвестиция лойиҳалари доирасида маҳаллий ишлаб чиқаришнинг дастурий таъминотини сотиб олишга йўналтириладиган маблағлар суммаларининг 10 фоизи миқдорида;

2) ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасининг 5 фоизи миқдорида.

Инвестициявий чегирма янги технологик ускунани ишга тушириш амалга оширилган ёхуд ўз ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, техник ва (ёки) технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш амалга оширилган, ишлаб чиқариш янги қурилиш шаклида кенгайтирилган, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилиш амалга оширилган, лаборатория тестларини ва синовларини ўтказиш учун комплекслар, ахборот тизимларини яратиш

бўйича инвестиция лойиҳалари доирасида маҳаллий ишлаб чиқаришнинг дастурий таъминоти сотиб олинган ҳисобот (солиқ) даврида қўлланилади.

Инвестициявий чегирмани қўллаш мақсадларида:

1) товарларни (хизматларни) ишлаб чиқариш жараёнида солиқ тўловчи томонидан фойдаланиладиган, чиқарилган кундан эътиборан уч йилдан кўп бўлмаган муддат ўтган машиналар, аппаратлар, қурилмалар, механизмлар янги технологик ускуналар деб эътироф этилади;

2) асосий воситаларнинг технологик ёки хизматга оид мўлжалланилган мақсадини ўзгартиришга, уларнинг унумдорлигини оширишга ёки бошқа сифат хусусиятларини яхшилашга қаратилган ишлар модернизация қилиш деб эътироф этилади;

3) илғор техника ва (ёки) технологияни жорий этиш асосида асосий воситаларнинг ёки уларнинг айрим қисмларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, маънан эскирган ва жисмонан ишдан чиққан ускуналарни янги, нисбатан маҳсулдор ускуналарга алмаштиришга доир комплекс тадбирлар техник ва (ёки) технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш деб эътироф этилади. Техник ва (ёки) технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлаб чиқаришларнинг янгиларини барпо этиш ва амалдагиларини кенгайтиришни ҳам ўз ичига олади;

4) ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳамда унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш, товарлар (хизматлар) сифатини яхшилаш ва (ёки) уларнинг номенклатурасини ўзгартириш мақсадида реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган, товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш учун фойдаланиладиган, мавжуд биноларни ва иншоотларни қайта қуриш ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган биноларни ва иншоотларни реконструкция қилиш деб эътироф этилади;

5) товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиш мақсадида янги биноларни ва иншоотларни қуриш ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш деб эътироф этилади.

Республикамиз Солиқ кодекси ҳамда Президентимизнинг қарорларига мувофиқ фойда солиғи бўйича қатор **имтиёзлар** назарда тутилган. Улар сирасига қуйидагилар киради:

*экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат органлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти

органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилади-ган бадаллар, хомийлик ва хайрия тариқасидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг икки фоизидан кўп бўлмаган миқдорда (ҳақиқатдаги харажатлар бўйича, бироқ солиқ солинадиган фойда суммасининг 2 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда);

*инвестицияларга йўналтириладиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойда суммасининг сумманинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда. Ушбу имтиёз суммасининг ҳисоб-китоби фойда солиғи ҳисоб-китобига 4-илова сифатида тақдим этилади;

*солиқ солинадиган фойдани ўтган солиқ даврларида олинган зарар суммасига камайтирилиши, ушбу имтиёз суммасининг ҳисоб-китоби фойда солиғи ҳисоб-китобига 7-илова сифатида тақдим этилади;

* норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фойда солиғи бўйича белгиланган бошқа имтиёзлар.

Республикамиз Солиқ кодексига мувофиқ (337-модда) қуйидаги субъектлар ва фаолият турлари фойда солиғи ноль ставкада тўланади:

- ўзи ишлаб чиқарган ўз қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган фойда бўйича Солиқ Кодексининг 57-моддасида назарда тутилган мезонларга жавоб берувчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва балиқ хўжалиги корхоналари;

- ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчи солиқ тўловчилар;

- қўшимча манбалардан даромадлар олувчи бюджет ташкилотлари;

- товарларни (ишларни) экспортга реализация қилишдан олинган фойда;

- ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари бўлган ва умумий ходимлар сонида ногиронлиги бўлган шахслар камида 50 фоизни ташкил этадиган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси меҳнатга ҳақ тўлаш умумий фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган солиқ тўловчилар;

-Ўзбекистон Республикаси Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинадиган даромадлар.

Фойда солиғи (Нф) суммаси корхонанинг солиққа тортиладиган база суммасини **(Стб)** солиқ меъёрига **(См)** кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш йўли билан топилади, яъни:

$$\text{Нф} = \text{Стб} * \text{См} : 100\%$$

Ҳисоб-китоб асосида ҳисобланган фойда солиғи суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 9810 «Даромад(фойда) солиғи бўйича харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Корхонани бюджетга фойда солиғи бўйича қарзларининг тўланишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Ҳисобот даври охирида 9800 счётнинг дебетида тўпланган солиқ тўловларининг суммалари унинг кредитида ва 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг дебетида акс эттирилади ва шу асосда фойданинг ишлатилиши ҳисоби счётлари ёпилади.

Мол-мулк солиғи ҳисоб-китоби ва ҳисоби. Ушбу солиқни тўловчилар бўлиб қуйидаги юридик шахслар ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ солиш объекти ҳисобланувчи мол-мулкка эга бўлган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари;

2) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчмас мулкка эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар.

Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлашнинг имкони бўлмаса, ушбу мулкка эгалик қилувчи ва (ёки) ундан фойдаланувчи шахс солиқ тўловчи ҳисобланади.

Агар юридик шахс кўчмас мулкни молиявий ижарага (лизинг) олган бўлса, у ҳам солиқ тўловчи деб эътироф этилади.

Мол-мулк солиғи бўйича солиқ солиш объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1) кўчмас мулк, шу жумладан, молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган кўчмас мулк (бухгалтерия ҳисобида, мос равишда, 0120 «Бино ва иншоатлар», 0310 «Ижара (лизинг) шартномаси бўйича бино ва иншоатлар» счётларида акс эттирилган кўчмас мулк объектлари);

2) тугалланмаган қурилиш объектлари. Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига ушбу қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектларнинг қурилишига ваколатли органнинг рухсати олинган ойдан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар киради (бухгалтерия ҳисобида 0810 «Тугалланмаган қурилиш» счётида акс эттирилган кўчмас мулк объектлари);

3) белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар (бухгалтерия ҳисобида Дебет 0810 «Тугалланмаган қурилиш» Кредит

0710 «Ўрнатилмаган жиҳозлар» ёзуви билан акс эттирилган асбоб-ускуналар);

Белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар жумласига монтаж қилиниши талаб этиладиган ҳамда реконструкция ва (ёки) модернизация қилинаётган объектларда лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган муддатларга мувофиқ капитал қўйилмалар ҳисобига ишга тушириладиган асбоб-ускуналар киради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида асбоб-ускуналарни ишга тушириш муддатлари бўлмаган тақдирда, буюртмачи сифатида иш кўраётган юридик шахснинг раҳбари томонидан тасдиқланган муддатлар солиқ солиш объектини белгилаш учун қабул қилинади, лекин бу муддатлар асбоб-ускуналар монтаж қилишга топширилган пайтдан эътиборан бир йилдан кўп бўлмаслиги керак.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан мулк қилиб олинган (реализация қилинган) кўчмас мулк объекти тўғрисидаги маълумотларни ушбу объектлар жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига рўйхатдан ўтказилганидан кейин ўн кун ичида маълум қилиши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган ер участкалари солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди.

Мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинадиган база бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

*кўчмас мулк бўйича - ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Кўчмас мулкнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

*норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича - тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) солиқ давридаги ҳар бир ойнинг охирги кунидаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб борувчи якун билан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг кўчмас мулк объектлари бўйича солиқ солинадиган база мазкур объектларга бўлган

мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган қиймат асосида аниқланади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчи томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилмаган фаолият турлари амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган база солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган мол-мулк ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаган тақдирда, солиқ солинадиган база фаолиятдан олинадиган соф тушумнинг умумий ҳажмида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилган соф тушумнинг солиштирма салмоғидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматига (ўртача йиллик қийматига) камайтирилади:

1) маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот объектларининг;

2) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш учун, шунингдек, ипак қурти етиштириш учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида бўлган мол-мулкнинг.

Қуйидагилар солиқдан озод қилинади:

1) ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари бўлган ва ходимларининг умумий сонида ногиронлиги бўлган шахслар камида 50 фоизни ташкил этадиган ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди меҳнатга ҳақ тўлаш умумий фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар;

2) қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортиқ бўлган) ўрнатганлик учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар, улар фойдаланишга жорий этилган пайтдан эътиборан ўн йил муддатга.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ (415-модда) мол-мулк солиғи ставкаси 2 фоиз миқдорида белгиланади.Қурилиши норматив муддатда тугалланмаган объектларга нисбатан солиқ ставкаси 4 фоиз миқдорида белгиланади. Бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек, тугалланмаган қурилиш объектларига нисбатан қонун ҳужжатларида оширилган солиқ ставкаларини белгилаш йўли билан

таъсир чоралари қўлланилиши мумкин ҳамда ушбу Кодекснинг 414-моддасида кўрсатилган солиқ имтиёзлари уларга татбиқ этилмайди.

Солиқ ставкаси қуйидагиларга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида белгиланади:

1) умумий фойдаланишдаги темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек, мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар;

2) консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектлари.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси солиқ базасидан ва тегишли солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда ҳисоблаб чиқаради.

Солиқ ҳисоботи солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги солиқ органига йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслар томонидан эса солиқ ҳисоботи давридан кейинги йилнинг 15 февралига қадар бўлган муддатда тақдим этилади.

Агар кўчмас мулк солиқ тўловчининг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойида жойлашмаган бўлса, солиқ ҳисоботи кўчмас мулк жойлашган ердаги солиқ органларига тақдим этилади.

Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар (бундан Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассасалар орқали амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслар мустасно) солиқ бўйича бўнак тўловларни тўлайди.

Бўнак тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ давринининг 10 январигача, янги ташкил қилинганлари эса, давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай солиқ органларига мўлжалланаётган солиқ базасидан (тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан (ўртача йиллик қийматидан) ва тегишли солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даври учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади. Солиқ бўйича мажбуриятлари солиқ даври мобайнида юзага келган солиқ тўловчилар солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани солиқ мажбурияти юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тақдим этади.

Ҳисоблаб чиқарилган бўнак тўловлар қуйидагича тўланади:

айланмадан солиқ тўловчилар томонидан - йиллик солиқ суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 10-кунидан кечиктирмай;

айланмадан солиқ тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар томонидан - йиллик солиқ суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай.

Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган солиқ базаси ўзгарган тақдирда солиқ тўловчи солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун бўнак тўловларга солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади.

Солиқ даври учун тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси, бўнак тўловлар ҳисобга олинган ҳолда, солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай бюджетга ўтказилади.

Солиқ даврида солиқ бўйича бўнак тўловлар суммаси солиқ ҳисоботида кўрсатилган бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан ортиқ камайтирилган тақдирда, солиқ органи бўнак тўловларни солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассасалар орқали амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан солиқ ҳар йили бир марта солиқ ҳисоботи давридан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай тўланади.

Мол-мулк солиғи ҳисоб-китобига асосан ҳар ойда ушбу солиқ суммасининг 1/12 қисмига қуйидаги ёзув қилинади:

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Мол-мулк солиғи бўйича бюджетга тўланган бўнак суммасига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Тўланган бўнак суммасининг ёпилишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Мол-мулк солиғи бўйича бюджетга қарздорлик сумманинг ўтказиб берилишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Ер солиғи ҳисоб-китоби ва ҳисоби. Ушбу солиқни тўловчилари бўлиб мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ҳисобланади.

Кўчмас мулк ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади. Бунда молиявий ижара (лизинг) шартномасига мувофиқ молиявий ижарага (лизинг) берилган (олинган) кўчмас мулк объектлари бўйича ижарага олувчи (лизинг олувчи) солиқ тўловчи деб эътироф этилади.

Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Ер солиғи бўйича солиқ солиш объекти бўлиб мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари ҳисобланади

Қуйидаги ер участкалари солиқ солиш объекти сифатида ҳисобланмайди:

1) нотижорат ташкилотлари томонидан нотижорат фаолияти доирасида фойдаланиладиган ерлар;

2) аҳоли пунктларининг, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, шохобча йўллар, суғориш тармоқлари, коллекторлар, соҳил бўйи ерлари ва бошқа шу каби умумий фойдаланишдаги ерлар);

3) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари эгаллаган ерлар;

4) аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерлар (дарахтзорлар, истироҳат боғлари, сайилгоҳлар, хиёбонлар, дам олиш уйлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмини ташкил этиш учун белгиланган жойлар, шунингдек, ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар);

5) давлат қўриқхоналарининг, комплекс (ландшафт) буюртма қўриқхоналарининг, табиат боғларининг, давлат табиат ёдгорликларининг, буюртма қўриқхоналарнинг (бундан овчилик хўжаликларида ташкил этиладиган буюртма қўриқхоналар мустасно), табиий питомникларнинг, давлат биосфера резерватларининг, миллий боғларнинг ерлари;

6) соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар - тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган, профилактика ҳамда

даволаш ишларини ташкил этиш учун қулай табиий шифобахш омилларга эга бўлган ер участкалари;

7) рекреация аҳамиятига молик ерлар - аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмини ташкил этиш учун тегишли муассасалар ҳамда ташкилотларга берилган ер участкалари;

8) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар - тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган моддий маданий мерос объектлари, хотира боғлари эгаллаган ер участкалари;

9) гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

10) юридик шахс балансида бўлган ва фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлик аҳамиятига молик алоҳида жойлашган объектлар эгаллаган ерлар;

11) коммунал-маиший аҳамиятга молик ерлар (дафн этиш жойлари, маиший чиқиндиларни йиғиш, қайтадан ортиш ва саралаш жойлари, шунингдек, чиқиндиларни зарарсизлантириш ҳамда утилизация қилиш жойлари);

12) кўп квартирали уйлар эгаллаган ерлар, бундан яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари эгаллаган ер участкалари мустасно;

13) сув фонди;

14) заҳиралар.

Қуйидагилар ер солиғи бўйича солиқ базасидир:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича - солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасининг умумий майдони;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича - солиқ солинмайдиган ер участкалари чегириб ташланган ҳолда, ер участкаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланган норматив қиймати, мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавотчилик маҳсулотлари эгаллаган ерлар учун эса - ер участкасининг умумий майдони.

Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, солиқ базаси ер участкаларига тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкасининг майдони камайтирилган тақдирда, солиқ базаси ер участкаси майдони камайтирилган ойдан эътиборан камайтирилади.

Юридик шахсларда солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқ вужудга келган тақдирда, солиқ базаси ушбу ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан камайтирилади. Солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқ бекор қилинган тақдирда, солиқ базаси ушбу ҳуқуқ тугатилганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади (кўпайтирилади).

Солиқ тўловчи солиқ тўлаш назарда тутилмаган фаолият турларини амалга оширганда, солиқ базаси солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган ер участкаси бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаганда, солиқ базаси солиқни тўлаш назарда тутилган фаолиятдан олинадиган соф тушумнинг умумий соф тушум ҳажмидаги улушидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқарувчилар қайта тикланадиган энергия манбалари (номинал қуввати 0,1 МВт ва кўпроқ) ускуналари эгаллаган ер участкалари бўйича улар ишга туширилган пайтдан эътиборан ўн йил муддатга солиқдан озод этилади.

Солиқ солинмайдиган ер участкалари жумласига қуйидаги ерлар киради:

маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш объектлари эгаллаган ерлар;

спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, оналар ва болаларнинг дам олиш ҳамда соғломлаштириш жойлари, дам олиш уйлари ҳамда ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари, шу жумладан, жамоат транспорти бекатлари ва метрополитен станциялари ҳамда уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва канализация иншоотлари (магистрал сув қувурлари, водопровод тармоқлари, канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, насос станциялари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, водопровод ва канализация тармокларидаги кузатиш қудуқлари ва дюкерлари, сув босими ҳосил қиладиган миноралар ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар);

магистрал иссиқлик трассалари, шу жумладан, насос (кўпайтирувчи, камайтирувчи, аралаштирувчи, дренаж) станциялари, иссиқ сув таъминотининг иссиқлиқни ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, иситқичлари, циркуляция насослари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

иҳота ўрмон дарахтзорлари эгаллаган ерлар. Иҳота ўрмон дарахтзорлари жумласига қуйидагилар киради: ўрмонларнинг дарёлар,

кўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақалари; ўрмонларнинг овланадиган қимматли балиқлар увилдириқ сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақалари; эрозиядан сақлайдиган ўрмонлар; ўрмонларнинг темир йўллар ва автомобиль йўллари ёқалаб ўтган иҳота минтақалари; чўл ва чала чўл зоналаридаги ўрмонлар; шаҳар ўрмонлари ва ўрмон-боғлари; шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказларининг кўкаламзорлаштирилган зоналари атрофидаги ўрмонлар; сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонлар; курорт табиий ҳудудларни санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш теграсидаги ўрмонлар; алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонлар; илмий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар;

томчилатиб суғориш қўлланиладиган ерлар - томчилатиб суғориш тизими жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга;

қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар - ваколатли орган томонидан тасдиқланган лойиҳага мувофиқ, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида;

мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган ерлар - ваколатли орган томонидан тасдиқланган лойиҳага мувофиқ, ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга;

янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дарахтларнинг катор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, уч йил муддатга. Кузда ўтказилган янги кўчатлар учун бериладиган солиқ имтиёзи муддатини ҳисоблаб чиқариш кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан бошланади, баҳорда ўтказилган кўчатлар учун эса жорий солиқ даврининг 1 январидан эътиборан бошланади;

илмий ташкилотларнинг, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлган ерлар ва ўрмон фондининг ерлари. Ушбу бандга мувофиқ илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навларнинг селекцияси ўтказилиши учун ҳамда мавзулари тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ҳамда дарахтзорлар эгаллаган ер участкалари солиқ тўлашдан озод қилинади.

Юқорида келтирилган солиқ имтиёзлари белгиланган мақсадда бевосита фойдаланилмаётган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича солиқ ставкалари 1 гектар учун мутлақ миқдорда белгиланади. Солиқ ставкаларининг аниқ миқдори Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар бўйича солиқ ставкалари қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда, мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавотчилик маҳсулотлари эгаллаган ерлар учун эса - 1 гектар учун мутлақ миқдорда белгиланади.

Қуйидагилар эгаллаган ер участкалари учун солиқ ставкасига 0,1 коэффициент қўлланилади:

*ягона иштирокчилари ногиронларнинг жамоат бирлашмалари бўлган ва ходимлар умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар ташкил этадиган ҳамда ногиронларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди меҳнатга ҳақ тўлаш умумий фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар эгаллаган ерлар;

*электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлари эгаллаган ерлар;

*умумдавлат алоқа линиялари (ҳаво ва кабелли алоқа линиялари, тиргакли линиялар ва радиофикациялар, ер ости кабелли линиялари, уларни билдирувчи сигналли ва ҳаракатсиз белгилар, радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализациялари, ер устидаги ва ер остидаги хизмат кўрсатилмайдиган кучайтиргич пунктлари, тақсимлагич шкафлар, ерга улаш контури қутилари ҳамда бошқа алоқа иншоотлари) эгаллаган ерлар;

*умумий фойдаланишдаги темир йўллар, шу жумладан, тупроқ кўтармаси, сунъий иншоотлар, линия-йўл бинолари, темир йўл алоқаси ҳамда электр таъминоти қурилмалари, иншоотлар ва йўл қурилмаларидан иборат темир йўл станциялари ҳамда саралаш жойлари, шунингдек, белгиланган тартибда темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга берилган иҳота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

*магистрал нефть ва газ қувурлари, шу жумладан, компрессор, насос станциялари, ёнғинга қарши ва аварияга қарши станциялар, қувурларни катодли ҳимоялаш станциялари уларни тармоққа улаш узеллари билан,

қувурларни тозалаш қурилмалари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар банд этган ерлар;

*самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр ёритиш ускуналари эгаллаган ерлар;

*Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш Давлат дастурларига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар - қурилишнинг норматив муддати даврида;

*консервацияга қўйилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган объектлар эгаллаган ерлар - уларнинг консервацияси даврида.

Ер участкаси мулкдорининг, ер эгасининг, ердан фойдаланувчининг ёки ижарачининг айби билан қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашган (бонитет бали пасайган) тақдирда, солиқ юридик шахслар томонидан ернинг сифати ёмонлашгунига қадар мавжуд бўлган бонитент балидан келиб чиққан ҳолда тўланади.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати яхшиланган тақдирда (бонитет бали ошганда), солиқ юридик шахслар томонидан тупроқ бонитировкаси ўтказилган йилдан кейинги йилнинг бошидан янги бонитет балидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати бўйича, агротехник тадбирлар тугаган даврларда қайта ҳисоб-китоб қилинмасдан тўланади.

Шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун солиқ қишлоқ хўжалиги ерлари учун белгиланган солиқ ставкаларининг икки баравари миқдорида тўланади.

Қурилиши тугалланмаган объектлар эгаллаган ер участкалари учун, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, солиқ икки баравар солиқ ставкалари бўйича тўланади.

Бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек, қурилиши тугалланмаган объектларга нисбатан қонун ҳужжатларида оширилган солиқ ставкаларини белгилаш йўли билан таъсир чоралари қўлланилиши мумкин ҳамда Солиқ кодексининг 428-моддасида кўрсатилган солиқ имтиёзлари уларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига ушбу қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектларнинг қурилишига

ваколатли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар киради.

Ер майдонларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг тўрт баравари миқдорида белгиланади.

Ер солиғи бўйича солиқ даври бўлиб календарь йил ҳисобланади.

Солиқ ҳар бир солиқ даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва солиқ ҳисоботи ер участкаси жойлашган ердаги солиқ органига қуйидаги муддатларга тақдим этилади:

*қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича - жорий солиқ даврининг 10 январига қадар;

*қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича - жорий солиқ даврининг 1 майига қадар.

Солиқ тўловчилар солиқни солиқ базасидан ва тегишли солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда ҳисоблаб чиқаради.

Солиқ базаси (ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси) солиқ даври мобайнида ўзгариш бўлганда юридик шахслар бир ойлик муддат ичида солиқ органига аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиши шарт.

Солиқ даври мобайнида қишлоқ хўжалиги экинзорларининг умумий майдонида ва таркибида ўзгаришлар юз берган юридик шахслар қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлари бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини жорий йилнинг 1 декабрига қадар тақдим этади.

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун солиқни тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

*айланмадан солиқ тўловчилар учун - йиллик солиқ суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида, ҳар чорак биринчи ойининг 10-кунигача;

*айланмадан солиқ тўловчи бўлмаган солиқ тўловчилар учун - йиллик солиқ суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида, ҳар ойнинг 10-кунигача.

Солиқ даври давомида солиқ тўлашнинг белгиланган муддатидан кейин мажбуриятлар юзага келганда, ушбу суммани тўлаш мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун солиқни тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар - йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;

ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар - солиқнинг қолган суммаси.

Ер солиғи ҳисоб-китобига асосан ҳар ойда ушбу солиқ суммасининг 1/12 қисмига қуйидаги ёзув қилинади:

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Ер солиғи бўйича бюджетга тўланган бўнак суммасига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Тўланган бўнак суммасининг ёпилишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Ер солиғи бўйича бюджетга қарздорлик сумманинг ўтказиб берилишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби ва ҳисоби. Ушбу солиқни тўловчилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

*Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари;

*фаолиятини Ўзбекистон Республикасида доимий муассасалари орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар;

* деҳқон хўжаликлари.

Солиқ солиш объекти бўлиб ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари ҳисобланади.

Қуйидагилар солиқ солиш объекти бўлмайди:

1) нотижорат ташкилотлар томонидан нотижорат фаолиятни амалга ошириш доирасида фойдаланиладиган сув ресурслари;

2) соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари, бундан савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

3) атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида чиқариб олинган ер ости сувлари, бундан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

4) шахтадан сувларни кочириш учун, фойдали казилмаларни казиб олиш пайтида чиқариб олинган ва катламдаги босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайта қуйиладиган ер ости сувлари, бундан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

5) гидроэлектростанциялар гидравлик турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ресурслари;

6) иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказлари томонидан қайта қуйиладиган сув ресурслари;

7) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган томонидан тасдиқланган шўрларни ювиш нормалари доирасидаги сув ресурслари.

Сув ресурсларидан фойдаланилган учун солиқ базаси бўлиб фойдаланилган сувнинг ҳажми ҳисобланади.

Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (дастлабки) ҳисоби ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбоблар кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Сувдан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сув объектларидан сув олиш лимитларидан, сувни истеъмол қилишнинг технологик ва санитария нормаларидан, экинлар ҳамда яшил дарахтзорларни суғориш нормаларидан ёки маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ тўловчилар ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари ҳажмларининг алоҳида ҳисобини юритади. Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан сув келадиган водопровод тармоғидаги сувдан фойдаланилганда, солиқ базаси манбанинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади. Сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахслар водопровод тармоғига сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан келиб тушадиган сув ҳажмларининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни солиқ органларига жорий солиқ давринининг 15 январига қадар тақдим этиши керак. Солиқ органлари уч кун ичида ушбу маълумотларни солиқ тўловчилар эътиборига етказиши лозим.

Иссиқ сув ҳамда буғ ҳосил қилиниши бўйича солиқ базаси солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ўзи фойдаланган сув ресурслари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Биноларнинг бир қисми, алоҳида иншоотлар ижарага берилганда солиқ базаси сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахс билан шартнома тузган ижарага берувчи томонидан аниқланади.

Биноларнинг бир қисмини, алоҳида иншоотларни ижарага олган ва сув етказиб беришни амалга оширувчи солиқ тўловчилар билан

шартнома тузган юридик шахслар солиқ базасини мустақил равишда аниқлайди.

Солиқ тўловчилар юридик шахслар билан сув етказиб берилиши юзасидан солиштириб кўриш жараёнида олинган сувнинг ҳажмини аниқлаштиришда сув ҳажмининг фарқини солиштириш амалга оширилган даврдаги ҳисоб-китобларда акс эттиради.

Юридик шахсларнинг ҳудудида таъмирлаш-қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажарувчи солиқ тўловчилар ушбу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун солиқ тўламайди. Таъмирлаш-қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажараётганда фойдаланиладиган сув ҳажми учун бу ишлар қайси юридик шахслар учун бажарилаётган бўлса, ўша юридик шахслар солиқ тўлайди. Қурилиш ишлари янги қурилиш майдончасида бажарилган тақдирда, қурилишда фойдаланиладиган сув ҳажми учун қурилиш ташкилоти солиқ тўлайди.

Юридик шахслар қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларга тааллуқли қисм бўйича солиқ базасини солиқ даврида бир гектар суғориладиган ерларни суғориш учун сарфланадиган сувнинг бутун хўжалик бўйича ўртача ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

Деҳқон хўжаликлари учун солиқ базаси солиқ органлари томонидан ушбу модданинг тўққизинчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ аниқланади.

Солиқ тўловчи солиқ тўлаш назарда тутилмаган фаолият турларини амалга оширган тақдирда, солиқ базаси солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган сув ресурслари ҳажмининг ҳисобини алоҳида юритиш асосида аниқланади. Алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаган тақдирда, солиқ базаси қайси фаолият бўйича солиқ тўлаш соф тушумнинг умумий ҳажмида назарда тутилган бўлса, ўша фаолиятдан олинадиган соф тушумнинг солиштирма ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Алкоголли маҳсулот ва алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун фойдаланилган сувнинг ҳажми ишлаб чиқарувчи юридик шахслар учун солиқ базаси ҳисобланади. Алкоголли маҳсулот ва алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми деганда истеъмол идишидаги тайёр маҳсулотга тўғри келадиган сувнинг ҳажми тушунилади.

Белгиланган лимитлар доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув ресурслари учун солиқ ставкалари бир куб метр учун мутлақ миқдорда белгиланади. Солиқ ставкаларининг миқдори Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан белгиланади.

Сувдан фойдаланиш учун белгиланган лимитлардан ортиқча сув олинганда, бундай ортиқча қисм бўйича солиқ ставкалари белгиланган солиқ ставкаларининг беш баравари миқдорида белгиланади.

Сув ресурсларидан рухсат берувчи ҳужжатларсиз фойдаланилганда, шунингдек, автотранспорт воситаларини ювишни амалга оширувчи корхоналар томонидан ер усти манбаларидан олинган сувдан фойдаланилганда солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг беш баравари миқдорида белгиланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ даври бўлиб календарь йил ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси солиқ базасидан ва белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Деҳқон хўжаликлари учун солиқ суммаси солиқ базасидан ва белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда солиқ органлари томонидан аниқланади.

Солиқ ҳисоботи сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш жойидаги солиқ органларига қуйидагилар томонидан йилда бир марта тақдим этилади:

*Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан, бундан қишлоқ хўжалиги корхоналари мустасно - йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

*қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан - жорий солиқ даврининг 15 декабригача;

*Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассасалар орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан - солиқ давридан кейинги йилнинг 20 январигача.

Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар солиқ бўйича бўнак тўловларни тўлайди, бундан қишлоқ хўжалиги корхоналари, Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассасалар орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар, шунингдек, деҳқон хўжаликлари мустасно.

Бўнак тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 20 январигача, янги ташкил этилганлари эса давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш жойидаги солиқ органларига мўлжалланаётган солиқ базасидан (фойдаланиладиган сув ҳажмидан) ва белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда

ҳисобланган жорий солиқ даври учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади. Солиқ бўйича мажбуриятлари солиқ даври ичида юзага келган солиқ тўловчилар солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани солиқ мажбурияти юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тақдим этади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнак тўловлар:

-солиқ даврида солиқ суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан кўпроқни ташкил этадиган юридик шахслар томонидан (бундан айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар мустасно) - ҳар ойнинг 20 санасидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида;

-солиқ даврида солиқ суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан камроқни ташкил этадиган, айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар бўлмаган юридик шахслар, шунингдек, айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан - ҳар чорак учинчи ойининг 20 санасидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида тўланади.

Солиқ даври давомида мўлжалланаётган солиқ базаси ўзгарганда, солиқ тўловчи солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. *Бунда солиқ даврининг қолган қисми* учун бўнак тўловларга солиқнинг ўзгарган суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади.

Солиқ даври учун бўнак тўловлар ҳисобга олинган ҳолда солиқни тўлаш солиқ тўловчилар томонидан, бундан деҳқон хўжаликлари мустасно, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойида, солиқ ҳисоботи тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилади.

Солиқ даври учун бўнак тўловлар суммаси солиқ ҳисоботида кўрсатилган бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан ортиқ миқдорга камайтирилган тақдирда, солиқ органи бўнак тўловларни солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоб-китоб қилади.

Деҳқон хўжаликлари томонидан солиқни тўлаш йилда бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 майигача амалга оширилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учу солиқ ҳисоб-китобига асосан ҳар ойда ҳисобланган солиқ суммасига қуйидаги ёзув қилинади:

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бюджетга тўланган бўнак суммасига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Тўланган бўнак суммасининг ёпилишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учу солиқ бўйича бюджетга қарздорлик сумманинг ўтказиб берилишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби ва ҳисоби. Ушбу солиқни тўловчилар бўлиб ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олувчи, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олувчилар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида конларни қидиришни, фойдали қазилмаларни қазиб олишни, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар солиқ солиш мақсадида ер қаъридан фойдаланувчилар деб эътироф этилади.

Солиқ солиш объекти бўлиб фойдали қазилмани қазиб олиш (ажратиб олиш) ҳажми ҳисобланади. Қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилманинг ҳажми фойдали қазилмаларнинг ҳақиқий йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Фойдали қазилманинг заҳираси қайси фойдали қазилманинг миқдорига камайтириладиган бўлса, ўша фойдали қазилманинг ҳисобланган миқдори ва фойдали қазилмани қазиб олишнинг (ажратиб олишнинг) тўлиқ технологик цикли якунлангач аниқланган, ҳақиқатда қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилма миқдори ўртасидаги фарқ фойдали қазилманинг ҳақиқий йўқотишларидир.

Солиқ солиш объекти фойдали қазилманинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

Қуйидагилар солиқ солиш объектидир:

*қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмалар (шу жумладан, бирга қўшилиб чиқадиган);

*фойдали қазилмалардан, минерал хом ашёдан, техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган фойдали компонентлар;

*саноат йўсинида дастлабки қайта ишловдан ўтказилган қазиб олинган углеводородлар шу жумладан, бирга қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва фойдали компонентлар;

*углеводородларни қайта ишлаш жараёнида ажратиб олинган, лекин олдинги қазиб олинганда ва қайта ишланганда қайта ишланадиган фойдали қазилмалар таркибида тайёр маҳсулот сифатида солиқ солинмаган фойдали компонентлар;

*ажратиб олинган қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар, шу жумладан, техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар.

Қуйидагилар солиқ солиш объекти бўлмайди:

- қатламдаги босимни сақлаб туриш ва (ёки) углеводородларни ёпиқ технологик жараён доирасида ажратиб олиш учун маҳсулдор қатламга қайта ҳайдаб киритиладиган табиий газ ҳажми;

- солиқ тўловчиларга берилган ер участкалари доирасида қазиб олинган (ажратиб олинган) ҳамда ўзининг хўжалик ва рўзғор эҳтиёжлари учун фойдаланилган кенг тарқалган фойдали қазилмалар. Кенг тарқалган фойдали қазилмалар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда дарё ўзанларини тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари натижасида қазиб олинган (ажратиб олинган) норуда фойдали қазилмалар, бундан қайта ишланган ва реализация қилинган фойдали қазилмалар ҳажми мустасно.

Солиқ базаси ер каъридан фойдаланувчи томонидан мустақил равишда ҳар бир қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмага, шу жумладан, асосий фойдали қазилмани қазиб олишда бирга чиқадиган фойдали компонентларга нисбатан аниқланади.

Солиқ базаси қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмалар ҳажмининг ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳосида ҳисоблаб чиқилган қиймати сифатида аниқланади.

Ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ҳар бир қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилма бўйича пулда ифодаланган реализация қилиш ҳажмларини (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда) уларнинг натурада ифодаланган реализация қилиш ҳажмига бўлиш орқали алоҳида аниқланади.

Ҳисобот даврида фойдали қазилма реализация қилинмаган тақдирда, солиқ базаси реализация қилиш амалга оширилган охирги ҳисобот

даврида фойдали қазилмани реализация қилишнинг ўртача олинган нархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Фойдали қазилма умуман реализация қилинмаган тақдирда, солиқ базаси ҳисобот даврида мазкур фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг (ажратиб олишнинг) ишлаб чиқариш таннархини 20 фоизга оширган ҳолда аниқланади. Бунда, солиқ тўловчи реализация қилиш амалга оширилган ўша ҳисобот даврида ҳисобланган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасига ҳисобот даврида шаклланган ўртача олинган нархидан келиб чиққан ҳолда кейинги тузатишни киритиши шарт.

Қазиб олинган фойдали қазилманинг бир қисми реализация қилиниб, қолган қисмидан ўзининг ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳолларда, фойдали қазилма бўйича солиқ базаси реализация қилинган ушбу фойдали қазилманинг ўртача олинган реализация қилиш нархидан келиб чиқиб аниқланади.

Фойдали қазилмадан ўзининг ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳолларда бундай фойдали қазилмалар учун солиқ базаси қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмани ишлаб чиқариш таннархини 20 фоизга оширган ҳолда аниқланади.

Фойдали қазилмаларни қазиб олишда (ажратиб олишда) 0 фоизли ставка бўйича солиқ солиш фойдали қазилмаларнинг норматив йўқотишларига тааллуқли қисми бўйича амалга оширилади. Фойдали қазилмаларни қазиб олишда (ажратиб олишда) конларда фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг қабул қилинган схемаси ва технологиялари билан технологик боғлиқ ҳолдаги, ваколатли орган томонидан қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда тасдиқланадиган нормалар доирасидаги йўқотишлар норматив йўқотишлардир.

Солиқ ставкалари фойдали қазилмалар турлари бўйича солиқ қонунчилиги ҳужжатлари асосида белгиланади.

Асл, рангли, ноёб ва радиоактив металларни қазиб олишни амалга оширувчи алоҳида солиқ тўловчилар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан оширилган солиқ ставкалари белгиланиши мумкин.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ даври бўлиб календарь йил ҳисобланади. Юридик шахслар учун ҳисоб даври - бир ой.

Солиқ суммаси солиқ базасидан ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Фойдали қазилмаларнинг алоҳида турлари бўйича солиқ суммаси солиқ базасидан ва белгиланган

солиқ ставкасидан, лекин белгиланган солиқ суммасидан кам бўлмаган ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ ҳисоботи солиқ ҳисобида турган жойдаги, норуда фойдали қазилмалар бўйича эса - қазиб олиш амалга оширилган жойдаги солиқ органларига юридик шахслар томонидан - ортиб борувчи якун билан ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ юридик шахслар томонидан - ҳар ойда кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай бюджетга тўланади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобига асосан ҳар ойда ҳисобланган солиқ суммасига қуйидаги ёзув қилинади:

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бюджетга тўланган бўнак суммасига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Тўланган бўнак суммасининг ёпилишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бюджетга қарздорлик сумманинг ўтказиб берилишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

16.4. Айланмадан олинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби ва ҳисоби

Айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар бўлиб солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади бир миллиард сўмдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ҳисобланади.

Айланмадан олинадиган солиқ қуйидаги юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди:

1) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб киришни (импортни) амалга оширувчи юридик шахсларга;

2) акциз солиғи тўланадиган товарларни (хизматларни) ишлаб чиқарувчи ва фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи юридик шахсларга;

3) юридик шахслар - қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига, башарти уларда эллик гектар ва ундан ортиқ суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони мавжуд бўлса;

4) бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахсларга;

5) лотореяларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсларга;

6) оддий ширкат ишларини юритиш ўз зиммасига юклатилган ишончли шахсга - оддий ширкат шартномаси доирасида амалга оширилаётган фаолият бўйича;

7) бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдори бўлган юридик шасхларга, улардан самарасиз фойдаланилаётганлиги бўйича қонунда белгиланган тартибда хулоса киритилганда;

8) марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан объектларни (жорий ва капитал таъмирлаш бундан мустасно) қуришни бажарувчи юридик шахсларга.

Солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлаш ўрнига айланмадан олинадиган солиқ тўлашни назарда тутадиган махсус солиқ режимини танлашга ҳақли.

Солиқ тўловчилар айланмадан олинадиган солиқ тўлашга навбатдаги солиқ давридан бошлаб ўтишга ҳақли. Айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтиш учун солиқ тўловчилар айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтиши тўғрисида солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда, бироқ айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтилаётган навбатдаги солиқ даври бошланишига қадар ўн кундан кечиктирмай хабардор қилади.

Солиқ тўловчиларнинг солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошганда солиқнинг ошиб кетган суммасидан айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтади.

Янги ташкил этилган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан тадбиркорлик фаолияти субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида танланган солиқ солиш тартибини кўрсатиш орқали айланмадан олинадиган солиқни тўлаш тартибини танлаш ҳуқуқига эга.

Юридик шахслар айланмадан олинадиган солиқни қўллашни қўшилган қиймат солиғини тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиш учун ва бир вақтнинг ўзида айланмадан олинадиган солиқни тўлашни рад этишга доир ариза берилган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб ихтиёрий равишда рад этишга ҳақли.

Қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ихтиёрий равишда ўтган солиқ тўловчилар, бапарти жорий солиқ даври якунлари бўйича товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган жами даромадлари бир миллиард сўмдан ошмаган бўлса, айланмадан олинадиган солиқни тўлашга камида ўн икки ойдан кейин қайта ўтишга ҳақли.

Солиқ даври давомида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган жами даромади бир миллиард сўмдан ошган солиқ тўловчилар, шу жумладан, янги ташкил этилган юридик шахслар ва янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар бундай ошиш рўй берган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Агар янги ташкил этилган юридик шахсда ёки янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад суммаси рўйхатдан ўтилган санадан то календарь йил тугагунига қадар, 365 га бўлинган ва рўйхатдан ўтилган санадан то календарь йил тугагунига қадар бўлган кунлар сонига кўпайтирилганда бир миллиард сўмга тенг суммадан ошса, у ҳолда бундай шахслар рўйхатдан ўтилган йилдан кейинги йилдан эътиборан қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Воситачилик, топшириқ шартномаси ва воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи солиқ тўловчилар, шу жумладан, телекоммуникациялар операторлари ва (ёки) провайдерларига воситачилик хизматларини кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадни реализация қилиш бўйича умумий айланмадан (битим суммаларидан) келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

Бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдори бўлган юридик шахслар, уларни самарасиз фойдаланаётганлиги бўйича хулоса киритилган ойдан

кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдорлари бўлган юридик шахслар, инвестицион лойиҳанинг амалга оширилмаганлиги тўғрисида хулоса беришга ваколати бўлган ваколатли органнинг хулосаси чиқарилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан эътиборан қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобидан объектлар қурилишини (бундан жорий ва капитал таъмирлаш мустасно) бажарувчи юридик шахслар бундай қурилишга доир шартнома расмийлаштирилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан эътиборан қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Юридик шахснинг ўз ичига товарларни (хизматларни) реализациясидан, шунингдек, асосий фаолиятдан ва молиявий фаолиятдан олинган даромадлардан иборат жами даромади солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад деганда қуйидагилар тушунилади:

*қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун - ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини реализация қилишдан олинган даромадлар. Бунда, агар юқорида қайд этилган хизматларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадлар бажарилган ҳамда тасдиқланган хизматларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги даромади сифатида белгиланади;

*мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) берувчи юридик шахслар учун - молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси;

*воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар учун - кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси;

*товарларни (хизматларни) текин берувчи юридик шахслар учун - товарларнинг (хизматларнинг) таннархи ёки уларни олиш баҳоси

(товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда). Мазкур норма экология, соғломлаштириш ҳамда хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим муассасаларига бепул бериладиган товарларга (хизматларга) нисбатан татбиқ этилмайди;

*нотижорат ташкилотларининг устав фаолиятини амалга ошириши учун мақсадли тушумлари, курсдаги ижобий фарқ суммасининг курсдаги салбий фарқ суммасидан ортиқ қисми ва аҳолининг диний мақсадда фойдаланиши учун мўлжалланган товарларни реализация қилишдан тушумларидан ташқари даромадлари.

Айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ солиш объекти бўлиб қуйидагилар ҳам ҳисобланади:

1) товарларни (хизматларни) қуйидагиларга:

а) иштирокчилар таркибидан иштирокчи чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёхуд унинг юридик шахсдаги улуши камайтирилганда ёки юридик шахс томонидан иштирокчидан унинг ушбу юридик шахсда иштирок этиш улуши (улушнинг қисми) қайтариб сотиб олинганда ушбу иштирокчига бериш;

б) юридик шахс бўлган эмитент томонидан акциядордан ушбу эмитент чиқарган акциялар қайтариб сотиб олинганда акциядорга бериш;

в) юридик шахс тугатилганда акциядорга ёки иштирокчига бериш;

2) товарларни (хизматларни) жисмоний шахс меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисобидан ёки дивиденд тўлаш ҳисобидан бериш;

3) товарларни ёки бошқа мол-мулкни қайта ишлаб бериш учун бериш, агар товарлар ва (ёки) мулк қайта ишлаш маҳсулоти сифатида шартномада белгиланган муддатда қайтарилмаган бўлса;

4) кўп марта айланадиган, сотувчига қайтарилиши шарт бўлган идишларни, агар идиш маҳсулотни шундай идишда етказиб бериш шартномасида белгиланган муддатда қайтарилмаган бўлса, бериш.

Товарларни (хизматларни) олиш ҳуқуқини тақдим этувчи ваучерларни реализация қилиш ёки бепул бериш мазкур товарларни (хизматларни) реализация қилиш деб эътироф этилади.

Узоқ муддатли шартномалар бўйича даромадлар Солиқ кодексининг 303-моддасида назарда тутилган қуйидаги тартибда жами даромад таркибига киритилади:

*агар тузилган контрактлар шартларида хизматларни босқичма-босқич топшириш назарда тутилмаган бўлса, узоқ технологик циклли ишлаб чиқариш (бир солиқ давридан ортиқ) бўйича мазкур хизматларни реализация қилишдан олинган даромад ҳисобга олиш маълумотлари

асосида даромадни бир меъёрда эътироф этиш принципи инобатга олинган ҳолда солиқ тўловчи томонидан тақсимланади.

*узоқ муддатли контрактни ҳисобот даврининг охирига келиб ҳақиқатда ижро этиш контрактни бажариш бошлангандан эътиборан қилинган харажатларнинг солиштирма миқдорини контрактни бажаришга доир харажатларнинг умумий суммасида ҳисоб-китоб қилиш асосида аниқланади.

*ҳисобот даврининг охиридаги даромад қилинган харажатларнинг ҳисоб-китоб қилинган солиштирма миқдори ва контракт бўйича даромаднинг (контракт нархлари) умумий суммасидан келиб чиқиб аниқланади. Мазкур контракт бўйича илгари ҳисобга олинган даромадлар жорий ҳисобот даврида хизматларни реализация қилишдан олинган даромадни аниқлаш чоғида чегириб ташланади.

Баланснинг валюта ҳисобварақларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги ижобий ва салбий фарқлар ўртасидаги сальдо солиқ солиш объекти деб эътироф этилади. Курсдаги салбий фарқнинг суммаси курсдаги ижобий фарқ суммасидан ортиқ бўлган тақдирда ошиб кетган сумма айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ базасини камайтирмайди.

Солиқ тўловчилар томонидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ёхуд қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи тўлаш даврида айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўттунига қадар олинган даромадлар жами даромадга киритилмайди.

Солиқ Кодексининг 463-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган жами даромад солиқ базаси деб эътироф этилади, бундан қуйидагилар мустасно:

1) Ўзбекистон Республикасининг давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларнинг халқаро облигациялари бўйича даромадлар;

2) солиқ агентида солиқ солиниши лозим бўлган дивидендлар;

3) қайтариладиган кўп марта айланадиган тара қиймати, агар унинг қиймати илгари товарларни (хизматларни) сотишдан олинадиган даромадга киритилган бўлса;

4) амортизация қилинадиган активларни тугатишда уларни қўшимча баҳолашда олинган, олдинги нархни туширишлардаги суммадан ортиқча сумма ҳисобидан олинган даромадлар;

5) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар. Мазкур даромадларга улар шаклланган даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ

солиқлар бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказилганлиги инобатга олинган ҳолда солиқ солинади;

6) товарларни (хизматларни) экспорт қилишдан олинган даромадлар, агар товарларни (хизматларни) экспорт қилишдан олинган даромадлар умумий даромаднинг 15 фоизидан кўпроғини ташкил этса.

Солиқ солинадиган база чегирмалардан ташқари қуйидагилар учун камайтирилади:

1) брокерлик ташкилотлари учун - битим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йиғими суммасига;

2) комиссия шартномаси бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар учун - товарларни импорт қилишда тўланган божхона тўловлари суммасига реализация қилинган товар улушида;

3) туризм фаолияти субъектлари учун - туристик хизматларни онлайн бронлаштириш ва сотиш учун яратилган дастурий маҳсулотларни ҳамда ахборот тизимларини жорий этишга йўналтирилган маблағлар суммасига.

Ҳисобот солиқ даврида солиқ базасини кўпайтириш ёки камайтириш даромадларга тузатиш киритиш деб эътироф этилади.

Даромадларга қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилади:

1) товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;

2) битим шартлари ўзгарганда;

3) нархлар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловлардан фойдаланганда;

4) кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда даромадларга тузатиш киритиш бир йиллик муддат доирасида, кафолат муддати белгиланган товарлар (хизматлар) бўйича эса кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Даромадларга тузатиш киритиш товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Даромадларга тузатиш киритиш кўрсатилган ҳолларга юз берган солиқ даврида амалга оширилади. Даромадларга тузатиш киритиш солиқ тўловчи умумбелгиланган солиқ солиш тартибидан айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтган ҳолларда ҳам амалга оширилади, бундан тузатиш киритиладиган даромадлар бўйича имтиёзларни қўллаш ҳоллари мустасно.

Айланмадан олинадиган солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

N	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкалари, фоизларда
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги солиқ тўловчилар, бундан 2-14-бандларда назарда тутилганлар мустасно	4
2.	Божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатадиган юридик шахслар (божхона брокерлари)	5
3.	Ломбардлар	25
4.	Концерт-томоша кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан, норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромадлар оладиган юридик шахслар	5
5.	Брокерлик идоралари (6-бандда кўрсатилганлар бундан мустасно), шунингдек, воситачилик, топшириқ шартномаси ва воситачилик хизматлари кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар, шу жумладан, телекоммуникация операторлари ва (ёки) провайдерларига воситачилик хизматларини кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар	25
6.	Суғурта агентлари, шунингдек, суғурта, қимматли қоғозлар бозори ва товар-хом ашё биржаларида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар	13
7.	Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага бериш ҳисобланган юридик шахслар (лизинг компаниялари бундан мустасно)	8
8.	*Умумий овқатланиш корхоналари*	
	жойлашган жойига қараб:	
	аҳолиси сони юз минг *нафар ва ундан кўп кишидан иборат* шаҳарларда	8
	бошқа аҳоли пунктларида	6
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	4
	Шундан	
	умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари	Жойлашган жойига қараб белгиланган солиқ ставкасининг 75%и
9.	Чакана савдо соҳасидаги солиқ тўловчилар	
9.1.	жойлашган жойига қараб:	
	аҳолиси сони юз минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	4
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1

9.2.	жойлашган жойидан қатъи назар:	
	алкоголли маҳсулотлар, тамаки маҳсулотлари, бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни реализация қилишдан товар айланмаси бўйича	4
10.	Улгуржи, шунингдек, улгуржи-чакана савдони амалга оширадиган савдо корхоналари (11-бандда кўрсатилганларидан ташқари)	4
11.	Қуйидаги жойларда жойлашган улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари:	
	аҳолиси сони юз минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	3
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1
12.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олувчи, сараловчи, сақловчи ва қадоқловчи тайёрлов ташкилотлари	товар айланмасининг 4%и ёки ялпи даромаднинг 25%и
13.	Электрон тижорат субъектларининг Миллий реестрига киритилган солиқ тўловчилар	2
14.	Ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон Чернобилчилари» ассоциацияси бўлган ва умумий сонида ногиронлар, уруш ва 1941-1945 йиллар меҳнат фронти ветеранлари 50 фоиздан кам бўлмаган ва ногиронлар, уруш ва 1941-1945 йиллар меҳнат фронти ветеранларининг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизидан кам бўлмаган солиқ тўловчилар	0

Турли солиқ солиш объектлари ва (ёки) солиқ ставкалари белгиланган бир неча фаолият тури билан шуғулланадиган солиқ тўловчилар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича солиқни тўлаши шарт.

Чакана савдо соҳасидаги мустақил юридик шахс бўлмаган турли аҳоли пунктларида жойлашган бир қанча савдо нуқталарига эга солиқ тўловчиларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Солиқ Кодекси 297-моддаси учинчи қисмининг 4, 5, 6, 10, 11, 12, 13, 14, 17, 18, 21, 22, 23, 25 ва 27-бандларида кўрсатилган даромадларга, шунингдек, фоизлар тарзидаги даромадларга солиқ тўловчининг ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича умумий жами даромадларидаги улуши

устунлик қиладиган фаолият тури учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича солиқ солинади.

Ҳисобот (солиқ) даврида Солиқ кодексининг 467-моддасининг 2-14-бандларида кўрсатилган фаолият турлари мавжуд бўлмаганда, ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган даромадларга Солиқ кодексининг 467-моддасининг 1-бандида белгиланган солиқ ставкаси бўйича солиқ солинади.

Айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ даври бўлиб календарь йил, ҳисобот даври бўлиб эса йил чораги ҳисобланади.

Ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича солиқ суммаси солиқ тўловчи томонидан мустақил аниқланади.

Ҳисобот даври якунлари бўйича солиқ суммаси солиқ даври бошидан ортиб борувчи якун билан солиқ базасининг мос солиқ ставкасига фоиз улуши сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органига қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

1) ҳисобот даври якунлари бўйича - ҳисобот давридан кейинги ойнинг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай;

2) солиқ даври якунлари бўйича - солиқ давридан кейинги даврнинг 15 февралидан кечиктирмай.

Ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича солиқни тўлаш тегишли ҳисобот (солиқ) даври учун солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

Ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз» счётида юритилади. Белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилган ягона солиқ тўлови бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 9820 «Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Пудратчи ташкилотларни бюджетга ягона солиқ тўлови бўйича қарзларининг тўланишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Мавзу бўйича таянч атамалар

Солиқлар – республикамиз Солиқ кодексида белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва

бегараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари.

Бошқа мажбурий тўловлар – республикамиз Солиқ кодексида белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек, ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан, муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи.

Бевосита солиқлар деганда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатадиган солиқлар тушунилади.

Билвосита солиқлар деганда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатмайдиган солиқлар тушунилади.

Солиқ тўловчи юридик шахслар (резидент ва норезидент шахслар) – Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, мустақил балансига ёки сметасига эга бўлган, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ҳамда уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот; чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган чет эл ташкилоти; Ўзбекистон Республикасининг, чет давлатнинг қонун ҳужжатларига ёки халқаро шартномага мувофиқ ташкил этилган халқаро ташкилот.

Солиқ солиш объекти – солиқ тўловчида солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов ҳисоблаб чиқарилиши ва (ёки) тўланиши юзасидан мажбурият келтириб чиқарувчи мол-мулк, ҳаракат, ҳаракат натижаси.

Солиқ солинадиган база – солиқ солиш объектининг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг ставкаси татбиқан белгиланган кўрсаткичлардаги қиймат, миқдор, физик ва бошқа тавсифлари.

Ставка - солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фоизлардаги ёки мутлақ суммадаги миқдори.

Ҳисоблаб чиқариш тартиби – солиқ даври учун солиқ солинадиган базадан, ставкадан, шунингдек, имтиёзлар мавжуд бўлса, шу имтиёзлардан келиб чиқиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммасини ҳисоблаш қоидалари.

Солиқ даври – у тугаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган давр.

Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби – солиқ тўловчи томонидан солиқ идорасига солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов бўйича ҳисоботни белгиланган шаклда ва муддатда тақдим этиш.

Тўлаш тартиби – солиқ тўловчи томонидан жорий давр учун ҳисобланган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар суммасини белгиланган муддатларда солиқ идораси счётига ўтказиб бериш.

Дебиторлик қарзлар – солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов бўйича солиқ органига уларнинг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар ҳисоботида кўрсатилган суммасидан кўп тўланган қисми.

Кредиторлик қарзлар – солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов бўйича солиқ органига уларнинг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар ҳисоботида кўрсатилган суммасидан кам тўланган қисми.

Солиқ имтиёзлари – Солиқ Кодексида, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан, солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти.

Молиявий санкциялар – Солиқ қонунчилиги талабларини бузганлик учун тўлашга ҳисобланган пеня ва жарималар.

Солиқ ва тўловлар ҳисоб-китоблари – Солиқ қонунчилигида белгиланган ҳисобот шакллари.

Солиқ ва тўловларга доир бухгалтерия бошланғич ҳужжатлари ва ҳисоботлари – солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни ҳисобланиши, тўланиши, улар бўйича қаздорлик суммалари, молиявий санкциялар, имтиёзлар ва бошқа ахборотларни ташувчи бошланғич ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва молиявий ҳисобот шакллари.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Акциз солиғи қандай ҳисоб-китоб қилинади унинг ҳисоби қандай юритилади?
2. ҚҚС қандай ҳисоб-китоб қилинади унинг ҳисоби қандай юритилади?
3. Фойда солиғи қандай ҳисоб-китоб қилинади унинг ҳисоби қандай юритилади?

4. Мол-мулк солиғи қандай ҳисоб-китоб қилинади унинг ҳисоби қандай юритилади?

5. Ер солиғи қандай ҳисоб-китоб қилинади унинг ҳисоби қандай юритилади?

6. Ягона ер солиғи қандай ҳисоб-китоб қилинади унинг ҳисоби қандай юритилади?

7. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ қандай ҳисоб-китоб қилинади унинг ҳисоби қандай юритилади?

8. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ қандай ҳисоб-китоб қилинади унинг ҳисоби қандай юритилади?

9. Ягона солиқ тўлови қандай ҳисоб-китоб қилинади унинг ҳисоби қандай юритилади?

Хўжалик ситуацияси № 1

Корхонанинг ҚҚС бўйича йил бошига қарзи – 10500 минг сум. Сотилган маҳсулот қиймати (ҚҚС билан бирга) – 3600 млн.сум, таъминотчилардан олинган материаллар ва хизматларга тўғри келадиган ҚҚС суммаси – 400 млн.сўм, ижарадан олинган даромад (ҚҚСсиз) 60 млн.сўм, бюджетга тўланган ҚҚС –205 млн.сўм.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги тест саволларига тўғри жавобларни топинг.

1. Корхонанинг маҳсулот сотишдан олинган ҚҚС суммаси неча сўмни ташкил этади?

а) 720 млн. сўм; б) 205 млн. сўм

в) 600 млн.сўм г) 400 млн. сўм.

2. Корхонанинг ижарадан олган ҚҚС суммаси неча сўмни ташкил этади?

а) 12 млн. сўм; б) 6 млн.сўм

в) 10 млн.сўм г) 4 млн.сўм.

3. Корхонанинг ҳисобот йилида бюджетга ҳисобланган жами ҚҚС суммаси неча сўмни ташкил этади?

а) 600 млн. сум б) 612 млн.сўм

в) 610 млн. сўм г) 720 млн. сўм

4. Корхонанинг ҳисобот йилида камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммасига қандай ёзув қилинади?

а) Дебет 4410 Кредит 6010 -600 млн. сум

б) Дебет 4410 Кредит 6010 -400 млн. сум

в) Дебет 4410 Кредит 6010 -200 млн. сум

г) Дебет 4410 Кредит 6010 - 720 млн. сўм

5. Корхонанинг ҳисобот йилида камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммасининг ёпилишига қандай ёзув қилинади?

а) Дебет 4410 Кредит 6010 -600 млн. сум

б) Дебет 6410 Кредит 6010 -400 млн. сум

в) Дебет 6410 Кредит 4410 -400 млн. сум

г) Дебет 6410 Кредит 6010 - 720 млн. сўм

6. Корхонанинг ҳисобот йилида маҳсулот сотишдан олинган ҚҚС суммасига қандай ёзув қилинади?

а) Дебет 4010 Кредит 9010 -600 млн. сум

б) Дебет 4010 Кредит 6410 -400 млн. сум

в) Дебет 4010 Кредит 6410 -600 млн. сум

г) Дебет 6410 Кредит 4010 - 600 млн. сўм

7. Корхонанинг ҳисобот йилида маҳсулот сотишдан олинган ҚҚС суммасига қандай ёзув қилинади?

а) Дебет 4010 Кредит 9010 -600 млн. сум

б) Дебет 4010 Кредит 6410 -400 млн. сум

в) Дебет 4010 Кредит 6410 -600 млн. сум

г) Дебет 6410 Кредит 4010 - 600 млн. сўм

8. Корхонанинг ҳисобот йилида ижарадан олинган ҚҚС суммасига қандай ёзув қилинади?

а) Дебет 4010 Кредит 6410 -10 млн. сум

б) Дебет 4010 Кредит 6410 -12 млн. сум

в) Дебет 4810 Кредит 6410 -12 млн. сум

г) Дебет 9350 Кредит 6410 - 12 млн. сўм

9. Корхонанинг ҳисобот йилида бюджетга тўлаши лозим бўлган ҚҚС суммаси неча сўмни ташкил этади?

а) 600 млн. сумни; б) 212 млн. сўмни;

в) 400 млн.сўмни г) 412 мян. сўмни

10. Корхонанинг ҳисобот йили охирида ҚҚС бўйича бюджет олдидаги қарзи неча сўмни ташкил этади?

а) 610,5 млн. сумни; б) 222, млн. сўмни;

в) 410,5 млн.сўмни г) 422,5 млн. сўмни

Хўжалик ситуацияси № 2

Корхона соф тушуми 5 400 000 000 сўм, сотиш таннархи – 4 000 000 000 сўм, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар 40 000 000 сўм, давр харажатлари 1 000 000 000 сўм, шундан: мол-

мулк солиғи – 60 000 000 сўм, ер солиғи -35 000 000 сўм, сув солиғи – 15 000 000 сўм, фойда солиғига қайта қўшиладиган харажатлар – 50 000 000 сўм, банк кредитлари учун фоиз тўловлари - 45 000 000 сўм, ижобий курс фарқлари – 15 000 000 сўм, салбий курс фарқлари 35 000 000 сўм, бегараз олинган мулк – 20 000 000 сўм, фойда солиғи бўйича имтиёзлар – йўқ, солиқ ставкаси -12 %.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги тест саволларига тўғри жавобларни топинг.

1.Корхона харажатларига олиб бориладиган бевосита солиқлар неча сўмни ташкил этади?

а) 60 млн. сўм; б) 95 млн.сўм

в) 110 млн. сўм г) 15 млн.сўм.

2.Корхонада ҳисобланган мол-мулк солиғи суммасига қандай ёзув қилинади?

а) Дебет 4010 Кредит 6410 -60 млн. сум

б) Дебет 9210 Кредит 6410 -60 млн. сум

в) Дебет 9430 Кредит 6410 -60 млн. сум

г) Дебет 9830 Кредит 6410 - 60 млн. сўм

3.Корхонада харажатларга олиб борилган бевосита солиқларнинг жами суммасига қандай ёзув қилинади?

а) Дебет 6410 Кредит 5110 -60 млн. сум

б) Дебет 6410 Кредит 5110 -110 млн. сум

в) Дебет 4410 Кредит 5110 -110 млн. сум

г) Дебет 4510 Кредит 5110 - 110 млн. сўм

4.Корхонанинг солиққача фойдаси неча сўмни ташкил этади?

а) 415 млн. сўм; б) 375 млн. сўм

в) 395 млн.сўм г) 325 млн.сўм.

5.Солиққа тортиладиган фойда неча сўмни ташкил этади?

а) 445 млн. сўм; б) 375 млн. сўм

в) 395 млн.сўм г) 325 млн.сўм.

6.Солиққа тортиладиган база неча сўмни ташкил этади?

а) 445 млн. сўм; б) 375 млн. сўм

в) 395 млн.сўм г) 325 млн.сўм

7. Фойда солиғи суммаси неча сўмни ташкил этади?

а) 53,4 млн. сўм; б) 45 млн. сўм

в) 47,4 млн.сўм г) 39 млн.сўм.

8. Корхонада ҳисобланган фойда солиғи суммасига қандай ёзув қилинади?

а) Дебет 9810 Кредит 6410 -53,4 млн. сум

б) Дебет 9810 Кредит 6410 -45 млн. сум
в) Дебет 9810 Кредит 6410 -47,4 млн. сум
г) Дебет 9810 Кредит 6410 - 39 млн. сўм

Хўжалик ситуацияси № 3

Корхона соф тушуми 640 000 000 сўм, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар 60 000 000 сўм, ижобий курс фарқлари – 25 000 000 сўм, салбий курс фарқлари 20 000 000 сўм, беғараз олинган мулк – 15 000 000 сўм, айланмадан солиқ тўлови (АСТ) бўйича имтиёзлар – йўқ, АСТ ставкаси -4 %.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги тест саволларига тўғри жавобларни топинг.

1. АСТ қайси гуруҳ солиқларга киради?
а) олинадиган счетларга киради;
б) харажатларга киладиган солиқларга;
в) ялпи тушумдан олинадиган солиққа;
г) билвосита солиқларга
2. Корхонанинг солиққа тортиладиган ялпи тушуми неча сўмни ташкил этади?
а) 700 млн. сўм; б) 725 млн. сўм
в) 720 млн.сўм г) 705 млн.сўм.
3. АСТ суммаси неча сўмни ташкил этади?
а) 28 млн. сўм; б) 29 млн. сўм
в) 28,8 млн.сўм г) 28,2 млн.сўм.
4. Корхонада ҳисобланган АСТ суммасига қандай ёзув киланади?
а) Дебет 9810 Кредит 6410 -28 млн. сум
б) Дебет 9810 Кредит 6410 -29 млн. сум
в) Дебет 9810 Кредит 6410 -28,8 млн. сум
г) Дебет 9810 Кредит 6410 – 28,2 млн. сўм

XVII БОБ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

17.1. Молиявий ҳисоботнинг мазмуни ва таркиби

Хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб жараёнининг охирги босқичи бўлиб ҳисобот ҳисобланади.

Ҳисобот – бу маълум даврдаги молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичларини пул бирлигида белгиланган шакл ва мазмунда ифодалаш усули.

Молиявий ҳисобот – бу корхона ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолияти кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштирган ҳисобот шакллари мажмуаси.

Молиявий ҳисобот давлат аҳамиятига молик бухгалтерия ҳужжатлари тизими ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботнинг турлари, таркиби, шакллари, тайёрланиши ва тақдим этилиши Молия Вазирлиги томонидан белгиланган Қоидалар ва Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу ҳужжатларга асосан молиявий ҳисобот чораклик, ярим йиллик ва йиллик ҳисоботларга бўлинади. Уларда маълумотлар йил бошидан ўсиб бориш тартибида кўрсатилади ва мос равишда чораклик, ярим йиллик, тўққиз ойлик ва йиллик фаолият натижаларини кўрсатади.

Молиявий ҳисоботлар шаклларини тўлдириш Тартибига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг таркиби ҳисобот даврлари бўйича ўз ичига қуйидаги ҳисобот шаклларини олади:

Ҳисобот турлари	Ҳисобот шакллари
I. **Йиллик**	1-сонли шакл «Бухгалтерия баланси» 2-сонли шакл «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» 4-сонли шакл « Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» 5-сонли шакл «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот»
II. **Ярим йиллик**	1.1-сонли шакл «Бухгалтерия баланси» 2.2-сонли шакл «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» 3.4-сонли « Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот»
III. **Чораклик**	1.1-сонли шакл «Бухгалтерия баланси» 2.2-сонли шакл «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»

Йиллик молиявий ҳисоботга қуйидаги иловалар қилинади:

• Молиявий-хўжалик фаолияти кўрсаткичларига таъсир қилган омилларни ўзида баён этувчи тушунтириш хати ва ҳисоботнинг айрим моддалари бўйича тавсифли жадваллар;

• Молиявий ҳисобот бўйича олинган холис аудиторлик хулосаси

• Молиявий ҳисоботни кўриб чиқиш якунлари ва соф фойдани тақсимлаш бўйича қарор;

• Келгуси йил учун ҳисоб сиёсати.

Кичик бизнес корхоналарида молиявий ҳисобот шакллари фақат йил якуни бўйича тузилади.

Молиявий ҳисоботнинг барча шакллари уч қисмдан иборат бўлади:

• ***Титул қисми*** – унда ҳисоботнинг номи, корхонанинг номи, адреси, банк реквизитлари, турли белгилари бўйича берилган статистик кодлари кўрсатилади.

• ***Асосий қисм*** – унда ҳисоботи берилаётган ҳисоб объектига доир йиғма маълумотлар кўрсатилади.

• ***Расмийлаштириш қисми*** – унда корхона раҳбари ва бош ҳисобчисининг фамилияси, исми-шарифи, ҳисобот тузилган сана кўрсатилади. Шунингдек, ушбу қисмга маълумотларни тўғрилиги ҳамда раҳбар ва бош ҳисобчининг имзоларини тасдиқлашга гувоҳлик берувчи корхона муҳри қўйилади.

Молиявий ҳисоботнинг реаллигига корхона раҳбари жавоб беради.

Молиявий ҳисоботни тузишда ҳисобот санаси бўлиб ҳисобот даврининг энг охирги календар куни ҳисобланади.

Ҳисобот даври бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

• Ҳисобот йилида тўлиқ янги ташкилий ўзгаришларсиз ишлаган корхоналар учун – *ҳисобот йилнинг 1 январидан шу йилнинг 31 декабр кунининг охиригача олинган давр.*

• Ҳисобот йилида тузилган корхоналар учун – *ташкил топган кунидан ҳисобот йилнинг 31 декабр кунининг охиригача бўлган давр,* 1 октябрдан кейин ташкил топган корхоналар учун –*ташкил топган кундан бошлаб кейинги йилнинг 31 декабр кунининг охиригача бўлган давр.*

• Ҳисобот йилида ўз фаолиятини тугатган корхоналар учун –*ҳисобот йилнинг бошидан тугатилган кунгача бўлган давр.*

Молиявий ҳисоботда маълумотлар минг сум ҳисобида яхлитланган ҳолда кўрсатилади. Унда тасдиқланган Қоидаларга мувофиқ маълумотларни ўчириш, бузиб тўғрилаш ҳоллари бўлмаслиги шарт.

Молиявий ҳисобот қуйидаги инстанцияларга мажбурий ҳолда топширилади:

- Солиқ идорасига;
- Банкга;
- Статистика органига.

Юқори ташкилоти бўлган корхоналар молиявий ҳисоботини унга топширишлари лозим.

Молиявий ҳисоботлар тасдиқланган Низомга мувофиқ юқорида номлари зикр этилган органларга қуйидаги муддатларда топширилиши лозим:

- Чораклик ҳисоботлар *–чоракдан кейинги ойнинг 25 санасигача бўлган муддатда;*
- Йиллик ҳисоботлар – *кейинги йилнинг 15 февралигача бўлган муддатда,* қўшма корхоналар эса *–кейинги йилнинг 15 мартигача бўлган муддатда.*
- Вазирликлар *–кейинги йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда.*

17.2. Бухгалтерия балансини тузиш

Бухгалтерия баланси (1-сон шакл) ҳисобот даврининг боши ва охирига хўжалик юритувчи субъектларнинг активлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳолатини пулда акс этувчи ҳисобот шаклидир. Бухгалтерия балансини тузиш учун жорий давр якунлангач қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

- Бош китобда очилган барча синтетик счётлар ёпилади, яъни уларнинг дебет ва кредит оборотлари суммалари жамланади ва охирги қолдиклари топилади;
- Бош китобда очилган синтетик счётларнинг бош қолдиғи, дебет оборoти, кредит оборoти ва охирги қолдиғининг уларга очилган аналитик счётларнинг (журнал-ордерлар, қайдномалар, мемориал-ордерлар, карточкалар ва бошқалар) йиғма маълумотлари (мос равишда бош қолдиқ, дебет оборот, кредит оборот, охирги қолдиқ) билан уйғунлиги таъминланади. Бундай уйғунликнинг бўлмаслиги хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттиришда хатоликларга йўл қўйилганлигидан дарак беради. Уйғунликни таъминлаш учун счётларга ёзувлар аналитик счётлар бўйича қайта текширилиб чиқилиши лозим, тегишли ҳолларда аниқликга эришиш учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати таққослама далолатномалар билан расмийлаштирилади.

• Барча моддий бойликларни акс эттирувчи счётлар бўйича ҳисоб маълумотларини аниқлиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида уларнинг давр охиридаги ҳолати инвентаризация қилинади. Бу, айниқса, пул маблағларига, товар-моддий бойликларга, шунингдек, ҳисоб-китобларга бевосита тааллуқлидир. Ҳисобот даври охиригача икки-уч ой олдин муддатда инвентаризациядан ўтказилган моддий бойликлар, масалан асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган қурилиш ишлари, бўйича инвентаризациядан кейинги маълумотлар ҳужжатлар асосида қайта кўриб чиқилади.

• Бош китобда очилган синтетик счётлар бўйича йиғма оборот қайдномаси тузилади, унда учта жуфт тенгликни (актив ва пассив счётлар бўйича мос равишдаги дебет ва кредит бош қолдиқлар, дебет ва кредит оборотлар, шунингдек, дебет ва кредит охирги қолдиқлар суммаларининг тенглиги) мавжудлиги текширилади.

Юқорида келтирилган ишлар амалга оширилгач, бевосита бухгалтерия ҳисоби счётларининг охирги қолдиқ маълумотлари бухгалтерия балансининг тегишли моддаларига Қоидага мувофиқ ўтказилади. Компьютерлаштирилган бухгалтерия ҳисоби шароитида счётларнинг маълумотлари асосида бухгалтерия баланси автоматик тарзда шаклланади. Бунинг учун компьютер хотирасида счётлар ва баланс моддалари ўртасидаги боғлиқлик классификатори, шунингдек, бундай боғлиқлик асосида баланс моддаларини шакллантириш алгоритмлари ва дастурий таъминоти мавжуд бўлиши лозим.

Бухгалтерия балансини тузиш унинг тасдиқланган шаклида келтирилган реквизитларни тўлдириш, шунингдек, унинг ҳар бир моддаси қаршисига тегишли счётларнинг давр охиридаги қолдиқ суммаларини минг сўм ҳисобида ёзиш орқали амалга оширилади. Суммаси мавжуд бўлмаган моддалар қаршисига чизиқча қўйилади. Баланс моддаларининг суммалари иккита бўлим, бўлимлар ичида эса алоҳида гуруҳлар бўйича жамланади ва улар балансниг алоҳида сатрларида кўрсатилади. Иккита бўлим бўйича жамланган суммалар балансниг охирги сатрида қўшиб ёзилади, ушбу сумма «баланс валютаси» деб аталади ва у корхонанинг барча активларининг ва барча пассивларининг умумий суммасини ифодалайди.

Бухгалтерия балансининг охирида алоҳида жадвал кўринишида балансдан ташқари счётларда ҳисобга олинадиган қимматликларнинг давр боши ва охирига мавжудлиги тўғрисида маълумотлар берилади.

Бухгалтерия балансининг сатрлари Қоидага мувофиқ қуйидаги тартибда тўлдирилади:

Сатр коди	Сатрнинг номи	Сатрни тўлдириш тартиби
	АКТИВ	
	I УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР	
010	Асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати	Асосий воситалар ҳисоби учун мўлжалланган 0110-0190 ва 0310 счётларнинг охирги дебет қолдиқ суммалари жамланади ва топилган умумий сумма акс эттирилади
011	Асосий воситаларнинг жамланган эскириш суммаси	Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби учун мўлжалланган 0210-0299 счётларнинг охирги кредит қолдиқ суммалари жамланади ва топилган умумий сумма акс эттирилади
012	Асосий воситаларнинг қолдиқ (баланс) қиймати	010-сатр суммасидан 011-сатр суммасини айириш йўли билан топилади
020	Номоддий активларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати	Номоддий активлар ҳисоби учун мўлжалланган 0410-0490-счётларнинг охирги дебет қолдиқ суммалари жамланади ва топилган умумий сумма акс эттирилади
021	Номоддий активларнинг жамланган эскириш суммаси	Номоддий активларнинг эскириши ҳисоби учун мўлжалланган 0510-0590 счётларнинг охирги кредит қолдиқ суммалари жамланади ва топилган умумий сумма акс эттирилади
022	Номоддий активларнинг қолдиқ (баланс) қиймати	020–сатр суммасидан 021-сатр суммасини айириш йўли билан топилади
030	Узоқ муддатли инвестициялар, жами	040,050,060,070,080-сатрларнинг суммаларини қўшиш йўли билан топилади
040	Қимматли қоғозлар	Қимматли қоғозларга киритилган инвестициялар ҳисоби учун мўлжалланган 0610 счётнинг дебет қолдиқ суммаси акс эттирилади
050	Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар	Шўъба хўжалик жамиятларига киритилган инвестициялар ҳисоби учун мўлжалланган 0620 счётнинг дебет қолдиқ суммаси акс эттирилади
060	Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар	Қарам хўжалик жамиятларига киритилган инвестициялар ҳисоби учун мўлжалланган 0630 счётнинг дебет қолдиқи суммаси акс эттирилади
070	Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар	Чет эл капитали мавжуд корхоналарга киритилган инвестициялар ҳисоби учун мўлжалланган 0640 счётнинг дебет қолдиқ суммаси акс эттирилади

080	Бошқа узоқ муддатли инвестициялар	Бошқа узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби учун мўлжалланган 0690 счётнинг дебет қолдиқ суммаси акс эттирилади
090	Ўрнатилмаган асбоб-ускуналар	Ўрнатилмаган асбоб-ускуналар ҳисоби учун мўлжалланган 0710 ва 0720 счётларнинг дебет қолдиқлари суммалари йиғиндиси акс эттири-лади
100	Капитал қўйилмалар	Капитал қўйилмалар ҳисоби учун мўлжалланган 0810-0890 счётларнинг дебет қолдиқлари суммаларининг йиғиндиси акс эттирилади
110	Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар	Узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ) дебиторлик қарзлар ҳисоби учун мўлжалланган 0910-0940 счётларнинг дебет қолдиқлари суммалари йиғиндиси акс эттирилади
111	Шундан: муддати ўтгани	Маълумот тариқасида 0910-0940 счётларда акс эттирилган узоқ муддатли дебиторлик қарзларнинг охирги тўлов муддати кейин 90 кундан ортиқ вақтда келиб тушмаган қисми акс эттирилади
120	Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар	Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (фойда солиғи, дисконт ва четирмалар бўйича, шунингдек, бошқа муддати узайтирилган харажатлар) ҳисоби учун мўлжалланган 0950-0990 счётларнинг дебет қолдиқлари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
130	***1-бўлим бўйича жами***	***012,022,030,090,100,110,120-сатрлар суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади***
	II ЖОРИЙ АКТИВЛАР	
140	Товар-моддий заҳиралар, жами	**150,160,170,180-сатрлар суммалари йиғиндиси кўрсатилади**
150	Ишлаб чиқариш заҳиралари	Материаллар ва бошқа ишлаб чиқариш заҳиралари ҳисоби учун мўлжалланган 1000,1100,1500,1600-счётларнинг дебет қолдиқлари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
160	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини акс эттиришга мўлжалланган 2000,2100,2300,2700-счётларнинг дебет қолдиқлари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
170	Тайёр маҳсулот	Тайёр маҳсулотлар ҳисоби учун мўлжалланган 2810-2890 счётларнинг дебет

		қолдиқлари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
180	Товарлар	Товарлар ҳисоби учун мўлжалланган 2910-2990 *счётларнинг* дебет қолдиклари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
190	Келгуси давр харажатлари	Келгиси давр харажатлари (ижара, хизматлар, обуна ва шу каби бошқа келгуси даврга тааллуқли харажатлар) ҳисоби учун мўлжалланган 3110-3190 счётларнинг дебет қолдиклари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
200	Кечиктирилган харажатлар	Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (фойда солиғи, дисконт ва чегирмалар бўйича, шунингдек, бошқа муддати узайтирилган харажатлар)нинг жорий қисмини ҳисобк учун мўлжалланган 3210-3290-*счётларнинг* дебет қолдиклари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
210	Дебиторлар, жами	**220,230,240,240,250,260,270,280,290,300,310- сатрлар суммалари йиғиндиси кўрсатилади**
211	Шуидан: муддати ўтгани	Маълумот тариқасида дебиторлик қарзларнинг муддати ўтиб кетган қисми (90 кундан ортиқ муддатда тўланмаган қисми) кўрсатилади
220	Буюртмачилар ва харидорларнинг қарзи	Харидор ва буюртмачилардан келиб тушадиган счётларни акс эттиришга мулжалланган 4000 –счётнинг дебет қолдиқ суммасидан шубҳали резервлар ҳисоби учун *мўлжалланган 4900 счётнинг* кредит қолдиқ суммаси айиришдан кейин қолган сумма кўрсатилади
230	Алоҳида ажратилган бўлинмаларнинг қарзи	Корхонанинг алоҳида бўлинмалари (филиаллари, ваколатхоналари)нинг қарзларини акс эттиришга мўлжалланган 4110-счётнинг дебет қолдиқ суммаси кўрсатилади
240	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзларини акс эттиришга мўлжалланган 4120- счетнинг дебет қолдиқ суммаси кўрсатилади
250	Ходимларга берилган бўнаклар	Ходимларга иш ҳақи, хизмат сафарлари, умумхўжалик мақсадларида берилган бўнаклар ҳисоби учун мўлжалланган 4210-

		4290 ёсчётларнинг дебет қолдиқлари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
260	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга ўтказилган бўнакларнинг ҳисоби учун мўлжалланган 4310-4390 счётларнинг дебет қолдиқлари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
270	Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари	Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича ўтказилган бўнаклар ҳисоби учун мўлжалланган 4410-счётнинг дебет қолдиқ суммаси кўрсатилади
280	Максадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари	Максадли давлат жамғармаларн ва суғурталар бўйича бўнак тўловларини ҳисби учун мўлжалланган 4510-4530 счётларнинг дебет қолдиқлари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
290	Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи	Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзларини ҳисоби учун мўлжалланган 4610-счётнинг дебет қолдиқ суммаси кўрсатилади
300	Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи	Ходимларнинг бошқа операциялар (олинган кредит ва қарзлар, камомадлар ва бошқа операциялар) бўйича қарзлари ҳисоби учун мўлжалланган 4710-4790 счётларнинг дебет қолдиқлари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
310	Бошқа дебиторлик қарзлари	Ушбу сатрда юқоридаги сатрларга кирмай колган бошқа дебиторлик қарзларни (фоизлар, дивидендлар, роялти, ижара тўловлари, жарималар ва бошқалар бўйича дебиторлик қарзлар) акс эттиришга мўлжалланган 4810-4890 счётларнинг дебет қолдиқлари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
320	Пул маблағлари, жами	
330	Кассадаги пул маблағлари	Кассадаги миллий ва чет эл валюталари ҳисоби учун мўлжалланган 5010 ва 5020 счётларнинг дебет қолдиқлари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
340	Ҳисоблашиш счётидаги пул маблағлари	Ҳисоблашиш счётидаги пул маблағлари ҳисоби учун мўлжалланган 5110 счётнинг дебет қолдиқ суммаси кўрсатилади
350	Чет эл валютасидаги пул маблағлари	Чет эл валютасидаги пул маблағларини миллий валютага расмий курслар бўйича акс эттиришга мўлжалланган 5210 ва 5220

		счётларнинг дебет қолдиқлари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
360	Бошқа пул маблағлари ва пулли эквивалентлар	Ушбу сатрда 5500,5600,5700- счётларда акс эттирилган пул маблағлари ва пулли эквивалентларнинг давр охиридаги қолдиқ суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
370	Қисқа муддатли инвестициялар	Қисқа муддатли инвестициялар ҳисоби учун мўлжалланган 5810-5830 счётларнинг дебет қолдиқлари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
380	Бошқа жорий активлар	Товар-моддий бойликлар бўйича камомадлар, ўғирликлар, етказилган зарарлардан йўқотишлар ҳисоби учун мўлжалланган 5900 счётнинг дебет қолдиқ суммаси кўрсатилади
390	*II- бўлим бўйича жами*	*140,190,200,210,320,370,380- сатрлар суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади*
400	**Баланснинг активи бўйича жами**	**130 ва 390–сатрлар суммалари йиғиндиси кўрсатилади**
	ПАССИВ	
	1. ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ МАНБАИ	
410	Устав капитали	Устав капитали ҳисоби учун мўлжалланган 8300 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
420	Қўшилган капитал	Қўшилган капитал ҳисоби учун мўлжалланган 8400 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
430	Резерв капитали	Резерв капитали ҳисоби учун мўлжалланган 8500 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
440	Сотиб олинган хусусий акциялар	Сотиб олинган хусусий акциялар ҳисоби учун мўлжалланган 8600счётнинг дебет қолдиқ суммаси манфий белги билан кўрсатилади
450	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зара)	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ҳисоби учун мўлжалланган 8710 ва 8720 счётларнинг қолдиқ суммалари йиғиндиси кўрсатилади. Агар бу йиғинди зарарни ташкил этса, у ҳолда сумма манфий белги билан кўрсатилади
460	Мақсадли тушумлар	Мақсадли тушумлар ҳисоби учун мўлжалланган 8800 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади

470	Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун заҳиралар	Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун заҳираларни акс эттирувчи 8900 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
480	***I-бўлим бўйича жами***	***410,420,430,440,450,460,470-сатрлар суммалари йиғиндиси кўрсатилади***
	II МАЖБУРИЯТЛАР	
490	***Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами***	**500,510,520,530,540,550,560,570,580,590-сатрлар суммалари йиғиндиси кўрсатилади**
491	Шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари	500,520,540,560,590-сатрлар суммалари йиғиндиси кўрсатилади
492	Шундан: муддати ўтган узоқ муддатли кредиторлик қарзлари	Маълумот тариқасида кўрсатилади
500	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз ҳисоби учун мўлжалланган 7000 счётнинг кредит қолдиқи суммаси кўрсатилади
510	Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз	Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарзлар ҳисоби учун мўлжалланган 7110 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
520	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига узоқ муддатли қарз	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига узоқ муддатли қарзлар ҳисоби учун мўлжалланган 7120 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
530	Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар	Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар ҳисоби учун мўлжалланган 7210,7230,7230 счётларнинг кредит қолдиқлари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
540	Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар	Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар ҳисоби учун мўлжалланган 7240 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
550	Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар	Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар ҳисоби учун мўлжалланган 7250,7290 счётларнинг кредит қолдиқлари суммаси йиғиндиси кўрсатилади
560	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар ҳисоби учун мўлжалланган 7300 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади

570	Узоқ муддатли банк кредитлари	Узоқ муддатли банк кредитлари ҳисоби учун мўлжалланган 7810 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
580	Узоқ муддатли қарзлар	Узоқ муддатли қарзлар ҳисоби учун мўлжалланган 7820,7830,7840 счётларнинг кредит қолдиқлари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
590	Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар	Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар ҳисоби учун мўлжалланган 7900 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
600	*Жорий мажбуриятлар, жами*	***610,620,630,640,650,660,670,680,690,700,710,720,730,740,750,760-сатрлар суммалари йиғиндиси кўрсатилади***
601	Шу жумладан, жорий кредиторлик қарзлар	610,630,650,670,680,690,700,710,720,760 сатрлар суммалари йиғиндиси кўрсатилади
602	Шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари	Маълумот тариқасида кўрсатилади
610	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарзлар ҳисоби учун мўлжалланган 6000 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
620	Ажратилган бўлинмаларга қарз	Ажратилган бўлинмаларга қарзлар ҳисоби учун мўлжалланган 6110 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
630	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарзлар ҳисоби учун мўлжалланган 6120 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
640	Кечиктирилган даромадлар	Кечиктирилган даромадлар ҳисоби учун мўлжалланган 6210,6220,6230 счётларнинг кредит қолдиқлари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
650	Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар	Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар ҳисоби учун мўлжалланган 6240 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
660	Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар	Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар ҳисоби учун мўлжалланган 6250,6290 счётларнинг кредит қолдиқлари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
670	Олинган бўнаклар	Олинган бўнаклар ҳисоби учун мўлжалланган 6300 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади

680	Бюджетга тўловлар бўйича қарз	Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар ҳисоби учун мўлжалланган 6400 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
690	Суғурталар бўйича қарз	Суғурталар бўйича қарз ҳисоби учун мўлжалланган 6510 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
700	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлар ҳисоби учун мўлжалланган 6520 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
710	Таъсисчиларга бўлган қарзлар	Таъсисчиларга бўлган қарзлар ҳисоби учун мўлжалланган 6600 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
720	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар ҳисоби учун мўлжалланган 6710 ва 6720 счётларнинг кредит қолдиклари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
730	Қисқа муддатли банк кредитлари	Қисқа муддатли банк кредитлари ҳисоби учун мўлжалланган 6810 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
740	Қисқа муддатли қарзлар	Қисқа муддатли қарзлар ҳисоби учун мўлжалланган 6820,6830,6840-счётларнинг кредит қолдиқлари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
750	Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми	Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми ҳ исоби учун мўлжалланган 6950 счётнинг кредит қолдиқ суммаси кўрсатилади
760	Бошқа кредиторлик қарзлар	Бошқа кредиторлик қарзлар ҳисоби учун мўлжалланган 6910,6920,6930,6940,6960, 6970,6980,6990 счётларнинг кредит қолдиқлари суммалари йиғиндиси кўрсатилади (6950-счётдан ташқари)
770	***II-бўлим бўйича жами***	***490 ва 600- сатрлар суммалари йиғиндиси кўрсатилади***
780	**Баланснинг пассиви бўйича жами**	**480 ва 770 – сатрлар суммалари йиғиндиси кўрсатилади**
790	Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар	1 йил муддаттача ижарага олинган асосий воситаларнинг 001 балансдан ташқари счётнинг киримига ёзилган қиймати кўрсатилади
800	Маъсул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар	002 балансдан ташқари счётнинг киримига ёзилган масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликларнинг суммаси кўрсатилади

810	Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар	003 балансдан ташқари счётнинг киримига ёзилган қайта ишлашга қабул қилинган материалларнинг қиймати кўрсатилади
820	Комиссияга қабул қилинган товарлар	004 балансдан ташқари счётнинг киримига ёзилган комиссион товарларнинг қиймати кўрсатилади
830	Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар	005 балансдан ташқари счётнинг киримига ёзилган ўрнатишга қабул қилинган ускуналарнинг қиймати кўрсатилади
840	Қатъий ҳисобот бланкалари	006 балансдан ташқари счётнинг киримига ёзилган қатъий ҳисоботи бериладиган бланкаларнинг қиймати кўрсатилади
850	Тўловга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзи	007-балансдан ташқари счётнинг киримига ёзилган тўловга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзлари суммаси кўрсатилади
860	Олинган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти	008балансдан ташқари счётда ёзилган олинган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти суммаси кўрсатилади
870	Берилган мажбуриятлар ва тўловларнинг таъминоти	009 балансдан ташқари счётда ёзилган берилган мажбуриятлар ва тўловларнинг таъминоти суммаси кўрсатилади
880	Узоқ муддатли ижара шартномасига асосан берилган асосий воситалар	010 балансдан ташқари счётда кўрсатилган узоқ муддатли ижара шартномасига асосан берилган асосий воситаларнинг қиймати кўрсатилади
890	Ссуда шартномаси бўйича олинган мулклар	011 балансдан ташқари счётда акс эттирилган ссуда шартномаси бўйича олинган мулкларнинг қиймати кўрсатилади
900	Келгуси даврларда солиқ олинадиган базадан чиқариладиган харажатлар	012 балансдан ташқари счётда акс эттирилган келгуси даврларда солиқ олинадиган базадан чиқариладиган харажатлар суммаси кўрсатилади
910	Вақтинчалик солиқ имтиёзлари	013 балансдан ташқари счётда акс эттирилган вақтинчалик солиқ имтиёзлари суммаси кўрсатилади
920	Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари	014 балансдан ташқари счётда акс эттирилган фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозларининг қиймати кўрсатилади
930	Оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият) бўйича олинган мол-мулк	015 балансдан ташқари счётда акс эттирилган оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият) бўйича олинган мол-мулк қиймати кўрсатилади

940	Фойдаланиш ҳуқуқи бўйича олинган номоддий активлар	016 балансдан ташқари счётда акс эттирилган фойдаланиш ҳуқуқи бўйича олинган номоддий активлар қиймати кўрсатилади

17.3. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботни тузиш

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг (2-сон шакл) асосий мақсади бўлиб корхонанинг ҳисобот даврларидаги даромадлари, харажатлари, фойда ва зарарлари тўғрисидаги йиғма маълумотларни акс эттириш ҳисобланади. Чунончи буидай маълумотлар ҳисоботда, мос равишда, ўтган йилнинг ва ҳисобот йилнинг мос даврлари учун кўрсатилади. Бундай тартиб мос ҳисобот даврлардаги ўзгаришлар тенденцияларини ўрганиш учун муҳим ҳисобланади.

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботни тузишга асос бўлиб корхонанинг барча даромадлари ва харажатлари, фойдани ишлатилиши ҳисоби учун мўлжалланган вақтинчалик (транзит) счётларнинг маълумотлари ҳисобланади. Қоидага мувофиқ ҳисоботнинг алоҳида сатрлари қуйидаги тартибда шакллантирилади.

Сатр коди	Сатр номи	Сатрни тўлдириш тартиби
010	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан туган соф тушум	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан тушган соф тушумни ҳисоби учун мўлжалланган 9010,9020,9030 счётларнинг кредит оборотн суммалари йиғиндисидан қайтарилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар суммаларини, берилган чегирмалар суммаларини (9040 ва 9050 счётларнинг дебет оборот суммалари) айириш орқали топилади ва даромадлар устунчасида кўрсатилади
020	Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи	Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи ҳисоби учун мўлжалланган 9110,9120,9130, 9140, 9150- счётларнинг дебет оборотн суммалари йиғиндиси харажатлар устунчасида кўрсатилади
030	**Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)**	**010 ва 020-сатрлар суммаларининг фарқи ёзилади. Ижобий фарқ олинган фойдани кўрсатади ва у даромадлар устунчасига ёзилади. Салбий фарқ сотишдан кўрилган зарарни ифодалайди ва у харажатлар устунчасига ёзилади**

040	**Давр харажатлари, жами**	**050,060,070,080- сатрларнинг суммалари йиғиндиси кўрсатилади**
	Шу жумладан:	
050	Сотиш харажатлари	Сотиш харажатлари ҳисоби учун мўлжалланган 9410 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасида кўрсатилади
060	Маъмурий харажатлар	Маъмурий харажатлар ҳисоби учун мўлжалланган 9420 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасида кўрсатилади
070	Бошқа операцион харажатлар	Бошқа операцион харажатлар ҳисоби учун мўлжалланган 9430 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасида кўрсатилади
090	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ҳисоби учун мўлжалланган 9310 – 9390 счётларнинг кредит оборот суммалари йиғиндиси даромадлар устунчасида кўрсатилади
100	**Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)**	**030 сатр – 040 сатр + 090 сатр. Фойда суммаси даромадлар устунчасида, зарар суммаси эса харажатлар устунчасида кўрсатилади**
110	**Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами**	**120,130,140,150,160-сатрлар суммалари йиғиндиси**
	Шу жумладан:	
120	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар ҳисоби учун мўлжалланган 9520 счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ёзилади
130	Фоизлар шаклидаги даромадлар	Фоизлар кўринишидаги даромадлар ҳисоби учун мўлжалланган 9530 счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ёзилади
140	Узоқ муддатли ижара (лизинг)дан даромадлар	Узоқ муддатли ижара (лизинг)дан даромадлар ҳисоби учун мўлжалланган 9550 счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ёзилади
150	Валюта курси фаркидан даромадлар	Валюта курси фаркидан даромадлар ҳисоби учун мўлжалланган 9540 счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ёзилади
160	Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари ҳисоби учун мўлжалланган 9510, 9560,9590 счётларнинг кредит оборот

		суммалари йиғиндиси даромадлар устунчасига ёзилади
170	**Молиявий фаолият бўйича харажатлар**	**190,190,200,210- сатрлар суммалари йиғиндиси харажатлар устунчасига ёзилади**
	Шу жумладан:	
180	Фоизлар шаклидаги харажатлар	Фоизлар кўринишидаги харажатлар ҳисоби учун мўлжалланган 9610- счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади
190	Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар кўринишидаги харажатлар	Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар кўринишидаги харажатлар ҳисоби учун мўлжалланган 9610 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади
200	Валюта курси фарқидан зарарлар	Валюта курси фарқидан зарарлар ҳисоби учун мўлжалланган 9620 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади
210	Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар ҳисоби учун мўлжалланган 9630, 9690 счётларнинг дебет оборот суммалари йиғиндиси харажатлар устунчасига ёзилади
220	**Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)**	**100 –сатр +110-сатр –170 сатр. Фойда суммаси даромадлар устунчасида, зарар суммаси эса харажатлар устунчасида кўрсатилади**
230	Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	Фавқулоддаги фойда ҳисоби учун мўлжалланган 9710-счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ва фавқулоддаги зарарлар ҳисоби учун мўлжалланган 9720- счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади
240	**Даромад(фойда) солиғи инн тўлагунга қадар фойда (зарар)**	**220-сатр (+ -) 230- сатр. Фойда суммаси даромадлар устунчасида, зарар суммаси эса харажатлар устунчасида кўрсатилади**
250	Фойда солиғи	Фойда солиғи ҳисоби учун мўлжалланган 9810-счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади
260	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар ҳисоби учун мўлжалланган 9820,9830-счётларнинг дебет оборот суммалари харажатлар устунчасига ёзилади
270	**Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)**	**240 –сатр – 250-сатр – 260-сатр. Фойда суммаси даромадлар устунчасида, зарар суммаси эса харажатлар устунчасида кўрсатилади**

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг алоҳида бўлими «Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот» деб аталади. Ушбу маълумотнома тўртта устунчадан иборот бўлиб, унинг 1 ва 2- устунчаларида солиқ тўловларининг номи ва сатр рақами, 3-устунчада ҳисоб бўйича тўланадиган тўловлар суммаси, 4-устунчада эса – ҳақиқатда тўланган солиқ тўловлари суммаси кўрсатилади. Маълумотноманинг ҳар бир сатрида солиқ тўловларининг алоҳида турлари бўйича ҳисобланган ва ҳақиқатда бюджетга тўланган суммалар кўрсатилади.

17.4. Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботни тузиш

Молиявий ҳисоботнинг муҳим шаклларидан яна бири бўлиб «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» (4-шакл) ҳисобланади. Халқаро таълимотда ушбу ҳисобот «Пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот» деб аталади.

Турлича номланишидан қатъий назар, ушбу ҳисоботнинг бош мақсади бўлиб корхонада ҳисобот даврида юз берган пул оқимлари, яъни уларнинг кирими ва чиқими, шунингдек, давр боши ва охиридаги ҳолати тўғрисида йиғма маълумотларни акс эттириш ҳисобланади.

Халқаро амалиётда ва республикамизда қўлланилаётган ушбу ҳисоботда пул оқимларини акс эттирувчи кўрсаткичлар корхоналарнинг пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни бевосита фаолият турлари бўйича гуруҳлашга йўналтирилган. Чунончи, 7-сон БҲХС «Пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот» ва 9-сон БҲМС «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот»га мувофиқ корхоналарнинг пул оқимларини асосан қуйидаги фаолият турлари бўйича гуруҳлаш кўзда тутилган (17.1-расмга қаранг):



17.1-расм. Корхоналарнинг фаолият турлари бўйича пул оқимлари

Ҳисоботда пул кирими ва чиқими тўғрисидаги ахборотлар ҳар бир фаолият тури бўйича уларнинг келиб тушиш манбалари ва йўналишлари бўйича акс эттирилади. Чунончи, фаолиятнинг алоҳида турларига оид пул киримининг асосий манбалари ва пул чиқимларининг асосий йўналишлари қуйидаги 17.1,17.2,17.3-жадвалларда келтирилган.

17.1-жадвал

АСОСИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ПУЛ ОҚИМЛАРИ

КИРИМ (+)	ЧИҚИМ (-)
1.ТМБларни сотишдан олинган пул Тушумлари	1.Таъминотчиларга тўловлар
2.Роялти, гонорар, воситачилик ҳақи ва бошқа тушумлар	2.Ходимларга тўланган иш ҳақи ва улар номидан тўловлар
3.Суғурта компаниясидан олинган Тушумлар	3.Тўланган солиқлар ва мажбурий ажратмалар
4.Таъминотчилардан қайтиб тушган пуллар	4.Суғурта компанияларига тўловлар
5.Қайтариб берилган солиқлар	5. Харидорлардан олинган авансларни қайтарилиши

17.2-жадвал

ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ПУЛ ОҚИМЛАРИ

КИРИМ (+)	ЧИҚИМ (-)
1. Асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий инвестициялар, тугалланмаган капитал қурилиш объектларини сотишдан олинган пул тушумлари	1. Асосий воситалар, номоддий активлар, жиҳозлар сотиб олишга ва капитал қурилиш, реконструкция, модернизация ва кенгайтиришга кетган пул маблағлари
2.Ўзгаларнинг сотиб олинган қимматли қоғозларини, таъсис бадали сифатида берилган ҳиссани, ўзга шахсларга берилган қарзларни сотишдан тушумлар	2.Молиявий инвестицияга сарфланган пул маблағлари (таъсис бадали, қимматли қоғозларни сотиб олиш, вақтинчалик кредит ва қарз бериш)
3.Киритилган молиявий инвестиция-ларнинг қайтиб келиши	
4. Олинган дивидендлар	

17.3-жадвал

МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ПУЛ ОҚИМЛАРИ

КИРИМ (+)	ЧИҚИМ (-)
1. Чиқарилган қимматли қоғозлар (акция, облигация ва бошқалар)ни сотишдан олинган пул тушумлари	1. Чиқарилган қимматли қоғозлар (акция, облигация ва бошқалар) суммаларини қайтариш ва уларни қайта сотиб олишга кетган пул маблағлари
2. Олинган кредитлар ва қарзлар	2. Олинган кредитлар ва қарзларни қайтариш
	3. Тўланган дивиденд ва фоизлар
	4. Молиявий лизинг тўлови

Ҳисоботда пул кирими ва чиқимларини фаолият турлари бўйича акс эттирилиши қайси фаолият турини корхонага кўпроқ пул маблағлари келтираётганлигини, шунингдек, уларнинг қайси бирига кўп ёки кам пул маблағлари сарфланганлигини аниқлаш имконини беради.

Ҳисоботнинг муҳим аҳамияти яна шундаки, унинг алоҳида сатрларида ҳар бир фаолият тури бўйича пул маблағларининг соф ўсиши ёки соф камайиши ҳамда пулсиз операциялар суммалари ҳам акс эттирилади.

Ҳар бир фаолият тури бўйича **соф ўсиш** деганда ушбу фаолиятга доир пул киримининг пул чиқимидан ортиқ қисми **(К>Ч), соф камайиш** деганда эса пул чиқимининг пул киримидан ортиқ қисми **(К<Ч)** тушунилади.

Пулсиз операциялар деганда пул кирими ва чиқимига олиб келмайдиган, бироқ корхона даромади ёки харажатларига таъсир кўрсатадиган операциялар тушунилади. Алоҳида фаолият турларига оид пулсиз операцияларга мисоллар қуйидаги 17.4-жадвалда келтирилган.

17.4-жадвал

Корхонанинг пулсиз операциялари

Фаолият турлари	Фаолият турига оид пулсиз операциялар
Асосий фаолият бўйича	*амортизация ажратмалари; *бартер
Инвестиция фаолияти бўйича	*қарзни бошқа актив билан қайтарилиши *қарзни эвазига берилиши;
Молиявий фаолият бўйича	*қимматли қоғозларни сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасида фарқни (четирма ёки устамаларни) ҳисобдан чиқарилиши

Халқаро амалиётда қўлланиб келинаётган 7-сон БҲХС «Пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот» ва республикамизнинг 9-сон БҲМС «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот»га мувофиқ корхоналарнинг пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботи бевосита ва билвосита усулларда тузилиши мумкин.

Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботни тузишнинг бевосита усули. Ушбу усулнинг характерли хусусиятлари сирасига қуйидагилар киради:

> пул кирими ва чиқими ҳар бир фаолият тури бўйича ҳисоботнинг алоҳида бўлимларида акс эттирилади, шунингдек, уларнинг ҳар бири бўйича соф ўсиш ёки соф камайиш суммаси кўрсатилади (мос равишда кирим ва чиқим учун ажратилган устунларда);

> пул кирими ва чиқимини аниқлашда пул маблағлари деганда кассадаги, банкдаги депозит счётлардаги ва йўлдаги пул маблағлари тушунилади;

> пул маблағлари ҳаракати пул маблағлари счётлари ўртасида юз берадиган ички алмашувларни ўз ичига олмайди;

>пул маблағлари ҳаракати пул маблағларини фақат четдан келиши ва уларнинг четга чиқиб кетишини ўз ичига олади;

> ҳисоботнинг алоҳида қаторида ҳисобот даврда барча фаолият турлари бўйича биргаликда олингандаги соф ўзгариш (кўпайиш ёки камайиш) суммаси кўрсатилади;

> пул маблағларининг *ҳисобот давр охиридаги қолдиғи* ҳисобот даври бошидаги қолдиқни соф ўзгариш суммасига тузатиш (қўшиш ёки айириш) орқали топилади.

Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботнинг алоҳида фаолият турлари бўйича бўлимлари қуйидаги тартибларга асосланган ҳолда тўлғазилади.

Асосий (операцион) фаолият бўйича

Биринчидан, асосий фаолият бўйича пул кирими ва чиқими суммаларини топиш учун ҳисобот даврида (давр боши ва давр охирида) баланс моддаларида юз берган ўзгаришлар (кўпайиш ёки камайишлар) аниқланади.

Иккинчидан, асосий (операцион) фаолият бўйича пул оқимларини ҳисоблашда уларнинг кирими ва чиқими «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»нинг уларга мос келувчи соф тушум, таннарх, давр харажатлари, солиқ тўловлари каби кўрсаткичлари билан узвий боғланади. Жумладан, пул кирими соф тушум билан, пул чиқимлари ҳисоботнинг таннарх, давр харажатлари, солиқ тўловлари каби

моддалари билан боғланади. Пул оқимларини ҳисоблашда молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг юқорида келтирилган кўрсаткичлари асос қилиб олинади ва ушбу кўрсаткичлар уларга таъсир этувчи баланс моддасида ҳисобот даври охири ва бошидаги ўзгариш суммасига тузатилади. Ушбу тузатишлар, жумладан, қуйидагича амалга оширилади:

1. Харидорлардан келиб тушган пул маблағлари суммаси (Пк) ни топиш учун молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда кўрсатилган сотишдан олинган даромад (Сд) суммаси корхона балансининг давр бошига ва охирига кўрсатилган харидорлар бўйича дебиторлик қарзларининг (Дк) кўпайиш ёки камайиш суммасига тузатилади, жумладан, дебиторлик суммасини ошиши (+Дк) пул киримларини камайтиради, аксинча, дебиторлик қарзларнинг камайиши (-Дк) эса пул киримларини кўпайтиради, яъни:

Харидорлардан тушган пул маблағлари (Пк) =	**Сотишдан олинган даромад (Сд)**	**+ Дебиторлик қарзларнинг камайиши (-Дк)** **- Дебиторлик қарзларнинг кўпайиши (+Дк)**

Мисол учун, сотишдан олинган даромад суммаси (Сд) ҳисобот йилида 500000 минг сўмни, харидорларнинг дебиторлик қарзлари баланс бўйича йил бошида 10000 минг сўмни, йил охирида эса 20000 минг сўмни ташкил этди, дейлик. У ҳолда харидорлардан келиб тушган пул маблағлари (Пк) 490000 минг сўмни ташкил этади (500000 – 10000), агар дебиторлик қарзлари йил охирида 5000 минг сўмни ташкил этганда эди, у ҳолда харидорлардан келиб тушган пул маблағлари (Пк) 505000 минг сўмни ташкил этар эди (500000+5000).

2.Таъминотчиларга ўтказилган пул маблағларининг суммасини топиш (Пчт) учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг сотиш таннархи (Ст) кўрсаткичи асос қилиб олинади ва ушбу сумма корхона балансининг давр бошига ва охирига кўрсатилган товар заҳираларининг (Тз), шунингдек, таъминотчилар олидиги кредиторлик қарзларининг кўпайиш ёки камайиш суммасига тузатилади, жумладан, товар заҳираларининг кўпайиши (+Тз) пул чиқимларини кўпайишига, товар заҳираларининг камайиши (-Тз) эса пул чиқимларини камайишига, таъминотчилар олдидаги кредиторлик қарзларнинг ошиши (+Кқ) пул чиқимларининг камайишига, аксинча, кредиторлик қарзларнинг камайиши (-Кқ) эса пул чиқимларининг кўпайишига олиб келади, яъни:

Таъминотчиларга тўланган пул маблағлари = (Пчт)	**Сотиш таннархи (Ст)**	**+ Товар заҳираларини кўпайиши (+Тз) - Товар заҳираларини камайиши (-Тз)**	**+ Кредиторлик қарзларнинг камайиши (-Кқ) - Кредиторлик қарзларнинг кўпайиши (+Кқ)**

Мисол учун, сотиш таннархи 400000 минг сўм дейлик, товар *заҳиралари* ҳисобот давр бошига 60000 минг сўм, ҳисобот давр охирига 55000 минг сўмни, таъминотчилар олидидаги қарзлар ҳисобот давр бошига 20000 минг сўм, ҳисобот давр охирига 10000 минг сўмни ташкил этди дейлик. Ушбу мисолда таъминотчиларга ўтказилган сумма молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва баланс маълумотларга кўра 405000 минг сумни (400000-5000+10000) ташкил этади.

3. Операцион харажатларга доир пул чиқимлари суммасини топиш (Птох)учун асос қилиб давр харажатлари (Дх) олинади ва топилган сумма балансниг давр *боши* ва *охиридаги келгуси* давр харажатларининг (Кдх) ва мажбуриятларнинг (М) суммаларидаги ўзгаришларга тузатилади, шунингдек, тузатишда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган амортизация ва бошқа пулсиз харажатлар (Апх) суммалари айирилиб ташланади, жумладан, келгуси давр *харажатларининг кўпайиши (+Кдх) пул чиқимларини* кўпайишига, келгуси давр харажатларининг камайиши (-Кдх) эса пул чиқимларини камайишига, ҳисобланган мажбуриятларнинг ошиши(+М) пул чиқимларининг камайишига, аксинча, ҳисобланган мажбуриятларнинг камайиши (-М) эса пул чиқимларининг кўпайишига олиб келади, яъни:

Операцион харажатлар бўйича пул = тўловлари (Птох)	**Давр *харажатлари* + (Дх)**	**+ Келгуси давр харажат*лари-нинг* кўпайиши (+Кдх) *Келгуси* давр харажатларининг *камайиши* (-Кдх)**	**+ Мажбуриятлари*нинг* камайиши (-М) - Мажбу*рият*ларни кўпайиши (+М)**	**- Амортизация ва бошқа пулсиз харажатлар (Апх)**

Мисол учун, давр харажатлари 50000 минг сўм дейлик, келгуси давр харажатлари ҳисобот давр бошига 6000 минг сўм, ҳисобот давр охирига 5000 минг сўмни, ҳисобланган мажбуриятлар ҳисобот давр бошига 2000

минг сўм, ҳисобот давр охирига 1000 минг сўмни, амортизация харажатлари 3000 минг сўмни ташкил этди дейлик. Ушбу мисолда операцион харажатларга доир пул тўловларининг суммаси молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва баланс маълумотларга кўра 47000 минг сумни (50000-1000+1000 -3000) ташкил этади.

4. Корхона фойдаси (даромади)дан олинадиган солиқлар бўйича пул тўловлари суммасини (Пчс) топиш учун асос қилиб фойда солиғи ёки ягона солиқ тўлови) молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган суммалари (Сф) олинади ва ушбу сумма балансининг давр боши ва охиридаги ушбу солиқлар бўйича қарз (Қс) суммаларидаги ўзгаришларга тузатилади, жумладан, солиқлар бўйича қарз суммасини камайиши (-Қс) пул чиқимларини кўпайишига, қарз суммасини кўпайиши (+Қс) эса пул чиқимларини камайишига олиб келади, яъни:

Фойдадан олинадиган солиқлар бўйича пул тўловлари = (Пчс)	**Фойдадан солиқлар (Сф)**	**+Солиқлар бўйича қарзларнинг камайиши (-Қс) - Солиқлар бўйича қарзларнинг кўпайиши (+Қс)**

Мисол учун, фойда солиғи молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга кўра 3000 минг сўмни, ушбу солиқ бўйича қарз суммаси ҳисобот давр бошига 600 минг сўм, ҳисобот давр охирига 500 минг сўмни ташкил этди дейлик. Ушбу мисолда фойда солиғи бўйича пул чиқимининг суммаси молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ҳисобот ва баланс маълумотларга кўра 3100 минг сумни (3000+100) ташкил этади.

Инвестиция фаолияти бўйича

Биринчидан, инвестициялардан олинган фоизлар бўйича пул тушумлари қуйидагича аниқланади.

Дивидендлар кўринишида тушган пул маблағлари (Дк) =	**Дивиденд кўринишидаги даромад (Дд)**	**+ Дивидендлар бўйича дебиторлик қарзларнинг камайиши (-Дк) - Дивидендлар бўйича дебиторлик қарзларнинг кўпайиши (+Дк)**

Иккинчидан, узоқ муддатли активларни сотиш ва инвестицияларни қайтарилишидан пул тушумлари бевосита пул маблағлари счётлари дебетидаги ёзувлар суммалари асосида аниқланади.

Учинчидан, узоқ муддатли активларни сотиб олиш ва инвестицияларга йўналтирилган пул чиқимлари пул маблағлари счётлари кредитидаги ёзувлар суммалари асосида аниқланади.

Молиявий фаолият бўйича

Биринчидан, тўланган фоизлар ва дивидендлар бўйича пул чиқимлари қуйидагича аниқланади.

Фоиз ва дивиденд кўринишида пул маблағлари чиқими (ФДч) =	**Фоиз ва дивиденд кўринишидаги харажатлар (ФДч)**	**+ Фоиз ва дивидендлар бўйича кредиторлик қарзларнинг камайиши (-Кк)** **- Фоиз ва дивидендлар бўйича кредиторлик қарзларнинг кўпайиши (+Кк)**

Иккинчидан, молиявий фаолият бўйича пул тушумлари бевосита пул маблағлари счётлари дебетида акс эттирилган олинган кредит ва қарзлар, қимматли қоғозларни чиқаришдан тушумларни ифодаловчи ёзувлар суммалари асосида аниқланади.

Учинчидан, молиявий фаолият бўйича пул чиқимлари бевосита пул маблағлари счётлари кредитида акс эттирилган олинган кредит ва қарзлар, қимматли қоғозлар қийматини қайтарилишини ифодаловчи ёзувлар суммалари асосида аниқланади.

Бевосита усулда пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот қуйида келтирилган шакл ва мазмунда тузилади (17.5-жадвалга қаранг).

17.5-жадвал

ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

(бевосита усул)Минг сўмда

Фаолият турлари	Кирим (+)	Чиқим (-)
Асосий фаолият:		
Харидорлардан тушум	450000	
Таъминотчиларга тўловлар		300000
Тўланган операцион харажатлар		50000

Фойда солиғи бўйича тушум ва тўлов		35000
Жами асосий фаолият бўйича соф ўсиш ёки камайиш	**65000**	
Инвестиция фаолияти:		
Молиявий инвестицияларни сотиш ва сотиб олиш	14500	
Олинган фоиз ва дивидендлар	6000	
Узоқ муддатли активларни сотиб олиш ва сотиш		21500
Жами инвестиция фаолияти бўйича соф ўсиш ёки камайиш		**1000**
Молиявий фаолият:		
Қарз ва кредитлар	60000	40000
Тўланган фоизлар		12500
Акцияларни чиқариш ва сотиб олиш	40000	
Тўланган дивидендлар		10000
Жами молиявий фаолият бўйича соф ўсиш ёки камайиш	**37500**	
Ҳисобот давридаги жами соф ўсиш ёки камайиш		
Ҳисобот даври бошига пул маблағлари	**15000**	
Ҳисобот даври охирига пул маблағлари	**116500**	

Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботни тузишнинг билвосита усули. Ушбу усулда ҳам бевосита (тўғри) усулдаги каби пул оқимларини ҳисоблашда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот асос қилиб олинади, лекин олдинги усулдан фарқли ўлароқ, тузатишлар ҳисоботнинг ҳар бир моддаси бўйича эмас, балким унинг энг охирги кўрсаткичи бўлган «соф фойда» бўйича амалга оширилади. Жумладан, пул оқимлари (кирим ва чиқим) суммасини топиш учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган соф фойда суммаси қуйидагиларга тузатилади:



- Облигациялар дисконтининг амортизацияси - Муддати кечиктирилган даромад солиғи бўйича мажбуриятларни ошиши - Акцияларга киритилган инвестициялардан кўрилган зарарлар - Асосий воситаларни сотишдан кўрилган зарарлар - Активларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар - Олинадиган счётларни камайиши - ТМЗ ларни камайиши - Олдиндан тўланган харажатларни камайиши - Тўланадиган счётларни кўпайиши - Ҳисобланган мажбуриятларнинг кўпайиши	- Акцияларга киритилган инвестициялардан олинган фойда - Асосий воситаларни сотишдан олинган фойда - Олинадиган счётларни кўпайиши - ТМЗ ларни кўпайиши - Олдиндан тўланган харажатларни кўпайиши - Тўланадиган счётларни камайиши - Ҳисобланган мажбуриятларни камайиши

Билвосита усулда пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот қуйида келтирилган шакл ва мазмунда тузилади (17.6-жадвалга қаранг).

17.6-жадвал

ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ
(билвосита усул)

Фаолият турлари	Кирим (+)	Чиқим (-)
Асосий фаолият:		
Соф фойда	**25000**	
+ ҳисобот даврида ҳисобланган амортизация	35000	
+ узоқ муддатли активларни сотишдан зарар		
- узоқ муддатли активларни сотишдан фойда		
+ инвестицияларни сотишдан зарар		
- инвестицияларни сотишдан фойда		
+ фоизлар кўринишидаги харажатлар		
- фоиз ва дивидендлар кўринишидаги даромад		
- олинадиган счётларни кўпайиши		

+ олинадиган счётларни камайиши	-19500	
+ олинган бўнакларнинг кўпайиши		
- олинган бўнакларнинг камайиши	-15000	
+ ТМЗнинг камайиши	10000	
- ТМЗларнинг кўпайиши		
+ тўланадиган счётларнинг кўпайиши	16200	
- тўланадиган счётларнинг камайиши		
+ келгуси давр харажатларини камайиши		
- келгуси давр харажатларини кўпайиши	1500	
+ҳисобланган мажбуриятларнинг кўпайиши	7500	
-ҳисобланган мажбуриятларнинг камайиши		
+фойда солиғи бўйича қарзнинг кўпайиши	4300	
- фойда солиғи бўйича қарзнинг камайиши		
Жами асосий фаолият бўйича соф ўсиш ёки камайиш	**65000**	
Инвестиция фаолияти:		
Молиявий инвестицияларни сотиш ва сотиб олиш	14500	
Олинган фоиз ва дивидендлар	6000	
Узоқ муддатли активларни сотиб олиш ва сотиш		21500
Жами инвестиция фаолияти бўйича соф ўсиш ёки камайиш		**1000**
Молиявий фаолият:		
Кредит ва қарзлар	60000	40000
Тўланган фоизлар		12500
Акцияларни чиқариш ва сотиб олиш	40000	
Тўланган дивидендлар		10000
Жами молиявий фаолият бўйича соф ўсиш ёки камайиш	**37500**	
Ҳисобот давридаги жами соф ўсиш ёки камайиш		
Ҳисобот даври бошига пул маблағлари	**15000**	
Ҳисобот даври охирига пул маблағлари	**116500**	

17.5. Хусусий капитал тўғрисида ҳисоботни тузиш

«Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот»нинг (5-шакл) бош мақсади бўлиб корхонада ҳисобот даврида хусусий капитал элементларида юз берган ўзгаришлар, яъни уларнинг кўпайиши ва камайиши, шунингдек, давр боши ва охиридаги ҳолати тўғрисида йиғма маълумотларни акс эттириш ҳисобланади.

Халқаро амалиётда ва республикамизда қўлланилаётган ушбу ҳисоботда хусусий капиталнинг давр бошидаги ҳолати ҳамда улардаги ўзгаришлар (кўпайиши ва камайиши) уларнинг турлари тўғрисидаги маълумотлар мужассамлаштирилади.

Ушбу ҳисоботни тузишга асос бўлиб хусусий капитал элементлари ҳисоби учун мўлжалланган счётлар маълумотлари асос бўлади. Ҳисоботнинг биринчи қаторида барча хусусиий капитал элементларини акс эттирувчи счётларнинг йил бошидаги қолдиғи кўрсатилади. Ҳисоботнинг кейинги қаторларида унинг элементларида кўпайиш ва камайиш томонга юз берган ўзгаришлар тегишли устунчаларда кўрсатилади. Ҳисоботнинг охирги қаторида барча хусусиий капитал элементларини акс эттирувчи счётларнинг йил охиридаги қолдиғи кўрсатилади (17.7-жадвалга қаранг).

17.7-жадвал

Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот

Показатели	Устав капитали	Резерв капитали	Тақсимланмаган фойда	Жами
1.01.201_ йилга сальдо	**2 270 570,00**	**567 693,00**	**1 118 828,00**	**3 957 091,00**
201_ йил фойдаси			1 113 324,00	1 113 324,00
Устав капитали тақсимланмаган фойда ҳисобидан ошиши	732 830,00		-732 830,00	**0,00**
Резерв капиталини кайта бахолаш хисобидан купайиши		180 976,00		**180 976,00**
Резерв капиталини кайта бахолаш хисобидан камайиши		-4 773,00		**-4 773,00**
Резерв капиталига фойдадан ажратма		64 460,00	-64 460,00	**0,00**
201_ йил учун эълон килинган дивидендлар			-276 313,00	**-276 313,00**
Фойдани бошка максадларда ишлатилиши			-28 416,00	**-28 416,00**
31.12.201_ га сальдо	**3 003 400,00**	**808 356,00**	**1 130 133,00**	**4 941 889,00**

17.6. Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар ва иловалар

Ҳам халқаро амалиётда, ҳам миллий амалиётда қўлланилаётган молиявий ҳисобот айрим изоҳ ва тушунтиришлар талаб қиладиган маълумотларни ўз ичига олади. Чунончи бухгалтерия балансига доир бундай маълумотлар тўртта гуруҳга бўлинади:

1. Баҳоланган мажбуриятлар ва шартли мажбуриятлар.
2. Корхонанинг ҳисоб сиёсати.
3. Айрим хўжалик ситуациялари.
4. Баланс санасидан кейинги ҳодисалар.

Баҳоланган мажбуриятлар – бу келгусида келиб тушиши билан ёки келиб тушмаслиги билан тасдиқланадиган мажбурият. Баҳоланган мажбурият ўтган ҳодисалар натижаси ҳисобланади, у келгусида иқтисодий нафни кетишига олиб келади. Шунингдек,, ишончли ўлчанилиши лозим.

Шартли мажбурият – бу ўлчаб бўлмайдиган, аниқ ҳужжат билан тасдиқланмайдиган, ҳали рўй бермаган операциялар учун чамаланган мажбуриятдир. Бундай мажбуриятлар балансда акс эттирилмайди.

Ҳисоб сиёсати – бу бухгалтерия балансининг алоҳида моддаларида акс эттириладиган суммаларига изоҳ бериш тартиблари мажмуаси.

Аниқ хўжалик ситуациялари – бу мажбуриятлар қайси даврга тегишлилигини, нима учунлигига изоҳ берувчи ва уларни ифодаловчи ҳолатлар. Масалан, ҳисобланган дивидендлар суммасини тўланилишини ёки солиқ бўйича берилган имтиёзларни берилганлигини ёки кечиктирилганлигини изоҳлаш.

Баланс санасидан кейинги ҳодисалар – бу келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб балансни эълон қилиниш санасигача юз берадиган воқеалардир. Балансни эълон қилиш санаси деганда, уни тегишли органларга (давлат солиқ идорасига) топшириш тушинилади.

Баланс санасидан кейинги санадан кейинги ҳодисалар унда акс эътирилишига кўра иккита турга бўлинади:

1. Баланс ҳисоботига киритиладиган ҳодисалар.
2. Балан ҳисоботига киритилмайдиган ҳлдисалар.

Баланс ҳисоботига киритиладиган ҳодисалар деганда мазмун моҳияти бўйича ўтган ҳисобот даврига тегишли бўлган, амалга оширилган жараёнлар натижаси ҳисобланган, шунингдек, улар тўғрисида 1 санадан кейин балансни эълон қилиш санасига тегишли ҳужжати келиб тушган воқеликлар тушунилади. Масалан, ҳисобот йили охирида корхонанинг айрим дебиторларининг банкротликка учраганлиги ҳақидаги

хабар, суднинг ўтган йилга тегишли айрим даъволар бўйича ижро ҳужжатлари ва бошқалар. Бундай мазмун ва характердаги ҳодисалар ўтган ҳисобот даври учун тузиладиган ҳисоботга киритилиши ҳамда изоҳланиши лозим.

Баланс ҳисоботига киритилмайдиган ҳодисалар деганда мазмун моҳияти бўйича ўтган ҳисобот даврига тегишли бўлмаган, ҳақиқатдан ҳам кейинги йилнинг 1 санасидан балансни эълон қилиш санасигача юз берган жараёнлар натижаси ҳисобланган, шунингдек, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган воқеликлар тушунилади. Масалан, 1 санадан кейин юз берган ёнғин, сув тошқини, содир этилган ўғирлик ва бошқалар. Бундай мазмун ва характердаги ҳодисалар ўтган ҳисобот даври учун тузиладиган ҳисоботга киритилмаслиги лозим, шунингдек, уларнинг изоҳи берилиши шарт эмас.

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботга доир изоҳ талаб қиладиган маълумотлар маълумотлар сирасига қуйидагилар киради:

1. ТМЗ қийматини уларнинг соф сотиш қийматига етказиш бўйича кўрилган зарарлар.

2. Асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобдан чиқариш бўйича кўрилган зарарлар.

3. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қайта баҳоланишидан кўрилган даромад ва харажатлар.

4. Инвестицияларнинг чиқиб кетишидан кўрилган даромад ва харажатлар.

5. Тугатилаётган фаолиятнинг молиявий натижаси ва фойда солиғига таъсири.

6. Суд жараёнидаги жараёнларнинг молиявий натижалар кўрсаткичларига таъсири.

7. Фавқулоддаги фойда ва зарарлар.

Молиявий ҳисобот шаклларига қўшимча тарзда бериладиган маълумотлар қўйидаги усуллар асосида очиб берилади: (1) тушунтириш хати; (2) изоҳ; (3) тафсилотнома (расшифровка); (4) контур моддалар.

Тушунтириш хати – бу баланс ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг айрим моддаларида келтирилган суммаларини асослаш. Чунончи, балансда ТМЗ лар қайси усулда баҳоланганлиги, молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг айрим моддаларида келтирилган суммаларини, масалан тугатилаётган фаолият, унинг молиявий натижаси, жами соф фойдага ва 1 та акцияга тўғри келувчи фойдага таъсири очиб берилади.

Изоҳ – фақат изоҳ талаб қиладиган моддалар бўйича берилади. Масалан, баланс бўйича сотиб олинган хусусий акциялар сони, молиявий

натижалар тўғрисида ҳисобот бўйича фавқулоддаги фойда ва зарарлар, акциялар, облигацияларни қўшимча чиқариш, уларни қайта баҳолаш натижалари очиб берилади.

Тафсилотнома (расшифровка), одатда, молиявий ҳисоботининг у ёки бу моддасига киритилган суммаларнинг очиб берилиши. Тафсилотномалар (расшифровкалар), одатда, жадвал кўринишида бўлади. Масалан, балансда келтирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари суммалари жадвал кўринишида корхоналар бўйича вужудга келган саналари бўйича келтирилади. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда келтирилган асосий бўлмаган фаолиятдан даромад ва харажатлар, сотиш, бошқариш ва бошқа операцион харажатларнинг умумий суммалари жадвал кўринишида даромад ва харажат гуруҳлари кесимида уларнинг моддалари бўйича келтирилади.

Контур моддалар – бу асосий счётларда акс эттирилган суммани қамайтирилишига олиб борувчи моддаларга тегишли эканлигини изоҳлаб бериш.

Мавзуга оид таянч атамалар

Ҳисобот – бу маълум даврдаги молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичларини пул бирлигида белгиланган шакл ва мазмунда ифодалаш усули.

Молиявий ҳисобот – бу *корхона ва ташкилотларнинг молиявий*-хўжалик фаолияти кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштирган ҳисобот шакллари мажмуаси.

Ҳисоботнинг титул қисми – ҳисоботнинг номи, корхонанинг номи, адреси, банк реквизитлари, турли белгилари бўйича берилган статистик кодлари кўрсатиладиган қисм.

Ҳисоботнинг асосий қисми – ҳисоботи берилаётган ҳисоб объектига доир йиғма маълумотлар жадвал кўринишида кўрсатиладиган қисм.

Ҳисоботнинг расмийлаштириш қисми – корхона раҳбари ва бош ҳисобчисининг фамилияси, исми-шарифи, ҳисобот тузилган сана ҳамда маълумотлар тўғрилигини тасдиқловчи раҳбар ва бош ҳисобчининг имзолари ва корхона муҳри қўйиладиган қисм.

Ҳисобот даври – ҳисобот йилнинг 1 январидан шу йилнинг 31 декабр кунининг охиригача олинган давр.

Пул оқимлари – бу корхонада *пул маблағларининг кирими* ва чиқими.

Пул маблағларининг соф ўсиши – у ёки бу фаолиятга доир пул киримининг пул чиқимидан ортиқ қисми.

Пул маблағларининг соф камайиши – у ёки бу фаолиятга доир пул чиқимининг пул киримидан ортиқ қисми.

Пулсиз операциялар – пул киримн ва чиқимига олиб келмайдиган, бироқ корхона даромади ёки харажатларига таъсир кўрсатадиган операциялар.

Баҳоланган мажбуриятлар – бу келгусида келиб тушиши билан ёки келиб тушмаслиги билан тасдиқланадиган мажбурият.

Шартли мажбурият – бу ўлчаб бўлмайдиган, аниқ ҳужжат билан тасдиқланмайдиган, ҳали рўй бермаган операциялар учун чамаланган мажбуриятдир.

Аниқ хўжалик ситуациялари – бу мажбуриятлар қайси даврга тегишлилигини, нима учунлигига изоҳ берувчи ва уларни ифодаловчи ҳолатлар.

Баланс санасидан кейинги ҳодисалар – бу келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб балансни эълон қилиниш санасигача юз берадиган воқеалардир.

Балансни эълон қилиш санаси – бу уни тегишли органларга (давлат солиқ идорасига) топшириш санаси.

Баланс ҳисоботига киритиладиган ҳодисалар – мазмун моҳияти бўйича ўтган ҳисобот даврига тегишли бўлган, амалга оширилган жараёнлар *натижаси ҳисобланган, шунингдек, улар тўғрисида 1 санадан кейин* балансни эълон қилиш санасига тегишли ҳужжати келиб тушган воқеликлар.

Баланс ҳисоботига киритилмайдиган ҳодисалар – мазмун моҳияти бўйича ўтган ҳисобот даврига тегишли бўлмаган, ҳақиқатдан ҳам кейинги йилнинг 1 санасидан балансни эълон қилиш санасигача юз берган жараёнлар натижаси ҳисобланган, шунингдек, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган воқеликлар.

Тушунтириш хати – бу баланс ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг айрим моддаларида келтирилган суммаларини асослаш.

Тафсилотнома (расшифровка) – молиявий ҳисоботининг у ёки бу моддасига киритилган суммаларнинг очиб берилиши.

Контур моддалар – бу асосий счётларда акс эттирилган суммани камайтирилишига олиб борувчи моддаларга тегишли эканлигини изоҳлаб бериш.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Бухгалтерия баланси қандай тузилади?
2. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот қандай тузилади?
3. Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот қандай тузилади?
4. Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот қандай тузилади?
5. Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар қандай шакл ва мазмунда берилади?

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Чораклик ҳисоботга киради:

а) Бухгалтерия баланси

б) Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот

в) Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот

г) а ва б жавобда келтирилган ҳисобот шакллари

2. Ярим йиллик ҳисоботга киради:

а) Бухгалтерия баланси

б) Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот

в) Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот

г) а, б ва в жавобда келтирилган ҳисобот шакллари

3.Микрофирма ва кичик корхоналар молиявий ҳисоботнинг қуйидаги шаклларини тузадилар?

а) Бухгалтерия баланси

б) Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот

в) Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот

г) а ва в жавобда келтирилган ҳисобот шакллари

4.Микрофирма ва кичик корхоналар молиявий ҳисоботни тузади:

а) ҳар ойда

б) ҳар чоракда

в) ҳар ярим йилда

г) йил якуни бўйича

4.Йиллик ҳисобот топширилади:

а) 1 февралгача

б) 15 февралгача

в) 1 мартгача

г) 1 майгача

5.Корхона устав капитали балансниг қайси томони ва бўлимида акс эттирилади

а) Актив, 1-бўлимда

б) Пассив, 1-бўлимда
в) Актив, 2-бўлимда
г) Пассив, 2-бқлимда

6.Корхонанинг молиявий натижалари тўғрисида ҳисобот қайси счётлар маълумотлари асосида тузилади?

а) Актив счетлар
б) Пассив счетлар
в) Транзит счетлар
г) Контрактив счетлар

7. Дебиторлик қарзларнинг ошиши

а) Пул киримини оширади
б) Пул киримини камайтиради
в) Пул оқимларига таъсир ўтказмайди
г) Молиявий ҳолатни яхшилайди

8. Пулсиз операцияларга кирмайди

а) амортизация ажратмалари
б) резерв фондига ажратма
в) таъминотчиларга тўлов
г) акциялар бўйича чегирмаларни ҳисобланиши

9. Қарз сифатида киритилган инвестициялар

а) молиявий фаолиятга доир пул чиқимига олиб келади
б) инвестиция фаолиятга доир пул чиқимига олиб келади
в) асосий фаолиятга доир пул чиқимига олиб келади
г) молиявий фаолиятга доир пул киримига олиб келади

9. Олинган қарзлар

а) молиявий фаолиятга доир пул чиқимига олиб келади
б) инвестиция фаолиятга доир пул чиқимига олиб келади
в) асосий фаолиятга доир пул чиқимига олиб келади
г) молиявий фаолиятга доир пул киримига олиб келади

10. Асосий воситалар харидига сарфланган пуллар

а) молиявий фаолиятга доир пул чиқимига олиб келади
б) инвестиция фаолиятга доир пул чиқимига олиб келади
в) асосий фаолиятга доир пул чиқимига олиб келади
г) молиявий фаолиятга доир пул киримига олиб келади

11. Иш ҳақи бўйича кредиторлик қарзларнинг ошиши

а) Пул киримини оширади
б) Пул киримини камайтиради
в) Пул оқимларига таъсир ўтказмайди
г) Молиявий ҳолатни яхшилайди

III бўлим.
БОШҚАРУВ ҲИСОБИ

XVIII боб. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш асослари

XIX боб. «Харажатлар-ишлаб чиқариш-фойда» Кўрсаткичларни бошқарув мақсадларида таснифлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш методлари

XX боб. Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари ва тизимлари

XXI боб. Режалаштириш ва бюджетлаштириш

XXII боб. Баҳони шакллантириш бўйича қарор қабул қилиш

XXIII боб. Сегментар ҳисобот

XVIII БОБ. БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ[25]

18.1. Бошқарув ҳисоби предмети ва объектлари

Корхоналар бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисобига қўйилаётган талаблар борган сари ошиб бормоқда. Чунончи, унинг олдига оператив бошқарув қарорларини қабул қилиш учун нафақат молиявий характердаги ахборотларни, балки корхона фаолиятини миқдор ва сифат жиҳатдан тавсифловчи меъёрий (режа) ва ҳақиқий кўрсаткичлар, улардаги четланишлар тўғрисидаги батафсил ахборотларни жавобгарлик марказлари, яъни алоҳида олинган таркибий бўлинмалар, юз бераётган жараёнлар, яратилаётган маҳсулот, бажарилаётган иш ва кўрсатилаётган хизматлар, уларга сарфланаётган харажатлар ҳамда кўплаб бошқа кесимларда шакллантиришдек талаблар қўйилмоқда. Айнан шундай кесимларда турли ўлчов бирликларида шакллантириладиган батафсил ахборотлар корхоналарда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва барқарор ривожлантириш, яратилаётган маҳсулот, бажарилаётган иш ва кўрсатилаётган хизматларни диверсификациялаш, улар сифатини яхшилаш, таннархини пасайтириш, сотиш баҳоларини талаб ва таклифдан келиб чиқиб белгилашга оид бошқарув қарорларини тез ва ўз вақтида қабул қилишга, пировардида юқори самарадорликка эришишга имкон беради. Ушбу мақсад ва ютуқларга эришишнинг муҳим воситаси бўлиб корхоналарда бошқарув ҳисобини ташкил этиш ҳисобланади.

Бошқарув ҳисобининг мазмун – моҳияти бошқарувнинг мақсадидан келиб чиқади. Бошқарувнинг бош мақсади бўлиб корхона фаолиятини оптималлаштириш ва унинг келгуси равнақини координациялаш ҳисобланади. Бошқарув ҳисоби ушбу мақсадга эришиш учун корхонанинг барча жавобгарлик марказлари фаолияти ва унинг натижалари тўғрисидаги батафсил аналитик ахборотларни йиғиш, ишлов бериш ва ички фойдаланувчиларга тақдим этишнинг интеграллашган тизими ҳисобланади.

Бошқарув ҳисобини, бошқачасига, сегментар ҳисоб ҳам деб атайдилар. Сегментлар – бошқарув қарорлари қабул қилинадиган жавобгарлик марказлари, уларда амалга оширилаётган фаолият, яъни хўжалик жараёнлари, бу жараёнларда иштирок этаётган ва янгидан

[25] Ушбу боб мустақил тадқиқотчи У.А. Ширинов билан ҳамкорликда ёзилди

вужудга келаётган моддий бойликлар, уларга қилинган сарф-харажатлар, сотиш ҳажми, сотиш баҳолари, эришилган натижа (фойда ёки зарар) ва бошқалардир.

Юқорида санаб ўтилган сегментлар бошқарув ҳисобининг муҳим объектлари бўлиб ҳисобланади. Улар биргаликда бошқарув ҳисобининг предметини ташкил қилади (18.1-расм).



18.1- расм. Бошқарув ҳисоби предметини ташкил қилувчи объектлар (сегментлар)

Бошқарув ҳисоби предметини ташқил қилувчи объектлар (сегментлар)нинг ҳар бири ўзига хос таснифий ва тавсифий жиҳатларга эга. Улар тўғрисида кейинги бобларда батафсил тўхталамиз.

18.2. Бошқарув ҳисоби методи ва унда қўлланиладиган усуллар

Бошқарув ҳисоби предметини ташкил қилувчи объектлар (сегментлар)нинг ҳар бири унда ўзига хос методлар ва усуллар ёрдамида акс эттирилади. Ушбу методлар ва усулларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин (18.2-расм).



18.2-расм. Бошқарув ҳисобида қўлланиладиган методлар ва усуллар

Номлари юқоридаги расмда келтирилган методлар ва усуллар корхоналар бошқарув ҳисобининг интеграллашган тизимида турли мақсадларда қўлланилади. Чунончи, бухгалтерия ҳисоби методини ташкил қилувчи барча усуллар жавобгарлик марказларида юз берган ва бераётган жараёнлар, уларнинг натижаларини аниқлаш, баҳолаш, улар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, гуруҳлаш, жамлаш ва бошқарувчиларга етказишда фойдаланилади.

Бошқарув ҳисоби учун корхоналар, одатда, ўзларининг махсус ишчи счётлар режасини ишлаб чиқадилар. Ушбу ишчи счётларда бошқарув мақсадларида ҳар бир объект (сегмент) бўйича махсус бошқарув счётлари очилади ва юритилади, масалан, 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти кесимида «А» материал, «Б» материал ва бошқа шу кабилар. 2010 «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» счёти кесимида, мос равишда «Цех 1», «Цех 2» ва шу кабилар ёки «А жараён», «Б жараён» ва шу кабилар», олинган тайёр маҳсулотларнинг соний ва суммавий ҳисоби учун 2810 «Тайёр маҳсулот» счёти кесимида «А маҳсулот», «Б маҳсулот» ва шу каби бошқа счётлар очилади. Ушбу ишчи счётлар жавобгарлик марказлари кесимида икки ёқлама ёзув асосида алоҳида-алоҳида юритилади.

Бошқарув ҳисоби учун корхоналар, одатда, ўзларининг бошланғич ҳужжатлар ва ички ҳисобот шаклларини, шунингдек, улар айланиши графикларини ҳам ишлаб чиқишлари мумкин. Жавобгарлик марказлари ўзларининг фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар бир сегмент бўйича уни баҳолаш, таннархни аниқлаш (калкуляция қилиш) тартибларини ҳам белгилашлари мумкин. Инвентаризацияни ўтказиш муддатлари ва тартиблари ҳам жавобгарлик марказларининг бош мақсадидан келиб чиқиб белгиланади.

Бошқарув ҳисобининг молиявий ҳисобдан фарқли жиҳати шундаки, унда режалаштириш методлари кенг қўлланилади. Бундай методларни ташкил қилувчи усуллар бўлиб бюджетлаштириш, меъёрлаштириш ва лимитлаштириш ҳисобланади.

Бюджетлаштириш – бу яхлит корхона ва унинг таркибий бўлинмалари ҳисобланган жавобгарлик марказлари фаолияти асосий кўрсаткичларини прогнозлаштириш усули.

Меъёрлаштириш – бу яхлит корхона ва унинг жавобгарлик марказлари бўйича активлар минимал миқдори, эскириш даражаси, сарф-харажатларни ҳисобдан чиқариш, солиқ ва тўловлар ва бошқа ҳисоб-китобларда давлат томонидан белгиланган меъёрларни қўллаш усули.

Лимитлаштириш – бу яхлит корхона ва унинг жавобгарлик марказлари бўйича активларнинг зарур қолдиқларининг энг кичик миқдорларини белгилаш ва қўллаш усули.

Бошқарув ҳисобининг молиявий ҳисобдан фарқли жиҳатларидан яна бири шундаки, унда статистика, иқтисодий таҳлил, мухандислик ва жараёнларни автоматлаштириш имконини берувчи математик дастурлаш усулларидан ҳам кенг фойдаланилади. Бундай методларни ташкил қилувчи усуллар бўлиб, масалан, индекслаш, кўрсаткичларнинг минимал ва максимал миқдорини белгилаш (мини-макс усули), графика усули, чизиқли тенгламалар, квадрат тенгламалар,омилли таҳлил, мухандислик ҳисоб-китоблари, турли жараёнларга доир ҳисоб-китобларни автоматлаштириш алгоритмлари ва бошқалар ҳисобланади. Ушбу усулларни айрим объектлар (сегментлар) бошқарув ҳисобида қўллаш хусусиятларига кейинги бобларда алоҳида тўхталамиз.

18.3. Бошқарув ҳисобининг ташкил этиш усуллари

Корхоналарда бошқарув ҳисоби асосан интегралашган ва автоном усулларда ташкил этилиши мумкин.

Интегралашган усул – бу шундай усулки, унга мувофиқ бухгалтерия ҳисобининг барча таркибий қисмлари, яъни молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби корхона бухгалтерияси томонидан ягона счётлар режаси асосида юритилади.

Ушбу усулнинг характерли жиҳати шундаки, унда бошқарув ҳисоби учун махсус счётлар очилмайди ва ишлатилмайди. Бошқарув мақсадларида молиявий ҳисоб маълумотлари махсус регистрларда тегишли ҳисоб-китоблар келтирилган тарзда гуруҳланади. Бу усулда молиявий ва бошқарув ҳисобини юритишда бир хилдаги баҳолаш методлари ва тариблари қўлланилади.

Интегралашган усулнинг асосий афзалликлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

*бошланғич ҳужжатлар ва молиявий-хўжалик фаолияти фактлари ягона базасини шакллантирилади;

* ахборотларни йиғишга доир харажатлар тежалади.

Ушбу усулнинг камчиликлар сирасига қуйидагилар киради:

1. Синтетик ва аналитик ҳисоб счётлари атрофлича таҳлил ва назорат қилиш имконини бермайди, бу маълумотларни турли мақсадларда гуруҳлаш иш ҳажмини ва уларга меҳнат сарфини ошишига олиб келади.

2. Икки ёқлама ёзув фақат иккита синтетик счётлар боғланишини ўрнатади. Бошқарув ҳисоби регистрларини шакллантириш учун ушбу методни қўллаш айрим ёзувларни бир неча бор такрорланишига олиб келади ва бунинг натижасида ҳам такрорлаш ҳолатлари кўпаяди.

Автоном усул – бу шундай усулки, унга мувофиқ молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби корхонада иккита мустақил бухгалтерия, яъни молиявий бухгалтерия ва бошқарув бухгалтерияси томонидан алоҳида-алоҳида олиб борилади. Молиявий бухгалтерия асосан ташқи ахборот фойдаланувчилар учун ахборотларни йиғиш, гуруҳлаш, жамлаш ва узатиш билан шуғулланади. Бу бухгалтерияда қўлланиладиган счётлар корхонанинг молиявий ҳисобот шаклларини тузишга бўйсиндирилади. Бошқарув бухгалтерияси эса асосан ички ахборот фойдаланувчилар учун ахборотларни йиғиш, гуруҳлаш, жамлаш ва узатиш билан шуғулланади. Бу бухгалтерияда бошқарув ҳисоби учун махсус счётлар очилади ва ишлатилади. Бошқарув бухгалтериясида бошқарув ҳисоби объектлари (сегментлари) учун махсус бошланғич ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари шакллари тасдиқланади ва улар белгиланган муддатларда тузилади. Шунингдек, ушбу усулда молиявий ва бошқарув ҳисобини юритишда турли хилдаги баҳолаш методлари ва тариблари қўлланилиши мумкин.

Автоном усул, бир томондан, турли афзалликларга эга, иккинчи томондан эса, у маълум камчиликлардан холи эмас.

Автоном усулнинг асосий афзалликлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

* бошқарув ҳисоби хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида атрофлича маълумотларни жавобгарлик марказлари кесимида шакллашишига, бу, ўз навбатида, уларнинг ҳар бирига доир аниқ ва мазмунли қарорларни қабул қилинишига имкон беради;

* корхонада буюртмаларни, баҳони ва таннархни шакллантиришда муқобил вариантлар тақдим этиш имконияти кенгаяди;

* корхона харажатларни тежаш, норационал сарфларга йўл қўймаслик, талон тарожликни олдини олишнинг ички резервлари ҳар бир жавобгарлик маркази кесимида аниқланади, таҳлил этилади ва назорат қилинади, бунинг эвазига салбий ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш осонлашади.

Ушбу усулнинг асосий камчилиги бўлиб бошқарув харажатларини ошиб кетиши ҳисобланади.

Корхоналарда автоном усулни алоҳида объектлар (сегментлар) бўйича турли вариантларда қўллаш мумкин.

1-вариант. Бу вариантда бошқарув ҳисоби счётлари таркибига тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатлари, товарлар ва сотиш ҳисобига мўлжалланган махсус счётлар киритилади. Ушбу счётларда сир сақланадиган харажатларни турли кесимларда, чунончи вужудга келиш жойлари, харажат марказлари, жавобгарлик марказлари, калькуляция объектлари, таннарх моддалари, смета моддалари бўйича шакллантирилади.

2-вариант. Бу вариантда бошқарув ҳисоби мақсадларида тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатлари, товарлар ва сотиш молиявий ҳисоби учун мўлжалланган амалдаги счётлар қолдирилади. Уларга қўшимча тарзда «Умумий харажатлар» ва «Умумий харажатларни тақсимлаш» каби махсус счётлар очилади ва юритилади.

3-вариант. Бу вариант ҳам молиявий, ҳам бошқарув ҳисоби талабларига бир вақтнинг ўзида жавоб бера олади. Унга мувофиқ молиявий ҳисоб счётлари, бошқарув ҳисоби счётлари, балансдан ташқари ҳисоб счётларини алоҳида синфлар, гуруҳлар, счётлар кесимида акс эттира оладиган янги счётлар режаси қўлланилади. Чунончи, Франция давлати томонидан Европа малакатлари учун ҳозирги кунда ушбу талабларга жавоб бера оладиган янги счётлар лойиҳаси таклиф этилган. Ушбу счётлар лойиҳаси ўз ичига 10 та синфга, ушбу синфларнинг ҳар бири 9 та гуруҳга бириктирилган счётларни олади. Мазкур лоҳига кўра счётлар учта бўлимга бўлинади: молиявий ҳисоб счётлари (еттита синфдан иборат), бошқарув ҳисоби счётлари (иккита синфдан иборат), балансдан ташқари моддалари ҳисоби счётлари (битта синфдан иборат). Бошқарув ҳисоби учун ажратилган иккита синф ўз ичига 150 тадан ортиқ синтетик счётларни олади. Еттинчи ва саккизинчи синфга бирлаштирилган ушбу счетлар молиявий ҳисоб счётларидан *мустақил тарзда юритилади. Бошқарув ҳисоби счётларида шакллан*адиган ахборотлар ҳисобот баланс ива молиявий ҳисоботнинг бошқа шаклларига киритилмайди. Еттинчи гуруҳ ўз ичига бошқарув ҳисоби

маълумотларини табиий балансировкалаш қилиш учун мўлжалланган. Бошқарув ҳисоби баланси ҳар йили бошқарув ҳисоби счётларини ёпиш ва уларни кейинги йил учун очиш учун ноллаштирилади. 799 счётда йиллик ҳисобот цикли бошланиши ва тугатилишини ифодаловчи счётлар сальдоси акс эттирилади. Автоном усулнинг Франция моделини, одатда, йирик корхоналарда қўллаш самарали ҳисобланади.

Мавзуга оид таянч атамалар

Бошқарув ҳисоби – бу бошқарув мақсадига эришиш учун корхонанинг барча жавобгарлик марказлари фаолияти ва унинг натижалари (сегментлари) тўғрисидаги батафсил аналитик ахборотларни йиғиш, ишлов бериш ва ички фойдаланувчиларга тақдим этишнинг интеграллашган тизими ҳисобланади.

Сегментлар – бошқарув қарорлари қабул қилинадиган жавобгарлик марказлари, уларда амалга оширилаётган фаолият, яъни хўжалик жараёнлари, бу жараёнларда иштирок этаётган ва янгидан вужудга келаётган моддий бойликлар, уларга қилинган сарф-харажатлар, сотиш ҳажми, сотиш баҳолари, эришилган натижа (фойда ёки зарар) ва бошқалардир.

Бюджетлаштириш – бу яхлит корхона ва унинг таркибий бўлинмалари ҳисобланган жавобгарлик марказлари фаолияти асосий кўрсаткичларини прогнозлаштириш усули.

Меъёрлаштириш – бу яхлит корхона ва унинг жавобгарлик марказлари бўйича активлар минимал миқдори, эскириш даражаси, сарф-харажатларни ҳисобдан чиқариш, солиқ ва тўловлар ва бошқа ҳисоб-китобларда давлат томонидан белгиланган меъёрларни қўллаш усули.

Лимитлаштириш – бу яхлит корхона ва унинг жавобгарлик марказлари бўйича активларнинг зарур қолдиқларининг энг кичик миқдорларини белгилаш ва қўллаш усули.

Бухгалтерия ҳисобиниташкил этишнинг интеграллашган усули – бу шундай усулки, унга мувофиқ бухгалтерия ҳисобининг барча таркибий қисмлари, яъни молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби корхона бухгалтерияси томонидан ягона счётлар режаси асосида юритилади.

Бухгалтерия ҳисобиниташкил этишнинг автоном усули – бу шундай усулки, унга мувофиқ молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби корхонада иккита мустақил бухгалтерия, яъни молиявий бухгалтерия ва *бошқарув бухгалтерияси томонидан алоҳида-алоҳида олиб борилади.*

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Бошқарув ҳисоби *предмети* бўлиб *нималар* ҳисобланади?
2. Бошқарув ҳисобида қўлланиладиган усуллар қандай турларга бўлинади?
3. Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг қандай шакллари бор?

XIX БОБ. «ХАРАЖАТЛАР-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ФОЙДА» КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БОШҚАРУВ МАҚСАДЛАРИДА ТАСНИФЛАШ, БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МЕТОДЛАРИ

19.1. Корхона харажатларини бошқарув мақсадларида таснифлаш асослари

Корхона харажатларини молиявий ҳисобни юритиш ва ҳисоботни тузишда қўлланиладиган таснифий жиҳатлари уларни режалаштириш ва назоратини олиб бориш, шунингдек, ички бошқарув қарорларини қабул қилиш учун етарлича эмас. Ушбу мақсадга эришиш учун, бошқарув ҳисобида корхоналар харажатларини, чунончи ишлаб чиқариш харажатларини қўшимча тарзда қуйидаги белгилари бўйича таснифлаш ҳам ўта муҳимдир (19.1-жадвалга қаранг).

19.1-жадвал

Корхона харажатларини бошқарув қарорларини қабул қилиш, режалаштириш ва назорат қилиш мақсадларида таснифлаш

Таснифий белги	Харажат гуруҳи
Тегишлилига кўра	Умумхаражатлар
	Жавобгарлик марказлари харажатлари
	Бир бирлик маҳсулот (иш, хизмат)нинг ўртача харажатлари
Ишлаб чиқариш ҳажмининг таъсирига кўра	Ўзгарувчан
	Ўзгармас (доимий)
Мукобиллигига кўра	Мукобил
	Номукобил
Назорат қилиниши имконигаа кўра	Назорат қилиш имкони бор
	Назорат қилиш имкони йўқ
Меъёрланишига кўра	Меъёрлаштириладиган
	Меъёрлаштирилмайдиган
Релевантлигига кўра	Релевант
	Норелевант
Дифференциланишига кўра	Ўсиб борувчи
	Маржинал харажатлар

Умумхаражатлар – бу жами корхона бўйича қилинган барча харажатлар йиғиндиси.

Жавобгарлик марказлари харажатлари деганда корхонанинг бевосита харажат марказлари бўлган таркибий бўлимлари, цехлари,

ишлаб чиқарётган маҳсулотлари, бажараётган ва кўрсатаётган хизмат турларига доир умумий харажатлар тушунилади. Жавобгарлик марказлари бўйича харажатларнинг бошқарув ҳисобини ташкил этиш уларнинг ҳар бирида харажатлар устидан назоратни ўрнатишга имкон беради, бунинг эвазига норационал харажатларга йўл қўйилмасликка эришилади. Жавобгарлик марказларида харажатларни самара бериш нуқтаи назаридан амалга оширилиши оқибат натижада яхлит корхона бўйича норационал харажатларга йўл қўйилмасликни таъминлайди.

Бир бирлик маҳсулот (иш, хизмат)нинг ўртача харажатлари – бу маҳсулот (бажараётган иш ва кўрсатаётган хизмат)га кетган жами харажатларни уларнинг миқдорига бўлиш орқали топилган ўртача суммасидир.

Ўзгарувчан харажатлар деганда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориши билан мос равишда умумий миқдори ошиб борадиган харажатлар тушунилади. Мисол учун, бир хилдаги моддий, меҳнат ва бошқа харажатларни талаб этадиган 1 та музлатгичга кетадиган жами харажат 1 200 000 сўм десак, 100 та музлатгич учун кетадиган жами харажат 120 000 000 сўмни (1200000*100), 200 та музлатгич учун кетадиган жами харажат 240 000 000 сўмни (1200000*200) ташкил этади. Демак, бунда корхонанинг жами ўзгарувчан харажатлари ишлаб чиқариш ҳажмига мувофиқ пропорционал ошиб боради, шу билан бирга 1 бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар ўзгармас (турғун) бўлиб қолаверади (19.1-расмга қаранг).



19.1-расм. Ўзгарувчан харажатлар: а) умумий; б) 1 бирлик маҳсулотга

Ўзгармас (доимий) харажатлар деганда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб боришидан қатъий назар умумий миқдори ўзгармайдиган харажатлар тушунилади. Уларга мисол бўлиб цех биноси ижара ҳақи, суғурта суммаси, бино ёки бошқа асосий воситалар амортизацияси ҳисобланади. Бундай харажатларнинг умумий суммаси доимий бўлсада, бироқ бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган миқдори ўзгарувчан бўлади. Айтайлик, юқорида келтирилган музлатгичлар ишлаб чиқариладиган цех учун ижара ҳақи ойига 12 000 000 сўм. Бу ҳолда ҳар ойлик ижара ҳақи суммаси доимий бўлсада, бироқ бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ижара ҳақи 100 музлатгич ишлаб чиқарилганда 120 000 сўмни (12000000/100), 200 та музлатгич ишлаб чиқилганда эса 60 000 сўмни (12000000/200) ташкил этади. . Демак, бунда корхонанинг иш фаоллиги ошсада, жами ижара ҳақи суммаси ўзгармасдан қолади, шу билан бирга 1 бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ўзгармас харажатлар ўзгарувчан бўлиб қолади (19.2-расмга қаранг).



19.2-расм. Ўзгармас (доимий) харажатлар: а) умумий; б) 1 бирлик маҳсулотга

а – ўзгармас (доимий) харажатлар, сўмда

а – константа

Одатда, барча бевосита моддий ва меҳнат харажатлари ўзгарувчан харажатлар ҳисобланади. Айрим билвосита ишлаб чиқариш устама харажатлари эса ярим ўзгарувчан ёки ярим ўзгармас (доимий) ҳисобланади. Мисол учун, ижарага олинган цех биноси ойига 100 та музлатгич ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлса, у ҳолда 200 та музлатгич ишлаб чиқариш учун қўшимча цех керак бўлади ва бунинг учун қўшимча цехни ижарага олиш зарурати бўлади ва бу, мос равишда, доимий миқдордаги ижара ҳақини ошишига олиб келади.

Мукобил (альтернатив) харажатлар деганда бир фаолиятни бошқа фаолиятга алмаштиришда самара келтиради деган бошқарув қарорини қабул қилишга асос бўлган харажатлар тушунилади. Бундай

харажатлар кейинги фаолиятни юритишдан олиниши мумкин бўлган иқтисодий наф суммаси миқдорида баҳоланади. Мисол учун, музлаттич ишлаб чиқарувчи заводда қўшимча равишда чанг ютгич ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши заводга қўшимча фойда келтирадиган бўлса, бу ҳолда чанг ютгич ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар муқобил харажатлар бўлиб ҳисобланади.

Номуқобил (альтернатив бўлмаган) харажатлар деганда бир фаолиятни бошқа фаолиятга алмаштиришда самара келтирмайди деган бошқарув қарорини қабул қилишга асос бўлган харажатлар тушунилади. Бундай харажатлар олдинги ва кейинги фаолият турларини юритишда вужудга келадиган иқтисодий йўқотишлар суммаси миқдорида баҳоланади. Мисол учун, музлаттич ишлаб чиқарувчи заводда қўшимча равишда чанг ютгич ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши заводга қўшимча фойда келтирмаса, бу ҳолда чанг ютгич ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар муқобил харажатлар бўлиб ҳисобланмайди.

Назорат қилиш имкони бор харажатлар деганда менежер томонидан назорат қилиниши натижасида даражаси ўзгарадиган харажатлар тушунилади. Харажатлар устидан қатъий назоратни ўрнатилиши кўплаб норационал харажатлар, масалан, ортиқча йўқотишлар, ўғирликлар, қўшиб ёзишлар, бизнес режада назарда тутилмаган ортиқча харажатлар олдини олишга имкон беради.

Назорат қилиш имкони йўқ харажатлар деганда қатъий масъул шахслар томонидан назорат қилинишига қарамасдан юз берадиган (вужудга келадиган) ҳамда даражаси ошадиган харажатлар тушунилади. Уларга мисол бўлиб узоқ муддатли активлар, товар-моддий бойликлар харидига қилинган сарф-харажатлар ҳисобланади.

Меъёрлаштириладиган харажатлар деганда ҳисобдан чиқарилиши қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланган меъёрлар асосида аниқланадиган харажатлар тушунилади. Бундай харажатлар сирасига мисол бўлиб сафар харажатлари, реклама харажатлари, вакиллик харажатлари, солиқ тўловлари кабилардар ҳисобланади.

Меъёрлаштирилмайдиган харажатлар деганда ҳисобдан чиқаришда меъёрий миқдори қонун ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинмайдиган харажатлар тушунилади. Бундай харажатлар сирасига тўланган жарима ва пенялар, ҳомийлик, суд харажатлари, фавқулоддаги зарарлар киради.

Релевант харажатлар деганда бошқарув қарори асосида миқдори ва даражаси келгусида ўзгарадиган харажатлар тушунилади. Мисол учун бошқарув қарори асосида автотранспорт корхонасида автомобилларни

бензиндан суюлтирилган газ таъминотига ўтказиш ёқилғи сарфини ўзгаришига олиб келади. Релевант харажатларни бошқачасига бартараф этилиши мумкин бўлган харажатлар ҳам деб атайдилар.

Норелевант харажатлар деганда қабул қилинган бошқарув қарори таъсирида миқдори ва даражаси ўзгармасдан қоладиган харажатлар тушунилади. Уларга мисол тариқасида автотранспорт учун мол-мулк ва суғурта харажатларини келтириш мумкин. Чунки, ушбу харажатлар автомобилларни бензиндан суюлтирилган газ таъминотига ўтказиш бўйича бошқарув қарори қабул қилиниши ёки қилинмаслигидан қатъий назар мавжуд бўлади. Норелевант харажатларни бошқачасига бартараф этиб бўлмайдиган харажатлар ҳам деб атайдилар.

Ўсиб борувчи харажатлар – бу қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида вужудга келадиган қўшимча харажатлардир.

Қўшимча харажатлар (ΔХ) жами корхона бўйича қуйидагича аниқланади:

$$\Delta X = Xп - Xо,$$

бу ерда Хп - харажатларнинг прогноз бўйича миқдори; Хо- харажатларнинг ҳисобот давридаги миқдори;

Маржинал харажатлар деганда бир бирлик қўшимча маҳсулотга қилинган қўшимча харажатлар тушунилади.

Бир бирлик қўшимча маҳсулотга тўғри келадиган маржинал (қўшимча) харажатлар (ΔХ1) қуйидагича аниқланади:

$$\Delta X1 = \frac{\Delta X}{\Delta K},$$

бу ерда ΔК – ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш миқдори.

19.2. Корхона ишлаб чиқариш харажатлари умумий модели

Ишлаб чиқариш харажатларини бевосита (тўғридан-тўғри) ва билвосита (эгри) ишлаб чиқариш харажатларига, шунингдек, ўзгарувчан ва ўзгармас (доимий) харажатларга бўлиниши корхоналарнинг жами ишлаб чиқариш харажатлари (ИЧХж) умумий моделини қуйидаги алгоритмлар кўринишида ифодалаш имконини беради:

ИЧХж =Тичх +Эичх ёки ИЧХж = Ўичх + Дичх;

Ўичх = Бмх+Бихх

бу ерда **Тичх, Ўичх-** тўғридан-тўғри (ўзгарувчан) ишлаб чиқариш харажатлари;

Эичх, Дичх – эгри ёки ўзгармас (доимий) ишлаб чиқариш

харажатлари;

Бмх – бевосита материаллар харажатлари;

Бихх – бевосита иш ҳақи харажатлари.

Корхонанинг ишлаб чиқариш характеридаги бевосита моддий ва бевосита иш ҳақи харажатларининг жами суммаси ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сони (b) ва бир бирлик маҳсулот учун кетадиган бевосита моддий ва бевосита иш ҳақи харажатлари суммаси (x) кўпайтмаси, яъни (b*x)дан ташкил топади. Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита моддий ва бевосита меҳнат харажатларининг жами суммаси ўзгарувчан ҳисобланади, яъни қанчалик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилса, бу харажатларнинг жами суммаси шунчалик кўп бўлади ва аксинча, қанчалик кам маҳсулот ишлаб чиқарилса, уларнинг жами суммаси шунчалик кам бўлади. Шу боис ҳам, ишлаб чиқариш характеридаги бевосита моддий ва бевосита меҳнат харажатлари жами суммаси ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари деб аталади.

Барча маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ билвосита ишлаб харажатлари, масалан, электроэнергия, буғ, газ, сув, таъмирлаш, асосий воситаларни сақлаш, амортизацияси ва бошқалар, бошқачасига, ишлаб чиқариш устама харажатлари бўлиб ҳисобланади. Уларнинг жами суммаси нисбатан доимий бўлади. Шу боис ҳам, уларни доимий ишлаб чиқариш харажатлари деб атайдилар. Бундай харажатларни ҳар бир маҳсулот таннархига тўғридан-тўғри олиб бориб бўлмайди. Улар бир бирлик маҳсулот таннархига тақсимлаш йўли билан киритилади.

Шундай қилиб, корхонанинг маълум бир миқдордаги (сондаги) ишлаб чиқариш фаоллик даражасидаги жами ишлаб чиқариш харажатлари (*y*) иккита турдаги харажатлар йиғиндисидан иборат бўлади:

(1)доимий ишлаб чиқариш харажатлари (*a*);

(2) ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари ((b*x), яъни:

$$y = a + b*x.$$

Мисол: Айтайлик, ҳар ойига 100 музлатгич ишлаб чиқарувчи заводнинг ойлик доимий ишлаб чиқариш харажатлари 15 000 000 сўм, бир дона музлатгичга сарфланадиган бевосита моддий ва бевосита меҳнат харажатларининг ўртача суммаси қисоб-китобга кўра 800 000 сўм. Бу ҳолда заводнинг 100 дона музлатгич ишлаб чиқаришга кетадиган жами ишлаб чиқариш харажатлари 95 000 000 сўмни ташкил этади, яъни:

$$y = 15\,000\,000 + 100*800\,000 = 15\,000\,000 + 80\,000\,000 = 95\,000\,000$$

19.3. Корхона ишлаб чиқариш харажатлари динамикасини баҳолаш ва таҳлил қилиш методлари

Корхона ишлаб чиқариш харажатлари ўзгариши (динамикаси)ни баҳолаш ва таҳлил қилишнинг турли методлари мавжуд. Улар ичида энг кенг тарқалганлари қуйидагилардир:

1) инженерлик (муҳандислик) методлари;
2) бухгалтерлик (счётларни текшириш) методи;
3) график метод;
4) энг кичик ва энг катта миқдорлар (минимакс) методи.

Инженерлик (муҳандислик) методлари. Ушбу метод номи билан кўриниб турибдики, инженерлар (муҳандислар) таҳлилига асосланган метод ҳисобланади. Одатда, инженерлар (муҳандислар) ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари ва операциялари мазмуни ва физик миқдорларига қараб, уларга кетадиган модднй ресурслар миқдорини, зарур ишлаб чиқариш жиҳозларидан фойдаланишга кетадиган меҳнат миқдорини, уларнинг эскириши, сарфланадиган электрэнергия ва бошқа ишлаб чиқариш омиллари миқдор кўрсаткичлари талабларини яхши биладилар.Ушбу техник кўрсаткичларга ҳамда амалда бўлган баҳолар, меъёрлар, расценкаларга таяниш инженерларга маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини уларнинг ҳар қандай миқдори бўйича аниқ ҳисоб-китоб қилишга имкон беради.

Бухгалтерлик (счётларни текшириш) методи. Ушбу метод маълум даврда амалга оширилган ва бухгалтерия счётларида акс эттирилган харажатларни менежерлар ва бухгалтерлар томонидан ўзгарувчан ва доимий харажатларга туркумланишига асосланади. Бундан жами ўзгарувчан харажатлар суммаси ва ишлаб чиқилган маҳсулот миқдори асосида бир бирлик маҳсулотга тўғри келувчи ўзгарувчан харажатлар топилади. Ўзгармас характердаги ишлаб чиқариш харажатларини тизимлаб чиқиш шу давр учун умумий ўзгармас (доимий) харажатлар суммасини топишга имкон беради. Бундай метод, менежерлар ва бухгалтерларга корхонанинг ҳисобот давридаги иш фаоллиги бўйича жами ишлаб чиқариш харажатлари динамикасини баҳолаш имконини беради. Мисол: айтайлик, ойига 100 дона музлатгич ишлаб чиқарувчи завод бухгалтериясида ишлаб чиқариш харажатлари счётлари асосида қуйидаги ахборотлар жамланган.

Харажат турлари	Сумма
Асосий ишлаб чиқариш материаллари	50 000 000
Асосий ходимлар меҳнати	30 000 000
Ёрдамчи ходимлар меҳнати	6 000 000
Амортизация	7 000 000
Таъмирлаш ва техник хизматлар	2 000 000
Жами	**95 000 000**

Менеджер ва бухгалтерлар харажат моддаларини ўзгарувчанлиги ва ўзгармаслиги (доимийлиги)га қараб, уларни қуйидагича туркумлайдилар:

Харажат турлари	Ўзгарувчан харажатлар, 1 бирлик учун.	Умумий доимий харажатлар, сўмда
Асосий ишлаб чиқариш материаллари	500 000	
Асосий ходимлар меҳнати	300 000	
Ёрдамчи ходимлар меҳнати		6 000 000
Амортизация		7 000 000
Таъмирлаш ва техник хизматлар		2 000 000
Жами:	**800 000**	**15 000 000**

Умумий харажатларнинг таҳлилидан кўриниб турибдики, бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчи харажатларни ўртача 800 000 сўм миқдорида баҳоланиши, 100 музлатгич учун ушбу харажатларни жами 80 000 000 сўм миқдорида белгилашга асос бўлган. 100 музлатгич ишлаб чиқариш учун кетган доимий харажатлар шу ойда 15 000 000 сўмни ташкил қилган. Жами ишлаб чиқариш харажатлари шу ойда 95 000 000 сўмдан иборат бўлган.

Шундай қилиб, 100 та музлатгич ишлаб ишлаб чиқаришга кетган жами харажатларни қуйидаги арифметик тенгликда ифодалаш мумкин:

$$y = 15\,000\,000 + 800\,000 * X$$

Ушбу умумий математик қурилма ишлаб чиқариш харажатларини бошқа ишлаб чиқариш фаоллиги даражалари учун ҳам аниқлашга асос бўлади.

Ушбу методнинг асосий камчилиги шундаки, у менежерлар ва бухгалтерларнинг харажатларни ўзгарувчан ва ўзгармас турларга ажратишдаги субъектив фикрларига ва ёндашишларига таянади. Бундай субъектив фикр ёки ёндашувда менежерлар ва бухгалтерларнинг хатоликка йўл қўймаганлиги кафолатланган деб бўлмайди.

График метод. Ушбу методда умумий харажатлар график усулида ифодаланади. Бунда умумий харажатлар графикда вертикал ўқда (У), ишлаб чиқариш фаоллиги (маҳсулот ишлаб чиқариш сони) горизонтал ўқда (Х) маълум интерваллларда тегишли нуқталар билан белгилаб чикилади. Ушбу методга асосан ўзгарувчан ва ўзгармас харажатлар ўзгаришини график усулда акс эттириш тартиби 389-390 - бетларда келтирилган.

Энг кичик ва энг катта миқдорлар (минимакс) методи. Ушбу методнинг моҳияти шундаки, унга мувофиқ ишлаб чиқаришнинг энг юқори ва энг юқори даражаларига эришилган даврларда харажатлар ўзгариши таққосланиши натижасида улар динамикасини баҳолашда умумий тўхтамга келинади. **Мисол.** Заводнинг энг кичик (100 дона) ва энг катта миқдорда (200 дона) музлаткич ишлаб чиқаришда харажатлари қуйидагича:

	Ишлаб чиқариш фаоллиги, дона	**Жами харажатлар**
Энг кичик даражада	100	95 000 000
Энг катта даражада	200	175 000 000
Фарқи	100	80 000 000

Бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар қуйидагича топилади:

b = (Харажатлар фарқи) / (Маҳсулот ишлаб чиқариш фарқи
=(175000000-95000000)/(200-100)=800000 сўм.

Доимий харажатлар ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай даражасида баҳоланиши мумкин ва у жами харажатлардан 1 бирлик маҳсулотга тўғри келадиган турғун миқдорда ҳисобланган жами ўзгарувчан харажатлар суммасини айиришдан колган суммаси миқдорида топилади. Демак, юқоридаги мисолда ишлаб чиқариш фаоллиги 100 дона музлаттич бўлганда умумий харажатлар 95 000 000 сўмни, умумий ўзгарувчан харажатлар эса 80000000 сумни (100*800000) ташкил этади. Бунда жами харажатлар ва узгарувчан харажатлар фарқи 15000000 (95000000-8000000) доимий харажатларга тўғри келади. Ушбу холатда харажатлар функциясини куйидаги кўринишда ифодалаш мумкин бўлади:

y = 15 000 000 + 100*X

19.4. Ишлаб чикариш зарарсизлигини аниклаш ва баҳолаш методлари

Корхоналарнинг узлуксиз ривожланишининг муҳим омили бўлиб, унинг зарарсизлигини таъминловчи даромадни олиш, харажатларни тежаш ва фойдага эришиш ҳисобланади. Айнан шундай мақсадга эришиш корхоналар фаолиятини бошқаришда улар даромадлари, харажатлари ва фойда кўрсаткичларини доимий таҳлил ва назорат қилишни тақозо этади.

Даромад, харажат ва фойда кўрсаткичларини таҳлил ва назорат қилиш негизида уларнинг ўзаро боғлиқлиги ётади. Ушбу боғлиқликни график тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин (19.3-расм).



19.3-расм. Даромад, харажат ва фойда кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги

Даромад, харажат ва фойданинг ўзаро боғлиқлигини қуйидаги формулалар билан ҳам ифодалаш мумкин:

Жами махсулот (иш, хизмат)лар бўйича						
Сотишдан тушум (даромад)	=	Ўзгарувчан харажатлар	+	Доимий харажатлар	+	Фойда
Маржинал даромад	=	Сотишдан тушум (даромад)	-	Ўзгарувчан харажатлар		

Фойда	=	Маржинал даромад	-	Доимий харажатлар		
Маржинал даромад даражаси	=	Маржинал даромад	:	Сотишдан тушум (даромад)		
Бир бирлик маҳсулот (иш, хизмат) бўйича						
Сотиш баҳоси	=	1 бирликка тўғри келувчи ўзгарувчан харажатлар	+	1 бирликга тўғри келувчи доимий харажатлар	+	1 бирликга тўғри келувчи фойда
Бир бирликка тўғри келувчи маржинал даромад	=	Сотиш баҳоси	-	1 бирликга тўғри келувчи ўзгарувчан харажатлар		
Бир бирликка тўғри келувчи фойда	=	Бир бирликка тўғри келувчи маржинал даромад	-	1 бирликга тўғри келувчи доимий харажатлар		
Бир бирликка тўғри келувчи маржинал даромад даражаси	=	Бир бирликка тўғри келувчи маржинал даромад	:	Сотиш баҳоси		

Юқоридаги кўрсаткичлар боғлиқлигининг таҳлили авваламбор корхоналарда барча ўзгарувчан ва доимий харажатларни қоплашга имкон берувчи ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлашга имкон беради. Айнан қандай ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш, корхонада тушум ва қилинган барча харажатлар суммаларини бир-бирига тенглигини таъминловчи критик нуқтани белгилашга асос бўлади. Критик нуқта – бу шундай нуқтаки, унинг даражаси корхонага ҳеч бўлмаганда зарарсизликни таъминлайди. Шу боис, ушбу нуқтани зарарсизлик нуқтаси ҳам деб атайдилар. Ушбу нуқтадан ошган даражага эришгандан бошлаб корхона фойда кўра бошлайди.

Корхоналарнинг зарарсизлик нуқтасини миқдор ва пул бирлигида ифодалаш мумкин.

Микдор бирликда зарарсизлик нуқтаси	=	*Доимий харажатлар* / *Баҳо – Бир бирликка тўғри келувчи ўзгарувчан харажатлар*

Пул бирликда зарарсизлик нуқтаси	=	*(Доимий харажатлар+Максадли фойда)*100%* / *Маржинал даромад даражаси, %*

Мисол 1. Айтайлик, компания ёзув столларини ишлаб чиқаради. Бир бирлик маҳсулотга кетадиган ўзгарувчан харажатлар 50 000 сўм, йиллик доимий харажатлар 200,000 000. Бир бирлик маҳсулотнинг сотиш баҳоси - 90000 сўм. Юқоридаги формула ва мисолдаги маълумотлар асосида зарарсизлик нуқтаси миқдорий бирликда қуйидагича бўлади:

$$З.н.= \frac{200\ 000\ 000}{90000 - 50000} = 5000 \text{ дона}$$

Мисол 2. Айтайлик, компания ёзув столларини сотишдан 40 000 000 сум фойда олишни кўзлаган бўлса, у ҳолда ушбу мақсадга эришиш учун *ишлаб чиқариш ва сотиш нуқтаси миқдорий* бирликда қуйидагича бўлади:

1. Бир бирлик махсулот бўйича маржинал даромад даражаси

Мд% = (90000-50000)/90000*100% =44,44%

2. Пул бирлигидаги сотиш ҳажми

$$Максадли\ сотиш\ хажми.= \frac{(200\ 000\ 000 + 40\ 000\ 000)}{90000-50000} = 6000 \text{ дона}$$

Демак, 40000000 сўмлик фойда олиш учун сотиш ҳажми 6000 донага тенг бўлиши лозим.

19.5. Ишлаб чикариш хавфсизлигини аниқлаш ва баҳолаш

Ишлаб чиқариш хавфсизлиги ёки хавфсизлик маржаси деганда олинадиган даромадни зарарсизлик нуқтасидаги даромаддан ошиши тушунилади. Бу кўрсаткич корхонанинг ўз даромадларини зарар билан чиқмаслик учун қанча миқдоргача пасайтириши мумкинлиги билдиради.

Хавфсизсик маржаси пул бирлигида ёки фоизларда аниқланади:

Пул бирлигидаги хавфсизлик маржаси	=	*Умумий даромад*	-	*Зарарсизлик нуқтасидаги даромад*

Хавфсизлик маржаси, %	=	*Пул бирлигидаги хавфсизлик маржаси*
		Умумий даромад

Мисол: А корхонаси маълумотлари:

Кўрсаткичлар	сумда	%да
Даромад	540 000 000	100
Ўзгарувчан харажатлар	300 000 000	55,56
Маржинал даромад	240 000 000	44,44
Доимий харажатлар	200 000 000	
Фойда	40 000 000	

Талаб қилинади: хавфсизлик маржасини пул бирлигида ва фоизларда аниқлаш.

Ечим:

1. Зарарсизлик нуқтаси, сумда = 200 000 000/0,4444=45045 000 сум
2. Хавфсизлик маржаси, сумда = 540 000 000 – 450 045 000=89 550 000 сум
3. Хавфсизлик маржаси, фоизда = 89 550 000 /540 000 000 = 16,66 %

19.6. Операцион ричагни аниқлаш ва баҳолаш

Операцион ричаг – бу корхонада доимий харажатларни шу даражада ушлаб турилишининг максадга мувофиқлигини ифодаловчи кўрсаткич.

Одатда, операцион ричаг доимий харажатлари улуши ўзгарувчан харажатлар улушига нисбатан юқорироқ бўлган корхоналарда юқори бўлади. Операцион ричаг юқори бўлган корхоналарда уларнинг фойдаси даромадларни ўзгаришига қараб юқори бўлади. Яъни даромадни унча куп бўлмаган фоизга ошиши фойдани катта миқдорда ошишига олиб келади. Айнан фойдани даромадга нисбатан катта даражада ошиши операцион ричаг даражаси эвазига юз беради.

Демак, ***операцион ричаг*** даромаднинг фоизли ўзгаришини фойданинг фоизли ўзгаришига таъсирини акс эттиради.

Операцион ричаг даражаси қуйидагича аникланади:

Операцион ричаг даражаси	=	*Маржинал даромад* / *Фойда*

Мисол. А компанияси маълумотлари:

Кўрсаткичлар	Сўмда
Даромад	540 000 000
Ўзгарувчан харажатлар	300 000 000
Маржинал даромад	240 000 000
Доимий харажатлар	200 000 000
Фойда	40 000 000

Операцион ричаг даражаси = 240 000 000/40 000 000=6

Агар корхона даромадлари 10 %га ошадиган бўлса, у ҳолда корхонанинг фойдаси 60 % (6*10 %) ёки 24 000 000 сумга ошади. (40000000*60 %)

Буни сотиш ҳажми 10 %га ошгандан кейин тузилган молиявий натижалар тўғрисидаги қуйидаги ҳисоботдан ҳам кўриш мумкин

Кўрсаткичлар	Олдинги сумма	Кейинги сумма	Ўсиш суръати
Даромад	540 000 000	594 000 000	1,10
Ўзгарувчан харажатлар	300 000 000	330 000 000	1,10
Маржинал даромад	240 000 000	264 000 000	1,10
Доимий харажатлар	200 000 000	200 000 000	1,0
Фойда	40 000 000	64 000 000	1,60

Мавзуга оид таянч атамалар

Умумхаражатлар – бу жами корхона бўйича қилинган барча харажатлар йиғиндиси.

Жавобгарлик марказлари харажатлари – корхонанинг бевосита харажат марказлари бўлган таркибий бўлимлари, цехлари, ишлаб чиқарётган маҳсулотлари, бажараётган ва кўрсатаётган хизмат турларига доир умумий харажатлар.

Ўзгарувчан харажатлар – ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориши билан мос равишда умумий миқдори ошиб борадиган харажатлар.

Ўзгармас (доимий) харажатлар – ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб боришидан қатъий назар умумий миқдори ўзгармайдиган харажатлар.

Муқобил (альтернатив) харажатлар – бир фаолиятни бошқа фаолиятга алмаштиришда самара келтиради деган бошқарув қарорини қабул қилишга асос бўлган харажатлар.

Номуқобил (альтернатив бўлмаган) харажатлар – бир фаолиятни бошқа фаолиятга алмаштиришда самара келтирмайди деган бошқарув қарорини қабул қилишга асос бўлган харажатлар.

Назорат қилиш имкони бор харажатлар – менежер томонидан назорат қилиниши натижасида даражаси ўзгарадиган харажатлар.

Назорат қилиш имкони йўқ харажатлар – қатъий масъул шахслар томонидан назорат қилинишига қарамасдан юз берадиган (вужудга келадиган) ҳамда даражаси ошадиган харажатлар.

Меъёрлаштириладиган харажатлар – ҳисобдан чиқарилиши қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланган меъёрлар асосида аниқланадиган харажатлар.

Меъёрлаштирилмайдиган харажатлар – ҳисобдан чиқаришда меъёрий миқдори қонун ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинмайдиган харажатлар.

Релевант харажатлар – бошқарув қарори асосида миқдори ва даражаси келгусида ўзгарадиган харажатлар.

Норелевант харажатлар – қабул қилинган бошқарув қарори таъсирида миқдори ва даражаси ўзгармасдан қоладиган харажатлар.

Ўсиб борувчи харажатлар – бу қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида вужудга келадиган қўшимча харажатлардир.

Маржинал харажатлар – бир бирлик қўшимча маҳсулотга қилинган қўшимча харажатлар.

Критик нуқта (зарарсизлик нуқтаси) – бу шундай нуқтаки, унинг даражаси корхонага ҳеч бўлмаганда зарарсизликни таъминлайди.

Ишлаб чиқариш хавфсизлиги ёки хавфсизлик маржаси – олинадиган даромадни зарарсизлик нуқтасидаги даромаддан ошиши.

Операцион ричаг – бу корхонада доимий харажатларни шу даражада ушлаб турилишининг максадга мувофиқлигини ифодаловчи кўрсаткич.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Корхона харажатлари бошқарув мақсадларида қандай таснифланади?
2. Корхонанинг умумий харажатлари нималарни ўз ичига олади?
3. Корхона ишлаб чиқариш харажатлари динамикасини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг қандай методлари бор?
4. Корхонанинг зарарсизлик нуқтаси, хавфсизлиги ва операцион ричаги қандай аниқланади?

XX БОБ. МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАЛКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ ВА ТИЗИМЛАРИ

20.1. Маҳсулот таннархи турлари ва уларни аниқлаш тартиби

Маҳсулот таннархининг икки тури бир-биридан фарқланади. Булар: (1) ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи; (2) сотилган маҳсулот таннархи.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот қийматига олиб борилган ишлаб чиқариш харажатларини билдиради. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини аниқлаш учун ҳисобот даврида маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинган жами ишлаб чиқариш харажатлари суммаси (2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг дебет оборотн) ҳисобот давридаги тугалланмаган ишлаб чиқариш суммасининг соф ўзгаришига (2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг давр боши ва давр охиридаги қолдиғи ўртасидаги фарқ суммасига) оширилади ёки камайтирилади.

Сотилган маҳсулот таннархи ҳисобот даврида омборларга кирим қилинган жами тайёр маҳсулотнинг сотилган қисмига тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатларини билдиради. Сотилган маҳсулот таннархини аниқлаш учун ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган ва омборларга кирим қилинган маҳсулот таннархи суммаси (2810 «Тайёр маҳсулот» счётининг дебет оборотн) ҳисобот даврида тайёр маҳсулот заҳиралари суммасининг соф ўзгаришига (2810 «Тайёр маҳсулот» счётининг давр боши ва давр охиридаги қолдиғи ўртасидаги фарқ суммасига) оширилади ёки камайтирилади.

Маҳсулот таннархини ифодаловчи ушбу кўрсаткичлар бўйича ҳисоб маълумотлари асосида алоҳида-алоҳида «Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи тўғрисида ҳисобот» ва «Сотилган маҳсулот таннархи тўғрисида ҳисобот» тузилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи тўғрисида ҳисобот

т/р	Кўрсаткичлар	Ой	
		Сумма	
		Хусусий	Умумий
1	**Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг давр бошидаги суммаси**		**40 000 000**
2	*Плюс:ҳисобот даврида ишлаб чиқариш харажатлари*		
2.1	Бевосита материал харажатлари	50 000 000	

2.2	Бевосита меҳнат ҳақи	40 000 000	
2.3	Бошқа ишлаб чиқариш устама харажатлари	30 000 000	
2.4	**Жами қилинган харажатлар (2.1+2.2+2.3)**		**120 000 000**
2.5	**Жами ишлаб чиқариш харажатлари (1+2)**		**160 000 000**
3	*Минус:* Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг давр охиридаги суммаси		**20 000 000**
4	**Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи (2.5-3)**		**140 000 000**

Сотилган маҳсулот таннархи тўғрисида ҳисобот

Ой

т/р	Кўрсаткичлар	Сумма	
		Хусусий	Умумий
1	**Тайёр маҳсулотнинг давр бошидаги суммаси**		**40 000 000**
2	*Плюс* ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи	**140 000 000**	
3	**Жами сотишга тайёр маҳсулот (1+2)**		**180 000 000**
4	*Минус:* Тайёр маҳсулотнинг давр охиридаги суммаси		**25 000 000**
5	**Сотилган маҳсулот таннархи (3-4)**		**155 000 000**

Ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш харажатларининг ўзаро боғлиқлиги

1. Асосий материаллар	+	Асосий меҳнат	+	Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	=	Жами ишлаб чиқариш харажатлари
50 000 000	+	40 000 000		30 000 000		120 000 000
2. Жами ишлаб чиқариш харажатлари	+	Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг давр бошига қолдиғи	-	Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг давр охирига қолдиғи	=	Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи
120 000	+	40 000 000		20 000 000		140 000 000
3. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи	+	Тайёр маҳсулотнинг давр бошига қолдиғи	-	Тайёр маҳсулотнинг давр охирига қолдиғи	=	Сотилган маҳсулот таннархи
140 000 000	+	40 000 000		25 000 000		155 000 000

20.2. Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари

Маҳсулот таннархини аниқлаш (калькуляция қилиш) турли усулларда амалга оширилади. Уларнинг асосийларига қуйидагилар киради:

1. Буюртмали калькуляция;
2. Жараёнли калькуляция;
3. Меъёрий (норматив) калькуляция;
4. Режали калькуляция;
5. Ҳақиқий калькуляция.

Қуйида маҳсулот таннархини аниқлаш (калькуляция қилиш)нинг ушбу турларининг хусусиятларига ва уларни қўллаш тартибларига тўхталамиз.

Буюртмали калькуляция

Буюртмали усул, одатда, маҳсулотни ишлаб чиқариш махсус буюртма асосида амалга оширилганда қўлланилади. Ушбу усул ишлаб чиқаришнинг барча тармоқ ва соҳаларида кенг фойдаланилади, масалан, кемасозлик, самолётсозлик, кийим-кечак, эшик-дераза, мебель ва турли бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳаларида.

Буюртмали калькуляция усулининг асосий характерли хусусиятларига қуйидагилар киради:

- ҳар бир буюртма алоҳида харажат объекти бўлиб ҳисобланади;
- ҳар бир буюртмага махсус «Буюртма картаси» очилади, ушбу ҳужжатда буюртмани бажаришга кетган барча бевосита материал, бевосита меҳнат ва ишлаб чиқариш устама харажатлари тўпланади;
- буюртмага кетган барча ишлаб чиқариш харажатлари буюртма бажарилишига қараб ҳисобдан чиқарилади;
- кўплаб буюртмалар бир вақтнинг ўзида сабабли бажаралиши мумкинлиги сабабли билвосита устама ишлаб чиқариш харажатларини буюртмалар ўртасида белгиланган база ва ставкалар асосида тақсимланади.
- буюртмани бажаришга кетган барча материал,меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари буюртма бўйича ишлаб чиқилган тайёр маҳсулот таннархини ташкил этади.

Буюртмали калькуляция усулида унинг таннархига киритиладиган алоҳида турдаги харажатлар қуйидагича топилади:

*бевосита материал харажатлари – буюртмага сарфланган материаллар бўйича улар сонини бир бирлик материалнинг сотиб олиш баҳосига (таннархига) кўпайтириш орқали;

*бевосита меҳнат харажатлари – буюртмага бевосита бажарувчилар томонидан қилинган вақт сарфини – бир бирлик вақт учун белгиланган ставкага (таърифга) кўпайтириш орқали;

*билвосита ишлаб чиқариш устама харажатлари – корхона ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи бўлинмаларининг жами ишлаб чиқариш устама харажатларини буюртмалар ўртасида тақсимлаш учун асос қилиб олинган омил (база)ни таксимот ставкасига кўпайтириш орқали.

Буюртманинг жами таннархи юқорида келтирилган учта турдаги харажатлар йиғиндисидан ташкил топади. Буюртмага киритилган бир бирлик маҳсулотнинг ўртача таннархи буюртманинг жами таннархини буюртмага киритилган маҳсулотлар сонига бўлиш орқали топилади.

Мисол. Айтайлик, фабрикага ҳисобот йилнинг март ойида «А» маҳсулотдан 100 дона ва «Б» маҳсулотдан 200 дона тайёрлаш бўйича буюртма тушган. Келишув сотиш баҳоси «А» маҳсулотнинг ҳар 1 донаси учун 80000 сўм, «Б» маҳсулотнинг ҳар бир донаси бўйича 65 минг сўм. Март ойининг охирига буюртмалар тўлиқ бажарилган ва буюртмачи томонидан тўлиғича қабул қилинган.

Ушбу буюртмаларга очилган буюртма карталари бўйича қуйидаги сарфлар амалга оширилган.

1. Материал харажатлари:

«А» маҳсулот бўйича				
№	Номи	Сони, дона	Баҳоси, сўм	Сумма, сўм
1	М 1	40	12000	480000
2	М2	100	22000	2200000
«Б» маҳсулот бўйича				
1	М1	80	12000	960000
2	М3	150	20000	3000000
3	М4	100	15000	1500000

2.Бевосита меҳнат харажатлари ва ишлаб чиқариш устама харажатлари

№	Цехлар	Иш хақи ставкаси, сўм	Меҳнат сарфи, соат		Ишлаб чиқариш устама харажатлари, сўм	1 бирлик вақт учун ишлаб чиқариш устама харажатлари тақсимоти цех ставкаси, сўм
			«А» маҳсулот	«Б» маҳсулот		
1	Ц 1	4000	70	110	756000	4200
2	Ц2	4500	70	110	1044000	5800
3	Ц3	6000	360	400	1824000	2400

Юқоридаги шартли маълумотлар асосида «А» маҳсулот ва «Б» маҳсулот бўйича буюртмали калькуляция карточкалари қуйидагича тузилади.

«А» маҳсулот бўйича буюртмали калькуляция карточкаси

№	Харажат тури	Сони	Баҳо	Сумма хусусий	Сумма умумий
1	Бевосита материал харажатлари				
1.1	М 1	40	12000	480000	
1.2	М2	100	22000	2200000	2680000
2	Бевосита меҳнат харажатлари				
2.1	Ц 1	70	4000	280000	
2.2	Ц2	70	4500	315000	
2.3	Ц3	360	6000	2160000	2755000
3	Ишлаб чиқариш устама харажатлари				
3.1	Ц 1	70	4200	294000	
3.2	Ц2	70	5800	406000	
3.3	Ц3	360	2400	864000	1564000
4	Жами ишлаб чиқариш харажатлари				6999000
5	Жами маҳсулот сони, дона				100
6	Бир дона маҳсулотнинг ўртачатаннархи				69990

«Б» маҳсулот бўйича буюртмали калькуляция карточкаси

№	Харажат тури	Сони	Баҳо	Сумма хусусий	Сумма умумий
1	Бевосита материал харажатлари				
1.1	М 1	80	12000	960000	
1.2	М3	150	20000	3000000	
1.3	М4	100	15000	1500000	5460000
2	Бевосита меҳнат харажатлари				
2.1	Ц 1	110	4000	440000	
2.2	Ц2	110	4500	495000	
2.3	Ц3	400	6000	2400000	3335000
3	Ишлаб чиқариш устама харажатлари				
3.1	Ц 1	110	4200	462000	
3.2	Ц2	110	5800	638000	

3.3	ЦЗ	400	2400	960000	2060000
4	Жами ишлаб чиқариш харажатлари				10855000
5	Жами маҳсулот сони, дона				200
6	Бир дона маҳсулотнинг ўртача таннархи				54275

Юқориги буюртмалар бўйича сотишдан олинган даромад, сотиш таннархи ва сотишдан олинган фойда суммаси қуйидагича бўлади:

№	Кўрсаткичлар	«А» маҳсулот	«Б» маҳсулот	Жами
1	Сотишдан даромад	8000000 (80000*100)	13000000 (65000*200)	21000000
2	Сотиш таннархи	6990000 (69900*100)	10855000 (54275*200)	17845000
3	Сотишдан олинган фойда	1010000	2145000	3155000

Буюртмали калькуляция усулида буюртмалар бўйича юритилган буюртма карточлари ва тузилган калькуляция карточкалари асосида бухгалтерияда ишлаб чиқариш харажатлари, тайёр маҳсулотлар ва уларни сотиш натижалари қуйидагича акс эттирилади:

№	Операция мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Сумма		Жами
				«А» маҳсулот	«Б «маҳсулот	
1	Бевосита материал харажатлари	2010	1010	2680000	5460000	8140000
2	Бевосита иш ҳақи харажатлари	2010	6710	2755000	3335000	6090000
3	Ишлаб чиқариш устама харажатлари	2010	2510	1564000	2060000	3624000
4	Олинган тайёр маҳсулот	2810	2010	6990000	10855000	17845000
5	Тайёр маҳсулотларнинг сотилиши	4010	9010	8000000	13000000	21000000
6	Сотилган маҳсулотлар таннархи	9110	2810	6990000	10855000	17845000
7	Сотишдан олинган даромаднинг ёпилиши	9010	9910	8000000	13000000	21000000
8	Сотиш таннархининг ёпилиши	9910	9110	6990000	10855000	17845000

Жараёнли калькуляция

Ушбу усул, одатда, маҳсулотни ишлаб чиқариш бир нечта жараёнлардан иборат бўлганда қўлланилади. Бундай ҳолда маҳсулот таннархи ҳар бир жараён бўйича 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти тизимида очилган счётларда алоҳида ҳисобга олинади. Бунда, биринчи жараён амалга оширилган бўлим (цех) харажатлари кейинги жараён амалга ошириладиган бўлим (цех) учун бошланғич харажатлар бўлиб ҳисобланади. Тайёр маҳсулот олинадиган охирги бўлим (цех)да тўпланган жами ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини ташкил этади.

Мисол:



Агар А ва Б жараёнларда 100 дона маҳсулот ишлаб чиқилган бўлса, у ҳолда 1 бирлик маҳсулотга кетган ишлаб чиқариш харажатлари (таннарх) жами 230 000 сумни ташкил этади (23 000 000/100), шундан А жараёнда у 100000 сўмни (10000000/100), Б жараёнда эса 130000 сўмни (13000000/100)ни ташкил этади

Жараёнли калькуляцияда барча ишлаб чиқариш харажатлари ва тайёрланган маҳсулот сони тўғрисида маълумотлар ишлаб чиқариш ҳисоботида ўз аксини топади.

А цех бўйича ишлаб чиқариш ҳисоботи

Кўрсаткичлар	Сони	Харажатлар, сўм
Бош қолдиқ	0	0
Жараёнга киритилди	100	10000000
Жами ҳисобга олинди	100	10000000
Бошқа жараёнга узатилди	100	10000000
Омборга кирим қилинган тайёр маҳсулот	0	0
Охирги қолдиқ	0	0

Б цех бўйича ишлаб чиқариш ҳисоботи

Кўрсаткичлар	Сони	Харажатлар, сўм
Бош қолдиқ	0	0
А жараёндан олинди	100	10000000
Жараёнга сарфланди	100	13000000
Жами ҳисобга олинди	100	23000000
Бошқа жараёнга узатилди		
Омборга кирим қилинган тайёр маҳсулот	100	23000000
Охирги қолдиқ	0	0

Таннархни калькуляция қилишнинг жараёнли усули бўйича юқорида келтирилган маълумотлар ва тартиблар, одатда, давр боши ва охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш бўлмаган ҳолатга тегишлидир. Бироқ, амалиётда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир жараёнида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўлиши, яъни маҳсулотнинг бир қисми маълум даражада тайёр ҳолатга етмаган бўлиши мумкин. Мос равишда, ҳисобот даврида сарфланган бевосита материал харажатлари, бевосита иш ҳақи ҳамда бошқа ишлаб чиқариш устама харажатлари[26] бир вақтнинг ўзида ҳам тайёр маҳсулотга, ҳам тугалланмаган ишлаб чиқаришга тегишли бўлади. Айнан шундай ҳолатнинг бўлиши жараёнли усулда бир бирлик маҳсулотнинг ўртача таннархини ҳисоблаш учун тўлиқ тугалланмаган ишлаб чиқариш даражасидан келиб чиқиб ишлови тўлиқ тугатилмаган маҳсулотларни шартли маҳсулотга тенглаштиришни, яъни эквивалентлаштиришни тақозо этади.

[26]Бевосита материал харажатлари, одатда, бирламчи, бевосита иш ҳақи ҳамда бошқа ишлаб чиқариш устама харажатлари эса биргаликда ишлов бериш ёки қўшилган харажатлар деб ҳам аталади.

Мисол. А "Материаллар тўқиш" цехидан Б "Бўёқлаш цехи"га 10000 метр оқ материал бўяш учун берилди, унинг 8000 метри бўяш жараёнидан тўлиқ ўтиб, тайёр ҳолга келтирилди ва омборга топширилди, 2000 метр оқ материални бўяш жараёни 50 %га тугалланган, дейлик.

Ушбу мисолда 8000 метр бўялган оқ материал тайёр маҳсулот дейилади, қолган бўяш жараёни 50 %га тугатилган 2000 метр оқ материали ишлови тўлиқ тугатилмаган маҳсулот сирасига киради. Бунда жами тайёр маҳсулотнинг ўртача таннархини аниқлаш учун, дастлаб, бўяш жараёни 50 %га тугалланган 2000 метр оқ материал шартли (эквивалент) маҳсулотга айлантирилади, бизнинг мисолимизда у 1000 *метрни ташкил этади (2000*50%).* Шундан сўнг, тўлиқ тугалланган ва қисман тугалланган ишлаб чиқариш ҳажмидан келиб чиқиб, жами тайёр маҳсулот ва унга тенглаштирилган эквивалент маҳсулот ҳажми топилади. Бизнинг маҳсулотимизда у 9000 метрни ташкил этади (8000+1000). Агарда А «Материал тўқиш» цехи бўйича бўяш учун олинган оқ материал таннархи 30 000 минг сўм, унга бўёқ цехида сарфланган қўшимча материал сарфи 7 000 минг сўмни, меҳнат ҳақи ва бошқа ишлаб чиқариш устама харажатлари сарфи 8000 минг сўмни , жами харажатлар 45 000 минг сўмни ташкил этган бўлса, у ҳолда 1 бирлик тайёр маҳсулотнинг ўртача таннархи бизнинг мисолимизда 5000 сўмни ташкил этади (45000000/9000). Юқоридагиларга асосан жами тайёр маҳсулотнинг таннархи 40 000 минг сўмни (8000*5000), тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннархи 5 000 минг сўмни (1000*5000) ташкил этади. Мос равишда, 1 бирлик маҳсулот таннархи тайёр маҳсулот бўйича 5000 сўмни (40000000/8000), тугалланмаган тайёр маҳсулот бўйича 2500 сўмни (5000000/2000) ташкил этади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, маҳсулот таннархига киритиладиган бевосита материал харажатлари, шунингдек, иш ҳақи ва ишлаб чиқариш устама харажатлари (қўшилган харажатлар), одатда, технологик жараённинг турли босқичларида ва унинг турлича тугалланиш даражаларида амалга оширилиши мумкин. Шу боис ҳам, ушбу харажатларни тайёр маҳсулотлар таннархига ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғига бир хилда киритиб бўлмайди. Одатда, жараён бошида киритилган материаллар қиймати тўлиқ тугалланган ва тўлиқ тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари таркибига тўлиқ қўшилади. Жараёнга тааллуқли қўшилган харажатлар (меҳнат ҳақи ва бошқа ишлаб чиқариш устама харажатлари) эса ишлаб чиқаришнинг тугалланиш даражасига қараб тугалланган ва тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари таркибига қўшилади.

Мисол: Айтайлик, юқорида келтирилган Б «Бўёқлаш цехи» бўйича ой бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш йўқ, А»Материаллар тўқиш цехи»дан бўяш учун жараён бошида олинган маҳсулот сони 10000 м, бўяш жараёни тугалланган ишлаб чиқариш 8000 метр, тугалланмаган ишлаб чиқариш -2000 метр (тугалланиш даражаси 50%), А «Материал тўқиш» цехи харажатлари – 30000 минг сўм, Б «Бўяш цехи»да қилинган материал харажатлари -7 000 минг, қўшимча харажатлар 8 000 минг сўм.

1. Юқориги шартли маълумотларга кўра Б «Бўёқлаш цехи» харажатлари жорий ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Б «Бўяш цехи харажатлари»

Дебет	Кредит
Ой бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш – 0	Тайёр маҳсулот- 8000*4588,89= 36711120
А «Материал тўқиш» жараёни таннархи – 30000000	Ой охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш – 2000*4144,44= 8 288 880
Б «Бўяш цехи» харажатлари: *Материаллар – 7000000 *Ишлов бериш харажатлари -8000000	
Жами харажатлар - 45000000	**Жами харажатлар - 45000000**

2. Б «Бўяш цехи харажатлари» асосида эквивалент тайёр маҳсулот ва 1 бирлик эквивалент тайёр маҳсулот таннархи қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

Харажат турлари	Харажат суммаси, сўм	Тайёр маҳсулотнинг эквивалент бирлиги, метр	Тугалланмаган ишлаб чиқаришга тўғри келувчи эквивалент тайёр маҳсулот, метр	Жами эквивалент маҳсулот, метр	1 бирлик эквивалент маҳсулотнинг таннархи, сўм
А «Материал тўқиш» цехи таннархи	30000000	8000	2000	10000	3000,00
Материаллар	7000000	8000	2000	10000	700,00
Қўшилган харажатлар	8000000	8000	1000 (2000*50%)	9000	888,89
Жами	**45000000**				**4588,89**

3. Тайёр маҳсулот ва ой охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

*тайёр маҳсулот бўйича:

8000 метр* 4588,89= 36 711 120 сўм;

*тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича:

- «А» жараён қиймати - 2000*3000= 6000000 сўм
- «Б» жараён материал харажатлари – 2000*700 = 1 400 000 сўм;
- «Б» жараён ишлов бериш харажатлари – 1000* 888,89 = 888890 сўм

-тугалланмаган ишлаб чиқариш жами таннархи – 8 288 890 сўм (6000000+1400000+888890).

- тугалланмаган 1 бирлик маҳсулотнинг ўртача таннархи – 4144,44 сўм (8 288 890/2000).

Жараёнли усулда маҳсулот таннархига корхонада материаллар чиқимини баҳолашда қўлланилаётган методлар, яъни ФИФО ёки АВЭКО методлари ҳам турлича таъсир кўрсатади

ФИФО (биринчи кирим-биринчи чиқим) методида ҳисобот даврида олинган тайёр маҳсулот учта қисмдан иборат бўлади: (а) давр бошидаги ишлаб чиқариши тугалланмаган тайёр маҳсулотлар; (б) ҳисобот даврида ишлаб чиқариши бошланган ва тугалланган тайёр маҳсулотлар; (в) давр охирига ишлаб чиқариши тугалланмаган тайёр маҳсулотлар.

ФИФО методи моҳиятига кўра дастлаб давр бошидаги ишлаб чиқариши тугалланмаган тайёр маҳсулотларга ишлов берилади ва у тугатилади. Шундан сўнг ҳисобот даврида жараёнга киритилган маҳсулотларга ишлов берилади. Мос равишда, жорий харажатлар асосида янги ишлаб чиқиши тўлиқ тугатилган ва ишлаб чиқариши тугатилмаган маҳсулотлар таннархи аниқланади. Бунинг учун давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобот ойи жорий харажатларига алоҳида таркибда қўшилади. Шундай қилиб, ФИФО методида ҳисобот даврида ишлаб чиқариши тугатилган тайёр маҳсулотлар таннархи давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда ҳисобот даврида ишлаб чиқилган маҳсулотлар таннархи йиғиндисидан иборат бўлади.

АВЭКО усулда эса давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш алоҳида тугатилмайди, унинг устига жорий давр харажатлари қўшилган ҳолда олинган маҳсулотнинг ҳамда давр охирида ишлаб чиқариши тугалланмаган тайёр маҳсулотнинг ўртача таннархи аниқланади.

Жараёнли усулда маҳсулот таннархи ва тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини юритиш ҳамда маҳсулот таннархини ФИФО ва АВЭКО методларига асосан ҳисоблаш тартибларини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз.

Мисол. Айтайлик, корхонада ишлаб чиқариш жараёни иккита, бир-бири билан узвий боғлиқ «А» ва «Б» цехларда амалга оширилади. Материаллар ишлаб чиқариш жараёнига «А» цехда жараён бошида киритилади, «Б» цехда жараёнга қўшимча материаллар жараёнлар 60 %га етганда киритилади. Ишлов бериш харажатлари (иш ҳақи ва ишлаб чиқариш устама харажатлари) ҳар иккала жараёнда бир маромда таннархга киритиб борилади. Тайёр маҳсулот омборга «Б» цехда ишлаб

чиқариш жараёни тўлиқ тугашидан кейин қабул қилинади. Цехларда давр боши ва охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари, шунингдек, ҳисобот даврида қилинган сарф харажатлар қуйидагича:

Кўрсаткичлар	«А» цех	«Б» цех
1.Давр бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи	1000 бирлик, тугалланиш даражаси 50 %, материаллар сарфи 4 500 000 сўм, ишлов бериш харажатлари -2 500 000 сўм	2000 бирлик, тугалланиш даражаси 80 %, олдинги жараён таннархи – 30 600 000 сўм, материаллар – 3 000 000 сўм, ишлов бериш харажатлари – 6 500 000 сўм
2.Ҳисобот даврида ишлаб чиқарилиши бошланган маҳсулот бирлиги	10000	9000
3.Давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи	2000, тугалланиш даражаси 60 %	3000, тугалланиш даражаси 30 %
4.Тугалланган маҳсулот бирлиги (тайёр маҳсулот)	9000	8000
5.Ҳисобот даври сарфлари: *материаллар *ишлов бериш харажатлари (иш ҳақи ва ИЧУХ)	 50 000 000 15 000 000	 60 000 000 20 000 000

ФИФО усулда эквивалент тайёр маҳсулот ва 1 бирлик эквивалент тайёр маҳсулот таннархини аниқлаш учун «А» жараёнда қуйидаги ишлар амалга оширилади.

1. Юқоридаги шартли маълумотларга кўра «А» жараён харажатлари жорий ҳисобда акс эттирилади:

Дебет	Кредит
Ой бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш – 7 000 000 (4500000+2500000)	Тайёр маҳсулот- 9000 *6682,7017 = 60 144 315
Материаллар – 50 000 000	Ой охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш – 2000*5927,8425 = 11 855 685
Ишлов бериш харажатлари – 15 000 000	
Жами харажатлар - 72 000 000	**Жами харажатлар – 72 000 000**

2. Эквивалент тайёр маҳсулот ва 1 бирлик эквивалент тайёр маҳсулот таннархи қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади.

«А» цех бўйича

Харажат турлари	Жорий харажатлар суммаси, сўм	Давр бошидаги тайёр маҳсулот айирилгандан кейин қолган тайёр маҳсулотнинг эквивалент бирлиги	Давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқаришга тўғри келувчи эквивалент тайёр маҳсулот	Жами эквивалент маҳсулот	1 бирлик эквивалент маҳсулотнинг таннархи
Материаллар	50 000 000	8000 (9000-1000*100%	2000	10000	5000
Қўшилган харажатлар	15 000 000	8500 (9000-1000*50%)	1200 (2000*60%)	9700	1546,39
Жами	**65 000 000**				**6546,39**

3.Тайёр маҳсулот ва ой охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

№	Кўрсаткичлар	Хусусий сумма	Умумий сумма
1. Тайёр маҳсулот таннархи			
1.1	Давр бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш	7 000 000	
1.2	Материал харажатлари (8000*5000)	40 000 000	
1.3	Ишлов харажатлари (8500*1546,39)	13 144 315	60 144 315
2. Давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи			
2.1	Материал харажатлари (2000*5000)	10 000 000	
2.2	Ишлов харажатлари (1200*1546,39)	1 855 685	11 855 685
	Жами харажатлар		**72 000 000**

Юқоридаги ҳисоб-китобларга кўра:

(1) тайёр маҳсулот бирлигининг таннархи 6682,70 сўмни ташкил этади (60144315/9000);

(2) тугалланмаган ишлаб чиқариш бирлигининг таннархи 5927,84 сўмни ташкил этади (11855685/2000).

Шундай қилиб, ФИФО методида давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи эквивалент маҳсулот бирлиги таннархини аниқлашда ҳисобга олинмайди, чунки ҳисоб-китоблар жорий харажатлар асосида амалга оширилади. Бироқ, тайёр маҳсулот таннархини аниқлашда давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари унинг тайёр бирликлари таннархига киритилади.

ФИФО усулда эквивалент тайёр маҳсулот ва 1 бирлик эквивалент тайёр маҳсулот таннархини аниқлаш учун «Б» жараёнда қуйидаги ишлар амалга оширилади.

1. Юқоридаги шартли маълумотларга кўра «Б» жараён харажатлари жорий ҳисобда акс эттирилади:

Дебет	Кредит
Ой бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш – 40 100 000 (30 600 000+3 000 000+ 6 500 000)	Тайёр маҳсулот-8000* 19 716, 31 = 157 730 472 сўм
А жараён таннархи – 60 144 315	
Материал харажатлари – 60 000 000	Ой охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш – 3000 * 7 507, 62 = 22 513 843 сўм
Ишлов бериш харажатлари – 20 000 000	
Жами харажатлар -180 244 315	**Жами харажатлар – 180 244 315**

2. Эквивалент тайёр маҳсулот ва 1 бирлик эквивалент тайёр маҳсулот таннархи қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади.

«Б» цех бўйича

Харажат турлари	Жорий харажатлар суммаси, сўм	Давр бошидаги тайёр маҳсулот айирилгандан кейин қолган тайёр маҳсулотнинг эквивалент бирлиги	Давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқаришга тўғри келувчи эквивалент тайёр маҳсулот	Жами эквивалент маҳсулот	1 бирлик эквивалент маҳсулотнинг таннархи
А жараён таннархи	60 144 315	6000 (8000-2000)	**3000**	**9000**	**6682,70**
Материаллар	60 000 000	6000 (8000-2000)	0	6000	10000
Қўшилган харажатлар	20 000 000	6400 (8000-2000*80%)	900 (3000*30%)	7300	2739,73
Жами	**140 144 315**				**19 422,43**

3.Тайёр маҳсулот ва ой охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

№	Кўрсаткичлар	Хусусий сумма	Умумий сумма
	1. Тайёр маҳсулот таннархи		
1.1	Давр бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш	40 100 000	
1.2	«А» жараён таннархи (6000*6682,70	40 096 200	
1.3	Материал харажатлари (6000*10000)	60 000 000	
1.4	Ишлов харажатлари (6400*2739,73)	17 534 272	157 730 472

2.Давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш			
2.1	«А» жараён таннархи (3000*6682,7)	20048100	
2.2	Материал харажатлари	0	
2.3	Ишлов харажатлари (900*2739,73)	2 465 743	22 513 843
	Жами харажатлар		180 244 315

Юқоридаги ҳисоб-китобларга кўра «Б» жараёнда :

(1) тайёр маҳсулот бирлигининг таннархи 19 716, 31 сўмни ташкил этади (157 730 472/8000);

(2)тугалланмаган ишлаб чиқариш бирлигининг таннархи 7 507, 62 сўмни ташкил этади (22 513 857/3000).

Шундай қилиб, **ФИФО** методи бўйича «Б» жараёнда ҳам давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи эквивалент маҳсулот бирлиги таннархини аниқлашда ҳисобга олинмайди, чунки ҳисоб-китоблар жорий харажатлар асосида амалга оширилади. Бироқ, тайёр маҳсулот таннархини аниқлашда бу жараёнда ҳам давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари унинг тайёр бирликлари таннархига киритилади.

Энди, АВЭКО усулда эквивалент тайёр маҳсулот ва 1 бирлик эквивалент тайёр маҳсулот таннархини аниқлаймиз. Бунинг учун «А» жараёнда қуйидаги ишлар амалга оширилади.

1. Юқоридаги шартли маълумотларга кўра «А» жараён харажатлари жорий ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет	Кредит
Ой бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш – 7 000 000 (4500000+2500000)	Тайёр маҳсулот-9000 бирлик= 60 031 980
Материаллар – 50 000 000	Ой охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш – 2000 бирлик = 11 968 020
Ишлов бериш харажатлари – 15 000 000	
Жами харажатлар - 72 000 000	**Жами харажатлар – 72 000 000**

2. Эквивалент тайёр маҳсулот ва 1 бирлик эквивалент тайёр маҳсулот таннархи қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади.

«А» цех бўйича

Харажат турлари	Давр бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш, сўм	Жорий харажатлар, сўм	Жами харажатлар, сўм	Тайёр маҳсулот эквивалент. бирлиги	Давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқаришга тўғри келувчи эквивалент тайёр маҳсулот	Жами эквивалент маҳсулот бирлиги	Бир бирлик эквивалент маҳсулотнинг таннархи
Материаллар	4 500 000	50 000 000	54 500 000	9000	2000	11000	4954,54
Қўшилган харажатлар	2 500 000	15 000 000	17 500 000	9000	1200 (2000*60 %)	10200	1715,68
Жами	**7 000 000**	**65 000 000**	**72 000 000**				**6670,22**

3. Тайёр маҳсулот ва ой охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

№	Кўрсаткичлар	Хусусий сумма	Умумий сумма
1	Тайёр маҳсулот таннархи (9000*6670,22		60 031 980
	2.Давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи		
2.1	Материал харажатлари (2000*4954,54)	9 909 080	
2.2	Ишлов харажатлари (1200*1715,68)	2 058 940	11 968 020
	Жами харажатлар		**72 000 000**

Худди юқори тартибдагидек, АВЭКО усулда эквивалент тайёр маҳсулот ва 1 бирлик эквивалент тайёр маҳсулот таннархини «Б» жараён бўйича ҳам аникланади. Бунинг учун «Б» жараёнда қуйидаги ишлар амалга оширилади.

1. Юқоридаги шартли маълумотларга кўра «Б» жараён харажатлари жорий ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет	Кредит
Ой бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш – 40 100 000 (30 600 000+3 000 000+ 6 500 000)	Тайёр маҳсулот-8000 бирлик = 152 734 400 сўм
А жараён таннархи – 60 031 980	
Материал харажатлари – 60 000 000	Ой охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш – 3000 бирлик = 27 397 580 сўм
Ишлов бериш харажатлари – 20 000 000	
Жами харажатлар -180 131 980	**Жами харажатлар – 180 131 980**

2. Эквивалент тайёр маҳсулот ва 1 бирлик эквивалент тайёр маҳсулот таннархи қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади.

«Б» цех бўйича

Харажат турлари	Давр бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш, сўм	Жорий харажатлар, еўм	Жами харажатлар, сўм	Тайёр маҳсулот Эквивалент. Бирлиги	Давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқаришга тўғри келувчи эквивалент тайёр маҳсулот	Жами эквивалент маҳсулот бирлиги	Бир бирлик эквивалент маҳсулотнинг таннархи
«А» жараён таннархи	**30 600 000**	60 031 980	**90 631 980**	**8000**	**3000**	**11 000**	**8239, 27**
Материаллар	3 000 000	60 000 000	63 000 000	8000	0	8000	7875
Қўшилган харажатлар	6 500 000	20 000 000	26 500 000	8000	900 (3000*30%)	8900	2977, 53
Жами	**40 100 000**	**237 730 472**	**277 830 472**				**19 091,8**

3.Тайёр маҳсулот ва ой охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

№	Кўрсаткичлар	Хусусий сумма	Умумий сумма
1	Тайёр маҳсулот таннархи (8000*19091,8)		152 734 400
	2.Давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи		
2.1	«А» жараён таннархи (3000*8239,27)	24 717 810	
2.1	Материал харажатлари	0	
2.2	Ишлов харажатлари (900*2977,53)	2 679 770	27 397 580
	Жами харажатлар		**180 131 980**

Шундай қилиб, ФИФО методидан фарқли ўлароқ АВЭКО усулида давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи эквивалент маҳсулот бирлиги таннархини аниқлашда ҳисобга олинади, ҳисоб-китоблар жорий харажатлар билан биргаликда амалга оширилади.

Ҳақиқий ва норматив (режали) калькуляция усуллари

Ҳам буюртмали, ҳам жараёнли калькуляция усулларида таннархни топиш ҳақиқий қилинган харажатларга, шунингдек, харажатларнинг олдиндан белгиланган норматив (режа) миқдорларига асосланиши мумкин. Бунда харажатларнинг ҳақиқий миқдорлари асосида маҳсулот таннархини аниқлаш усулига ҳақиқий таннарх калькуляцияси, ушбу

харажатларнинг норматив (режа) миқдорлари асосида маҳсулот таннархини аниқлаш усулига эса норматив (режали) таннарх калькуляцияси усули деб аталади.

Ҳақиқий таннарх калькуляцияси усули, одатда, бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ҳисобот даври охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўлмайдиган корхоналарда кенг қўлланилади. Ушбу усулда 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг дебетида тўпланган барча ишлаб чиқариш харажатлари шу ҳисобот даврида ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг умумий таннархини ташкил этади. Мазкур счётнинг дебет оборот суммасини ҳисобот ойида ишлаб чиқилган маҳсулот сонига бўлиш орқали уни бир бирлигининг ўртача ҳақиқий таннархи аниқланади. Таннархни калькуляция қилишнинг ушбу усулини, бошқачасига, оддий калькуляция усули ҳам деб атайдилар.

«Самарқанд –Парранда» АЖда 2018 йил якуни бўйича тузилган ҳақиқий таннарх калькуляцияси мисол тариқасида тухум етиштириш бўйича 20.1-жадвалда келтирилган.

Тухум ҳақиқий таннархи калькуляцияси
(2018 йил учун)

20.1-жадвал

Харажат турлари	Ўлчов бирлиги	Жами харажатлар	1 дона тухум учун ўртача харажатлар
Иш ҳақи (ЯИТ билан)	сўм	859 513 234,0	7,49
Омухтаем харажатлари	сўм	40 824 339 645,0	355,55
Амортизация	сўм	280 053 465,0	2,44
Ёқилғи харажатлари	сўм	1 941 942,0	0,02
Автотранспорт харажатлари	сўм	349 284 747,0	3,04
МТП харажатлари	сўм	104 715 265,0	0,91
Электроэнергия	сўм	592 363 780,0	5,16
Жорий таъмирлаш	сўм	62 152 000,0	0,54
Сув таъминоти харажатлари	сўм	39 806 538,0	0,35
Дори – дармон	сўм	847 593 133,0	7,38
Нобуд бўлган парранда қиймати	сўм	1 568 945 860,0	13,66
Ем цехининг харажатлари	сўм	372 497 278	3,24
МОП харажатлари	сўм	104 268 863,0	0,91
Ветеринария хизмати харажатлари	сўм	193 127 120,0	1,68
Бошқа харажатлар	сўм	71 664 876,0	0,62
Жами харажатлар	**Минг сўм**	**46 272 267 746,0**	**402,99**
Жами ишлаб чиқарилган маҳсулот	Дона	114 821 010	

Норматив (режали) калькуляция усули кўп турдаги маҳсулотларни серияли ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарда қўлланилади. Масалан, нон комбинатида нон маҳсулотлари кун (сутка) давомида узлуксиз ишлаб чиқарилади ва сотилади. Бундай корхоналарда маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ҳар куни аниқлаб бўлмайди, чунки унга сарфланган материаллар ҳар хил баҳода келиши мумкин. Шунингдек, меҳнат ҳақи ва бошқа ишлаб чиқариш тусидаги устама харажатлар ҳам ўзгариб туради. Шу боис ҳам, бундай корхоналарда тайёр маҳсулотларнинг омборга кирими ҳар куни норматив (режали) таннархи бўйича амалга оширилади. Ҳисобот ойи охирида ҳақиқий харажатлар тўлиқ ҳисоблангач, маҳсулот ҳақиқий таннархи ва норматив (режа) таннархи ўртасидаги фарқ аниқланади. Ушбу фарқ суммасига 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг кредити бўйича тузатиш ёзувлари (қўшимча ёзув ёки сторно) қилинади.

Маҳсулот таннархини олдиндан белгиланган норматив (режа) асосида аниқлаш корхоналарда норматив(режа)дан четланишларни ҳар бир харажат моддаси бўйича аниқлаш талабини қўяди. Ушбу талаблар дунё мамлакатлари миқиёсида маҳсулот таннархини аниқлашнинг «Стандарт-кост» ва «Директ костинг» тизимларини пайдо бўлишига олиб келди. Таннархни аниқлашнинг ушбу тизимлари моҳиятига кейинги параграфларда батафсил тўхталамиз.

20.3. «Харажат- ишлаб чиқариш –фойда» кўрсаткичлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлашнинг «Стандарт-кост» тизими

«Стандарт-кост» тизими (абзорпшен-костинг) - бу барча бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш харажатларини тўлиқ тақсимлаш тизимидир. Ушбу тизимнинг хусусиятларига қуйидагилар киради.

Биринчидан, унга мувофиқ ишлаб чиқариш тусидаги барча бевосита ва билвосита харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади.

Иккинчидан, барча ишлаб чиқариш тусидаги бевосита ва билвосита харажатлар сотилган ва сотилмасдан қолган маҳсулотлар ўртасида тўлиқ тақсимланади.

Учинчидан, барча ўзгармас ва ўзгарувчан давр харажатлари (сотиш, бошқарув ва бошқа операцион харажатлар) асосий фаолиятдан олинган ялпи фойда ҳисобидан қопланади.

Тўртинчидан, «Стандарт-кост» тизими (абзорпшен-костинг) тизимининг юқоридаги хусусиятларидан келиб чиқиб, корхоналарнинг фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи қуйидагича тузилади.

Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот
(абзорпшен-костинг)

минг сўм.

Сотишдан олинган даромад	1 000 000
Минус Сотилган маҳсулот таннархи (барча бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш харажатлари)	600 000
Ялпи фойда	400 000
Минус Давр харажатлари (доимий ва ўзгарувчан сотиш, маъмурий ва бошқа операцион харажатлар)	300 000
Операцион фойда	100 000

«Стандарт-кост» (абзорпшен-костинг) тизимига мувофиқ барча ишлаб чиқариш тусидаги доимий харажатларни сотилган ва давр охирига сотилмасдан қолган маҳсулотлар қолдиғи ўртасида тақсимланиши ҳисобот даврларида эришилган фойдага турлича таъсир кўрсатади. Агар ишлаб чиқарилган маҳсулотлар шу ҳисобот даврида тўлиқ сотилса, у ҳолда уларнинг ишлаб чиқариш таннархи тўлиғича сотилган маҳсулотлар таннархига киритилади. Агар ҳисобот даврида ишлаб чиқариш ҳажми сотиш ҳажмидан катта бўлса (бир қисм маҳсулотлар сотилмасдан қолган бўлса), у ҳолда «Стандарт-кост» (абзорпшен-костинг) тизимида доимий устама ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми заҳирадаги маҳсулотлар таннархида қолдирилади, мос равишда, шу даврда сотишдан олинган ялпи фойда суммаси ошади. Агар ҳисобот даврида ишлаб чиқариш ҳажми сотиш ҳажмидан кичик бўлса, у ҳолда «Стандарт-кост» (абзорпшен-костинг) тизимида маҳсулотлар заҳиралари таннархида қолдирилган доимий устама ишлаб чиқариш харажатлари сотилган маҳсулотлар таннархига ўтади, мос равишда, шу даврда сотишдан олинган ялпи фойда суммаси камаяди.

Мисол. Айтайлик, корхона ҳисобот даврлари бўйича қуйидаги натижаларга эришган:

	1-давр	*2-давр*	*3-давр*
Ишлаб чиқариш, дона	1500	1700	1400
Сотиш, дона	1500	1400	1600

1 бирлик маҳсулотнинг сотиш баҳоси, сўм.	1 000 000
1 бирлик маҳсулотнинг ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари, сум	600 000
Доимий ишлаб чиқариш устама харажатлари, минг сўм.	300 000
Давр харажатлари (сотиш ва маъмурий харажатлар – хаммаси доимий харажатлар), минг сўм	100 000
Йил бошига маҳсулот қолдиғи, дона.	0

Доимий ишлаб чиқариш устама харажатларининг 1 бирлик маҳсулотга таннархига киритиладиган ўртача суммаси 1- даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот (1500 дона) миқдоридан келиб чиқиб аниқланади, бизнинг мисолимизда у 200000 сўмни ташкил этади (300000000/1500). «Стандарт-кост» тизимига кўра бир бирлик маҳсулотнинг таннархи 800000 сўмни ташкил қилади (600000+200000).

«Стандарт-кост» тизимида таннархни аниқлаш тартибига кўра юқорида келтирилган маълумотлар бўйича корхоналарнинг фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи ҳисобот даврлари кесимида қуйидагича тузилади.

Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот

(абзорпшен-костинг)

Кўрсаткичлар	1-давр	2-давр	3-давр
Сотиш миқдори,дона	1500	1400	1600
Сотишдан даромад ,сум	1 500 000 000 (1500*1000000)	1 400 000 000 (1400*1000000)	1 600 000 000 (1600*1000000)
Давр бошига тайёр маҳсулот қолдиғи, сум	0	0	240 000 000 (300*800000)
с Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот таннархи, сўм	1 200 000 000 (1500*800000)	1 360 000 000 (1700*800000)	1 120 000 000 (1400*800000)
Минус Давр охирига тайёр маҳсулот қолдиғи,сўм	0	240 000 000 (300*800000)	80 000 000 (100*800000)
Тузатишгача сотилган тайёр маҳсулот таннархи, сўм	1 200 000 000	1 120 000 000 (1400*800000)	1 280 000 000 (1600*800000)
Плюс Тақсимланмасдан қолинган устама ишлаб чиқариш харажатлари,сўм	0	0	20 000 000 (1500-1400)*200000
Минус Ортиқча тақсимланиб юборилган устама ишлаб чиқариш харажатлари, сўм	0	40 000 000 (1700-1500)*200000	0
Тузатишдан кейинги сотилган тайёр маҳсулот таннархи, сўм	1 200 000 000	1 080 000 000 (1 120 000 000 - 40 000 000)	1 300 000 000 (1 280 000 000 + 20 000 000)
Ялпи фойда, сўм	300 000 000	320 000 000 (1 400 000 000- 1 080 000 000)	300 000 000 (1 600 000 000 – 1 300 000 000)
Давр харажатлари (сотиш ва маъмурий харажатлар), сўм	100 000 000	100 000 000	100 000 000
Операцион фойда, сўм	200 000 000	220 000 000	200 000 000

«Стандарт-кост» тизими (абзорпшен-костинг) тизимининг муҳим характерли хусусиятларидан яна бири шундаки, унга мувофиқ барча таннархга киритиладиган ва таннархга киритилмайдиган харажатлар дастлаб аввалдан белгиланган меъёр (норматив)лар асосида баҳоланади, кейин ҳисобот даври охирида ушбу меъёрий харажатлар ҳақиқий қилинган харажатлар билан таққосланади ва шу йўл билан меъёрий ва ҳақиқий харажатлар ўртасидаги фарқ (четланиш) аниқланади. Демак, «Стандарт-кост» ҳисоб тизими – бу харажатларни стандартлар (меъёрлар, нормативлар) асосида юритишга ҳамда ушбу стандартлар (меъёрлар, нормативлар)дан четланишларни ҳисобга олишга мўлжалланган тизимидир.

Стандартлар ва нормалар ёрдамида ҳисоблаб чиқилган калькуляциялар ишлаб чиқариш ва бошқа операцион харажатларни тезкор бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Харажатларнинг белгиланган стандарт нормаларидан четланиш даражаси мазкур четланишларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашга, ишлаб чиқаришдаги камчиликларни тезкор бартараф этишга, келажакда уларнинг олдини олиш чораларини кўришга имкон яратади.

«Стандарт-кост» ҳисоб тизимидан фойдаланилганда, қуйидаги харажат моддалари бўйича четланишлар аникланиши ва улар ҳисоби юритилиши муҳим ҳисобланади:

– бевосита материал харажатлари бўйича четланишлар;
– бевосита меҳнат ҳақи бўйича четланишлар;
– билвосита умумишлаб чиқариш харажатлари бўйича четланишлар;
– давр харажатлари бўйича четланишлар.

Бевосита материал харажатлари бўйича четланишларни аниклаш

Бевосита материал харажатлари бўйича умумий четланиш суммаси ҳақиқатдаги материал ҳаражатлари ва улар бўйича меъёрий харажатлар суммалари ўртасидаги фарқ сифатида топилади, яъни:

$$\Delta Мх = См*Бм - Сх*Бх \qquad (1)$$

бу ерда **ΔМх** – бевосита материал харажатлари суммасининг фарқи; *См*- материалларнинг меъёрий сарфи сони; **Бм** – бир бир бирлик материалнинг меъёрий баҳоси; **Сх** – материалларнинг ҳақиқий сарфи сони; **Бх** – бир бир бирлик материалнинг ҳақиқий баҳоси

Демак, бевосита материал харажатлари бўйича четланишлар қуйидаги иккита омил эвазига юз беради: (1) баҳолардаги четланишлар;

(2) сарфланган материаллар сонидаги четланишлар. Ушбу иккита омилнинг умумий четланишга таъсири куйидагича аникланади:

Материаллар баҳолари бўйича четланишлар	ΔМб = (Мб- Хб)*Сх (2)
Сарфланган материаллар сони бўйича	ΔМс = (См- Сх)*Мб (3)

Агар (2) ва (3) формуладаги ҳисоб китоблар тўғри бўлса, улар йиғиндиси (1) формула бўйича топилган жами материал харажатларидаги четланишлар суммасига тенг бўлади.

Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари бўйича четланишларни аниклаш

Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари бўйича умумий четланиш суммаси ҳақиқатдаги меҳнат ҳаражатлари ва улар бўйича меъёрий харажатлар суммалари ўртасидаги фарқ сифатида топилади, яъни:

$$\Delta ИХх = Вм*См - Вх*Сх \quad (4)$$

бу ерда **ΔИХ** – бевосита меҳнат хаки харажатлари суммасининг фарки; **Вм** – бир бирлик маҳсулот учун кетадиган вақтнинг меъёрий сарфи; **См** – бир бирлик вакт учун белгиланган тўловнинг меъёрий ставкаси; **Вх** – бир бирлик маҳсулот учун кетган вақтнинг хакикий сарфи; **Сх** – бир бирлик вакт учун белгиланган тўловнинг хакикий ставкаси.

Демак, бевосита меҳнат ҳақи харажатлари бўйича четланишлар куйидаги иккита омил эвазига юз беради: (1) бир бирлик маҳсулот учун вакт сарфидаги четланишлар; (2) бир бирлик вақт учун белгиланган тўлов ставкасидаги четланишлар. Ушбу иккита омилнинг умумий четланишга таъсири куйидагича аникланади:

*Бир бирлик маҳсулотга кетадиган вакт бўйича четланишлар	ΔИХв = (Вм- Вх)*См (5)
*Бир бирлик вакт учун белгиланган ставка бўйича бўйича	ΔИХс = (См- Сх)*Вх (6)

Агар (5) ва (6) формуладаги ҳисоб китоблар тўғри бўлса, улар йиғиндиси (4) формула бўйича топилган жами меҳнат ҳақи харажатларидаги четланишлар суммасига тенг бўлади.

Ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатлари бўйича четланишларни аниқлаш

Ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатлари бўйича умумий четланиш суммаси ҳақиқатдаги ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатлари ва улар бўйича меъёрий харажатлар суммалари ўртасидаги фарқ сифатида топилади, яъни:

$$\Delta УИЧХў = УИЧХўх - УИЧХўм \qquad (7)$$

бу ерда **ΔУИЧХў** – Ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатлари бўйича умумий четланиш суммаси; **УИЧХўх** – ҳақиқатдаги ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатлари суммаси; **УИЧХўм** – ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатларининг меъёрий ставкаси бўйича ҳисобланган сумма.

Одатда, ўзгарувчан устама ишлаб чиқариш харажатлари асосий ишлаб чиқариш ходимлари меҳнат вақтининг ўзгаришига қараб ўзгаради ва шу сабабли ўзгарувчан устама ишлаб чиқариш харжатларидаги умумий четланиш қуйидаги битта ёки иккита омил сабабли юз беради

- ҳақиқий харажатлар режадагидан фарқ қилиши сабабли;
- асосий ишлаб чиқариш ходимлари томонидан сарфланган меҳнат вақти белгиланган меъёрий вақтдан фарқ килишлиги сабли.

Демак, ўзгарувчан умумишлаб чиқариш устама харажатлари бўйича умумий четланиш қуйидаги иккита омил асосида юз беради:

- харажатлар бўйича четланиш;
- самарадорлик бўйича четланиш.

Харажатлар бўйича четланиш – бу асосий ишлаб чиқариш ходимлари томонидан ҳақиқатда сарфланган вақт учун тузатилган сметадаги ўзгарувчан устама ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда ҳақиқатдаги устама ишлаб чиқариш харажатлари суммалари ўртасидаги фарқ.

Самарадорлик бўйича четланиш – бу асосий ишлаб чиқариш ходимлари ҳақиқий меҳнати ва меъёрий меҳнати ўртасидаги фарқ ҳамда ўзгарувчан устама харажатлар меъёрий ставкаси кўпайтмасидан ҳосил бўлган сумма.

Ўзгармас умумишлаб чиқариш харажатлари бўйича четланишларни аниқлаш ва улар ҳисоби

Ўзгармас умумишлаб чиқариш харажатлари бўйича умумий четланиш қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

$$\Delta ДУИЧХ = ТМхч * Сдухбб - ДУИЧХх \qquad (8)$$

бу ерда **ΔДУИЧХ** – Ўзгармас умумишлаб чиқариш харажатлари бўйича умумий четланиш суммаси; **ТМхч** – хақиқатда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот чиқиши (сони); **Сдухбб** – ўзгармас устама ишлаб чиқариш харажатларини бир бирлик маҳсулотга тақсимлаш ставкаси; **ДУИЧХх** – ўзгармас устама ишлаб чиқариш харажатларининг хақиқий суммаси.

Демак, ўзгармас умумишлаб чиқариш харажатлари уларнинг миқдори бўйича ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий миқдори ва сметадаги миқдорини (сонини) бир бирлик маҳсулот учун белгиланган ўзгармас устама ишлаб чиқариш харажатларни тақсимлаш норматив ставкасига кўпайтириш йўли билан топилади.

Ўз навбатида, ушбу четланиш қуйидаги иккита омил таъсирида юз беради:

(1) Самарадорлик бўйича четланиши = (ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига кетадиган меъёрий вақт – ҳақиқатда сарфланган вақт) х Ўзгармас устама ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг норматив ставкаси.

(2) Ишлаб чиқариш қуввати бўйича четланиши = (режадаги ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмига кетадиган смета вақт – режадаги ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмига ҳақиқатда сарфланган вақт) х Ўзгармас устама ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг норматив ставкаси

Таннархга киритилмайдиган ўзгарувчан ва ўзгармас харажатлар бўйича четланишларни аниклаш

Ушбу харажатлар маҳсулот таннархига киритилмайди (хаттоки тўлик таннархни аниклаш, калькуляция қилишда ҳам). Шу боис, ушбу харажатлар бўйича меъёрдан четланишлар суммалари уларнинг турлари кесимида хакикатда килинган сарфлар ва сметада белгиланган сарфлар ўртасидаги фарқ суммаси сифатида аникланади.

Ялпи фойда бўйича четланишларни аниклаш

Корхона фойдасига таннархга киритиладиган ва таннархга киритилмайдиган харажатлардан ташқари маҳсулот сотиш ҳажми ҳамда сотиш баҳолари ҳам таъсир кўрсатади. Шу боис ҳам, ялпи фойда бўйича четланишларни аниклашда қўшимча тарзда бу четланишга маҳсулот

сотиш ҳажми ҳамда сотиш баҳоларидаги ўзгаришлар таъсири қуйидагилар асосида аниқланади.

1.	Сотиш баҳоси бўйича четланишлар	– маҳсулот бирлигининг норматив таннархи; – маҳсулот бирлигининг ҳақиқий таннархи; – сотилган маҳсулот ҳажми.
2.	Сотиш ҳажми бўйича четланишлар	– смета бўйича сотиш ҳажми; – ҳақиқий сотилган маҳсулот ҳажми; – маҳсулот бирлигига тўғри келган меъёрий фойда.
3.	Ялпи фойда ҳажми бўйича четланишлар	– норматив фойда; – ҳақиқий олинган фойда.

(1) Сотиш баҳоси бўйича четланиш = (Ҳақиқий сотиш баҳоси-Норматив сотиш баҳоси) х Ҳақиқатда сотилган маҳсулот миқдори;

(2) Сотиш ҳажми бўйича четланиш = (Ҳақиқий сотиш миқдори-Норматив сотиш миқдори) х Маҳсулотнинг норматив сотиш баҳоси

(3) Ялпи фойда ҳажми бўйича четланишлар = Ҳақиқий олинган фойда- Норматив фойда.

«Стандарт-кост» тизимига мувофиқ корхоналарнинг барча бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш харажатлари 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ва «2810 «Тайёр маҳсулотлар» счётларида қуйидагича акс эттирилади.

Биринчидан, 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг дебетида ҳисобот даврида ҳақиқатда қилинган барча ишлаб чиқиш харажатлари жамлаб борилади;

Иккинчидан, ишлаб чиқилган тайёр маҳсулотлар ҳисобот даври мабойнида омборларга норматив таннархи бўйича кирим қилинади ва унга Дебет 2810 Кредит 2010 ёзуви берилади;

Учинчидан, ҳисобот даври охирида ишлаб чиқилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий ва норматив таннархи ўртасидаги фарқ ҳисоб-китоб қилинади;

Тўртинчидан, ишлаб чиқилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий ва норматив таннархи ўртасидаги фарқ суммасига қуйидагича тузатиш ёзувлари қилинади:

*ҳақиқий таннарх норматив таннархдан кўп бўлган бўлса – Дебет 2810 Кредит 2010;

* ҳақиқий таннарх норматив таннархдан паст бўлган бўлса – Дебет 2810 Кредит 2010 (қизил ёзув, яъни камайтириш ёзуви).

Агар ишлаб чиқилган тайёр маҳсулотларнинг бир қисми сотилган, бошқа бир қисми сотилмаган бўлса, у қолда ҳақиқий таннарх ва норматив таннарх ўртасидаги фарқ улар ўртасида мутонасиб тарзда тақсимланади ҳамда, мос равишда, 9110 «Сотилган маҳсулотлар таннархи» ва 2810 «Тайёр маҳсулотлар» счётларига қўшимча ёзув ёки қизил ёзув орқали ўтказилади.

«Стандар-кост» тизимида харажатларни ҳисобга олиш, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ҳамда «Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот»ни тузиш асосан ташқи ахборот фойдаланувчилар манфаатларига хизмат қилади.

20.4. «Харажат- ишлаб чиқариш –фойда» кўрсаткичлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлашни «Директ-костинг» тизимининг хусусиятлари

«Директ-костинг»ёки «Верибл-костинг» тизими – бу барча ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатларини ўзгарувчан ва ўзгармас тусдаги харажатларга ажратиш, шунингдек, оралиқ молиявий натижа кўрсаткичи бўлган маржинал даромадни ҳамда ушбу маржинал даромаддан жами ўзгармас харажатларни айириш орқали операцион фойдани аниқлаш тизимидир. Ушбу тизим асосан ташқи ахборот фойдаланувчилар манфаатларига хизмат қилади.

Ушбу тизимнинг хусусиятларига қуйидагилар киради.

Биринчидан, унга мувофиқ корхонанинг барча харажатлари таннархга кирадиган ва унга кирмайдиган харажатларга, шунингдек, уларнинг ўзлари эса ўзгарувчан ва ўзгармас тусдаги харажатларга ажратилади.

Иккинчидан, ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот таннархига барча бевосита ва билвосита ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари киритилади.

Учинчидан, сотишдан олинган ялпи фойда ўрнига, маржинал даромад кўрсаткичи олдинги бобда келтирилган тартибларга асосан, яъни сотиш ҳажмидан сотилган маҳсулотларнинг фақат ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда бошқа ўзгарувчан операцион харажатлар (сотиш ва бошқарув харажатлари) суммасини айириш орқали топилади.

Тўртинчидан, барча ўзгармас тусдаги ишлаб чиқариш ва давр харажатлари (сотиш, бошқарув ва бошқа операцион харажатлар) олинган маржинал даромад ҳисобидан қопланади.

«Директ-костинг» тизими (верибл-костинг) тизимининг юқоридаги хусусиятларидан келиб чиқиб, корхоналарнинг фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи қуйидагича тузилади.

Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот
(верибл-костинг)

минг сўм.

Сотишдан олинган даромад	1 000 000
Минус Ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари (барча бевосита материал, меҳнат ва бошқа ўзгарувчан ишлаб чиқариш устама харажатлари)	360 000
Минус Ўзгарувчан сотиш ва бошқарув харажатлари	120 000
Маржинал даромад	520 000
Минус Доимий харажатлар	
Доимий ишлаб чиқариш устама харажатлари	240 000
Доимий сотиш, маъмурий ва бошқа операцион харажатлар)	180 000
Операцион фойда	100 000

«Директ-костинг» (верибл-костинг) тизимида «харажат-ишлаб чиқариш-фойда» кўрсаткичларини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, ушбу тизимда ҳам «Стандарт-кост» тизими сингари ҳисобот даврда ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг сотилган ва сотилмасдан қолган маҳсулотлардан иборат бўлиши, ҳам сотилган, ҳам қолдиқ маҳсулотлар таннархига фақат ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатларини киритилиши, доимий ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда доимий давр харажатларини ҳисобот даврларида бир хил суммада ҳисобга олиниши корхоналар томонидан ҳисобот даврларида оладиган фойдасига турлича таъсир кўрсатади. Мазкур тизимда «Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот»ни тузиш тартиби олдинги параграфда келтирилган шартли мисоллар асосида қуйида келтирилган.

Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот
(директ -костинг)

Кўрсаткичлар	1-давр	2-давр	3-давр
Сотиш миқдори,дона	1500	1400	1600
Сотишдан даромад, сум	1 500 000 000 (1500*1000000)	1 400 000 000 (1400*1000000)	1 600 000 000 (1600*1000000)
Давр бошига тайёр маҳсулот қолдиғи, сум	0	0	180 000 000 (300*600000)
Плюс Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот таннархи, сўм	900 000 000 (1500*600000)	1 002 000 000 (1700*600000)	840 000 000 (1400*600000)
Минус Давр охирига тайёр маҳсулот қолдиғи,сўм	0	180 000 000 (300*600000)	60 000 000 (100*600000)
Сотилган тайёр маҳсулот таннархи, сўм	900 000 000 (1500*600000)	840 000 000 (1400*600000)	960 000 000 (1600*600000)
Ўзгарувчан сотиш ва бошқарув харажатлари	0	0	0

Маржинал даромад	600 000 000 (1 500 000 – 600 000)	560 000 000 (1 400 000- 840 000)	640 000 000 (1 600 000- 960 000 000
Доимий ишлаб чиқариш устама харажатлари, сўм	300 000 000 (1500*200000)	300 000 000 (1500)*200000	300 000 000 (1500*200000)
Доимий сотиш ва бошқарув харажатлари, сўм	100 000 000	100 000 000	100 000 000
Операцион фойда, сўм	200 000 000	160 000 000	240 000 000

«Директ-костинг» тизими, кўриниб турибдики, бошқарув органига корхона миқёсида ва турли сегментлар бўйича маржинал даромад даражасини, хусусий ва умумий рентабеллик даражасига таъсир кўрсатувчи омилларга эътиборни кучайтиришга имкон беради.

Ушбу тизимда ҳам таннарх ва доимий харажатларни назорат қилиш жараёнида стандарт (норматив) меъёрлардан фойдаланилади. Чунончи, «Директ-костинг» тизимида ҳам ўзгарувчан ва доимий харажатларга нормалар белгиланади. Мазкур тизимда ҳам меъёрлардан четланишлар худди «Стандарт-кост» тизимида қўлланиладиган тартиблардагидек аниқланади ва улар ҳисоби юритилади.

«Директ-костинг»ни қўллаш айрим камчиликлардан холи эмас. Чунончи, ушбу тизимда сотиш баҳоларини рақобатда ютиб чиқиш учун кескин пасайтириш юз берганда доимий харажатларни қоплашга маржинал даромад етмаслиги сабабли корхонанинг зарар кўриш эҳтимоли ошади. Шунингдек,, бу тизим ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларни махсус счётларда тизимли акс эттириш ва жамлаб боришни тақозо этади. Бундай счётлар мавжуд бўлмаган ҳолларда харажатларни ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларга ажратиш бухгалтерлар томонидан мустақил амалга оширилади. Бу, табиий равишда, бир томондан вақт сарфини ошишига олиб келади, иккинчи томондан эса, шунчалик кўп вақт сарфланиб аниқланган ўзгарувчан ва ўзгармас харажатлар суммаси реаллигини тўлиқ кафолатлаб бўлмайди.

Мавзуга оид таянч атамалар

Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи – бу ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот қийматига олиб борилган ишлаб чиқариш харажатлари.

Сотилган маҳсулот таннархи – бу ҳисобот даврида омборларга кирим қилинган жами тайёр маҳсулотнинг сотилган қисмига тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатлари.

Жараёнли калькуляция – бу маҳсулот таннархи ҳар бир жараён бўйича «Асосий ишлаб чиқариш» счёти тизимида очилган счётлар маълумотлари асосида аниқлаш усули.

Буюртмали калькуляция – бу да, маҳсулот таннархи ҳар бир буюртма бўйича «Асосий ишлаб чиқариш» счёти тизимида очилган счётлар маълумотлари асосида аниқлаш усули.

Норматив калькуляция усули – бу маҳсулот таннархини аниқлашда (калькуляция қилишда) бевосита моддий ва меҳнат харажатлари, шунингдек, билвосита устама ишлаб чиқариш харажатларини аниқлашда белгиланган меъёрларга асосланиладиган усул.

Режали калькуляция – бу маҳсулот таннархини аниқлашда (калькуляция қилишда) бевосита моддий ва меҳнат харажатлари, шунингдек, билвосита устама ишлаб чиқариш харажатларини аниқлашда режа кўрсаткичларига асосланиладиган усул.

Ҳақиқий калькуляция – бу маҳсулот таннархини аниқлашда (калькуляция қилишда) бевосита моддий ва меҳнат харажатлари, шунингдек, билвосита устама ишлаб чиқариш харажатларини аниқлашда уларнинг ҳақиқий кўрсаткичларига асосланиладиган усул.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар таннархи қандай топилади ва улар ўртасидаги боғлиқлик нималарда намоён бўлади?
2. Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари қандай хусусиятларга эга ва улар бир-биридан қандай жиҳатлари бўйича фарқланади?
3. «Харажат-ишлаб чиқариш-фойда» кўрсаткичлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш «Стандарт-кост» тизимидан қандай амалга оширилади?
4. »Харажат-ишлаб чиқариш-фойда» кўрсаткичлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш «Директ-костинг» тизимидан қандай амалга оширилади?

XXI БОБ. РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БЮДЖЕТЛАШТИРИШ

21.1. Режалаштириш ва бюджетлаштиришнинг моҳияти, аҳамияти ва турлари

Бошқарувнинг муҳим функцияларидан бири бўлиб режалаштириш ҳисобланади.

Режалаштириш деганда келгусида бажарилиши лозим бўлган ҳаракатларни аниқлаш жараёни тушунилади.

Корхонада тузиладиган режаларнинг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

1. ***Оператив (тезкор) режалар*** — бу корхонанинг асосий мақсадига эришиш билан бевосита алоқадор бўлган тактик режалар. Улар қисқа муддатли бўлиб, одатда, йиллик ва чораклик бюджетлардан иборат бўлади. Оператив режаларга ишлаб чиқариш режаси, моддий-техника таъминоти режаси, умумишлаб чиқариш режаси ва шу каби режалар мисол бўлади.

2. **Маъмурий режалар** — корхонанинг ташкилий бўлинмаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган тактик режалар. Уларнинг асосий максади – ҳар бир бўлинманинг режалаштирилаётган кўрсаткичлар даражасини таъминлашга кўмаклашишдир. Бу режалар қисқа муддатли режалар ҳисобланади, улар корхона томонидан йил мобайнида қайта кўриб чиқилиши, тузатилиши мумкин.

3. ***Стратегик режалар*** — бу корхонанинг бизнес фаолияти ва ташкилий таркибини ривожлантиришнинг узоқ йилларга мўлжалланган бош режаси. Бош режалар фақат зарурат бўлгандагина қайта кўриб чикилади, масалан, янги техника ва технологиялар жорий этилганда, рақобат бозори ўзгарганда.

Бухгалтерия ҳисобида режалаштириш деганда авваламбор, корхона бюджетини режалаштириш тушунилади.

Корхона бюджети – бу унинг келгуси даврлар учун фаолияти параметрларини ўзида мужассамлаштирувчи бошқарув дастагидир.

Бюджет – бу корхона молиявий-хўжалик фаолияти асосий кўрсаткичларини (параметрларини) миқдор ва пул бирликларида ифодаловчи молиявий ҳужжатдир.

Бюджет – бу келгусида рўй берилиши мўлжалланаётган молиявий операциялар прогнози (тахмини)дир.

Бюджет – бу аниқ объект бўйича унинг эришилиши кўзда тутилаётган параметрлари ҳисоб-китобларини кетма-кетликда ва ўзаро боғликликда ифодаловчи ҳужжатдир.

Бюджет – бу нафакат пул бирлигида, балки бошқа ўлчов бирликларида ҳам тузиладиган режадир.

Корхона бюджети маълум функцияларни бажаради. Улар сирасига қуйидагилар киради: режалаштириш, координация, рағбатлантириш, назорат, баҳолаш, менежерларни ўқитиш ва тарбиялаш.

Корхона бюджетини режалаштириш – бу корхонанинг таркибий бўлинмалари ёки соҳалари бўйича алоҳида бюджетларни тайёрлаш жараёнидир. Бюджетни режалаштириш ўз ичига корхона даражасида унинг стратегиясидан келиб чиқиб, келгусида олинадиган даромадлар ва харажатлар режаларини тузишни, бу режалар бажарилишини назоратини олади. Бошқачасига, бюджетни режалаштириш корхонанинг ички молиявий бошқарув тизими моҳиятини ифодалайди.

Бюджетга маълум талаблар ҳам қўйилади. Булар: тушунарлилик, аниқлилик, даврийлик.

Юқоридаги таъриф ва тавсифлардан кўриниб турибдики, бюджет бошқарув назорати тизимининг муҳим инструменти ҳисобланади.

Корхоналар бюджетининг асосий турлари бўлиб бош бюджет ва алоҳида кўрсаткичлар бюджети ҳисобланади.

Бош бюджет – бу корхонанинг барча бўлимлари фаолиятини ўзида мужассамлаштирувчи режадир. Бош бюджет иккита асосий бюджетдан иборат бўлади: (1) тезкор оператив бюджет; (2) молиявий бюджет.

Тезкор оператив бюджет. Бу бюджет, бошқачасига жорий, даврий бюджет ҳам деб аталади. Оператив бюджет корхонанинг бўлимлари томонидан келгуси йилда бажарилиши режалаштирилаётган операцияларни кўрсатади. Уни тузиш жараёнида корхонанинг ҳар бир бўлинмасининг ишлаб чикариш ва сотиш бўйича чамаланаётган (прогнозлаштирилаётган) ҳажми улар томонидан олинадиган даромадлар ва қилинадиган сарфлар сифатида соний баҳоланади. Оператив бюджет ўз ичига фойда ва зарарлар тўғрисида чамаланган (прогнозлаштирилган) ҳисоботни олади. Ушбу бюджет, ўз навбатида, қуйидаги бюджетларни олади: сотиш бюджети (даромадлар бюджети); ишлаб чиқариш бюджети (ишлаб чикариш харажатларининг барча асосий элементлари бўйича деталли алоҳида бюджетлар билан биргаликда); ТМЗлар бюджети; сотиш харажатлари бюджети; бошкарув харажатлари бюджети; молиявий натижалар (фойда ва зарарлар) бюджети.

Молиявий бюджет. Ушбу бюджет келгусида корхона молиявий ресурсларини ташкил топтиришни акс эттирувчи режадир. У ўз ичига қуйидаги бюджетларни олади: капитал инвестициялар бюджети; пул маблағлари бюджети; *бухгалтерия баланси бюджети.

Умумий бюджет таркиби ҳамда уни тузиш кетма-кетлигини кўргазмали тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин (21.1-расмга қаранг).



21.1-расм. Бош бюджет таркиби ва уни тузиш кетма-кетлиги

21.2. Корхона фаолияти алоҳида кўрсаткичлари бўйича бюджетларни тузиш

Сотиш бюджети. Бош бюджетни тузишда 1-қадам бўлиб сотиш бюджетини тузиш ҳисобланади. Чунки, корхонанинг барча бошқа кўрсаткичлари, чунончи харажатлари ва оладиган соф фойдаси айнан сотиш ҳажмига ёки сотишдан олинган даромадга боғликдир. Шу боис ҳам сотиш бюджетини тўғри тузиш ўта муҳимдир. Ушбу бюджет корхоналарда режа-иқтисод ёки маркетинг бўлими орқали амалга ошириладиган кузатишлар орқали тузилади ва раҳбар томонидан белгиланади. Сотиш бюджети корхонанинг фаолият турига, яъни ишлаб чиқараётган ва сотаётган маҳсулоти (товари, иш ва хизмат) турларига қараб тузилади. Сотиш ҳажми сотилаётган товар (маҳсулот, иш ва хизмат) миқдорини уларнинг бир бирлиги учун мўлжалланган баҳога кўпайтириш орқали топилади, яъни:

$$Сх = Тс * Бс$$

бу ерда Тс- маҳсулот (товар, иш, хизмат)га талаб сони;
Бс- маҳсулот (товар, иш, хизмат)нинг бир бирлигининг сотиш баҳоси

Юқоридаги элементларни эътиборга олган ҳолда сотиш ҳажми бюджети қуйидаги жадвал куринишида тузилади.

1-кадам. Сотиш ҳажми бюджети

Маҳсулот тури	Талаб сони, дона	Бир донанинг сотиш баҳоси, сўм	Сотиш суммаси, сўм
А	5000	300 000	1 500 000 000
Б	1000	700 000	700 000 000
Жами:			**2 200 000 000**

Ишлаб чиқариш бюджети. Сотиш ҳажми чамалангач, унга эришиш учун омборларда қанча маҳсулот борлиги, ҳисобот даври охирида *корхона хавфсизлиги таъминлаш учун қанча маҳсулот* туришлиги ҳамда яна қанча маҳсулот ишлаб чиқариш лозимлиги аниқланади. Ушбу элементлар асосида 2-қадамда ишлаб чиқариш бюджети миқдор бирликда қуйидаги жадвал кўринишида тузилади.

2-қадам. Ишлаб чиқариш бюджети (ишлаб чиқариш дастури)

Курсаткичлар	А маҳсулот, дона	Б маҳсулот, дона
1.Сотиш режаси	5000	1000
2.Плюс Тайёр маҳсулотнинг меъёрий охирги қолдиги	1100	50
3.Умумий талаб (1+2)	6100	1050
4.Минус Тайёр маҳсулотнинг бош қолдиги, бирлик (бир бирлик «А» маҳсулот таннархи 150000 сўм, «Б» маҳсулот таннархи 580000 сўм)	100	50
5.Ишлаб чиқарилдиган маҳсулот миқдори (3-4)	6000	1000

Материаллар бюджети. Ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулот миқдори аниқлангач, уни ишлаб чиқариш учун қанча миқдорда материаллар сотиб олиш ва уларни сарфлаш бюджети тузилади. Бу 3-қадам бўлиб ҳисобланади. Ушбу қадамда хом ашёнинг мавжуд қолдиғи, маҳсулот ишлаб чиқариш учун материал сарфлар меъёри, материалларнинг омбордаги меъёрий қолдиғи асосида сотиб олиниши лозим бўлган материаллар миқдори аниқланади.

3-қадам. Материаллар бюджети

Маҳсулот тури	*Ишлаб чиқариш режаси, дона*	*Материаллар*			
		М 1		*М 2*	
		Норма, кг/бирлик	*Талаб, кг*	*Норма, кг/бирлик*	*Талаб, кг*
А	*6000*	*12*	*72000*	*6*	*36000*
Б	*1000*	*12*	*12000*	*8*	*8000*
Ишлаб чиқариш учун жами талаб, кг		*84000*		*44000*	
Плюс Материалларнинг давр охирига меъёрий қолдиги, кг		*6000*		*1000*	
Материалларга умумий талаб, кг		*90000*		*45000*	
Минус Материалларнинг давр бошига мавжуд қолдиғи, кг		*5000*		*5000*	
Сотиб олиниши лозим бўлган материаллар миқдори, кг		*85000*		*40000*	
Материалларни сотиб олиш баҳоси, сум/кг		*5000*		*10000*	
Материалларни сотиб олишга сарфлар		*425 000 000*		*400 000 000*	

Иш вақти ва меҳнат харажатлари бюджети. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархига киритиладиган меҳнат ҳақи харажатлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулот миқдори, бир бирлик маҳсулот учун кетадиган вақт меъёри ва унга тўланадиган меҳнат ҳақи расценкаси асосида топилади. Чунончи, умумий меҳнат сарфи ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотлар сонини уларнинг бир бирлиги учун кетадиган вақт меъёрига кўпайтириш орқали, меҳнат харажатлари эса ҳар бир маҳсулотга кетадиган умумий меҳнат сарфини 1 соатлик меҳнат ставкасига кўпайтириш орқали топилади.

Юқоридагилар асосида 4-қадамда иш вақти ва меҳнат ҳақи харажатлари бюджети қуйидагича тузилади.

4-қадам. Иш вақти бюджети

Маҳсулот тури	Ишлаб чиқариш дастури, дона	Бир бирлик маҳсулот учун меҳнат сарфи, соат	Умумий меҳнат сарфи, соат	1 соат меҳнат ставкаси, сўм/соат	Меҳнат харажатлари
А	6000	14	84000	5000	420 000 000
Б	1000	20	20000	7000	140 000 000
Жами:			104000		560 000 000

Ишлаб чиқариш устама харажатлари бюджети. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархига киритиладиган бошқа ишлаб чиқариш устама харажатлари, одатда, доимий (ўзгармас) харажатлар бўлиб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш устама харажатлари келгуси давр учун тузилган шартномалар асосида прогнозлаштирилади. Юқоридагилар асосида 5-қадамда ишлаб чиқариш устама харажатлари бюджети қуйидагича тузилади.

5-қадам. Ишлаб чиқариш устама харажатлари бюджети

Харажат моддалари	Хусусий сумма, минг сўмда	Умумий сумма, минг сўмда
Ёрдамчи материаллар	30 000,0	
Билвосита меҳнат ҳақи	35 000,0	
Бошқа тўловлар	25 000,0	
Электроэнергия	40 000,0	
Турли хизматлар	100 000,0	
Амортизация	25 000,0	
Ишлаб чиқариш воситалари суғуртаси	5 000,0	

Назоратчилар иш хаки	20 000,0	280 000
Асосий меҳнат соатлари умумий сони, соат		**104000**
1 бирлик меҳнат соатига тўғри келувчи устама ишлаб чиқариш харажатлари		**2,692**

Бир бирлик тайёр маҳсулот ва давр охирига маҳсулот таннархи бюджети. Ушбу 6-қадамда юқоридаги маълумотлар асосида бир бирлик тайёр маҳсулот ва давр охирига маҳсулот таннархи бюджети қуйидагича тузилади.

6-қадам. Бир бирлик тайёр маҳсулот ва унинг давр охиридаги қолдиги таннархи бюджети

Харажат моддалари	А маҳсулот	Б маҳсулот
Асосий материаллар:		
- М 1	12*5000=60000	12*5000= 60000
- М 2	6*10000=60000	8*10000=80000
Меҳнат харажатлари	14*5000=70000	20*7000=140000
Устама ИЧХ	14*2692=37688	20*2692=53840
1 бирлик маҳсулот таннархи	227 688	333 840
Давр охирига тайёр маҳсулот қолдиги, дона	1100	50
Давр охирига тайёр маҳсулот заҳираси таннархи	250 456 800	16 692 000

Сотиладиган тайёр маҳсулот таннархи бюджети. Ушбу 7-қадамда юқоридаги маълумотлар асосида сотиладиган маҳсулот таннархи бюджети қуйидагича тузилади.

7-қадам. Сотиладиган тайёр маҳсулот таннархи бюджети

Харажат моддалари	Сумма, сумда
1.Асосий материаллар:	
- давр бошига қолдик	75 000 000
- сотиб олиш	825 000 000
-жами ишлатишга мулжалланган материаллар	900 000 000
- давр охирига қолдик	40 000 000
- ишлаб чикаришга берилган материаллар	860 000 000
2.Мехнат хаки харажатлари	560 000 000
3.Устама харажатлар	280 000 000
4.Ишлаб чикариладиган тайёр махсулот таннархи	1 700 000 000
5.Давр бошига тайёр махсулот колдиги	44 000 000
6.Жами сотишга мулжалланган тайёр махсулот	1 744 000 000
7.Давр охирига тайёр махсулот колдиги	222 440 050
8.Сотиладиган тайёр махсулот таннархи	1 521 559 950

Сотиш ва бошқарув харажатлари бюджети. Ушбу 8-қадамда ҳисоб-китоблар асосида сотиш ва бошқарув харажатлари бюджети қуйидагича тузилади.

8-қадам. Сотиш ва бошқарув харажатлари бюджети

Харажат турлари	Хусусий сумма	Умумий сумма
Сотиш харажатлари		
Комиссион харажатлар	20 000 000	
Реклама	13 000 000	
Савдо ходимлари иш хаки	40 000 000	
Транспорт харажатлари	35 000 000	
Ўров харажатлари	10 000 000	118 000 000
Бошқарув харажатлари		
Иш хаки	101 000 000	
Бошка харажатлар	105 000 000	206 000 000
Хаммаси бўлиб		*324 000 000*

Фойда ва зарарлар тўғрисида хисобот кўрсаткичлари бюджети. Ушбу 9-қадамда юқорида келтирилган ҳисоб-китоблар асосида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот лойиҳаси қуйидагича тузилади.

9-қадам. Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот лойиҳаси

Кўрсаткичлар	Ахборот манбаи	Сумма
Реализация хажми	1-қадам	2 200 000 000
Сотиш таннархи	7-қадам	1 521 559 950
Ялпи фойда		678 440 050
Сотиш ва бошқарув харажатлари	8-қадам	324 000 000
Операцион фойда		354 440 050
Фоиз харажатлари		50 000 000
Солиққача фойда		*304 440 050*
Фойда солиғи, 12 %;		36 532 806
Соф фойда		267 907 244

21.3. Корхоналар молиявий бюджетларини тузиш

Пул маблағлари бюджети. Корхонанинг йиллик пул маблағлари бюджети, одатда, одатда, чораклар кесимида тузилади. Уни тузишда қуйидагилар асос қилиб олинади.

Биринчидан, йил бошига пул маблағлари қолдиғи уларнинг минимал зарур суммаси миқдорида (лимит) белгиланади;

Иккинчидан, ҳисобот даври охирига пул маблағлари қолдиғи уларнинг давр бошидаги қолдиғи ҳамда пул тушумлари ва пул чиқимлари бюджетига асосан топилади;

Учинчидан, пул маблағлари тушуми сотиш ҳажмидан ҳамда дебиторлик қарзларнинг ўз вақтида келиб тушмаслик фоизи ўтган йиллар таҳлили асосида чамаланади (тушум бюджетидан 5-10 % миқдорида);

Тўртинчидан, пул маблағлари чиқими материаллар бюджети, меҳнат ҳақи харажатлари, дивиденд тўловлари, солиқ тўловлари, фоиз тўловлари, капитал инвестициялар бюджети ва бошқа тўловлар режасига қараб аниқланади;

Жами пул чиқимлари ва пул маблағлари зарур қолдиғи лимити биргаликда корхонанинг умумий пул маблағларига бўлган заруратни (талабни) билдиради. Корхонанинг давр бошидаги пул маблағлари зарур қолдиғи (лимити) ва пул тушуми суммаларининг йиғиндиси ҳамда умумий пул маблағларига бўлган зарурат (талаб) ўртасидаги фарқ пул маблағлари етишмаслигини ёки уларнинг талабдан зиёд эканлигини (бўш пул маблағлари мавжудлигини) билдиради.

Юқоридаги тартиблар ҳамда алоҳида кўрсаткичлар бюджетларида келтирилган шартли маълумотлар асосида тузилган тахминий пул маблағлари бюджети намуна сифатида қуйида келтирилган (10-қадам).

10-қадам. Пул маблағлари бюджети

Минг сўм

Кўрсаткичлар	1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак	Жами
1. Давр бошига пул маблағлари қолдиғи	**50000**	**55000**	**12000**	**75000**	**50000**
2. Харидорлардан тушум	400000	500000	600000	480000	1980000
3. Жами пул маблағлари (1+2)	**450000**	**555000**	**612000**	**555000**	**2030000**
4. Жами пул чиқимлари	**395000**	**543000**	**537000**	**495000**	**1970000**
4.1. Таъминотчиларга	180000	200000	250000	200000	830000
4.2. Иш ҳақига	90000	130000	150000	100000	470000
4.3. Солиқларга	50000	60000	65000	85000	260000
4.4. Бошқа тўловларга	60000	60000	60000	100000	280000
4.5. Кредит фоизлари	15000	13000	12000	10000	50000
4.6. Капитал инвестицияларга	0	80000	0	0	80000
5. Пул маблағлари лимити	50000	50000	50000	50000	50000
6. Жами пул маблағларига талаб (4+5)	445000	593000	587000	545000	2020000
7. Бўш пул маблағлари (3-6)	5000	0	25000	10000	10000
8. Пул маблағлари танқислиги (6-3)	0	38000	0	0	0
9. Давр охирига пул маблағлари қолдиғи	**55000**	**12000**	**75000**	**60000**	**60000**

Бухгалтерия баланси бюджети. Корхонанинг келгуси йилга бухгалтерия баланси бюджетини тузиш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Биринчидан, ўтган ҳисобот йили охирига тузилган бухгалтерия баланси асос сифатида олинади, ушбу баланс маълумотлари келгуси йилнинг бошида мавжуд активлар ҳамда уларнинг ташкил топиш манбалари тўғрисидаги ахборотларни беради.

Иккинчидан, янги йил учун тузиладиган бухгалтерия баланси бюджети (лойиҳаси)да ҳар бир моддаси суммаси унинг йил бошидаги қолдиғи ҳамда асосий фаолият кўрсаткичлари бюджетлари, шунингдек, пул оқимлари бюджети асосида ҳисоб-китоб қилинади ҳамда тўлғазилади, чунончи:

- янги йил охирига пул маблағлари қолдиғи юқорида келтирилган пул маблағлари бюджети асосида топилган миқдорда кўрсатилади;
- асосий материаллар қолдиғи материаллар бюджети (3-қадам) ва тайёр маҳсулот таннархи бюджети (7-қадам) асосида тўлдирилади;
- тайёр маҳсулотлар қолдиғи тайёр маҳсулот таннархи бюджетида (7-қадам) келтирилган миқдорда кўрсатилади;
- дебиторлик қарзлар уларнинг йил бошидаги қолдиғига сотиш ҳажмини қўшиш (1-қадам) ҳамда пул маблағлари бюджетида кўрсатилган харидорлардан келиб тушган тушумларни айириш орқали топилади;
- асосий воситалар қиймати уларнинг йил бошидаги қийматига янги киритилган инвестицияларни қўшиш ва чиқиб кетиши режалаштирилаётган асосий воситалар қийматини айириш орқали топилади;
- асосий воситалар эскириши суммаси унинг йил бошидаги суммасига ҳисобот йилида ҳисобланадиган амортизация суммасини қўшиш орқали топилади;
- таъминотчилар олдидаги қарзлар йил бошидаги қарзи суммасига таъминотчилардан олинган материаллар суммасини қўшиш (7-қадам) ва пул маблағлари бюджетида кўрсатилган таъминотчиларга тўлов суммасини айириш орқали топилади;
- иш ҳақи бўйича қарздорлик суммаси унинг йил бошидаги қолдиғига ҳисобланган иш ҳақи харажатларини қўшиш ва пул маблағлари бюджетида кўрсатилган иш ҳақи бўйича тўлов суммасини айириш орқали топилади;
- солиқлар бўйича қарздорлик унинг йил бошидаги суммасига ҳисобланган солиқ суммасини қўшиш ва пул маблағлари бюджетида кўрсатилган солиқ бўйича тўлов суммасини айириш орқали топилади;

• бошқа кредиторлик қарзлар суммаси унинг йил бошидаги суммасига кредиторларга ҳисобланган суммаларни қўшиш ва пул маблағлари бюджетида кўрсатилган кредиторлик қарзлари бўйича тўлов суммасини айириш орқали топилади;

• тақсимланмаган фойда суммаси унинг йил бошидаги суммасига фойда ва зарарлар бюджетида кўрсатилган соф фойда суммасини қўшиш (9-қадам) ва ҳисобланадиган дивиденд суммасини айириш орқали топилади.

Юқоридаги тартибларга асосланиб шартли маълумотлар асосида тузилган бухгалтерия баланси бюджети (лойиҳаси) намуна сифатида қуйида келтирилган (11-қадам).

11-қадам. Бухгалтерия баланси бюджети

Минг сўм

№	Баланс моддалари	Йил бошига сумма	Ўзгариш	Йил охирига сумма
	АКТИВ			
1	Асосий воситалар	1 200 000	+80 000 (10-қадам) – 25 000 (5-қадам)	1 255 000
2	Тугалланмаган капитал инвестициялар	80 000	-80 000 (10-қадам)	0
3	Молиявий инвестициялар	10 000		10 000
	Жами узоқ муддатли активлар	**1 290 000**		**1 265 000**
1	Материаллар	75 000	+825 000 (3-қадам)-860 000 (7-қадам)	40 000
2	Тайёр маҳсулотлар	44 000	+1 700 000 (7-қадам)-1521560 (7-қадам)	222 440
3	Харидорлар қарзлари	25 000	+2 200 000 (1-қадам) – 1 980 000 (10-қадам)	245 000
4	Пул маблағлари	50 000	1 980 000 (10-қадам) – 1970 000 (10-қадам)	60 000
5	Бошқа дебиторлик қарзлар	5 000		5 000
	Жами жорий активлар	**199 000**		**572 440**
	Баланс	**1 370 000**		**1 837 440**
	ПАССИВ			
1	Устав капитали	800 000		800 000
2	Резерв капитали	120 000		120 000

3	Тақсимланмаган фойда	35 000	+267 907 (9-қадам)	302 907
	Жами хусусий капитал	**955 000**		**1 222 907**
1	Таъминотчиларга қарзлар	80 000	+825 000 (3-қадам) – 830 000 (10-қадам)	75 000
2	Бюджетга қарзлар	30 000	280000 (Даромад солиғи, ЯИТ)+36533 (9-қадам) – 260000 (10-қадам)	86 533
3	Иш ҳақи бўйича қарзлар	90 000	+756 000- 289 800 - 470000	86 200
4	Банк кредитлари	200 000	-50000 -50000	100 000
5	Бошқа кредиторлик қарзлар	15 000	+531 800-280000	266 800
	Жами мажбуриятлар	**415 000**		**614 533**
	Баланс	**1 370 000**		**1 837 440**

Табиий равишда, корхоналар томонидан келгуси йилга тузиладиган тезкор оператив ва молиявий тахминий характерга эга бўлади. Уларнинг аниқ бўлишлиги ҳам талаб этилмайди. Ҳисобот йилнинг чораклари кесимида бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича тузиладиган ҳақиқий бюджетлар ушбу тахминий бюджетларнинг қай даражада асосли тузилганлигига ҳам баҳо беришга, келгуси даврлар учун бюджетларни тузишда йўл қўйилган камчиликларнинг эътиборга олинишига имкон беради.

Мавзуга оид таянч атамалар

Режалаштириш – келгусида бажарилиши лозим бўлган ҳаракатларни аниқлаш жараёни.

Оператив (тезкор) режалар – бу корхонанинг асосий мақсадига эришиш билан бевосита алоқадор бўлган тактик режалар.

Маъмурий режалар – корхонанинг ташкилий бўлинмаларини ривожлантириш ва қўллаб қувватлашга қаратилган тактик режалар.

Стратегик режалар – бу корхонанинг бизнес фаолияти ва ташкилий таркибини ривожлантиришнинг узоқ йилларга мўлжалланган бош режаси.

Корхона бюджети – бу корхонанинг келгуси даврлар учун фаолияти параметрларини ўзида мужассамлаштирувчи бошқарув дастаги.

Бюджет – бу корхона молиявий-хўжалик фаолияти асосий кўрсаткичларини (параметрларини) миқдор ва пул бирликларида ифодаловчи молиявий ҳужжат.

Бош бюджет – бу корхонанинг барча бўлимлари фаолиятини ўзида мужассамлаштирувчи режадир.

Корхона бюджетини режалаштириш – бу корхонанинг таркибий бўлинмалари ёки соҳалари бўйича алоҳида бюджетларни тайёрлаш жараёни.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Режалаштириш ва бюджетлаштириш нима, уларнинг мақсади нималарда намоён бўлади?
2. Режалаштириш ва бюджетлаштириш қандай турлари бор?
3. Бош бюджет нима ва у ўз ичига қандай бюджетларни олади?
4. Алоҳида кўрсаткичлар бўйича бюджетлар қандай тузилади?

XXII БОБ. БАҲОНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ[27]

22.1. Баҳонинг моҳияти, турлари, таркибий элементлари ва уни шакллантириш бўйича қарор қабул қилишга таъсир қилувчи омиллар

Сотувчилар ва харидорлар ўртасида юз берадиган олди-сотди муносабатларида муҳим роль ўйнайдиган ричаглардан бири бўлиб товар, маҳсулот, иш ва хизматлар учун белгиланадиган баҳо ҳисобланади.

Баҳо – бу товар, маҳсулот, иш ва хизматларнинг пул бирлигидаги нархи. Ушбу нарх сотиб олувчида сотиб олиш баҳосини, сотувчида эса сотиш баҳосини ташкил этади.

Сотиб олиш баҳоси сотиб олувчи учун харид қилинган товар, иш ёки хизматнинг таннархи бўлиб ҳисобланади, яъни:

Сотиб олиш баҳоси = таннарх

Сотиш баҳоси сотувчи учун сотилаётган товар, маҳсулот, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматлар таннархи ҳамда унинг устига қўйилган устамадан, яъни фойдадан иборат бўлади, яъни:

Сотиш баҳоси = таннарх + фойда

Баҳони шакллантириш ҳам умумдавлат, ҳам корхоналар манфаатлари учун муҳим аҳамиятга молик сиёсат ҳисобланади. Мазмунан ишлаб чиқарилган товар, бажарилган иш, кўрсатилган хизматнинг пул бирлигидаги нархини ифодаловчи баҳо, бир томондан, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини, иккинчи томондан эса, корхоналар томонидан олинадиган даромад, сарф-харажатлар ҳамда соф фойдани аниқлашда энг муҳим омиллардан биридир. Айрим энг зарур товарларга баҳонинг максимал миқдорларини маълум даражада ушлаб туриш, қолаверса уларни борган сари тушириб бориш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Баҳолаш сиёсатини тўғри танлаш ва олиб бориш корхоналарнинг бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли фаолият юритиши, ўз ўрнини топиши ва

[27] Ушбу боб мустақил тадқиқотчи У.А. Ширинов билан ҳамкорликда ёзилди

узлуксиз ривожланишининг муҳим гаровидир. Баҳо сиёсати корхоналарнинг бошқарув ва маркетинг сиёсатининг ажралмас қисми сифатида улар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни ўз харидорини топишда, тез сотилишида, сотишдан олинган даромад эвазига барча харажатларни қоплаш ҳамда фойда олишда энг муҳим рол ўйновчи ва бевосита катта таъсир кўрсатувчи кучдир.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар баҳо сиёсати негизида қуйидагилар ётади:

1. Фойдани максималлаштириш;

2. Бозорни эгаллаш (сотув ҳажмини ошириш, рақобатда енгиб чиқиш);

3. Барқарор ривожланишни таъминлаш;

4. Эркин рақобат шароитида синиш ва банкротлик ҳолатига тушишнинг олдини олиш.

Баҳони шакллантириш бўйича тўғри қарор қабул қилиш нарх-навога бевосита таъсир қилувчи барча омилларни ҳисобга олишни тақозо этади. Бу омилларнинг асосийлари сирасига қуйидагилар киради: (1) талаб ва таклиф; (2) харажатлар; (3) рақобат. Бундан ташқари баҳони шакллантиришда давлатнинг баҳо ўрнатиш борасида қонуний чекловлари ҳам эътиборга олиниши лозим.

Талаб – бу баҳони белгилашда бош омилдир. Талаб ошиши билан корхона ўз сотиш баҳоларини ошириши табиий ҳолдир ва бу унинг фойдасини ошишига олиб келади. Талаб камайганда корхона баҳони тушириши лозим, акс ҳолда у ўз маҳсулотлари сотиш ҳажмини олдинги даражаларда ҳам сақлаб қолалмайди.

Харажатлар нарх-навонинг даражасини белгилашда асос бўлиб ҳисобланади. Айнан товарни ишлаб чиқаришга кетган ёки уни сотиб олишга қилинган харажатлар миқдори тадбиркор учун товарни сотишда энг кичик сотиш баҳоси бўлиб ҳисобланиши мумкин. Товарни таннархидан паст нархларда сотиш унга зарар келтиради, бундай ҳолат тадбиркорликнинг бош мақсади бўлган фойда олишга мутлоқ зиддир. Шу билан бирга рақобат мавжуд бўлганда ёки талаб камайиб кетганда, катта миқдорда товар заҳиралари тўпланиб қолганда тадбиркор учун товарни энг кичик сотиш баҳоси бўлган таннарх бўйича сотиш бонкротлик ҳолатидан чиқиб кетишнинг муҳим йўлларидан бири сифатида қаралади. Айрим харажатлар ошган пайтда корхоналар, мос равишда, сотиш баҳоларини ҳам оширадилар. Бироқ, бу товарлар сотиш ҳажмининг пасайишига олиб келиши мумкин. Харажатларни камайиши

эвазига сотиш баҳоларини тушириш, маълумки, корхоналарга сотиш ҳажмини оширишга ва бунинг эвазига кўпроқ фойдага эришишга имкон беради.

Рақобат корхона товарлари сотиш баҳоларини оширишда маълум чегарадан ошмасликни тақозо этади. Рақобатчилар кўп бўлган ҳолларда корхона ўз товарлари баҳосини оширишга ҳаракат қилса, у ҳолда у кўпроқ харидорини баҳолар юқори бўлганлиги сабабли йўқотиши мумкин. Бу, ўз навбатида, сотиш ҳажмини ҳам, мос равишда, олинадиган фойдани ҳам камайиб кетишига олиб келади.

Шундай қилиб, баҳони шаклланишига таъсир қилувчи омилларни эътиборга олиш тўғри баҳо сиёсатини юритишнинг муҳим гарови ҳисобланади. Баҳоларни шаклланишига бевосита таъсир қилувчи ҳам ички, ҳам ташқи омилларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин.

1. Товарлар таклифи ҳажмига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар:

* товарларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ жорий харажатлар даражаси;
* илмий-техник прогресс;
* товарлар таклифининг монополлик даражаси.

2. Товарлар талаби ҳажмига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар:

* товарларнинг нафлик ва сифат даражаси;
* харидорларнинг молиявий имкониятлари;
* бошқа товарлар нархларининг ўзгариши;
* талабнинг монополлик даражаси;
* товар бозоридаги рақобат даражаси.

3. Сотувчилар ва сотиб олувчилар ўртасидаги муносабатларга таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар:

* иқтисодий жараёнлар;
* инфляция;
* талаб ва таклифнинг қисқа муддатли тебраниши;
* баҳоларни тартибга солиш ва улар устидан давлат назоратини ўрнатиш.

Ҳозири пайтда баҳони шакллантиришда асосан 3 та стратегия (ёндашув) кенг тарқалган. Булар: (1) бозорга кириб бориш; (2) қаймоғини олиш; (3) маҳсулот ҳаётийлиги (бошланғич ҳолати, ўсиш, чўққига чиқиш, тушиш).

Бозорга кириб бориш стратегияси корхона учун янги бўлган бозорга тез кириб бориш учун дастлаб паст нархларни қўллашга асосланган ёндашув ҳисобланади. Бироқ бундай ёндашув фақатгина корхона томонидан тезлик билан паст нархларда катта партиядаги товарларни бозорга тақдим этиш имкони бўлганда самарали ҳисобланади. Келгусида, товарлар сотиш баҳосини ошиши ҳамда рақобатчилар сони кўпайиши билан мазкур стратегия етарлича самара бермай қўйиши мумкин. Бу стратегияни қўллаш учун корхона яна янги бозорларни топиши ва уларга нисбатан арзон баҳолардаги товарларни олиб чиқиши лозим бўлади.

Қаймоғини олиш стратегияси бозорга кириб бориш стратегиясидан фарқли ўлароқ бозорга юқори сотиш нархлари ва таннархдаги катта бўлмаган партияларда янги товарлар билан кириб боришга асосланган ёндашув ҳисобланади. Бу ёндашув асосан бозорга киритилган товарлар буткул янги, сифати юқори бўлганда ўзини оқлайди. Ушбу товарларга ўхшаш товарларнинг пайдо бўлиши билан қаймоғини олиш стратегияси тегишли самарани бермай қўйиши мумкин.

Маҳсулот (товар, иш, хизмат) ҳаётийлиги стратегияси юқоридаги стратегиялардан фарқли ўлароқ ўз маҳсулотини бозорда талаб мавжуд бўлган узоқ муддатда барқарор ушлаб туриш ва равнақ топтириш, талаб камайган пайтдан бошлаб эса ушбу товарни бозордан чиқариш, унинг ўрнига янги узоқ муддатда наф келтирувчи ёндашув ҳисобланади.

22.2. Сотиш баҳоларини белгилаш усуллари

Корхоналарда сотиш баҳоларини белгилашда харажатларга ҳамда фойдалилик даражасига (рентабелликка) асосланган усуллар кенг қўлланилади. Уларнинг асосийлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ўзгарувчан харажатлар бўйича таннархни ҳисобга олиш асосида баҳони белгилаш усули;
2. Барча харажатларни тўлиқ ҳисобга олиш асосида баҳони белгилаш усули;
3. Баҳони харажатларни максадли ҳисобга олиш асосида белгилаш усули;
4. Зарарсизлик нуқтаси бўйича баҳони белгилаш усули;
5. Рентабеллик даражаси асосида баҳони белгилаш усули.

Қуйида ушбу усуллар бўйича сотиш баҳоларини шакллантириш тартибларига ҳамда уларнинг корхоналар молиявий хўжалик фаолияти натижаларига таъсирига тўхталамиз.

Ўзгарувчан харажатлар бўйича таннархни ҳисобга олиш асосида баҳони белгилаш усули

Баҳо ўрнатишнинг ушбу усули корхона харажатларини ўзгармас ва ўзгарувчан харажатларга бўлишга ҳамда маржинал ёндашувга асосланади. Корхонанинг нархни белгилашда асосий эътибори ўзгарувчан харажатларни тўлиқ қоплашга, шунингдек, олинган маржа ҳисобидан доимий харажатларни қоплаш ва фойда олишга қаратилади.

Мисол. Компания 1 та маҳсулот чикаради ва унга доир харажатлар 1 бирлик учун қуйидагича, дейлик:

Кўрсаткичлар	Хусусий сумма, сўм	Умумий сумма, сўм
1.Асосий материал харажатлари	6000	
2.Асосий мехнат харажатлари	4000	
3.Ўзгарувчан устама ишлаб чикариш харажатлари (УИЧХ)	3000	
4.Доимий УИЧХ (10000 дона ҳисоби учун)	7000	
5.Ўзгарувчан сотиш ва бошқарув харажатлари	2000	
6.Доимий сотиш ва бошқарув харажатлари (10000 дона ҳисоби учун.)	3000	
7.Жами харажатлар		**25000**
Шундан ўзгарувчан харажатлар		
*Асосий материал харажатлари	6000	
*Асосий мехнат харажатлари	4000	
*Ўзгарувчан устама ишлаб чикариш харажатлари (УИЧХ)	3000	
*Ўзгарувчан сотиш ва бошқарув харажатлари	2000	
Жами		**15000**

Компания ўзининг баҳо сиёсатига кўра ўзгарувчан харажатлар ва унга 100 %лик устама (фойда даражаси)ни қўйиш асосида 1 бирлик маҳсулотга сотиш баҳосини қуйидагича белгилайди.

Ўзгарувчан харажатлар	15000
Устама (фойда) 100 %	15000
Сотиш баҳоси	30000

У шбу бадолаш усулида корхонанинг фойда ва зарарлар тугрисидага

Сотиш (10 ООО бирлик х 30000 сум.)	**300 000 000**
Узгарувчан харажатлар(10000 бирлик. х 15000 сум.)	**150 000 000**
Маржинал дгцюмад	**150 000 000**
Доимий харажатлар (10 000 бирлик х 10000 сум)	**100 000 000**
Фойда	**50 000 000**

Барча харажатларни тулик хисобга олиш асосида бахони белгилаш усулн

Бах,о урнатишнинг ушбу усули корхона харажатларини узгармас ва узгарувчан харажатларга булишга хамда маржинал ёндашувга асосланмайди. Корхонанинг нархни белгилашда асосий эътибор барча харажатларни тулик; коплашга, шунингдек, меъёрдаги фойдани ушбу харажатлар устига куйишга каратилади.

Мнсол

Компания 1 та махсулот чикаради ва унга дойр харажатлар сумда куйидагича (1 бирлик учун):

Асосий материал харажатлари	6000
Асосий мехнат харажатлари	4000
Узгарувчан устама ишлаб чикариш харажатлари (УИЧХ)	3000
Доимий УИЧХ (10000 дона хисоби учун)	7000
Узгарувчан сотиш ва бошкарув харажатлари	2000
Домий тижорат ва бошкарув харажатлари (10000 дона *хисоби учун)*	3000
Жами харажатлар	25000

Компания жами харажатлар ва унга 20 %лик устама (фойда даражаси)ни цуйиш асосида 1 бирлик махсулотнинг сотиш бахосини куйидагича белгилайди.

Жами харажатлар	25000
Устама (фойда)20 %	5000
Сотиш б ах оси	30000

Ушбу бахолаш усулида корхонанинг фойда ва зарарлар тугрисидаги хисоботи куйидагича яойихалаштирилади.

Сотиш (10 000 бирлик х 30000 сум)	300 000 000
Сотиш таннархи (10000 бирлик. х 20 000 сум)	200 000 000
Ялпи фойда	100 000 000
Сотиш ва бошкарув харажатлари (10 000 бирлик х 5000 сум)	50 000 000
Фойда	50 000 000

Бахони харажатларни максадли хисобга олиш асосида белгвлаш усули

Бахо урнатишнинг ушбу усулида асосий эътибор бозор ба\осидан келиб чикиб, максадли харажатларни тулик коплашга, шунингдек, фойдага эришишга царатилади.

Мисол:Компания бозор бах,оси 23 ООО сум булган 10 ООО дона махсулотни ишлаб чикаришни ва сотишни режалаштирмовда. Устама (фойда) даражасн тулик харажатларга нисбатан 15%, Сотишва бошкарув харажатлари жами йилда 50 ООО ООО сум

Сотиш (10 000 дона, х 23 000 сум)	230 000 000
Минус Устама (230 000 000 - (230 000 000/1,15)	30 000 000
Сотиш ва бошкарув харажатлари	50 000 000
Максадли ишлаб чикариш харажатлари -жами	150 000 000
1 бирлик махсулот учун максадли харажатлар (150 000 000/10 000 дона)	15 000

Айтайлик, ишлаб чи^ариш 300 ООО ООО сумлик инвестиция киритишни тацозо этади, компания инвестицияга нисбатан 15 % фойда олишни режалаштирмовда. Ушбу мацсадга эришиш учун 1 бирлик махсулот учун максадли харажатлар куйидагича булади:

Сотиш (10 000 дона, х 23 000 сум)	230 000 000
Минус Устама (300 000 000 х 15 %)	45 000 000
Сотиш ва бошкарув харажатлари	50 000 000
Максадли ишлаб чик;ариш харажатлари жами	135 000 000
1 бирлик махсулот учун максадли харажатлар (135 000 000/10 000 дона.)	13 500

Зарарснзлик нуктаси буйича бадони белгилаш усули

Бах,о урнатишнинг ушбу усули бозор бах,осини х,еч булмаганда доимий ва узгарувчан харажатларга тенглигига асосланади.

Мнсол. Компания 1 та мах.сулот чицаради ва унга дойр харажатлар 1 бирлик учун куйидагича, дешшк:

Курсаисичлар	Хусусий сумма, сум	Умумий сумма, сум
Узгарувчан харажатлар:		
***Асосий материал харажатлари**	**6000**	
***Асосий мехнат харажатлари**	**4000**	
***Узгарувчан устама ишлаб чикариш харажатлари (УИЧХ)**	**3000**	
***Узгарувчан сотиш ва бошкарув харажатлари**	**2000**	**15000**
Хдсобот йил доимий харажатлари:		
***доим ии ишлаб чикдриш устама харажатлари**	**500000000**	
***доимий сотиш ва бошкарув харажатлари**	**100000000**	**600000000**
Корхонанинг йишшк махсулот ишлаб чикариш режаси 60000 бирлик		

Ушбу маълумотларга кура корхонанинг жами харажатлари куйидагича:

Курсаткичлар	Хусусий сумма, сум	Умумий сумма, сум
Узгарувчан харажатлар:		
Асосий материал харажатлари *60000*6000	3***60 000 000***	
***Асосий мехнат харажатлари** 60000*4000	***240*** 000 000	
***Узгарувчан устама ишлаб чикариш харажатлари (УИЧХ)** 60000*3000	180 000 000	
•**Узгарувчан сотиш ва бошкарув харажатлари** 60000*2000	120 000 000	**900 000 000**
Хисобот йил **доимий харажатлари:**		
***доимий ишлаб чикдриш устама харажатлари**	500000000	
***доимий сотиш ва бошщарув харажатлари**	100000000	**600000000**
Жами харажатлар		**1 500 000 000**

Зарарснзлик нуктаси назариясига кура сотиш хджми жами харажатларга тенг булиши лозим. Юкоридаги шартли маълумотларга кура у 1 500 ООО ООО сумни ташкил этади. Демак, корхонанинг 1 бирлик

мах,сулот учун сотиш бах,оси ушбу усулга кура 25 ООО сумни таигкил этиши лозим (1 500 ООО ООО/ 60000).

Ушбу бах,олаш усулида корхонанинг фойда ва зарарлар тугрисидаги хдсоботи куйвдагича тузилади.

Сотиш (60 000 бирлик к 25000 сум.)	**1 500 000 000**
Узгарувчан харажвтлар{60000 бирлик, х 15000 сум.)	**900 000 000**
Маржинал даромад	**600 000 000**
Доимий харажатлар	**600 000 000**
Фойда	**0**

Ушбу усулга кура белгиланган сотиш бахдяари буйича корхона ишлаб чикариш ва сотиш режасини 100 %га бажаргандагина зарар билан чикмайди, режани бажарилмаслиги корхонага зарар келгиради, режанинг ортиги билан бажарилиши корхонага фойда келтириади.

Рентабеллик асосида бахони белгилаш усули

Бахо урнатишнинг ушбу усули бозор бахосини белгиланган рентабеллик даражасига зришишга асосланади. Ушбу усулни куллашда рентабелликнинг режалаштирилаётган даражаси куйидаги аникланади:

Устама фоизи	=	Режадаги фойда + Ноишлаб чикариш харажатлари
		Ишлаб чикариш хажми х 1 бирлик махе.ишлаб чик„ таннархи

Мисол. Компания 2 млрд сум микдорида инвестиция килишни режалаштирган. Сотиш микдори 50 минг бирлик, ишлаб чикариш таннархи I бирлик махсулот учун 30000 сум режалаштирилган. Сотиш ва бошкэрув харажатлари - 700 000 000 сум. Компания инвестиция рентабеллик даражасини 25 % микдорида белгилаган.

Устама фоизи		(25%*200000000)+700 000 000		80%
		50000*30000		

Юкрридаги шартли маълумотларга кура! бирлик учун:

Ишлаб чикариш харажатлари	30 000 сум
Устама 80 %	24 000 сум

22.3. Трансферт бахолар ва уларни шакллантириш хусусиятлари

Трансферт бахо - бу таккослаш имкони булмаган товар, иш ва хизмат турлари учун иккита томон, шу жумладан, бир-бирига боглик ва буйсинувчи, одатда, битта гурухга кирувчи юридик шахслар уртасида тузиладиган индивидуал битимлар учун белгиланадиган махсус нарх. Бу нарх купрок индивидуал характерга эга булган товар, иш ёки хизмат турига, шунингдек, айнан шу характердаги товар, иш ва хизматларни курсатувчи субъектларга тааллукли булганлиги, шунингдек, барча бозор иштирокчилари учун дахлдор булмаганлиги сабабли умумбозор бахоси сифатида каралмайди. Ухшаши (аналоги) булмаган товар, иш ва хизмат турлари, шунингдек, маълум бир гурухга кирувчи, шунингдек, узаро боглик ва бир-бирига буйсунувчи корхоналар уртасида нархларни узаро келишув асосида белгиланиши трансферт бахолаш деб номланади.

Трансферт бах,олар хам давлатлараро, хдм бир мамлакат доирасида махсус товар ишлаб чик;ариш, иш бажариш ёки хизмат курсатиш билан шугулланувчи корхоналар томонидан кулланилиши мумкин. Бундай корхоналарга мисол килиб космик кемаларни ишлаб чикарувчилар, атом электр станциялари, ядро ва бошка куролларни ишлаб чикарувчилар, ер ости бойликларини казиб олувчилар, метро курилиши, махсус реклама, консалтинг, аудиторлик ва бошка хизматларни курсатувчи субъектларни келтириш мумкин.

Жахон мамлакатлари тажрибасида трансферт бахоларни куллаш бир гурухга кирувчи компаниялар (холдинглар, концернлар) уртасида умумий олинадиган фойдани кам солик, туловчи корхона манфаатларига купрок мивдорда таксимлаш максадида белгиланади. Шу боис хам, трансферт бахолар давлатларнинг фискал органлари, чунончи солик органлари томонидан амалга ошириладиган назоратнинг мухим объекта булиб хисобланади. Бундай назоратнинг асосий максади булиб сопикдан кочиш, даромадларни яшириш холларининг мавжуд эмаслигини аниклашдан и борат.

Хорижий давлатлар давлат солик органлари кошида махсус трансферт бахолар назорати бонщармалари тузилган. Ушбу трансферт бадолар назорати бошвдрмалари томонидан асосан куйидаги учта гуру?; битимлар назорати амалга оширилади:

1. Узаро боглик ва бир-бирига буйсунувчи субъектлар уртасидаги суммаси белгиланган мивдордан ошиб кетган битимлар;

2. Узаро боглик ва бир-бирига буйсунувчи субъектлар уртасида бошка воситачилар инггирокида тузилган битимлар;

3. Суд томонидан назоратга олинган битимлар.

Солик органлари томонидан трансферт бахолар солик максадларида кулланиладиган бахолар билан таадосланади. Агарда трансферт бахолар солик солиш максадлари учун кулланиладиган бахолардан пастлиги аникланса, бу холда узаро боглик ва бир-бирига буйсунувчи субъектларда кушилган киймат солиги, фойда солиги, ер ости бойликларидан фойдаланганлик солик, жисмоний шахслар даромад солиш буйича кушимча солик хисобланади, шунингдек, улар пеня важарималари билан бирга ундириб олинади.

Узаро боглик ва бир-бирига буйсунувчи субъектларда трансферт бахоларни солик солиш нуктаи назаридан тугри фойдаланилганлиги куйидаги методлар асосида текширилади:

1) тавдослама бозор бахолари методи;
2) келгуси сотиш бахолари методи;
3) харажатлар асосида белгиланган бахолаш методи;
4) таккослама рентабеллик методи;
5) фойдани таксимлаш методи;
6) холис бахоловчи томонидан бахони белгилаш методи.

Трансферт бахоларни солик солиш максадларида тугри белгиланганлигини текширишда кулланиладиган самарали метод булиб харажатлар асосида белгиланган бахолаш методи хисобланади. Чунки товар, иш ёки хизмат ухшаш турининг (аналогининг) мавжуд эмаслиги бошка методларни кенг куллаш имконини бермайди. Транферт бахоларни товар, иш ёки хизматга кетган харажатлар асосида белгилаш солик солишда энг кичик база сифатида тан олинган таннархга асосланади. Ушбу метод ухшаши булмаган якка турдаги товарни ишлаб чикарувчилар, ишларни бажарувчилар ёки хизматларни курсатувчилар, шу жумладан, узаро боглик ва бир-бирига буйсунувчи корхоналарда солик солишнинг минимал базаси хисобланган таннархни реал аницлашга, шунингдек, таннарх устига куйилпш фойдани тугри топилганлиги хамда уни соликка тугри тортилганлигини аниклаш имконини беради.

Мавзуга онд таянч атамалар

Бадо - бу товар, махсулот, иш ва хизматларнинг пул бирлигидаги нархи.

Сотиб олиш бахоси сотиб олувчи учун харид килинган товар, иш ёки хизматнинг таннархи.

Сотиш бадоси сотувчи учун сотилаётган товар, махсулот, бажарилган иш ёки курсатилган хизматлар таннархи хамда унинг устига куйилган устама суммаси.

Трансферт бахо - бу такдослаш имкони булмаган товар, иш ва хизмат турлари учун иккита томон, шу жумладан, бир-бирига боглик ва буйсунувчи, одатда, бигта гурухга кирувчи юридшс шахслар уртасида тузиладиган индивидуал битимлар учун белгиланадиган махсус нарх.

Мавзу буйича назорат саволлари

1. Бахо нима ва унинг кандай турлари бор?
2. Бахони шакллантириш буйича карорлар кабул килишдан максад нима?
3. Бах,они шакллантириш буйича карорлар кабул килишда кандай омилларни хисобга олиш керак?
4. Сотиш бахоларини белгилашнинг кандай усуллари бор ва уларнинг характерли хусусиятлари нималардан иборат?
5. Трансферт бахолар нима ва уларни белгилашнинг кандай методлари мавжуд?
6. Трансферт бахоларнинг соликд тортиш максадларида шакллантиришдаги характерли хусусиятлари нималардан иборат?

ХХШ БОБ. СЕГМЕНТАР ХДСОБОТ[28]

23.1. Сегментар хиеоботнинг мох, и яги, турлари ва таркиби

Молиявий х,исоб сингари бошкарув эднсобининг хам якуний боскичи булиб хдсобот х,исоблаиади. Бошкдрув хисобида хисобот деганда бошкдрув х,исоби сегментлари кесимида тезкор маълумотларни маълум хисобот даврлари учун у ёки бу шаклда жамлаш тушунилади.

Сегмент (лотинча segmentum) булак, яхлит нарсанинг бир кисми деганидир. Ушбу тушунчадан келиб чикиб, **сегментар *исобот** деганда яхлит иктасодий бирликнинг таркибий кисмлари фаолнят турлари, улар даромадлари, харажатлари, фойда ва бошка мухим курсаткичлари буйича тузиладиган хисобот тушунилади.

Халкаро молиявий хисоб амалиётида сегментар хисоботнинг турлари, таркиби, уни тузиш ва такдим этиш тартиблари махсус 14-сон МХХС «Сегментар хисобот»да белгиланган. Бошкарув сегментар Хисоботининг турлари, таркиби, уни тузиш ва **такдим** этиш тартиблари эса махсус меъерий хужжаглар билан белгиланмаган,

Бошкарув хисобида яхлит икгисодий бирлик хисобланган кор-хонанинг таркибий киемлари сифатида унинг жавобгарлик марказлари, масалан, таъминот булими, асосий ва ёрдамчи ишлаб чикариш цехлари, сотиш булими, савдо шахобчалари ёки марказлари (уйлари), турли бошка хизмат курсатувчи булинмалари каралади. Яхлит бизнеснинг таркибий киемлари сирасига асосий фаолият, инвестиция фаолияти, молиявий фаолият, ижтимонй фаолият кабилар киради. Мое равишда, бизнесдан олинган даромаднинг узи алохдда фаолият турларидан, шу жумладан, одатий фаолшгг, янги инновацион фаолият, тугатилаётган фаолиятдан олинган даромад, ички бозор ва экспорт фаолиятидан олинган даромад, алохдда товарларни сотишдан олинган даромад кабилардан ташкил топади. Бошкарув учун хар бир фаолиятнинг, махсулот туринииг харажатгирлиги, фойдалшшги ута мухим хисобланади. Шу боис хдм хдр бир фаолият, махсулот тури буйича «даромад-харажат-фойда» курсат-кичлари занжирини узида мужассамлаштирувчи хисобот шаклларини тузиш ва улардан самарали бошкарув карорларини кабул кдлишда бевосита фойдаланиш ута мухим хисобланади

Юкоридагилар ва бошка омиллар корхоналарда ташки ахборот фойдаланувчилар учун тузиладиган молиявий хисоботдан ташкари узлари учун самарали бошкарув карорларини уз вактида кабул килиш

[23] Ушбу боб мустяжал тадкикртчи У А. Щиринов билан хэнкорликда ёзидди.

максадида атрофлича ахборотларни берувчи ички бошкарув сементар хисоботларни тузишни хам объектив зарурат дилиб куяди. Бундай бошкарув сегментар хисоботларнинг бош максади булиб барча ички ахборот фойдаланувчиларнинг корхона фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун энг зарур булган атрофлича ахборотларга булган талабини кондириш хисобланади.

Бошкарув максадида тузиладиган бошкарув сегментар хисобот корхоналар томонидан мажбурий тарзда тузиладиган молиявий хисоботнинг таркибий кисми хисобланмайди, Шу боис хам бошкарув сегментар хисоботини тузиш мажбурий хисобланмайди. Бошкарув сегментар хисоботнинг мажбурий эмаслиги хамда унга дойр ягона тартибларни белгиланмагашшги сабабли дунё мамлакатларида уни турлича шакп ва мазмунда, таркибда, услубларда тузилаётганлиги куриш мумкин.

Шу билан бирга халкаро хисоб таълимотига кура сегментар бошкарув хисоботларнинг субъектлари ва объекта ари, уларда акс эттириладиган курсаткичлар тизимига куйилаётган умумий талаблар маълум даражада шакллантирилган. Чунончи, халкаро таълимотда бошкарув сегментар хисоботни тузувчи субъектлар сифатида иктисодий бирликларнинг жавобгарлик марказлари эътироф этилади. Бошкарув сегментар хисоботлар тузилиши лозим болтан жавобгарлик марказлари сирасига куйидагилар киритилади:

таъминот маркази - бу рахбари ишлаб чикаришни узлуксиз керакли мехнат кучи, воситалари ва предметлари билан таъминлаш учун жавобгар хисобланадиган корхонанинг таркибий булинмалари; бундай марказ уз ичига кадрлар булими ва таъминоти булимларини олади. Уларда кадрларга, мехнат воситалари ва предметлари булган талаб ва таьминотни режалаштириш, меъёрлаштириш ва хисобини юритиш бевосита бошкариш максадларидан келиб чикиб ташкил этилади.

**** харажат маркази*** - бу рахбари фавдт харажатлар учун жавобгар хисобланадиган корхонанинг таркибий булинмалари; бундай марказ булиб корхона рахбари ёки унинг ишлаб чикариш буйича муовинига буйсинадиган асосий, ёрдамчи ва хизмат курсатувчи булимлари хисобланади, ушбу булимларда асосий, ёрдамчи ва хизмат курсатишга оид ишлаб чщариш харажатларини режалаштириш, меъёрлаштириш ва Хисобини юритиш ишлаб чикариш омиллари хамда улардан фойдаланишни назорат килиш, тахлил килиш ва бошкариш максадларида ташкил этилади.

****фойда маркази*** - бу рахбари хам сотиш, хам харажатлар, хам фойда учун жавобгар хисобланадиган корхонанинг таркибий булинмаси;

бундай марказ булиб корхона рахбари ёки унинг режа-молия ишлари буйича муовинига буйсинадиган сотиш булими, режа-икгисод, молиялаштириш булими ва бухгалтерия булимлари хисобланади; ушбу марказ рахбари сотиш бахоларини, ишлаб чикариш ва сотиш хажмини, шунингдек, ишлаб чикариш ва сотиш таннархини назорат килади; мазкур марказда даромад ишлаб чикилган ва сотилган махсулотнинг пул бирлигидаги киймат, харажат - ишлатилган ресурсларнинг пул бирлигидаги киймат, фойда эса даромад ва харажатлар уртасидаги фарк сифатида аникланади, марказда пировардида асосий назорат килинадиган курсаткич булиб фойда курсаткичи хисобланади.

бом офис марказ ~ бу рахбари нафакат тушум, харажат ва фойда учун, балки капитал ва молиявий инвестициялар учун хам жавобгар хисобланадиган корхонанинг таркибий булими; бундай марказ булиб корхона рахбари бошчилигидаги бош офис хисобланади, унинг асосий максади ва вазифаси булиб корхонада нафакат фойда олиш, балки киритилган капитал ва молиявий инвестициялар рентабеллиги, инвестициялар даромадлилиги ва хусусий капитал купайишига эришишни таъминлаш хисобланади.

Халкаро хисоб амалиётида бошадрув сегментар хисоботни тузиш объектлари буйича хам яхлит фикр шакллантирилган. Бундай объектлар булиб корхонанинг бош бюджета ва алохида олинган курсаткичлар буйича тузиладиган бюджетлар эътироф этилади.

Корхона Бош бюджета (бизнес режа) ижроси буйича хисоботни тузишга масъул булиб корхона бош офиси рахбари хисобланади. Рахбар бош менежер сифатида жавобгарлик марказлари томонидан тузиладиган алохида курсаткичлар бюджетлари буйича тузиладиган хисоботларни кабул килади, улар бажарилишини назорат килади, шунингдек, уларга тузатишлар киритиш, ижросини таъминлашга вдратапган карорларни кабул килади, келгуси даврлар учун корхонанинг янги бизнес - режасини тузишга умумий рахбарликни олиб боради.

Алохида олинган курсаткичлар буйича бюджетлар ижроси тугрисидаги хисоботлар корхонанинг мое равишдаги жавобгарлик марказларига кирувчи булимлари томонидан тузилади (23.1-жадвалга каранг).

Бошкарув сегментар хисоботларга маълум талаблар хам кУйилади. Ушбу талаблар сирасига куйидагилар киради:

• уз вактидалилик - бу хисоботни унга зарурат пайдо булган вактда такдим этиш;

* етарлилик - бу ахборотнинг туликдиги, бирок уз ичига зарур булмаган ортикча ахборотларни камраб олмаслик;

23.1-жадвал

Корхоналарда бошкарув сегментар хисоботларни тузувчи жавобгарлик марказлари

№	Жавобгарлик марказларига кнрувчи булимларнинг номлари	Тузиш юклатошган бошкарув сегментар хнсоботларнннг номлари
	1. Бош офис маркази	
1	Корхона рахбарияти - бош офис	Корхона Бош бюджет (бизнес-режа) ижроси буйича йигма хисобот
	2. Таьминот маркази	
1	Кадрлар булими	*Кадрлар таъминоти ва штат жадвали бюджети ижроси буйича хисобот; *Мехнат сарфи бюджети буйича хисобот;
2	Таьминот булими	*Мехнат воситалари таъминоти бюджета ижроси буйича хисобот; *мехнат предмета таъминоти бюджети ижроси буйича хисобот, *Коммунал ва башка хизмат турлари (сув, газ, электр знергияси, бут, ёкилги, транспорт ва бопщалар) таъминоти бюджети ижроси буйича хисобот
	3. Харажат маркази	
1	Асосий ишлаб чикариш булими	*Ишлаб чикариш хажми бюджети ижроси буйича хисобот, *'Тугалланмаган ишлаб чикариш хажми бюджети ижроси буйича хисобот
2	Ёрдамчи ишлаб чикариш булими	*Ёрдамчи ишлаб чикариш хажми бюджети ижроси буйича хисобот *Тугалланмаган ёрдамчи ишлаб чикариш хажми бюджети ижроси буйича хисобот
3	Хизмат курсатиш б^линмалари	•Умумишлаб чикариш харажатлари хажми бюджети ижроси буйича хисобот
	4. Фойда маркази	
1	Сотиш булими	*Сотиш хажми бюджети ижроси буйича хисобот
2	Режа-иктисод ва молия булими	*Бевосита материал харажатлари бюджети ижроси буйича хисобот, *Мевосита мехнат ва иш хаки бюджети ижроси буйича хисобот;

		***Бевосига бошка ишлаб чикариш харажатлари бюджета ижроси буйича хисобот,** ***Йигма ишлаб чикариш харажатлари ва таннарх бюджета юкроси буйича хисобот,** *** Сотиш таннархи бюджета ижроси буйича хисобот** *** Сотиш ва бошкариш харажатлари бюджета ижроси буйича хисобот;** *** Бошка устама ишлаб чикариш ва ноишдаб чикариш харажатлари бюджета ижроси буйича хисобот;** ***Соликлар бюджета ижроси буйича хисобот;** *** Молиялаштириш манбалари бюджета ижроси буйича хисобот;** ***Капитал ва молиявий инвестициялар бюджета шкроси буйича хисобот**
3	**Бухгалтерия**	*** * Бухгалтерия баланси бюджета ижроси буйича хисобот;** **•Молиявий натижаяар курсаткичлари бюджета ижроси буйича хисобот,** ***Пул окимлари бюджета ижроси буйича хисобот;** **•Хусусий капитал бюджети ижроси буйича хисобот;** ***Дебиторлик ва кредагшрлик карзлар бюджети ижроси буйича хисобот**

• максадлилик - ахборотнинг бошкарув максади хусусиятини камраб олганлиги;

• манзшшшик - х;исоботнинг конфидиндиаллнк тамойилига тулик амал килинган холда факат масъул ходимларга етказилиши,

• объективлилик - бошкарув учун зарур ахборотларни шакллан-тиришда хатоликларга йул куймаслик;

• таккосламалилик -хисобот маълумотларининг вакт буйича ва корхона жавобгарлик марказлари буйича таккосланиш имкониятига эгалиги,

• тежамкорлик - бошкарув сегментар хисоботларни тузиш харажат-ларини уларни фойдаланишдан куриладиган самарадан ортиб кетмаслиги.

Бошкарув сегментар хисоботларни тавдим этиш муддатларини бузиш уларда акс этгирилган маълумотлар кимматини пасайишига олиб келади, бошкача айтганда бундай хисоботлар оператив кдрорларни кабул кипишда нафсиз булиб колади. Шу боис хам, сегментар хисоботларни уз вактида - талаб килинган вактда, хар соатда, хдр сменада ёки иш куни охирида бериш фойдали. Айрим сегментар хисоботларни талаб этилган даврларда - хар хафтада, бир ойда ёки бошка белгияпган вактда бериш максадга мувофик. Шунингдек, у ёки бу объект тугрисида маълумотларни айрим гурух фойдаланувчиларга, масалан, куйи ва урта бутан бошкарув менежерларига батафсил тарзда хар куни, юкори бугин менежерларига эса улар тугрисидаги хисоботларни хафтасига ёки ой охирида жамланган холда бериш талаб кшшнади.

Айрим объектлар тугрисидаги бошкарув хисоби ахборотлари уларнинг хар бир узгаришидан кейин реал вакт режимида тегишли бошкдрувчиларга етказшшши лозим. Масалан, корхонанинг молиявий холатига масъул булган юкори бугин менежери учун валюта курслари ёки биржа курслари, фонд бозори индекслари, кимматли когозлар котировкалари, товар ва хизматлар нархлари (тарифлари)ни кескин узгарганини тугрисидага оператив ахборотлар зудлик билан етказилиши лозим. Шунингдек,, рахбарларга корхона иктисодиётига путур етказиши мумкин булган ишлаб чикдришдаги кутилмаган узилишлар, норационал чикимлар ва йукотишлар тугрисида ахборотлар уларга дойр чораларни тезликда кабул килиш учун зудлик билан етказилиши керак.

Бошкарув сегментар хисоботлари аксариятини хар кунлик ёки хар хафталик, айримларини эса ой якунида берилиши етарлидир. Масалан, махсулот ва ярим махсулотларни ишлаб чикариш, яроксизликлар, меъёрлардан четланишлар, сотиш миадори ва киймати тугрисидаги сегментар хисобот маълумотлари, одатда, хар куни ёки хафтада бир марта тавдим этилади. Бозорга олиб чикилган алохида товарлар, иш ва хизматларнинг фойдалиги ва рентабеллиги тугрисида факатгина ойлик бошкарув хисоботлари маълумотлари асосида бир фикрга келиш мумкин. Худди шундай, узок муддатли инвестицион лойихалар буйича килинган ишлар, олинган натижаларнинг режа курсаткичларидан четланишлар и тугрисидаги ахборотларни хам ой якунлари буйича аниклаш мумкин.

Корхоналарда хакикий килинган харажатлар ва эришилган натижалар тугрисидаги бошкарув хисоботларини хисобот даври тугадш билан киска муддатларда шакллантириш ва менежерларга етказиш тизими яратилиши ута мухим.

Рацамли икгисодиётга у^{тиш}> замонавий АКТларни цуллаш бошцарув сегментар хисоботлари форматлари, уларни ички ахборот фойдаланувчиларга етказиш усулларига хам узига хос талабларни куймовда, Бугунги кунда сегментар хисоботларни факдт когоз шаклида узатиш уз долзарблиги йукотмокда, унинг урнига хисоботларни бевоеита компьютер экранига турли ранглардаги жадвал, диаграммалар, графиклар куринишларида такдим этиш авж олмовда.

Бошкарув сегментар хисоботлар шакл ва мазмунан ихчам, оптимал булиши, жуда куп сонли хисоб-китобларни кдмраб олмаганлиги хам мацсадга мувофивдир. Бошкарув сегментар хисоботларига тушунтириш хатларида, килинган тахлил натижаларида мавжуд четланишлар хисоб-китоблари, сабаблари ва сабабчилари,.бу четланишларни бартараф этиш буйича таклиф ва тавсиялар аник булиши лозим.

23.2. Бошкарув сегментар хисоботларни тузиш ва улардан фойдаланиш

Бошкарув сегментар хисоботларнинг характерли жихатларидан бири шундаки, уларни шаклан ва мазмунан стандартлаиггириб булмайди, Корхоналарда хар бир сегмент буйича тузилаётган бошкарув хисоботлар и формата, таркибий тузилиши, тузиш тартиблари, такдим этиш муддати ва бошка жихатлари буйича бир-биридан фаркланади.

Шу билан бирга халкдро таълимотда бошкарув сегментар хисоб от шаклларини тузиш негизига уларни кайси жавобгарлик субъектлари хамда объектлари буйича тузилишидан катьий назар назорат килиш тамойилига жавоб бериш тамойили асос килиб олиниши эътироф этилади. Ушбу тамойилга мувофик жавобгарлик субъектлари ва объектлари буйича тузиладиган сегментар хдсоботларда, ааваламбор, тузилган режа (бюджет) курсаткичлар и хамда улар хахконий ижросини ифодаловчи микдор ва нисбий курсаткичлар, шунингдек, улардаги четланишлар акс эттирилиши, тузилган хисоботларга бериладиган изох ва тушунтиришларда эса йул куйилган четланишларнинг кдндай омиллар эвазига юз берганлиги хамда четланишларнинг айбдорлари *уз* аксини топиши лозим булади. Айнан ушбу талабдан келиб чикиб, куйида корхоналар бош бюджета хамда айрим алохида олинган курсаткичлар буйича тузиладиган бюджетлар ижроси буйича сегментар хисоботларни тузиш тартибига хамда уларга берилиши лозим булган тушунтиришлар ва изохларга кискача тухталамиз.

Бош бюджет (бизнес режа) ижроси буйича сегментар хисоботни тузиш. Бош бюджет, олдинги бобларда таъкидланганидек, комплекс хужжат хисобланади. У уз ичига корхонанинг барча таркибий кисмлари, булимлари, филиаллари фаолиятига дойр асосий режа курсаткичларни олади. Бош бюджет (бизнес режа) ижроси буйича тузиладиган сегментар хлсоботда унинг хар бир курсаткичи буйича хисобот ойи учун белгиланган режа, у буйича хакидатда эришилган натижа, шунингдек, режа бажарилиши фоизи, режадан четланишлар мивдор ва пул бирлигида акс этгирилиши лозим. Айнан шундай талабдан келиб чикиб, Бош бюджет (бизнес режа) ижроси буйича тузиладиган сегментар хисоботни куйидаги шакпда тузиш максадга мувофикдир (23.2-жадвалга каран г)

23.2-жадвал

Бош бюджет (бизнес режа) ижроси буйича сегментар хисобот
йил_____ойи учун

№.	Курсат-кич	Ул-чов бир-лиги	Реж		Хакикатда бажарилган		Режа бажарилиши фоизи		Режадан четланиш	
			Йил-лик	Ой-лик	Иил боши-дан	Шу айда	Иил боши-дан	Шу ойда	Йил боши-дан	Шу ой-да

Ушбу сегментар хисоботни тузишга асос булиб хар бир курсаткич буйича жавобгарлик маркази томонидан тулгазилган хисоботлар хисобланади. Унинг асосида корхона рахбарияти тегишли жавобгарлик марказлари фаолиятига бахо беради, уларга дойр бошкарув карорларини кабул килади хамдарагбатлантириш ёки жазо тадбирларини белгилайди.

Сотиш бюджети ижроси буйича хисоботни тузиш. Ушбу бюджетни фойда марказига кирувчи сотиш булими тузади Мазкур хисоботни йиллик, чораклик ва ойлик бизнес-режа курсаткичлари хамда хакикатда эришилган натижаларни ифодаловчи хисоб регистрлари асосида хисобот ойнинг хар декадасида куйидаги шаклда тузиш максадга мувофикдир (23.3-жадвалга каранг).

23.3-жадвал

Сотиш бюджети ижроси буйича сегментар хисобот
йил_____ойи учун

Махсулот номи	Сотиш хажми рвжаси		Хакшдода сотиш хажми		Режа бажарилиши фоизи		Режадан четпаниш	
	Ой бо-ши-дан	Шу дека-да-да	Ой бо-ши-дан	Шу дека-да-да	Ой бо-ши-дан	Шу дека-да-да	Ой боши-дан	ШУ дека-да-да
А махсулот								
Б махсулот								
Жами								

Ушбу сегментар хисоботни тузишга асос булиб сотиш булими томонидан даромадларни махсулот турлари буйича акс эттирувчи аналитик жадваллар хисобланади. Мое равишда ушбу аналитик жадваллар корхона бухгалтериясида юритиладиган тайёр махсулотлар соташишини акс эттирувчи хисоб регистрлари, омбор мудирлари хисоботлари хамда омбор хисоби карточкалари маълумотлари асосида тузил ади. Сотиш бюджети буйича тузилган сегментар хисобот асосида корхона рахбарияти фойда марказига кирувчи сотиш булими фаолиятига бахо б ер ади, унга дойр бошкарув карорларини кабул килади хамда рагбатлантириш ёки жазо тадбирларини белгилайди.

Сотиш хажмини таъминловчи тайёр махсулотлар колдига бюджети ижроси буйича хисоботни тузиш. Ушбу бюджетни ҳ,ам фойда марказига кирувчи сотиш булими тузади. Мазкур хиеоботнинг ахамияти шундаки унинг асосида тайёр махсулотларнинг мавжуд колдиги кейинги хисобот даврларида белиланган сотиш режасини бажарилиши учун тегишли захирани таъминланганлигини олдиндан назорат килиш имконини беради. Ушбу хисботни хисобот ойнинг хар декадасида Куйидаги шаклда тузиш максадга мувофивдир (23 4-жадвалга каранг).

23.4-жадвал

Сотиш хажмини таъминловчи тайёр махсулотлар колдиги бюджети ижроси буйича сегментар хисобот

йил_____оби учун

Махсулот номи	Сотиш хажми режаси		Хақиқатда мавжуд тайёр махсулот ЮЛДИИ		Сотиш режа бажарилиши таъминоти фоизи		Режа бажарилиши таъминотидан четланиш	
	Ой бошидан	Шу декада-да	Ой бошига	Шу декада бопш-га	Ой бошига	Шу декада бошига	Ой бопш-га	Шу декада бошига
А махсулот								
Б махсулот								
Жами								

Ушбу сегментар хисоботни тузишга асос булиб корхона бухгалтериясида юритиладиган тайёр махсулотлар хисоб регистрлари, омбор мудитлари хисоботлари хамда омбор хисоби карточкалари маълумотлари хисобланади. Сотиш хажмини таъминловчи тайёр махсулотлар колдиги бюджети буйича тузилган сегментар хисобот асосида корхона рахбарияти харажат марказига кирувчи ишлаб чикариш булими хамда фойда марказига кирувчи сотиш булими фаолиятига бахо беради, уларга дойр бошкарув карорларини кабул килади хамда рагбатлантириш ёки жазо тадбирларини белгилайди.

Махсулот ишлаб чикариш бюджети ижроси буйича хисоботни тузиш. Ушбу бюджетни харажат марказига кирувчи ишлаб чикари булими тузади. Мазкур хисоботнинг ахамияти шундаки, унинг асосида тайёр махсулотлар ни солги ш режаси ва улар меъёрий колдигини ушлаб туриш режасини бажарилиши таъминланади. Мазкур хисобот ушбу режалар бажарилиши таъминланганлик холатини олдиндан назорат килиш имконини беради. Ушбу хисботни хисобот ойи бошидан хар куни (керак булса хар сменада) куйидаги шаклда тузиш максадга мувофикдир (23.5-жадвалга каранг).

23.5-жадвал

Тайёр махсулотларии ишлаб чикариш бюджета ижроси буйича сегментар хисобот

йил_____ойиучун

Мах,сулот номи	Ишлаб чикариш режаси		Ишлаб чикариш режа бажарилиши		Ишлаб чикариш режа бажарилиши		Режа бажарилиши-дан четланиш	
	Ой боши-дан	Шу кун-да	Ой бо-ши-дан	Шу кунда	Ой бо-ши-дан	Шу Кj-ида	Ой боши-даы	Шу кунда
А мадсулот								
Б махсулот								
Жами								

Ушбу сегментар хисоботни тузишга асос булиб корхона бухгалтериясига топшириладиган ишлаб чикариш хисоботлари, тайёр махсулотлар буйича хисоб регистрлари, омбор мудирлари хисоботлари хамда омбор хисоби карточкалари маълумотлари хисобланади. Ишлаб чикариш бюджета буйича тузилган сегментар хисобот асосида корхона рахбарижти харажат марказига кирувчи ишлаб чикариш цехлари фаолиятига бахо беради, уларга дойр бошкарув карорларини кабул килади хамда рагбатлантириш ёки жазо тадбирларшш белгилайди.

Ишлаб чикариш режаси бажарилиши учун зарур материаллар хариди ва улар меъёрий колдиги бюджети ижроси буйича хисоботни тузиш. Ушбу хисоботни харажатлар маркази ва таъминот маркази хамкорликда тузади. Мазкур хисоботнинг ахамияти шундаки, унинг асосида кейинги хисобот даврларида белиланган ишлаб чикариш режасини бажарилиши учун тегишли материал захираларини таъминланганлиги, шунингдек, материаллар хариди ва омборларга кирими олдиндан назорат килинади. Ушбу сегментар хисоботни тузишга асос булиб корхона бухгалтериясида юритиладиган материаллар хисоб регистрлари, омбор мудирлари хисоботлари хамда омбор хисоби карточкалари маълумотлари хисобланади. Ишлаб чикариш хажмини таъминловчи материаллар харидир ва колдиги бюджети буйича тузилган сегментар хисобот асосида корхона рахбарияти таъминот ва харажат марказлари фаолиятига бахо беради, уларга дойр бошкарув карорларини кабул килади хдмда рагбатлантириш ёки жазо тадбирларини белгилайди.

Ишлаб чикариш режаси бажарилиши учун зарур материаллар хариди ва улар меъёрий колдиги бюджети ижроси буйича хисоботни хисобот ойнинг хар декадасида куйидаги шаклда тузиш мацсадга мувофикдир (23.6-жадвалга кдранг).

23.6-жадвал

Ишлаб чикариш режаси бажарилиши учун зарур материаллар хариди ва улар меъёрий колдиги бюджети ижроси буйича сегментар хисобот

йил_____ойи учун

Материал тноми	Ишлаб чикариш хажми режаси		Хдоикэтда мавжуд материаллар колдигии		Ипшаб чикариш режа бажарилиши таъминоти фоизи		Режа бажарилиши таъминотидан четланиш	
	Ой бошидан	Шу дскада-да	ОЙ бо ши-та	Шу декада боши-га	Ой боши-га	Шу декада боши-га	Ой бошига	Шу декада бошига
А материал								
Б материал								
N материал								

Фойда ва зарарлар курсаткичлари бюджети ижроси буйича сегментар хисобот. Ушбу хисоботни бош офис талабига кура фойда марказита кирувчи барча булимлар, чунончи режа-шсгисод ва молия булимлари хамда бухгалтерия хамкорликда тузади. Ушбу хисоботни чораклар ва уларнинг ойлари кесимида куйидаги шаклда тузиш максадга мувофикдир (23.7-жадвалга каран г).

23,7-жадвал

Молиявий натижалар курсаткичлари бюджети ижроси буйича сегментар хисобот

йил_____они учун

Курсаткичлар	Бизнес режа		Хахикзтда		Режа бажари-лиши фоизи		Режа бажаршшшидан четланиш	
	Чорак учун	£Лу ой учун	Чорак боши-дан	Шу ойда	Чорак боши-дан	Шу ойда	Чорак боши-дан	Шу ойда
Соф тушум								
Сотиш таннархи								
Ялпи фойда								
Сотиш харажат-лари жами								
*сотиш харажатлари								
*бопщарув харажатлари								
•бошка операцион харажатлар								
Асосий фаолият-нингбошца даромадпари								
Асосий фаоли-ят дан фойда (чарар)								
Молиявий фао-латг даромадлари								
Молиявий феодал- харажатлари								
Умумхужалик фаолиятидан фойда (зарар)								
Фавкулоддага фойда								
Фавкулоддаги зарарлар								
Солшдача фойда								
Фойда со лиги								
Соф фойда								

Ушбу сегментар хисоботни тузишга асос булиб корхона бухгалтериясида юритиладигая барча даромадлар ва харажатлар, соликлар

ва туловлар хисоб регистрлари, хисобланади. Мазкур хисобот асосида корхонанинг барча марказлари фаолиятига бахо берипади, уларга дойр бошкарув карорларини кабул кшшнади, рагбатлантириш ёки жазо тадбирларини белгиланади.

Мавзуга оид таянч атамалар

Сегмент (лотинча segmentum) - булак, яхлит нарсанинг бир кисми.

Сегментар хисобот - яхлит икхисодий бирликнинг таркибий кисмлари фаолият турлари, улар даромадлари, харажатлари, фойда ва бошка мухим курсаткичлари буйича тузиладиган хисобот.

Жавобгарлик марказлари - бу июгисодий бирлик хисобланган корхонанинг таркибий кисмлари.

Мавзу буйича назорат саволлари

Сегментар хисобот нима ва унинг кандай турлари бор?
Сегментар хисоботнинг алохида турлари кандай тузилади?

ФОЙДАЛАНИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР ВА АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

Асосий адабиётлар ва ахборот манбаларн

1. Узбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тугрисида»ги конуни. 2016 йил 13 апрель.

2.Узбекистон Республикасининг Солик Кодекси. — Т.: «Норма», **2020.**

3.>>2017-2021 йилларда Узбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши буйича Х,аракатлар стратегияси». Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича харакатлар стратегияси тугрисида» 4947-сон фармони билан: тасдикланган.

4. «Махсулот (иш,хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатларининг таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисида Низом». Уз.Р. ВМ нинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон карори билан тасдикланган (кейинги узгартириш ва кушимчалар билан).

5. Мирзиёев Ш.М. Танкидий тахлил, каткий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - хар бир рахбар фаолиятининг кундалик коидаси булиши керак. Узбекистон Республикаси Президента Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мулжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим устувор йуналишларига багишланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. //Халк сузи, 2017 йил 17 январь.

6. Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошкарув хисоби. Дарслик. - Т.: «Янги нашр»,2011.-312 бет.

7. Жураев Н., Абдувахидов Ф., Сотиволдиева Д. Молиявий ва бошкарув хисоби. Дарслик. - Т.: «Молия-иктиссд» нашриёти, 2012. 481 бет.

8. Каримов А.А. ва бошкалар. Бухгалтерия хисоби. Дарслик. -Т.: «Шарк», 2004. - 592 б.

9. Бахрушина М.А. Международные стандарты финансовой отчетности. Учебник - М: Издательство: Национальное образование, 2014.

Ю.Уразов К Б. Бухгалтерия хисоби ва аудит. Укув кулланма. Т.: «Укитувчи», 2004. -448 б.

П.Эргашева Ш. Бухгалтерский учет. -Т.: «Иктисод-молия», 2010-520с.

Кушимча адабиётлар:

1. Кутер М.И. Введение в бухгалтерский учет. Учебник,- М.: Майкоп: Элит,2015.

2. Браславцева НА., Михайлова Н.В., Гончаренко О.Н. Бухгалтерский уче. Учебник. - Растов на Дону. - Феликс, 2012, 318 стр. (Электронный ресурс)

3. Сотиволдиев А. Замонавий бухгалтерия хисоби. Дарслик. -Т.: УзР БАМА, 2005.-492 б.

4. Очилов И.К. ва бошкалар. Молиявий хисоб. Укув кулланма. -Т.: ТМИ, 2007. -486 б.

5. Узбекистан Республикаси бухгалтерия хисобининг миллий стандартлари - Т.: Норма, 2010.

6. Fуломова Ф. Бухгалтерия хисобини мустакил урганувчилар учун кулланма-Т.: Норма,2010. -509 б.

7. Узбекистан Реслубликаси бухгалтерия хисобининг миллий стандартларига шархлар туплами - Т.: Норма, 2010.-527 б.

8. Интернет сайтлари:

- www.el.tfi.uz
- www.ziyonet.uz
- www.bukh.ru
- www.referat. uz
- www.bilim.uz

МУБДАРИЖА

КИРИШ.....3

I булим. БУХГАЛТЕРИЯ ХДСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

I боб. Бухгалтерия хисобига кириш.....7

II боб. Бухгалтерия хисобининг предмети ва объсктлари.....19

Ш боб. Бухгалтерия хисобининг методи, уеуллари ва тамойиллари.....30

IV боб. Корхоналар хисоб сиёсати.....61

П булим. МОЛИЯВИЙ ХДСОБ

Y боб. Пул маблаглари хисоби.....74

YI боб. Х^соб-китоблар хисоби.....111

YII боб. Асосий восгаталар хисоби.....136

Yin боб. Номоддий активлар хисоби.....177

IX боб. Инвестициялар хисоби.....187

X боб. Матервалллар хисоби.....201

XI боб. Мехнат ва унга хак тулаш хисоби.....220

XП боб. Харажатлар хисоби.....287

XШ боб. Махсулот, товар (иш, хизмат)лар ва уларии сотиш хисоби.....316

XIY боб. Хусусий капитал хисоби 330

XY боб. Молиявий натижалар хисоби 348

XYI606. Соликлар ва бошка мажбурий туловлар хисоби.....364

XY1I боб. Молиявий хисобот.....428

Ш булим. БОНЩАРУВ ХДСОБИ

XУШ боб. Бошкарув хисобини ташкил этиш асослари.....463

XIX боб. «Хяражатлар-ишлаб чикариш-фойда» курсаткичларини бошкарув максадларида таснифлаш, бахолаш ва та х л ил килиш методлари.....472

XX боб. Махсулот таннархини калькуляция килиш уеуллари ва тшимлари.....487

XXI боб. Режалаштириш ва бюджетлаштириш.....517

XXП боб. Бахони шакллантириш буйича карор кабул килиш.....530

XXШ боб. Сегментар хисобот„.....542

Фобдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар ва ахборот манбалари.....556

QAYDLAR UCHUN

К.Б. УРАЗОВ, М.Э. ПУЛАТОВ

БУХГАЛТЕРИЯ ^ИСОБИ

ДАРСЛИК

Тошкент - «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» - 2021

Мухаррир: Ш.Кушербаева
Мусаввир: Дж.Адилов
Дюайнер: УОртиков
Компьютерда сахифаловчи: Ш.Миркосимова

E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 97-450-11-14,93-381-22-07.
Босишга рухсат этилди 29.12.2021.
Битами 60x84 Vie. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоги 35,25. Нашр босма табоги 35,0.
Тиражи 300. Буюртма № 173.

«Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi»
босмахоиасида чоп этилди.
Тошкент ш., Фозилтепа кучаси, 22-6 уй.

<<o

ISBN 978-9943-7670-6-5